

М.М.Миртожиев

ЎЗБЕК ТИЛИ
СИМАСИОЛОГИЯСИ

Тошкент-2010

М. М. МИРТОЖИЕВ

**ЎЗБЕК ТИЛИ
СЕМАСИОЛОГИЯСИ**

Тошкент
«MUMTOZ SO'Z»
2010

81.2Ў36

M57

Миртожиев, М.М.

Ўзбек тили семасиологияси / М.М.Миртожиев; масъул муҳаррир А.П.Ҳожиёв. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2010. – 288 б.

ББК 81.2Ў36-3

Кўлингиздаги монография сўз семантикасига бағишланган. Унда, асосан, лексик маъно, унинг чегараси, семантик таркиби, тараққиёти, типлари, миқдорига кўра сўз типлари, синоним, антоним ва коррелятив сўзларнинг моҳияти ҳақида маълумот берилади. Лексик маъноларнинг сўзлар синтагматик муносабатларидаги аҳамияти тадқиқ этилади. Таҳлиллар деярли дифференциал-семантик метод асосида олиб борилган.

Китоб филолог-бакалаврлар, магистрлар, аспирантларга ва тилшунос жамоатчиликка мўлжалланади.

Филология фанлари доктори, профессор М.М.Миртожиевнинг “Ўзбек тили семасиологияси” номли дарслиги ўзбек тилшунослигининг яхлит мавзу сифатида ўрганилмаган соҳасига бағишланган. Муаллиф узок йиллар давомида шу соҳада иш олиб бормоқда. Бу борада эришилган ютуқлари дарсликнинг талабга жавоб берадиган даражада яқунланишини таъминлаган.

Семасиологияга оид кўпгина масалалар юзасидан ўзбек тилшунослигида бир фикрга келинмаганлигидан муаллифнинг айрим янги қарашлари баҳсли бўлиши мумкин. Лекин уларни ўзгартириш ёки олиб ташлашни лозим топмадик.

Масъул муҳаррир: ЎЗР Фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, ЎЗРФА академиги *Азим Пулатович Ҳожиёв*

Тақризчилар: филология фанлари докторлари, профессорлар: *Ё.Тоғжиев, Р.Расулов*

ISBN 978-9943-363-65-6

270062

NAMANGAN DAVLAT
UNIVERSITETI

Ahborot-resurs markazi

© М.М.Миртожиев, 2010

© «MUMTOZ SO'Z», 2010

К И Р И Ш

Референт, яъни объектив борлиқдаги нимадир: нарса, воқелик, белги, ҳаракат, ҳолат ва ҳ.лардан бири онгимизда акс этади. Бу тушунча деб қаралади. Тушунча маъно сифатида маълум бир фонетик шаклда ўз аксини топади¹ - сўз юзага келади. Сўз тил бойлигининг асосий бирлигидир. Тил орқали фикр билдиришга киришиллар экан, сўз материал вазифасини бажаради. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, сўз ўз маъноси билан берилаётган фикр учун асос, пойдевор вазифасини ўтайди. Сўзнинг юзага келишида эса бирламчи ўринда маъно туради. Сўз маъносини ўрганиш тилшунослик учун асос, пойдевор қимматига эга. Шунинг учун ҳам сўз маъносини тадқиқ этиш қадим-қадимларга бориб тақалади. Бу семасиологик тадқиқот ишларининг боши жуда кўҳна эканлигини кўрсатади.

Тил луғат бойлигининг тараққиёти сўз лексик маъноларининг ҳосила маъно бериши билан ҳам ўлчанади. Тилнинг бундай бойиши объектив борлиқнинг киши онгида акс этиб бориши билан боғлиқдир. Шунинг учун сўз лексик маъноси тараққиёти жуда қадимдан тадқиқотчилар диққатини ўзига тортиб келган. Эрамиздан бир неча аср илгариданоқ хитой ва ҳинд олимларини бу ҳодиса ўзига жалб қилди, бироқ улар унга тилшунослик нуқтаи назаридан эмас, фалсафий қарашдан туриб фикр юритдилар.² Аристотель эса метафорани сўзнинг ҳосила маъно бериши кўринишларидан бири деб ҳисоблаб, бадиий фикрлашнинг ўзига хос воситаларидан бири деб кўрсатди.³ Немис тилшуноси Ризелнинг гувоҳлик беришича, ўрта аср филологи Квителиан сўз ҳосила маъно (кўчма маъно) бери-

¹ Ғарбий Европа тилшунослари XIX аср охириданок референт онгда акс этиб, тушунчани ва у сўздаги маънони юзага келтиришини учбурчакли шаклда кўрсатиб беришган эди. Қрғг.: Ogden С.К., Richards Т.А. The Meaning of Meaning. 4-bul. – London. 1936. P. 11; Яна Қрғг.: Ullmann S. The Principles of Semantics. 2-bul. – Glasgow-Oxford. 1957. P. 72; Guiraud P. La sémantique. – Paris. 1957. P.28.

² Қрғг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: ИЛИЯ. 1959. С. 47.

³ Қрғг.: Аристотель об искусстве поэзии. – М.: Госполитиздат. 1957. С. 117. Деметрий ҳам шу фикрда бўлган. Қрғг.: Деметрий. О стиле // Античные риторика. – М.: Ичд. МУ. 1978. С. 251.

шининг 14 кўриниши борлигини қайд этган.¹ XV асрда Ўрта Осиёда яшаб ўтган мутафаккир Алишер Навоий туркий тилини форс тили билан қиёслаган ҳолда семантик имконияти жуда кенг эканлигини таҳлил қилиб берган.²

XIX аср боши ва ўрталарига мансуб тадқиқотчилар сўзларнинг ҳосила маъно беришини тадқиқ этиб, бир қатор масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилдилар. Унда эпитет, ўхшатиш, гипербола ва ҳ.лар тропнинг бир тури бўла оладими, синекдоха метонимиянинг бир кўринишими, аллегория символдан қайси белгиси билан фарқланади, деган саволларга жавоб излаш асосий ўринда турди.³ Лекин уларнинг қилган хулосалари асосан услубият доирасида бўлган.

Сўзларнинг лексик маънолари тараққиётига тилшунослик нуқтаи назаридан эътибор дастлаб 1839 йил немис тилшуноси Карл Райзиг томонидан берилган эди. У ўзининг латин филологиясига бағишланган лекциясида сўз маъносини алоҳида семасиология деб номланган фан тармоғида ўрганиш кераклигини илгари сурди. Бунда у кўпроқ лексик маъно тараққиётини назарда тутган эди.⁴ Шундай қилиб, семасиология термини остида асосан сўз семантик тараққиёти ўрганиладиган бўлди. Аммо Рейзиг кўтарган масала тилшунослик оламига деярли маълум бўлмай қолиб кетди. Фақат 1897 йилга келиб француз тилшуноси Мишель Бреаль яратган ишгина Райзиг кўтарган масала янги фан сифатида тарқалиши учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бироқ бу ҳали семасиологиянинг фан сифатида тан олинмиши эди, холос. Шундан кейин сўз маъносини ва унинг тараққиётини ўрганишга бағишланган айрим ишлар ярала бошлади. Сўз маъноси ҳақидаги мақолалар ҳам юзага келди. Шуниси қизиқки, бу масалага бағишланган қатор мақолалар эълон қилинган бўлса ҳам, унинг ҳал қилинмаган томонлари ҳали бор.⁵

¹ Қрғ.: Riesel E. Abris der deutschen Stilistik. – М., 1954. С. 152.

² Қрғ.: Навоий Алишер. Танланган асарлар. III т. – Тошкент. 1948. 183-184 б.

³ Қрғ.: Adelung. Uber der duetsche Stil. 4-Auflage. – Berlin. 1800. С. 343; Gerber G. Die Sprache als Kunst. 2-Auflage. – Berlin. 1885. С. 78; Бен А. Стилистика и теория устной и письменной речи. – М., 1886. С. 8-19.

⁴ Бу маълумот И.В. Арнольддан олинди. Қрғ.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 47.

⁵ Қрғ.: Erdmann K.O. Die Bedeutung des Wortes. – Leipzig. 1925; Будагов Р.А. Слово и его значение. – Л., 1947; Смирницкий А.И. Значения слова // ВЯ. – 1955. №2; Ковтун Е.С. О значении слова // ВЯ. – 1955. №5; Курилович Е. Заметки о значении слова // ВЯ. – 1955. №3; Покровский М.М. Семасиологические исследования в области древних языков (1988) // Избранные работы по языкознанию. – М., 1959. С. 63-153.

Сўзнинг семантик тараққиёти масаласи семасиологиянинг энг муҳим томони бўлиб, унинг тарихи ва ҳозирги билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин шу билан бирга унинг бошқа томонлари ҳам бор. Бу асосан лексик маънонинг семантик таркиби, сўзнинг семантик ҳажмидаги аҳамияти, ўзаро парадигматик ва синтагматик муносабати ва ҳ. Шунга кўра семасиология бир неча йўналишларда тадқиқ этиб келинмоқда. Улар қуйидаги йўналишлар:

1. Лексик маъноларни мантиқий – семантик асосда тадқиқ этиш.

2. Лексик маъноларни семантик майдонларга ажратиш йўналишида тадқиқ этиш.

3. Лексик маъноларнинг синтагматик муносабатини тадқиқ этиш.

4. Лексик маъноларнинг парадигматик муносабатини тадқиқ этиш.

1. Лексик маъноларни мантиқий – семантик асосда тадқиқ этиш. Сўз семантик тараққиётини мантиқий-семантик асосда тадқиқ этиш семасиологияда алоҳида соҳа сифатида илгари сурилган даврдан аввал бошланган эди. Унда сўзларнинг асосан семантик тараққий этиши ва сабаблари ҳақида фикр юритилади. Сўз қандай ҳодисаларга кўра семантик тараққий этиши ҳақида немис тилшуноси Г.Пауль тўхталиб, уни тўртга деб кўрсатади: 1) ҳажмнинг торайиши ва ифоданинг бойиши (маънонинг ихтисослашуви); 2) тушунча мазмунининг кенгайиши билан боғлиқ ҳолда ифоданинг қашшоқлашуви; 3) макон, замон ва бирор сабабли алоқага кўра номнинг кўчиши; 4) уч асосий ҳодисадан бирига оид бўлмаган баъзи бир хил маъно ўзгариши.¹

Г.Паулнинг фикрига яна бир қатор тилшунослар қўшилгани ҳолда, юқоридаги ҳодисалар маъно тараққиётининг асоси деб қайд этадилар.² Шведцар тилшуноси Ст.Ульман Г.Паулга қўшилгани ҳолда, сўз семантик тараққиётида табу, эвфемизм, синестезия каби психик ҳодисалар ҳам аҳамиятга эга бўлган, деб қўшимча қилади.³ К.Балдингер синестезияни психик ҳодиса эмас, физиологик ҳодиса

¹ Қриг.: Paul G. Prinzipien der Sprachgeschichte. – Halle. 1920. S. 103.

² Қриг.: Darmsteter A. La vie des mots. – Paris. 1937; Breal M. Essai de Sémantique. – Paris/1921; Thomas R. Über die Möglichkeiten des Bedeutungswandels // Bayer. Blätter für die Gymnasialschulwesen. – 1894. S. 30; Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М.: Просвещение. 1958. С. 124.

³ Қриг.: Ullmann St. The principles of Semantics. – Glasgow. 1957. P. 193.

деб, маъно тараққиётларидан бири сифатида қарайди.¹ Рус тилшуноси В.А.Звегинцев ҳам сўз семантик тараққиётини мантиқий-семантик ҳодисалар нуқтаи назаридан туриб таҳлил қилишга қарши бўлмайди, балки унга қўшилади. Шунингдек, бунга у, халқ тарихи ва тилнинг таркибий хусусияти билан боғлиқ ҳолда таҳлил этишни илова қилиш керак, деб кўрсатади.²

Кўринадики, сўз семантик тараққиётини юзага келтирувчи мантиқий-семантик ҳодисалар асосан: 1) ифода, яъни маъно кенгайиши ва торайиши; 2) ҳосила маъно юзага келиши; 3) эвфемизм ва дисфемизм каби жараёнлардир. Яна айрим тилшунослар томонидан сўз семантик тараққиётини юзага келтиради, деб қайд этилган ҳодисалар ҳам бор. Масалан, Ст. Ульман табуни тилга олган. Бироқ табу сўз семантик тараққиётида ўз аҳамиятига эга эмас. У айрим лексик бирликларнинг халқ иримига кўра қўлланмаслиги ҳодисасидир.³ Яна синестезия ҳодисаси қайд этилган. Бироқ тилшуносликда уни метафоранинг кўринишларидан бири, яъни ҳосила маъно юзага келтирувчи ҳодиса сифатида тан олинган.⁴ В.А.Звегинцевнинг фикрини албатта эътиборда тутиш лозим. Сўз семантик тараққиёти халқ тарихидан ҳоли ҳолатда тилда ўз аксини топмайди. Шунингдек, мантиқий-семантик ҳодисаларни ўзида акс эттирувчи сўз тил таркибий хусусиятидан ҳоли ҳолатда ҳеч қандай ўзгаришга учрамайди. Биз фақат ифоданинг бойиши ва қашшоқлашиши деб олинган мантиқий-семантик ҳодисанинг номланишига аниқлик киритиш тарафдоримиз. Бу ҳодиса ифодадаги сифат ўзгариши деб номланса, тўғрироқ бўларди. Чунки унда ифодадаги маъно кенгайиши ва торайиши ҳам, умумийлашиши ва хусусийлашиши ҳам, мавҳумлашиши ва аниқлашиши ҳам ҳисобга олинади. Г.Пауль томонидан 4-рақамда қайд этилган “ва ҳоказо” ҳодисасини ҳисобга олмасликни маъқул кўрдик. Чунки Г.Паулнинг ўзи ҳам уни аниқ кўрсатиб бермаган.

Киришнинг бу қисмида семасиологиянинг лексик маъноларини мантиқий-семантик асосда тадқиқ этилиши юзасидан фикр юритилган. Маълумки, сўз ҳосила маъносининг юзага келиши ҳам шу

¹ Қрғ.: Baldinger K. Die Semasiologie. – Berlin. 1957. S. 27.

² Қрғ.: Звегинцев В.Л. Семасиология. – М.: Изд. МГУ. 1957. С. 236-261.

³ Қрғ.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Ч.П. – М.: Учпедгиз. 1954. С. 48; Ахманова С.О. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ. 1966. С. 467; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М.: Просвещение. 1967. С. 98.

⁴ Қрғ.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 70.

йўналиш асосида ўрганилади. Бу ходисани Г.Пауль тасниф қилиб кўрган эди: 1) атокли отнинг турдош отга ва турдош отнинг атокли отга кўчиши, 2) метафора, 3) макон, замон ва каузал алоқадорликка кўра маъно кўчиши, яъни метонимия, деб уч кўринишга бўлди.¹ Ст.Ульман 1) метафора, 2) метонимия, 3) халқ этимологияси, 4) сифат субстантивацияси деб тўрт кўринишда кўрсатди.² Ж.Марузо луғатида 1) метафора, 2) метонимия, 3) синекдоха деб уч кўринишда қайд этилди.³ Умуман Фарбий Европа тилшунослигида ҳам, рус тилшунослигида ҳам сўз ҳосила маъноси юзага келишининг кўринишларини белгилашда қатъий қарорга келинган эмас. Совет тилшунослигида у иккитадан бошлаб етти кўринишгача ажратилади.⁴ Бу ишда уларга нисбатан муносабат ва тасниф III бобда муфассал берилади. Шунинг учун бу ўринда тўхтаб ўтирилмади.

Сўз семантик тараққиётини юзага келтирувчи мангикий-семантик ходисалар содир бўлиши учун ҳам маълум сабаблар бор. Бу ҳақда айтилган фикрлар ҳам хилма-хил. М.Бреаль сўзларнинг семантик ўзгариши учун сабаб деб синонимларнинг дифференциация қилиш қонуниятини кўрсатади.⁵ Г.Шпербернинг кўрсатишича, унга экспансия ва аттракция сабабчидир.⁶ К.Балдингер бунинг учун фақат тафаккурнинг умумий қонуниятини сабаб деб билади, яъни экстралингвистик сабабни илгари суради.⁷ Ст.Ульман: “Маънолар олами, бошқа қонуниятларга тобе бўлса ҳам товушлар оламига қараганда унча чалкаш эмас” дейди.⁸ Шу билан у ҳам сўз семантик тараққиётини экстралингвистик сабабдан келтириб чиқаради. Э.Велландер сўз семантик тараққиётини

¹ Қрғг.: Paul G. Prinzipien der Sprachgeschichte. – S.113-116.

² Қрғг.: Ullmann St. Words and their Use. – New York, 1951.

³ Қрғг.: Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – 1960.

⁴ Қрғг.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – С. 57-58; Левковская Л.А. Лексикология немецкого языка. – М.: УПИМП. 1956. С. 45-47; Галкина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М., Современный русский язык. Ч.1. – М.: Изд.МУ. 1957. С. 18; Агаян Э.Б. Введение в языкознание. – Ереван. Госиздат. 1959. С. 220-221; Мусабасв Г.Г. Современный казахский язык. Лексикология. – Алма-Ата: Мектеп. 1959. 25-б.; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 60; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 54-60; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи. 1963. 63-б.; Шмелев Д.Н. Современный русский язык. Лексика. – М.: Просвещение. 1977. С. 84; Русский язык / Под ред. Л.Ю.Максимова. – М.: Просвещение. 1978. С. 15; Современный русский язык. Ч.1. / Под ред. Д.Э.Розенталя. – М.: ВШ. 1979. С. 11-14.

⁵ Қрғг.: Breal M. Essai de Sémantique. – P. 30.

⁶ Қрғг.: Sperber H. Einföhrung in die Bedeutungslehre. – Bonn-Leipzig. 1923.

⁷ Қрғг.: Baldinger K. Die Semasiologie. – S. 38.

⁸ Қрғг.: Ullmann St- Words and their Use. – P. 82.

интралингвистик сабаб ҳам ўз аҳамиятига эгаллигини айтади. Бу интралингвистик сабаб сўз бирикувларида, маълум кечимга кўра, сўз тушиб қолиб, унинг маъно ва вазифасини бошқа сўз олиши, деб изоҳлайди.¹ С.Эман бунга сўзларнинг маълум бир бирикма таркибида келиши, яъни фразеологик боғлиқлигини ҳам қўшади.² Худди шу фикр Г.Шпербер томонидан тилга олинган эди.³ Бу қарашлар бир қатор рус тилшунослари томонидан ҳам ўз вақтида айтиб ўтилганлигини кузатамиз.⁴

Кўринадики, сўз ҳосила маъноси юзага келиши сабаблари ҳақида бир фикрга деярли келинган. Бу сабабларни туб моҳияти нуқтаи назаридан икки типга бўлиш мумкин: 1) экстралингвистик сабаб, 2) интралингвистик сабаб. Интралингвистик сабаб яна: а) эллипсис, б) сўзларнинг ўзаро фразеологик боғлиқлиги каби иккига бўлинади. М.Бреаль қайд этган синонимлар дифференциацияси, Г.Шпербер қайд этган экспансия ва аттракция кабилар ҳосила маъно юзага келишида сабаб бўла олмайди: улар тилга оид ва мантикий ҳодисалардир.

Лексик маънолар лексикографик мақсадларда таҳлил этилган ва шу таҳлил учун тадқиқ этилган эди. Бу тадқиқотлар ҳам лексик маъноларни мантикий-семантик асосда тадқиқ этиш доирасида олиб борилган. У XX асрдан бошланган. Сўз лексик маънолари ва тараққиёти ҳақида айниқса, Ш.Балли, К.О.Эрдман ва Л.В.Шчерба каби тилшунослар қимматли фикрларини айтиб ўтишган. Гарчи Ш.Балли услубият юзасидан қилган ишлари ичида мазкур масалага йўл-йўлакай тўхтаб ўтган бўлса ҳам,⁵ К.О.Эрдман лексик маъно учун махсус асар бағишлаган ҳолда, унинг турли томонларини ҳам ҳал этишга ҳаракат қилган.⁶ Л.В.Шчерба эса лексик маъно масаласига лексикографик нуқтаи назардан муносабат билдирган.⁷ Бу соҳада айниқса, испан лексикографи Х. Касареснинг хизмати

¹ Қрғг.: Wellander E. Studien zum Bedeutungswandel In Deutschen. I-III. – Uppsala. 1923.

² Қрғг.: Ohman S. Wortinhalt und Wortbild // Vergleichende und methodologische Studien zu Bedeutungslehre Wortfeldtheorie. – Stockholm. 1951. S. 23.

³ Қрғг.: Sperber H. Einföhrung in die Bedeutungslehre. – S.

⁴ Қрғг.: Звегинцев В.А. Семасиология. – С. 256; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 65; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – М.: Просвещение. 1964. – С. 12-23.

⁵ Қрғг.: Bally Ch. Traité stylistique française. 2-éd. – Paris. 1921.

⁶ Қрғг.: Erdmann K.O. Die Bedeutung des Wortes. – Leipzig. 1925.

⁷ Қрғг.: Шчерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии // Избранные работы по языкознанию и фонетика. Сочинение. Т.1. – Л. Изд. ЛУ. 1958. С. 256-304.

катта. У испан тили изоҳли луғатини тузиш учун бағишланган китобида ҳатто айрим сўзларнинг семантик таркибини тўла ўрғаниш масаласида ҳам тадқиқотлар беради¹.

Сўзларнинг нутқда ўзаро боғланиши ҳеч маҳал эркин эмас.² Улар ўз семантик имкониятига кўра чегараланган бўлади. Сўз ўз лексик маъноси йўл қўйган имкониятдан келиб чиқиб айрим сўзлар билан бирика олади.³ Бу масала юзасидан дастлабки фикрларни рус тилшуноси В.В.Виноградов илгари сурди.⁴ Шу доирада В.А.Звегинцевнинг фикрлари ҳам мавжуд.⁵ Д.Н.Шмелев эса семасиологияга бағишланган очеркларининг бутун бир бобини фақат шу масалага қаратган. У бу ўринда рус тили материаллари асосида умуман семантиканинг синтагматик муносабатларини очиб беришга ҳаракат қилган.⁶ Яна М.М.Копиленконинг,⁷ Н.З.Кателованинг⁸ 70-80-йилларда яратилган монографияларини ҳам кўрсатиш мумкин. Буларнинг айниқса кейингиси асосан лексикографик мақсад билан яратилган. Бундай мақсадда яратилган рус тилидаги мақолаларнинг яна бир нечтасини кўрсатса бўлади. Уларнинг кўпида маълум сўзларнинг семантик тараққиёти ва бириқиш имкониятлари ҳақида гап боради.⁹ Француз тилшунослигида ҳам сўз семантик тараққиётини шундай лексикографик мақсадда таҳлил этишга эътибор берилган. Бунга бир нечта мақолаларни кўрсатишимиз мумкин.¹⁰ Бу соҳа ўзбек тилшунослигига ўтган асрнинг 60-йил-

¹ Крнг: Касарес Х. Введение в..., ...лексико графико. – М.: Изд. ИЯ. 1958.

² Крнг.: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – М.: Наука. 1974. С.4.

³ Крнг.: Звегинцев В.А. Семасиология. – С. 125; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 183; Кўчкортоев И. Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1973. 3-сон. 35 б.

⁴ Крнг. Виноградов В.В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке // А.А.Шахматов. – М.: Наука. 1947; Ўша муал.: Грамматическое учение о слове // Русский язык. – М. – Л.: Наука. 1947; Ўша муал.: Основные типы лексических значений слова // ВЯ. – 1853. №3.

⁵ Крнг.: Звегинцев В.А. Семасиология.

⁶ Крнг.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 185-211.

⁷ Крнг.: Капыленко М.М. Сочетаемость лексем в русском языке. – М.: Просвещение. 1979.

⁸ Крнг.: Кателова Н.З. Значение слова и его сочетаемость – Л.: Наука. 1975.

⁹ Крнг.: Скороходько Э.В. Форма и содержание определений в толковых словарях // НДВШ. Филологические науки. – 1965. №1; Леонтьева А.Н. Семантический анализ и смысловая полнота текста. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 1968; Апресян Ю.Д., Жалковский А.К., Мельчук И.Я. Об одном способе изучения сочетаемости слов // Русский язык в национальной школе. – 1969. №6.

¹⁰ Крнг.: Imbs P. Au seuil de la lexicographie // Cahiers de lexicologie. – 1960. Vol. 2.; Dubois J. Distribution, ensemble et marque dans le lexique // Cahiers de lexicologie. – 1964-1/ vol. 4; Rey A. Typologie genetique des dictionnaires // Linguages. La lexicographie. – 1970. 19.

ларидан кейин кириб келди. Шунга қарамай, у ўзбек тилида ҳам энг ривожланган соҳалардан бирига айланди ва бир қатор гадкиқот ишлари ҳам юзага келди.¹ Бу йўналишнинг энг характерли томони сўз семантик таркибини илмий ўрганиш ва унинг сўзлар билан бирикув имкониятларини аниқлашдан иборат. Шунингдек, сўз семантик тараққиётига ҳам эътибор берилган, бироқ бу ҳар бир сўзга хусусий ёндашишдан нарига ўтмаган. Умуман, бу лексикографик мақсаддаги тадқиқот ишлари ҳам сўз семантикасига ва унинг тараққиётига ёндашиши жиҳатидан лексик маъноларни мангиқий-семантик асосда тадқиқ этиш доирасида қолади.

2. Лексик маъноларни семантик майдонларга ажратиш йўлидаги тадқиқотлар. Сўзни семантик майдонларга ажратиш тадқиқ этиш 1930 йилларда немис тилшуноси Й.Трир томонидан илгари сурилган эди. Унинг шу йиллар ичи бир неча асар ва мақолалари эълон қилинди.² Бунда у “тушунча майдони”дан келиб чиқиб фикр юритди. Унинг таъбирича, ҳар бир сўз бир “тушунча майдони”га киради ва ҳеч бири оралик ҳолатида қолмайди. Шунингдек, сўзлар бир-бири билан туташмайди. Сўз маъносининг тарихий тараққиёти ўзгармас ҳолда тузилган майдоннинг қайта қисмларга бўлинишидир.

Й.Трирнинг семантик майдонлар ҳақидаги назариясини унинг ватандоши Л. Вайсгербер давом эттирди. Унинг фикрича, тил объектив борлиқ билан кишилиқ онги ўртасидаги оралик оламдир. Шунинг учун ҳам, турли халқлар ташқи объектив борлиқни турли тил воситасида турлича тушунтирадилар. Сўзнинг маъноси шу сўзнинг қайси сўзлар гуруҳига кириши, яъни қайси майдонда эканлигига қараб белгиланади.³

¹ Қрғ.: Шарафутдинова К.Л. Раскрытие значений слова в двуязычном словаре. – Ташкент: Фан. 1968; Садыкова М. Слова, обозначающие цвет и окраску в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1963; Абдурахманов И. Полисемия и антонимия в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1973; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имён существительных места в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1974; Тожиматов Х. Сифат ссемеясининг реаллашувиди контекст. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2007.

² Қрғ.: Trier J. Der deutsch Wortschats im Sinnbezirk des Verstandes. Heidelberg. 1931; Die Worte des Wissens // Mitteilungen des Universitätsbundes. – Marburg. 1931; Sprachliche Felder // Zeitschrift für deutsche Bildung. – 1932. Bd. 8. Hf. 9. S.417-425; Deutsche Bedeutungsforschung. – Germanische Philologie: Ergebnisse und Aufgaben. Festschrift für Obelohel. – Heidelberg. 1934. S. 173-200.

³ Қрғ.: Weisgerber L. Wom Weltbilder der deutschen Sprache. - Düsseldorf. 1950.

Й.Трир ва Вайсгерберлар бирор сўзга оид маънони шу сўздан келиб чикиб эмас, балки тушунчалар майдонидан келиб чикиб баҳолайди. Бунинг устига тушунчалар майдонини ўзгармас деб, идеалистик фикрни илгари сурадилар. Шунинг учун ҳам улар кўпгина тилшунослар томонидан танқидга учрадилар.¹ Й.Трир билан изма-из, лекин у билан мутлақо алоқасиз ҳолда, унинг ватандоши Г.Ипсен семантик майдонларнинг бошқача назариясини кўтариб чиқди. Бунда у морфологик белгини, сўзнинг ўзаро семантик муносабатига кўра тизимга киришини асос қилиб олди.² Унинг изидан А.Йоллес сўзларнинг коррелятив жуфтлигига кўра семантик майдонга ажралишини, бу ўзгармас семантик қолип эканлигини айтади.³ В.Порциг семантик майдонни яна бошқача талқин қилиб, маълум от туркумидаги сўз билан сифат ва феъл туркумидаги сўзлар боғлиқ бўлиши – элементар семантик майдон ҳақидаги фикрни билдиради.⁴ Ф.П.Филин сўзларни лексик-семантик муносабатларига кўра майдонларга ажратишни илгари сурди. Бунда кўпроқ семантиканинг бир турдан иборат эканлигини назарда тутди. Масалан, киши мучаси номлари; синонимик, антонимик қаторлар ва х.⁵ Ю.Д.Апресян сўзларнинг маълум маъноси дистрибуциясидан келиб чикиб семантик майдонни белгилайди.⁶ Бу билан у семантик майдон назарияси воситасида сўз семантик тараққиётини тадқиқ этиш учун йўл очади.

Бу соҳада энг кўп хизмат килгаи Г.С.Шчур ҳисобланади. Унинг 70 га яқин илмий ишлари эълон қилинган бўлиб, асарларининг кўпчилиги лингвистикадаги семантик майдонлар назариясига бағишлаган. Бу соҳада у тилнинг барча соҳаларидаги

¹ Қаранг.: Betz W. Überprüfung des Feldbegriffes // Zeitschrift für Vergleichende Sprochforschung auf dem Gebiet der i-g. Sprachen. – 1954. Bd. 71. Hf. 3-4. S. 189-198; Müller G. Wortfeld und Sprachfeld // Beiträge zur Einheit von Bildung und Sprache im Geistigen Sein. – Berlin. 1957. S. 155-163; Уфимцева А.А. Опыт изучения лексики как системы. – М., 1962, С. 44.

² Қрнғ.: Ipsen G. Der neue Sprachbegriff // Zeitschrift für Deutschkunde. – 1932. Bn. 46. Hf. 1.

³ Қрнғ.: Jolles A. Antike Bedeutungsfelder // Beiträge zur Geschichte der deutsche Sprache und Literatur. – 1934. S. 58. 70-97.

⁴ Қрнғ.: Porzig W. Wesenhafte Bedeutungsbeziehungen. – Beiträge zur Geschichte der deutsche Sprache und Literatur. – 1934. S. 58. 70-97.

⁵ Қрнғ.: Филин Ф.П. О лексико-семантических группах слов // Езиковедски исследования в чест на акад. Ст. Младенова. – София. 1957. С. 525.

⁶ Қрнғ.: Апресян Ю.Д. Дистрибутивный анализ значений и структурные семантические поля // Лексикографический сборник. – Вып. V. – М., 1962. С. 52-72.

семантик майдон назариясини таҳлил этиб беради.¹ Унинг айниқса, семантика, семантик тараққиёт доирасидаги майдон назарияси қимматли ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида сўз семантик майдонларини тадқиқ этиш ўтган асрнинг 80-йилларигача ҳали бошланган эмас эди. Фақат маълум семантик майдонга сўзларни ажратиб олиб, кейин унга семасиологиянинг бошқа йўналишларида ёндашиш бўлган. Бунга Д.Бозорованинг киши мучаси номларига, И.Абдурахмоновнинг кўлам сифатларига, Р.Юнусовнинг ўрин билдирувчи отларга, Т.Т.Мусаевнинг сезги билдирувчи феълларга бағишланган номзодлик диссертациялари; И.К.Кўчқортоевнинг нутқ феълларига бағишланган докторлик диссертациясини кўрсатиш мумкин.² Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам асосан мантикий-семантик таҳлил этилган ишлар ҳисобланади. Кейинги иккитасида лингвистик-семантик тадқиқот ҳам ўз ўрнини топган.

Ўтган асрнинг 40-йилларида сўзларни семантик майдонларга ажратишнинг янги методи юзага келди. Бу Прага мактаби томонидан илгари сурилган бўлиб, у дифференциал-семантик таҳлил этиш деб номланди.³ Бу метод асосида сўз лексик маъноси семема деб олиниб, компонентлари сема деб қаралади. Лексема семемалари умумлаштирувчи, яъни архисемага кўра бир семантик майдонни ташкил қилади. Бу семантик майдон майдончаларга, яъни гуруҳларга бўлиниб, улар интеграл семаси асосида ўзаро бирлашадилар. Семантик майдонга кирувчи ҳар бир лексема семемаси дифференциал семасига кўра бошқа семалардан ажралади. Шунга кўра айтиш мумкинки, дастлаб семантик майдонлар мантикий-семантик жиҳатдан ажратилган бўлса, бу методга кўра лингвистик-семантик жиҳатдан майдонларни ташкил қилади.

Сўз семантик майдонларини дифференциал-семантик таҳлил этиш методи дастлаб Прага мактабидан келиб чиққан бўлса ҳам, унинг тарқалиши даниялик Л.Ельмслевнинг Прага мактаби тўпла-

¹ Крнг.: Щур Г.С. Теория поля в лингвистике. М.: Наука. 1974.

² Крнг.: Базарова Д.Х. Семантика наименований части тела и производных от них в тюркских языках // Автореф. дисс. ...канд филол. наук. – Ташкент. 1967; Абдурахманов И. Плисемия и антонимия прилагательных притяженности в современном узбекском литературном языке. – Ташкент. 1973; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке. – Ташкент. 1974; Мусаев Т.Т. Глаголы ощущения в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1992; Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан. 1977.

³ Крнг.: Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. – М.: ВШ. 1974. С. 115.

мида 1943 йил нашр этилган маколasi билан боғлиқ.¹ Бирок бу метод дастлабки даврда жуда тор доирада: кариндош-уруғчилик, жонивор номлари, ҳарбий атамалар ва баъзи бир ихтисосга доир терминлар семантик майдонини таҳлил қилиш учун қўлланган эди. Бунда улар айрим терминларни дифференциация қилиш учун фойдаланганлар. Масалан, Ст.Ульман, Д.Н.Шмелев, Т.М.Гариповларнинг иши шу мақсадда ёзилган.² М.Матъонинг ишларига келиб бу доира анча кенгайди. У лексиканинг кенг қатламларида фарқловчи белгиларни таҳлил этиш асосларини очиб берди.³

XX асрнинг 60-йиллари охирига келиб дифференциал белгиларнинг анъанавий назариясига янги аниқлик киритилди. Бу Н.И.Толстой, Д.Н.Шмелев, Ю.А.Найда каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган.⁴ Шундан кейин семемаларни иерархик тартибда тузиш ғояси муҳокама этила бошланди. Бунда Б.Потье, Л.Г.Хеллер билан Й.Макрис, Н.И.Толстой, В.Г.Гак каби тилшуносларнинг ишларини ҳисобда тутиш жоиздир.⁵ Айниқса Б.Потье ва В.Г.Гакларнинг асарларида илгари сурилган масалалар диққатга сазовор бўлиб, унда семемаларни иерархик тартибда тузиш учун компонентларини архисема, интеграл сема, дифференциал сема, потенциал семаларга ажратади ва шуларга суяниш кераклигини айтади.⁶ Бу тизим билан лексема семемаларини тадқиқ этиш, айрим лексема семемаларининг келиб чиқиши кўринишини

¹ Қрғг.: Ельмслев Л. Прологомены к теории языка // Новое в лингвистике. Вып. I. – М.: Радуга. 1960.

² Қрғг.: Ullmann St. Semantics. An interaduction to the science of meaning. – Oxford. 1964; Шмелев Д.Н. Об анализе семантической структуры слова // Zeichen und system der Sprache. III Вп. – Berlin. 1966; Гарипов Т.М. О семантической дифференциации коррелирующих слов в близкородственных языках // Проблемы семантики. – М.: Наука. 1974. С. 369.

³ Қрғг.: Mathiot M. An approach to the cognitive study of language // International journal of American linguistics. Vol.34. – 1968. №1.

⁴ Қрғг.: Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии // Славянское языкознание. – М.: Наука. 1968. С. 339-365; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – М., 1965. С. 15; Найда Ю.Н. Наука перевода // ВЯ. – 1970. №4. С. 9.

⁵ Қрғг.: Pattier B. La définition sémantique dans les dictionnaires // Travaux de linguistique et de littérature. III. – Strasbourg. 1965; Heller G., Macris J. Parametric linguistics Mouton and Co. The Hague. – Paris. 1967; Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии.; Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики // Приблсны структурной лингвистики – 1971. – М.: Радуга. 1972.

⁶ Қрғг.: Pottier B. La définition semantique dans les dictionnaires. – P. 31; Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики... - С. 341.

аниклаб олиш учун ҳам имкон беради. Бу масала Н.И.Толстой мақоласида ҳам таҳлил этиб кўрилган.¹

Умуман сўз семантикасини лингвистик-семантик метод билан ўрганиш сўз семантик майдонини лингвистик тадқиқ этиш имконини берди. Бу семантик майдоннинг таркибига кириш ва таркибий поғоналарини номлаш, уларнинг иерархик тизимини, семемалари тараққиёти иерархик тизимини ўрганиш учун йўл очди. Ана шунга асосланиб тилшуносликда бир қатор илмий тадқиқот ишлари яратилди. Масалан, рус тилшунослигида О.Н.Селиверстованинг кўп маъноли сўзларнинг компонент таҳлилига,² Л.М.Васильевнинг русча феъллар семантикасига,³ В.Л.Ибрагимованинг русча йўналма ҳаракат феълларининг семантикасига⁴ бағишланган монографиялари юзага келди. Булардан биринчиси кўпроқ сўз семантик тараққиётини назарда тутса ҳам, қолган иккитаси феъл семантик майдонлари ва улар таркиби таҳлилига қаратилган тадқиқот ишларидир.

Сўз семантик майдонларини лингвистик-семантик асосда ўрганиш ўтган асрнинг 90-йилларидан ўзбек тилшунослигига кенг кўламда кириб кела бошлади. Бунга Р.Расуловнинг ҳолат феълларига,⁵ Ш.М.Искандарованинг отлардаги шахс микромайдонига,⁶ Н.Р.Нишонованинг “ҳайвон” архисемали лексемалар майдонининг мазмуний таҳлилига,⁷ С.Х.Муҳамедованинг ҳаракат феъллари семантикасига,⁸ Ҳ.Тожиматовнинг сифат семантикасига⁹ бағишланган диссертацияларини кўрсатиш мумкин. Ўз докторлик ишининг I бобида Р.Расулов ҳолат феъллари, С.Х. Муҳамедова ҳаракат феъллари семантик майдонини таҳлил этиб берган. Ҳ.Тожиматов номзодлик диссертациясида сифат туркумига оид

¹ Крнг.: Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной семасиологии. – С. 358.

² Крнг.: Селиверстова О.Н. Компонентный анализ многозначных слов. – М.: Наука. 1975.

³ Крнг.: Васильев Л.М. Семантика русского глагола. – М.: ВШ.1981.

⁴ Крнг.: Ибрагимова В.Л. Семантика русского глагола. Уфа: Изд. БУ. 1988.

⁵ Крнг.: Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентности. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент. 1989.

⁶ Крнг.: Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (шахс микромайдони). Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1999.

⁷ Крнг.: Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида “ҳайвон” архисемали семемалар майдонининг мазмуний таҳлили. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2000.

⁸ Крнг.: Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2007.

⁹ Крнг.: Тожиматов Ҳ. Сифат семемаларининг реаллашувида контекст. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2007.

сўзларни тўрт семантик майдонга ажратиб, тўрт архисема атрофида умумлашувини кўрсатган. Ш.М.Искандарова докторлик диссертациясида шахс микромайдонидаги отларни, Н.Р. Нишонова номзодлик диссертациясида ‘хайвон’ архисемали отларни таҳлил этган. Бу ишларнинг ҳар бирида семемаларнинг бир архисемага умумлашиши, турли интеграл семалар остида гуруҳланиши ва дифференциал семалар билан ўзига хосланиши изчил ҳолда тадқиқ этилган.

Сўзлар семантик майдонини лингвистик-семантик асосда тадқиқ этиш яна шу майдонга мансуб сўзларнинг семантик тараққиётини аниқлаш ва уларнинг бошқа сўзлар билан синтагматик муносабатини ҳам кўрсатиш имконини беради. Шунинг учун ҳам В.Г.Гак бу йўналиш семантика ва синтаксиснинг ўртасидаги узилишни йўқотишга уриниши билан катта ютуққа эга дейди.¹ Бунда сўзлар ўртасидаги семемалар таркибидаги умумий сема (классема, синтагмема)² ва ёрдамчи сўзда ифода этилган сиртки семалар аҳамият касб этади.³

3. Лексик маъноларнинг синтагматик муносабати тадқиқи анча илгарирокдан бошланган. Бунда чехиялик рус тилшуноси А.В.Добиашни эслашга тўғри келади. У нутқ учун энг зарури феъл деб билади.⁴ Ҳақиқатда ҳам гапни уюштирувчи сўз асосан феъл туркумида бўлади. Бунинг устига у, сўзлар нутқда бир-бири билан ўз маъносига кўра боғланади, деб кўрсатади.⁵ Бу билан у феъллар маъноси асосида, шундан келиб чиққан бириктириш имконияти билан бошқа сўзларга боғланишини кўрсатиб берган. Яъни маъноларнинг синтагматик муносабати бошида феъл туришини талқин этган.

Немис тилшунослиги бўйича рус мутахассиси С.М.Кибардина, немис тилшунослари И.В.Мейнер, И.Х.Аделунг, В.Гумбольдт, Г.Бауэр, Ф.Керн, Г.А.Шётензак, Г.Пауль, О.Бухагель, Г.Бундерлих

¹ Крнг.:Гак В. Г. К проблеме семантической синтагматики. - С.368.

² Крнг.:Greimas A. J. Sémantique structurale. - Paris. 1966. P.53; Pattier b. La définition sémantique dans les dictionnaires...; Гак В. Г. К проблеме семантической синтагматики... - С.376.

³ Крнг.:Кисилева Л. Л. Коммуникативные языковые функции и семантическое строгие словесного значения // Проблемы семантики. - М.:Наука.1974. С.70.

⁴ Крнг.:Добиаш А. В. Синтаксис Апаллония Дискало. - Киев.1882. С.46.

⁵ Крнг.:Добиаш А. В. Синтаксис Апаллония Дискало. - С.158.

кабиларнинг;¹ рус тилшунослари В.С.Храковский, Н.И.Греч, В.И.Классовский, М.П.Перевласский, А.В.Востоков, А.А.Потебня, Д.И.Овсяннико-Куликовский, А.Дмитриевский кабиларнинг² мақолаларида вербоцентрик ғоя илгари сурилганлигини хабар қилади. С.Ҳ.Муҳамедова бу назария тарафдорлари маънолар синтагматик боғланиши марказида феъл туришини айтадилар, деб кўрсатади.³ Яна у Добиашнинг қарашлари ва вербоцентризм назарияси тарафдорларининг қарашлари маъноларнинг синтагматик боғланишини кўрсатувчи феъл валентлиги назарияси учун пойдевор бўлганлигини айтади.⁴ Яна С.Ҳ.Муҳамедова немис тилшуноси К.Бюлернинг ўтган асрнинг 30-йилларида айрим туркум сўзларнинг бошқа туркумдаги сўзларга “очик ўринларни” яратиш имконияти ҳақидаги; ўзбек тилшуноси А.Фитратнинг гапда нечта тўлдирувчи бўлса, ҳаммаси кесимга боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрларини келтиради.⁵ Албатта булар валентлик тушунчасини юзага келтирувчи, маъноларнинг синтагматик муносабати юзасидан айтилган қарашлар эди.

Феъллардаги бошқа сўз билан бирикувчанлик хусусиятини дастлаб француз тилшуноси Л.Теньер в а л е н т л и к деб атади ва бу терминни кимё фанидан тилшуносликка олиб кирди.⁶ Бунда у феълнинг ўз атрофида бир неча актантларни бириктириш хусусиятини эътиборда тутди. У феъл валентлигининг актанти деб эга, воситасиз тўлдирувчи ва воситали тўлдирувчиларни тушунди. Унингча, феъл кесим валентлигининг воқеланиши гапда у талаб қилган бўш ўринларнинг ўша гап бўлаклари билан тўлдирилишидир. Яъни у феъл бошқарувининг грамматик имкониятини ҳисобга олиб, семантикасига эътибор қаратмаган эди. Бошқача қилиб айтганда, Л.Теньер синтактик валентлик ҳақидаги иши билан юзага чиқди. Бу унинг даври учун анча қимматли фикр

¹ Қриг.: Кибардина С.М. К истокам теории валентности в немецком языкознании XIX века // Грамматические концепции в языкознании XIX века. – Л.: Наука.1985. С. 181-210.

² Қриг.: Храковский В.С. Истоки вербоцентрической концепции предложения в русском языкознании // ВЯ. – 1983. №3. С. 110-119.

³ Қриг.: Муҳамедова С.Ҳ. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. – 169 б.

⁴ Қриг.: Муҳамедова С.Ҳ. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. – Ўша бет.

⁵ Қриг.: Муҳамедова С.Ҳ. Ўша автореф. Ўша бет.

⁶ Қриг.: Tesnière L. Comment construire une syntaxe? // Bulletin de la Faculté de lettres de Strasbourg. – 1934. P. 219 ff.

бўлиб, кўпчилик тилшунослар томонидан давом эттирилди ва бу асосда бир қатор илмий тадқиқот ишлари юзага келди, диссертациялар ёзилди. С.Х.Муҳамедованинг қайд этишича, Л.Теньер таълимоти немис тилшунослари Г.Бринкман, И.Эрбен, П.Гребе, И.Вайсгербер, Г.Хелбиг; рус тилшунослари В.Г.Адмони, М.Д.Степанова, Б.А.Абрамов, Н.И.Фличева, И.С.Раҳмонқулова ва ўзбек тилшуноси Д.Аликулова томонидан илмий тадқиқот ишларида акс этиб борди.¹

Феъл валентлиги назариясининг тараққиёти лексикографик фаолиятга фаол таъсир кўрсатди. Бу йўналишда Г.Хелбиг В.Шенкел билан икки қисмдан иборат луғат яратди. Унинг I қисми “Валентлик назариясига кириш” деб номланиб, II қисмида немисча 331 феълнинг дистрибуцияси келтирилади.²

Валентлик назарияси ҳақидаги баҳсларнинг кучайиши Г.Хелбигнинг у ҳақда махсус тўпلام уюштиришига сабаб бўлди. У 1971 йил Ҳалледа нашр этилган бўлиб, унда немис, чех, рус тилшуносларининг мақолалари ўрин олди.³ Бунда Г.Хелбиг Л.Теньер қарашларининг камчиликларини таҳлил қилиб бериш билан бирга облигатор ва факультатив валентлик масаласига ҳам эътибор қаратди. Шу билан тўпلامда икки йўналиш юзага келди:

1) Г.Хелбиг ишлари билан боғлиқ шаклий йўналиш – синтактик валентлик; 2) В.Бондцио мақоласи билан боғлиқ семантик йўналиш – семантик валентлик. Кейинги йўналиш тарафдорларининг фикрича, валентлик мантикий-семантик ҳодиса сифатида валентлик ташувчисининг лексик маъноси ўз узвига кўра таҳлил қилиш ёрдамида тавсифланиши зарур.⁴ Лекин В.Бондционинг ўзи ҳам бошқа туркумдаги сўзларнинг синтактик имкониятларини ҳар томонлама ҳисобга ола билмади. У предикат аргументларига кўра валентликни ташувчи бўлади, деб кўрсатди. Аммо гап бўлақларининг ўз аргументлари бор. Бунда у синтактик валентликка хос ижобий томонни эътиборда тутмаган. Уни ўз ўрнида Р.Паш тўғри огоҳлантирди.⁵ Рус тилшуноси Б.А.Абрамов

¹ Қриг.: Муҳамедова С.Х. Ўша дисс. қўлёзмаси. – 173 б.

² Қриг.: Helbig G., Schenkel W. Wörterbuch zur Valenz und Distribution deutschen Verben. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut. 1969.

³ Қриг.: Beiträge zur Nflenzaeorie /Hrsg. Von G. Helbig. – Halle (Saale). 1971.

⁴ Қриг. Bondzio W., Godimer B. Wortbedeutung und Sintaktische Realisierung // Materialien zur semantischen Valents Theorie. WZ 714. GSR XXV. №6.

⁵ Қриг.: Pasch R. Zum Status der Valenz. – HS. 42. 1987. S. 38

хам шу тилшунослар қаторида валентликни феъл кесимларга хос деб тадқиқ этди.¹

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, Г.Хельбиг карашида валентликнинг семантик томони ҳам ўз ўрнини топди. У ўзи тақлиф қилган синтактик валентлик қолипни объектив борликдаги воқеа-ҳодисалар, тафаккур ва тил тузилиши ўртасидаги диалектик муносабатларни ҳисобга олувчи кўп даражали қолипга бирлаштириш мумкин эканлиги ҳақидаги хулосага келди.² Яна бир немис тилшуноси Г.Вотъяк ўз қарашларида валентликни семантика билан боғлиқ ҳолда олиш зарурлиги ҳақидаги фикри билан қатъий турди.³ Шундай қилиб валентликни семантика билан бирга олиб тадқиқ этиш ҳақидаги қараш кейинги даврда қилинган тадқиқотлар учун етакчи йўналиш бўлиб қолди.

Валентликни семантика билан бирга олиб тадқиқ этиш йўналиши немис ва рус тилшунослигида шакл топиш билан бирга ўзбек тилшунослигига ҳам кириб келди. Дастлаб И.Қўчқортоев, кейин Р.Расулов докторлик,⁴ Т.Т.Мусаев, Ў.Шарипова, С.Х.Муҳамедованинг номзодлик диссертациялари яратилди.⁵ С.Х.Муҳамедова шу соҳада докторлик диссертациясини ҳам ёзди.⁶ Шу йиллар ичида Қ.М.Ҳақимов содда гап қолипли фразеологизм-ларнинг семантик валентликлари юзасидан ўзининг номзодлик диссертациясини ҳамойи қилди.⁷ Бу фразеологизмларнинг семантик валентлиги юзасидан қилинган дастлабки тадқиқот иши эди. В.А.Каримжонованинг ўрин келишикли бирикмалар, З.Д.Мирзакаримованинг билан кўмакчили бирикмалар семантикаси юзасидан қилган диссертацияларида ҳам феълларнинг семантик валентлиги

¹ Қрнг.: Абрамов Б.А. Синтаксические потенции глагола в сопоставлении с потенциями других частей речи // Филологические науки. – 1966. №3. С. 35–41.

² Қрнг.: Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig: VEB Bibliographisches Institut. 1978. S. 152.

³ Қрнг.: Wotjak G. Valenzmodelle und Semantische Markmanalyse. – Leipzig. 1985.

⁴ Қрнг.: Кучкартаев И.К. Семантика глаголов речи в узбекском языке. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент. 1978; Расулов Р. Ўша автореф.

⁵ Қрнг.: Мусаев Т.Т. Ўша автореф.; Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентликлари. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1996; Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. Филол. фан. номз. ...дис. автореф. – Тошкент. 1996.

⁶ Қрнг.: Муҳамедова С.Х. Ўша докт. автореф.

⁷ Қрнг.: Ҳақимов Қ.М. Ўзбек тилида содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги. Филол. фан. номз. ...дис. Автореф. – Тошкент. 1994.

ҳақида таҳлиллар келтирилади.¹ Унда В.А.Каримжонова феълнинг намоён бўлган валентлиги билан у ҳосил қилган бирикма классемаси семантик жиҳатдан деярли ўзаро боғлиқ бўлади, деб кўрсатади.² Бу фикрга З.Д.Мирзакаримова қўшилади ва ўз таҳлиллари билан қувватлайди.³

Муаллифингиз ҳамкорликда феълнинг семантик валентликлари таснифига бағишланган махсус мақола эълон қилиб, уни лексик-семантик валентлик, воситали семантик валентлик, шакл семантикаси валентлиги каби уч типга бўлиб кўрсатган эди.⁴ У кейин феъл валентликларига бағишланган қўлланма эълон қилгани ҳолда, феъл семантик валентликларини типларга ажратишда ўша фикрида қолди. Шу билан бирга феълларнинг окказионал маъноси бўйича семантик валентлиги борлиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини кўрсатиб ўтди.⁵

Валентлик фақат феъл туркуми доирасида эмас, бошқа туркумлар ва ҳатто ёрдамчи сўз туркумлари доирасида ҳам тадқиқ этила бошланди. Буни немис тилшунослигида ҳам,⁶ рус тилшунослигида ҳам⁷ ва ҳатто ўзбек тилшунослигида

¹ Қрғ.: Каримжонова В.А. Ўзбек тилида ўрин келишикли бирикмалар семантикаси. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1994; Мирзакаримова З.Д. Феъл бошқарувидаги билан қўмакчили бирикмалар семантикаси. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2008.

² Қрғ.: Каримжонова В.А. Ўша автореф. – 14 б.

³ Қрғ.: Мирзакаримова З.Д. Ўша автореф. – 8 б.

⁴ Бу мақола С.Х. Мухамедова билан ҳамкорликда ёзилган. Қрғ.: Миртожиев М., Мухамедова С. Ўзбек тилида валентлик кўринишлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. 3-сон.

⁵ Қрғ.: Миртожиев М.М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. – Тошкент: Университет. 2007. 5-7, 53-61 б.

⁶ Қрғ.: Starke G. Satzmodelle mit prädikativem Adjektiv im Deutschen // Deutsch als Fremdsprache. – 1974. №3; Helbig G. Bemerkungen zu den Pronominaladverbien und zur Pronominalität // Deutsch als Fremdsprache. – 1974. №5; Sommerfeldt K.E., Sreiber H. Zu einem Wörterbuch der Substantive // Deutsch als Fremdsprache. 1975; Sommerfeldt K.E., Sreiber H. Wörterbuch zur Valenz und Distribution der Substantive. – Leipzig. 1989; Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der Gegenwartssprache. – S. 194-232; Skizze. Konfrantation und russischer Verben und Adjektive unter Valenz // hA 12. Leipzig. 1989. S. 2-18; Sandau H. Semantik und Valenz zweierwertiger prädikativer Adjektive in der deutschen Sprache der Gegenwart // Wz PHG. №2. – Göttingen. 1996.

⁷ Қрғ.: Бабчук Е. Об образный компонент в лексическом значении существительного. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Воронеж. 1991; Стахатина Н.А. Синтагматические отношения как одна из важнейших проблем исследования языка. – Каменск. 2000; Соколова О.И. Атрибутивная валентность личных имён собственных. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – М., 2003; Апресян Ю.Д. Типы соответствия семантических и синтаксических актантов // Проблемы типологии и общей лингвистики. СПб 2006. С. 15

ҳам¹ кузатиш мумкин. Лекин шуни ҳам айтишга тўғри келадими, рус тилшунослигидаги феълдан бошқа туркум валентлиги юзасидан қилинган тадқиқотларнинг бир қанчаси немис, француз, инглиз тиллари ҳақида ва улар билан киёс кўринишидадир.

Шу кунда сўзларнинг семантик валентлигини ўрганиш ўзбек тилшунослигида кенг микёсда олиб борилмоқда. У тилшуносликнинг бошқа йўналишларидаги тадқиқот ишларида ҳам қўл келмоқда.

4. Лексик маъноларнинг парадигматик муносабатдаги тадқиқоти лексик маънолар парадигматик муносабатда бўлган сўзлар номланганидан бери олиб борилиб, уларнинг луғати қайта-қайта тузилиб келади. Лексик маъноларнинг парадигматик муносабатини кўрсатувчи асосан икки ҳодиса: синонимия ва антонимия ҳодисалари деярли тилларнинг лексикология ва семасиологияга бағишланган дарслик ва монографияларида қайд этилиб келади.² Факат К.А.Левковская антонимлардан коррелятив сўзларни ажратиб кўрсатиб, уни ҳам лексик маънолари парадигматик муносабатда бўлган синонимлар ва антонимлар қаторига қўшади.³ Муаллифингиз ҳам шу фикрга қўшилгани ҳолда, уни ўз дарслигида берган.⁴ Немис тилшунослигининг ўзида эса антонимлар тил факти сифатида қаралмайди ва бирорта лексикология ёки семасиологияга оид дарслик ёки монографияда у қайд этилмайди.⁵ Улар антонимия ҳодисасини мантиққа хос, тушунча доирасида содир бўлиб, тилда у

27; Вардзелашвили Ж. Семантические группы метафорических номинаций и русском языке. WWW. Lingru.

¹ Қрғ.: Миртожиев М.М. Ўзбек тилида ёрдамчи сўзларнинг семантик валентлиги // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2010 Зсон; Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида сифат валентлиги тушунчаси // Тилшуносликнинг долзарб масалалари. – Тошкент; Университет. 2008. 87-91 б.

² Қрғ.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – С. 38-44; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 71-286; Rayevska N. English Lexicology. – Кийв:Радянська школа. 1961. С. 64-78; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 128-184; Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпақ тилининг лексикологиясы. – Неҳис: Қарақалпақстан: 1968. 98-112 б.; Чэферов С. Мўасир азэрбајчан дили. Лексика. – Бақы: Маариф. 1970. 29-43 с.; Лопатникова Н.Н., Мовшович Н.А. Лексикология современного французского языка. Изд. 2 е. – М.: ВШ. С. 179-198; Кенесбаев Г., Мўсабаев Г. Қазирги қазақ тили. Лексика. Фонетика. 2-бос. – Алматы: Мектеп. 1975. 62-74 б.; Белкин В.М. Арабская лексикология. – М.: Изд.МУ. 1975. С. 144-163.

³ Қрғ.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 144-146.

⁴ Қрғ.: Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I жилд. – Тошкент: Университет. 1964. 179 б.

⁵ Қрғ.: Kronasser H. Handbuch der Semasiologie. – Heidelberg: Karl Winter. 1952; Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. – Leipzig:VEB Bibliografisches Institut. 1972; Philipp M. semantik des Deutschen. – Berlin: Weidler. 1998.

қайд этилади, деб ҳисобланади.¹ Ҳақиқатан ҳам сўз жуфтлиги икки қарама-қарши тушунча акс эттирган ўриндагина антонимдир. Сўзнинг бошқа семантик таркибига дахлсиз бўлади. Лекин *ошқора* ва *пинҳона* антоними икки қарама-қарши тушунчани ифодалашдан ташқари поэтиклик семасига кўра бир хилликка эга. Поэтиклик семаси уларнинг бирида бўлмаса, улар антоним ҳисобланмас эди. Масалан, *ошқора* ва *яширинча* сўзлари ўзаро антоним эмас. *Яширинча* сўзи *очиқча* сўзи билан антонимдир. Бу ўринда тушунча билан боғлиқ бўлмаган, лексик маънонинг эмотик семаси аҳамият касб этган. Шунинг учун немис тилшунослари билан шу жиҳатдан ҳамфикр бўла олмадик. Антонимия тил ҳодисаси ҳамдир.

Умуман семасиологиянинг ўзига бағишланган бир қатор йирик ишлар ҳам юзага келган. Дунё тилшунослигида семасиологияга бағишлаб қилинган ишларнинг кўпчилиги асосан немис тилшунослигига мансуб. Бу соҳадаги дастлабки китоб 1923 йил Ҳ.Шпербер томонидан Бон-Лейбцигда нашр эттирилди. У “маъно назариясига кириш” деб номланган.² Бу ўша даврга хос ҳолатда маъно таракқиёти ва тишлари, маъноси миқдорига кўра сўз типлари, маъно категориялари юзасидан берилган нуқтаи назарларни ёритувчи китоб эди. Иш монографик режада яратилган. Немис тилидаги ундан кейинги семасиологияга бағишланган иш Ҳ.Кронассер қаламига мансуб. Унинг иши “Семасиологиядан қўлланма” деб номланиб, Ҳайдельбергда 1952 йил иккинчи нашри юзага келди.³ Бу иш ҳам ўша давр тилшунослигига хос бўлиб, унда семасиология фақат маъно таракқиёти доирасида талқин қилинган эди. Муаллиф ҳам шу доирага этиборни қаратган ҳолда маъно типлари, кўп маънолилик, синонимияга катта эътибор қилди. Бу ишда яна маъно таракқиётидаги экстралингвистик ва интралингвистик ҳодисаларни анча кенг характерлаб берган. У мавҳум ва аниқ маъноларга алоҳида диққат қилган. Аммо унинг диққатидан маъноларнинг семантик таркиби ва синтагматик муносабатини тадқиқ этиш четда қолган. Ҳ.Кронассер қўлланмасининг иккинчи нашридан унча кўп ўтмай, К.Балдингернинг “Семасиология” номли рисоласи яратилди. У 1957 йил нашр этилди.⁴ Рисола, муаллифнинг ўзи қайд этганидай, тадқиқ учун уринишгина бўлиб,

¹ Қрғ.: Завьялова В.М. Антонимы. – М.: Изд. ВШ. 1969. С. 6.

² Қрғ.: Sperber H. Einführung in die Bedeutungslehre. – Bon-Leipzig. 1923.

³ Қрғ.: Kronasser H. Handbuch der Semasiologie. – Heidelberg. 1952.

⁴ Қрғ.: Baldinger K. Die Semasiologie. – Berlin. 1957.

маъно таракқиётининг айрим томонлари ва ходисалари ҳақида, шунингдек полисемия юзасидан илмий қарашлари берилган.

Семасиологияга бағишланган навбатдаги йирик иш Т.Шиппанга тегишли бўлиб, у 1972 йил Лейпцигда нашр этилди. Бу монографик режадаги иш ҳисоблангани ҳолда, “Семасиологияга кириш” деб номланган.¹ Унда немис тили семасиологияси анча кенг қамровда ёритилган. Муаллиф ўз асарини семасиология соҳалари вазифаларини белгилаб беришдан бошлар экан, сўзнинг тилдаги ўрни, сўз ва лексема, лексик маъно ва семема муносабатларига тўхталиб, уларни илмий асосда талқин қилиб берди. Сўз маъноси нима эканлигини ҳар томонлама характерлади. Сўз семантик валентлигига ҳам қисқача тўхтади, лекин валентлик тушунчаси доирасидагина фикр юритди. Шунингдек, фразеологизмларни ҳам семасиология объекти сифатида қаради. У маъно таракқиётига, тилларига, маъно миқдорига кўра сўз тишларига, синонимларга бирма-бир тўхталиб, тадқиқий фикрларини келтирди. Лекин маънонинг семантик таркибига эътибор бермади. Сўз валентликларига барча туркумлар бўйича таҳлиллар келтирмаган. Полисемантик сўзлар таҳлили ҳам тўла эмас.

Немис тилшунослигидаги семасиологияга бағишланган охириги иш ҳозирча М.Филиппнинг “Немис тили семантикаси” монографиясидир.² Бу асарда Т.Шиппан ютуқлари ҳам ўз ўрнини топган бўлиб, шу билан давр тилшунослиги ютуқлари унда акс этган. Унда сўз семемаси семаларига ва унинг айрим тишлари тадқиқига ҳам алоҳида ўрин ажратган. Лекин шуни унутмаслик керакки, бу асар семасиологик мақомда эмас, семантика мақомида яратилган. Чунки валентлик сўзларнинг ўзаро семантик алоқасини юзага чиқаради, соф семантик ҳодиса эмас. Бу асарда, аксинча, конверсия, деривация кабилар ўрин олган. Семасиологияда уларга ўрин берилмайди.

Кўринадики, немис тилшунослигида семасиологияни ишлашга киришилган ва анча ютуқларга эришилган. Шунга қарамай, бу ютуқларнинг кўпи ўша тилнинг ўзига хос. Шу билан ишланмаган ва жумбоқли масалалари ҳам бор. Бунинг устига улар антонимлар ва коррелятив сўзларни, юқорида айтганимиздай, семасиологиянинг тадқиқ этиш объекти деб ҳисобламайди.

¹ Қриг.: Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. – Leipzig. 1972.

² Қриг.: Philipp M. Semantik des Deutschen. – Berlin. 1998.

Рус тилшунослигида дастлаб В.А.Звегинцев “Семасиология” номли монографиясини яратди. У 1957 йил Москвада нашр этилди.¹ Бу монография рус тилининг семасиологияси эмас, балки умуман семасиология эди. У шу 1957 йилгача семасиология юзасидан дунёга келган (тўғрироғи, Европа тилларида ёзилган) илмий асарларга илмий талқин тариқасидаги иш эди. Бунда семасиологиянинг асосий масалаларига муаллиф фикри билан аниқлик киритилди. Унда семасиология лексик маъно, маъно таракқиёти, маъно миқдорига кўра сўз типлари, маъноларнинг парадигматик муносабатлари доирасида янги фикрлар билан бойитилди. Бирок лексик маъно типлари ва маънонинг семантик таркиби, маъноларнинг синтагматик муносабати ҳақидаги масалалар ўз-ўзидан очиқ қолаверди. Чунки шу давргача бу масалалар ишлаб чиқилганича йўқ эди.

Етти йил ўтгач, Д.Н.Шмелевнинг семасиологияга бағишланган монографияси яратилди ва у шу мавзуда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У Москвада 1964 йил “Рус тили семасиологияси бўйича очерклар” номи билан нашр этилди.² Муаллиф шу иши билан рус тили семасиологиясини анча ривожлантирди. У лексик маъно типларига, маъноларнинг парадигматик муносабатига ва синтагматик муносабатига диққатни қаратди. Лекин синтагматик муносабатни бирикмалар доирасида ўрганди. Уни сўз лексик маъносининг семантик таркибидан келиб чиқиб талқин этмади. Яъни Д.Н.Шмелев семасиологияни тўла тадқиқ этишни режалаштирмаган эди.

Рус тилшунослигида яна бир 1982 йил Москвада нашр этилган “Рус тили семантикаси” номли ўқув қўлланмаси ҳам бор. Унинг муаллифи Л.А.Новиковдир.³ У семантика ҳақида бўлгани учун ҳам, унда семантика соҳаси ва вазифаси, лексик-семантик тизим ва лексик маъно, лексик маъно таркиби ва унинг таҳлили категориялари каби масалалар юзасидан фикр юритилган.

Кўринадики, рус тилшунослигида фақат Д.Н.Шмелев семантика доирасидан чиқиб, семасиологиянинг сўз коммуникациясидаги аҳамиятига ҳам диққатни қаратган. Л.А.Новиковнинг

¹ Крнг.: Звегинцев В.А. Семасиология. — М.: Изд. МУ. 1957.

² Крнг.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. — М.: Просвещение. 1964.

³ Крнг.: Новиков Л.А. Семантика русского языка. — М.: ВШ. 1982.

лексик маъно таркибини таҳлил этиши семасиологияда ҳам ўз қимматиغا эга.

Инглиз тилида семантикага бағишлаб иккита китоб нашр этилган. Уларнинг бири Ст.Ульманнинг 1953 йил Глазгов-Оксфордда нашр этилган “Семантика асослари,”¹ Ж.Леонснинг 1977 йил Лондонда нашр этилган “Семантика” номли² асарлардир. Уларнинг иккиси ҳам деярли бир хил мундарижага эга бўлгани ҳолда, Ст.Ульман лексик маънонинг семантик таркиби ҳақида фикр юритмайди. Чунки унинг даврида лексик маъноларни бу даражагача таҳлил этишга борилган эмас эди.

Француз тилшунослигидан фақат А.Гремаснинг 1966 йил Парижда нашр этилган “Семантик таркиб” номли асарини кўрсатиш мумкин. Бу монографик характердаги асарда сўз лексик маъноси таркиби, яъни уни таркиб топтирувчи семалар ва шу семаларнинг типлари ҳақида фикр юритилган.³ Мана шу лексик маъно таркибидаги семалар ўша лексик маъно оид бўлган сўзнинг валентлигини белгилайди. Бу валентлик шу валентлик оид сўз кесим вазифасида келса, у гап колипини шакллантиради. Бу тадқиқот семасиологияга мансуб лексик маъноларнинг синтагматик муносабатини кўрсатувчи боби учун асос бўлади.

Ўзбек тилшунослигида М.Ҳакимованинг талабалар учун 2007 йил Тошкентда “Семасиология” номи билан 6 муал. табок ҳажмида нашр этилган қўлланмаси бор.⁴ Унда талабалар учун зарур бўлган ўринларгина қисқача берилган. Қўлланмада семасиология асосан полисемиядан иборатга ўхшаб қолган. У шунинг ичида маъно тараккиёти ва таркибига йўл-йўлакай тўхтаган. Семантик категорияларга фақат изоҳ келтириш билан чекланган. Унда лексик маъно типлари ва валентлик масаласи эътибордан четда қолган. Булар қўлланмага қўйилган табиий талаб билан албатта боғлиқдир. Юқоридагилардан келиб чиқиб, “Ўзбек тили семасиологияси”ни яхлит бир асар сифатида яратишда куйидагилар эътиборга олинishi зарур деб ҳисобланди.

1. Лексик маъно тушунчасига аниқлик киритиш ва уни ёндош ҳодисалардан фарқлаш.

¹ Крнг.: Ullmann St. The Principles of Semantics. – Glasgow-Oxford. 1959.

² Крнг.: Lyons J. Semantics. – London. 1977. Vol.1,2.

³ Крнг.: Greimas A. Sémantique structurale. – Paris. 1966.

⁴ Крнг.: Ҳакимова М. Семасиология. – Тошкент. 2007.

2. Лексик маъно таркиби – семалар ва уларнинг турли нуктаи назардан тиллари, тилларининг характерланиши.

3. Лексик маъно тараққиёти ҳақидаги ўзбек тилида бор таджикотларни иложи борича акс эттириш.

4. Лексик маъно тиллари ҳақидаги ўзбек ва рус тилларидаги илмий хулосаларни таҳлил қилиб бериш.

5. Лексик маъноси миқдорига кўра сўз тиллари: моносемия ва полисемияни кенгроқ ёритиш ва у кишилиқ оламининг объектив борлиқни, улар ўртасидаги алоқани қандай англашни, миллийликни акс эттиришини очиб бериш.

6. Лексик маъноларнинг парадигматик муносабатини акс эттирувчи синонимия, антонимия, корреляцияларнинг назарий асослари ва мантиқий категориялар билан боғлиқлигини кўрсатиш.

7. Лексик маъноларнинг ўзаро синтагматик муносабатини, сўз валентликларини, валентлик билан гап қолипи ўртасидаги алоқани тавсифлаш.

Ї боб.

ЛЕКСИК МАЪНО

1. Сўзнинг лексик, грамматик ва сўзловчининг ўз нутқига муносабатини билдирувчи маъноси

Сўзнинг ўз маъноси ва шакли бўлади. Сўз пайдо бўлишидаёқ ўз товуш қиёфасига ва маълум бир маъносига эга бўлиши қонуний ҳолдир.¹ Аммо шуни ҳам айтиш керакки, сўз ҳосил бўлишида ҳамма вақт бирламчи маънодир. Маъно онгда пайдо бўлгач, уни ифодалаш зарурияти билан шакл танланади. Сўз шакли нутқ товуши ёки нутқ товушлари комплексидан иборат. Ҳеч вақт аввал нутқ товушлари комплексини танлаб, сўнг унга маъно изланмайди. Айрим ҳолларда маъно кишилиқ онгида пайдо бўлгани ҳолда, ифодалаш зарурияти йўқлиги учун, унга шакл танланмаганлиги ва сўз ҳолида шаклланмаганлиги кузатилади. Масалан, товуқни биламиз, у тухум туғади – мода. Унинг эркаги хўроз деб аталади. Булар бир тип парранда ҳисобланади. Аммо шу тип парранда учун умумий ном йўқ. Лекин у ҳақда тушунча бор, маъно етилган. Шу маънога товуш комплекси тузилмаган. Солиштирайлик: қўй сўзи – сут эмизувчиларнинг шу типи учун бир ном. Унинг урғочиси *совлиқ*, эркаги *қўчқор* номи билан аталади. Бу ўринда номланиш тугал. Эчки сўзи ҳам сут эмизувчиларнинг шу типи учун умумий ном ҳисобланиб, эркаги *така* номи билан аталади, урғочиси учун ном йўқ.

Кўрдикки, бирор нарса ёки ходиса, ҳаракат ёки ҳолат, белги ҳақида аввал тушунча пайдо бўлиб, кейин уни ифодалайдиган товуш комплекси танланади. Шу товуш комплекси сўз шакли бўлгани ҳолда, тушунча ўша сўзнинг маъноси бўлиб қолади. Ҳатто икки сўзни боғлаш воситаси ҳисобланган маъно ҳам, бир сўз иккинчи бир сўзни бошқариши учун восита ҳисобланган маъно ҳам, сўз ёки гапга қўшимча ифода илова қилувчи маъно ҳам аввал онгда юзага келиб, кейин унга ифодаловчи товуш ёки товуш комплекси танланади, ё бўлмаса, мавжуд сўзга уни вазифа қилиб юкланади. Шу ўринда Д.Н.Шмелевнинг: “Сўз маънога эга бўлгандагина сўз ҳисобланади,”² деган фикрини эслаб, уни

¹ Қриг.: Ҳожиев А.П. Семасиология. //Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан. 1981. 198 б.

² Қриг.: Шмелев Д.Н. Современный русский язык. Лексика. – М.: Просвещение. 1977. С. 55.

маъқуллаган ҳолда, унга маъно маълум нутқ товуши ёки нутқ товушлари комплексида ифода топсагина сўз юзага келади, деб илова қилиниши тўғри бўлса керак. Маълум нутқ товуши ёки нутқ товушлари комплексида ифодаланган тушунча ёки грамматик восита ҳали маъно ҳам эмас, сўзни юзага келтирди, деб ҳам қаралмайди. Яъни маъно бирор мавжуд ҳодисанинг сўзда акс этиши¹ ва нутқ товуши ёки нутқ товушлари комплекси билан тарихан боғлиқ келишидир.²

Сўзларнинг ифодалайдиган маънолари энг умумий белги хусусиятига кўра ҳар хил бўлади.³ Улар қуйидагичадир.

Сўз маънолари тушунча ифодалайди. Бунда киши онгида акс этган объектив оламдаги нарса, ҳодиса, ҳаракат, ҳолат ва белги ҳақидаги тушунча сўзда ўз ифодасини топади. Бу мустақил маъноли сўз туркумларига хос. Масалан, от туркумидаги сўз нарса ва ҳодиса ҳақидаги тушунчани ифода этади. Фейллар ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги тушунчани билдиради. Сифат ва равиш туркумига оид маънолар асосида белги ва шунинг каби тушунчалар ётади. Яъни бундай сўзлар маъноси ҳамма вақт тушунча ифодалайди. Сўзларнинг бундай маънолари лексик маъно деб қаралади.⁴ Лексик маъноли сўзлар дифференциал-семантик методнинг текшириш объекти сифатида л е к с е м а деб номланади.⁵ Лексемалар от, сифат, сон, оломш, феъл, равиш туркумига мансуб деб қаралади. Шу методга кўра лексик маънолар с е м е м а деб аталган.⁶

Гап бўлаклари ёки гапларни ўзаро боғлаш учун, шунингдек бир сўз бошқа бир сўзни бошқариши учун хизмат қиладиган, яна сўз ёки гапга қўшимча ифода берувчи турлича маънолар ҳам бор.

¹ Қрғг.: Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ. 1966. С. 160; Шмелев Д.Н. Современный русский язык. Лексика. – С. 58.

² Қрғг.: Будагов Р.А. История слов и истории общества. – М.: Просвещение. 1971. С. 22.

³ Қрғг.: Ҳожиев А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан. 1981. 198 б.

⁴ Қрғг.: Rudskoger A. Fair, foul, nice, proper. – Stockholm. 1952. S. 12,13; Schippan 'Th-Einführung in die Semasiologie. – Leipzig: VBD. 1972. S. 47; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка, Изд. 2ое. испр. – М.: Просвещение. 1972. С. 33; Stepanova M. D., Cerniševa T. T. Lexicologie der deutschen Gegenwartssprache. – М.: Hochschule. 1975. S. 19; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2 ҷилди. – Тошкент: Ўқитувчи. 1975. 10 б; Ҳожиев А. Семасиология... – 199-б.

⁵ Қрғг.: Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – М.: Изд. МО. 1971. С. 11; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М.: ВШ, 1982. С. 8, 114.

⁶ Қрғг.: Новиков Л.А. Семантика русского языка. – С. 114.

Булар грамматик маъно деб қаралади.¹ Улар маълум сўзнинг лексик маъносига илова қилинган семантик компонент (сема) сифатида намоён бўлади. Бошқача килиб айтганда, намоён бўлган лексик маъноли сўзнинг фонетик проклитикаси ёки энклитикасида қайд этилган маъно ҳисобланади. Масалан, *келди* ва *кетди* бирикувида ва боғловчиси *кетди* сўзи учун проклитикдир. Бу проклитиканинг маъноси *кетди* сўзи *келди* сўзи билан бирикув боғланишида эканлигини билдиради. Яна *қалам билан ёзди* бирикмасидаги *билан* кўмакчисининг маъноси ҳам шунга ўхшайди. *Билан* кўмакчиси *қалам* сўзи учун энклитикдир. Бу энклитиканинг маъноси *қалам* сўзининг *ёздим* феълени бошқариб келишида вазифасини ифодалайди. Шунинг учун ҳам унинг бирикмадаги вазифасини *-да* ўрин келишиги бемалол бажариши мумкин. Ўрин келишиги эса грамматик категориядир. Шундай бўлгач, у грамматик маънога эга. Юкламалар ҳам ёрдамчи сўзлар бўлиб, фақат грамматик маъно ифода этади. Яъни *келди* феъли хабар маъносини беради. Унга *-ми* юкламаси қўшилса, феъл маъноси хабар ҳақидаги сўроққа айланади. Сўроқ гапларнинг мақсадга кўра турларидан биридир. Яъни у ҳам грамматик маънолардан бирини билдиради. Юкламалар сўзларга қўшилиб, кучайтириш, таъкидлаш, айириш каби маъноларни ҳам илова қилади. Булар ҳам грамматик маънолар ҳисобланади.

Модал сўзлар ҳам маълум хусусиятига кўра юкламаларга ўхшайди. Улар худди юкламалар каби гапга қўшилиб, қўшимча маъно илова қилади. Лекин юкламалар ҳам гаплар, ҳам сўзларга қўшимча маъно илова қилгани ҳолда, модал сўзлар фақат гапларга қўшилиб, қўшимча маъно илова қилади. Бунинг устига юкламалар гапга қўшилганда ҳам гапнинг грамматик маъносига ўзгартириш киритади. У шуниси билан ҳам грамматик маънога эга деб қаралади. Модал сўзлар гапларга қўшилиб, улар олдида ҳам, охирида ҳам қўллана олишига қарамай, гап грамматикаси даҳлсиз қолади. У гапга сўзловчининг ўз нутқига бўлган муносабатинигина илова қилади. Бу муносабат фикрнинг аниқлиги, гумон ва ноаниқлиги, мақсад, талаб, шартини, мавжудлиги ва тасдиғини мавжуд эмаслигини, инкор ва эътирозини, маъқулланишини, яқунлаш ва

¹ Қрғ. Ҳожиёв А. Семасиология... – 199 б.; Ғуломов А.Ғ. Морфологияга кириш // Ўзбек тили грамматикаси. 1 т. Морфология. – Тошкент: Фан. 1975. 123 б.; Шоабдурахмонов Ш. Ш. Кўмакчи. Боғловчи. Юклама // Ўзбек тили грамматикаси. 1 т. Морфология. – Тошкент: Фан. 1975. 541, 566, 575 б.

тасдиғини билдириб келади.¹ Бу маънолар фақат модал маъно бўлиб, грамматик маъно ҳисобланмайди. Чунки морфологик ва синтактик категорияларнинг бирортаси вазифасини ҳам ўтамайди, маъносини ҳам ифода этмайди. Фақат айрим сўз лексик маъноси компонентларида ифодаланадиган сўзловчининг ўз нуткига бўлган муносабатини акс эттириши мумкин.

Юқоридаги қайд этилган фикрларга қараб, сўз фақат ё лексик маънога, ё грамматик маънога, ё сўзловчининг ўз нуткига бўлган муносабатини билдирувчи маънога эга бўлар экан, деган хулосага қатъий келмаслик керак. Тўғри, ёрдамчи сўзлар фақат грамматик маънога, модал сўзлар фақат модал маънога эга бўлади. Аммо лексик маъно масаласида бундай хулосага келмаслик керак, у ўзи оид сўзнинг туркуми билан боғли ва унинг категориялари билан боғли барча грамматик маъноларга эгалик қилади.² Шу билан лексик маъно таркибида эмоционал-экспрессив бўёқларни билдирувчи сема ўз ўрнини топиши эҳтимоли ҳам бор.³

Хуллас, ҳар қандай сўз ўз шакли ва ўз маъносига эга бўлади. Аввал кишилиқ онгида тушунча – маъно пайдо бўлиб, кейин унга шакл танланади ва сўз ҳосил этилади. Айрим сўзларда фақат грамматик, айрим сўзларда фақат сўзловчининг ўз нуткига бўлган муносабатини билдирувчи маъно кузатилади. Лексик маъно таркибида эса грамматик маъно ҳам, эмоционал-экспрессив маъно ҳам бўлиши мумкин.

¹ Қрғ.: Современный русский язык // Изд. Зое. допол. и испр. – М.: Изд. ВШ. 1968. С. 280; Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Ч. I. Изд. Зое. – М.: Просвещение. 1967. С. 411,412; Мирзасев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи. 1970. 166-167 б.; Современный русский язык / Под ред. проф. Д.Э.Розенталя. – М.: Изд. МУ. 1971. С. 380, 381; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-нашри, тўлд. – Тошкент: Ўқитувчи. 1975. 235, 236 б.; Валькова Д.П., Маловицкий Л.Я., Федоров А.К. Современный русский язык. – М.: Просвещение. 1978. С. 260.

² Қрғ.: Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова // ВЯ. – 1953. №5. С. 10; Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – М.: Учпедгиз. 1956. С. 25; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: ИЛИЯ. 1959. С. 53; Галкина-Федорова Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. I. М.: Изд. МУ. 1962. С. 26; Бердимуратов Е. Ҳозирги қарақалпақ тилиниң лексикологиясы. – Нөкпе. 1968. 42 б.; Фомина М.И. Лексикология современного русского языка. М. ВШ. 1971. С. 15; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. Изд. Зое. испр. – М.: Просвещение. 1972. С. 33.

³ Қрғ.: Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. Изд. Зое. Испр. II допол. – М.: ВШ. 1983. С. 25.

2. Лексик маъно ва тушунча

Лексик маъно асосида ҳамма вақт тушунча ётади, деб қайд этилади.¹ Бошқача қилиб айтганда, мустақил маъноли бирор туркумга оид сўзда қайд этилган тушунча лексик маъно, деб ҳисобланади. Лексик маънони тушунчанинг сўздаги нухаси, акси деб ҳам қаралади. Немис тилшуноси А.Рудскогер: “Тушунча майдони луғавий маъно (“лексик маъно” демоқчи) билан тенгдир”, - деган фикрни ҳам айтган.² Рус тилшуноси С.Д.Кацнельсон эса тўғридан-тўғри: “...Лексик маъно билан тушунчани фарқлаш учун зарурият борми?” - деган масалани кўндаланг қўяди.³ Шундай экан, лексик маъно учун асос бўладиган тушунчанинг ўзи нима? - деган савол келиб чиқади.

1949 йил нашр этилган мантиқ дарслигида “...тушунча буюмларнинг умумий ва муҳим белгиларини акс эттирувчи фикрдир” деб таърифланган.⁴ Ундан кейинги нашр этилган адабиётларда берилган таърифлар ҳам деярли фарқ қилмайди.⁵ Уларнинг ҳаммасида ҳам буюмларнинг умумий ва муҳим, асосийси бўйича онгда акс этиши эътиборда тутилган. Бунда бир турдаги буюмларнинг ҳаммаси учун бир хил умумий бўлган асосий белгилар танланади. Масалан, столлар учун тўрт оёқ ва текис юза бўлиши, юзасида нимадир бажарилиши, шунингдек, буюм эканлиги – асосий ва умумий белгилардир. Стол ҳақидаги тушунчада шу белгилар назарга олинади. Бу белгилар барча тур ва хилдаги столлар учун умумийдир. Ҳаётда бир неча тур столлар бор: иш столи, хат столи, ошхона столи. Хат столининг ўзи ҳар хил: тортмали, тортмасиз, яшикли ва ҳ. Уларнинг ҳар бири ўзига хос белгиларга эга. Бу белгиларнинг ҳаммасига диққатни қаратиш ҳар бири ҳақида тушунча пайдо қилиш демакдир. Агар столларнинг ҳажмига ҳам эътибор бериладиган бўлса, уни киши

¹ Крнг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 53; Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. – Leipzig: VBI. 1972. S. 47; Stepanova M.D., Černiševa I. I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – S. 19; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 10 б.; Шмелев Д.Н. Современный русский язык. – С. 58; Ҳожиев А. Семасиология... 200 б.

² Крнг.: Rudskoger A. Fair, foul, nice, proper. – S.12, 13.

³ Крнг.: Кацнельсон С.Д. Содержание словазначение и обозначение. – М.: Наука. 1965. С.12.

⁴ Крнг.: Виноградов С.Н., Кузьмия А.Ф. Логика (мантик). – Тошкент: Ўздавнашр. 1949. 26 б.

⁵ Крнг.: Логика / под общ. ред. Г.А. Левин. – Минск: БГУ. 1974. С. 28; СЭС / Гл. ред. А.М. Прохоров. – М.: СЭ. 1931. С. 1051; Ҳожиев А. Семасиология... 54 б.

хотирасида туғиб туриш жуда ҳам иложсиз даражага етарди. Бунинг устига бошқа буюмлар, вокеликлар, ҳаракатлар, ҳолатлар, белгилар ҳақидаги тушунчаларни ҳам ёйиб, шундай таҳлил бериш мумкин. Унда сон-саноксиз тушунчалар ҳақида гап кетарди. Бу тушунчаларни маънога ушатиб, яъни сўзда акс эттирилса, бундай бойликка эга тил тил эмас, мавжуд дўзахнинг ўзи дейиш тўғри бўларди. Ваҳоланки, тушунча муҳим белгилари асосида умумлаштирилган ё буюмлар, ё вокеликлар, ё ҳаракатлар, ё ҳолатлар, ё белгиларнинг онгдаги инъикосидир. Худди шундан келиб чиқиб немис тилшуноси Х.Штайнталь: “Сўз ва тушунча миқдори чегараланган. Бир сўз (яъни унинг лексик маъноси) ва бир тушунча шу заруриятдан кўп ифодали бўлади” - деган эди.¹ Яъни шу тушунчанинг сўзда ифода топиши лексик маъно бўлади. Тушунчада эътиборда тутилган муҳим белгилар лексик маънонинг компонентлари, яъни семеманинг семалари деб қаралади.²

Юкорида номлари кайд этилган А.Рудскогер ва С.Д.Кацнельсонлар айтгандай, лексик маъно тушунчанинг сўздаги нусхасидир. Шундай экан, тушунча буюмнинг нечта белгисига асосланган бўлса, у белгиларнинг ҳаммаси лексик маънонинг компоненти сифатида акс этиши керак. Немис олими Э.Велландер XX асрнинг бошларидаёқ кайд этганидай, сўз ва предметнинг тушунчаси бир уюшма асосида бирлашади³. Ҳақиқатан ҳам шундай. Масалан, столнинг асосий ва умумлаштирувчи белгилари ‘тўрт оёқ’, ‘текис юза’, ‘юзасида нимадир бажарилиши’, ‘буюм’ каби белгилар эди. Шу белгиларга эга стол буюми ҳақида онгда тушунча акс этган. Бу тушунча сўзда лексик маъно сифатида кайд этилар экан, лексик маънонинг компонентлари ҳам ‘тўрт оёқли’ ‘текис юзаси бор’ ‘юзасида нимадир бажарилади’ ‘буюм’ кабилардан иборат. *Стол* сўзи термин бўлгани учун ҳам, лексик маъно сўзда акс этишининг ўзидир. Бунинг устига *стол* сўзи ўзлашма бўлиб, сўзнинг генетик маъноси этимологик ҳолга кўчганлиги сабабли ҳам тушунча учун асос бўлган белгилар лексик маъно таркибида бир хил қимматга

¹ Қриг.: Steintal H. Geschichte der Sprachwissenschaft bei den Griechen und Römern. – Berlin. 1863. S. 186; С.Д.Кацнельсон ҳам ўз асарида Х.Штайнталнинг мазкур гапини келтириб, уни маъқуллаган. Қриг.: Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. С. 9; А.Ҳожиев ҳам ўз асарида уя сўзи асосида шундай таҳлил келтирган. Қриг.: Ҳожиев А. Семасиология... 200 б.

² Қриг.: Новиков Л.А. Семантика русского языка. – С. 116.

³ Қриг.: Wellander E. Studien zum Bedeutungswandel im Deutschen. Uppsala 1917 S. 41

эга компонентлар сифатида қайд этилган. Агар лексик маъно ифода этган сўз ўз лексикасига эга бўлганда эди, бошқа ҳол кузатилади. Масалан, қирғич сўзи ўз лексикасига оид. Бу уй-рўзгор терминига мансуб сўз билдирган буюмнинг асосий ва умумлаштирувчи белгилари ‘қошиқсимон’ ‘кафт’ ‘қирралари аррасимон’ ‘қириш ишини бажарувчи’ ‘буюм’лардан иборат. Бу белгиларнинг ҳар бири қирғич сўзи лексик маъноси компонентлари бўлиб ўтган. Сўз ясалишида эса лексик маънонинг ‘қириш ишини бажарувчи’ компоненти асосий ҳисобланади. Шу компоненти воситасида у кишида тушунча уйғота олади.

Кўрдикки, тушунча буюм, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ва ҳ.ларнинг муҳим ва умумий белгиларининг онгдаги инъикоси бўлгани ҳолда, лексик маънода асосан шу тушунча акс этади. Бу асосан терминологик сўзлар лексик маъносида кузатилади. Бунинг учун сўз ўзлашган ёки унинг генетик маъноси этимологик ҳолатга ўтган бўлиши керак. Кўпроқ ясама сўзларнинг лексик маъноси учун тушунчага асос бўлган белгилардан энг асосий биттаси етарлидир. У шу лексик маънони ифода этган сўзнинг ясалишида эътиборга олинади.

Лексик маъно коммуникацияда ўзи ифода этиши керак бўлган тушунча билан деярли ҳолатда тенг бўлмайди. У тушунчанинг маълум қисми ёки маълум белгисинигина ифода этиши мумкин. Масалан, *тера*кка *болта* *тегибди* бирикмасига эътибор берайлик. Бу ўринда *тера*к бутунича назарда тутилган эмас. Ахир *тера*к – узун танали, шох ва япроқлари бор, илдизли дарахт. Бирикмада эса унинг фақат танаси назарда тутилган. *Болта* сўзининг намоён бўлган лексик маъноси ҳам асбобнинг фақат кесувчи дамани ифода этган. Шунга ўхшаш яна *тера*книнг *пўстлоғи* бирикувида ҳам бутун бир *тера*к дарахти эмас, балки унинг фақат танаси ўз ифодасини топган. Чунончи, матн коммуникация учун танланган сўзнинг қўлланаётган лексик маъноси ифода доирасини торайтириб, аниқлик берувчи воситадир¹. Нутқ ана шу хусусиятига кўра сўзловчининг фикрини тингловчига аниқ етказиб беришга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб айтиладиган бўлса, нутқ учун сўз қандай сайлаб киритилганидай, унинг лексик маъноси компонентлари ҳам шундай сайлаб олиб қўлланади. Тушунчанинг назарда тутилган муҳим ва умумлаштирувчи белгилари билан

¹ Қаранг.; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С. 206.

сўзда қайд этилган лексик маъноси компонентлари ўртасидаги мутаносиблик лексик бирлик ҳолатида олиб қаралганда кузатилади. Бошқа ҳолда (нутқда) уни кузатиш учун нутқ имконияти билан боғли ўринларида бўлиши мумкин.

Кўрдикки, назарда тутилган муҳим ва умумлаштирувчи белгилари билан тушунча луғавий бирлик ҳолидаги лексик маъно компонентлари билан мутаносиб келиши мумкин. Нутқ жараёнида эса бундай бўлмайди. Унинг нутқ талаб қилган компонент ёки компонентларигина намоён бўла олади.

Адабиётларда айрим туркумга оид сўзлар лексик маъноси тушунча ифодаламайди,¹ деб қайд этилади. Шулар ичида айниқса, олмошларни тилга олиб, фақат ишора қилади, кўрсатади,² дейилади. Олмошларнинг лексик маъносида кўрсатиш, ишора қилиш ифодаси борлигига биз ҳам қўшилаемиз. Аммо, бизнингча, бу унинг ифодасидаги чегара эмасга ўхшайди. Биринчи навбатда кўрсатиш олмошларини таҳлил этиб кўрайлик.

Кўрсатиш олмошлари ўзбек тилида *шу, бу, у, ўша, ана, мана* ва ҳ.лардан иборат. *Шу* олмоши 'қўлда тутиб турилган' 'нарсага' 'ишора' лексик маъносини, *бу* олмоши 'нигоҳ остидаги' 'нарсага' 'ишора' лексик маъносини, *у* олмоши 'нигоҳ тушиб турган' 'нарсага' 'ишора' лексик маъносини, *ўша* олмоши 'нигоҳ тушмай турган' 'нарсага' 'ишора' лексик маъносини, *ана* олмоши 'шу онда кўз илғаган' 'нарсага' 'ишора' лексик маъносини, *мана* олмоши 'шу онда кўз остидаги' 'нарсага' 'ишора' лексик маъносини ифода этади. Кўрниб турибдики, ҳар бир кўрсатиш олмоши лексик маъносининг ўз компонентлари бор. Шу компонентлар эса муҳим ва умумлаштирувчи белгиларни ўзида акс эттирган. Муҳим ва умумлаштирувчи белгилари бўлган бундай ишоранинг онгда акс этишини тушунча деб аташ тўғри бўлса керак. Тушунча муҳим ва умумий белгиларга эга ниманингдир онгда акс этишидир. Бундай тушунчанинг сўзда акс этиши лексик маъно ҳисобланади.

¹ Крнг.: Травничек Фр. Некоторые замечания о значении слова и понятие /ВЯ. – 1956. №1 С.76; Мирзасев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 20 б.; Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – С. 14; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – С. 39; Stepanova M.D., Černiševa I. I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – S. 19; Ҳожиев А. Семасиология... 201.

² Крнг.: Мирзасев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Ўша бет.; Фомина М.И. Ўша асар. Ўша бет.; Ҳожиев А. Ўша асар. Ўша бет.

Навбатда кишилик олмошларига эътибор қаратилади. Масалан, *мен* олмоши ‘сўзловчи’ ‘шахсига’ ‘ишора’ лексик маъносига, *сен* олмоши ‘тингловчи’ ‘шахсига’ ‘ишора’ лексик маъносига, *у* олмоши ‘ўзга’ ‘шахсга’ ‘ишора’ лексик маъносига эга. *Ким* сўрок олмоши ‘шахсини’ ‘айтишга’ ‘ишора’, *нима* олмоши ‘буюмни’ ‘айтишга’ ‘ишора’ ва *қанча* олмоши ‘микдорини’ ‘айтишга’ ‘ишора’, *ҳамма* белгилаш олмоши ‘тўда’ ‘биргалигига’ ‘ишора’, *аллаким* гумон олмоши ‘кимлиги’ ‘номаълумлигига’ ‘ишора’, *ҳеч ким* бўлишсизлик олмоши ‘шахс’ ‘йўқлигига’ ‘ишора’ лексик маъноларини беради. Уларнинг ҳаммаси ҳам, яъни лексик маъноларининг ҳаммаси ҳам, тушунчада назарда тутилган белгиларни билдирувчи компонентларни ўз таркибида қамраган. Булар олмошларнинг лексик маъноси тушунча ифодаламайди, деган фикрни инкор қилади. Бу фактларнинг ҳаммаси рус тилшуноси С.Д.Кацнельсоннинг олмошлар лексик маъноси тушунча ифодаланиши ҳақидаги фикрини¹ қувватлайди. Фақат қувватлайдигина эмас, асосли эканини кўрсатади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўзлик олмоши бу фикрларга алоқадор эмас. Унинг лексик маъноси тушунча ифодаламайди, дейишнинг ўзи ҳам тўғри фикр бўла олмайди. Унда лексик маънонинг ўзи ҳам йўқ. У фақат грамматик маънога эга. Ўзлик олмоши кишилик олмошлари кетидан келиб, унинг маъносини таъкидлаш учун хизмат қилади. Масалан, *Мен ўзим келдим* гапида *ўзим* олмоши *мен* кишилик олмоши маъносини таъкидлаган. Аммо ўзлик олмоши эгалик шаклини олиб, кишилик олмошисиз қўлланса, кишилик олмоши каби тушунча ифодалайдиган лексик маъно билан намоён бўлади. Яъни: *Ўзим келдим*.

Шу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, олмошларнинг маъноси тушунча ифода этиши баробарида, унинг ниҳоятда мавҳум ва умумлашган характерда эканлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тилшуносликда: “Ҳар қанай тушунча ва ҳар қандай лексик маъно умумлаштириш ва мавҳумлаштириш орқали ҳосил бўлган” - деб кўрсатилади.²

Кўрдикки, олмошларнинг лексик маъноси ва унинг компонентлари муҳим ва умумлашган белгиларга асосланган

¹ Қрғ.: Кацнельсон С.Д. Содержание слова и обозначение. – С. 15.

² Қрғ.: Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. – С. 9; Турсунов У., Мухторов Ж., Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 10 б.

тушунчаларнинг сўздаги инъюксидир. Бироқ олмошларнинг лексик маъноси нихоятда умумлашган ва мавхум бўлади.

Ҳар қандай тушунча ва ҳар қандай лексик маъно ҳам умумлаштириш ва мавхумлаштириш орқали ҳосил бўлади. Лекин бунда лексик маъно муҳим ва умумлаштирувчи белгилар асосидаги тушунчани ўзида акс эттириши зарур. Бундай бўлмаса бошқача ҳол кузатилади. Тилшуносликда қайд этилганидай, тушунча билан лексик маъно адекват эмаслиги кўзга ташланади¹. Мана шу адекват бўлмаган ўринларни кўриб чиқишга тўғри келади. Шу ўринда атоқли отларга эътибор бериш лозим. Ҳар қандай сўз ҳам ўз маъносига эга бўлишига қарамай, унда тушунча ифода топавермайди.² Масалан, атоқли отлар маъносида тушунча акс этмаган.³ Сўзларнинг маъноси тушунча ифодаламас, улар грамматик маъно бўлиб, грамматик вазифа бажаради, деган эдик. Лекин атоқли отлар грамматик вазифа бажармайди. Шундан қелиб чиқиб Е.М.Галкина-Федорук: “Атоқли отлар тушунчага ҳам, маънога ҳам эга эмас, у аниқловчи рамзларни билдиради. Шунинг учун ҳам атоқли отлар изоҳли лугатларга киритилмайди: тушунтириб ҳам, изоҳлаб ҳам бўлмайди” - деб айтади.⁴ Бунга яна атоқли отларни таржима қилиб бўлмаслигини ҳам қўшиб қўйиш керак.

Умуман, атоқли отлар тушунча ифодаламаслиги ҳақидаги фикрлар тўғри. Бунинг учун келтирилган далиллар ҳам тўлалиги билан асосли. Ундан кўз юмиб бўлмайди. Лекин у ердаги “маъноси йўқ” деган фикрга қўшилиб ҳам бўлмайди. Чунончи, у ё шахс, ё жой, ё ташкилот, ё ва ҳ.лардан бирини ифодалайди. У фақат хусусий ифодага эга. Лекин атоқли от шу хусусий ифода берган маъноси билан гап бўлаги: эга, тўлдирувчи, қараткичли аниқловчи ва ўрин ҳоли кабилардан бири вазифасини ўтай олади. У тушунча ифодаламаганлиги учун, изоҳлаб, таржима қилиб бўлмаганлигига қарамай, синтактик вазифа бажаради. Шунинг учун уни лексик маънога эга деб бемалол айтиш мумкин. Яна унинг нутк лексикасида мустаҳкам ўрни борлигини эсдан чиқармаслик керак.

¹ Қриг.: Stepanova M.D., Černiševa I. I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – S.14; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ҳозирги ўзбек адабий тили. 10 б.; Галкина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. I. – С. 26.

² Қриг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 49.

³ Қриг.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 50; Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – С. 14; Калинин А.В. Лексика русского языка. 2ое изд. – М.: Изд. МУ. 1971. С. 21.

⁴ Қриг.: Галкина-Федорук У.М. Слова и понятие. – М.: Учпедгиз. 1956. С. 53.

Бу у ҳақда рамз деб айтилган фикрнинг асоссиз эканлигини кўрсатади. Атоқли от рамз эмас, шубҳасиз, сўздир.

С.Д.Кацнельсон: “Ҳатто атоқли отлар ҳам... умумлашув хусусиятига эга”, - деган фикрни айтади¹. Бу фикрни қайси нуктаи назардан айтганлигини тушунтириб бермаган. Унинг атоқли отларнинг лексик маъносида умумийлик бор деб айтган бу фикрига қўшилиб бўлмайди. У фақат хусусий ифода берувчи сўздир.

Яна ундов ва тақлидий сўзлар, лексик маънога эга бўлгани ҳолда, тушунча ифодаламайди². Ундов сўзлар ҳис-ҳаяжон, чақириш-ҳайдаш каби ифодага эга бўлгани ҳолда, тақлидий сўзлар товушга ва турли ҳолатларга тақлидни ифодалайди.

Кўрдикки, ундов ва тақлидий сўзларнинг лексик маъноси тушунча ифодаламай, товуш ва ҳолат тасвирини, чақириш-ҳайдаш, ҳис-ҳаяжонни билдиришига кўра ўзига хосдир. Унинг ҳам нутқда, яъни гапда ўз синтактик вазифаси бор.

Объектив борлиқдаги ниманингдир онгдаги инъикоси тушунча бўлгани ҳолда, онгнинг объектив борлиқдаги нарсага муносабати ҳам бор. Бу муносабат хурмат, ҳайратланиш, юмшоқлик, қўполлик, ёқтирмаслик кабилардан иборат бўлади.³ Э.Алманнинг фикрича, эмоционал-экспрессив элемент сўз лексик маъноси таркибига тенг ҳуқуқли узв сифатида киради.⁴ С.Усмоновнинг таъбири бўйича, у лексик маъно компонентлари (таркибий қисмлари) дан биридир.⁵ Кўринадики, сўз лексик маъноси таркибида эмоционал-экспрессив бўёғи ҳам бўлади.⁶ Бу, бошқирд тилшунослигида айтилганидай, лексик маънонинг устама белгисидир.⁷ Эмоционал-экспрессив бўёқ қаторига яна услубий бўёқни қўшиш мумкин.⁸ Уларнинг ҳаммаси лексик маънонинг бир компоненти, дифференциал-семантик метод термини билан айтилса, у семеманинг бир семаси ҳисобланади. Лексик маъно, яъни семема тушунчадан шу компоненти, яъни

¹ Крнг.: Кацнельсон С.Д. Содержание слова... – С. 10.

² Крнг.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 20 б.: Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – С.14; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – С. 33.

³ Крнг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 50.

⁴ Крнг.: Ahlmann E. Derterminative Moment im Bedeutungs begriff. - Hells. 1928. S. 76.

⁵ Крнг.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 21 б.

⁶ Крнг.: Галкина-федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. – С. 26; Фомина М.И. Современный русский язык. – С. 25.

⁷ Крнг.: Хазерге бапкорт теле /яу. ред. З. Ф. Ураксин, К.Ф. Ишбасв. – Өфө: ВКН. 1986. 12 б.

⁸ Крнг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 13 б.

семасига кўра фарқ қилади – у кенгдир. Аммо С.Д.Кацнельсон бу қарашга эътироз билдириб: “Сезги-туйғу билдирадиган компонентларни тушунчага қарши қўйилган алоҳида элемент сифатида ажраиш зарурми? Менимча, йўқ” - дейди.¹ Лекин объектив борликнинг онгдаги инъикоси бу - тушунча. Масалан, онгли мавжудот одамдир. Бу - тушунча. Унга нисбатан онгнинг муносабати ижобий бўлса, ижобий эмоционал муносабат элементи юзага келади. Яъни тушунча устига устама элемент пайдо бўлади. Энди бу тушунчани ифода этган *одам* сўзининг лексик маъносига сиғмайди. Мазкур лексик маъно эмоционал узв билан тўлдирилса, бу кенгайган лексик маъно *одам* сўзига эмас *инсон* сўзига мансуб бўлади. Бу қўшилган узв тушунча ҳажмига кирмайди. Чунки у онгда акс этган эмас, балки онгнинг унга бўлган муносабатини акс эттирган. Шунинг учун ҳам, *инсон* сўзидаги лексик маъно унда ифода топган тушунчадан фарқ қилади, деб бемалол айта оламиз. Яъни лексик маънолар тушунчалардан эмоционал-экспрессив, услубий бўёққа эгаллигига кўра фарқ қилиши кузатилади. Мана шу ўринда С.Д.Кацнельсонга қўшилиб бўлмади.

Лексик маънонинг тушунчадан яна фарқ қиладиган ўрни уларнинг ўзаро номос ҳажмга эга бўлиб қолишлари ҳисобланади.² Масалан, ўсимликнинг нафас олиш органи *барг* сўзи лексик маъносида ҳам, *япроқ* сўзи лексик маъносида ҳам ифодаланади. Бироқ *барг* сўзи барча ўсимликларга нисбатан, *япроқ* сўзи фақат йирик дарахтларга нисбатан қўлланади. Яъни *япроқ* сўзининг лексик маъноси тушунчага нисбатан торроқ. Яна *терлама* сўзидаги лексик маъно кенг ифодага эга. Ҳозир тепкили терлама, ич терлама, ёндош терлама тур касалликлари аниқланган. Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тушунча бор. Улар бирикма билан ифодаланади. *Терлама* сўзи лексик маъноси ҳар уч касаллик тушунчасини ўз ичига олади, кенг ифодага эга. Бу албатта тушунча фаолияти билан алоқадордир. Чунки кенг мазмунли тушунча буюмнинг янги-янги, бошқа буюмлар билан боғли томонларини расман қамраб олишда давом этади.³ У тушунчалар билан муносабатда яққол кўзга ташланади. Билишнинг онгдаги ривож

¹ Қриг.: Кацнельсон С.Д. Содержание слова... – С. 15.

² Қриг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка С. 55

³ Қриг.: Кацнельсон С.Д. Содержание слова... – С. 18.

тушунча билан лексик маънонинг номутаносиблигини узлуксиз келтириб чиқариб туради. Бу диалектик қонуниятдир.

Тушунча билан лексик маънонинг ҳажман номутаносиб бўлиши кўпроқ терминологияда кузатилади. Чунки терминологияни ўз изидан олиб бораётган фан тўхтовсиз ривожланишда. Билиш ҳам бу доирада ниҳоятда тараққий этиб бормоқда.

Лексик маъно тушунча билан номутаносиб келишида унинг миллий характерда бўлиши ва тушунча эса доимо байналмилал эканлигидир.¹ Бу кўпроқ жонли тилда кузатилади. Масалан, рус тилида *свежий* сифати мавжуд. У ҳамма вақт ҳамма нарсанинг янгилик белгисини билдиради. Ўзбек тилида янгилик белгиси ўрни билан турли сўзларда ифодаланади. Рус тилидаги *свежий хлеб* ўзбек тилида *иссиқ нон* дейилади. Яъни ўзбек тилида нонга нисбатан янгилик белгиси унинг иссиқлиги бўлади. Рус тилидаги *свежая вода* ўзбек тилида *муздай сув* дейилади. Яъни ўзбек тилида сувга нисбатан янгилик белгиси унинг паст ҳароратда бўлишидир. Рус тилидаги айни бир сўз билан ифодаланган айни бир тушунча ўзбек тилида икки антитеза ҳолатидаги икки сўз билан берилган. Бунда ўзбекларнинг иқлимий шароити ҳам ўз аҳамиятига эга бўлган.

Лексик маъноларга хос миллийлик ҳатто бир оилга мансуб икки тил ўртасида ҳам кузатилади. Масалан, 'чиройли ҳаракатлар қилмоқ' тушунчаси ўзбек тилида *ўйнамоқ* феъли билан ифодаланса, татар тилида *басув* феъли билан ифодаланади. Ўзбек тилидаги *ўйнамоқ* феъли лексик маъносида қўл ҳаракати, татар тилидаги *басув* феъли лексик маъносида оёқ ҳаракати асосий белги сифатида танланган. Ҳар иккисида ҳам рақснинг миллий хусусияти эътиборга олинган.

Тилнинг миллий хусусияти сўз лексик маъносининг денотатив (тушунча ифодаловчи) компонентида ҳам, грамматик маъносида ҳам акс этмайди. У лексик маъносининг асосан прагматик компонентида бўлади. Ана шуни пайқаб олиш ҳам, иккинчи тилда бериш ҳам жуда жумбоқ масалаларни келтириб чиқаради. Масалан, рус тилидаги *моя книга* бирикуви ўзбек тилида *китобим* деб олинса, етарли. Ўзбек тилидаги *менинг китобим* қараткичли бирикмасининг қараткичли аниқловчи вазифасидаги сўз лексик маъносида эса прагматик компонент бор. Уни ифодалаш учун рус

¹ Қриг.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 51.

тилидаги бирикмага *именно* сўзини қўпиш керак: *именно моя книга*. Шунда таржима тўла бўлади.

А.Қаҳхорнинг “Синчалак” асари номи ҳам рус тилига нотўғри таржима қилинган. Унинг лексик маъноси прагматик компонентда шу ном билан аталувчи қуш ҳақидаги ривоят эслатилган. Рус тилига олинган “Птичка невеличка” бирикувида шу ифода қолиб кетган. Эҳтимол, унинг рус тилига таржимасида шу ифодани бериб бўлмас ҳам. Мана шу лексик маънодаги, унда акс эттирилган прагматик компонент тушунча ҳажмига кирмайди ва номутоаносибликни келтириб чиқаради. Яъни лексик маънонинг ўз таркибида прагматик компонентга эга бўлиши унинг тушунча билан тенг эмаслигини кўрсатади.

Лексик маънонинг ўзи ифодалаган тушунчага тенг эмаслиги унинг грамматик маънога ҳам эга бўлишидир. Яъни лексик маъно ўзи оид бўлган сўз таркибида бирор туркумга оидлиги билан грамматик категорияларга ҳам эга бўлади.¹ Сўз бирор туркумга мансублиги ва шу туркум доирасида категорияларга эга бўлиши унинг лексик маъносига таянган ҳолда шаклланади. Яъни сўзнинг шаклланиши лексик маъносига таянади. Шунинг учун ҳам тилшунослар: “лексик маъно билан грамматик маъно ўртасида жипс боғланиш бор” - дейди.² Тушунча лексик маънонинг асоси бўлса, унинг грамматик маънога алоқаси йўқ. Масалан, *китобни олдим* бирикувида икки сўз ўз лексик маънолари билан намоён бўлган. Биринчи сўзнинг лексик маъноси асосида ‘ўқув асоси бўлган буюм’, иккинчи сўзнинг лексик маъноси асосида ‘ўз ихтиёрига киритмоқ’ тушунчалари берилган. Сўзнинг лексик маъноси биринчисида тушунчани ифодалаш билан от туркумига мансублиги ва тушум келишигида эканлиги, иккинчисида тушунчани ифодалаш билан феъл туркумига мансублиги ва ўтган замонда, аниклик майлида, ўтимсиз эканлиги қайд этилган. Яъни лексик маъно грамматик категорияларга эгаллиги билан тушунчадан кенгдир.

Сўз лексик маъноси асосида бошқа сўзлар билан бирикиш имконига эга бўлади. Бу ўша сўзнинг бирикиш имконига эга қилувчи валентлигидир. Валентлик сўз лексик маъноси компонентларини намоён этиб, бирикувчи сўзни талаб қилиш имконияти ҳисоб

¹ Қриг.: Арнольд И.В. Ўша сар. – С. 50.

² Қриг.: Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпақ тилини лексикологияси. – 42 б., Шанский Н.М. Лексикология русского языка. – С. 33; Фомиля М.И. Современный русский язык. Лексикология. – С. 25.

ланади. Лексик бирикувчанлик сўзнинг бошка сўз билан бирикиш имконияти бўлиб, унинг мажмуи лексик валентликдир.¹ Лексик маънонинг ҳар бир компоненти бир валентликни юзага келтиради. Ҳар бир компонент унда ифода топган тушунча камровидаги бир белгига тўғри келади. Яъни тушунча неча белгини ўз ичига олса, уни ифода этган лексик маъно ҳам шунча компонентдан таркиб топади. Шу ўринда В.А.Звегинцевнинг: "...сўзнинг лексик маъноси фақат бир тушунча билан боғли бўлиши мумкин"² - деган фикрини эътиборда тутсак, сўз валентлиги унинг лексик маъносига ҳам, унда ифодаланган тушунчага ҳам бир хилда боғлиқдир, деган хулосага келинади. В.А.Звегинцев ўз фикри билан ҳар қанча ҳақ бўлмасин, лексик маъно грамматик категорияларни ўзида камрашига кўра тушунчадан кенг эканлигини ҳам айтган эдик. Шунга кўра у ўзида шакл семантикаси валентлигини ва актантларнинг қандай шакл олишини белгилаш ҳуқуқини ўзида сақлайди. Бу жиҳатдан лексик маъно тушунча билан тенг кела олмайди. Масалан, *боққа бордим* бирикмасида феъл ўрин валентлигига эга бўлганлиги учун жўналиш келишигидаги ўрин билдирувчи актантни қабул қилган. Бирикма ва актант грамматик шаклланган.

Хуллас, лексик маъно асосида деярли бир тушунча бўлади. Лекин лексик маъно билан тушунча айнан тенг эмас. Атоқли отлар, ундов ва таклидий сўзлар лексик маъноси тушунча ифодаламайди. Турдош отлар, сифатлар, сонлар, олмошлар, мустақил маъноли феъллар лексик маъноси тушунча беради. Лекин уларнинг лексик маъноси эмоционал-экспрессив ва услубий бўёқ билдирувчи компонент, грамматик маъно бериши, баъзан ҳажмининг тенг келмаслиги, миллийлиги ва нутқда валентлигининг намоён бўлиши билан тушунчадан фарқ қилади. Тушунча эса фақат объектив борлиқдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ёки белгининг онгдаги инъикосидир.

3. Узуал ва окказионал лексик маънолар

Сўзда ҳосила маънонинг юзага келиши лексик маъно денотатининг объектив борлиқдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ва белги кабилар билан муносабатига кўра содир бўлади.³ У тил

¹ Қрнг.: Котелова Н.З. Значение слова и его сочетаемость. - Л.: Наука. 1975. С. 48.

² Қрнг.: Звегинцев В.А. Семасиология. - М.: Изд. МУ. 1957. С. 101.

³ Қрнг.: Реформатский А.А. Введение в языковедение. Изд. 4ое, испр. - М.: Просвещение. 1967. С. 75.

доирасида ҳам, нутқ доирасида ҳам кузатилади.¹ Лекин улар кўпгина ишларда адаштирилади. Уларни фарқлаб бериш ҳатто дарсликларда ҳам учрамайди.² Тўғри, тил доирасида ҳам юзага келган, нутқ доирасида ҳам юзага келган ҳосила маъноларнинг ҳар қандай лексик маъно деб қаралади. Чунки улар маъноси асосида тушунча ётади. Лексик маъно тушунча ифодаланиши билан характерланади.³ Лекин унинг ҳар икки сатҳга оидлари ажратилиб, тилда таҳлилга тортиш илмийлик учун қулайлик яратади. Шунинг учун ҳам уни Г. Паулдан бошлаб узувал маъно, окказионал маъноларга ажратиб ўрганилади.⁴ Узувал ва окказионал маънолар ўзига хос хусусиятларга эга. Улар нутқдан ташқарида ифодаланиши билан боғлиқ. Бу хусусиятларга бирма-бир тўхташга тўғри келади.

1. Г.Пауль жуда тўғри қайд этганидай, узувал маъно сўзнинг семантик таркибига кириб, нутқдан ташқарида ҳам англашилади⁵. Буни деярли тилшунослар тан олади.⁶ Масалан, сўз сўзи *Йигит сўзидан қайтмас...* (мақол) гапида 'ваъда' узувал маъносида қўлланган. У сўз сўзининг семантик таркибига киради. Шунинг учун бу сўзни шу узувал маъноси билан бошқа гап таркибида ҳам қўллаш мумкин: *Худо битта – сўз битта* (мақол). Агар сўз маъноси окказионал бўлганда эди, у ўзи оид гапдан ташқарида ифода бермас ва бошқа гап таркибида шу маъноси билан намоён бўлмасди. Чунки окказионал маъно маълум нутқий шароитдан келиб чиқиб маълум нутқдаги сўзда ҳосил бўлади.⁷ У шу нутқдан

¹ Қрғг.: Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 75.

² Қрғг.: Галкина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. Ч.1. – С. 32; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 81; Маммедов Н., Ахундов А. Дилчилик кириш. – Бакы: Маариф. 1966. 273 с.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 24-б.

³ Қрғг.: Wellander E. Studien zum Bedeutungswan delim Deutschen. – S. 40; Rudskoger A. Fair, foul, nice, prober. – S. 12; Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – С. 12; Schippan J. Einführung in die Semasiologie. – S. 47; Stepanova M.D., Čerševa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – S. 19; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 10 б.; Шмелев Д.Н. Современный русский язык. – С. 58; Ҳожиёв А. Семасиология... 20 б.

⁴ Қрғг.: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. – Halle. 1927. S. 93.

⁵ Қрғг.: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. – S. 100.

⁶ Қрғг.: Галкина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. – С. 23; Арнольд И.В. Ўша асар. С. 63; Реформатский А.А. Ўша асар. С. 77; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 78; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша дарслик. – 132 б.

⁷ Қрғг.: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. – S. 20, 75; Sperber H. Einführung in die Bedeutungslehre. – Bonn. 1923. S. 36; Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. С. 43-45.

ташқарида яшамайди. Масалан, *Лермонтовни ташламадим ҳеч...* (Х.Олимжон.) гапида *Лермонтов* сўзи ‘Лермонтовга оид асар’ окказионал маъносида қўлланган. Бу маъно шу нутқ шароитидан келиб чиқиб, *Лермонтов* сўзида ифода топган. Уни бу сўздан бошқа сўзда бериб бўлмайди. Шунинг учун ҳам уни кўпгина тилшунослар индивидуал маъно деб аташади.¹

2. Узуал маънонинг намоён этилиши, деб қайд этади Г.Пауль, у оид бўлган сўзнинг бошқа сўз билан боғланишидир. Бу катга аҳамият қасб этади. Айнан сўзларнинг ўзаро боғланиши сўзнинг узуал маъносини намоён қилади, унинг чегарасини, хусусиятларини, имкониятларини очиб беради.² Юқорида мисол тарикасида келтирилган сўз сўзи *сўздан қайтмас* бирикмасида ‘ваъда’ узуал маъноси билан намоён бўлган эди. У *оталар сўзи* бирикмаси таркибида *Оталар сўзи – ақлинг кўзи* (мақол) таркибига киритилган ва бу сўз ‘оқил маслаҳат’ узуал маъноси билан намоён этилган. Окказионал маъноли сўз доимо нутқ таркибида намоён этувчи сўз ёки сўзлар қуршовида бўлади. Чунки бусиз окказионал маъно ҳаёт эмас. Масалан, *Лермонтовни ташламадим ҳеч* гапидаги ‘Лермонтов асари’ окказионал маъносини беради, ундан ташқарида у бу ифодани қайд эта олмайди.

¹ Қарн.: Ефимов Л.И. Стилистика художественной речи. – М., 1961. С.121; Rayevska N. English Lexicology. – Київ: Родянська школа. 1961. Р. 115; Леонтьев Л. Словарь в речевой деятельности. – М., 1965. С.185; Абдуллова Л. Метафоралар ва уларнинг таржима қилиниши ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1965. 1-сон. 63 б.; Степанов Ю.С. Основы языкознания. – М.: Просвещение. 1966. С. 219. Окказионал термини ўрнида баъзан п о з т и к маъно термини ҳам қўлланади. Қарн.: Алиқулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1963. 6-сон. 37 б.; Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – L., 1970. S. 129. Адабиётшунослар ва баъзи тилшунослар т р о п терминини қўллашган. Қарн.: Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С.481; Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш.Э, Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари дугати. – Тошкент: Ўқитувчи. 1967. 228 б.; Реформатский А.А. Ўша асар. – С. 76; Шепилова А.В. Введение в литературоведение. М.: Наука. 1964. С. 63; Айрим тилшунослар у с л у б и й маъно деб аташган. Қарн.: Бельский А.В. Метфорические употребление существительных // Ученые записки 1-го МГПИИЯ. Т. VIII. – 1954. С. 286. Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 63; Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. – М.: Наука. 19965. С. 104; С. Усмонов б а д и и й маъно терминини қўллаган. Қарн.: Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1964. 4-сон. 35 б. В.В.Виноградов тўтридан-тўтри к ў л л а ш терминини ишлатган. Қарн.: Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слов... – С. 11. Ш.Раҳматуллаев сал ўзгартириб л е к с и к қ ў л л а ш терминини берган. Қарн.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 131-133 б.

² Қарн.: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte – S. 100.

3. Сўз, нутқ учун танланган узуал маъносининг компонентлари билан боғли ҳолда, айрим сўзлар билан бирикмани таркиб топтиради, яъни у ўз валентлиги талабидан чиқиб кетмасдан қуршовга эга бўлади.¹ Айрим тилшунослар сўзнинг валентлигига кўра актанти моҳиятини тўғри баҳоламай, шу сўз маъносини келтириб чиқарувчи сўз деб тушунадилар.² Актант, юқорида кайд этилганидай, ўзи бириккан сўзнинг маъносини келтириб чиқармайди, балки уни намоён этади. Ҳақиқатан ҳам, нарсанинг хусусияти у бирор нарса билан муносабатга киришганда юзага келмай, у асли ўзида бўлади, фақат муносабатга киришгач, юзага чиқади.³ Киши ҳам биров билан уришиб қолса, урушқоқ бўлиб қолмайди, балки ўзи урушқоқ бўлганлиги учун уришади ва шу унинг урушқоқлигини юзага чиқазади. Сўзнинг валентлиги ҳам, валентликнинг намоён этилиши ҳам унинг лексик (узуал) маъноси билан боғлиқдир.⁴ У шу валентлигига кўра орттирган актантлари қуршовида воқелангандир. Окказионал маъно ҳақида сал ўзгачароқ фикр айтишга тўғри келади. У нутқ жараёнида айрим сўзга тақилар экан, шу сўз окказионал маънони намоён этувчи сўзлар қуршовида берилади. Окказионал маъно шу юзага келган табиий матнда воқеадир. Уни қуршаб турган, яъни у билан бир бирикма таркибида жойлашган сўзлар шу окказионал маънога асосланган валентликка эга сўзнинг намоён бўлган актантларидир. Окказионал маъно билан воқеланган сўз бошқа сўз билан бирикмага киришмайди ва буни унинг валентлиги такозо этмайди. У фақат ўз ўрнида ва ўз нутқий мавқеидагина воқеланади.

4. Сўз узуал маъноси билан фақат бир гап таркибида эмас, бир неча гап таркибида келиши ҳам мумкин. У муайян нутқ учун танланар экан, қўлланаверади. Лекин маълум узуал маъно билан қўлланган сўз ҳар қандай сўз билан бирикмага киришавермайди. Бу жиҳатдан у чегараланган. Маълум узуал маъно билан нутқ учун танланган сўз фақат семантик имконияти йўл қўйган, валентига

¹ Қарнғ.: Будагов Р.А. Категория значения в разных направлениях современного языкознания. // ВЯ. – 1974. С. 10.

² Қарнғ.: Ельмслев Л. Пролегомоны к теории языка // Новое в лингвистике. Вып. 1. М.: Радуга. 1960. С. 283; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных мста в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. Тошкент. 1974.

³ Қарнғ.: Маркс К. Сочинения. Т. XXIII. – М.: Госполитиздат. 1960. С. 67.

⁴ Қарнғ.: Helbig H. Valents, Semantik und Satzmodelle // Deutsch als Fremdsprache 1976 S. 437.

мос келган сўз билангина бирикувга киришади. Окказионал маъно қайси сўзга тақилган бўлса, уни намоён этадиган сўзлар бирикувида, улар билан бирикмани таркиб топтириб, нутққа киритилган бўлади. Сўз окказионал маъноси билан шу сўзлар куршовида, шу гап таркибида келади, ўша нутқнинг ўзидагина мавжуддир.¹

5. Сўзнинг узуал маъноси ҳамма вақт умумлашган характерда бўлади.² У нутқ учун танланганда реализатори воситасида ифода доираси тораяди, яъни анча аниқроқ ифода берадиган бўлади. Масалан, сўз сўзи 'ваъда' узуал маъноси билан *йигит сўзи* бирикмасида қўлланганда, ваъда, албатта, бажариладиган даражадаги ваъда ифодасига етган. Сўзнинг окказионал маъноси эса нутқдаги муайян сўзга тақилар экан, умумлашган тушунчанинг доирасини торайтириш, маънони аниқлаштириш мақсад қилиб олинган бўлади. Масалан, *Лермонтовни ташламадим ҳеч гапни* эслаш мумкин. Бу гапдаги *Лермонтов сўзи асар сўзи* маъносини бериш учун танланган. Лекин гапда бу маъно 'Лермонтовга оид асар' маъноси доирасида торайтирилган. Бу окказионал маънога хос хусусиятдир.

6. Узуал маъно окказионал маънодан фарқли ҳолда, фақат бир сўзнинг семантик таркибига киради. Масалан, 'суюкли бола' окказионал маъносини ижобий эмоционал компоненти билан *қўзичоқ, бўталоқ, тойчоқ, шунқор, дўмбоқ* каби сўзларда ифодалаш мумкин. Русларда *парасенок сўзи*да ҳам ифодаланади. Узуал маънони бир сўз ифодалайди, яъни уни яна иккинчи бир сўзда ифодалаб бўлмайди. Синонимлар маъноси бир хил бўлган бирдан ортик сўздир. Лекин бир қатордаги синонимик сўзлар ё экспрессив бўёғига кўра, ё маъно нозиклигига кўра ўзаро фарқ қилади.³ Фақат

¹ Қарнғ.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 132 б.; Степанов Ю.С. Ўша асар. – С. 219; Алиқулов Т. Ўша мақола. – 38 б.

² Қарнғ.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 55; Будагов Р.А. Сравнительно-семасиологические исследования. – М.: Изд. МУ. 1963. С. 121.

³ Қарнғ.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 272; Левковская К.Н. Ўша асар. – С. 56; Iskova A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – S. 215; Дудникова А.В. Лексика и фразеология русского языка. – М.: Просвещение. С. 1970; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 29 б.; Калинин А.Б. Лексика русского языка. – С. 48; Шанский Н.М. Лексикология русского языка. Изд. 2-е, испр. М.: Просвещение. 1972. С. 52; Чэфэров С. Мўасир азэрбајчан дили. – Бақы: Маариф. 1977. 29 с.; Кеңесбаев Г., Мусабаев Ф. Қазірге қазақ тілі. Лексика. Фонетика. 2-басма. – Алма-Ата: Мактаб. 1975. 65 б. Арбеков Т.И. Лексикология английского языка. – М.: ВШ. 1977. С. 123; Stepanova M.D., Černiševa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – S. 22; Белкин В.М. Арабская лексикология. – М.: Изд. МУ. 1975. С. 147; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 29 б.; Бердимуратов Е. Ҳозирги қарақалпақ тилиниң лексикологиясы. – 97 б.; Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. – М.: ВШ. 1983. С. 78;

дублетлар таркибидаги сўзлар маъноси айни бир хил бўлади.¹ Лекин дублетлар тилда узоқ яшамайди: ё бири қўлланмай кетади, ё бири бир жихати билан ўзгариб кетади.² Яъни бирорга ҳам узуал маъно тўлалиги билан иккинчи бир сўзда такрорланмайди.

Узуал маъно нутқдан ташқари, у билан боғли бўлмаган ҳолда, ҳосил бўлади. У экстралингвистик ҳодисаларнинг тил бирликларида бевосита ёки тил ҳодисаларида акс этиш орқали юзага чиқади. Ўз вақтида Г. Пауль, ҳосила маънолар нутқ бирлиги ҳолида ҳосил бўлиб, секин-аста кўпчилик томонидан тан олинади ва у тил бирлигига айланади, яъни окказионал маъно секин-аста узуал маънога ўтади, деб ҳисоблаган.³ XX асрнинг II ярмидаги бир қатор тилшунослар ҳам шу нуктаи назарни ушлаган эди.⁴ К.А.Левковская эса, Г.Паулни идеалистликда айблагани ҳолда, бу нуктаи назарни қатъиян инкор этади.⁵ Ҳақиқатан ҳам маълум субъект томонидан юзага келтирилган, нутқ шароитининг ҳосиласи бўлган окказионал маъно объектив фактор ҳисобланган узуал маънога айланади, дейиш билан Г.Пауль ҳақ эмас эди. Тил фактлари унинг хулосаларини тасдиқламайди. Масалан, ўзбек тилида бир неча асрдан бери *гул* сўзи ўзининг 'жонон' окказионал маъноси билан турли шоирлар ижодида фаол қўлланиб келмоқда. Лекин шу вақтгача нутқ ҳосиласи окказионал маъно сифатида қолмоқда. Дарвоқе, у нутқ учун эслаб танланмайди, балки яратилади, қўллаш учун ҳар қандай имконият туғилиши билан қайта юзага келтирилади. Окказионал маъно моҳияти билан нутқ ҳодисаси бўлиб, тилга тегишли эмас, тилнинг мулки ҳам бўлиб етмайди. Узуал маъно, юқорида айтганимиздай, экстралингвистик ҳодисаларнинг тил бирликларида бевосита ёки тил ҳодисаларида акс этиш орқали юзага чиқади. Масалан, ўтган асрнинг 30-йилларида *йўқлама*, *қўлланма*, *тепкили*, *зарбдор* сўзлари ясалди ва улар узуал ҳосила маънога эга бўлиб ҳам улгурди. Булардан *йўқлама*, *қўлланма*

Ҳожиев А. Синонимия // Ўзбек тили лексикологияси / Мас. муҳ. А.Ҳожиев, А.Аҳмедов. Тошкент: Фан, 1981. 241 б.

¹ Крнг.: Чэфэров С. Мўасир азэрбајчан дили. – 29 с.

² Крнг.: Ҳожиев А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси. – 239 б.

³ Крнг.: Paul H. Ўша асар. S. 75,76.

⁴ Крнг.: Ефимов Л.И. Стилистика художественной речи. - М., 1961. С. 61; Гвозден А А Очерки по стилистике русского языка. – М.: Просвещение. 1965. С. 105; Аликулов I Метонимия ва полисемия // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар Тошкент: Фан, 1965. 21 б.

⁵ Крнг.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. С. 45.

сўзлари фаолият билдирувчи маънодан ‘уни ҳисобга олувчи хужжат’ маъносини ҳосил қилган. *Тепкили* сўзи ‘сиртга урадиган’ маъноси билан ясалиб, ‘тошма’ маъноси; *зарбдор* сўзи ‘зарб берувчи’ маъноси билан ясалиб, ундан ‘илғор’ маъноси ҳосил бўлган. Ҳар тўрт сўз ҳам генетик маъноларига кўра ўтган асрнинг 30-йилларида ясалган ва беш йиллар ичида ҳосила маънони юзага келтирган. Ҳар тўрт сўзнинг ҳосила маъноси ҳам узуалдир. Улар ҳеч қандай вақт талаб қилмай узуал бўлди. Чунки уларнинг ҳосил бўлиши ўзи атаган нарса генетик маъно атаган нарсага алоқадорлиги учун, уни аташ орқали юзага чиққан, нутқ ҳодисаси аҳамият касб этмаган. Шу билан бирга аниқ ифода учун нутқда ҳосил бўлган окказионал маъно умумлаштирувчи ифодага эга узуал маънога томон тараккий этади ва унга айланади, дейишнинг ўзи мантикий эмас. Аксинча, узуал маъно умумлашган ҳолда аталиш орқали ҳосил бўлиб, нутқ уни маълум даражада аниқлаштиради.

Хуллас, лексик маъно узуал ва окказионал маънолардан иборат. Узуал маъно сўзнинг таркибига кириб, нутқдан ташқарида ҳам англашилари, лекин уни ифодалаган сўз бошқа сўз билан муносабатга киришганда воқеланадиган, гап унинг валентлигига қараб таркибини белгилайдиган, турли нутқ талабига кўра танлана-верадиған, умумлашган ва деярли мавҳум характерли, фақат бир сўзнинг семантик таркибига оидлиги билан лексик маъно эканлиги ҳолда; окказионал маъно маълум нутқ шароитида маълум сўзлар куршовидаги сўзда яралиб, ундан ташқарида ифода бермайдиган, ўз валентлигига кўра воқеланран актантлар ичида яшайдиган, бошқа нутқ таркибидаги шароит натижасида қайта яраладиган, умумлашган тушунча доирасини торайтириш, аниқлаштириш учун қўлланадиган, нутқ шароитидан келиб чиқиб, турли, бир неча сўзда ҳам ҳосил этилавериши мумкин бўлган лексик маъно ҳисобланади. Окказионал маъно ҳар қанча яшамасин ва танилмасин, у шу ҳолатидан кўра тараккий этмайди, узуал маънога ўтмайди.

Хулоса

Тадқиқотнинг “Лексик маъно” деб аталувчи мазкур боби юзасидан қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин.

1. Лексик маъно ҳамма вақт муайян сўзнинг семантик таркибига киради. Сўзда грамматик маъно ҳам, сўзловчининг ўз нутқига бўлган муносабатини билдирувчи маъно ҳам бор. Бирок

буларнинг ўзи лексик маъно бўла олмайди. Лексик маъноли сўз гап бўлаги вазифасини бажаради ва, шунингдек, морфологик категориялар маъноси, эмоционал-экспрессив ва услубий маъно ифодасини беради.

2. Лексик маъно асосида деярли тушунча ётади. Лекин улар ҳажм жиҳатидан тенг бўлмаслиги ҳам, лексик маънода эмоционал-экспрессив маъно, услубий хусусият бўлишига кўра тушунчадан кенг келиши ҳам мумкин.

3. Лексик маъно айрим ҳолларда тушунча ифодаламайди. Атоқли от, ундов сўз, тақлид сўз кабилар лексик маъноси тушунча билдирмайди, лекин уларни ўз ичига олган сўз гап бўлаги вазифасини ўтайди. Олмошлар лексик маъноси, табиий ҳолда, турдош от, сифат, сон, феъл, равиш лексик маъноси асосида тушунча бор.

4. Лексик маъно миллийлиги ва сўз валентлигини белгилаши нуктаи назаридан тушунчадан фарқланади.

5. Лексик маънонинг узуал ва окказионал типлари бўлиб, узуал маъно объектив воқеликнинг тил фақтида ё бевосита, ё тил воқелигида акс этиши орқали ифода топишидан ҳосил этилиши, нутқ учун сайлаб киритилиши бўлгани ҳолда; окказионал маъно маълум нутқ шароитидаги маълум сўзда яратилиши, ҳар гал шу матнда қайта ҳаёт бўлишига кўра улар ўзаро фарқ қилади.

ЛЕКСИК МАЪНОНИНГ СЕМАНТИК ТАРКИБИ

I. Сема тушунчаси ҳақида

Лексик маъно (семема) бўлинмас бирликдан иборат эмас, балки таркибий узвга эгадир¹. Лексик маънонинг мана шу элементи, Р.Юнусов қайд этишича, семадир². Д.Ш.Хўжаеванинг қайд этишича ҳам, лексик маъно кўп семали бўлади³. Т.Шиппан эса лексик маъно белгилар йиғиндисидан иборат таркибга эга бўлади, деб кўрсатади⁴. Ҳақиқатда ҳам лексик маъно ўз таркибига эга. Уни кўлингиздаги ишда ҳам тилга олиб, у ҳақда тадқиқий фикрлар, таснифлар келтирилмоқчи. Аввал эса лексик маънонинг таркибий узви нима даб аталишига аниқлик киритишга тўғри келади: у белги дейиладими, компонент дейиладими ёки сема дейиладими?

Немис тилшуноси М.Филипп айниқса белги тушунчаси билан сема тушунчасини фарқлаш тарафдори эканини айтгани ҳолда, буни, сема маъно, яъни семема компоненти бўлиб, белги референт компоненти дир, деб изоҳлайди⁵. Яна давом этатуриб, қуйроқда: “бир белги бир сема сифатида тан олинади, лекин лексик оппозицияга кўра фарқлидир”, - дейди⁶. Ҳақиқатда ҳам шундай. Референт асосий белгилари билан⁷ онгда акс этади, тушунчада қайд этилади. Дарҳақиқат, тушунча онгда акс этган референтнинг ўзидир. Лексик маъно таркибида эса, I-бобда айтиб ўтилганидай, тушунчадан ташқари экспрессив-эмоционал ва услубий бўёқлар ҳам ўз ифодасини топади⁸. У.Турсунов, Ж.Мухторов, Ш.Раҳматуллаевларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили” номли дарслигида: “Сўзнинг семантик структураси (таркиби)да, лексик маънодан

¹ Крнг.: Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1974, С.4.

² Крнг.: Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места... – С. 5.

³ Крнг.: Хўжаева Д.Ш. Ўзбек тилида эпитет. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф – Тошкент, 1996, 9 б.

⁴ Крнг.: Schippan Th. Einführung in die Semasiologie – Leipzig: VBJ, 1972, S. 47.

⁵ Крнг.: Philipp Marthe. Semantik des Deutschen. – Berlin: WBVB, 1998, S. 21.

⁶ Крнг.: Philipp Marthe. Semantik des Deutschen. – S. 21.

⁷ М.И. Фомина тушунчада предметнинг асосий белгилари акс этади, дейди. Крнг.: Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – М.: ВШ, 1971, С. 13.

⁸ Крнг.: Галкина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. I. – М: ИМУ, 1962, С. 26; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 2 наشري – Тошкент: Ўқитувчи, 1975, 13 б.

ташқари, стилистик бўёқ ҳам мавжуд”, - деб айтилган¹. Албатта, бу ўринда стилистик бўёқни “лексик маънодан ташқари” деб айтилишида адашилган. Стилистик бўёқ ҳамма вақт муайян лексик маънога мансуб бўлади. Агар лексик маъно компонентини белги термини билан атаб борилса, текшириш жараёнида экспрессив-эмоционал ва стилистик бўёқ каби элементлар эътибордан четда қолган бўларди. Шунинг учун А.Ҳожиев: “...сўзнинг семантик структурасига кирувчи лексик маъно ҳам маълум компонентлардан таркиб топади”, - деб айтган². Яъни лексик маънога оид элементларни “компонент” деб атаган. Шундан келиб чиқиладиган бўлса, тилшуносликда, референт белгилардан таркиб топади ва тушунча узвлари ҳам белгилар дейилиши; шунингдек лексик маъно таркиби компонентлардан иборат, дейилиши аини муддаодир. Унга амал қилишга тўғри келади.

Тилшуносликда дифференциал-семантик метод кейинги вақтларда фаол қўлланмоқда. Шунга кўра луғавий бирлик ҳолатидаги сўз “лексема”, лексик маъно “семема”, лексик маънонинг компоненти “сема” деб қўлланмоқда. Шунинг учун ҳам А.Ҳожиев: “...семалар семеманинг мундарижасини ташкил этади³”, - деса, рус тилшуноси Л.А.Новиков: “Семалар йиғиндиси семеманинг маъно таркибини таркиб топтиради⁴”, - деган фикрни айтади. Бу фикрлар аини бир хил мантиққа эга бўлгани ҳолда, яна лексик маъно учун берилган андозага ҳам мосдир.

Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридаги таҳлилларда айтилганидай, сема семеманинг бўлаги, яъни қисми экан, деган хулосага келмаслик керак⁵. Бунинг учун семеманинг референти ва унинг белгиси билан муносабатига эътиборни қаратишга тўғри келади. Ҳеч маҳал референтнинг белгилари унинг бўлаги, яъни қисми бўла олмайди. Масалан, қанд кимё нуқтаи назаридан углеводдир. У оқ рангда, мазаси ширин, ўзи кристалл бўлади. Қанд – шу тўртта белгига эга. Бу белгилар унинг қисмлари эмас. Агар қалла қанд бўлса, уни бир неча чакмоқларга бўлиб юборилса, ҳар

¹ Қриг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша дарслик, ўша бет.

² Қриг.: Ҳожиев А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси / М. мух. А.Ҳожиев, А.Аҳмедов. Тошкент: Фан, 1981, 203 б.

³ Қриг.: Ҳожиев А. Семасиология... – 203-б.

⁴ Қриг.: Новиков Л.А. Семантика русского языка, – М.: ВШ, 1982, С. 116.

⁵ Қриг.: Леонтьев Л.А. Психологическая структура значения // Семантическая структура слова. – М.: Наука, 1971, С. 7; Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг шакллари. Тошкент: Фан, 1977, 66-б.

бир чакмоқ калла қанднинг бўлаги, яъни қисми ҳисобланар эди. Юқорида бундай бўлақлар ҳақида гапирилмади. Моҳиятига кўра қанд углевод дейилди ва у оқ, кристалл, ширин, деб белгилари қайд этилди. Мана шу қанд сўзи семемасининг референти ҳисобланса, семеманинг семаси референтнинг белгиларини ифода этган. Референтнинг белгилари унинг бўлаги, яъни қисми бўлмагандан кейин, ўша референтни ифодалаган семема учун белгиларни ифодалаган сема ҳам бўлақ, яъни қисм ҳисобланмайди. Мантиқан худди шундай. Худди шу ўринда “белги” сўзи грек тилида “сема” деб аталишини ҳам эътиборда тутиш керак¹. Шунга кўра сема тўғридан-тўғри семеманинг бўлаги, яъни қисми деб айтилишига қўшила олмадик ва Ҳ.Неъматов, Р.Расуловларнинг “...семемани ҳосил килувчи маъно бўлақлари (семеманинг таркибий қисмлари) сема деб айтилади²”, – деган фикри билан ҳамфикр бўлмадик. Лекин муаллифингизнинг қарашлари А.Ҳожиёвнинг “семалар семеманинг мундарижаси” деган ва Л.А.Новиковнинг “семалар йиғиндиси – семема” деган фикрларини инкор ҳам этмайди. Улар назарда тутган семалар белги ифода этувчи бўлиши керак. Худди шу ўринда И.Қўчқортоевнинг “лексик маъно компонентлари – идеал компонентлар³” деган фикрига эътиборни қаратамиз. Ҳақиқатда ҳам семема семаси референтнинг идеал узви, яъни белгисини ифода этади.

М.Филиппнинг таъкидлашига кўра, бир сема бир неча синтетик белгиларни камраши ҳам мумкин⁴. Масалан, бирор буюм пуштисифат қизғиш олача рангга эга бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Шунда ўша буюмни билдирувчи семеманинг бир семаси келтирилган синтетик белгиларни ифода этган бўларди.

Ҳуллас, сема семеманинг идеал узви бўлгани холда, у белги ифодасини беради.

Семалар қайси нуқтаи назардан белги билдиришига кўра, турларга бўлинади. У сўзларнинг семантик майдонидаги тутган мавқеига кўра, сўзларнинг семантик тараққиётидаги ҳолатига кўра,

¹ Қрнг.: Советский энциклопедический словарь. – М.: СЭ, 1981, С. 1203.

² Қрнг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 57-б. М.Ҳақимова ҳам худди шу фикрда. Қаранг: Ҳақимова М. Семасиология. – Тошкент, 2008, 37-б.

³ Қрнг.: Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги, 66-б.

⁴ Қрнг.: Philipp Marthe. Semantik des Deutschen. – Berlin: WBVB, 1998, S. 21.

сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра, синтагматик вазифасига кўра типларга бўлинади. Бу типлар қуйидагича:

2. Семаларнинг семантик майдондаги ўрнига кўра типлари

Сўз маълум семемасига кўра муайян семантик майдонларга бирлашади.¹ Рус тилшуноси Н.И.Толстой қайд этишича, тилнинг семантик тизимини қисмларга бўлиб қараш кейинги ўн йилликларда “семантик майдон” деб аталган негизга йўналтирилди.² Н.И.Толстойнинг бу қайдига ҳам қирқ йиллар бўлди. Яъни тилнинг семантик тизимини семантик майдонлар негизда ўрганиш бошланганига ярим асрдан ошди.

Тилнинг семантик тизимини семантик майдонлар негизда дифференциал-семантик таҳлил методи билан текшириш Л.Ельмслев номи билан боғли бўлиб, у 1943 йил Прага мактаби журналидаги мақоласида бошланган. Бу мақола уруғчилик, ҳайвон номлари, ҳарбий терминларни таҳлил этишга бағишланган эди.³ Уларда терминлар семемалари бўйича бир хил ва фарқланувчи семаларни кўрсатиб, таҳлил этиб беришга ҳаракат қилинган. Асосан айрим терминларни дифференциациялаш мақсад қилиб олинган. Худди шу йўналишда яна Ст.Ульман, Д.Н.Шмелев, Т.М.Гариповларнинг ишларини ҳам кўриш мумкин.⁴ М.Матъо эса лексиканинг дифференциал таҳлил этиш асосларини юзага келтириш бўйича бир қатор методларни қўллаш доирасини кенгайтиришга ҳаракат қилди.⁵

Дифференциал-семантик метод анъаналари 1960 йиллардан интеграл семаларни қўллай бошлаши билан жиддий тўлдирилди. Бу Н.И.Толстой, Д.Н.Шмелев, Ю.А.Найда тадқиқотларида ўз

¹ Қрғ.: Trier J. Der deutsche Wortschatz im Sinbezirk des Verstandes - Heidelberg. 1931; Шу муал. Die Worte des Wissens // Mitteilungsdes Universitätsbundes. – Marburg. 1931; Яна му муал. Sprachliche Felder // Zeitschrift für deutsche Bildung. – 1932.

² Қрғ.: Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии // Славянское языкознание. VI международный съезд славистов. – М.: Наука. 1968. С. 343.

³ Қрғ.: Ельмслев Л. Прологомены к теории языка. // Новое в лингвистике. Вып. 1. М. Радуга. 1960.

⁴ Қрғ.: Ullmann St. Semantics. An intraduction to the sciense of meaning. Oxford. 1964. Шмелев Д.Н. Об анализе семантической стуктуры слова // Leichen und System der sprache – Berlin, 1966; Гарипов Т.М. О семантической дифференциации коррелирующих слов близкородственных языках // Проблемы семантики. – М.: Наука. 1971. С. 469

⁵ Қрғ.: Mathiot M. Au opproach to the cognitive Study of language // International journal of American Linguistics. 1968. Vol. 34. №1.

аксини топди.¹ Кейинроқ Б.Потье, Л.Г.Хеллер, И.Макрис, Н.И.Толстой, В.Г.Гак, О.Н.Селиверстова ва Н.Г.Комлеглар ишида маъноларни иерархик жойлаштириш ғояси муҳокама этила бошлады.² Б.Потье ва В.Г.Гаклар ишида эса семантик компонентларни архисема, интеграл сема ва дифференциал семаларга бўлиб кўрсатилди.³ Бунга Б.Потье ва А.И.Гремаслар ишида виртуэма, яъни потенциал сема ҳам илова қилинган.⁴ Н.И.Толстойнинг қайд этишича, лексема семемасини мана шу тизим асосида ўрганиш лексик бирликларда семалар келиб чиқишини аниқлаш учун имконият беради.⁵

Кўринадики, семалар семемаларнинг семантик майдонда жойлашиш мавқеига қараб архисема, интеграл сема, дифференциал сема ва потенциал сема каби типларга бўлинади ва улар иерархик тартибдаги ўрнига қараб турлича вазифа бажаради. Бунинг учун уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтиш ва таҳлиллар бериш тўғри келади.

Архисема ҳақидаги тушунча деярли умумий тилшунослиқда бир хил. Француз тилшунослари қарашларига асосланган В.Г.Гак: “Архисема маълум бир объектлар белгиси, хусусиятини акс эттиради” - деб изоҳ берган.⁶ Шундан беш йил ўтиб, Л.А.Новиков унинг фикрини тўла такрорлаган ҳолда: “Архисема шундай семаки, маълум турдаги бирликларнинг умумий белгиси (хусусияти) ни акс эттиради,” - дейди.⁷ Ҳар икки тилшунос ҳам архисемага берган изоҳларида референтлар учун “умумий бўлган белги (хусусият) ни акс эттиради” мазмунини қайд этишган. Референтларнинг тил

¹ Қрғг.: Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии... – С. 339-365; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – 1969. С. 15; Найда Ю.А. Наука перевода // ВЯ. – 1970. №4. С. 9.

² Қрғг.: Pottier V. La definition sémantique dans les dictionnaires // Travaux de linguistique et de littérature. III. 1. – Strasbourg. 1965.; Heller L.G., Macris J. Mouton ind Co. - The Hague. – Paris. 1967; Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии...; Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики // Проблемы структурной лингвистики – 1971. – М.: Радуга. 1972.; Селиверстова О.Н. Компонентный анализ многозначных слов. – М.: Наука.1975; Комлег Н.Г. Компоненты содержательной структуры слова – М.: Изд. МУ. 1969.

³ Қрғг.: Pottier V. La definition sémantique dans les dictionnaires...; Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики. . .

⁴ Қрғг.: Greimas A. J. Sémantique structurale. – Paris. 1966. P.22; Pottier V. Linguistique générale. – Paris. 1974. P. 29,30,62,63.

⁵ Қрғг.: Толстой Н.И. Ўша мақола. – С. 358.

⁶ Қрғг.: Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – М.: МО. 1977. С. 14.

⁷ Қрғг.: Новиков Л.А. Семантика русского языка. – С. 117.

фактида акс этган умумий белгиси (хусусияти) семадир. Яъни архисема семемалар учун умумий бўлган сема ҳисобланади. Шунинг учун ҳам А.Ҳожиев: "...семемалар асосида лексемаларни маълум семантик майдонларга бирлаштирувчи сема архисема деб аталади" - деган таърифни берган.¹

Сўзларни маъноларга кўра гуруҳлаштириш тилшуносликда эски усул. Шу асосда лексикографияда идеографик лугатлар юзага келган. 1931-1932 йилларда немис тилшуноси Й.Трирнинг "семантик майдонлар назарияси" юзага келганлиги ҳам шунинг бир кўриниши эди. Мана шу бир семантик майдонга бирлашувчи сўзлар дифференциал-семантик методга кўра бир архисема остида қараладиган бўлди. Масалан, Р.Расулов ҳолат феълларининг ҳаммасини ҳолат архисемасига эга бир семантик майдонга мансуб феъллар сифатида қараб, ўз тадқиқотини яратган.² Ш.М.Искандарова от туркумига мансуб катта бир семантик майдонни 'шахс' архисемаси,³ Н.Р.Нишонова иккинчи бир семантик майдонни 'хайвон' архисемаси⁴ остида бирлаштириб тадқиқ этган. С.Ҳ.Мухамедова ҳолат феълларидан қолган ҳамма феълларни ҳаракат архисемасига эга семантик майдонни таркиб топтиради, деб қарайди.⁵ Лекин бу унча тўғри эмас. У эътиборда тутган феъллар ичида нутқ феъллари, сезги феъллари, мушоҳада феъллари кабилар ҳам борки, улар алоҳида семантик майдон сифатида қаралмай иложи йўқ. Семантик майдон нуктаи назардан қараганда, уларда умуман ҳаракат семаси эътиборга олинмайди. Шундан билиш мумкинки, бир архисема билан бирлашувчи семантик майдоннинг ҳажминини аниқлаш ўзига хос мураккабликка эга. Бу мураккабликни М.Филип: "...бу архисема, генетик сема сифатидаги барча бирликларга тааллуқлидир" - деган эди.⁶ Ҳатто Б.Қ.Қурбонова ўзининг номзодлик диссертацияси авторефератида "...каттак лексемаси 'товуқ' архи-

¹ Крнг.: Ҳожиев А. Семасиология... – 204-б.

² Крнг.: Расулов Р. Лексико-семантическое группы глаголов состояния и их валентности. – Ташкент: Фан. 1991. с. 16-24.

³ Крнг.: Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш. Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1999. 17-б.

⁴ Крнг.: Нишонова Н.Р. Ўзбек тилида хайвон архисемали лексемалар майдонинини мазмуний таҳлили. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2000. 10-б.

⁵ С.Ҳ. Мухамедова негадир архисема термини ўрнида муштарак сема терминини қўллайди. Аммо муштарак сўзи архисема термини маъносини берганини Крнг. Мухамедова С.Ҳ. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2007. 14 б.

⁶ Крнг.: Philipp M. Semantik der Deutschen. – S. 35.

семаси... билан ассоциатив боғланади” деб кўрсатган.¹ Маълумки, архисема лексема семемасининг бошқа семемалар билан бир семантик майдонга киришини билдиради. Бунинг устига *товуқ* сўзи архисема ҳам, сема ҳам бўла олмайди. Унинг ўзи, яъни *товуқ* лексема бўлиб, семемаси бир неча семадан иборат ва бу семема бошқа семемалар билан бир архисема асосида бир семантик майдонга киради.

Кўрдикки, архисема бир семантик майдонга мансуб лексемалар семемаси учун умумий бўлган, уларни ўзаро бирлаштирувчи семадир. У лексемаларни ягона семантик турга бирлаштиради.

Интеграл сема термини дастлаб француз тилшуноси Б.Потье томонидан,² кейин унга эргашган ҳолда В.Г.Гак томонидан³ тилга олинди. Улар бунда маълум семантик майдонга мансуб лексемалар семемаси умумий бўлган семани архисема деб билгани ҳолда, ўша семантик майдоннинг кичик гуруҳи (майдончалари) га мансуб лексема семемалари учунгина умумий бўлган семани интеграл сема деб талкин қилишган. Ундан кейин шу интеграл сема ҳақидаги тушунчани айрим тилшунослар умумий сема,⁴ муштарак сема,⁵ бирлаштирувчи сема⁶ номи билан қайд этадилар. Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар ўзига хос бирлаштирувчи семалар деб икки ва ундан ортиқ лексемаларни бир гуруҳга бирлаштирувчи, бир неча семемалар учун умумий саналувчи семаларга айтилади, деб таъриф берган.⁷ Бироқ у мантикига кўра Б.Потье ва В.Г.Гак изоҳларидан деярли фарқ қилмайди. С.Ҳ.Муҳамедова яна феъл семемалари парадигматик тамойилга кўра интеграл (бирлаштирувчи) сема асосида бирлашишларини айтади.⁸ Яъни бир интеграл семага эга ҳолда кичик майдонни ташкил қилувчи лексема семемалари ҳамма вақт ўзаро парадигматик муносабатда бўлади.

¹ Қриг: Курбонова Б.Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодалавиши. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2007. 10-б.

² Қриг.: В. La definition sémantique dans les dictionnaires. – P. 30.

³ Қриг.: Гак В.Г. К проблемы семантической синтагматики... - С. 73.

⁴ Қриг.: Гарилов Т.М. О семантической дифференциации коррелирующих слов в близкородственных языках... - С. 379.

⁵ Қриг.: Ҳожиев А. Семасиология... – 204-б.

⁶ Қриг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – 63-б.; Муҳамедова С.Ҳ. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. – 14-б.

⁷ Қриг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – 63-б.

⁸ Қриг.: Муҳамедова С.Ҳ. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантик ва валентлик хусусиятлари. – 17-б.

Р.Расулов ‘ҳолат’ архисемасига кўра бир семантик майдонга кирган феълларни тўққиз семантик майдончага ажратади ва бу майдончаларнинг ҳар бири ‘давомий,’ ‘ҳаракат натижаси бўлган’, ‘ижро ҳолати’, ‘ҳаракат ҳолати’, ‘кўникма’, ‘образли’, ‘биологик’, ‘физиологик’, ‘психологик’ интеграл семаларининг бири остида бирлашишларини кўрсатади.¹ Бундай мисолларни бошқа тилшуносларнинг ишларидан ҳам олиб кўрсатиш мумкин. Масалан, И.Қ.Кўчқортоев нутқ феълларининг саккиз,² Т.Т.Мусаев сезги феълларининг беш³ кичик семантик майдончаларга бўлиниши ва бу кичик семантик майдончаларнинг ҳар бирига мансуб феъллар ўз доирасида муайян интеграл сема асосида бирлашишларини таҳлил қилиб берган. Маълум бўлдики, интеграл сема ягона архисемага эга семемали лексемаларнинг семантик майдони таркибидаги кичик семантик майдончасига мансуб лексемалар семемалари учун умумий бўлади. У иерархик тартибга кўра иккинчи ўринда туради.⁴

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, муайян бир мазмундаги сема жуда кўп турли-туман лексемалар семемасида учраши мумкин. Мана шундай семали семемага эга лексемаларни умумлаштириб, бир семантик майдонга мансуб мазкур сема уларнинг архисемаси деб бўлмайди. Масалан, Б.Қ.Курбонова ‘макон’ семаси бўлган *ер, жой, ўрин, макон, худуд, даргоҳ* ва ҳ. лексемаларни, ‘маълум томон’ семаси бўлган *тараф, ён, томон, ёқ, шарқ, гарб, ишмо, жануб* ва ҳ. лексемаларни қайд этиб, уларнинг ҳаммасидаги семемада ‘локал’ семаси мавжудлигини таъкидлайди, лекин у жуда тўғри ёндашиб, ўша лексемалар архисемаси ‘локал’ сема демайди. ‘Локал’ семани ўша лексемалар семемасининг семаларидан бири сифатида кўрсатади.⁵ Чунки архисема тур учун умумий сема бўлиб, интеграл сема шу тур ичидаги гуруҳлар учун умумий семадир. Юқоридаги мисолда ‘макон’ ва ‘маълум томон’ семалари интеграл ҳисобланади. ‘Локал’ семаси турли архисема ва турли интеграл семали семемаларда учрайвериши мумкин. Бундай ҳолда у архисеманинг ҳам, интеграл семанинг ҳам мақомини олмайди.

¹ Қриг.: Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов и их валентности. – С. 16-24.

² Қриг.: Кўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент: Фан, 1977. 78, 79 б.

³ Қриг.: Мусаев Т.Т. Глаголы ощущение в узбекском языке. – Ташкент, 1992. С. 4-8.

⁴ И.Кўчқортоев лексемалар семемасини ўзаро боғловчи умумий семаларни семемаларнинг иерархик тартибига кўра архисема ва интеграл сема деб икки категорияга бўлиб ўрганмайди. Уларни умумлаштирган ҳолда тадқиқ этиб кетаверган. Қриг.: Кўчқортоев И. Сўз маъноси валентлиги. 56-75-б.

⁵ Қриг.: Курбонова Б.Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши. 9 б.

Кўринадики, интеграл сема маълум семантик майдондаги семантик гуруҳ (майдонча) га мансуб лексемаларнинг семемаси учун умумий бўлган, уларни ўзаро бирлаштириб турувчи сема деб қаралади.

Дифференциал сема семаларнинг иерархик тартибида учинчи ўринда қаралади. Ўзаро алоқадор семеманинг бир-биридан ажралиши дифференциал сема асосида бўлади.¹ Шунинг учун бу семани айрим тилшунослар фарқловчи сема деб ҳам атайдилар ва “фарқловчи семалар деб икки лексемани бир-биридан фарқлайдиган семаларга айтилади” - деб таърифлайдилар.² Берилган таъриф тўғри, лекин услубан чала жумла тузилган. Дифференциал сема икки лексемани эмас, икки лексема семемасини бир-биридан фарқлайди. Масалан, *новча* ва *дароз* лексемалари семемасига эътибор берайлик. *Новча* лексемасининг семемаси ‘бўйи’ ‘меъёридан’ ‘нисбатан баланд’ семаларига, *дароз* лексемасининг семемаси ‘бўйи’ ‘меъёридан’ ‘ўхшовсиз ортиқ’ семаларига эга. Маълумки, улар семемасининг архисема ва интеграл семаси бир хил. Яна уларнинг бирида ‘нисбатан баланд’, иккинчисида ‘ўхшовсиз ортиқ’ каби семалар бор. Улар ўзаро фарқ қилади. Мана шу фарққа кўра лексемалар семемаси ўзига хос эканлиги кўринади. Шулардан келиб чиқиб, В.Г.Гак: “Дифференциал сема мавжуд ҳолатига кўра, сўзларнинг лексик-семантик гуруҳ ичида ўз ҳажмини, ўзига хослигини белгилаб, маъноси асосини ташкил қилади” - деган таърифини илгари сурган.³ Яъни сўзларнинг семемаси ҳажми, ўзига хослиги шу дифференциал сема асосида белгиланади. Сўзлардаги семеманинг эмоционал-экспрессивлиги ва услубийлиги ҳам шу дифференциал сема орқали юзага чиқади. Масалан, *дароз* лексемаси семемасида эмоционаллик бор. Бу эмоционаллик унинг дифференциал семаси ‘ўхшовсиз ортиқ’ ифодаси орқали юзага чиққан.

Дифференциал сема лексема семемасининг қайси туркумга мансублигини белгиловчи асосий восита ҳам деган фикрга бормаслик керак. Тўғри, сифат ва равиш туркумига мансуб лексемалар семемаси туркумини дифференциал сема белгилайди. Масалан, юқоридаги *новча* ва *дароз* сифатларининг туркуми улар семемасидаги ‘нисбатан баланд’ ва ‘ўхшовсиз ортиқ’ семалари орқали

¹ Қриг.:Жокиев А. Семасиология... – 204-б.

² Қриг.:Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – 64-б.

³ Қриг.:Гак В. Г. Сопоставительная лексикология. – С.14.

белгиланган. Бу семалар сифатлар семемасининг дифференциал семалари эди. От ва феълларда бу ҳолат кузатилмайди. Масалан, *стул* лексемаси от туркумига мансуб бўлиб, унинг семмаси ‘тўрт оёқли’ ‘юзали’ ‘суянчиқли’ ‘мебель’ семаларига эга. Унинг туркумини ‘мебель’ семаси белгилайди. У эса архисемадир. Феъл туркумига оид *келмоқ* лексемаси семемасига эътибор берайлик. У ‘нутқ қаратилган’ ‘жойга’ ‘йўналмоқ’ семаларига эга бўлиб, улардан охиргиси феълга хос туркуми белгилаяпти. Бу сема ҳам феъл семемасида архисемадир. Яъни дифференциал сема от ва феълларда туркум белгиламайди. Олмош ва сонларда ҳам шу фикрни айтиш мумкин.

Кўринадики, дифференциал сема майдондаги ҳар бир лексема семемасининг чегарасини, бошқа семемалардан фарқини, ўзига хослигини, хусусиятини кўрсатиб беради.

Потенциал сема семаларнинг иерархик тартибида тўртинчи ўринда қаралади. Ҳатто В.Г.Гак у ҳақда: “Потенциал семалар турли иккинчи даражали, баъзан предметнинг зарур бўлмаган белгисини акс эттиради” - дейди.¹ А.Й.Гремас ва В.Потъелар уни “виртуэма” термини билан ҳам аташган.² Виртуэма сема ифодалаган белгига нисбатан этиборга олинмайдиганроқ белгини ифодалайди. Масалан, *бет* лексемаси семемасида ‘бошнинг’ ‘бурундан икки ёнидаги’ ‘юмшоқ қисми’ семалари бор. Яна шу семемада салбийликни билдирувчи семани ҳам англаш мумкин. Уни потенциал сема деса бўлади. И.Қўчқортоев ўзининг докторлик диссертацияси авторефератида: “Лексик маънонинг қўшимча семаси потенциал сема бўлиб, у нутқий муносабатнинг муайян шароитида фаоллашади. Бу компонентлар баъзан сўзнинг таянч (асосий, тўғри) ва хосила (иккиламчи, кўчма) маънолари ўртасидаги семантик алоқани ўрнатишда муҳим аҳамиятга эга бўлади” - дейди.³ Бу қараш, албатта, юқоридаги фикрларга зид. Бу қарашда “нутқий муносабатнинг муайян шароитида” деган шартни қўндаланг қилиб ҳам қўйилган. Нутқий муайян шароитда у фаоллашса, бу шароитдаги потенциал сема эмас, бошқа семадир. Лексема семемаси йўл қўйган имкониятдан ташқарида нутқ шароити юзага келмайди. Би:

¹ Қрғ.: Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – С. 13.

² Қрғ.: Pottier B. Linguistique générale. – P. 62,63; Greimas A.J. Sémantique structurale. P.22.

³ Қрғ.: Қучкартаев И. Семантика глаголов речи в узбекском языке. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент. 1978. С. 10.

хам бу қарашга қўшилмадик. И.Қўчқортоев аввалроқ нашр этган монографиясида юқоридаги қарашига зид бошқа фикрда бўлган эди: “Лексик маъно таркибида иккинчи даражали, хатто факультатив семалар ҳам бўлиши мумкин. Бундай семалар қўшимча (потенциал) семалар деб аталади.¹ Бу объектив фикр. Уни Б.Қ.Қурбоновдан келтирилган куйидаги мисол ҳам тасдиқлайди. У *шох, туюқ, дум, тумшук, қанот* лексемаларини келтириб, улар семемасида ‘локал’ сема йўқлигини айтади. Бу лексемалар макон келишиклари ёки макон кўмакчилари билан қўллансалар, семемаларида ‘локал’ семаси намоён бўлади. Муаллиф келтирган шу сема потенциал ҳисобланади.

Кўринадики, потенциал сема мазкур лексемалар семемасида факультатив ҳолатда, яширин бор бўлиб, маълум нутқ шароитида намоён этилувчи семадир.

Демак, бир семантик майдонга мансуб лексемалар семемалари учун умумий бўлган ва уларни бирлаштирувчи сема архисема; семантик майдоннинг гуруҳлари (майдончалари) га мансуб лексемалар семемалари учун умумий бўлган ва уларни бирлаштирувчи сема интеграл семадир. Дифференциал сема семантик майдонга кирган ҳар бир лексема семемасининг ўзига хос томонини, хусусиятини белгилайди. Потенциал сема лексема семемасида ҳамма вақт факультатив, яширин ҳолда бўлиб, маълум нутқ шароитидагина намоён бўлади, акс ҳолда эътиборга олинмайди.

Гипероним ва гипонимлар. Кейинги ўн йилликларда лексемалар гуруҳини семантик тадқиқ этишнинг яна бир усули ишлаб чиқилди. Бунда гипероним деб қаралган лексемалар билан гипоним деб номланган лексемалар ўртасидаги семантик муносабат ўрганилади. Гипонимлар семемаси бир турда бўлиб, улар гиперонимга тегишлилиги билан характерланади.² Масалан, *дарахт* лексемаси гипероним деб қаралса, *қайин, тол, терак, бақатерак, мажнунтол, арча, ўрик, олма* лексемалари гипоним сифатида у билан алоқада бўлади.³ М.Б.Абдиев ҳам ўзининг докторлик диссертацияси авторефератида худди шунга ўхшаш *полос* гипероними учун

¹ Қрғг.: Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – 70-б.

² Қрғг.: Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. 118,119-б.; Искандарова Ш.М. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш. 43-б.

³ Бу мисоллар Ҳ. Нейматов, Р. Расуловлар асаридан олинди. Қрғг.: Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўша асар. 119-б.

гилам, шолча, наMAT, поёндоз каби гипонимларни келтиради.¹ Келтирилган қайин, тол, терак, бақатерак, мажнунтол, арча, ўрик, олма каби лексема семемалари учун умумий сема ‘дарахт’ бўлиб, гилам, шолча, наMAT, поёндоз каби лексема семемалари учун умумий сема ‘полос’дир. Бу жиҳатдан *дарахт* ва *полос* семалари архисема моҳиятини беради. Лекин бу умумий семалар архисемадан тубдан фарқ қилади. У: 1) санокли лексема семемалари учунгина умумий бўлган. Архисема бутун бир семантик майдонга мансуб лексемалар семемалари учун умумий бўлади; 2) сема гипероним бўлган лексема семемаси билан бир хил. Архисема ҳеч қандай лексема семемаси ҳолида ифода топмайди. Ҳар бир гипоним ўрнида шу гипоним оид бўлган гипероним лексема нутқ вазиятига кўра қўлланаверади. Архисема остида бир семантик майдонга кирган лексема ўринда ҳеч қандай лексемани бериб бўлмайди, нутқ вазияти уни юзага келтирмайди. Яъни гипонимлар умумий семасига кўра гипероним билан бирлашади.²

Демак, гипоним бўлган лексемалар семемаси умумий семага эгаллиги ҳолда, у гипероним лексема семемасига тенг келади. Гипероним ўз таркибига кирган ҳар бир гипонимнинг ўрнида нутқ вазиятига кўра қўллана олади.

Тил бойлигини семантик майдонларга ажратиш ва уни кичик майдонларга ажратиб, кейин ҳар бир лексема семемасини ўрганиш учун архисема, интеграл сема, потенциал семаларга суяниш қўл келади. Терминологияни ўрганиш учун уларни жинс-турларга ажратиш зарурияти туғилади. Бунда гипоним ва гипероним муносабатларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

3. Семаларнинг семема тараққиётига кўра типлари

Рус тилшуноси Н.И.Толстойнинг қайд этишича, семасиологиянинг зиммасидаги иш узок вақт “сўз маъносининг ўзгариши,” яъни диахроник нуктаи назардан тадқиқ этиш бўлиб қолди.³ Сўз маъносининг ўзгариши асосан сўз маъносининг тараққиёти, яъни янги ҳосила маъно бериб боришдан иборат. Сўзларнинг ҳосила

¹ Қрғг.: Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили (Самарқанд вилояти китобхоналари материаллари асосида). Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. Тошкент 2005 22-б.

² Қрғг.: Philipp M. Semantik des Deutschen. – S. 22.

³ Қрғг.: Толстой Н.И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии С. 333.

маъно бериб бориши полисемантик сўзларнинг таркиб топиб боришига сабаб бўлади. Мана шулар узоқ вақт семасиологлар диққат марказида бўлди.¹

Сўзлар ҳосила маъно беришида ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўртасидаги алоқадорлик муҳим аҳамият касб этади. Референтлар белгилари ўртасида қандайдир муштараклик кузатилади. Албатта бу муштараклик референтларни ифода этган маъно – семема семаларида ҳам ўз аксини топади. Сўзнинг ҳосил қилувчи семемалари семалари билан ҳосила семемасининг айрим семалари бир хил, айримлари фарқли бўлади. Полисемантик сўзнинг семемалариаро бир хил бўлган семалар умумий сема бўлиб, улар семемалар биридан иккинчиси келиб чиққанлигини, ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.¹ Яъни шундай семалар асосида улар оид бўлган семемалар боғлиқлиги кузатилади.² Умумий сема шундай асосга эгаки, унга кўра семемалар бир лексемага бирлашади.³ Умумийлик илдизи бир бўлган семаларга хосдир.⁴ Аёнки, А.Ҳожиев таъбири билан айтганда, “умумий семалар полисемантик сўзнинг бир хил бўлган семаларидир.”⁵ Масалан, *турмоқ* феълининг бири-биридан ҳосил бўлган икки семемасининг семантик таркибига эътибор бериш мумкин: биринчи семема ‘тик’ ‘ҳолатга’ ‘ўтмоқ’

¹ Крнг.: Басилая Н.А. Метафора в поэзии Сергея Есенина // Слова в русской советской поэзии / Отв. ред. В.В.Григорьев. – М.: Наука. 1975. С. 234-246; Бельский А.В. Метфорическое употребление существительных // Ученые записки I го Московского ГПИИЯ. Т. VIII; Бертельс А.Е. Лексикализация поэтических метафор и ее значение для процесса формирования лексики // Проблемы семантики /Отв. ред. В.М.Солнцев. – М.: 1974. С. 340-348; Былинкина М.И. Смысловые особенности испанского языка. Аргентина. – М.: Наука. 1969; Шу муал. Общие черты семантического развития испанского языка в Латинской Америке // НДВШ филологической науки. – 1961. №2; Левин Ю.И. Русская метафора // Труды по знаковым системам. Вып.IV. – Тарту: Изд. ТГУ. 1974; Лендьял Л. «Переносное значение» или «образное употребление» слов? // Лексикология и лексикография / Под ред. С.Г.Бархударова. – М.: Наука. 1972; Литвин Ф.А. Многозначность слова в языке и речи / Пособия для студентов. – М.: ВШ. 1984; Миртаджиев М.М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке. Автореф. дисс. ...док. филол. наук. – Ташкент. 1989; Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2000; Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд. 2001.

¹ Крнг.: Толстой Н. И. Некоторые проблемы сравнительной славянской семасиологии. – С. 356.

² Крнг.: Новиков Л.А. Семантика русского языка. – С. 117.

³ Крнг.: Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке... – С.15.

⁴ Крнг.: Гарипов Т.М. О семантической дифференциации коррелирующих слов в близкородственных языках... – С. 373.

⁵ Крнг.: Ҳожиев А. Семасиология... – 204-б.

семаларидан таркиб топган бўлса, иккинчи семема ‘тик’ ‘ҳолатда’ ‘бўлмоқ’ семаларидан таркиб топган. Уларнинг биринчиси ҳаракат, иккинчиси ҳолат билдириб, бир феъл лексема таркибига мансубдир. Биринчи семеманинг 1- ва 2- семаси билан иккинчи семеманинг ҳам 1- ва 2- семаси бир хил, улар умумийдир. Шу умумий семалар ҳаракат билдирувчи ва ҳолат билдирувчи икки семема бир лексемага мансуб эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга мазкур семалар биринчи ва иккинчи семемаларнинг илдизи бир эканлигини ҳам билдиради. Бу эса полисемантик сўз таркибига хос хусусиятдир.

Полисемантик сўз таркибига кирувчи семемаларни ўзаро боғловчи умумий семалари каби уларнинг мустакил эканини кўрсатувчи ф а р қ л о в ч и с е м а л а р и ҳ а м б о р. Бундай сема ўз хусусиятига кўра ҳам фарқловчи сема деб номланади.¹ Яъни фарқловчи сема ўзи оид бўлган ҳосила семемани ҳосил қилувчи семемадан фарқлаб кўрсатади.² Яна ҳам аниқроғи, у маълум бир лексема таркибидаги муайян семемадан бир неча семеманинг фарқини белгилаб беради.³ Масалан, юқорида келтирилган *турмоқ* феъли семемалари таркибини эшлаш мумкин. Унинг таркибидаги биринчи семемада ‘ўтмоқ’ ва иккинчи семемада ‘бўлмоқ’ семалари бўлгани холда, аввалгиси ҳаракат, кейингиси ҳолат белгисини билдиради, бир-биридан фарқли ифодага эга эди. Шунинг учун ҳам уларни фарқли семалар деб аташга тўғри келади. Ҳақиқатан ҳам улар биринчи семемадан иккинчи семемани фарқлаш вазифасини ўтаган.

Фарқловчи семалар ҳамма вақт ҳам ҳосил қилувчи ва ҳосила семемалардаги бир-бирига ўхшамаган, ўзига хос алоҳида семалардангина иборат эмас. Улар маълум томонлари тафовутли, лекин маълум томонлари билан ўзаро ўхшаш бўлиши ҳам мумкин. Улар шу хусусиятига кўра ў х ш а ш с е м а деб ҳам аталади.⁴ Масалан, *бет* сўзининг ‘оқар сув’ ‘икки томони’ ‘куруқлик сатҳи’ семаларига эга бир семемаси ва ‘варақ’ ‘икки томони’ ‘қоғоз сатҳи’ семаларига эга яна бир семемаси бор. Уларнинг 1-семаси фарқли, 2-семаси бир хил – умумий, 3-семаси ўзаро ўхшашдир. Улардаги 2-сема семемаларнинг ўзаро боғлиқлигини, бир илдиздан келиб чиқ

¹ Қаранг: Philipp M. Semantik des Deutschen. – S. 21.

² Қриг.: Новиков Л.А. Ўша асар. – С. 117.

³ Қаранг. Юнусов Р. Ўша асар. – 15-б.

⁴ Қриг.: Мирзожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент: Университет, 2004. 150-б.

қанлигини билдирса, 1- ва 3-семалар семемаларнинг алоҳидалиги, мустақиллигини кўрсатади. Яъни ўхшаш семалар ҳам семемаларни бир-биридан фарқлаб беради.

Айрим ҳолларда бир лексема таркибидаги икки семеманинг барча семалари бир хил, умумий бўлгани ҳолда, иккинчисида бир сема ортиқ бўлади. Бунда иккинчи семемадаги ўша бир ортиқча семанинг ўзи фарқловчи ҳисобланади. Масалан, *мушт* лексемасининг ‘кафтга’ ‘тугилган’ ‘бармоқлар’ семаларига эга семемаси бор. Бу семеманинг тараққиёти ‘кафтга’ ‘тугилган’ ‘бармоқлар’ ‘зарби’ семаларига эга семемани ҳосил қилган. Маълумки, биринчи семеманинг барча семаси иккинчи семемада такрорланган ва унга яна ‘зарб’ семаси қўшилган. Бу семанинг ўзи ҳам семемалар учун фарқловчи сема бўлиб қолаверади.

Демак, полисемантик сўз таркибидаги семемаларда икки тип сема бўлади: умумий сема, фарқловчи сема. Умумий сема полисемантик сўз таркибидаги барча семемаларда бир хил такрорланади. Фарқловчи сема бир семемадагиси иккинчисида бўлмай, бошқаси қўлланади ёки унга ўхшаши берилади. Айрим ҳолларда иккинчисида биринчи семемада учрамаган ҳолдаги сема бўлади.

4. Семаларнинг сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра типлари

Сўзлар маъноли қисмларга бўлинади. Унинг ҳар бир маъноли қисми, грамматик нуқтаи назардан, морфема дейилади. У ясалиш асоси, ясовчи ва сўз шакли морфемаларидан иборат. Бу морфемалар сўзнинг морфем таркибидир. Сўз семемалари, дифференциал-семантик метод нуқтаи назаридан ҳам, худди шундай бўлинишга эга. Уни рус тилшуноси Л.А.Киселева номловчи сема ва релятив семаларга бўлади.¹ Шу билан бирга у ядро семани ҳам тилга олади ва изоҳлаб беради. Унинг изоҳига кўра, *я д р о с е м а* сўзнинг ўзак маъноси ифодасига тенг келади.² Номловчи семанинг ядро семасидан қолган қисми эътиборга олинмаган. Сўз фақат ўзак ва сўз шаклларида иборат бўлмайди. Сўз семемасининг *н о м л о в ч и с е м а* си сўз шакли ифодасини берувчи релятив семадан қолган

¹ Крнг.: Киселева Л.А. Коммуникативные языковые функции и семантическое строение словесного значения // Проблемы семантики / Отв. ред. В.М. Солнцев. – М.: Наука. 1974. С.75.

² Крнг.: Киселева Л.А. Коммуникативные языковые функции и семантическое строение словесного значения... - С. 70.

барча маънони кўрсатади. Сўз фақат ўзак эмас, у ўзакдан ясовчи воситасида ясалган бўлиши ҳам мумкин. Мана шу ясаманинг ўзакдан қолган қисми ҳам ўз ифодаси, маъноли қисмга эга. Мана шу маъноли қисм номловчи семанинг ядро сема ифодаланган қисмидан қолган қисмдир. У(лар)ни биз дериват сема деб аташни лозим топдик. Яъни сўз семемаси ядро сема, дериват сема ва релятив семалардан иборат. Бу семалар қуйидагича характерланади.

Ядро сема, Л.А.Киселева қайд этилишича, сўз яшаш билан богли имкониятларга эга бўлади.¹ Яъни сўз яшаш асоси, анъанавий тилшуносликдаги тушунча бўйича, ўзак вазифасини ўтайди. Д е р и в а т с е м а эса ядро семасига кўшилиб, янги семемани таркиб топтирувчи семадир, яъни у сўз яшаш асосига кўшилиб, ясама сўз яшаш хусусиятига эга бўлган аффикс маъноси ҳисобланади. Масалан, *пичоқ* сўзи семемасининг ядро семаси *пич-* қисмида ифодаланади, у сўз ўзаги, яъни сўз яшаш асосидир. Унинг *-оқ* қисми ясовчи аффикс бўлиб, дериват семани ифода этади. Чунки у ядро семага кўшилиб, ясама сўзнинг янги семемасини ҳосил қилди.

Ясама сўзларда ҳамма вақт ядро сема битта бўлади, дериват сема бир ва ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин. Юқорида *пичоқ* сўзи мисолида бир ядро сема ва бир дериват сема бир сўзда ифода топиши учун намуна кўрсатилди. *Пичоқчи* сўзида эса бир ядро ва икки дериват сема бор: бири *-оқ* аффиксида ифодаланган ‘нарсаси, қурол’ билдирувчи сема, иккинчиси *-чи* аффиксида ифодаланган ‘шахс’ билдирувчи семадир.

Л.А.Киселева ядро сема ва дериват сема ёки дериват семаларни кўшиб, бир бутун ҳолда номловчи сема деб атайди.² Масалан, *пичоқчилар билан гаплашдим* бирикмасидаги *пичоқчилар* сўзининг *пичоқчи* қисми номловчи семани ифода этган. Маълумки, *пичоқчи* сўзи бир ядро ва икки дериват семани ўзида ифода этади. Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар ҳамкорлигидаги ишларида эса худди шу семани ўзбек тилида а т а ш с е м а с и деб номлайдилар.³ Хулди шу асарда у ҳақида: “Аташ семалари объектив борликдаги нарсаси, буюм, белги-хусусият, миқдор кабиларни атовчи, номловчи

¹ Қрғг.: Киселева Л.А. Ўша асар. Ўша бет.

² Қрғг.: Киселева Л.А. Ўша асар. С. 75.

³ Номловчи сема терминини муаллифингиз Л.А.Киселева ишдаги номинатив на я се ма терминини калькалаш орқали ясади. У а т а ш сўзи кўпроқ ремицарни аташга қўлланади деб тушунди.

семалардир”, - дейилади.¹ Л.А.Киселева қайд этган фикр ҳам ундан деярли фарк қилмайди.² Яъни бу номловчи сема – аташ семаси анъанавий тилшуносликдаги негиз моҳияти билан адекватдир.

Юкорида келтирилган *пичоқчилар сўзининг -лар* маъноли қисмида релятив сема ифода топган. Л.А.Киселева таъбири билан айтганда, релятив сема сўз маъноси шаклланишида муҳим аҳамият касб этади.³ Маълумки, сўз коммуникацияга киришганда фақат номловчи семаси билан бошқа сўзларга боғланмайди. У албатта грамматик шаклланган, яъни граммема орттирган бўлади. Сўзнинг мана шу орттирган граммемаси, шакл семантикаси релятив сема деб қаралади. Ҳ. Неъматов ва Р. Расуловлар ўз асарларида р е л я т и в с е м а термини ўрнида в а з и ф а с е м а с и терминини қўллаганлар ва терминни ф у н к ц и о н а л ь н а я с е м а терминидан таржима қилиб олганликларини қайд этганлар.⁴ Шуни ҳам айтиш керакки, вазифа семаси термини ҳар қанча тўғри таржима қилиб олинган бўлмасин, релятив сема термини ўрнини боса олмайди. Чунки вазифа семаси термини сўзлар коммуникациясида уларнинг грамматик муносабати учун восита вазифасини ўтайди. Релятив сема ундан кенгроқ ифодага эга. У сўзларга қўшилиб, улардан англашилган маънога қўшимча маъно илова қилувчи аффикс (шакл ҳосил қилувчи аффикс)нинг ҳам моҳиятини ўзида ифодалайди. Шунинг учун ҳам семаларнинг, сўз семемаси таркибида тутган ўрнига қараб, типларини фақат ядро сема, дериват сема ва релятив семалардан иборат деб қараш жоиздир.

Сўзлар коммуникацияга киришганда уларнинг ўзаро грамматик боғланиши вазифасини доимо тобе сўз шакли бажаравермайди, балки ёрдамчи сўзлар ҳам бажариши мумкин. Маълумки, айрим ҳолларда сўз шакли вазифасини предлоглар, яъни фонетикада проклитика деб номланувчи бирликлар; кўмакчилар, яъни фонетикада энклиза деб номланувчи бирликлар ўтайди. Улар ўзи қўшилиб келган сўз урғусига марказлашуvidан⁵ ташқари ўша сўзнинг грамматик шакли вазифасини ҳам бажаради. Шунинг учун

¹ Қриг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Фан. 1991. 58-б.

² Қриг.: Киселева Л.А. Ўша асар. – С. 75.

³ Қриг.: Киселева Л.А. Ўша асар. – С. 70.

⁴ Қриг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – 58-б.

⁵ Қриг.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ. 1966. С. 366, 526; Миртожиев М. М. Ўзбек тили фонетикаси. – Тошкент: Университет. 1998. 53-б.

уни Л.А.Киселева семеманинг сиртки семаси деб номлайди ва “Сиртки сема ўзи оид бўлган сўз маъносини ўзгартирмайди, фақат айрим маъно қирраси билан тўлдиради” - деб изоҳлайди.¹ Бунинг учун юқорида берилган мисолга қайта мурожаат қилайлик: *пичоқчилар билан гаплашдим* бирикувида *гаплашдим* сўзи *пичоқчилар* сўзини бошқариб келиши, яъни *пичоқчилар* сўзи семемаси билан *гаплашдим* сўзи семемасининг семантик боғланиши учун *билан* сўзида ифодаланган сиртки сема аҳамият касб этган. Шуни ҳам айтиш керакки, ўзбек тилида сиртки семалар асосан энклизаларда ифода топади. Энклизалар вазифасида кўпроқ кўмакчилар келганлиги кузатилади. Ўзбек тилидаги боғловчилар эса деярли проклитика вазифасини ўтайди. Масалан, *У ва мен келдик.* ва *Ҳам у, ҳам мен келдик.* гапида *ва* бириктирув ва *ҳам* такрорланувчи боғловчилар проклитикадир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам гап таркибида сиртки семани ифода этган.

Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар ўз асарида: “Боғловчи, кўмакчи, юклама каби ёрдамчи лексема семемаларида вазифа семаси етакчилик қилади,”- деб кўрсатадилар.² Улар лексема эмас, ё проклитика, ё энклизадир. Улар ўзича мустақил лексик маъно ифодаламайди. Балки бирор лексик маъноли сўз билан гап таркибида бирга келиб, унинг проклитикаси ё энклизаси вазифасини ўтайди. Проклитика ва энклизалар ўзи бирга келган сўзнинг бирор грамматик вазифасини бажаради. Яъни улар ўзи бирга келган сўзнинг семемасига оид биргина семадир. Бу сема эса сиртки сема деб қаралди. Тўғри, проклитика ва энклизалар сўзларни ўзаро грамматик боғлаб келиш вазифасини бажаради. Шунга кўра улар вазифа семасини ифода этишти дейилса ҳам бўлади. Аммо юқорида вазифа семаси релятив сема таркибида қаралган эди. Бу ўринда шу моҳиятли сема деб сўз шаклига эмас, сўз проклитикаси ё энклизасига мансублиги эътиборга олиниб, у, дифференциация мақсадида, сиртки сема деб аталди.

Демак, семалар, сўз семемаси таркибида тутган ўрнига қараб, ядро сема, дерават сема, релятив сема ва сиртки семаларга ажратилади. Ядро сема сўзнинг туб маъносини бериб, сўз ясаи билан боғлиқ имкониятларга эга бўлади. Дерават сема ядро семага қўшилиб, янги семемани таркиб топтирувчи семадир. Релятив сема

¹ Қрнг.: Киселева Л.А. Ўша асар. – С. 71.

² Қрнг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўша асар. – 62-б.

сўз шаклида ифода топиб, сўз семемасида унга қўшимча оттенка илова қилувчи ёки бошқа сўз билан грамматик алоқага киритиш вазифасини ўтайдиган сема ҳисобланади. Сиртки сема проклитика ва энклизаларда ифода топиб, бирикмалар таркибидаги ҳоким ва тобе сўз семемаларини ўзаро грамматик алоқага киритиш вазифасини ўтайди.

Семалар сўз таркибида тутган ўрни ва борлиққа бўлган муносабатга кўра тилшуносликда мантиқан икки типга бўлинади: денотатив сема, коннотатив сема.¹ Д е н о т а т и в с е м а семеманинг бевосита денотатни ифода этувчи узвидир.² У ҳамма вақт тушунчага тенг келади. Чунки тушунча денотатнинг онгдаги инъикосидир. Тушунчанинг сўз семемасидаги ифодаси денотатив сема деб аталади. У, сўзнинг морфем таркиби нуктаи назаридан қараладиган бўлса, бобнинг шу сарлавҳаси остида айтиб ўтилган номловчи семага тенг келади. Айтиш мумкинки, у номловчи сема билан адекват, яна ҳам тўғрироғи, дублетдир. Шунинг учун бўлса керак, Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар ўзларининг ҳамкорликдаги ишларида аташ сема билан денотатив сема терминини бир тил фактининг икки номи сифатида бериб кетадилар.³ Албатта, бу билан улар ҳақдир. Уларнинг шу ўринда: “Аташ семалари объектив борлиқдаги нарса, буюм, белги-хусусият, миқдор кабиларни атовчи семадир,”- деб берган таърифлари ҳам ўз ўрнини топган.⁴ У юкорида муаллифингиз томонидан келтирилган таърифни тўлдиради. Масалан, *башара* сўзи маъносидаги – семемасидаги киши бош қисмининг оғиз ва бурундан икки томонда жойлашган юмшоқ тери юзасини ифода этувчи узви денотатив сема ҳисобланади. Кишининг шу изоҳланган органи онгда акс этар экан, шу инъикоси тушунчадир. Бу ўринда тушунча ва денотатив сема адекватдир.

К о н н о т а т и в с е м а термини ўринда анъанавий тилшунослигимизда к о н н о т а т и в м а ъ н о термини қўллаб келинган.⁵ Шундан келиб чиқиладиган бўлса, коннотатив сема ҳам

¹ Қрғг.: Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – Тошкент: Университет. 2000. 8-б.; Шу муал. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Университет, 2004. 150-б.

² Қрғг.: Ўша асарларнинг ўша бетлари.

³ Қрғг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўша асар. - 57-б.

⁴ Қрғг.: Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўша асар. – 58-б.

⁵ Қрғг.: Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С. 203; Қўнгулов Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент: Фан.

коннотатив маъно¹ каби, сўзнинг қўшимча маъно (ёки ифода)си (дифференциал-семантик метод нуктаи назаридан, семаси) бўлиб, асосий маъно (денотатив сема)га бўйсунувчи, ёндош семантик ёки услубий оттенкалари эканлиги ҳолда, турли хил экспрессив-эмоционал – баҳоловчи тонларни ифодалаш учун хизмат қилади ва тантанаворлик, ўйноқилик, бамайлихотирлик, бетакаллуфлик ва ҳ.ларни ифодалаб бера олади.² Масалан, *башара* сўзининг мазкур семемаси яна субъектнинг ўша денотатга бўлган салбий муносабатини ҳам билдиради. Яна шу семемадан мазкур сўз от туркумига оидлиги ҳам маълум. У сўз *башарасига боқди* бирикмаси таркибига кирар экан, унинг семемасида эгалик ва йўналганлик кабилар ҳам англашилади. Шу кейинги англашилганларнинг ҳаммаси *башара* сўзида ифодаланган семеманинг коннотатив семаларидир.

Ҳ.Нёматов, Р.Расуловлар коннотатив сема термини ўрнида и ф о д а с е м а терминини қўллаганлар. Аммо у ҳақда муфассал ва тўғри тушунча беришган.³ Терминни эса ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилишган. Ифода сўзининг маъноси анча кенг ва бунинг устига коннотатив сўзи маъносини бермайди. Шунинг учун терминни ўзгаришсиз ўзлаштириш маъқул деб ўйладик.

Демак, семалар сўз таркибида тутган ўрни ва борлиққа бўлган муносабатига кўра мантиқан икки типга бўлинади: денотатив сема, коннотатив сема. Денотатив сема семеманинг бевосита денотатни ифода этган узвидир. Коннотатив сема сўз семемасининг денотатив семасидан қолган, лекин унга тобе, турли қўшимча грамматик ва субъектив муносабат ифода этувчи узвидир.

Семалар сўз семемаси таркибида тутган ўрни ва субъект хабари жиҳатидан ҳам тилшуносликда мантиқан икки типга бўлинади: информатив сема, прагматик сема.⁴ Бу семалар, Л.А.Киселева таъбирича, энг юқори даражадаги семалар бўлиб, энг юқори

1980. 3-б.; Ҳожиев А.П. Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати. – Тошкент: М.О. 2002. 51-б.

¹ Маълумки, дифференциал-семантик методга кўра маъно термини ўрнида семемани термини қўлланиб келмоқда. Унинг узлари эса сема дейилади. Шунга кўра коннотатив маъно термини ўрнида коннотатив сема термини қўлланимоқда.

² Бу изоҳ О.С.Ахманова лугатидан олинди. Қрғг.: Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С. 234.

³ Қрғг.: Нёматов Ҳ., Расулов Р. Ўша асар. – 58-б.

⁴ Қрғг.: Миртожиев М.М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. 8 б. Шу муал. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 150-б.

даражадаги умумлаштирувчи эканликлари билан характерланади.¹ И н ф о р м а т и в с е м а семеманинг денотатни билдирувчи ва у ҳақдаги муносабатларни билирувчи узви ҳисобланади, яъни информатив сема семеманинг денотатни билдирувчи узви билан эгалик ва макон, шунингдек муайян туркумга хосликни билдирувчи узларини ўз ичига олади.² Шунинг учун Л.А.Киселева “информатив сема вазифа сатҳи бўйича номловчи (ашёвий) ва релятив (граммема) семаларига бўлиниб кетади”, деб кўрсатади.³ Масалан, *башарасига боқди* бирикмасидаги *башарасига* сўзи семемасининг денотатив семаси билан отлик, эгалик ва йўналганлик англатмалари бирикда информатив семадир.

П р а г м а т и к с е м а семеманинг фақат денотатга бўлган муносабатини билдирувчи узвидир.⁴ Масалан, юқоридаги мисол бўйича *башараси* сўзи семемасидаги кишининг ўша органига бўлган салбий муносабат прагматик сема ҳисобланади. Яна *чехрасига термилди* бирикмасидаги ҳар икки сўз семемасида ижобий муносабат билдирувчи прагматик семалар мавжуд. Бу прагматик семаларнинг ўзи яна эмоционал сема ва экспрессив семаларга бўлинади.⁵ Э м о ц и о н а л с е м а субъектнинг объектга бўлган ижобий ёки салбий муносабатини билдирувчи семалардир. Юқорида келтирилган *башарасига* сўзи семемасидаги ва *чехрасига термилди* бирикмасидаги ҳар икки сўз семемасидаги прагматик семалар эмоционал семадир. Чунки улар субъектнинг объектга бўлган салбий ёки ижобий муносабатини ифода этган. Э к с п р е с с и в с е м а бирор сўз семемасидаги ифодани кучайтириб таъкидловчи семадир. Масалан, *қип-қизил олма* бирикмасидаги *қип-қизил* сўзи семемасида экспрессив сема бор. Бу сема *қизил* сўзи семемасида ифодаланган рангнинг ниҳоятда ортик даражада эканлигини таъкидлаяпти. Бундай семалар сифат даража кўрсаткичларида ва кучайтирув юкламаларида ифода топадилар. Шунингдек, озайтирма даража сифатларидаги даража кўрсаткичи ҳам маънони кучсизлантирувчи юклама ифодаси ҳам экспрессив семага хос. Масалан, *сал қулди* феълининг проклитикаси бўлган *сал* юкламасида экспрессив сема ифодаланган.

¹ Қрнғ.: Киселева Л.А. Ўша асар. – 75-б.

² Қрнғ.: Миртожиев М.М. Ўша асарлардаги ўша бетлар.

³ Қрнғ.: Киселева Л.А. Ўша асарнинг ўша бети.

⁴ Қрнғ.: Миртожиев М.М. Ўша асарлардаги ўша бетлар.

⁵ Қрнғ.: Киселева Л.А. Ўша асарнинг ўша бети.

Демак, семалар сўз семемаси таркибида тутган ўрни ва субъект хабари нуқтаи назаридан мантиқан информатив сема ва прагматик семаларга бўлинади. Информатив сема ўз ичига помлювчи сема ва релятив семаларни олади. Прагматик сема таркибида эса ҳам эмоционал, ҳам экспрессив семалар бор. Эмоционал сема субъектнинг объектга бўлган ижобий ёки салбий муносабатини ифода этса, экспрессив сема семема ифодасини ё кучайтириб, ё озайтириб кўрсатади.

5. Семанинг семемалар синтактик муносабатига кўра типлари

Сема семемаларнинг синтактик муносабатига кўра фақат бир типда бўлиб, уни француз тилшунослари классема деб атаганлар.¹ Рус тилшуноси В.Г.Гак ҳам: "...уни француз тилшунослари классема деб атайдилар" - деб кўрсатади.² Бироқ ўзи классема термини ўрнида с и н т а г м е м а терминини қўллайди.³ Мазкур тил факти семаларнинг бир типи сифатида қаралганлиги учун, унинг бу ишда классема деб номланиши маъқул топилди. Синтагмема термини эса маъно моҳиятига кўра синтактик ҳодисаларни назарда тутди.

Бу тил факти, В.Г.Гак томонидан синтагмема деб аталишидан қатъи назар, умуман тилшуносликда бир хил тушунилади. Яъни у бирикма таркибидаги сўзлар семемасининг бир хил келган, умумий семасидир.⁴ Масалан, *стулга ўтирди* бирикмасидаги *стул* ва *ўтирмоқ* сўзлари семемасининг семаларига эътибор қаратиш мумкин. *Стул* сўзининг воқеланган семемаси 'тўрт оёқли' 'суянчиқли' 'юзали' 'мебель' семаларидан иборат. *Ўтирмоқ* сўзининг танланган лексик маъноси – семемаси 'жойлашмоқ' 'юза' 'тик қад билан' 'думғазага таяниб' семаларини ўз ичига олади. Шу сўзлар семемаларидаги 'юза' семаси бир хил. У бирикма классемасидир. Шу классема туфайли *стул* ва *ўтирмоқ* сўзлари

¹ Қрғг.: Greimas A.J. Sémantique structurale. – P. 63; Pottier B. La définition sémantique dans les dictionnaires... - P. 60.

² Қрғг.: Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – С. 23.

³ Қрғг.: Гак В.Г. Ўша асар. Ўша бет.

⁴ Қрғг.: Greimas A.J. Sémantique structurale. – P. 53; Pottier B. La définition sémantique dans les dictionnaires... - P. 61; Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке. – С. 25; Каримжонов И.А. Ўзбек тилида ўрин келишликли бирикмалар семантикаси. Филол. фан. ном. дисс. автореф. Тошкент. 1994. 7-б.

семантик бирикувга киришган. Бирикув шу сўзлар семемасидаги шу имконият билан боғлиқдир.

Классеманинг хар бир бирикмада бўлиши семантик қонуниятдир. Лекин у ҳам чегараланган ҳолда қўлланади, яъни айтиш мумкинки, бир бирикма таркибида фақат биттагина бўлади.¹ Бирикма бошқарув боғланишли бўлса, тобе бўлак семемасидаги классема сифатидаги семани воқелантирувчи сўз шакли ўша бўлакда кайд этилади. Масалан, юқоридаги *стулга ўтирди* бирикмасининг *стулга* тобе бўлаги ‘юза’ локал семаси билан ҳоким бўлакка боғланган. Шу локал семани воқелантирувчи жўналиш келишиги *стул* сўзининг шакли сифатида қўлланган, яъни бу ўринда бирикма классемасини воқелантириш вазифасини тобе бўлак семемасининг релятив семаси ўтаган.²

Айрим бошқарув боғланишли бирикмаларнинг тобе бўлаги бирор келишик билан шаклланган, яъни релятив семага эга бўлмаса ҳам, бирикма ўз классемаси билан воқеланаверади. Бунда бирикма таркибида классемани воқелантирувчи сиртки семага эга кўмакчи иштирок этади.³ Масалан, *қалам билан ёзди* бирикмасига эътибор бериш мумкин. Бу бирикманинг классемаси ‘восита’ билдиради. *Қалам* сўзи семемасида ҳам, *ёзди* феъли семемасида ҳам умумий сема – ‘восита’ семаси бор. Тобе бўлак семемасидаги ‘восита’ семасини *билан* кўмакчиси сиртки сема сифатида воқелантирган. Биламизки, кўмакчилар ҳамма вақт бирикма тобе бўлақларининг энклizasи экани ҳолда, унинг семемаси учун сиртки сема ҳисобланади.

Айрим бошқарув боғланишли бирикмаларнинг ҳоким бўлаги классема учун талаб қилган сема тобе бўлак семемаси таркибида бўлмаслиги мумкин. Тобе бўлак семемасидан талаб қилинган сема асосан локал сема бўлади. Унда тобе бўлак семемаси потенциал локал семали бўлса, бу сема макон келишиги ёки макон маъноли кўмакчи воситасида намоён этилиб, ҳоким бўлак семемасининг локал семаси билан классемага кириштирилади. Б.Қ.Курбонова ҳам ўзининг диссертациясида табиатга алоқадор отлар макон келишиклари ва макон билдирувчи кўмакчилар воситасида потенциал локал семаларини намоён этади, деб кўрсатади.⁴ Масалан, *шоҳга*

¹ Қрнг.: Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. – С. 29.

² Қрнг.: Каримжоновна В.А. Ўзбек тилида ўрин келишикли бирикмалар семантикаси. 10-б.

³ Қрнг.: Каримжоновна В.А. Ўша автореф. – 12-б.

⁴ Қрнг.: Курбонова Б.Қ. Ўша автореф. – 14-б.

қўнди бирикмасидаги қўнди феъли семемаси локал семага эга. У шу семаси асосида локал семали семемаси бўлган сўзни бирикма учун талаб қилган. Аммо *шоҳ* сўзи семемасида локал сема йўқ. Буни у ўзида бор бўлган потенциал семасини жўналиш келишиги воситасида воқелантириб, локал семага эга бўлган ва ҳоким бўлак билан локал ифодали классемани таркиб топтирган.

Икки сўз ўзаро ё бошқарув, ё мослашув, ё битишув боғланиши орқали бирикмага киришар экан, бу бирикма ўз классемасига эга бўлиши мантикий ҳолдир. Лекин шунга қарамай, нутқда ўз классемаси бўлмаган бирикмалар ҳам учрайди.¹ Бунда мавжуд бирикма таркибида эллипсис кузатилган бўлади. Классема ана шу эллиптик бўлак орқали кузатилади. Масалан, *бир стакан ичдим* бирикувида *стакан* сўзи билан *ичдим* сўзи бошқарув боғланишида. Лекин улар ўртасида классема йўқ. Чунки улар ўртасида, айтиш мумкинки, *сув* сўзи эллипсисга учраган. Агар ўша *сув* сўзи тикланса, у *ичдим* феъли билан ‘объект’ семаси, *стакан* сўзи билан ‘ҳажм’ семаси воситасида классемани таркиб топтирар эди. Бирикма *бир стакан сув ичдим* ҳолида бутун келтирилса ҳам, *стакан* сўзи грамматик жиҳатдан тўғридан-тўғри *ичдим* феъли билан бирикма ҳолатида бўлади. Лекин, кўрганимиздай, ўзаро классемага эга бўлмайди. Ҳар қандай ҳолда ҳам *стакан* сўзи *сув* сўзи билан, *сув* сўзи *ичдим* сўзи билан классемани таркиб топтириб, улар занжирли классема орқали семантик туташади.

Сўзларнинг ўзаро грамматик боғланиши мослашув бўлса, улар ўртасидаги семантик боғланиш, яъни классеманинг таркиб топиши икки кўринишда кузатилади: 1) бутун – бўлак муносабатига кўра; 2) шакл семантикаси валентлигига кўра.

Классеманинг бутун – бўлак муносабатига кўра таркиб топиши қаратқичли бирикмаларда бўлади. Қаратқичли бирикмаларнинг қаратқичи бутунни ифода этиб, шу бутунга тегишли бўлак қаралмишда ифода топади.² Ўша бутун билан бўлакни мантиқан туташтирувчи белгини ифодалаган сема классема учун асос бўлиб қолади. Масалан, *куннинг тонги* қаратқичли бирикмасининг семантик таҳлилига эътиборни қаратайлик. *Кун* лексемаси семемаси офтоб чиқишидан кейинги чиқишигача вақт семаларига эга. Тонг

¹ Қриг.: Каримжонов В. А. Ўша автореф. – 10-б.

² Қриг.: Маъруфов З. От // Хозирги замон ўзбек тили / Ф. Камол таҳр. ост. Тошкент: Фан. 1957. 319-б.

лексемаси семемаси ‘офтоб’ ‘чиқиши’ ‘вакти’ семаларидан таркиб топган. *Кун* лексемаси семемаси денотатив семаларида 1- ва 3-сема *тонг* лексемаси семемасининг барча денотатив семалари билан умумий, яъни классемадир. Маълумки, қаратқич вазифасидаги сўзнинг денотатив семаларидан айримлари қаралмиш вазифасидаги сўзнинг барча денотатив семаларига тенг келган. Бу классема бутун ва бўлак муносабатига асосланганлигини кўрсагади.

Қаратқичли бирикмаларнинг яна бир кўриниши борки, унда қаратқич қаралмиш ифода этган нарса ёки буюмнинг бирор белгисини билдиради.¹ Предметнинг белгиси ҳам унинг мантикий узви ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам бу бирикувдаги классема бутун ва бўлак муносабатига кўра таркиб топади. Масалан, *идишнинг сирти*, *гулнинг ранги* каби қаратқичли бирикмаларда худди шундай. Аммо *Аҳмаднинг уйи* каби қаратқичга тегишлиликни билдирувчи² бирикмаларда бундай эмас. У ҳақда сал кейинроқ тўхтаимиз.

Классеманинг шакл семантикаси валентлиги асосида таркиб топиши асосан эга ва кесим бирикувида кузатилади. Бундай феъл кесимдаги шахс-сон кўрсаткичи семантикаси билан гап субъекти адекват бўлган эгада вокеланади ва кесим шакли семантикаси субъект билан вокеланган ё I, ё II, ё III шахсга кўра таркиб топади. Масалан, *У югурди* бирикувидаги феъл кесим кўрсаткичи I шахс бирликни талаб қилган, яъни шундай агенс валентлигига эга. Бу валентлик I шахс бирлик семантикасига эга у олмошини қабул қилган. Предикат шахс-сон кўрсаткичи семантикаси асосида ўз субъекти билан классемани таркиб топтирган. У шахсни билдиради.

Классеманинг шахс семантикаси валентлиги асосида таркиб топиши феъл кесимнинг пайт валентлиги вокеланишида кузатилади. Бунда феъл кесимнинг замон кўрсаткичи семантикасига кўра гап учун пайт актанти қабул қилинади, феъл кесим билан пайт классемаси таркиб топади.³ Масалан, *У ҳозир гапирди*. гапидаги феъл кесим ўтган замонни билдиради. Шунга кўра пайт валентлиги вокеланган ва *ҳозир* актантини қабул қилган. Феъл кесимнинг замон кўрсаткичи семантикаси, яъни релятив сема билан *ҳозир*

¹ Қриг.: Маъруфов З. От... – 318-б.

² Қриг.: Маъруфов З. Ўша асар. Ўша бет.

³ Қриг.: Каримжонова В.А. Ўша авторсф. – 8-б.

актантн семемасининг ‘пайт’ семаси классемани таркиб топтирган. Бу пайт классемаси нутқ лаҳзасида ўтган нутқни билдирган. Нутқ лаҳзасида ўтган нутқнинг англашилиши феъл замони билан боғлиқ. Агар феъл ҳозирги замонни кўрсатса, классема нутқ лаҳзасида ўтаётган; келаси замонни кўрсатса, классема нутқ лаҳзасидан кейин бўладиган нутқни англатар эди. Қиёс қилинг: *У ҳозир гапиряпти. У ҳозир гапиради.* ва ҳ. Феълнинг пайт актанги бўлган *ҳозир* сўзи замонга нисбатан бетараф бўлганлиги учун *гапирмоқ* феълининг ҳар уч замонида ҳам актант сифатида воқелана олади. Агар равиш семантикаси нутқ пайтига нисбатан илгари ёки кейинни билдирадиган бўлса, шунга қараб ё ўтган замон, ё келаси замон феъл кесими уни актант сифатида қабул қилади. Эътибор беринг: *У боя гапирди. У энди гапиради.* каби.

Классеманинг шакл семантикаси валентлиги асосида таркиб топиши феъл категорияларига хос поциенс, контрагент валентликларининг воқеланишида ҳам кузатилади. Масалан, *Мен сен билан ишлашдим*, гапида феъл биргалик нисбатида бўлганлиги учун, у билан ифодаланган кесим *сен* контрагентини қабул қилган ва ўзаро ‘шаҳс’ классемасини таркиб топтирган.

Феълнинг кўплик шакли ҳам, кўмакчили аналитик шакли ҳам ўз семантикасига ва семантикаси бўйича валентлигига эга бўлади. Улар шу валентлигига асосан актант қабул қилар экан, бу актант феълнинг ўша шакли семантикаси билан классемани таркиб топтиради. Масалан, *У билан келдик* гапидаги *келдик* феълнинг кўплик семантикаси у олмашида ифодаланган контрагент билан шахс билдирувчи классемани таркиб топтирган. Яна *доимо эслаб юрдим* бирикмасидаги *эслаб юрдим* составли феълнинг *юрдим* кўмакчисида ифодаланган давомийлик билдирувчи сема *доимо* сўзи семемасининг давомийлик билдирувчи семаси билан классемани юзага келтирган.

Сўзларнинг ўзаро грамматик боғланиши битишув бўлса, бу боғланиш ҳоким сўзнинг кейин, тобе сўзнинг аввал ўрнашувида кузатилиб, уларда грамматик шакл бўлмайди. Улар: 1) сифатловчи бирикма, 2) эпитетли бирикма ҳолида таркиб топади.

Битишув боғланишли бирикма сифатловчили бирикма ҳолида таркиб топса, тобе бўлак семантикаси ҳоким сўз семемасининг

семасига мос келади.¹ Масалан, *оқ қоғоз* бирикмаси битишув боғланишида бўлиб, ҳоким сўз семемасининг ранг билдирувчи семаси тобе сўз семемаси моҳиятини билдиради. Мана шу ранг ифодаси ҳисобига *оқ қоғоз* бирикмасининг классемаси юзага келган.

Битишув боғланишли бирикма эпитетли бирикма бўлса, клас-сема субъект семемасининг белги билдирувчи семаси билан эпитет семемасининг сақланган семаси классемани таркиб топтиради. Масалан, *олтин япроқ* бирикмасидаги *олтин* сўзи ўз семемасининг ранг билдирувчи семасини сақлаган ҳолда вокеланган ва *япроқ* сўзи семемасининг ранг билдирувчи семаси билан бирикма клас-семасини юзага келтирган.

Демак, классема бирикмаларнинг ҳоким ва тобе сўзлари семемалари учун умумий бўлган семадир. У бошқарув боғланишли бирикмаларнинг ҳоким ва тобе сўзлари семемаларининг денотатив семалари бир хил келишига; мослашув боғланишли бирикмаларда, агар у эга ва кесим муносабатида бўлса, ҳоким сўз семемасининг релятив ва тобе сўз семемасининг денотатив семаси умумийлигига асосланади. У қаратқичли бирикмаларда ҳоким сўз семантикаси тобе сўз семантикасининг бирор семаси билан, битишув боғланишли бирикмаларда тобе сўз семантикаси ҳоким сўз семемасининг бирор семаси билан бир хил бўлиши асосида юзага чиқади.

Хулоса

Тадқиқотнинг “Лексик маънонинг семантик таркиби” деб аталувчи мазкур боби юзасидан қуйидаги хулосаларни айтиш мумкин.

1. Сўз лексик маъноси, яъни семемаси бўлинмас бир бутунлик бўлмай, у узвлардан таркиб топган. Бу узвларнинг ҳар бири тилшуносликда сема деб аталади. Сема сема референтининг бўлагини эмас, муҳим белгисини билдиради.

2. Семалар 1) сўзнинг семантик майдондаги ўрнига кўра; 2) сема тараққиётига кўра; 3) сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра типларга бўлинади ва 4) синтагматик вазифасига кўра биргина классема типига ҳам эга.

¹ В.Г.Гакнинг фикрига кўра, битишув боғланишли бирикмалар шакли қисқарган ўхшатиш қурилмаси экани ҳолда эталонидаги семеманинг вокеланган семаси ва ўхшатиш асоси семантикаси ҳисобига классемасини таркиб топтирган бўлади. Масалан, *қизил қон* бирикмаси *қизил қондай* бирикувининг шакли қисқарган ва *қизил* сўзи семантикаси *қон* сўзи семантикасининг ранг билдирувчи семаси билан классемани юзага келтирган. Крнг.: Гак В.Г. Ўша асар. – С. 24.

3. Семалар сўзнинг семантик майдондаги ўрнига қараб тўрт типга бўлинади. Улар бир семантик майдонга кирувчи сўз семемалари учун умумий бўлган архисема; шу семантик майдондаги семантик гуруҳларга мансуб сўз семемалари учун умумий бўлган интеграл сема; семантик майдондаги ҳар бир сўз семемасининг ўзига хослигини кўрсатувчи дифференциал сема; сўз семемасида нутқий талабга кўра айрим ҳолатларда юзага чиқувчи потенциал семалардан иборат. Лексемалар сўзнинг семантик майдондаги ўрнига қараб яна икки типга: гипероним ва гипонимга бўлинади. Гипонимлар семемаси бир турда бўлиб, гиперонимга тегишлилиги ва семемалари умумий семага эгаллиги ҳолда, гипероним лексема семемасига тенг келади.

4. Полисемантик сўз таркибидаги семемалар икки тип: умумий ва фарқловчи семаларга эга бўлади. Умумий сема полисемантик сўз таркибидаги барча семемаларда такрорланувчи бир хил семама бўлиб, фарқловчи сема ҳар бир семеманинг ўзига хос ёки бошқа семемадаги бирор семага ўхшаш семадир.

5. Семалар, сўз семемаси таркибида тугган ўрнига қараб, сўзнинг туб маъносини берувчи ва сўз яшаш билан боғли имкониятларга эга ядро сема; ядро семага қўшилиб, янги семемани ясовчи дериват сема; сўз шаклида ифода топиб, сўз семемасига қўшимча маъно илова қилувчи ёки бошқа сўз билан грамматик алоқага киритувчи релятив сема; проклитика ва энклизаларда ифода топиб, бирикма таркибидаги сўзларни ўзаро алоқага киритувчи сиртқи сема кабиларга бўлинади. Бу жиҳатдан семалар сўз таркибида тугган ўрни ва борлиққа бўлган муносабатига кўра семеманинг бевосита денотатни ифода этувчи денотатив сема ва қўшимча грамматик ва субъектив муносабатлар билдириб, денотатив семага тобе бўлган коннотатив семани ҳам ўз ичига олади. Семалар сўз таркибида тугган ўрни ва субъект хабарига кўра: информатив сема, прагматик семаларга бўлинади. Информатик сема номловчи ва релятив семаларни ўз ичига олади. Прагматик сема ҳам эмоционал, ҳам экспрессив семалардан иборат.

6. Бирикма таркибидаги сўзлар семемаси ўртасида синтактик муносабатни юзага келтирган яна бир тип сема бўлиб, у классема деб аталади. Классема бирикма таркибида ҳоким ва тобе сўзларни ўзаро боғлаб келган ва улар учун умумий бўлган семадир.

Ш боб.

ЛЕКСИК МАЪНО ТАРАКҚИЁТИ

Сўз лексик маъноларининг тараққиёти уч кўринишга эга. Улар куйидагилар:

1. Сўз лексик маъносининг ҳосила маъно юзага келтириши.
2. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши.
3. Эвфемизм ва дисфемизм.

1. Сўз лексик маъносининг ҳосила маъно юзага келтириши

Ҳосила маъно бирор сўз лексик маъноси референти¹ билан объектив борлиқдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ёки сезги кабилардан бири алоқадор ёки муносабатда бўлганлиги учун, унинг номида аталиб кетиши орқали юзага келади.² Яъни сўз лексик маъноси иккинчи бир лексик маънони ҳосил қилади. Шунинг учун кейинги лексик маъно ҳосила маъно деб номланади. Ўша нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ёки сезги кабилардан бири ҳосила маъно референти эканлиги ҳолда, ҳосил қилувчи лексик маъно референти билан муносабатда бўлади. Масалан, *ўйин* сўзи 'кўнгил очиш' 'эрмак мақсадидаги' 'машғулот' лексик маъносига эга: *У жуда зеркиб нима ўйин ўйнашини... билмас эди* (Ойбек). Ундан 'рақс' ҳосила маъноси юзага келди: *Ўйин ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсунбиби йўргалай кетди* (А.Қодирий). *Ўйин* сўзининг бу лексик маъно ва ҳосила маъно референтлари ўртасида муносабат бўлгани учун, биридан иккинчиси юзага келган. Уларнинг иккиси ҳам от туркумидаги бир сўз таркибига киради.

¹ Р е ф е р е н т термини остида ҳар қандай лексик маъно ифода этган нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ёки сезги қайд этилади.

² Қ р и г.: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. – Halle.1937. S. 102; Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Ч. II. – М.: Учпедгиз.1954. С. 54; Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – М.: ГУПИ. 1956. С. 46; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: Изд.ЛИЯ. 1959. С. 66; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: ЎОМ, 1963. 60-б.; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – М.: Просвещение. 1964. С. 57; Турсунов У., Ражабов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи. 1965. 126-б.; Реформатский А.А. Введение в языковедение. Изд. 4 ое. Испр. и допол. – М.: Просвещение. 1967. С. 76; Лексика современного русского литературного языка / Под ред. М.В.Панова. – М.: Нука. 1968. С.104.

1) Ҳосила маъно юзага келиши ва ёндош ҳодисалар

Сўзнинг муайян лексик маъноси тараққиётига кўра ҳосила маъно юзага келар экан, у ўзи оид бўлган сўз кайси туркумга оид бўлса, шу туркумдан бошқа туркумга ўтиб кетмайди: ҳосил қилувчи лексик маъно билан ҳосила маъно маълум туркумдаги бир сўзга мансуб эканлиги ҳолда ўша сўз туркумида қолади.

Масалан, *олтин япроқ* бирикмасидаги *олтин* сўзи ранг белгисини билдирган. *Олтин* сўзидаги лексик маъно 'сарик' 'жиллоли' 'қалрли' 'металл' ифодасига эга эди. Бу ифода - от туркумига мансуб. У оид бўлган *олтин* сўзи ҳам от туркумидадир. Лекин келтирилган бирикмада бу сўз белги билдирган. Белги билдириш сифат туркумига хос. Шундай бўлгач, *олтин* сўзида ҳосила маъно юзага келган деб бўлмайди. Бу ўринда *олтин* сўзи мавжуд лексик маъносининг фақат бир 'сарик' семаси билан воқеланган. От туркумига мансуб бундай сўзлар ўз лексик маъносининг бир семаси билан воқеланиши эпитет деб қаралади.¹ Эпитет эса адъективациянинг бир кўринишидир.² Эпитетлар нутқий ҳодиса эканлигини ҳам унутмаслик керак. Шунга қарамай, бирор белги ўхшашлигига кўра ҳам ҳосила маъно юзага келиши мумкин. Масалан, *Топган қўй келтирар, топмаган бир бош пиёз* (мақол). Бу мақолда *бош* сўзи 'сабзавотнинг' 'истеъмол қилинадиган' 'юмалоқ ўрами' ҳосила маъносида қўлланган. У *бош* сўзининг 'тананинг' 'мия жойлашган' 'юмалоқ' қисми лексик маъносидан юзага келган. Улар референти юмалоқлик белгисига кўра ўзаро ўхшаш.

¹ Қрғ.: Агаян Э.Б. Введение в языкознание. – Ереван. 1960. С. 220; Абрамович Г.Л. Введение в литературоведение. Из. 5ое, испр. и допол. – М.: Просвещение. 1964. С. 169; Квятковский А. Поэтический словарь. – М., 1966. С. 359; Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан. 1977. 27-6.; Шукуров И. Перенос значения слов в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1978. С. 11; Тоҳиров З. Лексеманинг метафорик семасида прагматик сема // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1981. 1 сон. 76-б.; Хўжаева Д.Ш. Ўзбек тилида эпитет. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. Тошкент. 1996. 7-6. Айрим олимлар уни ҳосила маъно юзага келиши, яна ҳам аниқроқи, метафора билан адаштирадilar. Қрғ.: Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Тошкент Ўздавнашр. 1939. 55,56-бб.; Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. 1964. 4 сон. 35-б.; Абдуллаева Л. Метафоралар ва уларнинг таржима қилиниши ҳақида билим мулоҳазалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1965. 1-сон. 62-б.;

² Қрғ.: Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ. 1960. С. 20; Ахматов О. С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ. 1966. С. 34; Die deutsche Sprache Kleine Enzyklopädie. II Band. – Leipzig: VBY. 1970. S. 923; Розенталь Д.Г., Голеников М.А. Справочник лингвистических терминов. – М.: Просвещение. 1972. С. 14; Советский энциклопедический словарь. / Пред. Ред. А. М. Прохоров. М.: (") 1981. С. 25

Лексик маъно тараккиётида референтларнинг муҳим белгиси катта аҳамият касб этади. Айрим ҳолатларда шахснинг муҳим белгиси номи билан аталганлиги кузатилади. Масалан, чўлоқ, чинок, тиртиқ, найнов, пакана ва ҳ.лар.¹ Булар ҳам ҳосила маънонинг юзага келиши эмас, субстантивациядир. Бундай белги билдирувчи сифатларнинг отга кўчиши тилшуносликда субстантивация деб аталади.²

Айрим ҳолатларда *том боши*, *ўчоқ боши*, *хирмон боши*, *тоғора боши*, *тегирмон боши* ва ҳ. бирикмалардаги *боши* сўзида бўлган семантик ўзгариш ҳам ҳосила маъно юзага келишининг бир кўриниши деб қаралади.³ Бу ўринда *боши* сўзи ҳосила маънони юзага келтирган эмас. Чунки у янги бир референтни ифодаламаган, аксинча, ўзининг референт ифодаловчи лексик маъносини йўқотган, нутқда сўзларни ўзаро боғлаш хусусияти билан юзага чиккан. Бундай сўзлар ўз лексик маъносини йўқотиб, грамматик маъногагина эга бўлиб қолган ёрдамчи маъноли сўзлар деб қаралади. Бу тил ҳодисаси аллақачон тилшуносликда тан олинган.⁴

¹ Т.Алиқулов уни синекдоха деб атайди. Қрнг.: Алиқулов Т. Синекдоха йўли билан полисемияларнинг вужудга елиши // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1965. 3-сон. 32-б.

² Қрнг.: Абдурахмонов Г. Субстантивированные прилагательные в современном узбекском языке. Авторев. дисс. ...канд. филол. наук. – Самарканд. 1950; Гулямов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. I. Аффикация. Рукопись. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент. 1955. С. 223; Маъруфов З. Сифатларнинг отга кўчиши ёки отлаштиши ҳодисаси (субстантивация) // Ҳозирги замон ўзбек тили / Ф. Камол таҳр. ост. – Тошкент: ФАН. 1957. 356-б.; Облоқулов С. Ўзбек тилида субстантивация // Тилшунослик масалалари. – Тошкент: Фан. 1960; Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – С. 102; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С. 460; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. II Band. – S. 1072; Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Справочник лингвистических терминов. – С. 431; Советский энциклопедический словарь. – С. 1234.

³ Бу ҳодисани С.Усмонов ҳам, Д.Бозорова ҳам ҳосила маъно юзага келишининг кўринишларидан метафорага татбиқ этадилар. Қаранг: Усмонов С. Метафора... - 38-б.; Базарова Д.Х. Семантика наименований частей тела и производных от них в тюркских языках. Авторев. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1967. С. 8,9.

⁴ Қрнг.: Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. I, II. – Харьков. 1888. С. 25; Фортунатов Ф.Ф. Сравнительное языковедение. Лекции, читанные 1889, 1900, 1966. литогр. С. 237; Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1938. С.37; Шахматов А.А. Синтаксис русского языка. – М. -Л., 1941. С. 432; Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. – М. -Л. 1945. С. 296; Ломоносов М.В. Русская грамматика // Сочинение. Т. VIII. – М. -Л. 1952. С. 417; Стеблин-Каменский М.И. К вопросу о частях речи // «Вестник ЛГУ» №6. Серия общественный наук. – 1954. С. 155; Ўша муал. Грамматика норвежского языка. – М. -Л. 1957. С. 150-157; Щерба Л.И. Избранные работы по русскому языку. – М., 1957. С. 67; Slesna-Cazaku T. Limbaj și context // Probleme limbajului în concepția exprimării și interpretării prin organizări contextuale. – București. 1959. P. 291; Шмелев Д.Н. К вопросу о «производных служебных частях речи и

Боши сўзи ўрин келишиги билан феъл бошқарувида қўлланар экан, худди ўрин келишигига ўхшаб грамматик вазифа бажаради. Ўрин келишигидаги отларга қўшилса, феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат ўрни отда ифода топган бўлади. Агар ёрдамчи сўзга айланган бошида сўзи феъл бошқарувида восита бўлса, феъл отдан англашилган вокелик ўрнида иштирок этаётганликни билдиради. Сўзлардаги бундай маъно ўзгариши тилшуносликда конъюнкционализация деб аталади.¹ Сўз ҳосила маъно юзага келтирганда, у лексик маъно билан адекват бўлиб, референтга асосланарди.

Кўрдикки, сўз ўз туркумини ўзгартириши, иккинчи туркум вазифасини олиши, ёрдамчи сўзга айланиши конверсия деб аталиб, ҳосила маъно юзага келиши билан алоқаси йўқ. Ҳосила маънонинг юзага келиши ҳосил қилувчи лексик маъно оид бўлган сўзнинг туркуми доирасида ўтиб, янги лексик маъно даражасида, ўз референтига эга ҳолда кузатилади.

Ҳосила маънонинг юзага келиши бутун ва бўлак муносабатига ҳам ўз аксини топади. Бутун ва бўлак муносабати миқдорий яхлитлик ва унинг бир донаси ҳолида ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун тук сўзи семантикасига эътибор беришга тўғри келади. У сут эмизувчилар терисидаги мугуз қатламини ҳам билдиради, теридаги ҳар бир мугуз толани ҳам ифодалайди. Мисолларга эътибор беринг: *У... юзини қизғин тук босган... жангчидан ўрганди* (Ойбек). *Дарёдан бир томчи, тўнгиздан бир тук* (мақол). Аввалги гапдаги тук сўзи миқдорий яхлитликни билдирса, кейинги гапда бир толани ифодалаётти. Уларнинг бири ҳосил қилувчи ва бири ҳосила маънолардир. Улар миқдорий яхлитлик ва унинг бир донаси ўртасидаги муносабатга кўра ҳосила маъно юзага келишини акс эттирган. Яна мазор сўзининг 'қабр' лексик маъноларидан 'қабристон' ҳосила маъноси юзага келиши ҳам худди шунга ўхшайди.

Миқдорий яхлитлик билан унинг донаси ўртасидаги муносабатни грамматик қўшлик билан бирлик ўртасидаги муносабатга адаштирмаслик керак.² Масалан, *Овчи итнинг кўрпача устига*

междометиях // Известия АН СССР, ОЛЯ. -1961. Т. XX. Вып. 6. С. 504; Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Тошкент: Фан. 1966. 18-б.; Черкасова У.Г. Переход полнзначных слов в предлоги. – М.: Наука. 1967. С. 11; Буслев Ф.И. Историческая грамматика русского языка. Ч. II. – М., 1969. С. 85,86.

¹ Қрғ.: Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С. 108.

² Рус тилшуноси Л.А. Булаховский ҳам, арман тилшуноси Э.Б. Агаян ҳам ўз китобларида айни бир: И слышно было до рассвета, как ликовал француз (Французнинг шайтанга танганаси тонгтача ҳам эшитилиб турди. – Лермонтов). тани ҳақида француз тилида

тўқилган туқини териб ташлади (“Туркистон”). Бу ўриндаги *туқ* сўзи ‘танадан тўқилган қил донаси’ни ифодалаган бўлиб, бирлик шаклида кўпликни билдирган. Бу бир неча қил донаси билан тана юзасини коплаб турувчи қиллар яхлитлиги айна бир тушунча эмас. Худди шунга ўхшаш *У ўртоқлари, қариндошлари мазорини ҳазинлик билан бир-бир кўздан кечирди* (“К. Ўзбекистон”) гашидаги *мазор* сўзи бирлик шаклида ‘қабр’ лексик маъноси билан қўлланган, албатта, бутун бир ‘қабристон’ маъносида эмас.

Кўрдикки, сўзнинг бирлик шакли кўпликни ифода этиши, яъни бирлик ва кўплик ўртасидаги муносабат билан миқдорий яхлитлик ва унинг донаси ўртасидаги муносабат ўзаро фарқ қилади. Бирлик шаклидаги сўз кўпликни ифода этиши ҳосила маънони юзага келтирмайди. Ҳосила маъно юзага келар экан, у ўз референтига эга бўлади.

Ҳосила маъно бир сўзнинг муайян лексик маъносидан юзага келади. Агар сўз бирор сўз билан бирикмага киришиб, бирикма маъносини ҳосил қилар экан, унинг компонентлари бўлган сўздан ҳосила маъно излаш тўғри бўлмайди. Чунки бирикмада фразеологик маъно бўлиб, у бутун бирикма таркибидаги ҳамма сўзлар учун умумийдир. Улар бутунлигича бир тирик жон ҳисобланади. Масалан, *кўзи очилмоқ* бирикмасидаги *очилмоқ* феълидан¹ ва *эсини йўқотмоқ* бирикмасидаги *йўқотмоқ* феълидан² ҳосила маъно излаш тўғри эмас. Уларнинг биринчиси ‘тушунадиган бўлди’, иккинчиси ‘фикрлолмай қолди’ фразеологик маъно таркибида умумий семантикага эга. *Очилмоқ* ва *йўқотмоқ* сўзлари бирикма ичида ҳеч қандай мустақил маъно бермайди.

Ҳосила маънонинг юзага келиши кўпроқ референтлар қиёсига асосланганлиги учун, айрим ҳолларда ўхшатиш қурилмаси ҳам унга (метафорага) мисол тариқасида келтириб юборилади.³ Маса-

сўзи бирлик шаклида кўплик билдиргани ва у ҳосила маъно юзага келиши (синекдоха) эканлигини айтади. Қрнг.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – С. 64; Агаян Э.Б. Введение в языкознание. – Ереван. 1959. С. 220.

¹ О.Азизов *кўзи очилмоқ* бирикмасидаги *очилмоқ* феълида ўхшатишга кўра ҳосила маъно юзага келган деб қарайди. Қрнг.: Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: ЎОМ. 1963. 61-б.

² С. Усмонов ҳам *эсини йўқотмоқ* бирикмасидаги *йўқотмоқ* феълида ўхшатишга кўра ҳосила маъно юзага келган деб қайд этади. Қрнг.: Усмонов С. Метафора... - 38-б.

³ Бу ҳолат қуйидагиларда учрайди: Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – 55-56-б.; Абдуллова Л Метафоралар ва уларнинг таржима қилиниши ҳақида баъзи мулоҳазалар. – 62-б.; Усмонов С. Метафора. – 35-б.

лан, *лаълидай қизил лаб* қурилмаси ўхшатиш қурилмасидир. Бу қурилмадаги *лаъли сўзи* ҳам, *қизил сўзи* ҳам, *лаб сўзи* ҳам ўз генетик маъноси билан воқеланган, уларнинг бирортаси ҳам ҳосила маъно ифода этмаган. Фақат *лаб сўзининг* референти *лаъли сўзининг* референтига *қизил сўзида* ифодаланган ранг белгисига кўра қиёсланган. Қиёс фақат қурилманинг моҳияти бўлган. Ҳосила маъно референтига бўлган қиёс фақат у оид бўлган сўзнинг бошқа бирор лексик маъноси референтига нисбатан олининчи керак эди. Шундан келиб чиқиб бир қатор мутахассислар: “Метафора ўхшатишнинг қисқарган шакли” - деган фикрни билдирадилар.¹ Шунга кўра, *лаъли сўзи* ‘қизил рангли минерал’ генетик маъноси тараққиёти билан ‘қизил рангли лаб’ ҳосила маъносини берса, бу метафора бўлади. Метафора эса ҳосила маъно юзага келишининг бир кўринишидир. Яъни сўз ҳосила маъносининг бир кўриниши ўхшатиш қурилмасининг қисқариши натижаси ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолда ҳам ҳосила маъно муайян бир сўздаги лексик маънонинг бирикма ёки қурилма маъносидан меросга қолган ҳолати бўлади.

Кўрдикки, ҳосила маъно ўзи оид бўлган сўзнинг бирор лексик маъносидан юзага келиб, шу сўз киритиладиган бирикма ёки қурилма маъносига алоқадор бўлади.

Ясама сўзларнинг ҳам лексик маъноси тараққий этади ва у ҳам ҳосила маънони юзага келтиради. Бу табиий семантик ҳодисадир. Масалан, *боқим* ясама сўзининг дастлабки ‘таъминот жараёни’ лексик маъноси мавжуд. Унинг тараққиёти натижасида ‘таъминоти бировга тобе’ ҳосила маъноси юзага келган. Умуман полисемантик ясама сўзлар тилда салмоқли қисмни ташкил қилади. Уларнинг кўп қисми ясама маънонинг семантик тараққиёти, ҳосила маъно бериши билан боғлиқдир. Шу билан полисемантик ясама сўзларнинг ҳаммаси ҳам ҳосила маъно ҳисобида таркиб топган деб бўлмайди. Уларнинг каттагина қисми ясамадаёқ полисемантик ҳолда юзага келганлиги кузатилади. Масалан, *ўйинчи* сўзи ‘ракқоса’ ва ‘футболист’ лексик маъноларига эга. Албатта, ундан бошқа лексик маънолари ҳам бор. Лекин фақат шу икки лексик маъно ҳақида фикр юритмоқчимиз. Уларнинг ҳеч бири ҳам ҳосила маъно эмас. Уларнинг ҳар иккиси ҳам *ўйин* сўзининг лексик маъносидан ясама

¹ Қрғ.: Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложения. – М., 1952. С. 222; Мейлик Б. Вопросы литературы и эстетики. – Л., 1958. С. 199; Усмонов С. Метафора // Ҳасанов Р. Расулов Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1967. 1-сон. 18 б.

олинган ясама маънолардир. Яна *оҳакли* сўзининг семантик таркибига ҳам эътибор бериш мумкин. Унинг ‘оҳак суртилган’ ва ‘оҳак солинган’ лексик маънолари мавжуд. Улар ичида ҳам ҳосила маъно йўқ, шунингдек, *оҳак* сўзи ҳам полисемантик эмас. Фақат *-ли* аффикси ҳисобига *оҳакли* сўзи икки ясама маънога эга бўлган, полисемантикдир.

Ўзбек тилида *қизилиштон*, *бангидевона*, *эшакмия*, *қирқоғайни* каби бир қатор қўшма сўзлар борки, уларнинг ҳаммаси ҳосила маъно ифода этаётганга ўхшайди. Агар улар ҳосила маъно билан воқеланган деб ҳисобланса, ҳосил қилувчи маъно бу қўшма сўзларда йўқ. Улар қўшма сўз ҳолида ясашишдаёқ шундай образли маъно билан юзага келган. Бу қўшма сўзлар лексик маъноси *қизилиштон*, *банги девона*, *эшак мия*, *қирқ оғайни* бирикмаларининг композицияси ҳисобланади. Шундай бўлгач, *қизилиштон*, *бангидевона*, *эшакмия*, *қирқоғайни* қўшма сўзларининг лексик маъноси ясама маъно деб қаралади. Уларнинг биринчиси қушга, қолган учтаси ўсимлик учун берилган номдир.

Кўрдикки, ҳосила маънонинг юзага келиши, хоҳ туб сўз бўлсин, хоҳ ясама сўз бўлсин, унинг фақат бирор лексик маъноси тараққиёти натижасида янги лексик маънонинг юзага келиши бўлади. Сўз аффиксациясига кўра ясалган ясама маънолар унинг учун дахлсиздир.

Ўзбек тилида *маузер*, *ампер*, *рентген* каби ўзлашма сўзлар бор. Улардан *маузер* сўзи ‘ўқ отар қурол’ни ифода этади. У асли рус ихтирочиси *Маузер* номидан олинган. *Ампер* сўзининг ‘электр токи кучининг ўлчов бирлиги’ француз ихтирочиси *Ampère* номидан, *рентген* сўзининг ‘тиник бўлмаган материядан ўтувчи нур’ лексик маъноси немис ихтирочиси *Röntgen* номидан ҳосил бўлган. Шунинг учун уларнинг мазкур лексик маъносини ҳосила маъно дейиш мумкин. Фақат бу ўша атокли отлар мансуб бўлган тил учун тўғри. Ўзбек тилида эса мазкур атокли отлар йўқ. Бу отлар, ўзбек тили нуқтаи назаридан, мавжуд лексик маъноси билан ўзлашган сўзлар бўлиб, моносемантик ҳисобланади. Ўзбек тилидаги узум навининг номи *ризамат* бўлиб, миришкор боғбон *Ризамат* номидан олинган. Ўзбек тили учун *ризамат* сўзидаги узум навини билдирувчи лексик маъно ҳосила деб қаралади. Чунки лексик маъно тараққиёти шу сўзда шу тилнинг ўзида содир бўлган.

Кўрдикки, ҳосила маънонинг юзага келиши сўз лексик маъносидан бир тилнинг ўзида янги лексик маъно ҳосил бўлиши билан ўлчанади.

Демак, сўзнинг ҳосила маъноси юзага келиши сўз ўзи оид бўлган тилда, ўзи оид бўлган туркумда янги лексик маъно ҳосил қилиши даражасида ўтиб, ўз референтига эгалиги билан баҳоланади. Ўз умумий маъносига эга бўлган бирикма ва қурилмалар, грамматик маъносида ўзгариш кечган сўзлар сўзларнинг лексик маъносида ҳосила маъно юзага келиши ҳодисасига даҳлсиздир.

2) Ҳосила маъно юзага келишининг сабаблари

Сўз лексик маъносининг тараққиёти натижасида ҳосила маъно юзага келар экан, бунда икки сабаб аҳамият касб этади. Бу сабаблар тилшуносликда: 1) экстралингвистик сабаб; 2) интралингвистик сабаб деб қайд этилади.¹

Экстралингвистик сабаб сўз ҳосила маъносининг юзага келишида жуда катта ўрин тутган. Шунинг учун ҳам у сўз ҳосила маъноси юзага келишида интралингвистик сабаб тилга олинмасидан анча бурун эътиборда бўлган эди.²

Экстралингвистик сабабга кўра ҳосила маъно юзага келиши бирор сўзнинг лексик маъноси ўзи ифода этган нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ёки сезгига, яъни референт билан объектив ҳолда муносабатдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ёки сезгига ўз номини бериши бўлади. Яна ҳам аниқроғи, объектив оламдаги мавжудот ҳамма вақт ўзаро муносабатдадир. Улар тилда ўз аксини топиб туради. Унинг сўзда ифодаланиши ҳосила маъно юзага келишидир. У барча мустақил маъноли сўз туркумларида кузатилади. Масалан, от туркумидаги *этак* сўзининг бир лексик маъноси кийимнинг пастки қисмини ифодалайди. Ундан 'фартук' ҳосила маъноси юзага келган. Лексик маъно ва ҳосила маъно референти кийилиш ўрнига кўра ўзаро алоқадор. Шу объектив ҳолдаги алоқадорлик тилда ўз аксини топган ва бир сўздаги лексик

¹ Қрғ.: Wellander E. Studien zum Bedeutungswandel im Deutschen. I-III. – Uppsala. 1923; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 65; Stepanova M.D., Černiševa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – М.: Hochschule. 1975. S. 37.

² Қрғ.: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. – S. 100-102; Baldinger K. Die Semasiologie. – Berlin. 1957. S. 27; Ullmann St. Words and their Use. – New York. 1951. P. 82; Строева Т.В. О причинах изменения значения слова // Вестник ЛГУ. Серия ИЯЛ. – 1958. №8; Kronasser Handbuch der Semasiologie. 2. Aufl. – Heidelberg. 1968. S. 192; Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. – Leipzig. 1972;

маънодан ҳосила маъно юзага келган. Бу лексик маънолар алоқа-дорлигини семемаларнинг ўрин билдирувчи семалари ифода этган белги бир хиллиги кўрсатади, яъни референтлардаги ўрин белгисининг бир хиллиги ҳосила маъно юзага келиши учун сабаб ҳисобланади.

Сифат туркумига хос *ширин* сўзи ‘ёқимли тотга эга’ лексик маъноли бўлиб, ундан ‘ёқимли муомалага эга’ ҳосила маъноси юзага келган. Ҳар икки: ҳосил қилувчи ва ҳосила маънонинг референти белгидан иборат. Бу референтлар ‘ёқимли’ семасида ифодаланган белги умумлашувига кўра ўзаро ўхшаш. Референтлардаги мана шу ўхшашлик муносабати тилда ўз аксини топган. Бу эса *ширин* сўзининг лексик маъноси ҳосила маъно юзага келтиришида акс этган. Яъни у экстралингвистик сабабга кўра содир бўлган.

Феъл туркумига оид *отланмоқ* сўзи тарихан ‘йўл учун отга минмоқ’¹ лексик маъносига эга эди. Ўзбек халқининг ижтимоий тараққиётига кўра мазкур лексик маъно референти, яъни йўл учун отга миниш ўз ахамиятини йўқотди. Унинг ўрнига йўл учун кийинмоқ ҳаракати кириб келди ва унинг вазифасини, номини олди. У *отланмоқ* сўзининг янги референти сифатида ҳосила маънода қайд этилди. Бу феълнинг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъноси ўртасидаги муносабатни вазифа билдирувчи ‘йўл учун’ семаси кўрсатади. Бу экстралингвистик сабабдир.

Юқоридагиларга ўхшаш яна равиш туркумига оид *аввал* сўзининг ‘сира бўйича олдин’ лексик маъносидан ‘муддатидан олдин’ ҳосила маъноси, сон туркумига оид *беш* сўзининг ‘бир қўл бармоқларига тенг сана’ лексик маъносидан ‘энг юқори баҳо’ ҳосила маъноси юзага келиши; олмош туркумига оид *у* сўзининг ‘нигоҳ тушмаганга ишора’ лексик маъносидан ‘Ш шахс бирлик’ ҳосила маъноси юзага келиши ҳам экстралингвистик сабабга кўрадир. Улардаги ҳосил қилувчи ва ҳосила маънолар референти ўртасидаги муносабат объектив ҳолатда бор бўлиб, ўз ифодасини тилда топган.

Кўрдикки, ҳосила маънонинг экстралингвистик сабабга кўра юзага келиши сўз лексик маъноси ўзи ифода этган нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ёки сезги билан қайд этилган нимадир, яъни референт билан объектив борлиқдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат, белги ёки сезги билан ҳис этилган нимадир муносабатда

¹ Қриг.: Кошғарий М. Девону луғотит турк. I т. – Тошкент: Фан. 1980. 257-б.

эканлиги учун, унга ўз номини бериши, яъни янги лексик маъно яратилишидир.

Ҳосила маъно юзага келишидаги интралингвистик сабаб икки кўринишга бўлинади: 1) сўзнинг бошқа сўз билан боғли бўлиши; 2) эллипсис.

Сўзнинг бошқа бирор сўз билан боғли бўлиши сабабли ҳосила маъно юзага келиши ўтган асрнинг 60-йилларидан бир оз олдин қайд этилган.¹ Уларда кўрсатилишича, сўзлар маълум сўзлар билан боғли келганда, яъни санокли валентликлари актанти билан боғлиқлигидан келиб чикиб, ҳосила маъно юзага келтиради.² Бу ҳам ўз ўрнида кишилиқнинг объектив оламни қандай идрок қилиши билан боғлиқдир. Кишилар объектив оламдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ёки белги кабиларни ҳамма вақт бир-бири билан алоқада, бир-бирига боғлиқ ҳолда, бир бутун деб идрок қилади. Бу эса тилда шундайлигича акс этади ва шу асосда бирикмалар тузилади. Шу бирикмалар тузилиши сабабли шу бирикма узвида боғли ҳосила маъно юзага келади. Масалан, *Ҳандалакнинг ҳиди шундай нафиски* (О.Ёқубов) гапидаги *нафис* сўзи *ҳид* сўзи билан боғли қўлланиши 'димокқа ёқимли ва майин унновчи' ҳосила маъносини юзага келтириши учун сабаб бўлган. Яъни *ҳид* ўз белгиси билан *ҳид* – *нафис* предикатив қўшилмасида ўз ифодасини топган. *Нафис* сўзининг шу бирикмада қўлланиши, яъни *ҳид* сўзига боғлилиги ҳосила маъно юзага келиши учун сабаб бўлган. *Нафис* сўзининг боғли маъноси бу ўринда экстралингвистик ҳолатни ўзида акс эттирувчи интралингвистик ҳодисалар сабабли юзага келди.

Чекмоқ сўзида ҳам унинг бошқа сўз билан боғлилиги сабабли ҳосила маъно юзага келган. У *гам* сўзи билан боғлилиги сабабли 'бошидан кечирмоқ' ҳосила маъносига эга: *гам чекмоқ* каби.

¹ Бу сабаб дастлаб В.А.Звегинцев томонидан тилга олинган эди. Крнг.: Звегинцев В.А. Проблема знаковости языка - М.: Изд. МУ. 1956. С.17. Яна бу ҳақда қараг: Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова // ВЯ. – 1958. №5. С.28; Ohman S. Wortinhalt und Wortbild // Vergleichende und methodologische Studien zu Bedeutungslehre und Wortfeldtheorie. – Stockholm. 1971. S. 23; Общее языкознание. Внутренняя структура языка. / Отв. ред. Б.А.Сергеевников. – М.: Наука. 1972. С. 421; Бархударов Л.С. Язык и перевод. – М.: Наука. 1975. С. 68; Бурлаков В.В. Основы структуры словосочетания в современном английском языке. – Л.: Наука. 1975. С. 81.

² Крнг.: Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова (С. 28). Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 42; Арнольд Н.В. Лексикология современного английского языка. – С. 62; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – М.: Просвещение. 1972. С. 39; Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – М.: ВШ. 1973. С. 22.

Сўзлар ўзаро боғлилиги, яъни интралингвистик сабабга кўра ҳосила маъно юзага келтириши, фақат бошқа сўзга боғлилиги билан чекланмайди. У муайян валентлиги бўйича чекланган актанлари билан ҳам воқеланаверади. Масалан, *нафис* сўзи субъект валентлиги бўйича *бўй, ҳид, ис, атир* сўзлари билан ё предикатив, ё атрибутив бирикма таркибида; *чекмоқ* сўзи объект валентлиги бўйича *гам, алам, ташвиш, гусса* сўзлари билан объектли бирикма таркибида ҳосила маъноларини намоён этадилар. Яъни *нафис* сўзи ‘димокқа майин ва ёқимли унновчи’, *чекмоқ* сўзи ‘бошидан кечирмоқ’ лексик маъноларини юзага чиқаради. Бу маънолар, албатта, боғли ва ҳосиладир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, муайян сўзда унинг санокли сўзлар билан боғликлиги билан юзага келадиган ҳосила маъно фақат ўзини ҳосил қилган сўзнинг семантик таркибига хос бўлади. У бошқа сўзда ҳар қандай нутқ шароитида ҳам воқеланмайди. Бу лексик маънолар хусусиятига хос қонуниятдир.

Сўзларнинг ўзаро боғликлиги сабабли муайян бир сўзда ҳосила маъно юзага келиб, у лексик маъно билан адекватлик қилса, албатта, умумлашган маъно беради. У маълум нутқ шароитида, лексик қуршов билан боғли ҳолда ўз умумийлиги ифодаси доирасини торайтириши, аниқ ифода билан воқеланиши мумкин. Бу лексик маъноларга хос хусусият.

Сўзларда ҳосила маъно юзага келтирувчи интралингвистик сабаблардан яна бири эллипсис эди. Сўзларнинг эллипсис сабабли ҳосила маъно юзага келтириши ҳам аллақачон тилшунослар томонидан қайд этилган.¹ Эллипсис эса нутқда тушириб қолдирилиб, матн ёки вазиятдан осонгина англашиладиган, фаҳмлаб олинадиган бўлакдир.² Ундаги ҳолатдан келиб чиқиб кўп тилшунослар: “Эл-

¹ Қриг.: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. – S. 382; Булаховский А.А. Введение в языкознание. – С. 63-65; Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 1955. С. 176; Звегинцев В.А. Семасиология. – М.: Изд. МУ. 1957. С. 32; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 72; Винокур Т.Г. Об эллиптическом словоупотреблении в современной разговорной речи // Развитие лексики современного русского языка. – М.: Наука. 1965; Вардоль И.Ф. К вопросу о явлении эллипсиса // Инвариантные и синтаксические значения и структура предложения. – М.: Наука. 1969. С. 64; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. I Band. – S. 315; Будагов Р.А. Язык, история, современность. – М.: Изд. МУ. 1971. С. 66; Сквородников А.П. О критерии эллиптичности в русском синтаксисе // ВЯ. – 1973. №3. С. 122.

² Қриг.: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. – S. 382; Полова И.Ф. Неполные предложения в современном русском языке // Труды института языкознания АН СССР. Т. II. – М.: Наука. 1953. С. 93,94; Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложение. – Л., 1959. С. 269; Скребнев Ю.М. Стилистика английского языка. – Л., 1960. С. 67; Никитина С.Е. О

липсис – соф нутқий ходиса” – деган фикрни илгари сурадилар.¹ Нутқий эллипсис ўз моҳияти билан ҳам нутқий имкониятдан келиб чиқиб, унинг талаби билан содир бўлади. Кўн куч сарф қилмаслик, фикрнинг тезроқ етказиш мақсадида нутқда аввалдан маълум бўлиб келган бўлакларни қискартиш ҳисобига амалга оширилади.² Масалан, кўпгина адабиётларда келтирилган *бир стакан ичдим* бирикувидаги стакан сўзи қандайдир суюқлик маъносини ифода этади. Мана шу ‘қандайдир суюқлик’ ифода этувчи сўз нутқда эллипсисга учраган. Чунки у матн ёки вазиятдан аввалдан маълум эди. Шунинг учун унинг ўлчов бирлигини ифода этувчи сўз нутқда берилиши билан чекланган.

Тил факти бўлган эллипсисда ҳеч қандай матн ёки вазият аҳамият касб этмайди. Бу ўринда фақат бири иккинчисига табиатан хос бўлган нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ёки белги кабилар қўшма сўз ёки бирикмаларда ўз ифодасини топади. Бу экстралингвистик сабабдир. Мавжуд тил фактининг бир бўлаги эллипсисга учраши сабабли бугун бирикма ёки қўшма сўз маъноси сақланган бўлакка юкланади. Бу интралингвистик сабабдир. Мана шу сақланган бўлакда юзага келган ҳосила маъно тил факти, узуал ҳисобланади. Масалан, *тикан сўзи* дастлаб ‘ўсимликларнинг қадалувчи органи’ лексик маъноси билан ясалган. Унинг этимологияси ҳам шунини тасдиқлайди. У ҳозирги ўзбек тилида ҳам қўлланади: *Гулни гул дерму киши, гулни тикани бўлмаса* (қўшиқ). Шундай органи асосий белгиси бўлган ўсимлик *тикан ўт* дейилган. Мисол: *Сигир семиз ўт ва тикан ўтларни иштаҳа билан ейди* (“Қ. Ўзбекистон”). Кейинчалик бирикмадаги *ўт* сўзи эллипсисга учраб, бугун бирикма маъноси ҳосила маъно сифатида *тикан сўзига* юкланди. Мисол: *Бу йил шу ердан тикан ўсмасин деб, ҳайдаб қўйдим*

семантическом эллипсисе в предложенных сочетаниях // Проблема лингвистического анализа. – М.: Наука. 1966. С. 140; Вардуль И.Ф. К вопросу о явлении эллипсиса... – С. 62-65; Гужва К. Современный русский язык. – Киев: Родяньска школа. 1971. С. 114. Зәкиев М.З. Хәзерге татар әдәби теле (синтаксис). – Казан. 1974. 188-б.; Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. – М., 1973. С. 58; Уоллес А. Чейф. Значение и структура языка. – М., 1975. С. 67; Бархударов Л.С. Язык и перевод. – С. 68; Капков В.П. О роли принципа экономии в развитии и функционировании языка // В помощь преподавателям иностранных языков. Вып. 6. – Новосибирск. 1975. С. 46.

¹ Қриг.: Кузнец М.Д. и Скрёбнев Ю.М. Стилистика английского языка. – С. 66; Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – С. 176; Галлерини П.Р. Информативность единиц языка. – М.: Наука. 1974. С. 45.

² Қриг.: Балли Ш. Французская стилистика. – С. 319; Вардуль И.Ф. К вопросу о явлении эллипсиса... – С. 65.

(С.Айний). Бу ҳосила маъно *тикан* сўзининг семантик таркибига мансуб, узуал бўлганлиги учун ҳам, у талаб қилинган нутқ учун сайлаб олинса ва ўша нутқда воқелантирилса бўлади.

Тикан сўзига ўхшаш яна ...билишмайдики, пул ҳам болалаб туради (Ойбек) гапидаги болаламоқ феъли болалагандай кўнаймоқ қурилмасининг, *Фасонлар юради дўқ-дўқ, ёнларида уч пул йўқ-йўқ* (қўшиқ) гапидаги ён сўзи ён чўнтак бирикмасининг, *бўйи бир қарич, сақоли икки қарич* (топишмоқ) гапидаги қарич сўзи қаричдай узун қурилмасининг эллипсисдан кейин сақланган бўлаги бўлиб, ўз қурилмалари маъносини ҳосила маъно сифатида меросга олиб қолган. Улар ҳам шу ҳосила маънолари билан семантик таркибини бойитган ва шу ҳосила маъно билан нутқ учун танланаверади. Чунки ҳар қандай кўп маъноли сўз нутқ учун бирор лексик маъноси билан сайлаб олинади.¹

Тил ҳодисаси бўлган эллипсисни у воқелантирилган нутқда тиклаб қўллаш мумкин эмас. Чунки у нутқ жараёнидан илгари, ундан ташқарида содир бўлади. Масалан, *шу ердан тикан ўсмасин деб* қурилмасини *шу ердан тикан ўт ўсмасин деб* ҳолида ўт сўзини қайта тиклаб ўзгартириш услубни бузади. Чунки *тикан ўт* бирикмасидаги эллипсис кўрсатилган мисолдагидан аввал ўтган. *Тикан* сўзи *тикан ўт* бирикмаси маъносини ҳосила маъно сифатида ўз семантик таркибига ўзлаштириб бўлгандан кейин у ерга танлаб олинган. Шунга ўхшаш яна *болаламоқ, ён, қарич* сўзлари эллипсис натижасида орттирган ҳосила маънолари лексик маъно каби шу сўзнинг семантик таркибига киради. Шу сўзлар шу ҳосила маънолари бўйича нутқ учун танланади.

Эллипсис сабабли нутқдан ташқарида юзага келган ҳосила маънолар фақат бир сўзнинг семантик таркибига оид бўлади. Ҳар қандай нутқда ҳам шу сўз орқали воқеланади. Масалан, *болаламоқ, ён, қарич, тикан* сўзларининг юқорида кўрсатилган ҳосила маънолари фақат шу сўз семантик таркибига мансубдир. Улар ҳар қандай нутқда ҳам шу сўз орқали воқеланиши мумкин.

Эллипсис сабабли юзага келган бу узуал ҳосила маънолар ҳамма вақт умумлашган характерда бўлади. Юқорида келган *тикан* сўзи ўсимликни ифода этар экан, фақат бир аниқ ўсимлик эмас, умуман барча турдаги тиканли ўсимликларни билдиради.

¹ Қрғн.: Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 107; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-нашр. – 132-б.

Шунга ўхшаш яна *болаламоқ, ён, қарич* сўзларининг ҳосила маъноси ҳам барча лексик маънолар каби умумлашгандир.

Кўрдикки, сўзлар бошқа сўзлар билан боғлилиги сабабли ҳам, эллипсис сабабли ҳам тил факти бўлган ҳосила маънони юзага келтиради. У экстралингвистик ҳолатни ўзида акс эттирувчи интралингвистик ҳодиса сабабли содир бўлади. Юзага келган ҳосила маъно ўзи оид бўлган сўзнинг семантик таркибига кириб, фақат нутқда воқеланади. У умумлашган характерга эгаллиги ҳолда, нутқда аниқ ифода беради. Улар фақат ўзи оид бўлган сўзга мансублиги ҳолда, бошқа сўзларда асло ифодаланмайди, шунингдек уларнинг коммуникациясида сўзларнинг сайланиши чегараланган бўлади.

Демак, сўзларда тил факти бўлган ҳосила маънонинг юзага келиши учун объектив борлиқдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ва белги кабиларнинг доимо ўзаро муносабатда бўлиши асосий сабабдир. Бу экстралингвистик сабаб сўзларнинг ҳосила маъно юзага келтиришида бевосита аҳамият касб этади, ўша муносабат ўз аксини топади; яъни экстралингвистик сабабга кўра ҳосила маъно юзага келади. Шу объектив борлиқнинг ўзаро муносабати тил фактида акс этиб, бирикма ёки қурилмаларни таркиб топтириши, ундаги сўзнинг бошқа сўзлар билан боғлилиги сабабли ёки қолган бўлаклари эллипсисга учраб, сақланган сўзга маъносини меросга қолдириши сабабли ҳосила маъно юзага келиши мумкин. Бу ҳосила маъно юзага келишидаги интралингвистик сабабдир. Мазкур ҳосила маънолар лексик маънолар бўлиб, умумлашган характерга эгаллиги ҳолда, нутқда ўша сўз орқали воқеланади.

3) Ҳосила маъно юзага келишининг таснифи

Сўз ҳосила маъноси юзага келишини тасниф этиш учун сўзнинг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўртасидаги муносабат аҳамият касб этади. Ҳосила маъно юзага келишини турли тилшунослар ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўртасидаги муносабатга кўра бир неча типга бўладилар.

Ғарбий Европа тиллари тилшунослари ҳосила маъно юзага келиши ҳодисасини уч кўринишга ажратадилар. Француз тилшуноси Ж.Марузонинг лингвистик луғатида ҳам, немис энциклопедик лингвистик луғатида ҳам у учга: метафора, метонимия, синек

дохага бўлинган.¹ Ст.Ульман иккига: метафора ва метонимияга ажратиб кўрсади.²

Рус тилшунослари асосан Европа тиллари тилшунослигига таяниб, ҳосила маъно юзага келишини тасниф қилишган бўлса ҳам, кўринишини белгилашда гоҳ бир, гоҳ ундан ортиқ фарқ қилишганлиги кўзга ташланади.

Рус тилшуноси Л.А.Булаховский ҳосила маъно юзага келишини олти кўринишда қайд этади: 1) метафора (кузнечик – кичик темирчи, чигиртка), вазифадошлик (перо – пап, пўлатдан ишланган ёзув куроли), эмоционаллик (голубчик – каптарча, суйгунчак бола), метонимия (пота – тер, мехнат), халқ этимологияси (давлетъ – етишмоқ, босмок), алоқадорлик (небо – осмон, танглай).³ Мазкур ишда синекдоха метонимиянинг бир кўриниши деб қайд этилган.⁴

Баъзи немис, француз, инглиз ёки араб лексикологияси билан шуғулланган рус тилшунослари фақат метафора ва метонимияни кўрсатиш билан чегараланганлар.⁵

Рус ОЎЮлари учун мўлжаллаб чиқарилган дарсликларда яна ҳам ҳар хил кўринишларга бўлиб юборилган. Коллектив томонидан чиқарилган бир дарсликда у: метафора (нос – анатомик, географик), метонимия (стол – мебель, дастурхон), ишлаб чиқарувчи, кашфиётчи номи билан аташ (наган – исм, отиш куроли), вазифадошлик (крило – куш қаноти, самалет қаноти) деб тўрт кўринишга бўлинган.⁶ Н.М.Шанский уни учга: ўхшашлик, яъни метафора; ёндошлик – метонимия, вазифадошликка ажратиб кўрсади.⁷ Д.Н.Шмелев ҳам Н.М.Шанскийга ўхшаб уни уч кўринишга бўлади.⁸ Аммо у синекдоха ҳодисасини ҳам қайд этгани холда,

¹ Крнг.: Марузо Ж. Словарь лингвистических терминов. – М., 1960; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. II Band. – S. 1094-1096.

² Крнг.: Ульман Ст. Семантические универсалии // Новое в лингвистике. – М.: Радуга. 1970. С. 276.

³ Крнг.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – С. 57-63.

⁴ Крнг.: Булаховский Л.А. Ўша асар. – С. 64.

⁵ Крнг.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 45-47; Iskova A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. 3-verb. und verb. auflage. – L.: IP. 1970. S. 127; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 70; Lopatnikova N.N., Movchovitch N.A. Lexicologie du français moderne. – М.: ВШ. 1971. С. 57-61; Белкин В.М. Арабская лексикология. – М.: Изд. МУ. 1975. С. 133.

⁶ Крнг.: Галкина—Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. – М. Изд. МУ. 1957. С. 183.

⁷ Крнг.: Шанский Н.М. Очерки по русскому словообразованию и лексикологии. – М.: ВШ. 1959.

⁸ Крнг.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 57.

метонимиянинг бир кўриниши деб кўрсатади.¹ А.А.Реформатский тўғридан-тўғри тўрт кўринишда деб бергани ҳолда, у Д.Н.Шмелевдан фаркли синекдохани алоҳида ҳодиса сифатида талқин қилади.²

Арман тилшуноси Э.Б.Агаян Д.Н.Шмелевда анча илгари ҳосила маъно юзага келишини худди унга ўхшаш ҳолда синекдохани метонимия таркибида санаб, уч кўринишдан иборат деб билган.³

Туркий халқлар тилшунослигида ҳам бу ҳодиса шу таснифлар доирасида кўринишларга ажратилган. Козок тилшуноси Г.Г.Мусабоев, шунингдек озарбайжон тилшуноси С.Жафаров, рус тилшуноси А.А.Реформатский таснифига қўшилган.⁴ Қорақалпоқ тилшуноси Е.Бердимуратов фақат метафора ва метонимияни тан олади.⁵ Бошқирт тилшунослигида худди шу йўл тутилгани ҳолда, метонимия таркибида синекдоха ҳам келтирилади.⁶ Татар тилшуноси К.С.Сабиров ҳосила маъно юзага келишини беш кўринишда деб билади: ўхшашлик (метафора), алоқадорлик (метонимия), вазифадошлик, камраш доирасига кўра, хусусият яқинлигига кўра.⁷

Ўзбек тилшунослари ҳосила маъно юзага келишини тасниф этишда асосан А.А.Реформатский билан ҳамфикрлик қилганлар.⁸ Фақат уч дарслик муаллифлари фаркли қараш билан чиқишган. Р.А.Бигаев ва П.А.Даниловлар ўзларининг ҳамкорликдаги дарсликларидида ҳосила маъно юзага келтирувчи ҳодисаларнинг ҳаммасини метафора деб кўрсатишган.⁹ О.Азизов синекдохани метонимия

¹ Қрғ.: Шмелев Д.Н. Ўша асар. С. 64.

² Қрғ.: Реформатский А.А. Ўша асар. – С. 59.

³ Қрғ.: Агаян Э.Б. Введение в языкознание. – Ереван. 1959. С. 220,221.

⁴ Қрғ.: Мусабоев Г.Г. Современный казахский язык. – Алма-Ата: Мектеп, 1959; Жафаров С. Мүасир азэрбайжан дили. – Бақы: Маариф. 1970. 21-23-с.

⁵ Қрғ.: Бердимуратов Е. Ҳазирги қарақалпақ тилиниң лексикологиясы. – Ноқис: Қарақалпақстан. 1968. 55-67-б.

⁶ Қрғ.: Хэзерге башқорт теле. / Яу. ред. З.Ф.Ураксин, К.Ф.Ишбаев. – Өф: Китап. 1986. 16 б.

⁷ Қрғ.: Современный татарский литературный язык. Лексикология. Фонетика Морфология. – М.: Наука. 1969. С. 53.

⁸ Қрғ.: Мирзев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи. 1962. 20-25-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳазирги ўзбек адабий тили. 126 б.; Алиқулов Т. Сўз маъноларини чегаралаш масаласига доир // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан. 1965. 6-б.

⁹ Қрғ.: Данилов П.А., Бигаев Р.И. Введение в языкознание. – Тошкент: Ўқитувчи. 1954.

таркибига киритиши билан юқоридагилардан фаркланади.¹ Я.Пинхасов ўз дарслигида вазифадошликни тилга олмайди.²

Сўз ҳосила маъносининг юзага келиши ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари муносабатига асосланган экан, унинг таснифида ҳам шу муносабатга асосланиш тўла объектив бўлади. Шу нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, А.А.Реформатский таснифида анча аниқлик бор. Ўзбек тилшуносларининг у билан ҳамфикр бўлишларида ҳам жон бор. А.А.Реформатский сўз ҳосила маъноси юзага келишини тасниф қилар экан, ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари муносабатини аниқ чегаралаб ола билган. Сўз ҳосила маъносининг юзага келиши ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўртасидаги ўхшашликка асосланса метафора, алоқадорликка асосланса метонимия, бутун ва бўлак муносабатига асосланса синекдоха, бирини иккинчиси ижтимоий ҳаётдан суриб чиқаришига асосланса вазифадошлик деб қаралади. Бу кўринишларнинг ҳар бири ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўртасидаги ўзига хос муносабатларга кўра бир-биридан фарқ қилади, ўзаро чегараланади.

Рус ОУЮлари учун чиқарилган дарсликда ҳосила маъно юзага келишининг яна бир кўриниши сифатида ишлаб чиқарувчи ёки кашфиётчи номи билан аталиш кўрсатилган эди. Лекин бунда яратувчи билан яралган нарса ўртасидаги, яъни референтлар ўртасидаги алоқагина мавжуд. Яъни у метонимиянинг бир кўриниши деб ҳисобланиши керак.

Л.А.Булаховский яна болани эркалаб *голубчик* дейилганда ҳам эмоционалликка кўра ҳосила маъно юзага келган деб айтган эди. Ҳақиқатан ҳам эркалаш мақсади билан *голубчик* сўзида ҳосила маъно юзага келтирилган Лекин болани каптарчага қиёс қилинган, ўхшатиш билан. Бу метафоранинг бир кўринишидир. Бунинг устига у нутқий ҳодиса ҳисобланади.

Л.А.Булаховский ҳосила маънони юзага келтирувчи ҳодиса сифатида яна халқ этимологиясини кўрсатади. Мисол тариқасида ‘етишмоқ’ маъноли *давить* сўзини келтиради. Бу сўз черков-славян тилига мансуб. Уни рус тилидаги *давить* сўзига нисбат бериб, ‘эзмоқ’ маъносида ҳам қўлланади, дейилган.³ Бизча, *давить*

¹ Қриг.: Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи. 1963. 63-б.

² Қриг.: Пинхасов Я. Ҳозирги замон ўзбек тили лексикаси. – Тошкент: Ўқитувчи. 1960. 40-б.

³ Қриг.: Булаховский Л.А. Ўша асар. - С. 66.

сўзи *давлет* сўзи шаклига қиёсан олиниб, халқ этимологияси асосида янги сўз ясалган. Бу ўринда сўз ҳосила маъно юзага келтирмади, балки янги сўз ясади, омоним таркиб топди. Ҳосила маъно юзага келиши қонуниятига кўра ҳосила маъно ҳамма вақт ҳосил қилувчи маънога семантик боғли бўлади.¹

Татар тилшуноси К.С.Сабиров қамраш доирасига кўра ҳосила маъно юзага келишини айтиб, *тирэн чоқир* ва *тирэн фикер* бирикмаларидаги *тирэн* сўзининг маъноларини мисол қилган.² Кўриниб турибдики, бу ўринда икки хил белги онгдаги умумлашма бўйича ўзаро қиёсланган, ўхшатишган. Шунга кўра у метафоранинг бир кўринишидир. Шу муаллиф яна хусусият яқинлиги ҳам ҳосила маъно юзага келиши учун сабаб бўлишини айтиб, *күсәк* сўзининг 'уқувсиз' маъносида кўлланишини мисол қилиб кўрсатади.³ Бундан ҳам кўриниб турибдики, от туркумидаги сўз белги ифодаси билангина воқеланган. Бу ҳодиса эпитет деб қаралади.⁴ Эпитет адъективациянинг бир кўриниши ҳисобланади.⁵

Кўрдикки, ҳосила маъно юзага келиши тўрт кўринишда бўлиб, улар метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошликдан иборат. Ҳосила маъно юзага келишининг яна бир кўриниши борки, уни айрим тилшунослар метонимиянинг бир кўриниши сифатида талқин қиладилар.

Ўзбек тилида *ой* сўзи 'ернинг табиий йўлдоши'ни билдирувчи лексик маънога эга. Шу йўлдошнинг 'ерни бир айланиб чиқиш муддати' бир вақт ўлчов бирлигини билдириб, у *ой* сўзининг ҳосила маъносини билдиради. Уни Ш.Раҳматуллаев метонимия деб кўрсатади.⁶ Шу ўринда метонимияга мансуб *ён* сўзидаги ҳосила маъно юзага келишини унга қиёслаб кўришга тўғри келади. *Ён* сўзининг ҳосила маъноси 'чўнтак' ифодасини беради. Чўнтак ёнда ўрнашгани учун у ҳам *ён* номи билан аталган. Ўзи чўнтак объектив

¹ Қриг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 288; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 76; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 22-б.

² Қриг.: Современный татарский литературный язык. – С. 53.

³ Қриг.: Ўша китоб. Ўша бет.

⁴ Қриг.: Шукуров И. Нуткий кўчма маъноларнинг ҳосил бўлиши ва конверсия // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1975. 5-сон. 68-б.; Хўжаева Д.Ш. Ўзбек тилида эпитет. Филол. фан номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1996. 7-б.

⁵ Қриг.: Шукуров И. Нуткий кўчма маъноларнинг ҳосил бўлиши ва конверсия // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1975. 5-сон. 68-б.; Хўжаева Д.Ш. Ўзбек тилида эпитет. Филол. фан номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1996. 7-б.

⁶ Қриг.: Шукуров И. Нуткий кўчма маъноларнинг ҳосил бўлиши ва конверсия // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1975. 5-сон. 68-б.; Хўжаева Д.Ш. Ўзбек тилида эпитет. Филол. фан номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1996. 7-б.

⁷ Қриг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек тилининг тили. – 177-б.

ҳолатда бор. Унинг ёнда ўрнашгани ён дейилади, колганлари чўнтак деб аталаверади. Яъни ён сўзининг ҳосил қилувчи лексик маъноси 'кишининг ўнг ё чап қисми' ифодасига, ҳосила маъноси 'ўнг ё чапда ўрнашган чўнтак' ифодасига эга. Уларнинг ҳар бири ҳам ўз мустақил референти билан бор. Бу референтлар жойлашув ўрнига кўра ўзаро алоқадор. Ой сўзидаги ҳосил қилувчи лексик маънонинг референти 'ернинг табиий йўлдоши' бўлгани ҳолда, ҳосила маъносининг референти 'йўлдошнинг ерни бир айланиб чиқиш даври' дир. Яъни иккинчи референт биринчи референтнинг маълум бир жараёнидан иборат. Яъни биринчи референтнинг жараёни бўлмаса, иккинчи референт мавжуд эмас, уни ифодаловчи ҳосила маъно ҳам бўлмайди. Ҳосила маъно референтининг мавжудлиги ҳосил қилувчи маъно референти жараёнига тобедир. Шундай, иккинчи референт мавжудлиги биринчи референт жараёни мавжудлигига кўра муносабатни ҳисобга олиб, ҳосила маъно юзага келишининг яна бир кўриниши, бешинчи кўриниши ҳам борлиги белгиланди ва у т о б е л л и к деб аталди. Яна ҳам аниқроқ қилиб айтиладиган бўлса, ҳосила маъно референти ўзича объектив борлиқда мавжуд эмас, у фақат ҳосил қилувчи маъно референтининг фаолият даври, ҳаракат, ўлчами, белгиси кабилардан иборат.

Ҳосила маънонинг юзага келиши беш кўринишда: метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, тобеллик деб белгиланди.

Метафора ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг энг фаоли ҳисобланади. У, тилшуносликда қайд этилишича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро ўхшаш келишига асосланган кўринишидир.¹ Бу

¹ Қраг.: Baldinger K. Die Semasiologie. – Berlin: Akademie Verlag. 1957. S. 87; Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – С. 70; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 77; Бердимуратов Е. Ҳазирги заман каракалпак тилининг лексикологияси. – 55-б.; Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – L.: Просвещение. 1970. S. 128; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-нашри. – 23-б.; Калинина И. К. Метафора // Современный русский язык / Под ред. Д.Э.Розенталя. – М.: Изд. МУ. 1971. С. 15; Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. – Leipzig: VBI. 1972. S. 87; Белкин В.М. Арабская лексикология. – М.: Изд. МУ. 1975. С. 133; Шмелев Д.Н. Современный русский язык. Лексика. – М.: Просвещение. 1977. С. 94; Попов Р.К., Валькова Д.П., Маловицкий Л.Я., Федоров Л.К. Современный русский язык. – М.: Просвещение. 1978. С. 71; Калинин А.В. Лексикология // Современный русский язык. Ч. I. Изд. Зое, испр. / Под ред. Д.Э.Розенталя. – М.: ВШ. 1979. С. 11; Ҳожиёв А. Семасиология // Ўзбек тили лексикологияси / Махс. мух. А.Ҳожиёв, А.Аҳмедов. – Тошкент: Фан. 1981. 221-б.; Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. М.: ВШ. 1983. С. 42; Хазерги

изоҳ деярли тилшунослар томонидан тан олинган. Буни, дифференциал-семантик метод бўйича таҳлил этиб кўрилса ҳам, яққол тасаввур этиш мумкин. Масалан, *уламоқ* феъли ‘учларини’ ‘бириктириб’ ‘боғламоқ’ лексик маъноси – семемасига эга. У яна ‘учига’ ‘кўшиб’ ‘узайтирмақ’ ҳосила маъно – семемани орттирган. Улар билдирган ҳаракат ўртасида ўхшашлик бор. Яъни ҳосила маъно юзага келиши метафора ҳисобланади. Ундаги ҳосил қилувчи семеманинг ҳам, ҳосила семеманинг ҳам учтадан семаси бор. Улар изоҳдаги биттадан сўзда ифода топган: ҳосил қилувчи семема семалари ‘учларини’ ‘бириктириб’ ‘боғламоқ’ бўлса, ҳосила семема семалари ‘учларини’ ‘кўшиб’ ‘узайтирмақ’дан иборат. Улардаги (ҳосил қилувчи ва ҳосила семемалардаги) биринчи семалар умумий, иккинчилари ўхшаш, учинчилари фарқлидир. Ҳосил қилувчи ва ҳосила семемаларнинг иккинчи семалари референтларининг ўхшаш эканлигини қайд этади.

Шунга қарамай, айрим мутахассислар, юқорида келтирилганидай, “метафора – ўхшатишнинг қисқарган шакли” -деган изоҳни илгари сурадилар.¹ Бу фикр ҳам ўрни билан тўғри. Масалан, ўзбек тилида токни зарарлайдиган оидиум касаллигини қул сўзининг ҳосила маъноси ифодалайди. Уни “қулга ўхшаш касаллик” ўхшатиш қурилмасининг қисқарган шакли дейиш жуда тўғри бўлади. Бу ўринда ўхшатиш субъекти тушиб қолиб, ўхшатиш қурилмасининг фақат қул эталони бутун маъносини ўзида сақлаган ва ўхшатишнинг қисқарган шакли - метафора юзага келган. Яъни буни метафоранинг айрим кўриниши сифатида кўрсатиш мумкин. Лекин шундай метафоралар ҳам борки, уларни бу қолип билан ўлчаб бўлмайди. Масалан, *дарвоза* сўзининг ўз ва ҳосила маъноси мавжуд. Унинг ўз лексик маъноси ҳовлига кириб чиқиладиган қурилиш комплекси бўлса, ҳосила маъноси футбол ўйинида тўп киритиладиган қурилмани билдиради. Бу ўриндаги ҳосила маънони фалон ўхшагиш қурилмасининг қисқарган шакли, деб изоҳлаш мумкин эмас. Яъни метафораларни ҳамма вақт ҳам ўлчан

башкорт теле / Яу. ред. З.Ф.Ураксин, Л.Ф.Ишбаев. – Өфө: Китап. 1986. 16-б.; Метафоры в языке и тексте / Отв. ред. В.Н.Телия. – М.: Наука. 1988. С.4.

¹ Қриг.: Томашевский Б.В. Стилистика и стихосложения. – М., 1952. С. 222; Мейлах И. Сопоставительная литература и эстетика. – Л., 1858. С. 199; Усмонов С. Метафора. – М. б.; Расулов Т. Истиора // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1967. 1-сон. 18-б.; Қобулджотова Г. В. Метафоранинг системавий лингвистик талқини. Филол. фан. ном. ... дис. авторф. Тошкент. 2000. 5-б.

имконияти йўқ. Бу шуни кўрсатадики, метафораларнинг ўзи ҳам бир неча кўринишга эга. Бирок уни тасниф қилишга унча уринилган эмас. Адабиётларда эса метафоралар бутунлай бошқа мақсадда тил ҳодисаси ва нутқ ҳодисаси деб икки кўринишга ажратиб кўрсатилади.¹ Нутқ ҳодисаси бўлган метафора назарий тилшунослик учун текшириш объекти бўлмайди. У тилшуносликнинг услубият билан шуғулланувчи соҳасига оиддир. Шунинг учун унга диққатни бўлмаймиз.

Тил ҳодисаси бўлган метафора Европа тилларига оид баъзи адабиётларда, юзага келтирган ўхшатиш белгисига кўра, бир неча кўринишга ажратилади.² Бу ҳол немис тилига бағишланган адабиётларда кўпроқ учрайди.³ Метафоралар бу асосда тасниф қилинса, улар шунча кўп кўринишга ажратиладики, унинг саногини аниқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мазкур асос билан уни турли кўринишга ажратиб кўрсатган адабиётлар аниқ бир хил миқдор белгилай олмаганлар. Бу асос тасниф учун эмас, ҳосила маъно юзага келиш сабабини тадқиқ этиш учун татбиқ қилиниши жоиз.

Тил ҳодисаси сифатидаги метафоралар юқорида қайд этилганидан ташқари асосда кўринишга ажратилганича йўқ. Нутқ ҳодисасига оид метафоралар эса немис тилининг кичик лингвистик энциклопедиясида кўринишга ажратилган. Унда персонификация, символизация, аллегория, синестезиялар берилиб, улар метаяннинг кўриниши деб қайд этилган.⁴ Бундан ташқари яна оддий метафора ҳам борлиги англашилиб турибди. Нутқ ҳодисасига оид метафораларнинг бу кўринишларини, моҳиятан қараганда, баъзи

¹ Крнг.: Бельский А.В. Метафорическое употребление существительное // Ученке запискиго Московского ГПИИЯ. Т. VIII. 1954. С. 286; Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 46; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 75; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 78; Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. – М., 1961. С. 121; Аликулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1963. 6-сон. 97-б.; Кожин А.Н. Переносное употребление слова // Русский язык в школе. – 1964. №3. С. 21; Усмонов С. Метафора... – 34; Iskos A., Lenkowa A. Deutsche Lexikologie. S. 130; Lopatnikova N.N., Movchobitch N.A. Lexicologie du français moderne. – P. 59; Калинин А.В. Лексика русского языка. – М.: Изд. МУ. 1971. С. 26

² Крнг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 75; Rayevska N. English Lexicologie. – Київ. 1961. P. 103-110; Lopatnikova N.N., Movchovitch N.A. Lexicologie du français moderne. – P. 59-69.

³ Крнг.: Paul H. Prinzipien der Sprachgeschichte. – S. 115-117; Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 46; Iskos A., Lenkowa A. Deutsche Lexikologie. – S. 131-135; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. II Band. – S. 731.

⁴ Крнг.: Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. I Band. – S. 193.

ўзгаришлар билан тил ҳодисасига оид метафораларга таъбир қўлади. Бунда нутқнинг соф ўз хусусиятидан келиб чиққан символизация ва аллегорияларни чиқариб ташлашга тўғри келади. Чунки символизация нутқ кечимидаги эллипсис билан боғлиқ содир бўлувчи метафорадир.¹ Аллегория эса нутқ кечимидаги кочирим на интонация билан боғлиқ ҳолатда юзага чиқади. Шундан келиб чиқиб, тил ҳодисаси бўлган метафоралар оддий метафора, персонификация ва синестезия каби кўринишларга бўлинади. Метафоранинг оддий метафора, персонификация ва синестезия деган кўринишлари ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг ўзаро ўхшатилиш ҳолатига қараб белгиланади. Қуйида уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхташга тўғри келади.

Оддий метафора ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг ўзаро белги, хусусиятлари оддий қиёсланиши, ўхшатилишига асосланган кўринишидир. Масалан, *дарвоза сўзининг лексик маъноси 'ҳовлига' 'кириб чиқиладиган' 'қурилиш комплекси'ни ифода этар эди. 'Футбол ўйинида' 'гўп киритиладиган' 'қурилиш' ҳам бор бўлиб, бу у қурилишга сиртки кўриниши ва вазифаси жиҳатдан ўхшаш. Мана шу ўхшашликка асосланиб футболга оид қурилма ҳам дарвоза сўзи билан аталган. Натижада, дарвоза сўзи мана шу аташ ҳисобига ҳосила маънони юзага келтирган. Яъни: ...тўп дарвозанинг юқори тўсинига тегиб, майдонга қайтди* ("Тошкент ҳақиқати"). Бу ўриндаги референтларнинг ўхшатилиши белги ва вазифаларнинг бевосита қиёсланишига асосланган.

Оддий метафоралар от туркумидан бошқа туркумдаги сўзларда ҳам содир бўлади. Масалан, *бош* отининг 'сабзавотнинг' 'истеъмол қилинадиган' 'юмалок ўрами' ҳосила маънони шаклий ўхшашликка, *битмоқ* феълининг 'ўлмоқ' ҳосила маънони ҳаракат хусусияти ўхшашлигига, *бўш* сифатининг 'банд бўлмаган' ҳосила маънони ҳолат белгиси ўхшашлигига асосланиб юзага келган. Яъни: *Топган қўй келтирар, топмаган бир бош тиёз* (мақол). *Қизим, даданг, энанг хасратингда куйиб битди* (Ойбек). *Барнонинг ёнидаги битта-ю битта бўш стулни кўрсатиб деди* (О.Ёкубов)

¹ Муаллифингиз бу масала ҳақида бошқа мақоласида муфассал тўхтаб ўтганлиги Крим Миртожиев М.М. Эллипсис ва кўчма маънолар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1974. 1-сон. 57-61-б.

Оддий метафораларни деярли қисқарган ўхшатиш деб бўлмайди. Улар асосан от ва феъл тукумига оид сўзларда кузатилади.

Яъни, оддий метафоралар ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг бир турдаги сиртки белгиси, ҳаракат ва ҳолат хусусияти вазифаси кабиларнинг тўғридан-тўғри ўхшатилишига асосланади.

Персонификация¹ метафоранинг ҳосил қилувчи маънонинг жонли референти билан ҳосила маънонинг жонсиз референти ўртасидаги қиёсга, ўхшашликка асосланган кўринишидир. Метафоранинг бу кўринишида ҳам сўзнинг лексик маъно референти ҳосила маъно референти билан сиртки белги, ҳаракат ёки ҳолат хусусияти вазифаси кабилар доирасида ўхшаш бўлаверади. Аммо бу ўхшашлик ҳосила маъно референтига жонли ҳолат бахш этиш орқали юзага чиқади. Мана шу хусусият персонификация учун асосдир. Масалан, *дам сўзи* 'нафас' лексик маъносига эга эди. Шу маънодан 'тафт' ҳосила маъноси юзага келди. Яъни: *Қуёш даммини гир-гир эсган шамол кесар эди* (Ойбек). Бу гапдаги *дам сўзи* 'қуёш тафти ҳарорати' ҳосила маъноси билан воқеланган. Бу ўринда оддий қиздирувчи ҳароратга жонли ҳаракат бахш этилиб, пуркалаётган иссиққа ўхшатиш. Бунга уни нафасга қиёслаш орқали эришилган.

Персонификация от туркумидан бошқа туркумдаги сўзларда ҳам содир бўлади. Масалан, *емоқ* феълнинг 'ўлдирмоқ' ҳосила маъноси натижа хусусияти, *беор* сифатининг 'кўникма' ҳосила маъноси чидамлилиқ хусусияти ўхшашлигига асосланиб юзага келган ва шунинг натижасида ҳосила маъно референтларида жонли фаолият акс эттирилган. Яъни: *Қиз шўрликни дард еди, дардга қўйган ким эди* (қўшиқ). *Нимранг беор ток, қулга чидамли бўлади* (Р.Мусамухамедов).

¹ Персонификация термини кўпроқ инглиз ва немис тилларида қўлланади. Қрнг.: Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С. 286; Ўша Die deutsche Sprache лугати. – С. 1096; Рус тилшунослигида олицетворение термини қўлланади. Қрнг.: Ахманова О.С. Ўша лугат. Ўша бет. Шенилова Л.В. Введение в литературоведение. – М., 1968. С. 174; Ўзбеклар бу термин ўрнида жонлантриш терминини, мумтоз адабиётда ташхис ва интоқ терминларини қўллайди. Қрнг.: Ҳомидий Х., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. – Тошкент: Ўқитувчи. 1967. 59-б. Ўзбек ва руслар қўллаб келган терминлар кўпроқ бадий ифодага хос бўлганлиги учун, муаллифингиз тилшунослиқда персонификация терминини қўллашни мақсадга мувофиқ деб билди.

Яъни персонификацияларда ҳосила маъно референтги жонсиз бўлгани ҳолда, ҳосил қилувчи маънонинг жонли референтига киёсланиб, унга жонли кўриниш бахш этилади.

Синестезия¹ метафоранинг шундай бир кўринишики, унда ҳосила маънонинг маълум сезги билан қабул қилинган референтги ҳосил қилувчи маънонинг бошқа сезги билан қабул қилинган референтига киёсланган, ўхшатишга бўлади. Референтлар тамоман бошқа-бошқа сезги билан қабул қилинса ҳам, улар хусусияти киши онгида умумлаштирилади ва бир хил тасаввур этилади. Аслида бу ўхшатиш референтлар ҳеч қандай ўхшашликка ҳам, ҳеч қандай умумийликка ҳам эга эмас. Масалан, *майин* сўзининг генетик маъноси тола ёки у билан боғли буюмнинг белгисини ифода этади. Бу сўзнинг ҳосила маъноси овознинг оҳиста ва ёқимли белгисини ифода қилади. Бунда ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг умуман сезгига таъсир этиш хусусиятлари ўзаро ўхшатишга ва шунга кўра ҳосила маъно юзага келтирилган, синестезия содир бўлган.

Синестезия сифат туркумидан бошқа туркумлардаги сўзларда ҳам содир бўлади. Масалан, от туркумига оид *из*, феъл туркумига оид *илмоқ*, равиш туркумига оид *баралла* сўзларидаги ҳосила маъно юзага келишини кўрсатиш мумкин. *Из* сўзи 'транспорт йўли қурилмаси' лексик маъносига эга. У кўриб сезилади. Бунга идрок қилиб сезиладиган тушунча киёсланган. Улар онгдаги ҳаракат йўналиши бўйича ўхшаш. *Илмоқ* феъли кўриб ҳис қилинадиган ҳаракатни билдирувчи лексик маънога эга бўлиб, ундан эшитиб ҳис қилинадиган тушунчани билдирувчи ҳосила маъно юзага келган. Уларнинг онгдаги референтлари муносабати ўзаро ўхшаш. *Баралла* равиши 'эшитиб рўйирост ҳис этиладиган' белгини билдирувчи лексик маънога эга бўлган. Ундан 'рўйирост нигоҳга ташланадиган' ҳосила маъноси юзага келган. Улар идрок этишнинг яққоллик томони билан ўзаро ўхшаш. Мана шулар синестезия содир бўлишига олиб келган. Яъни: *Мен хоҳлар эдимки, тарқоқ ҳаракат бир изга тушса* (А.Қаҳҳор). *Тўғонбек бир ҳикояни*

¹ Синестезия дастлаб Ст. Ульман томонидан сўз семантик тараккиёти ҳодисаларидан бири деб тилга олинган, бироқ унинг асосида ҳосил қилувчи ва ҳосила маънолар референтга ўхшатилиши ётганлиги учун, метафоранинг бир кўриниши деган фикрга келдик. Қриг.: Ullmann St. The principles of Semantics. – Glasgow. 1952 P. 67. Ульман Ст. Семантические универсалии // Новое в лингвистике. – М.: Наука. 1970 С. 279.

битириб, бошқасини ўйларкан, Биноий сўзни илиб кетди (Ойбек).
Баралла кўринар ер, осмон кафтдай (Уйғун).

Яъни синестезияда ҳосила маънонинг маълум бир сезги билан референтини ҳосил қилувчи маънонинг бошқа сезги билан ҳис этилган референтига қиёслаш, ўхшатиш орқали юзага келтирилади. Қиёс референт белгиларининг онгдаги умумлашмасига асосланади.

Кўрдикки, ҳосила маъно юзага келишининг бир кўриниши метафора бўлиб, у ҳосила маъно референтини ҳосил қилувчи маъно референтига қиёслаш, ўхшатиш орқали содир бўлади. У оддий метафора, персонификация, синестезия каби кўринишларга тасниф қилинади. Оддий метафора референтларнинг оддий қиёси, ўхшашлигига асосланса, персонификация жонсиз референтнинг жонли референтга ўхшатилишига; синестезия бир сезгида ҳис қилинган референтни бошқа сезги билан ҳис қилинган референтга белгиларини онгда умумлаштириб қиёсланишига, ўхшатилишига асосланади.

Метонимия ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг ўзбек тилида метафора даражасидаги фаоли ҳисобланади. У, тилшуносликда қайд этилишича, ҳосила маъно юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари ўзаро алоқадор бўлишига асосланган кўринишидир. Бу изоҳ деярли тилшунослар томонидан тан олинган.¹ Буни дифференциал-семантик метод бўйича таҳлил этиб кўрилса ҳам, яққол тасаввур этиш мумкин. Масалан, *этак* сўзи ‘кийим’ ‘белдан паст’ ‘қисм’ лексик маъноси – семемасига эга. У яна ‘белдан паст’ ‘тутиладиган’ ‘буюм’ ҳосила маъно – семемани орттирган. Улар билдирган нарса ўзаро алоқадор. Яъни ҳосила маъно юзага келиши метонимия ҳисобланади. Ундаги ҳосил қилувчи семеманинг ҳам, ҳосила семеманинг ҳам учтадан семаси бор. Ҳосил қилувчи ва ҳосила семемалардаги

¹ Қрғн.: Baldinger K. Die Semasiologie. – S. 34; Арнольд И.В. Лексикология английского языка. – С. 70; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 80; Бердимуратов Е. Ҳазирги қарақалпақ тилиниң лексикологиясы. – 63-б.; Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – S. 143; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-нашри. – 24-б.; Калинина И.К. Метонимия // Современный русский язык / Под ред. Д.Э.Розенталя. М.: Изд. МУ. 1971. С. 18; Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. – S. 88; Белкин В.М. Арабская лексикология. – С. 133; Шмелев Д.Н. Современный русский язык. Лексика. – С.37; Валькова Д.К., Маловицкий Л.Я., Федоров А.К. Современный русский язык. – С. 71; Калинин А.Б. Лексикология... – С. 13; Ҳожиев А. Семасиология... – 223-б.; Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. – С. 44; Ҳазерги башқорт теле. – 16-б.; Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Самарқанд. 2001. 6-б.

‘белдан паст’ семалари бир хил, яъни умумий. Ҳосил қилувчи семеманинг 1- ва 3-семаси ҳосила семеманинг 2- ва 3-семаси билан мос эмас. Ҳосил қилувчи ва ҳосила семема учун бу семалар ўзига хос бўлиб, семемаларнинг мустақиллигини кўрсатади. Улар учун умумий бўлган ‘белдан паст’ семаси референтларининг ўзаро алоқадор эканлигини кўрсатувчи семадир. Семемалардаги ўзаро мос бўлмаган семалар уларнинг даҳлсизлигини белгилайди.

Метонимия ҳосила маъно юзага келиши ҳодисалари метафора даражасида кўп учрашига қарамай, уни тасниф этишга унча уриниб кўрилган эмас. Адабиётларда у асосан тил ҳодисаси ва нутқ ҳодисаси деб иккига ажратилади.¹ Аммо нутқ ҳодисаси бўлган метонимия назарий тилшунослик учун текшириш объекти бўлмайди.

Тил ҳодисаси бўлган метонимия умуман тилшуносликка оид кўпгина адабиётларда ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг алоқадорлик мазмунига кўра кўринишларга ажратилади.² Бу асосда метонимияларни тасниф этиш билан кўринишларининг аниқ миқдорини белгилаб бўлмайди. Шу нуктаи назардан уни учдан бошлаб ўн иккигача кўринишга ажратадилар. Метонимияни тасниф этиш учун ҳосил қилувчи маъно хусусиятига асосланиш яхши натижа беради. Шунга кўра у икки кўринишга бўлинади: умумлашган лексик маънога асосланган метонимия, хусусий лексик маънога асосланган метонимия.

Умумлашган лексик маънога асосланган метонимия лугавий бирлик сифатида сўз таркибида акс этувчи лексик маънога асосланиб содир бўлувчи метонимиядир. Уларда ҳосил қилувчи ва ҳосила маънолар бир-биридан фарқли сема билан ажралиб, умумий сема билан ўзаро тутшиб туради. Масалан, *бош* сўзи ‘тананинг юқори қисми’ семаларига эга, умумлашган характерда. Ундан

¹ Крнг.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 45; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 53; Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – S. 137; Калинин Ф.Б. Лексика русского языка. – М.: Изд. МУ. 1971. С. 30-32; Lopatnikova N.N., Movshovitch N.A. Lexicologie du français moderne. – P. 59; Аликулов Т. Метонимия ва полисемия // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. – Тошкент: Фан. 1965. 24-26-б.

² Крнг.: Щор Р.О., Чемоданов Н.С. Введение в языковедение. – М., 1945. С. 11; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 58,59; Агаян Э.Б. Введение в языковедение. – С. 220; Rayevska N. English lexicology. P. 115,116; Аликулов Т. Метонимия ва полисемия... – 26-32-б.; Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпик тилининг лексикологияси. – 61-67-б.; Чофаров С. Мўасир азәрбајҷан дили. – Бақы. 1970. 22 с.; Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – S.138-142; Ҳақимова М. Семантикалогия. – Тошкент. 2008. 56-б.

‘йўлнинг олд қисми’ ҳосила маъноси юзага келган, яъни у умумлашган лексик маънога асосланган. Улар 3- семаси билан туташиб, 1- ва 2- семалари билан фарк қилади. Яна феъл туркумига оид *адашмоқ* сўзининг ‘йўлини йўкотмоқ,’ сифат туркумига оид *зийрак* сўзининг ‘тез фаҳмловчи,’ равиш туркумига оид *даставвал* сўзининг ‘олдин,’ от туркумига оид *из* сўзининг ‘босилгандан қолган белги’ лексик маънолари бўлиб, улар умумлашган характердадир. Мана шу *адашмоқ* феъли ‘дайдимок,’ *зийрак* сифати ‘зеҳли,’ *даставвал* равиши ‘илгари,’ *из* оти ‘ўтилган йўл’ метонимик ҳосила маъносини юзага келтирган. Булар умумлашган лексик маънога асосланган. Яъни: *Водийларда ёлғиз адашдим* (Ҳ.Олимжон). *Зийрак бола, аълочи, мактабида у ўрнак* (П.Мўмин). *Маррага даставвал пойтахт велосипедчилари етиб келишди* (“С.Ўзбекистон”). *Йигит сўздан, арслон издан қайтмас* (мақол).

Умумлашган лексик маънога асосланган метонимиялар умуман метонимиянинг асосини ташкил қилади. Шунинг учун ҳам от, феъл, сифат, равиш, сон ва оломош туркумларида ҳам ўз аксини топган.¹

Яъни умумлашган лексик маънога асосланган метонимияларда ҳосил қилувчи маъно ҳам, ҳосила маъно ҳам умумлашган характерда. У метонимиянинг асосини ташкил қилиб, барча туркумларда бор.

Хусусий лексик маънога асосланган метонимия атоқли отларнинг турдош отларга ўтиши натижаси бўлади. Метонимиянинг бу кўринишини кўпгина тилшунослар ҳосила маъно юзага келишининг метафора, метонимия, синекдохалар қаторидаги кўринишлардан бири деб қайд этадилар.² Яна бошқа бир тилшунослар метонимияни содир этувчи референтлар алоқадорлигининг бир кўриниши сифатида кўрсатадилар.³ Инглиз тили мутахассиси Н.Раевска метонимияни содир этувчи ҳодисалардан бири маънонинг абстракцияланиши деб талқин этади.⁴ Шуни унутмаслик керакки, бунда ҳам ҳосил қилувчи ва ҳосила маънолар

¹ Қрғг.: Сувонова Р.А. Ўзбек тилида метонимия. – Тошкент: Халқ мероси. 2003. 36-75-б.

² Қрғг.: Галкина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. – С. 18; Ҳозирги замон ўзбек тили / Ф. Камол тахр. ост. – Тошкент: Фан. 1957. 68-б.; Чэфэров С. Мўасир азэрбајчан дили. – 23 с.

³ Қрғг.: Щор О.Р., Чемоданов Н.С. Введение в языковедение. – С.77; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 59; Агоян Э.Б. Введение в языковедение. – С 220; Алиқулов Т. Метонимия ва полисемия... – 31-б.

⁴ Қрғг.: Rayevska N. English lexicology. – P. 116.

референтлари ўртасида алоқадорлик, яъни яратувчи ёки ярагилини жойи билан яратилган нарса ўртасида алоқадорлик туради. Бу метонимияга хос хусусиятдир. Унинг ўзига хос томони шуки, ҳосил қилувчи маъно хусусий, ҳосила маъно умумий характерда бўлади. Масалан Ризамат – соҳибкорнинг номи. Яъни бу сўз лексик маъноси хусусий ифодага эга. Унинг ҳосила маъноси хусайни ва кизил мускат навларидан олинган янги навни билдиради. Бунда кашфиётчи билан кашф алоқадорлиги мавжуд. Яна бир мисол: *Адам берган хитойдан ясадим дака варрак* (Қ.Ҳикмат). Бу мисолдаги *хитой* сўзи ҳосила маъно билан вокеланган. У юпка қоғозни билдиради. Унинг ҳосил қилувчи маъноси йирик бир мамлакатни ифода этган. Бу ўринда кашф қилинган жой билан кашф ўртасидаги алоқа бор.

Яъни хусусий лексик маънога асосланган метонимия метонимияларнинг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари бири кашф қилувчи ёки кашф жойи эканлиги ҳолда, иккинчиси кашф бўлиши билан ўзаро алоқадорлик қилади ва ҳосил қилувчи маъно хусусийлиги, ҳосила маъно умумийлиги характери билан ўзига хосдир.

Кўрдикки, ҳосила маъно юзага келишининг бир кўриниши метонимиядир. У ҳосила маъно референти билан ҳосил қилувчи маъно референтининг алоқадорлигига асосланиб юзага чиқади. Метонимиялар умумлашган лексик маънога асосланган метонимия ва хусусий лексик маънога асосланган метонимияга бўлинади. Ҳосил қилувчи маъно аввалгисида умумийлиги, кейингисида хусусийлиги билан ўзига хосдир. Умумлашган лексик маънога асосланган метонимиялар барча мустақил маъноли сўз туркумларида, хусусий лексик маънога асосланган метонимиялар фақат от туркумида мавжуд.

Синекдоха ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг ўзбек тилида унча кенг тарқалмаган кўринишларидан биридир. Тилшуносликда қайд этилишича, сўзнинг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларидан бири бутунни, иккинчиси унинг бўлагини билдиришига кўра ҳосила маъно юзага келтиришидир. Маълумки, ушайрим адабиётларда метонимиянинг бир кўриниши сифатида қайд этилган.¹ Биламизки, метонимияда ҳосил қилувчи маъно референт

¹ Қриг.: Булаховский Л.А. Введение в языковедение. – С. 64; Шмелев Д.Н. Основы семасиологии русского языка. – С. 67; Агаян Э.Б. Введение в языковедение. – С. 110

ти билан Һосила маъно референти ўртасида алоқадорлик ётади. Синекдохада сўзнинг Һосил қилувчи ва Һосила маъно референтларидан бири бутун, иккинчиси унинг бўлаги бўлишдек муносабат бор. Уларнинг Һосил қилувчи ва Һосила маъно референтлари ўртасидаги муносабат тамоман бошқача. Буни дифференциал-семантик метод асосида қилинган таҳлил ҳам яққол кўрсатади. Масалан, *қармоқ* сўзидаги семантик тараққиётга эътибор бериш мумкин. Унинг Һосил қилувчи семемаси ‘учи’ ‘илгакли’ ‘металл’ семаларидан таркиб тошган. Һосила семема Һосил қилувчи семема семаларини ўзида тўла сақлаган ҳолда, қўшимча ‘ов куроли’ семасига ҳам эга. Мана шу қўшимча сема бўлакни ўз ичига олган бутунни кўрсатади. Яна бир бошқа мисолга ҳам диққатни қаратайлик. Масалан, *ватан* сўзининг семантик таркибига қараш мумкин. Унинг Һосил қилувчи маъно (семема) си ‘маълум шахс’ ‘дахлсиз’ ‘худуд’ семаларидан иборат. Шу сўзнинг Һосила маъноси эса ‘маълум халқ’ ‘дахлсиз’ ‘худуд’ семаларидан таркиб тошган. Һар икки семемадаги биринчи семалар фарқли сема, 2- ва 3-семалар умумий семалардир. Улар референтларининг бири иккинчисига бўлак бўлишини фарқли семалар акс эттирган. Иккинчи Һосила семемадаги ‘маълум халқ’ фарқли семаси Һосил қилувчи семемадаги ‘маълум шахс’ фарқли семасини ўз камровига оладиган даражада кенг ифодага эга. Булар синекдоханинг ҳеч қанақасига метонимия таркибида тадқиқ этилишига имкон бермайди.

Синекдохаларни Һосила маъно юзага келишининг алоҳида кўриниши сифатида тилга олиншининг гумон остида бўлиши ва унинг кам тарқалганлиги бирор мутахассиснинг тасниф қилиб кўрмаганлиги учун сабаб бўлгандир. Фақат А.А.Реформатский тилшуносликка киришга бағишланган китобида бу ҳодисани уч кўринишга бўлиб кўрсатади. Шунда ҳам унга Һосил қилувчи ва Һосила маънолар референти семантикаси муносабатини асос қилиб олади. Яна унда синекдохаларни кўринишга ажратиш учун танланган йўл охирига етмай қолган.¹ Бунинг устига, бу йўл синекдохалар таснифи учун эмас, содир бўлиш сабабларини кўрсатиш учун олинса, тўғри бўларди. Яна Т.Алиқулов синекдохани линг-

Ҳэзерге башкорт теле. – 16-б.; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – 63-б. М. Ҳақимова, синекдоха Һосила маъно юзага келишининг мустақил кўриниши ҳақидаги фикрлар айтилганлигига қарамай, уларга муносабат билдирмаган. Қрнг.: Ҳақимова М. Семасиология. – 56-б.

¹ Қрнг.: Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 83,84.

вистик ва поэтик деган икки кўринишга бўлиб кўрсатади.¹ Бу ўринда у поэтик синекдоха термини остида нутқий синекдохани тушунган бўлса керак. Лекин, ҳар қандай ном билан атамасин, у услубиятнинг текшириш объектидир.

Синекдохани тасниф қилишда фақат бир нуқтаи назарни элтиборда тутишга тўғри келади: у ҳам бўлса сўзнинг ҳосил қилувчи лексик маъноси бутун референтни ифодалайдими ёки бўлак референтни ифодалайдими? Шу назарда тутилса, синекдохалар: 1) бўлак номидаги синекдоха, 2) бутун номидаги синекдохага бўлинади.

Бўлак номидаги синекдоха сўзнинг ҳосил қилувчи маъно референти бўлак бўлиб, ҳосила маъно референти уни ўз ичига олиши билан характерланувчи синекдохадир. У лотин тилида *totum pro parte* 'бутун бўлак номи билан' деб аталади.² Масалан, *Фарёд қилдим, заҳар ичирдинг: кўрсатмадинг тирноқ зотини!* (Д.Файзий) гапида *тирноқ* сўзи 'фарзанд' ҳосила маъноси билан воқеланган. Бу сўзнинг ҳосил қилувчи маъноси 'бармоқ учигаги мутуз'ни ифода этади. Бу ўриндаги маъно таракқиёти бўлак номидаги синекдоха деб қаралади. Шу каби бўлак номидаги синекдоха феъл туркумига оид сўзларда ҳам кузатилади. Масалан:...*бу тушингни бориб сувга айтасан* (Н.Сафаров). Гапидаги *айтмоқ* феъли 'сўзлаб бермоқ' ҳосила маъноси билан воқеланган. Бу феълнинг ҳосил қилувчи маъноси 'сўз билан қайд этмоқ'ни ифода этади. Бу бўлак номидаги синекдохадир.

Яъни бўлак номидаги синекдоха ҳосила маъно референти ҳосил қилувчи маъно референтини ўз қамровига олган синекдоха ҳисобланади.

Бутун номидаги синекдоха сўзнинг ҳосил қилувчи маъноси референти бутун бўлиб, бўлакни ифода этган ҳосила маъно референтини ўз қамровига олган ҳолатдаги синекдохадир. Уни лотин тилида *pars pro toto* 'бўлак бутуннинг номи билан' дейилади.³ Масалан, *Уста Олим ошга сабзи босиш билан овора эди* (А.Қодирий) гапидаги *ош* сўзи 'палов' ҳосила маъносида воқеланган. Бу сўзнинг ҳосил қилувчи маъноси 'умуман иссиқ овқат'ни билдиради. *Палов* иссиқ овқатнинг бир туридир. Бу ўринда бутун номи билан бўлак аталган. Бундай синекдоха феъл ва сифат

¹ Қрғ.: Аликулов Т. Полнсемия существительных в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1966. С.18.

² Қрғ.: Реформатский А.А. Ўша асар. Ўша бет.

³ Қрғ.: Реформатский А.А. Ўша асар. Ўша бет.

туркумига оид сўзларда ҳам кузатилади. Масалан: *Севишганлар қўли бир-бирига чирмашди* (Шухрат). ...*майса, лолақизгалдоқ, чуч-мўмалар худди гулкўрна ёпиб қўйгандай кўк, қизил, яшил тусда товланади* (Х.Назир). Бу гапларнинг биринчисидаги *чирмашмоқ* феъли 'ёпишмоқ' ҳосила маъносида келган. Унинг ҳосил қилувчи маъноси 'ўралишмоқ' 'ифодасини беради. Гапларнинг иккинчисидаги кўк сифати 'мовий' ҳосила маъносида воқеланган. Унинг ҳосил қилувчи маъноси 'мовий, яшил, гунафша ва баргикарам туси'ни умуман ифода этади. Ҳар икки *чирмашмоқ, кўк* сўзларидаги ҳосила маънонинг юзага келиши ҳам бутун номидаги синекдохага мансубдир.

Яъни бутун номидаги синекдохада ҳосил қилувчи маъно референти бутун бўлгани ҳолда, ҳосила маъно референтини ўз камровида тутади.

Кўрдикки, синекдоха сўз ҳосила маъноси юзага келишининг ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари бири бутун, бошқаси унинг таркибига кирувчи бўлак бўлишига асосланади. У ўз табиатида кўра бўлак номидаги ва бутун номидаги синекдохаларга ажралади. Бўлак номидаги синекдохалар от ва феъл туркумида, бутун номидаги синекдохалар от, феъл, сифат ва равиш туркумларида тарқалган.

Вазифадошлик¹ ўзбек тилида ҳосила маъно юзага келиши ходисаларининг ҳамма тиллардагига ўхшаш унча кенг тарқалмаган кўринишидир. Тилшуносликда қайд этилишича, у сўзнинг бирор лексик маъноси референти ўз вазифасини бажариш учун эскириб, унинг ўрнига ҳосила маъно референти келиши, вазифаси ва номини тўла эгаллашидир.² Яъни бунда ҳосила маъно референти ҳосил қилувчи маъно референтини ўз вазифасидан суриб чиқарганлиги учун унинг номини олади. У бошқа ҳосила маъно юзага келишидагига ўхшаб ҳосил қилувчи маъно ёнига яна бир

¹ Бу термин ўрнида айрим адабиётларда функциядошлик термини қўлланган. Қрнғ.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. - 24-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. - 226-б.; Аликулов Т. Функциядошлик ходисасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1965. 6-сон. 26-б. Биз функция сўзи морфологияда сўз туркумлари вазифасига нисбатан қўлланаётганлигини ҳисобга олиб, бу ўринда юқоридаги терминни маъқул кўрдик.

² Қрнғ.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. - С. 64; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 70; Рсформатский А.А. Введение в языковедение. - С.57,80; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. - С.67; Аликулов Т. Функциядошлик ходисасига доир... - 26-б.

лексик маъно бўлиб кўшилмайди, балки уни суриб чиқариб, ўрнини эгаллайди. Масалан, *чироқ* сўзининг маъно таракқиётига эътибор бериш мумкин. Бу сўзнинг ҳосил қилувчи маъноси ‘ёритиш учун’ ‘керосин билан ёкиладиган’ ‘қурилма’ семаларига эга. Унинг ҳосила маъноси ‘ёритиш учун’ ‘ток билан ёкиладиган’ ‘лампочка’ семаларидан таркиб топган. Бу икки лексик маънонинг вазифа билдирувчи ‘ёритиш учун’ семаси айни бир хил, жараён ва буюм ифодаловчи семалари тамоман бошқа-бошқа.

Айрим тилшунослар вазифадошликка хос мана шу моҳиятнинг тагига етмасдан, унга тамоман мос келмаган мисол келтириб таҳлил этадилар. Масалан рус тилида *крыло* ва *ворота* сўзи келтирилган¹ бўлса, ўзбек тилида худди ўша сўзларнинг варианты *қанот* ва *дарвоза* сўзлари берилган.² Маълумки, *дарвоза* сўзининг ҳосил қилувчи маъноси хонадонга оид, ҳосила маъноси спортга оид қурилмани; *қанот* сўзининг ҳосил қилувчи маъноси парранда мучасини, ҳосила маъноси самалёт қисмини билдиради. Улардаги ҳосила маъно юзага келиши, аниқ кўриниб турибдики, референтлар ўхшашлигига асосланган. Бу мисоллар метафорага мансуб. М.Ҳакимова ҳеч қандай таҳлилсиз “...ўхшашликка асосланган боғланишларни метафора ва вазифадошлик асосидаги кўчиришлар ташкил қилади” - дейди.³ Яъни у метафора ва вазифадошликни айни бир ҳодиса дегандай қилади. Г.К.Қобулжонова ўзининг номзодлик диссертацияси авторефератида, ҳеч қандай асос кўрсатмаган ҳолда, тўғридан-тўғри: функциядошлик (вазифадошлик демокчи) моҳиятига назар ташлаш, уни аслида метафоранинг ўзи эканлигини кўрсатади” - деган фикрни илгари сурган.⁴ М.Ҳакимова ҳам, Г.К.Қобулжонова ҳам, улардан аввал тадқиқ этилган ишда келтирилган *дарвоза* ва *қанот* сўзларидаги ҳосила маъно юзага келиши таҳлилин назарда тутишган бўлса, шубҳасиз, ҳақ ҳисобланади. У мисоллардаги сўз маъноси таракқиёти метафорага хос. Улар вазифадошлик учун нотўғри келтирилган. Агар муаллифингиз таҳлили ва у суянган муаллифлар таҳлиliga диққат қаратилса, М.Ҳакимова ҳам, Г.К.Қобулжонова ҳам вазифадошликнинг моҳиятига ҳам, таҳлил мантиқига ҳам етмаганлиги кўзга ташланади.

¹ Қрғ.: Галкина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. Ч.1. - С.32.

² Қрғ.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-нашри. - 236

³ Қрғ.: Ҳакимова М. Семасиология. - 55-б.

⁴ Қрғ.: Қобулжонова Г.К. Метафоранинг системавий лингвистик таҳлили. - 116

Вазифадошлик учун юкорида фақат от туркумига оид сўзлар келтирилиб, таҳлиллар қилинди. У феъл туркумига оид сўзларда ҳам анчагина бор. Масалан, *отланмоқ* феъли аввал ‘отга минмоқ’, яна *ечмоқ* феъли ‘туғунидан холи қилмоқ’ генетик маъносига эга эди. Давр ўтиши билан бирор жойга бориш вазифасини ‘отга минмоқ’ эмас, ‘кийинмоқ’ ҳаракати, кийимнинг олдини очип вазифасини ‘туғунлар (тугмалар)дан холи қилмоқ’ эмас, ‘тугмани ёриқдан чиқармоқ’ бажарадиган бўлди. Вазифадошликка кўра *отланмоқ* ва *ечмоқ* феълларида ҳосила маъно юзага келди. Умуман вазифадошлик фақат от ва феъл туркумида кузатилса ҳам, улар миқдор жиҳатидан метафора ва метонимия даражасида бўлмаса ҳам, ўзбек тилида кўпгина бор, юзлар атрофида учрайди. Шу жиҳатдан Т.Аликуловнинг “вазифадошлик тилда кам учрайдиган ҳодиса”¹ деган фикрига қўшилиб бўлмайди. Тарихий тараққиёт давом этар ва эски ишлаб чиқариш, яшаш воситалари ўрнини янгиси эгаллаб турар экан, улар тилда акс этмасдан иложи йўқ. Булар вазифадошлик содир бўлишида катта аҳамият касб этади.

Вазифадошликда сўзнинг ҳосил қилувчи маъноси ўрнида ҳосила маъно юзага келади, яъни сўзнинг ҳосил қилувчи маъноси архаикка айланади, дейилган ва бунга *тугма*, *ечмоқ*, *отланмоқ* сўзларини мисол тариқасида бериб, таҳлил қилиб кўрсатган эдик. Бу ҳодисада баъзан ҳосил қилувчи маъно архаик маънога айланмаслиги, сўзнинг бош маъноси сифатида сақланиши ҳам мумкин. Масалан, *чироқ* сўзида шундай. Унинг таҳлилига эътибор беринг. Бу чироқ сўзининг полисемантиклигига сабаб бўлади.

Кўрдикки, вазифадошлик сўз ҳосила маъноси юзага келишининг ҳосил қилувчи маъно референти ўз вазифасини бажаришда эскириши ва ҳосила маъно референти унинг ўрнига келиб, вазифаси ва номини олишига асосланади. Деярли ҳолда ҳосил қилувчи маъно архаик маънога айланади ва камдан-кам ҳолда сақланади ҳам. Вазифадошлик асосан от ва феъл туркумида кузатилади.

Тобелилик ҳосила маъно юзага келиши ҳодисаларининг ичида туркумлар бўйича тарқалиши нуктаи назаридан ҳам анча чегараланган кўринишидир. У фақат от туркумида кузатилади. Тобелилик сўз ҳосила маъно референти ҳосил қилувчи маъно референтининг жараёни ёки жараёни цикли бўлишидир. Масалан, *қарич* сўзининг мавжуд лексик маъноси ‘панжалар’ ‘ёзилган ҳолатининг’

¹ Қрғг.: Аликулов Т. Функциядошлик ҳодисасига доир... - 27-б.

'узунаси' семаларидан таркиб топган. Унинг ҳосила маъноси 'панжалар' 'ёзилган ҳолатининг' 'узунлиги билан' 'ўлчов' семаларидан иборат. Яъни ҳосил қилувчи маъно референти билан ўлчаш цикли ҳосила маъно референтини юзага келтирган. Бошқача қилиб айтганда, ҳосила маъно референтининг мавжудлиги ҳосил қилувчи маъно референтининг мавжудлиги ёки унинг циклига тобе, у билан боғли ҳолатда бор. Шунинг учун унинг номи т о б е л и л и к деб аталади.

Шу ҳодисага мансуб бўлган *кун* ва *мушт* сўзларидаги ҳосила маъно юзага келишини Т.Алиқулов метонимиянинг бир кўриниши сифатида таҳлил қилади.¹ Унингча, бу ўринда нарса ва ҳодиса ўртасидаги алоқадорликка асосланиб, метонимия содир бўлган. Лекин ундай эмас. Бу ўринда ҳосил қилувчи маъно референти билан унинг жараёни ёки жараён циклига тенг ўлчов бирлиги бор. Жараён ёки жараён циклига тенг ўлчов бирлиги бирлик бўла олмайди. Чунки қуёшсиз сутка, муштсиз унинг зарби бўлиши мумкин эмас. Сутка қуёшга, зарб муштга тобе, у билан боғли жараёнлардир. Мавжудот билан унинг жараёни ўртасида алоқадорлик ётмайди. Жараён мавжудотнинг ўзида кечади. Ҳосила маъно шу кечимни ифодалайди. Ҳосила маънонинг шундай юзага келиши метонимия эмас, тобелиликдир.

Кўрдикки, тобелилик ҳосила маъно юзага келишининг ҳосила маъно референти ҳосил қилувчи маъно референтининг жараёни ёки жараёни циклидан иборат бўлишига асосланган кўринишидир. Яъни ҳосила маъно референти ҳосил қилувчи маъно референтига тобе ҳолатда мавжуддир. Тобелилик фақат от туркумида бўлиб, миқдоран чегаралангандир.

Сўзнинг ҳосила маъноси юзага келар экан, у фақат денотатив сема ёки информатив семаларнинг ўзидан² таркиб топиш билан чегараланмайди. У прагматик семага ҳам эга бўлиши мумкин. Шунга кўра ҳосила маънолар икки типга бўлинади: 1) прогматик семали ҳосила маънолар, 2) прагматик семасиз ҳосила маънолар.

Прагматик семали ҳосила маъноларда сўз ҳосила маъноси тушунчада ифодаланган референтини акс эттириш билан бирга, унга бўлган субъектив муносабатини ҳам билдиради. Бу субъектив

¹ Крнг.: Алиқулов Т. Полисемия ва метонимия... - 31-б.

² Денотатив сема ва информатив семалар ҳақида муфассал маълумот II бобда берилган

муносабат эмосема, интенсив сема ёки услуб семаларида ифодаланади.

Ҳосила маъно эмосема билан юзага келса, унинг ифодасида референтга нисбатан қандайдир ижобий ёки салбий муносабат англашилиб туради. Масалан, *Йигит сўзидан қайтмас* (мақол). гапидаги сўз сўзи ‘ваъда’ ҳосила маъноси билан воқеланар экан, референтига нисбатан ижобий муносабатни ҳам билдирган.

Ҳосила маъно интенсив сема билан юзага келса, ифодасида референтга хос бирор белги кучайтирилганлиги англашилади. Масалан, *яхши сиёсатчи* бирикмасидаги *яхши* сўзи ижобий хусусият белгисини билдириб келган. Ундаги белгида даражаланиш йўқ. Агар *зўр сиёсатчи* бирикмасидаги *зўр* сўзига эътибор қилинса, унинг ҳосила маъноси ҳам ижобий хусусиятга эга белгисини ифода этади, бироқ бундаги белги даражаси ортиқроқдир. Бирикма *ўткир сиёсатчи* деб тузиладиган бўлса, *ўткир* сўзидаги ҳосила маъно ҳам ўша ифодани беради. Лекин бундаги ижобийлик даражаси *яхши* ва *зўр* сўзларидагига қараганда жуда юқори, олий поғонададир. Ҳосила маънога хос бу интенсивлик семаси сифат семаларига хос градуонимияни юзага келтиради.

Ҳосила маъно услуб семаси билан воқеланар экан, у ҳамма вақт бирор нутқ услубига хосланган эканлиги билан характерланади. Бу ўзаро синоним бўлган тўртта сўзнинг ҳосила маъно билан воқеланишида яққол кўзга ташланади. Масалан: *Сулув...баҳорнинг шоирлар қабига гулгула солгани* – *яхши* (Э.Охунова). *Гўзал баҳор: ошифта диллар* (Миртемир). *Зириллама боғларини гулларга тўла кўркам баҳор кезади* (С.Ахмад). *Бу йил кўклам кўҳликкина бошланди* (Ойдин). Бу гаплардаги *сулув* ва *гўзал* сўзлари ҳосила маъно билан воқеланган экан, иккиси ҳам шоир тилидан айтилди ва уларнинг ўзи ҳам поэтик услубга мансубдир. *Кўклам* сўзи ҳосила маъноси билан умумнутқ услубига тегишли. *Кўҳлик* сўзи асосан сўзлашув услубига хос. Шунинг учун унинг аниқловчи вазифасида келганига бадий адабиётдан мисол тополмадик. Фақат Ойдин персонаж тилидан ҳосила маънода қўллаган бўлиб, у ҳам бўлса тарз ҳолида воқеланган. Уларнинг ҳосила маъноси бир хил ‘дидни ўзига тортувчан’ ифодаси билан қўлланган, ўзаро фақат услуб семасига кўра фарқланади.

Прагматик семасиз ҳосила маънолар воқеланганда фақат ўз референтини ифода этиш билан чегараланади. Масалан, *этак*

сўзининг ‘қуйи қисм,’ ‘ёнбағир,’ ‘пастки қисм,’ ва ‘фарғук’ ҳосила маънолари бўлгани ҳолда, бирортасида ҳам прагматик сема йўқ, мажозийлик қайд этилмайди.

Кўрдикки, сўз ҳосила маънолари прагматик семага эга эканлик ёки эга эмаслигига қараб икки тилга бўлинади: прагматик семали ҳосила маънолар, прагматик семасиз ҳосила маънолар. Прагматик семали ҳосила маънолар ё эмосема, ё интенсив семага, ё услуб семага эгаллиги билан характерланади. Прагматик семасиз ҳосила маънолар фақат ўз референтини ифода этишига кўра ўзига хосдир.

Демак, сўзнинг ҳосила маъно юзага келтириши икки нуқта назардан тасниф қилинади: 1) ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг ўзаро муносабатига кўра, 2) Ҳосила маънонинг прагматик семаси бор-йўқлигига кўра. Ҳосила маъно юзага келиши ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтларининг ўзаро муносабатига кўра беш кўринишга: метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик ва тобелиликларга ажралади. У ҳосил қилувчи маъно референтларининг ўзаро ўхшашлигига қараб метафора, алоқадорлигига қараб метонимия, бири бутун ва иккинчиси унинг бўлаги бўлишига қараб синекдоха, бирининг вазифасини иккинчиси олишига қараб вазифадошлик, бирининг ҳосиласи иккинчиси бўлишига қараб тобелилик каби кўринишларда белгиланди. Метафоранинг ўзи эса соф метафора, ифодани жонлантириб беришига кўра персонификация, референтларнинг онгдаги умумлашмасига кўра синестезияга; метонимия умумлашган ва хусусий лексик маъносига асосланишига кўра икки кўринишга; синекдоха бутун номида ёки бўлак номида эканлигига кўра икки кўринишга бўлиб кўрсатилди. Вазифадошлик ва тобелиликлар ички тасниф қилинмади. Ҳосила маъно юзага келиши прагматик сема беришига кўра икки кўринишда деб қайд этилди: 1) прагматик семали ҳосила маънолар, 2) прагматик семасиз ҳосила маънолар. Прагматик семалар ўз аксини эмосема, интенсив сема, услуб семаларида топади.

Хуллас, сўзнинг ҳосила маъноси юзага келиши шу сўз оид бўлган тилда ва бир туркум доирасида ўтади. У сўздаги бирор лексик маъно референти қандайдир муносабатга эга референтни билдирувчи лексик маънонинг юзага келиши ҳисобланади, яъни ўз референтига эга бўлиши билан баҳоланади, бир сўз доирасида кечганлиги билан ўлчанади. У сўзнинг семантик таркибига киргани ҳолда, нутқда вокеланиши қонуний ҳисобланади. Ҳосил маъ.

нонинг юзага келишида объектив борликдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ва белгиларнинг ўзаро муносабатда, боғли бўлиши, бир-бирини такозо этиши, уларнинг тил бойлигида акс этиб туриши асосий сабабдир. Улар тил фактларида бевосита акс этса, экстралингвистик сабабга кўра, бир тил ҳодисаси (сўзларнинг ўзаро боғли бўлиши ёки эллипсис) орқали акс этса, интралингвистик сабабга кўра сўз ҳосила маъноси юзага келади. Сўзнинг ҳосила маъно юзага келтириши ўзига хос тил ҳодисаси бўлиб, бир неча кўринишларга бўлинади. У ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари муносабатига кўра беш: яъни ўхшашлик муносабатига кўра метафора, алоқадорлик муносабатига кўра метонимия, бутун-бўлаклик муносабатига кўра синекдоха, биринчисини иккинчиси суриб чиқаришига кўра вазифадошлик, биринчисининг жараёни ёки жараёни цикли иккинчиси эканлигига кўра тобелилик каби кўринишларга бўлинади. Сўзларда ҳосила маъно юзага келиши унинг прагматик семага эга бўлиш-бўлмаслигига кўра яна икки кўринишдан иборат. Фақат метафора ва метонимия натижасида ҳосила маъно прагматик семага эга бўлади.

2. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши

Лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши фақат бир лексик маъно ҳажмида экстралингвистик сабабга кўра содир бўлади. Шунга қарамай, у бир лексик маънодан бошқа ҳосила маъно юзага келишига ўхшаб кетадиган ўринлари ҳам бор ва баъзан улар бир-бирига ҳам қориштирилади. Аммо улар алоҳида семантик ҳодисалар экани тилшунослар томонидан аллақачон тан олинган.¹ Ҳосила маънонинг юзага келиши ҳодисаси маълум лексик маънодан маълум сабабга: ё экстралингвистик, ё интралингвистик сабабга кўра янги лексик маъно ҳосил бўлиши бўлса, лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши фақат бир лексик маъно ҳисобида, яъни ҳажмида кечади. Бошқача қилиб айтганда, муайян лексик маънодан ҳосила маъно юзага келар экан, лексик маъно ўз референтига эгаллиги ҳолда, ҳосила маъно бошқа бир янги референтни ифода этади. Лексик маънонинг кенгайиши ва торайишида лексик маъно-

¹ Қриг.: Paul H. Prinzipien der sprachgeschichte. S-92; Вандриес Ж. Язык. – М., 1937. С. 190; Абдуллаев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // Тил ва адабиёт институти асарлари. – Тошкент: ФАН. 1949. 95-б.; Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Ч.П. – С. 69; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 74,75.

нинг мавжуд референти ҳажмида ўзгариш бўлади, яъни у катталашади ёки кичиклашади.¹ Масалан, *оёқ* сўзининг лексик маъноларидан бири ‘мебель’ ‘таянч’ ‘қисм’ семаларидан таркиб топган. Дастлаб у курси қисмини билдирган. Кейин худди шундай қисмга эга хонтахта, эшак, ҳавоза, стол, стул, шкаф кабилар пайдо бўлди. Уларнинг ‘таянч қисми’ ҳам шу номда шу маъно орқали ифодаланди. Яъни *оёқ* сўзининг лексик маъноси референтида кенгайиш кечди. Турган гапки, бу мебелларнинг таянч қисми ўзаро фарқ қилади, лекин ҳаммасидаги шу қисм моҳиятан бир нарсадир, семаларида фарқ йўқ. Бу лексик маъноларнинг кенгайиши тилдан ташқарида ўтган жараённинг сўз лексик маъносида акс этиши бўлган, яъни у экстралингвистик сабабга кўра кечди.¹

Лексик маънонинг торайишида у ифода этган референтнинг маълум қисмлари дифференция бўлиб, бошқа бир ном билан аталиб кетади. Натижада сўз лексик маъносида торайиш кечади. Масалан, М.Кошғарий даврида барча толалар *юнг* деб аталган.² Кейинчалик пахтадан олинадиган тола *ип* сўзида, пилладан олинадиган тола *ипак* сўзида ифодаланадиган бўлди. *Юнг* сўзи ҳозир жонзод терисидан олинадиган толани билдиради, яъни *юнг* сўзи лексик маъсида торайиш кечди. Толаларни моҳиятига қараб дифференциация қилиш экстралингвистикдир. У сўз лексик маъносида ўз аксини топган. Шунга кўра лексик маъно торайиши экстралингвистик кечган дейилади.

С.Усмоновнинг бу масала юзасидан қараши бошқачароқ бўлган. У ҳосила маъно юзага келишини лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши таркибига киритиб юборган. С.Усмонов: “...сўзнинг маъноси кенгайиши сўз лексик маъносининг янги ясама (ҳосила демокчи) маънолар ҳисобига аввалгига нисбатан ортиши” деб, яна “маъно торайиши маънонинг миқдор жиҳатдан камайиши, маъно структурасидан айрим маъноларнинг чиқиб кетиши...” деб таъриф

¹ Қрғ.: Арнольд И.В. Ўша асар. Ўша бет; Бердимуратов Е. Очерки лексикологии современного каракалпакского литературного языка. Автореф дисс. ... докт. филол. наук – Ташкент. 1964. С.10,11; Гурсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги Ўзбек адабий тили. – 127-б.; Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Тошкент: Университет. 2000. 9-б.

¹ *Оёқ* ва *юнг* сўзлари семантикаси ҳақидаги мисоллар таҳлилини бошқа иншонида ҳам келтирган эдик. Қрғ.: Миртожиев М. М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – 9-б.

² Қрғ.: Кошғарий М. Девону луғотит турк. III т. – Тошкент: Фан. 1964. 371 б.

беради.¹ Мазкур фикри учун мисол тарикасида *тош* сўзи бош маъносидан ‘оғирлик ўлчови воситаси,’ ‘соат механизми посонгиси,’ ‘организмдан чиқадигви калий қотишмалари’ каби ҳосила маъноларини орттиришини лексик маъно кенгайишига; *деҳқон* сўзининг маъно таркибидан ‘катта ер эгаси’ лексик маъноси тушиб қолишини лексик маъно торайишига келтиради. Унинг қараши асосида лексик маъно тараққиёти турлари белгиланадиган бўлса, ҳосила маъно юзага келиши билан маъно кенгайиши ўртасида фарқ қолмаган ва маъно торайиши сўзнинг айрим лексик маънолари архаиклашиб туришига айланарди. Шунингдек, сўз маъноси таркиби тушунчаси билан лексик маъно ифодаси тушунчаси ўртасидаги фарқ йўққа чиқариларди.

Рус тилшуноси Л.А.Булаховский лексик маънонинг кенгайиши ва торайиши ҳақида жуда тўғри фикр юритган ҳолда таҳлиллар келтиради. У лексик маъно кенгайишига *столяр* сўзидаги семантик ўзгаришни кўрсатади. Бу сўз лексик маъноси дастлаб ‘ёғочдан стол ясовчи’ни билдирган. Ҳозирги рус тилида ‘ёғочдан ҳар нарса ясовчи’ семемасига эга.² Бу лексик маъно кенгайиши учун тўғри мисол. У лексик маъно торайиши учун *хоронить* феълини келтирган. Бу сўз дастлаб ‘яшириб асрамок’ семемасига эга бўлса, ҳозир умуман ‘асрамок’ семемасига эга.³ Л.А.Булаховский шулар қатори тиллараро муносабатдаги сўз ўзлаштириш билан боғли семантик ўзгаришларни ҳам келтиради. Масалан, рус тилидаги *слесарь* сўзини беради. У дастлаб немис тилида ‘кулф ясовчи’ маъносида *Schlosser* деб қўлланган эди. Ҳозир у рус тилида умуман ‘темирчи’ маъносига эга.⁴ У лексик маъно торайишига *диета* сўзидаги маъно ўзгаришини беради. Бу сўз юнон тилида ‘ҳаёт тарзи’ маъносида *diaita* деб қўлланган бўлса, ҳозир рус тилида ‘нарҳез’ маъносига эга.⁵ Бу ўринда, тан олиб айтиш керакки, *слесарь* ва *диета* сўзлари учун тўғри этимология келтирилган. Лекин бу сўзлар рус тилига ўзлаштириллар экан, сўз ўзлаштиришда сўз лексик маъноси эмас, мутахассис ва фаолият юритувчи иш, ҳаракат тарзи аҳамиятга эга бўлган. Ўзбек тилшуноси О.Азизов шунга ўхшаш мисол келтириб таҳлил этади. Унингча, *паспорт* сўзида ҳам лексик маъно кенга-

¹ Қриг.: Мирзасв М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 260-б.

² Қриг.: Булаховский Л. А. Введение в языкознание. Ч. II. – С. 70.

³ Қриг.: Булаховский Л. А. Ўша асар. – С. 73.

⁴ Қриг.: Булаховский Л. А. Ўша асар. – С. 71.

⁵ Қриг.: Булаховский Л. А. Ўша асар. – С. 73.

йиши содир бўлган. У италян тилида ‘лорга тушини гувоҳномаси’ни ифода этган, ўзбек тилига, умуман Европа тилларига ҳам, қабул қилиниб, ‘фуқаролик гувоҳномаси’ маъносида қўлланилади. Яъни ўзлаштирган тилларда у кенг маънога эга.¹ Лексик маъно кенгайиши ва торайиши тиллараро муносабатда эмас, бир тил доирасида қўлланиб турган сўз семантик тараккиётида юз беради. Ўзлаштирувчи тил сўзни ўзи учун аҳамиятли семантик ҳажми билан қабул қилади. Унинг учун сўз ўзлаштирилган лексик маъноси билан мавжуд. Сўзнинг шу ўзлаштирилган лексик маъносидан ташқари ҳеч қандай кенгайган ёки торайган маъноси коммуникацияга киритувчи тилда ўз ўрнига эга эмас.

Оёқ сўзидаги лексик маъно кенгайиши *огиз* сўзида ҳам кечган. Лекин у ўхшатиш орқали ҳосила маъно юзага келишига жуда яқин туради, яъни у метафора деб адаштирилиши мумкин. Шунинг учун О.Азизов *ўранинг огзи, тандирнинг огзи, горнинг огзи, шилининг огзи, қопнинг огзи* каби бирикмалардаги *огиз* сўзининг ҳосила маънолари ўхшатиш орқали юзага келган, яъни метафора содир бўлган, деб кўрсатади.² Мазкур бирикмаларнинг таркибидаги *огиз* сўзининг лексик маъноси шу сўзнинг генетик маъносидан ҳосил бўлган ҳосила маъно – буни инкор этиб бўлмайди. Аммо ҳар бир бирикмадаги *огиз* сўзи ўхшатиш орқали ҳосил бўлган алоҳида ҳосила маъноларга эга деб бўлмайди. Эҳтимол, ўша бирикмалардаги *огиз* сўзининг ҳосила маъноси ўхшатиш орқали аввал юзага келгандир. Кейин *огиз* сўзи ҳосила маъноси билан бошқа бирикмаларда қўлланиб кетавегандир. Ҳосила маъно ‘нарса ичидаги кичик бўшлиқнинг ташки бўшлиқ билан туташувчи жой’ни англатар эди. Юкорида келтирилган барча бирикмаларда ҳам *огиз* сўзи шу лексик маънони ифода этади. Яъни *огиз* сўзи ҳар бир бирикмада алоҳидадан ҳосила маъно юзага келтирган эмас. Гарчи, *огиз* сўзи мазкур бирикмаларда ифода этган референтлар бири-биридан фарқ қилувчи ўзига хос кўринишда бўлса ҳам, улар асосий белгиси – бажариш вазифасига кўра бир хил. Референтлар маъна шу асосий белгисига кўра сўзнинг маълум лексик маъноси билан ифода этилади. Асосий белгиси бир хил референтлар умумлашган ҳолда сўзнинг маълум бир лексик маъносида ифодаланади. Чунки сўзнинг лексик маъноси, одатда, умумлашган бўлади. Шу сўзди шу

¹ Қрғ.: Азизов О. Тилшуносликка кириш. – 63-б.

² Қрғ.: Азизов О. Ўша асар. – 60-б.

референти билан асосий белгиси бир хил бошқа бир референт ифодаланса, у ҳосила маъно юзага келди, дегани эмас, сўзда ифодаланган янги референт, асосий белгиларидан қатъий назар, нисбий белгиларида аввалги тушунча ёнига янги тушунча қўшмайди, балки унинг ҳажмини кенгайтиради. Яъни *огиз сўзи* билан яна *туфлининг огзи, айвоннинг огзи, яшиқнинг огзи, ўчоқнинг огзи, хумнинг огзи* каби бирикмалардагига ўхшаш туфли, айвон, яшиқ, ўчоқ, хумнинг оғзини ифода этишимиз шу сўзнинг мазкур ҳосила маъноси ёнига янги ҳосила маъно орттириб бермайди, балки ўша ҳосила маъно ифода этган референт доирасини кенгайтиради.

Бу ўринда И. В. Арнольднинг ҳам бир фикрини эшлашга тўғри келади. Унингча, лексик маъно кенгайиши ва торайиши секин-аста юзага келади; ҳосила маъно юзага келиши шуниси билан ундан фарқ қиладики, у оний дақиқа, кечим англаган дақиқадаёқ кузатилади.¹ Юқоридаги *огиз сўзининг* лексик маъноси тараққиёти секин-аста содир бўлган, яъни унда ҳам лексик маъно кенгайиши ўтган.

Лексик маъно кенгайиши ва торайиши айрим ҳолларда синекдоха билан тенглаштириб қўйилади. Чунончи, бу ҳодисаларнинг маълум даража алоқадорлик томонлари ҳам бор.² Бу кўпроқ лексик маъно торайишида кузатилади. Масалан, сифат туркумига оид *кўк сўзи*даги маъно тараққиётида кўриш мумкин. Бу сўз дастлаб *гунафша, яшил, баргикарам, мовий рангларни* умумий ифодалаган. Ёзма ёдгорликлар шуни кўрсатади.³ Ранг номларини бундай умумий аташ кейинчалик талабга жавоб бера олмай қолди. Шундан кейин *кўк* деб аталувчи номлар иккига бўлинди ва *кўк* ҳамда *яшил* номлари билан атала бошланди. Ҳозирги вақтга келиб бу ранг номлари ёнига *гунафша, баргикарам, мовий* каби номлар қўшилди. *Кўк сўзи* ҳозир фақат ‘*тўқ ҳаво ранг*’ни ифодаловчи лексик маъно билан қолди. Шу билан бирга *кўк сўзининг* қадимги кенг лексик маъноси ҳам сақланган бўлиб, у, дифференциация қилиш зарурияти туғилмаса, умумлаштирувчи ном сифатида қўлланаверади. Яъни *кўк сўзи* ҳисобида икки лексик маъно: биринчиси бир неча ранг учун умумий ва иккинчиси унинг маълум қисми бўлган рангни ифодаловчи лексик маънога эгадир. Натижада, *кўк* сифати ҳисобида синекдоха юзага келган. *Кўк сўзи*даги лексик

¹ Крнг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С.75.

² Крнг.: Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке... – С.17.

³ М. Кошғарий луғатида *кўк сўзи* фақат умумий маъно билан берилган бўлиб, *яшил* ва *унга* яқин ранглари қайд этилмаган. Крнг: Кошғарий М. Девону луғотит турк. III т. – 41 б.

маънонинг торайиши уни юзага чиқарган. Бунда кўк сўзининг кенг ва тор маънолари аини пайтда ёнма-ён яшаб турганлиги асосий сабабдир. Шу ўринда, лексик маъно торайиши масаласида, фақат кўк сўзининг 'тўқ ҳаво ранг'ни ифода этиши ва аввалги кенг лексик маънодан торайиб келганлиги эътиборда тутилади.

Шу ўринда лексик маънонинг торайиши учун мисол тариқасида келтирилган *юнг* сўзини ва унинг тахлилини эсланга ҳам тўғри келади. Яна *йилқи* сўзидаги лексик маъно тараққиёти ҳам *юнг* сўзидаги лексик маъно тараққиётига ўхшайди.¹ *Йилқи* сўзи ҳам дастлаб 'уй ҳайвони' лексик маъносида бўлган.² Бу сўз ўзи ифодалаган тушунча дифференциацияси натижасида фақат 'урғочи от' лексик маъносида қўлланишга кўчди, яъни унинг лексик маъноси торайди. Юнг ва йилқи сўзларидаги бу маъно тараққиёти фақат лексик маънонинг торайишига мисол бўла олади. Синекдоха ҳақида бу ўринда гап бўлиши мумкин эмас. Уларнинг кенг лексик маъноси ҳозирги тилда яшамайди. Бу лексик маъно торайиши учунгина мисол бўла олади.

Лексик маънонинг торайиши ҳам, вазифадошликка кўра ҳосила маънонинг юзага келиши ҳам сўз семантикасининг даврий тараққиётига, референтлар вазифа алмашишига боғли ҳолда кечиши мумкин. Бу жиҳатдан лексик маъно кенгайиши билан вазифадошликнинг содир бўлиши ўзаро ўхшаб кетади. Худди шундай ҳолларда лексик маъно кенгайишига хос ҳодиса вазифадошликка кўра ҳосила маъно содир бўлиши деб берилади. Масалан, *сиёҳ* сўзидаги маъно ўзгариши вазифадошликка кўра ҳосила маъно юзага келиши деб қаралган.³ Маълумки, *сиёҳ* – ёзув ишлари учун ишлатиладиган суюқ бўёқ. Унинг ранги у яралган даврда қора бўлгани учун, рангининг тожикча номини назарда тутиб *сиёҳ* сўзи билан атай бошлаганлар. Бу бизга эски қўлёзма ёдгорликлар *сиёҳи* рангидан маълум. Ҳозирги *сиёҳни* фақат қора рангли деб бўли майди. *Сиёҳларнинг* кўк, қизил, яшил ва ҳ. ранглилари ҳам бор. Шунинг учун ҳам, мазкур тилшунослар, *сиёҳ* сўзи англатган референт вазифаси, маъно ўзгаришига қарамай, аввалгича қолаверди.

¹ Т. Алиқулов *юнг* ва *йилқи* сўзларидаги лексик маъно торайишини синекдоха деб ҳисоблайди. Қрғг.: Алиқулов Т. Синекдоха йўли билан полисемияларнинг пужулиги келиши ҳақида // *Ўзбек тили ва адабиёти*. – 1965. 3-сон. 33,34-б.

² Қрғг.: Кошғарий М. Девону луғотит турк. III т. – 41-б.

³ Қрғг.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. *Ўзбек тили*. 2-нашри. 1966. Алиқулов Т. Функциядошлик ҳодисасига доир. – 28-б.

яъни вазифадошлик содир бўлди, деб кўрсатадилар. Бироқ сиёҳнинг ўша қора ранглиси йўқолиб кетган эмас. Ўзбек тилида ёзув ишларида қўлланадиган шу суюқ бўёқ ҳам *сиёҳ* сўзи билан аталишда давом этмоқда. Аёнки, *сиёҳ* сўзи вазифадошлик асосида янги ҳосила маъно юзага келтирган эмас, балки унинг референти фақат қора бўлиб қолмай, турли рангдагилари келиб чиққани учун, шунга биноан маъносини кенгайтирган. *Сиёҳ* сўзи лексик маъноси референти белгиларидан бири бўлган ранг ўз чегарасини бузиб юборган. *Сиёҳ* сўзи лексик маъносида кенгайиш бўлган. Унинг лексик маъноси ҳамма рангдаги сиёҳларни бирдай ифодалайверади. Шунинг учун улар рангига нутқда аниқлик киритилиши зарурияти туғилиши ҳам мумкин. Бунда улар ранг билдирувчи сўзлардан аниқловчи орттиради: *қора сиёҳ*, *кўк сиёҳ*, *қизил сиёҳ*, *бинафша сиёҳ*, *яшил сиёҳ* ва ҳ.

С.Усмонов вазифадошлик учун яна *мева* сўзидаги лексик маъно тараққиётини келтиради.¹ Унда ҳам ҳосила маъно юзага келган эмас. Агар ҳосила маъно юзага келганда эди, у ‘ширинлик’ ифодасини *мева* сўзи орқали бериб кетаверарди. Ваҳоланки, уларнинг ҳар бири референти *мева* сўзида очилмайди. Улар референтининг ҳар бирини ажратиб ифодалаш учун *мева* сўзи олдидан аниқловчи келтириб, аниқлик берилади: *хўл мева*, *қуруқ мева* ва ҳ. Маълумки, *мева* сўзида ҳам маъно кенгайиши содир бўлган.

Дастлабки лексик маъно таркибида кейин илова қилинган референт ифодаси бериладиган бўлса, у лексик маънонинг кенгайишидир. Агар кейинги референт сўзнинг мавжуд лексик маъноси билан бир турга кириб кетмай, янги ҳосила маънони юзага келтирса, вазифадошлик содир бўлган деб қаралади. Унда кейинги ҳосила маъно асос бўлган лексик маънони ўз ҳисобидан инкор қилади. Ҳосила ва генетик маънолар вазифадошликда ҳеч қандай умумийликка эга бўлмайди. У лексик маънолар референти алоҳида бўлгани ҳолда, фақат бирининг вазифасини иккинчиси эгаллайди.

Хуллас, сўз лексик маъносининг кенгайиши ва торайиши ўша лексик маъно референтининг ҳажмида кенгайиш ва торайиш билан боғли бўлиб, у экстралингвистик ҳодисадир. Лексик маъно референти бир турдаги бир неча нарса – референтдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Лекин улар ҳар қандай ҳолда ҳам бир лексик маънонинг ягона референти ҳисобланади ва шу лексик маъно оид

¹ Қриг.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 2-нашри. 24-б.

сўзда бевосита ифода топади. Агар шу референтни ички турлар бўйича фарклар зарурияти туғилса, нутқда лексик маъно оид бўлган сўз олтидан аниқловчи ёки тарз ҳоли ортирилади. Кенгайган ёки торайган лексик маъно сўзнинг ҳозирга семантик таркибига мансуб бўлиб, аввалгиси фақат назарда тутилади.

3. Эвфемизм ва дисфемизм

Эвфемизм ва дисфемизм шу тилда гаплашувчи халқ руҳиятининг ўз сўзлари лексик маъноси тараққиётида акс этиши деб қаралади. Ўзбек халқининг ҳам руҳияти тилидаги эвфемизм ва дисфемизмнинг юзага келишида кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам тилнинг мазкур ҳодисаси тадқиқ этилар экан, шу халқнинг удуми, дунёқараши, ирим-чиримлари – умуман руҳияти эътиборда тутилиши керак. Эвфемизм ифодага ижобий ёндашувни юзага келтириш мақсади билан амалга оширилади.¹ У шу тилда гаплашувчи халқнинг ирими, урф-одати, маданийлиги билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Дисфемизм ифодага салбий ёндашувни юзага келтириш мақсади билан амалга оширилади.² Бу эса кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ахлоқи ва ўзини тутиши билан алоқадор. Шуларга диққатни қаратиш зарур. Эътибор бериладиган объект икки йўналишда. Шунинг учун бу икки йўналишни белгиловчи тил ҳодисалари икки қарама-қарши ном билан: эвфемизм ва дисфемизм деб аталган. Тилнинг бу икки қарама-қарши ҳодисаларига алоҳида-алоҳида ёндашишга тўғри келади.

Эвфемизмнинг моҳиятига тушуниш учун аввало унинг луғавий маъносига эътибор беришга тўғри келади. Л.А.Булаховский у грек тилидан олинганлиги ҳақида маълумот келтиради. Унингча, бу сўз грекча яхши маъноли *ей* ва гапираман маъноли *phemi* сўзлари композициясидан иборат. Немис тилининг лингвистик луғатида эса грекча *euphemia* (немисчага *guter Ruf* деб таржима қилинган) сўзидан олинган бўлиб, ‘яхши муомала’ маъносида деб қайд этилган.³ Кўрсатилганидай, эвфемизм сўзнинг луғавий маъноси деярли бир хил изоҳланган. Яъни уларга маълум даражада суянган

¹ Қриг.: Вандриес Ж. Язык. – М., 1937. С. 206; Булаховский Л.А. Введение в языковедение. – С. 49; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 284; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С. 521; Ўша Die deutsche Sprache луғати. – С.1104.

² Қриг.: Ахманова О. С. Ўша луғат. – С.137.

³ Қриг.: Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. – С.1104

ҳолда, эвфемизмга бир нарсани ўз номи билан аташда ноқулайлик туғилганда унга ижобий ҳис уйғотувчи белги бериш мақсадида худди шундай белгига яқин нарсанинг номи билан аташ ёки ўша ноқулайликни ёпиб юборувчи сўз – луғавий бирлик билан номлаш, деб изоҳлашга тўғри келади.¹ Шу ўринда изоҳ “номлаш” сўзига таянган ҳолда тузилди. Бу билан эвфемизмни қайта янги ном қўйиш экан, деган хулосага келмаслик керак. У мавжуд ёқимли маъноли сўзга эвфемистик маъно бериб қўллашдир. Берилган изоҳда мана шу тушунча алоҳида таъкидланган. Эвфемизм мавжуд сўзга юкланган ҳосила маъно деб тушуниш керак. Мавжуд адабиётларда ҳам унга шу нуктаи назар билан ёндашилган.² Эвфемизм шунга кўра семантик ҳодиса деб тушунилади ва у семасиология объекти сифатида қаралади.

Мавжуд сўзга эвфемистик маъно юкланар экан, бу маъно қўлланмай қолган сўзнинг маъноси бўлади. Яъни у лексик сатҳга мансуб ҳисобланади. Уни асосан табу билан боғлайдилар. Табуга учраган сўз ёки ибора ўрнида тўғридан-тўғри эвфемизм қўлланади, яъни маълум сўзга табуга учраган луғавий бирликнинг маъноси юкланади, у эвфемистик маъно бўлиб қолади.³

Табу сўзи, А.Ж.Омонтурдиевнинг хабар беришича, Полинезиянинг тонга тилидан олинган бўлиб, ‘ман этмоқ, тақикламоқ’ маъносини беради. У фан термини сифатида қабул қилинган ва А.А.Реформатский томонидан “...жамият таракқиётининг турли босқичларида кишилиқ ҳаёти доирасида юзага келадиган тақик” маъносини билдиради.⁴ У ё диний, ё ирим, ё нохушлиқ уйғотиши нуктаи назаридан тақиклашдир. Масалан, қиблага оёқ узатиб ўтириш ё ётиш ман қилинади. Бу ҳам табунинг кўринишидир. У диний нуктаи назар билан белгиланган. Яна супургини тик қўймаслик, ахлатдан ҳатламаслик, оташкуракни оёқ остида

¹ Бу изоҳни муаллифингиз бундан аввалги ишларида ҳам қайд этган эди. Қрғг.: Миртожиев М. М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. – 17-б.; Яна: Ҳозирги ўзбек адабий тили. I жилд. – Тошкент: Университет. 2004. 159-б.

² Қрғг.: Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – С.284; Исмагуллаев Н. Эвфемизмларнинг луғат составини ва сўз маъноларини бойитишдаги аҳамияти // ТошДПИ Илмий асарлар. 2-қт. – Тошкент. 1964. 3-12-б.; Ўша Die deutsche Sprache луғати. – К.749.

³ Қрғг.: Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – С.284.

⁴ Қрғг.: Реформатский А. А. Введение в языковедение. – С.93, Шу фикр О. Азизов ва Ф. Мусабоевлар томонидан ҳам айтилган. Қрғг.: Азизов О. Тилшуносликка кириш. – 67-б.; Мусабоев Ф. Қазірігі қазақ тілі. – Алматы: Мектеп. 1975. 26-б.

қолдирмаслик каби иримга асосланган этнографик табулар ҳам бор. Уларнинг ҳаммаси фақат тақиқлашнинг ўзидир. Булар этнографик табу деб қаралади.¹ Шунинг эътиборга олган ҳолда, табу иккига бўлиб ўрганилади: этнографик табу, лингвистик табу.²

Лингвистик табу луғавий бирликнинг ё халқ ирими нуқтаи назаридан, ё аташ ноҳушлик уйғотиши нуқтаи назаридан муомалада қўлланишининг тақиқланишидир.³ Яъни лингвистик табу муайян бир луғавий бирликнинг қўлланишига нисбатан татбиқ этилади. Бунда табуга учраган бирлик асосан сўз бўлади. Шунинг учун бўлса керак, немисча кичик лингвистик энциклопедияда лингвистик табуни фақат сўзга нисбатан татбиқ этиб, сўз табу маъносида *Tabuwort* терминини қўллайдилар.⁴ Масалан, *чаён* сўзи тилга олинмайди. Бу ўзбек тилига хос. Чунки уни аташ чақириш маъносини беради, деб тушунилади. Маълумки, бу хашарот ҳавфли бўлиб, заҳари ниҳоятда ўткир. У чақса, қаттиқ азоб беради. Шунинг учун унинг номи ўзбекларда тақиқ қилинган. Яъни *чаён* сўзини тилга олмасликнинг ўзи табу деб қаралади. Шунга ўхшаш яна *қуйдирғи* сўзи ҳам ўзбек иримида кўра тилга олинмайди. Чунки бу номдаги яра ҳам ўз ўтиш кечимида кўра ниҳоятда даҳшатли бўлиб, ўлимга олиб боради. Шу кунда яна *рак* сўзи тилга олинмайдиган бўлди. Унинг ҳам давосиз касаллик экани шунга сабаб ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси иримга кўра табу қилинган. У бошқа халқларда ҳам кўплаб учрайди. Масалан, немислар ҳам, руслар ҳам, татарлар ҳам уз тилларида айиқнинг номини атамайдилар. Бу тақиқланишлар асосан сўз доирасидадир. У немисча ибора билан аталадиган бўлса, қайд этилган табуларнинг ҳаммаси сўз табу деб қаралади. Бу тил ҳодисасини айрим тилшунослар ибтидоий жамоага хос, у тилда йўқола боради, деб талқин қиладилар.⁵ Аммо тил фактлари буни тасдиқламайди. Бу ҳақда ўзбек тилшуноси А.Ж.Омонтурдиев ҳақли равишда "...табу

¹ Қарағ.: Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутк эвфемикаси. – Тошкент: Фан, 2006. 146.

² Қрғ.: Ахметов Э.К. Турки тилдариндаги табу мен эвфемизмдер. Алматы: Ғулум, 1995. 176-б.; Омонтурдиев А.Ж. Профессионал нутк эвфемикаси. – 14-б.

³ Қрғ.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – С. 48; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С. 467; Ўша Die deutsche Sprache. луғати. – С. 749; Будагов Р. А. Очерки по языкознанию. М.: Изд. АН СССР.

⁴ Қрғ.: Ўша Die deutsche Sprache луғати. – S. 779.

⁵ Қрғ.: Будагов Р.А. Очерки по языкознанию. – С. 78; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – 67-б.; Кацев А.М. Эвфемизмы в современном английском языке. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Л., 1977. С.19.

ва эвфемизм ибтидоий дин, онги ожиз одамларнинг...таъсирида пайдо бўлган эскилик қолдиқлари, булар... йўқ бўлиб боради, деган қарашлар ўзини оқламайди, деб жуда тўғри айтган.¹ Аксинча, у бошқа янги сабаблар билан содир бўлаётганлигини ҳам кузатамиз. Кейинги тоталитар тузум даврида табу сиёсат, яъни цензура учун ҳам хизмат қилди.² Бу даврда динлар, диний эътиқодлар ва “Наврўз” каби дунёвий байрамлар ман этилди.³

Айрим ўзбек тилшунослари табудан ёндош ҳодисаларни ажрата олмаганлар.⁴ Тилда маданий мулоқотга сиғмаганлиги, қўполлиги учун айрим сўзлар нозиктабиат ҳамсухбатлар доирасида қўлланмайди. Масалан, хотинлар эр сўзини, умуман ҳар қандай одам *ўйнаш* сўзини айтишдан тийилади. Бу сўзларнинг қўлланиши аслида тақиқланган эмас, фақат ҳамсухбат олдидаги андиша юзасидан уларни тилга олишдан киши ўзини тияди. Бундай характерли лексика ҳеч вақт табу қаторига киритилмайди. Табу сўзларни улардан фарқлаш керак.

Кўрдикки, табу этнографик ва лингвистик табуларга бўлинади. Лингвистик табу фақат лексик ҳодиса бўлиб, сўз доирасида кузатилади. У диний ва ирим, сиёсий ва цензура нуктаи назаридан тақиқланади. Тилдаги бу ҳодиса ибтидоий жамоа ҳосиласи бўлиб, маданийлик ва фан-техника ривожини билан йўқолиб бораётгани йўқ. У тилда яшаб қолади. Табу эса сўзларнинг маданий мулоқотга сиғмаганлиги, қўполлиги учун нозиктабиат ҳамсухбатлар доирасида қўлланишдан тийилиши билан фарқ қилади. Улар табу деб қаралмайди.

Эвфемизм табуга учраган сўз маъноси ёқимлироқ ифодали бирор сўз ҳосила маъно сифатида акс этилиши ҳисобланади. Масалан, *чаён* сўзи табуга учраган, қўлланиши ман қилинган эди. Бу лексик ҳодисадир. Унинг маъноси *эшак* сўзида ифода топди. *Эшак* сўзининг ишчи ҳайвонни билдирувчи ўз лексик маъноси бор. Бу сўз табуга учраган *чаён* сўзининг маъносини ҳосила маъно сифатида ифода этипти. Бу таҳлилга кўра эвфемизмга семантик жиҳатдан ёндашилди. Яъни эвфемизм семантик ҳодисадир.

¹ Қрғг.: Омонтурдиев А. Ж. Профессионал нутқ эвфемизми. – 9-б.

² Қрғг.: Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – С.467.

³ Қрғг.: Омонтурдиев А. Ж. Ўша асар. – 14-б.

⁴ Қрғг.: Исмагуллаев Н. Эвфемизмы в современном узбекском языке. Автореф дисс. канд. филол. наук. – Ташкент. 1963. 6-б.; Омонтурдиев А.Ж. Ўша асар. Ўша бет.

Эвфемизм ва табу ўртасидаги айтиб ўтилган алоқадан келиб чикиб бўлса керак, бу икки ходиса уэвий боғлиқ деб тушуналувишар бор.¹ А.А.Реформатский ҳатто “Эвфемизм – бу қўлланганин ман этилган (табулаштирилган) сўз ўрнида алмаштирилган, танлаб қўйилган сўз” дейилган фикрни айтади.² Улар алоҳида мустақил ҳо дисалар бўлиб, ўзаро бошма-бош мос келмайди. Буниин учун этнографик табуни эслашимиз мумкин. Масалан, киблага оёқ уяғитиб ўтириш ёки ётиш, ахлат устидан хатлаш, сунургини тик кўйиши, оташкуракни оёқ остида колдириш тақиқланган, табулаштирилган. Улар фақат жараёнга нисбатан бўлиб, сўз билан ифодаланмайди. Шундай бўлгандан кейин ўрнида эвфемизм қўллаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. А.А.Реформатский, албатта, бу этнографик табуни эмас, лингвистик табуни назарда тутгандир. Бунда ҳам сиёсат йўли, цензура йўли билан қилинган табу унинг фикрига нисбатан тескари хизмат килади. Масалан, тоталитар тузум даврида турли диний маросимлар номи, халқ суйган “Наврўз”ни тилга олиш тақиқланган эди. Аммо уни эслатувчи эвфемизм бўлмади.

Эвфемизм фақат табуга учраган сўзлар маъносини ифодалаш билан чегараланмайди. Унинг содир бўлиш имконияти анча кенг. Шунинг учун Л.А.Булаховский ҳам “Эвфемизм ирим-сиримлар доирасида содир бўлишдан кўра анча кенг қамровга эга” деган эди.³ Юқорироқда, айрим тилшунослар маданийликка сиғишмаганлиги учун қўлланмайдиган айрим сўзлар билан табуни қориштирганликлари, ҳақида тўхтаб ўтилган эди. Ҳақиқатда ҳам айрим сўзларнинг маданий мулоқотга сиғишмаганлиги учун қўлланмаганлиги табу эмас. Аммо маданий мулоқотга сиғишмайдиган, кўпол, дағал, андишасиз сўзлардан муомала жараёнида тийилишга тўғри келар экан, унинг ўрнида юмшоқроқ, ёқимлироқ, маданийроқ сўз, ибора танлаш жоиз бўлади. Мана шу сўз, иборанинг танланиши эвфемизмнинг кўринишларидан бири ҳисобланади. Масалан, хотинлар *эрим* дейиш ўрнига *адаси* дейиши, *халоқ* сўзи ўрнига *чст*, яна нимадир ўрнига *яради* сўзини қўллаш эвфемизм бўлади. Аммо *эрим*, *халоқ* яна нимадир дейилмаган сўзлар табу қилинган сўзлар эмас. Уларни мулоқот чоғида қўллашдан фақат маданий муомалага

¹ Қриг.: Исматуллаев Н. Эвфемизм в современном узбекском языке... - б б., Омонтураниев А. Ж. Эвфемистик ходисаларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фан. ном. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1997. 9-10 б.

² Қриг.: Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 99.

³ Қриг.: Булаховский Л.А. Введение в языковедение. Ч. II. – С. 51.

кўра тийилишга тўғри келган. Унинг ўрнига эса *адаси, чет, яради* сўзларини қўллаб, эвфемизм берилган. Маълум бўладики, эвфемизмнинг манбаи иккита: 1) табу; 2) маданийликка сиғишмаганлиги учун айтилишдан тийиладиган сўз ва иборалар. Эвфемизм шулар маъносини бериш, ўрнини қоплаш учун юзага келтирилади. Улар шулар ўрнини бирор сўз ёки иборанинг ҳосила маъноси ҳисобига қоплар экан, бу маъносига яхши хис уйғотувчи, ёқимлироқ оғтенка илова қилади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, А.Ж.Омонтурдиев жуда тўғри қайд этганидай, эвфемалар (эвфемизмлар) ҳам қанчалик гўзал, нозик, беозор маъно ифодаламасин, у табу берган тушунчанинг моҳиятини хотирадан бутунлай бартараф қилолмайди.¹ Айтилмоқчики, эвфемизмда табу ифодасидан меросга қолган кўнгилсиз таассурот эвфемизмда маълум даражада ўз изини саклайди. Бу фикр албатта маданийлик қуюшқонига кирмаганлиги учун қўлланмайди диган сўз ва иборалар ўрнига келган эвфемизмлар учун ҳам тааллуқлидир. Чунки эвфемизм ҳар қанча силлиқловчи бўёқ бермасин, меросга олинган маънодаги ўзига хос салбий белгилар маълум даражада ўз-ўзидан сакланади. Эвфемизмни қўллаган одам ҳам маълум даражада ҳижолатликни саклаган ҳолда қайд этади.

Эвфемизм сўз ёки иборанинг ҳосила маъно юзага келтириши билан боғли ҳолда воқеланади. Шундай экан, у сўз лексик маъноси ҳосила бериши қонуниятлари билан боғли ҳолда юзага чиқади.² Бобнинг биринчи қисмидан маълумки, лексик маънонинг ҳосила маъноси беш кўринишда намоён бўлади. Бу кўринишлар метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, тобелилик деб аталган эди. Улардан айниқса метафора эвфемик маъно ҳосил бўлишида катта аҳамият касб этади. Масалан, *чаён* сўзи лексик маъноси *эшак* сўзи лексик маъноси сўзнинг эвфемик маъноси сифатида воқеланган. Чунки *чаён* думини гажак қилиб туриши жиҳатидан эшакка ўхшайди. Мана шу ўхшашлик *эшак* сўзида эвфемистик метафорик маъно ҳосил бўлиши учун сабабдир. Метафора ҳосил қилувчи ва ҳосила маънолар референти ўхшаш бўлиши билан боғли ҳолда содир бўлади. Хотинлар эрини ўртоғим дейиши ҳам эвфемизм

¹ Қрнг.: Омонтурдиев А.Ж. Эвфемик воситаларнинг функционал-услубий хусусиятлари. – 7-б.

² Қрнг.: Исматуллаев Н. Эвфемизмларнинг луғат составини ва сўз маъноларини бойитишдаги аҳамияти. – 3-12 б.

хисобланиб, у ҳам метафорага кўра юзага келишган. Чунки эр билан ўртоқ уни атовчи нуқтаи назаридан ўзаро ўхшашдир.

Метонимияга кўра ҳам эвфемистик маънолар ҳосил бўлади. Масалан, *сил* сўзи ўрнида *ўпка* сўзи қўлланади: *ўпка касали*. Чунки ўрин муносабатига кўра *сил* ва *ўпка* сўзлари маъноси референти ўзаро алоқадор хисобланади. Бундай референтлар алоқадорлигига кўра ҳосила маъно юзага келиши метонимия дейилади. Туалетнинг *чет* эвфемизмида қўлланиши ҳам метонимиядир. Чунки туалет четда жойлашади. Улар ҳам мана шу ўрин нуқтаи назаридан ўзаро алоқадор ҳисобланади.

Эвфемизм билан ҳосила маъно юзага келишидаги ўхшашлик бу икки тил ҳодисаси адекват экан деган хулосага олиб келиши ҳам мумкин. Лекин бундай хулосага келиш нотўғри. Ҳосила маънонинг юзага келиши референтлар алоқадорлигига кўра сўзнинг бир лексик маъносидан бошқа бир лексик маъно ҳосил бўлиши бўлса, эвфемизм сўздаги ҳосила маънонинг ёқимлилик, юмшоқлик, маданийлик ифодаси билан юзага келишидир. Ҳосила маъно юзага келар экан, у доимий ҳолда тушунча билан адекват бўлавермайди. У ёқимлилик, юмшоқлик, маданийлик ифодаларидан бирини орттириши мумкин. Бунда эвфемизм юзага келтирилади. Аммо ҳосила маъно кўпинча образлилик, услубий ҳослик, идеографик ифодаларни орттиради. Бунда ҳосила маъно юзага келишининг эвфемизм билан ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Яъни ҳосила маънонинг юзага келиши деярли ҳолларда эвфемистик натижа ҳам бўлавермайди.

Ҳосила маъно юзага келишининг фақат шу икки кўриниши эвфемизмни воқелантиради. Унинг қолган кўринишлари: синекдоха, вазифадошлик, тобеллилик натижасида эвфемизм ҳосил бўлмайди. Бизнинг тадқиқотимиз уни кўрсатмади. Бизнинг тадқиқотимиз, аксинча, эвфемизм ҳосила маъно юзага келишига умуман алоқасиз тил ҳодисалари сабабли содир бўлиши ва улар анчагина эканлигини кўрсатди. Масалан, *куйдирги яра* термини ўрнида *ёмон яра*, *рак касали* ўрнида *ёмон касал* ибораси берилади. Яъни *куйдирги* ва *рак* сўзлари маъноси *ёмон* сўзи орқали юмшатилиб ифода этилган. Хотинлар эрини баъзан *булар* кўрсатиш олмонни орқали силлиқлаб атайдилар. *Ёмон* сўзи сифат туркумига оид. *Куйдирчи* ва *рак* сўзлари от туркумига мансуб бўлиб, улар маъноси сифат туркумига оид сўзда ҳосила маъно сифатида ифода юмшатилади. *Ёмон* сўзи белги билдиради. Яъни мазкур касалликлар белгиси

ёмон сўзи билан ишора қилиниб, у субстантивацияга учратилган. Хотинлар эрини *булар* дейиши эса фақат олмош оркали маънони силликлаб беришдир. Бу тил ходисаларининг ҳосила маъно юзага келиши билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Лекин мазкур сўзларда эвфемистик маъно юзага келтирилган. Ҳосила маънонинг юзага келиши эса, маълумки, бир туркум доирасида кечади. Яъни ҳосила маъно ҳам, уни ифода этувчи сўз ҳам ҳамма вақт бир сўз туркумига мансуб бўлади.

Тилнинг энг ўзгарувчан сатҳи лексикадир. Тилнинг фонетикасида ва грамматикасидаги арзимас ўзгариш учун неча юз йилликлар керак. Аммо тил лексикасидаги ўзгаришлар бир неча ўн йиллар ўтар-ўтмас анча салмоққа эга бўлади. Ўзбек тили лексикасида 1920-1950 йиллар оралиғида озмунча ўзгариш ўтдими?! Тилдаги эвфемизм эса лексиканинг энг ўзгарувчан қатлами ҳисобланади.¹ У тилда пайдо бўлиб, коммуникацияга киришишидан сал ўтмаёқ, қанча силлиқ, юмшоқ, маданий, сирли эканлигидан қатъий назар, ўз эвфемистик хусусиятини йўқота боради, унинг ифодасидаги референтнинг кўнгилсиз томонлари юзага чиқа бошлайди. Натижада ўша референт учун янги эвфемизмга эҳтиёж туғилади. Масалан, энг дағал, коммуникацияда тилга олишдан ҳамма нари турадиган сўз *халоқ* сўзидир. Маданий доирада уни қўллаб бўлмайди. Ўрнига эвфемизм тариқасида *халижой* сўзи берилди. Ҳозир бу энг қўпол сўзлардан биридир. Унинг ўрнига русчадан ўзлашган *туалет* сўзи эвфемизм сифатида коммуникацияга киритилди. Ҳозирги вақт у ҳам қўлланганда референтини кўзга яққол қилиб кўядиган даражага етди. Охири пайтда улар ўрнида *чет* сўзи эвфемизм сифатида берилмоқда. Эвфемизмнинг бу хусусияти деярли тилларга мансубдир. Масалан, И.В.Арнольднинг кайд этишича, инглиз тилида *Christ* (*Христ*) сўзи табу қилинган, ўрнига эвфемизм сифатида *Cripes* сўзи қўлланади. Ҳозир бу сўзнинг ҳам эвфемистик маъноси эскириб қолган.² Рус тилидаги *медвед* сўзининг ўзи эвфемизм сифатида дунёга келган. Ҳозир бу сўз табу қилиниб, ўрнига *лесник*, *хозяин*, *потанич* сўзлари қўлланмоқда. Умуман бу хусусият эвфемизмга хосдир. Эвфемизм қўлланиши мумкин бўлмаган сўз ўрнида бошқа сўзнинг қўлланиши жиҳатдан маълум даражада арголарга ўхшаб кетади. Шунинг учун арголарни эвфе-

¹ Қрғ.: Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – С. 280.

² Қрғ.: Арнольд И. В. Ўша асар. Ўша бет.

мизмининг бир кўриниши деб қаровчилар ҳам бор.¹ Чунки арго ҳам жамоат олдида қўллаш мумкин бўлмаган сўз ўрнида бошқа бир сўзни қўллашдир. Бу икки ҳодиса қандай сўз ўрнида бошқисини қўллаши жихатидан ўзаро фарқ қилади. Бу фарқ куйидагилардир:

1. Эвфемизм учун сабаб бўлган сўз халқ ирими, сиёсати ш маданийлик қуюшқонига мос келмайди. Арго учун сабаб бўлган сўзнинг маъноси ошқор қилинмаслиги керак. Масалан, эвфемизм учун сабаб бўлган сўз *ўлди* сўзидир. Бу сўз ниҳоятда дағал ҳисобланади. Арго учун *алаҳсит*- сўзи сабаб бўлиши мумкин. Чунки уни алаҳситилиши керак бўлган шахсга ошқор қилмаслик зарур.

2. Эвфемизм учун табуга учраган, маданийлик қуюшқонига сиғишмаган сўз; табу учун сир берувчи *алаҳсит*- каби сўз қўлланмайди.

3. Эвфемизмда бошқа сўз билан қўллаш берилмоқчи бўлган тушунчани ёқимли, юмшоқ, қуюшқонлик ифодасига ўралган ҳолда тингловчига етказиш мақсадидан; аргода башқа сўз билан берилмоқчи бўлган тушунчани фақат шеригига сирли ҳолда етказиш мақсадидан келиб чиқилади. Масалан, *ўлди* сўзи ўрнида *ўтди* сўзи қўлланар экан, у анча юмшоқ таассурот қолдиради. Бу эвфемизмдир. *Алаҳсит*- сўзи ўрнида *ўқивор*- сўзи қўлланар экан, у фақат тингловчи учун тушунарли – сирли хусусиятга эга – аргодир.

4. Эвфемизмда сўзга эвфемистик маъно тақилиб, уни полисемантик сўзга айлантиради. Аргода қўлланган сўз омонимияни таркиб топтиради. Масалан, *ўтмоқ* сўзининг *ўлмоқ* эвфемистик маъноси шу сўзнинг ҳосила маъносидир. Яъни бу ҳосила маъно *ўтмоқ* полисемантик сўзини семантик бойитган. Ўғрилар қўллайдиган *ўқимоқ* феълининг ёзувдаги матнни билиб олмоқ ёки оғзаки қайд этмоқ маъноси билан аргода қўлланган алаҳсит-маъноси семантик алоқага эга эмас. Улар шаклдош икки сўзнинг маънолари ҳисобланади. Бу аргога хос ҳодисадир.

Бу қиёс аргонинг эвфемизмга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини кўрсатади.

Кўрдикки, эвфемизм табуга учраган ёки аташ учун ноқулайлик туғдирадиган сўз ўрнида ёқимли хис уйғотувчи белги беринч мақсадида, худди шундай белгига яқин нарса, ҳаракат, ҳолат кабиларнинг номи билан ёки ўша ноқулайликни ёниб юборувчи сўз ё луғавий бирлик билан аташдир. Эвфемизм луғавий бирликнинг

¹ Кригг.: Реформатский А.А. Введение в языковедение. С. 100

хосила маъноси сифатида юзага келиб, ҳамма вақт эмоционал-экспрессив ифодага эга бўлади. У ҳосила маъно юзага келишига жуда яқин ва деярли ҳосила маъно сифатида кузатилади. Эвфемизм лексиканинг энг ўзгарувчан қатлами эканлиги ҳолда, тез эскириб, ўрнига янгиси келиб туради. Аргонинг эвфемизм билан ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Дисфемизм сўзловчининг тингловчига ёки бирор предметга нисбатан масҳара, истехзоли, илтифотсиз қарашини билдиради.¹ Бу ҳодиса О.С.Ахманова томонидан “Дисфемизм муайян матндаги ниманингдир номини маълум даражада дағал, бетакаллуф, кўпол ном билан алмаштириб ифода этувчи тропдир,” деб изоҳланган.² Бу изоҳ юқоридаги изоҳдан моҳиятига кўра деярли фарқ қилмайди. Фақат О.С.Ахманова дисфемизм троп эканлигини алоҳида таъкидлаган. Масалан, одамга нисбатан *чўчқа, бурун, тўнка* сўзларини қўллаш дисфемизм ҳисобланади. Чунки одам салбий хусусиятли нарсаларга қиёс қилинган ва унинг салбий органи номи билан атаб чақирилган – умуман дағал муомалада бўлинган. Улар мазкур сўзларнинг ҳосила маъносидир, яъни дисфемизмдир. Унинг изоҳидаги таъкид шуни кўрсатадики, бу ҳодиса, шубҳасиз, семасиологиянинг текшириш объектидир. Шу билан бирга у кокофемизмни ҳам дисфемизм билан бир маънога эга деб кўрсатади.³ Яъни дисфемизм ва кокофемизм терминлари ўзаро дублетлардир, дейилмоқчи. Бу фикр бошқа бир ўринда ҳам айтилган. У “Ўзбек тили стилистикаси” китобида берилган бўлиб, А.Шомақсудовга тегишлидир.⁴ Макзкур муаллиф изоҳ масаласида эса “...кўпол ва дағал формада ифодалаш усули ҳам мавжуд. Бундай сўз ва иборалар кокофемизм деб юритилади,” дейди.⁵ Бунинг устига у кокофемизм учун куйидаги мисолни келтиради: *‘ўлим’ тушунчаси кўзига тупроқ тўлмоқ, асфаласофилинга жўнамоқ, ер тишламоқ, ернинг қаърига кетмоқ, қулоги тагида (остида) қолмоқ, ёстиги қуримоқ, нариги дунёга жўнамоқ* ва б.лар билан ифодаланган, деб кўрсатади.⁶

¹ Қриг.: Шомақсудов А., Расулов И., Кўнгулов Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. 67-б.

² Қриг.: Ахманова О.С. Ўша лугат. – С. 137.

³ Қриг.: Ахманова О.С. Ўша лугат. Ўша бет.

⁴ Қриг.: Шомақсудов А., Расулов И., Кўнгулов Р., Рустамов Ҳ. Ўзбек тили стилистикаси. – 67-б.

⁵ Қриг.: Шомақсудов А., Расулов И., Кўнгулов Р., Рустамов Ҳ. Ўша асар. Ўша бет.

⁶ Қриг.: Ўша асар. ўша бет.

О.С.Ахманованинг қайд этишича ҳам, кокофемизм – бу дисфемизмдир. Дисфемизм эса тропнинг бир кўриниши ҳисобланади. Троп бирор тушунча муайян сўзнинг ҳосила маъноси сифатида ифода топиши бўлади. Аммо А. Шомақсудов келтирган мисол, гарчи дағал ифода берган бўлса ҳам, троп эмас, парафразалардир. Улар аввало семасиология объекти бўла олмайди. Шу билан дисфемизм моҳиятига ҳам мос эмас. Шунини унутмаслик лозимки, дисфемизм учун келтирилган мисол 1) сўзнинг ҳосила маъноси сифатида ифода берсин ва 2) дағал, бетакаллуф, қўпол маъно оттенкасига эга бўлсин.

Шу ўринда рус тилшуноси М.Н.Кожинанинг рус тили услубиятига бағишланган китобидаги учинчи бобга тўхтаб ўтишга тўғри келади. Бу китобнинг “Рус тилининг услубий манбаи лингвистик услубиятнинг тадқиқот мавзуси сифатида” деб номланувчи бобидаги 4-параграфнинг “В” банди “Китобий ва сўзлашув лексикаси” деб номланади. Муаллиф шу сарлавҳа остида фикр юритар экан, “К ў п о л – с ў з л а ш у в л е к с и к а с и (в а р в а р и з м) ҳақида тўхтади. Муаллиф у ҳақида “Ёқимсиз бўлса ҳам, ёзма – китобий мулоқот доирасида қўлланадиган сўзлашув лексикаси” деган изоҳни беради.¹ Бу изоҳ О.С.Ахманованинг “Лингвистик терминлар луғати”да вульгаризмлар учун келтирилган изоҳга ҳам мос келади.² Шундай бўлгач, унинг семасиология, айниқса, дисфемизм билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, у лексиканинг мавзуси ҳисобланади. Аммо у таҳлил қилган мисоллар эса бошқача бўлиб чиққан. Масалан, *пузо* ‘қорин,’ *рыло* ‘чўчка тумшук,’ *гиваль* ‘увада,’ *харя* ‘башара,’ *стерва* ‘кузгун’ ва х. одамга нисбатан айtilган сўзларни келтирадики, улар фақат ҳосила маъноси билан дағал, илтифотсиз, қўпол ифодани беради.³ Шундай экан, бу таҳлилдаги сўзларни варваризмга эмас, тропга, яъни дисфемизмга оид деб кўрсатиш тўғри бўлар эди.

Инглиз тилшунослигида дисфемизм ҳақида ҳеч нарса берилмаган. Унинг ўрнида с л э н г кенг таҳлил этилган. Бу слэнг билан дисфемизм терминлари ўзаро дублет, тилнинг айна бир тушунчасини берар экан деган хулосага келмаслик керак. Слэнг тушунчаси дисфемизм тушунчасига нисбатан анча кенг. И.В.Арнольднинг

¹ Қрнг.: Кожина М.Н. Стилистика русского языка. – М.: Просвещение. 1977. С.117.

² Қрнг.: Ахманова О. С. Ўша луғат. – С.92.

³ Қрнг.: Кожина М. Н. Стилистика русского языка. – С.117.

таъбирича, слэнгизмларнинг муҳим хусусиятлари уларнинг қўпол ва ҳаёсиз, дағал ва хиссиётли, илтифотсиз ва жонли ҳазиломузлиги ҳисобланади.¹ Бу сленгизмларга келтирилган белгилар дисфемизмлар белгисига деярли мос келади. Фақат жонли ҳазиломузлик белгиси дисфемизмларда йўқ. Слэнгнинг дисфемизмдан кенглиги фақат шу билан, троп ҳолида ифода бериш билан чегараланмайди, лексик бирлик, фразеологизм доирасида ҳам кенг тарқалган.² Шунинг учун ҳам уни ўрганиш кўпчиликни қизиқтирган. У ҳақда мақола ва илмий ишлар,³ луғат⁴ ва ҳатто уни ўрганиш юзасидан ёзилган адабиётлар библиографияси⁵ нашр этилган. Шунга қарамадан слэнг учун сўзларнинг ҳосила маъно бериши катта аҳамият касб этади.⁶ Яъни слэнг доирасининг каттагина қисмини дисфемизм таркиб топтиради.

И.В.Арнольднинг қайд этишича, айрим инглиз тилшунослари слэнг инглиз адабий тилини бузади ва булғайди, деб унга қарши кескин кураш олиб боришни ташвиқ этадилар.⁷ Албатта бу даъво – асоссиз. Тилдаги ҳар бир ҳодиса ва ҳар бир факт умумтил қонуниятдан ташқарида яралмайди ва бўлмайди. У тил қонуниятларининг маълум босқичларида яралаётган экан, унга қарши кураш эълон қилишнинг ўзи – беҳуда, табиат қонуниятларига зид қарашдир.

И.В.Арнольд слэнг таркибига денгизчилар, солдатлар, спортсменлар, актерлар, ҳуқуқшунослар, студентлар ва ҳ.ларнинг слэнги кириши ҳақида айтган.⁸ Биз бу фикрни инкор этмаймиз. Улар ҳар бир соҳанинг ўзига хос арголаридир. Арголарнинг дисфемизм билан алоқаси йўқ. Биз арголарнинг эвфемизмлардан қайси асосларга кўра фарқланишини ўз ўрнида қайд этиб ўтган эдик. Арголар дисфемизмлардан ҳам шу асосларга кўра фарқ қилади.

¹ Крнг.: Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка. – Л.: Просвещение. 1973. С.90.

² Крнг.: Арнольд И. В. Стилистика современного английского языка. – С.90.

³ Крнг.: Partridge Eric. Slang To-day and Yester day. – London. 1935; Вилюман В. Г. О способах образования слов слэнга в современном английском языке // Ученые записки ЛГПИ. Т. II. – 1951. С.137; Гальперин И.Р. О термине «слэнг» // ВЯ. – 1956. 6. С. 114; Швейцар А.Д. Очерк современного английского языка в США // М.: ВШ. 1965; Хомяков В.А. Анализ адъективно – субстантивных сочетаний американского слэнга // Ученые записки Волгоградского пединститута. Т. 33. Вып. 1. – Волгоградский. 1967.

⁴ Крнг.: Partridge Eric. Dictionary of Slang und Unconventional English. – London. 1963.

⁵ Крнг.: Burke W. G. The Literature of Slang. – New York. 1939.

⁶ Крнг.: Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – С.269.

⁷ Крнг.: Арнольд И. В. Ўша асар. – С.266.

⁸ Крнг.: Арнольд И. В. Ўша асар. – С.267.

И.В.Арнольд яна айримлар неологизмларни слэнг деб ҳисоблашини айтади.¹ Неологизмлар слэнг ҳам, дисфемизм ҳам бўла олмайди. Чунки дисфемизм ва слэнг учун референтга субъектив муносабатни қўшиб ифодалаш шарт. Неологизмда эса бу шарт килиб қўйилмайди.

Дисфемизмлар сўзнинг деярли ҳосила маъноси сифатида юзага келади. У ҳосила маънони юзага келтирувчи қуйидаги ҳодисалар натижаси бўлади.

1.Метафорага кўра ҳосил бўлади. Масалан: *тўнка*, *ҳўкиз*, *терақ*, *қўнқа* каби дисфемизмлар одамга нисбатан қўлланар экан, унинг кўриниши, шакли ўхшашлиги назарда тутилган.

2.Метонимияга кўра ҳосил бўлади. Масалан, *чопон*, *чувринди*, *эшак* каби дисфемизмлар одамга нисбатан қўлланар экан, ё унинг устидаги, ё унинг ҳаракатига қараб алоқадорлиги назарда тутилган.

3.Синекдохага кўра ҳосил бўлади. Масалан, *қорин*, *калла*, *хипчабел* каби дисфемизмлар одамга нисбатан қўлланар экан, унинг белгили (албатта ўхшовсиз белгили) мучаси эътиборга олинади.

Вазифадонлик ва тобелилик кабилар ҳосила маъно юзага келтирар экан, улар ҳеч вақт дисфемизм сифатида ифода бермайди. Чунки уларнинг ҳосила маъноси ўз референтига нисбатан субъектив муносабат кўрсатмайди.

Дисфемизм нарса ёки кишиларнинг салбий белгиси билан аташ орқали ҳам ҳосил бўлади. Бунда ўша белгини билдирувчи сифат субстантивацияга кўра шу сўзда дисфемистик маънони шакллантиради. Масалан, *буқир*, *чўлоқ*, *новча*, *тиртиқ* сўзларининг одамга нисбатан қўлланиши дисфемизмни юзага келтирган. Шулар қатори яна *асмоқ*, *номард*, *муттаҳам*, *фоҳиша* каби сўзлар ҳам дисфемизм, лекин лексик ҳолда қотган дисфемизмлар ҳисобланади.

Дисфемизмни кишиларга бериладиган лақаб билан ҳам адаштирмаслик керак. Турган гапки, лақаблар ҳам кишиларнинг салбий хусусиятини эътиборда тутиб берилади. У ҳам, туб моҳиятига кўра бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда камситиш мақсадида келтириб чиқарилди. Лекин у доимий шарт эмас. Лақаб баъзан авлоддан авлодга мерос сифатида ўтиши ҳам мумкин. Мен бир хонадонда Ачиган лақаби уч авлоддан бери келаётганини биламан.

¹ Қриг.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С.266.

Ваҳоланки, улар ҳозир ниҳоятда ҳавас қилса арзигулик хонадон. Бу ном улар учун фамилиядек бўлиб қолган. Лақаб – маълум кишилар учун доимий ном сифатида бериладиган атоқли от. У маълум даражада маъно англатиши билан бирга кўпинча атоқли отлар каби маъносини йўқотиб, рамз сифатида ҳам қўлланади. Дисфемизм эса муомала ва нутқ жараёнида туғилади ва ҳамма вақт ҳақоратлаш ёки камситиш нутқий маъносига эга ҳолатда коммуникацияда бўлади. Нутқий жараёндан кейин у унутилади. Бу унутилиш маълум шахсга нисбатан қўлланиши нуктаи назаридандир. Аслида шу ҳақоратли ва камситувчи маъно мазкур сўзнинг семантик таркибида доимо яшайди.

Дисфемизмлар эвфемизмлар каби тез эскириб, ўрнига янгиси келиб турадиган, ўзгарувчан эмас. У бошқа тил бойликлари каби яшовчан қатламдир.

Кўрдикки, дисфемизм дағал, кўпол, бетакаллуфлик билан муносабатда бўлиш учун, нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат кабиларни салбий характерли нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат кабилар номи билан аташдир. У луғавий бирликнинг ҳосила маъноси сифатида юзага келиб, ҳамма вақт эмоционал-экспрессив ифодага эга бўлади. Шунингдек, ҳосила маъно юзага келишига жуда яқин эканлиги ҳолда, унинг ҳосиласи сифатида эътиборда тутилади. Дисфемизм эвфемизмга ўхшаш ўзгарувчан қатлам эмас. Унинг арго ва неологизмлар, шунингдек, лақаблар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Дисфемизм термини кокофемизм термини билан дублет ҳисобланади, лекин у инглиз тилшунослигида деярли слэнг ҳодисаси таркибида ўрганилади.

Хуллас, эвфемизм ва дисфемизм моҳиятига кўра бир хил характерли бўлса ҳам, ижобийлик ва салбийлик нуктаи назаридан қарама-қарши ифодага эгадир. Эвфемизм табуга учраган, дағал, кўпол, такаллуфсиз сўзлар ўрнида силлик, ёқимли, маданийликка эга сўзларни қўллаш орқали; дисфемизм киши, нарса, ҳаракат, ҳолат кабиларга нисбатан дағал, кўпол, такаллуфсиз сўзларни қўллаш орқали юзага келади. Ҳар иккиси ҳам сўзнинг ҳосила маъноси сифатида ифода топади. Эвфемизм ўзгарувчан, яъни тез эскириб ўрнига янгиси алмашиб турадиган қатлам бўлса, дисфемизмга бу хусусият хос эмас. Шунингдек, улар тилдаги объектив ҳодисалардир.

Хулоса

Тадқиқот ишининг “Лексик маъно тараққиёти” деган боби юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди.

1.Сўз лексик маъносининг барча кўринишлардаги тараққиёти объектив оламдаги нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ва белги кабиларнинг ўзаро доимо алоқада бўлиши, уларнинг бир бутун ҳолатда тушунилиши ва булар тилда ўз аксини топиши нағижаси, экстралингвистик сабабдир.

2.Сўз лексик маъносининг тараққиёти моҳиятига кўра уч кўринишга бўлинади: 1) сўз лексик маъносининг ҳосила маъно юзага келтириши; 2) сўз лексик маъносининг кенгайиши ва торайиши; 3) эвфемизм ва дисфемизм.

3.Сўз лексик маъносининг ҳосила маъно юзага келтириши сўзнинг ўз референти билан қандайдир муносабатда бўлган референтига эга янги лексик маънони ҳосил қилишидир. Ҳосил қилувчи ва ҳосила лексик маънолар бир сўзда бир туркум хусусиятига эга бўлиши шарт. Ҳосила маъно ҳамма вақт ўз референтига эга ҳолда нутқда воқеланади.

4.Ҳосила маъно кўп ҳолларда бевосита экстралингвистик сабабга кўра маълум сўзда юзага келса ҳам, катта бир миқдорининг юзага келишида интралингвистик сабаб (сўзларнинг ўзаро боғли ифода бериши ва эллипсис) оралик восита вазифасини бажаради. Лекин буларда ҳам ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари муносабати экстралингвистикдир.

5.Сўз ҳосила маъносининг юзага келиши икки нуқтаи назардан кўринишларга тасниф қилинади: 1) у ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно референтлари муносабатига кўра беш: ўзаро ўхшашлигига асосланса - метафора, алоқадорлигига асосланса - метонимия, бири бутун ва иккинчиси унинг бўлаги эканлигига асосланса - синекдоха, бирининг вазифасидан иккинчиси суриб чиқаришига асосланса - вазифадошлик, бирининг ҳаракати ёки ҳаракати цикли иккинчиси бўлишига асосланса - тобелилик каби кўринишларга ажралади; 2) ҳосила маъно сифати, яъни прагматик семага эга ёки эга эмаслигига кўра прагматик семали ҳосила маънолар, прагматик семасиз ҳосила маъноларга бўлинади.

6.Сўз лексик маъносининг кенгайиши ёки торайиши референ тининг ҳажми билан боғлиқдир. Сўз лексик маъноси кенгайишида референт ҳажми кенгайди ва у ҳақдаги тушунча доираси ортади

Сўз лексик маъноси торайганда тилларга бўлиниб, фақат бирини ифодалаш билан чекланади. Уларнинг иккиси ҳам экстралингвистик сабабга кўра содир бўлади.

7.Сўзларга эвфемистик маънони тақиш унга табуга учраган ёки маданийликка сиғишмаган сўз маъноларини юклаш билан боғлиқ бўлса, дисфемизм номувофик сўз билан шахс ёки нарсани аташдир. Табу деб фақат иримга кўра аталмайдиган сўзларга айтилади.

8.Табу ва дисфемизмни маданийлик даражаси билан ўлчаш нотўғри. У халкнинг маданий дунёқарши билан ҳам, руҳияти билан ҳам, характери билан ҳам боғли ҳолатда яшайди ва тараққий этади.

IV боб. ЛЕКСИК МАЪНО ТИПЛАРИ

Сўз ҳосила маъноларининг юзага келиши лексик маъно тилларининг шаклланишида катта аҳамиятга эга. Бироқ тилшуносликда лексик маънолар ҳамма томонидан тан олинган типларга тасниф қилиб чиқилган эмас. Бунга дастлаб В.В.Виноградов қўл урган бўлса,¹ кейин унинг таснифини баъзан ўзгаришсиз, баъзан ўзгариш билан К.А.Левковская,² И.В.Арнольд,³ Н.М.Шанский,⁴ Д.Н.Шмелев,⁵ Н.И.Фоминалар⁶ ўз асарларида қайд этиб ўтишди. Лекин лексик маъно типларини белгилаш масаласида уларнинг фикри бир хил бўлмади. Буни айрим тилшунослар ҳам алоҳида қайд этиб ўтган.⁷ Ўзбек тилшуноси Ш.Раҳматуллаев ҳам лексикологияга бағишланган ишида лексик маъно типлари ҳақида тўхтаб ўтган, бироқ у ҳам мавжуд анъана билан чегараланган.⁸

Лексик маъно типларини белгилашда ҳосила маъно юзага келиши асосий аҳамиятга эга. Шу билан уларнинг ўз референтини қандай ифодалаш, лексик маъно ифодаланишидаги сўзнинг бирикув имконияти, сўз ясалишидаги лексик маъно типлари диққат марказида туриши керак. Шуларни эътиборда тутиб, лексик маъноларни қуйидаги нуқтаи назарлардан типларга ажратиш лозим кўрилди.

1. Лексик маъноларнинг таракқиётига кўра.

2. Лексик маъноларнинг ўз референтини ифодалаш хусусиятига кўра.

¹ Қриг.: Виноградов В. В. Основные типы лексических значений слова // ВЯ. - 1963. С. 3-29.

² Қриг.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. - М.: ГУПИ. 1956. С. 36-45.

³ Қриг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - М.: ИЛИЯ. 1959. С. 57-62.

⁴ Қриг.: Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. - М.: Просвещение. 1972. С. 33-41.

⁵ Қриг.: Шмелев Д.Н. О типах лексических значений слова // Проблемы современной филологии. - М., 1965. С. 288-291; Проблемы семантического анализа лексики. - М.: Просвещение. 1973. С. 211-258.

⁶ Қриг.: Фомина М.И. Лексика современного русского языка. - М.: ВШ. 1973. С.19-25.

⁷ Қриг.: Звезгинцев В.А. Семасиология. - М.: Изд.МУ. 1957. С. 174; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 57; Шмелев Д.Н. О типах лексических значений слова... - С. 298.

⁸ Қриг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи. 1965. 128-130-б.

3.Лексик маъноларнинг ифодаланишида у оид бўлган сўз бирикувчанлигига кўра.

4.Лексик маънонинг сўз ясалишидаги типланишига кўра.

Лексик маъноларнинг таракқиётига кўра типлари

Сўзнинг лексик маънолари типлари шаклланишида ҳосила маъно юзага келиши катта аҳамиятга эга экан, дастлаб лексик маъноларни шу ҳодисага, яъни сўзларнинг семаник таракқиётига асосланиб типларга ажратиш лозим топилди Сўзларнинг лексик маънолари таракқиёт нуктаи назаридан икки типга: генетик маъно ва ҳосила маънога бўлинади.

Сўзлар маълум лексик маънога асосланган ҳолда юзага келади ёки ясалади. Бу лексик маъно шу сўзнинг генетик маъноси ҳисобланади.¹ Генетик маънодан бирор ҳодисага кўра ўша сўзда юзага келган лексик маъно ҳосила маъно дейилади.²

Генетик маъно сўзнинг биринчи лексик маъноси, яъни шу сўз юзага келиши ёки ясалиши учун асос бўлган лексик маънодир. Бироқ сўзнинг генетик маъносини этимологик маъно билан адаш-тирмаслик керак. Уларни бир тушунчанинг икки хил термин орқали ифодаланиши деб ҳам, бири иккинчисининг бир тури деб ҳам қараб бўлмайди.³ Генетик маънони белгилашда сўз семантикасига диахроник нуктаи назардан ёндашилса, фонетикасига синхроник нуктаи назардан ёндашилади. Этимологик маънони белгилашда сўзнинг фонетик таркибига ҳам, семантикасига ҳам диахроник жиҳатдан қараб таҳлил қилинади. Масалан, *қўғирчоқ*

¹ Генетик маъно термини дастлаб И.В. Арнольд томонидан қўлланган. Қриг.: Арнольд И. В. Лексикология современного английского языка. – С. 57. Кўпгина тилшунослар генетик термини ўрнида асосий(основной) терминини қўллайдилар. Қриг.: Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова... – С.13; Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С.45; Курилович Е. Заметки о значении слова // Очерки по лингвистике. – М., 1962. С. 246; Лендъел Л. «Переносное значение» или «образное употребление» слов? // Лексикология и лексикография. – М., 1972. С. 51; Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – С. 211; Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – С. 19. Ш.Рахматуллаев б о ш терминини қўлаган. Қриг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 128. Биз моҳияти эътибори билан генетик терминини қўладик.

² Қриг.: Виноградов В.В. Ўша асар. – 22; Левковская К.Л. Ўша асар. – С. 45; Звегинцев В. А. Семасиология. – С. 128; Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 58; Лендъел Л. “Переносное значение” или “образное употребление” слов?.. – С.51.

³ Худди шу қарашни К.А. Левковская ўзининг немис тили лексикологиясига бағишланган ишида илгари сурган. Қриг.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 38.

сўзининг этимологик маъноси билан генетик маъноси бир-биридан фарқ қилади. Агар бу сўзнинг фонетик тузилишига синхроник, семантикасига диахроник ёндашилса, у 'одам шакли ўиничок' лексик маъносига эга. Бу унинг генетик маъноси ҳисобланади. Агар унинг фонетик тузилишига ва семантикасига диахроник ёндашилса, қуйидаги ҳол кузатилади: *қўри-+қ+чи+қ* > *қўриқчиқ* > *қўқирчиқ* > *қўғирчиқ* > *қўғирчоқ*. Яъни у *қўриқчи* сўзига қ кичрайтиш аффиксини қўшиш билан ясалган: 'кичкина қўриқчи' лексик маъносига, тўғрироғи, ясама маъносига эга. Бу унинг этимологик маъноси дир.

Сўзнинг генетик маъноси шу сўзнинг фонетик таркибида дастлабки лексик маъноси дир. Ундан янги-янги лексик маънолар ҳосил бўлиши табиий ҳол ҳисобланади. Ҳосила маъноларнинг ўзидан ҳам бир қатор ҳосила маънолар юзага келади. Натижада уларнинг қайси бири бирламчи эканини аниқлаш қийинлашади. Рус семасиологи В.А.Звегинцев: "...кўпинча икки маънодан қайси бири эскироқ эканини кўрсатиш қийин, ҳатто мумкин бўлмай қолади" - дейди.¹ Бу фикрга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Ҳинд-Европа тиллари назарда тутилса, ҳақиқатга жуда тўғри келади. Аммо туркий тиллар, айниқса, ўзбек тилига нисбатан бундай деб бўлмайди. Ўзбек тилида тил таракқиёти ва сўз тузилишининг айрим қонуниятларига суяниб, маълум усуллар асосида кўп маъноли сўзларнинг генетик маъносини хатосиз бегилаш мумкин. Қуйида бу усуллардан тўрттаси кўрсатиб ўтилади. Бу усуллар: 1) морфематик таҳлил усули; 2) этимологик усули; 3) киёслаш усули; 4) тизимлаш усули деб номланади.

Сўзнинг генетик маъносини морфематик таҳлил этиш усули билан аниқлаш учун, у морфемаларга бўлинади ва маънолари аниқланиб, синтез қилинади. Масалан, *отланмоқ* сўзини таҳлил этиб кўриш мумкин. Уни морфемаларга ажратилса, *от+ла+-н* маъноли қисмларга эгаллиги кўзга ташланади. Морфема маъноларига кўра 'отга эга бўлмоқ' генетик маънога эга эканлигини англаймиз. У тил тарихига кўра шундай лексик маънода бўлган. М.Кошғарий луғатида 'отга минмоқ' лексик маъноси билан қайд этилган.² Бир жойга бориш учун ҳақиқатан ҳам аввал масофа эътиборига кўра отга миниб чиқилган, ҳозир кийинмоқ ва шай бўлмоқ керак.

¹ Қрғ.: Звегинцев В.А. Семасиология. – С. 255.

² Қрғ.: Кошғарий М. Девону луғотит турк. I т. – Тошкент: Фан. 1960. 256 б.

Сўзнинг генетик маъносини этимологик усулга кўра аниқлаш учун морфематик таҳлил этиш усулидан фойдаланиш керак бўлади. Яъни сўзни морфемаларга бўлинади ва маънолари таҳлил этилади. Лекин бундан олдин сўзнинг фонетик ўзгаришга учраб кетган товуш таркибини қайта тиклаш биринчи вазифа бўлади. Кейин морфемаларни семантик таҳлил этилади.

Бунинг учун *этак* сўзининг генетик маъносини этимологик усулда аниқлашдан иш бошлашга тўғри келади. У аввал морфемаларга ажратиб кўрилса, у *эт+ак* морфема таркибига эга эканлиги маълум бўлади. Унинг *-ак* ёрдамчи морфемаси ўзбек тилида бор ясовчи морфемалардан.¹ Яна *терақ, этак, бўлак, кесақ, юрак* каби сўзларнинг ясовчиларига ҳам эътибор бериш мумкин. *-ак* морфемасини ясовчи деб олганимизда унинг ўзаги *эт-* морфемаси деб қаралади. *Эт-* қисми *этак* сўзининг ўзаги эмас. Одатда ясама сўз ўзаги, яъни туб сўз ундош+унли+ундош қолишида бўлади.² Шунга кўра *эт-* қисмининг анлаути тушиб қолган дейиш ҳақиқатга зид чикмайди. Бунинг учун *этак* сўзининг козочча *жетек* вариантини эслаймиз. Бунда ўзак *жет-* деб қаралади. Унинг Сибир туркийлари тилидаги варианты *чет-* бўлади. Бу сўз қадим туркий тилида *сет-* феълидан иборат бўлиб, 'охирига тақил' маъносини беради.³ У шу феълдан ясалган дейиш мумкин. Шунга кўра *этак* сўзининг фонетик тараккиёти қуйидагича деб қаралади: *чет-+ак > четақ > жетақ > этак > этак*. Морфемалар маъносига эътибор берилса, *этак* сўзининг генетик маъноси 'чет жой' бўлган дейилса, тўғри бўлади. Бундан айтиш мумкинки, сўзнинг генетик маъноси этимологик усулда аниқланганда, у ҳамма вақт этимологик маънога тенг келади.

Ўрни келганда шуни ҳам эсга олиб ўтиш жоизки, Т. Аликулов ўз ишида *этак* сўзининг 'паст қисм,' 'фартук,' 'чегара' ва 'қуйи оқим' деган тўрт лексик маъносини санаб ўтиб, 'паст қисм' лексик маъносини бош (яъни генетик) маъно деб кўрсатади.⁴ Унинг генетик маъносини белгилар экан, ҳеч қандай асос келтирмаган.

¹ Қриг.: Маъруфов З.М. Словообразовательные и словоизменительные аффиксы узбекского языка //Узбекско-русский словарь / гл. ред. А.К. Боровков. – М.: ГИИНС. 1959. С. 716.

² Қриг.: Баскаков Н.Л. Каракалпакский язык. Т. II. Ч.1. – М., 1952. С. 101.

³ Қриг.: Древнотюркский словарь / под ред. В.М. Неделяев, Д.М. Насилов, Э.Р. Тенишев, А.М.Щербак. – Л.: Наука. 1969. С. 145.

⁴ Қриг.: Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент, 1966. С.6.

Ваҳдоланки, уни этимологик усулда аниқлаш семантик тараққиёт схемасини ҳам аниқ қилиб қўяр эди.

Сўзнинг генетик маъносини қиёсий усул билан аниқлаш учун у генетик бир бўлган сўз билан ёки қардош тиллардаги вариантлари билан семантик солиштириб чиқилади. Масалан, *юз* сўзи “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да етти лексик маъно билан қайд этилган. У ясама сўз эмас. Унинг генетик маъносини морфемалари маъносидан келтириб чиқариб бўлмайди. *Юз* – туб сўз. Туб сўзлар ўзига хос қонуният билан ҳосил этилганлиги кузатилади. Масалан, *ич* отининг генетик маъноси *ич*- феълининг, *кет* отининг генетик маъноси *кет*- феълининг, *тош* отининг генетик маъноси *тош*- феълининг, *кўч* отининг генетик маъноси *кўч*- феълининг генетик маъносини тақозо этади. Туркий туб сўзларнинг бир-бирини семантик тақозо этадиган бундай от ва феъл жуфтлигига эга бўлиши қонуниятдир.¹ Шунга кўра ўзбек тилидаги *юз* отининг *юз*- феъл йўлдоши ҳам бор деган фикрни илгари сурамыз. Чунончи, эски ўзбек тилида *юз*- феъли бўлгани ҳолда,² у *суз*- феълининг вариантдир. Ҳозирги қардош туркий тилларда ҳам *суз*- феъли билан *юз* оти бир хил фонетик таркибга эга. Масалан, хакас тилида *чус*- / *чус*,³ қирғиз тилида *жус*- / *жус*,⁴ туркман тилида *йўз*- / *йўз*,⁵ татар тилида *йөз*- / *йөз*⁶ фонетик таркибига эга бўлиб, улар от ва феъл жуфтлигидан иборат. Бундай от ва феъл жуфтликлари ҳамма вақт бир-бирини семантик тақозо этади. Шуларга қараб ҳукм чиқарилса, *суз*- феълининг ҳаракати билан боғли бирор нукта

¹ Қриг.: Мелиоранский П.М. Памятник в честь Кюль-Тегина. ЗВО, XII вып. II-III. СПб. 1899. Примечание 22; Grönbekk K. Der türkische Sprachbau. I. – Kopenhagen. 1936. S.19; Гулямов А.Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. I. Аффикация. Рук. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент. 1955. С. 319-360; Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек тилида омонимлар ва синонимлар // ТДПИ илмий асарлари. XII чик. – Ташкент. 1959. 48-б.; Юнусалиев Б.М. Киргизская лексикология. I-ч. - Фрунзе. 1959. С. 53-84; Джафаров С.А. Лексика современного азербайджанского языка. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Баку. 1959. С.10; Абражеев И.А., Данилов Н.А., Бигаев Р.И. Очерки по сопоставительной грамматике русского и узбекского языков. – Ташкент. 1960. С.189; Юлдашев А. Критики и библиографии // Русский язык в национальном школе. – 1960. №6. С.83.

² Қриг.: Фозилов Э. Староузбекский язык Харезмийские памятники XIV века. Т.1. – Ташкент: Фан. 1866. С. 553-555.

³ Қриг.: Тувинско-русский словарь / Под ред. А. А. Польшаха. М., 1955. С.

⁴ Қриг.: Юдахин К.К. Киргизско-русский словарь. – М.: СЭ. 1965. С. 272,273.

⁵ Қриг.: Туркменско-русский словарь / Под ред. Н.А.Баскакова, Б.А.Карривла, М.Я. Хамзаева. – М.: СЭ. 1968. С. 370.

⁶ Қриг.: Татарско-русский словарь – М.: СЭ, 1966. С. 193,194.

назар юз отида мавжуд. Яъни сўз- феъли англлатган ҳаракат юз оти англлатган сув сатҳига қаратилган бўлиши керак. Айтиш мумкинки, сўзнинг генетик маъносини аниқлаш учун қўлланилган қиёсий усул тилнинг тизим эканлигига суянади. У ёзма ёдгорликлар воситасида, этимология орқали изланишлар ожизлик қилиб қолганида, бирдан-бир қўл келадиган ва ишончли усулдир. Сўзлар этимологияси учун ҳам у муҳим аҳамият касб этади.

Сўзнинг генетик маъносини тизимлаш усули билан аниқлаш учун, шу сўз билан дастлабки икки товуши бир хил сўзларни, айниқса, шундай таркибли феълларни семантик жиҳатдан солиштириб чиқилади. Бу усул кўпроқ туб феъллар генетик маъносини аниқлашда қўл келади. Масалан, *тур-* феълнинг генетик маъносини шу усулда аниқлаб кўрайлик. *Тур-* феъли семантик жиҳатдан ҳам ҳаракат, ҳам ҳолат феъли ҳисобланади. У бир йўла икки семантикага эга ҳолда юзага келмаган. Унинг ё ҳаракат билдирувчи, ё ҳолат билдирувчи лексик маъноси илгари ҳосил бўлган. Буни аниқлаш учун тизимлаш усулидан фойдаланиш маъқул. Бунда *тур-* буйруқ феълнинг 1- ва 2-товушлари билан 1- ва 2-товушлари бир хил бўлган туб феълларни келтириб, улар семантик жиҳатдан ўзаро қиёслаб кўрилади. Шунда улар семантикаси бир хил бўлиши керак. Қиёс қилинг: ҳозирги ўзбек тилидаги *туз-* ‘барпо эт-’ *тут-* ‘тик ҳолда ушла-’ *туш-* ‘тик ўрнаш-’ каби туб феълларни ва қадимги туркий тиллардаги *тун-* ‘тўсиқ бўл-’¹ *туғ-* ‘кўтарил-’² *тул-* ‘зарб бер, сур-’³ каби туб феълларни. Уларнинг ҳаммаси маълум тик ҳолатни олиш ҳаракатини ифода этишига кўра семантик жиҳатдан уйғунлашади. Мана шу туб феъллар тизимига *тур-* феъли ҳам киришини ҳисобга олсак, унинг ҳаракат ифода этувчи лексик маъноси генетик маъно эканлиги маълум бўлиб қолади. Туркий туб феълларнинг 1- ва 2-товуши бир хил бўлганлари бир тизимга олинса, улар ҳамма вақт бир-бирини семантик тақозо этганлиги кузатилади. Тизимлаш усулида туркий тилларга хос бўлган мана шу қонуниятдан фойдаланилди.

Тизимлаш усули туркий туб феълларнинг генетик маъносини очиб беришдан ташқари уларнинг тизимини аниқлаш ва қадимий фонетик тузилишини билиб олиш учун ҳам ҳал қилувчи восита

¹ Қрнг.: Древнетюркский словарь. - С. 586.

² Қрнг.: Кошғарий М. Девону луготит турк. III т. - 129-6.

³ Қрнг.: Кошғарий М. Девону луготит турк. II т. - 31-6.

бўлади. У кўп ҳолларда қиёсий усул билан бирга табиқ килиниши мумкин. Булар туркий сўзлар этимологиясини аниқлашда асосий таянч вазифасини ўтайди.

Кўрдикки, генетик маъно сўзнинг ясалиши ёки юзага келишига асос бўлган лексик маънодир. Уни аниқлаш учун сўз семантикасиغا диахроник жиҳатдан, фонетик таркибига синхроник жиҳатдан ёндашилади. Сўзнинг ҳосила маънолари учун пойдевор вазифасини бажаради.

Сўзнинг ҳосила маъноси¹ генетик маъносидан референтлар муносабатига кўра юзага келган лексик маънодир. Бир сўзда фақат бир генетик маъно бўлиши, баъзи сўзларда у ҳам этимологик бўлиб кетиши мумкинлиги ҳолда, ҳосила маъно бир ёки бир неча бўлиши табиийдир. Семантик тараққий этмаган моносемантик сўзлар ҳосила маънога эга бўлмайди. Шундай сўзлар ҳам борки, синхроник жиҳатдан қараганда, генетик маънога эга бўлмай, фақат ҳосила маънодан таркиб топади. Бунинг учун *отланмоқ* феълининг семантик таркибини эслаш кифоя. Унинг 'отга минмоқ' ифодасини берувчи генетик маъноси аллақачон этимологик бўлиб кетган. Шунга қарамай, *отланмоқ* феъли полисемантик, яъни икки ҳосила маъноли сўздир: 1) кийинмоқ. *Меҳмонга отланмоқ*; 2) шайланмоқ. *Ҳужумга отланмоқ*.

Сўз ҳосила маъноси метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, тобелилик ҳодисаларининг барчасига кўра юзага келади. Бунда сўзнинг маъно тараққиётига кўра ҳосил бўлган барча лексик маънолари назарда тутилади. Ҳосила маънолар полисемантик сўзнинг скелетини шакллантиради. Маълум сўзда ҳосила маъно

¹ Деярли тилшунослар сўзнинг генетик маъносига қарама-қарши қўйилган лексик маъноларни я с а м а (производнос) м а ъ н о тармини билан атайди. Қриг.: Левковский К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 40; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 57; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С.163; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 123 б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. 3-нашри. – 23-б. Муаллифнинг асосий маъно терминини аффиксация натижасидаги лексик маънолар билан боғли деб ҳисоблади. Бу термин ўрнида к ў ч м а м а ъ н о термини ҳам қўллаяди. Қриг.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С.58; Камолов Ф.К. *Семасиология // Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 т. / Ғ. Абдурахмонов таҳр. ост.* – Тошкент: Фан, 1966. 11 б.; Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке... – С.322; Левинов И. «Переносное значение» или «образное употребление» слов?... – С.51, Таб. III. Сопоставительная лексикология. – М.: МО. 1977. С. 109; Фомина М.И. *Сопоставительная лексикология*. – С. 42. Кўчма маъно терминини лексикографлар фонурига маъно термини ўрнида қўллагани учун, ундан кечиб, ҳосила маъно терминини қўллагани. Чунки генетик маънонинг тараққиёти фақат ҳосила маънони юзага келтирилади.

юзага келтирилар экан, кўп ҳолларда ифоданинг образлиги таъминлаш мақсад қилиб олинади.¹ Лекин ҳамма вақт ҳам ифоданинг образлиги таъминлаш мақсади билан ҳосила маъно юзага келавермайди. Бу ҳосила маъно юзага келиши таснифини қилганимизда алоҳида кўриб ўтилган эди. Прагматик семасиз ҳосила маъноларнинг юзага келиши тилда кенг тарқалган. Масалан: *Сув бошидан лойқайди* (мақол). *Кўриб гул юзингни бозда бандадир* (Мукимий) гапларидаги *бош*, *гул* сўзларида метафорага кўра; *Ётиб қолгунча отиб қол* (мақол). *Дастурхонга боққан дўст эмас* (мақол) гапларидаги *ётмоқ*, *дастурхон* сўзларида метонимияга кўра; *Бир бошга бир ўлим* (мақол). *Айланади бутун коинот* (Ҳ.Олимжон) гапларидаги *бош* ва *коинот* сўзларида синекдохага кўра ҳосила маъно юзага келган, лекин прагматик семага эга эмас, образли ифодаламайди. Шунингдек, вазифадошлик ва тобелиликка кўра ҳосила маъно юзага келганда ҳам образлилик ўз ўрнини топмайди.

Сўзнинг юзага келган ҳосила маъноси образлиликни маълум вақт ўтгач, йўқотиши мумкин.² Бунинг учун Ш.Раҳматуллаев қозоннинг қулоғи, чойнакнинг бурни бирикмаларидаги қулоқ, бурун сўзларининг ҳосила маъноси ўз ифодаларидаги образлиликни йўқотганлигини мисол қилиб беради.³ Бу ўзбек тилидаги мазкур фикрни исботловчи фактдир.

Демак, ҳосила маъно сўзнинг генетик маъносидан унинг тараққиёти натижасида юзага келган лексик маъно бўлиб, у ифода этган референт генетик маъно референти билан қандайдир муносабатда бўлади. Ҳосила маъно ҳосила маънодан ҳам юзага келади. У полисемантик сўз таркиб топиши учун асосий пойдевор вазифасини ўтайди.

Хуллас, лексик маънолар сўзнинг семантик тараққиётига кўра генетик маъно ва ҳосила маъноларга бўлинади. Генетик маъно сўз фонетик таркибига синхроник, семантикасига диахроник жиҳатдан ёндашилганда дастлабки, сўз ясалиши ёки ҳосил бўлиши учун сабаб бўлган лексик маънодир. Ҳосила маъно генетик маънодан

¹ Крнг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 58; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 76; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – С.41.

² Крнг.: Левковская К.А. Ўша асар. – С. 41; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 129-б.

³ Крнг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. Ўша бет.

ёки бошқа бирор ҳосила маънодан юзага келган лексик маъно ҳисобланади. Генетик маъно полисемантик сўз учун пойдсор вазифасини ўтайди.

2. Лексик маъноларнинг ўз референтини ифодалиши хусусиятига кўра типлари

Сўзнинг генетик ва ҳосила маънолари ўз референтини тўғридан-тўғри ифодалаш билан чегараланиши ҳам, референтини образли қилиб, яъни бошқа бирор лексик маъно референти билан қиёслаб ифодаланиши ҳам мумкин. Генетик маъно ҳамма вақт ўз референтини тўғридан-тўғри ифодалаш билан чегараланади. Ҳосила бўлган лексик маъноларнинг хусусияти ҳаммасида ҳам бир хил шундай эмас. Лексик маънолар, ўз референтини ифодалашдаги хусусиятнинг турлича эканлигини ҳисобга олиб, икки типга бўлинди.¹ Улар номинатив маъно ва фигурал маънолардир.²

Номинатив маъно тўғридан-тўғри референтга, яъни нарса, воқелик, ҳаракат, ҳолат ёки белгига қаратилган лексик маънодир.³ Бундай лексик маънода инсоннинг ички ҳаёти, ундаги ижтимоий тушунча ҳам ўз аксини топади.⁴ Масалан, *оила*, *хотин*, *дўст*, *меҳнат* сўзларининг генетик бўлган номинатив маъноси бундан бир неча йил илгариги киши билан ҳозирги давр зиёлиси онгида бир хил тушунча билан акс этмайди. Мазкур номинатив маъно ифодасининг референти ўз қимматини сақлагани ҳолда, тушунча доирасида айрим фарқлар юзага келиши мумкин. Яъни *хотин* сўзининг генетик маъноси бир тушунча ифода этгани билан феодализм онгида шахсий мулк қаторига қўйилгани ҳолда, ҳозирги давр зиёлиси онгида ҳаёт йўлдоши деб тасаввур этилади.⁵

Умуман олганда, тилшуносларнинг номинатив маъно ҳақидаги тушунчаси туб моҳияти билан бир хилдир. Лекин унинг сўздаги ўрни, миқдори ва ҳосил бўлиши масаласида фарқли томонларни

¹ Крнг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. Ўша бет.

² Крнг.: Фомина М.И. Лексика современного русского языка. – С.19.

³ Крнг.: Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова. – С. 12; Арнольд И.В. Ўша асар. С. 59; Шанский Н.М. Ўша асар. С. 37; Шмелев Д.Н. О типах лексических значений слова // Проблемы современной филологии. – М.: Наука. 1965. С. 228; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. Ўша бет.

⁴ Крнг.: Виноградов В.В. Ўша асар. Ўша бет; Арнольд И.В. Ўша асар. Ўша бет; Ахманова О.С. Ўша луғат. – С168; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. 1990. Шанский Н.М. Ўша асар. Ўша бет.

⁵ Крнг.: Виноградов В.В. Ўша асар. Ўша бет; Ахманова О.С. Ўша луғат. – С. 163.

учрагиш мумкин. В.В.Виноградов полисемантик сўзларнинг семантик таркибида номинатив сўзларнинг тутган ўрни ҳақида тўхталиб” ...эркин номинатив маъно бир сўзда бир, агар улардан бир ёки иккитаси асосий маънодан келиб чиққан бўлса, ундан ортиқ бўлиши ҳам мумкин” - деган гапни қайд этади.¹ Бироқ ҳамма тилшунослар ҳам шу нуқтаи назарда қолмайди. К.А.Левковская номинатив маъноларга ҳосила маъноларни қарама-қарши қўяди. Шу билан у номинатив маънони бир полисемантик сўзда фақат битта бўлади деб чегаралаб қўяди.² Бироқ яна, юқорида қайд этилганидай, кўчма маънолар ўз образлилигини йўқотади, деб, асосий маънога айланади, деган.³ А.А.Реформатский номинатив маънони генетик маъно сифатида таҳлил этган. Шунинг учун ҳам, бир сўзда бир номинатив маъно кўрсатиб таҳлил этишдан нари ўтмаган.⁴

Фактлар В.В.Виноградовнинг фикрини қувватлайди. Ўзбек тили фактлари асосидаги таҳлилларимиз ҳам унинг қарашларини асослаб кўрсатади. Масалан, *этак* сўзининг семантик таркиби таҳлил этилганди. Юқорида эса унинг генетик маъноси ҳам кўрилган эди. Энди унинг барча лексик маъноларига эътибор беришга тўғри келади.

1. Айлана чет жой. *Стадион этаги.*
2. Тугаш, қуйи жой. *Боз этаги. Дарё этаги.*
3. Пастки қисм, ёнбағир. *Тоз этаги.*
4. Кийимнинг пастки қисми. *Кўйлак этаги.*
5. Фартуг. *Этак тақмоқ.*

Бу сўзнинг биринчи лексик маъноси генетик маъно бўлиб, қолганлари ҳосила маънодир. Бироқ бу беш маънонинг ҳаммаси ҳам ўз референтини тўғридан-тўғри ифода этади, бирортасида ҳам образли ифодалаш хусусияти йўқ. Шулардан, айтиш мумкинки, бир полисемантик сўзнинг генетик маъноси ва баъзан ҳосила маъноларининг ҳаммаси номинатив маъно бўлади.

Номинатив, яъни атовчи маъно ўз номи эътибори билан фақат от туркумига оид сўзларда бўлади, деган фикрга келмаслик керак. У сифат, сон, олмош, феъл, равиш туркумига оид сўзларда ҳам ўз аксини топади. Сон ва олмош туркумига оид сўзларда эса фақат номинатив маънолар бўлади.

¹ Қриг.: Виноградов В.В. Ўша асар. – С. 13.

² Қриг.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 41.

³ Қриг.: Левковская К.А. Ўша асар. – С. 47.

⁴ Қриг.: Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 57,58,70,115.

Сўзларнинг ясама маъноси деярли ҳолда номинатив хусусиятга эга бўлади. Сўз яшаш асоси ва ясовчи морфемалар образини ифодаи эга ҳолатда танланмайди.

Демак, номинатив маъно сўзнинг ўз референтини тўғридан тўғри ифода этадиган лексик маъносидир. Генетик маъноларнинг ҳаммаси номинатив бўлади. Ҳосила маъноларда ҳам образини ифода ва ҳам қиёс ўз ўрнини топмаса, у номинатив маъно ҳисобланади.

Фигурал маъно ўз референтини бирор номинатив маъно референтига қиёслаб, боғлаб, унинг белгисини кўчириб олиб, образли ифода этувчи лексик маънодир.¹ У мумтоз адабиётшуносликда мажозий маъно деб ҳам аталади. Фигурал маъно ўзича мустақил ҳаёт эмас. У ҳамма вақт бирор номинатив маънога алоқадор, муносабатда бўлган ҳолда воқеланади ва референтини ифода этади. Масалан, *Парвоз этиш илмин ўрганар бунда* (М.Худойкулов). гапида *илм* сўзи 'сир' фигурал маъноси билан воқеланган. *Илм* сўзининг бу ҳосила маъноси фигурал маънодир. Мазкур маънони *сир* сўзи орқали ҳам ифода этиш мумкин эди. Бироқ унда бир дақиқада билиб олиш, кейин машқ билан эгаллаш ифодаланар эди. Бунинг ўрнига мазкур маъно *илм* сўзи орқали берилиб, парвоз этишни билиб олишга уринишнинг ўзини машаққатли қилиб, ошириб тасвирлаган. Бу мақсадга *илм* сўзининг ҳосила маъносини номинатив маъноси билан боғлаш, унга қиёслаб бериш орқали эришилган. Яъни сир билишни *илм* ўрганишга қиёслаб тушунтирилган. Бу сир билишнинг машаққатли жараёнга эга бўлиб шаклланишига, образлиланишига олиб келган. Умуман фигурал маънолар мана шундай номинатив маъно орқали, у воситасида ифода беради.

Генетик маъно ҳеч қачон фигурал маъно бўлмайди. Чунки у сўзнинг биринчи лексик маъносидир. Уни қиёслаш учун ҳеч қандай лексик маъно йўқ. Сўз шу маънога асосланиб яралади ёки ҳосил бўлади.

Фигурал маъно сўз семантик тараққиётининг, яъни ҳосили маъно юзага келишининг сўнгги босқичида туради. Унга асосланган ҳолда бошқа ҳосила маъно юзага келмайди. У фигурал маънонинг табиати билан боғлиқдир. Чунки фигурал маънонинг ўзи номинатив маъно билан алоқадор ҳолда ифода беради. У ўзи билан боғли ҳолда бошқа фигурал маънонинг ифода бериши учун асос бўла олмайди. Бошқа референтнинг қиёсланиши ва алоқадорлиги

¹ Қрғн.: Кодухов В.И. Введение в языкознание. – М.: Просвещение, 1979. С. 197

назарга олиниши учун фигурал маънонинг тўғридан-тўғри ифода этилган референти йўқ. Масалан, *Норбойнинг думи бормиши* (Қ.Мухаммадий). гапидаги дум сўзи ‘ўқув қарзи’ фигурал маъноси билан воқеланган. Бунда ‘ўқув қарзи’ фигурал маъноси сўзнинг номинатив маъноси референти, яъни ҳайвон думини эътиборда тутиб, образлаштириб, уни ифодалашдан иборат. Агар шу фигурал маънодан янги ҳосила маъно юзага келтирилиши керак бўлса, ҳосила маъно референти фигурал маънонинг восита орқали тасаввур этиладиган референтига қиёсланиб ёки алоқадорлиги назарда тутилиб, тасаввур этилиши керак. Бу мантиқан мумкин эмас.

Сўз фигурал маъноси билан янги ясама сўз учун ясалиш асоси бўла олмайди. Масалан, мазкур дум сўзидан *думли ёки думдор* сўзлари ясалар экан, дум сўзига оид фигурал маънодан ясама маъно ясалиб, ўша ясама сўзлар таркибига киритилган эмас ва бунинг иложи ҳам йўқ. Фигурал маъно референтининг ифода этилишидаги шартли ҳолат шу фигурал маъноли сўздан ясама маъно ясалишига имкон бермайди.

Фигурал маънолар бошқа лексик маъно типларига нисбатан ниҳоятда чегараланган имкониятга эгаллигига қарамай, Ш.Раҳматуллаев қайд этишича, баъзи тушунчалар фақат у орқали ифодаланлади. Масалан, *гапнинг тузи, гапнинг мағзи, гапнинг қаймоғи* бирикмаларидаги *туз, мағиз, қаймоқ* сўзларининг воқеланган фигурал маънолари ҳақида худди шуни айтиш мумкин.¹

Деярли тилшунослар, айниқса, лексикографлар фигурал маъноларни кўчма маъно термини билан атайдилар.² Бунинг сабаби фигурал маънолар ҳамма вақт кўчма маъно, бизнингча, ҳосила маъно эканлиги билан боғли бўлишидир. Лекин ҳосила маъно номинатив маъно бўлиши ҳам, фигурал маъно бўлиши ҳам мумкинлиги³ ҳақида юқорида қайд этилган эди. Кўчма, яъни ҳосила маъноларни О.С.Ахманова ҳатто тропларнинг бир кўриниши сифатида талқин қилади.⁴ Троплар нуткий маъно ҳисобланади. Нуткий маънолар муайян бир нутқ жараёнида ҳосил бўлиб, ундан ташқарида яшамайди. Ҳосила маънолар номинатив маъно бўлса ҳам, фигурал маъно бўлса ҳам, ўз имконияти бўйича талаб қилган

¹ Қриг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. – 129-б.

² Қриг.: Виноградов В.В. Ўша асар. – С. 12; Левковская К.А. Ўша асар. – С.41; Арнольд И. В. Ўша асар. – С. 49; Шанский Н.М. Ўша асар. – С. 39.

³ Қриг.: Леядель Л. “Переносное значение” или “образное употребление” слов?... - С. 49.

⁴ Қриг.: Ахманова О.С. Ўша луғат. - С. 163, 275, 492.

ҳар қандай нутққа киритилаверади. Тилшунос М.Ҳақимова: "Фигурал маъно фақат муайян контекстдагина воқе бўлади" деб, *ингилинг гули* бирикувини мисол тарикасида келтиради.¹ Шу билан фигурал маънони *гул сўзи* мисолида нутқий маънога киритиб қўйган. *Гул сўзининг йигит сўзи* билангина келиб, 'сари' маъно сини бериши ҳали муайян бир контекст(матн)да қўллангани билан боғли натижа эмас. У шу фигурал маъноси билан *қиларнинг гули, аёллар гули* бирикмаларида ҳам қўлланади. Чунки унинг шу сўзлар билангина келганида қўлланадиган боғли маъносидир.² Лекин у шу бирикма таркибида имкониятига мос келган ҳар қандай матнда берилиши ва ўша матнда воқеланиши табиий. Чуки у фигурал боғли маъно бўлса ҳам, лексик маъно ҳисобланади. Лексик маънолар сўзнинг семантик таркибида бўлиб, қайси матнга киритилса, унда воқеланаверади. Бу ўринда боғли маънолар маълум матндагина ҳосил бўладиган нутқий (окказионал) маъно билан адаштирилган.

Фигурал маъно фақат метафора, метонимия, синекдохага кўра юзага келган ҳосила маъно доирасида, от, сифат ва феъл туркумларида кузатилади.

Демак, фигурал маъно ўз референтини бирор номинатив маъно референтига қиёслаш, алоқадорлигини назарда тутиш орқали ифода этувчи лексик маънодир. Генетик маъно ҳеч қачон фигурал маъно бўлмайди. Фигурал маъно фақат ҳосила маънолардагина кузатилади. Сўзнинг семантик тараққиётида фигурал маъно энг сўнгисини эканлиги ҳолда, ундан ҳосила маъно ҳам, ясама маъно ҳам юзага келмайди.

Хуллас, лексик маънолар ўз референтини бевосита ёки билвосита ифода этишига кўра номинатив маъно ва фигурал маъно каби типларга бўлинади. Номинатив маъно ўз референтини тўғридан-тўғри ифодаласа, фигурал маъно ўз референтини бирор номинатив маъно референтига қиёсан, унинг белгисини кўчириб олиб, образли ифода беради. Номинатив маъно ҳам генетик, ҳам ҳосила маъно бўлгани ҳолда, фигурал маъно фақат ҳосила маъноларда кузатилади. Фигурал маънодан ҳосила маъно ҳам, ясама маъно ҳам юзага келмайди.

¹ Қри.: Ҳақимова М. Семасиология. – 43-б.

² Боғли маъно ҳақида шу бобнинг кейинги сарлавҳаси остида муфассал тўғри келиши

3. Лексик маъноларнинг нутқда ифодаланиш ҳолатига кўра типлари

Лексик маъноларнинг нутқда воқеланиш ҳолати турличадир. Сўзлар айрим лексик маънолари билан нутқда воқеланганда фақат бир валентлигига кўра санокли сўз билан бирикмага киришса, айрим лексик маънолари билан нутқда воқеланганда бундай чекланиш бўлмайди. Шунга кўра сўз лексик маънолари икки типга: эркин маъно ва боғли маъноларга ажралади.¹

Эркин маъно нутқдан ташқарида ҳам ўзи оид бўлган сўзда ўз референтини ифода этаверадиган лексик маънодир.² Улар воқеланадиган сўз икки ва ундан ортиқ валентлигига кўра бирикувга кириша олади. Шу билан бирга у бирикиши мумкин бўлган сўзлар доираси анча кенг бўлади. Масалан, *гап* сўзи ўзининг генетик маъносини нутқдан ташқарида ҳам ифода этади, у эркин маънодир. У бир неча валентликларида воқеланиши ва бир неча сўзлар билан бирикиши мумкин. Қиёс қилинг: *Тўғри гап* – қиличдан ўтқир (мақол). *Гапни гапир уққанга...* (мақол.) *Аммо айтганимда гапнинг ростини, аканг пақир сурар унинг гапшини* (М.Худойкулов). *Кечирасиз, сизга бир гапим бор эди* (О.Ёкубов). *Азларов бошқа гап айтолмай, жаҳл билан яна бир марта “ўртоқлар!” деди* (С.Аҳмад). Бу мисолларнинг ҳаммасида ҳам *гап* сўзининг лексик маъноси айнан бир хил бўлиб, у турли валентликлари бўйича турлича сўзлар билан бирикиб келган. У *тўғри гап*, *бошқа гап* битишув бирикмаларида аниқланмиш, *гап* – *ўтқир*, *гапим бор* предикатив қўшилмасида эга, *гапни гапир*, *гап айтолмай* объектли бирикмаларида тўлдирувчи, *гапнинг ростини* қаратқичли бирикмасида қаратқич вазифасини ўтаган. Шундан айтиш мумкинки, унинг бирикув имконияти жуда кенг, яъни у эркин маъно, ҳамма ҳолда ҳам воқеланади.

Сўзлар эркин маъноси асосида коммуникацияга киришар экан, чексиз валентликларни воқелантириши ва ҳар қандай сўз билан бирикмага киришавериши мумкин эмас. Аввало валентлик сўз семемасининг сема таркибига қараб белгиланади. Яъни сўз семантикаси йўл қўйган ва у билан семантикаси мос келган сўз

¹ Қрнг.: Фомина М.И. Лексикология современного русского языка. – С.22.

² Қрнг.: Арнольд И.В. Ўша асар. - С.61; Шанский Н.М. Ўша асар. – С. 38; Фомина М.И. Ўша асар. Ўша бет.

билан бирикувга киришади.¹ Ҳатто сўзнинг иккинчи бир сўз билан бирикувга киришиши учун улар денотатив семасининг бирортаси мос келишидан ташқари прагматик семаси ҳам мувофиқ келиши шарт. Масалан, *иссиқ чехраси, нуроний чехраси* деб бирикма тузиш мумкин, лекин *иссиқ башара, нуроний турқ* деб бирикма тузиш бўлмайди. Чунки кейинги бирикмалардаги сўз лексик маъноларининг прагматик семалари мос келмаган.

Эркин маънолар кўп хусусияти билан номинатив маъноларга жуда яқин туради. Шунинг учун айрим тилшунослар уларни тешкилиб қўяди.² Ҳақиқатан ҳам эркин маънолар номинатив маънога ўхшаш синекдоха ва вазифадошликка кўра юзага келган барча ҳосила маъноларни ўз ичига олади. Чунки синекдохада инсон тафаккури тараққиёти, белгисига қараб номлаш асос бўлса; вазифадошликда эскининг ўрнига янгиси келиши ва унинг барча хусусиятларини меросга олиб қолиши асос бўлиши аҳамият касб этади. Бу уларнинг эркин маъно бўлиб келишини таъминлайди. Метафора, метонимия, тобелиликка кўра ҳосила маъно юзага келиши ҳақида бундай деб бўлмайди. Чунки бу ҳодисаларга кўра кўпроқ образли, мажозий, яъни фигурал маънолар юзага келади. Улар кўпроқ боғли ҳолда ифода топади. Шунга қараб номинатив маъно билан эркин маъно адекват экан, деган хулосага келмаслик керак. Масалан, юқорида *этак* сўзининг ҳамма лексик маъноси номинатив маъно деб кўрсатилган эди. Ваҳоланки улардан 'ёнбағир' лексик маъноси эркин маъно эмас.

Эркин маънолар барча мустақил маъноли сўз туркумида мавжуд. У, барча мустақил маъноли сўзлар полисемантик бўлса, генетик ва ҳосила маъноларида ҳам қайд этилади. Лекин сон туркуми бундан мустасно. Чунки сон туркумидаги сўзларнинг ҳосила маъноси сонга эмас, бошқа туркумга, айниқса сифат туркумига мансуб бўлади. Сон ва сифат туркумига ўхшаш туркум, белгини – миқдор белгисини – билдиради.

Демак, эркин маъно нутқдан ташқарида ҳам ўзи оид бўлган сўзда референтини ифодалай оладиган, шу сўзнинг бирдан ортик валентликда воқеланиши учун асос бўладиган лексик маънодир. У сўз туркуми жихатидан чегараланмаганлиги баробарида ҳосила

¹ Валентлик ҳақида ишнинг сўнги бобида муфассал тўхталамиз.

² Кринг.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 61; Шанский Н.М. Ўша асар. – С. 38.

маъно юзага келишининг барча ходисалари натижаси ҳам бўлаверади.

Боғли маъно коммуникацияда ўзи оид бўлган сўз муайян бир валентлигига кўра санокли сўз билан бирикувчи ёки фақат бир тип бирикмалар таркибида воқеланувчи лексик маънодир.¹ У шунга кўра: фразеологик боғли маъно, грамматик боғли маъноларга бўлинади.²

Фразеологик боғли маъно ҳақида Ш.Раҳматуллаев: "...Жуда тор контекстда, маълум бир семантик гуруҳни ташкил қилувчи санокли сўзлар билангина боғланишда реаллашувчи (воқеланувчи) кўчма (ҳосила) маънодир" - деб таъриф берган эди.³ Бунинг учун у *зам чекмоқ, азоб чекмоқ, риёзат чекмоқ* бирикмаларидаги *чекмоқ* феълининг 'кечинмасида бўлмоқ' ҳосила маъносини мисол тарикасида келтиради. *Чекмоқ* феълининг мазкур ҳосила маъноси шу бирикмалар доирасидагина воқеланган. Яъни у боғли маънодир. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Ш. Раҳматуллаев боғли маъноларни фақат ҳосила маънолар билан боғлаб чегаралаб юборган. У генетик маъноларда ҳам учрайди. Шунинг учун уни умуман лексик маънолар билан боғлаб фикр юритиш тўғри бўларди. Яна бунинг устига *чекмоқ* сўзи фақат учта сўз билан боғланишини чегаралаб кўрсатилган. У бошқа валентликлари воситасида бошқа сўзлар билан ҳам бирикиши мумкин, лекин унинг боғли маъноси юзага чиқмай қолади. Масалан, *туни билан азоб чекмоқ* бирикмасига эътибор берайлик. Бунда *чекмоқ* феъли 'кечинмасида бўлмоқ' боғли маъноси билан объект валентлигига кўра *азоб*, пайт валентлигига кўра *туни билан* актанти воқеланган. Агар бу қурилмадан пайт актантини тушириб, *азоб чекмоқ* бирикмасини олсак, *чекмоқ* феълининг ўша боғли маъноси ўз ифодасини топаверади. Ундан объект актантини тушириб, *туни билан чекмоқ* бирикмаси берилса, гарчи у грамматик тўғри бўлса ҳам, мазкур боғли маъно воқеланмай қолади. Яъни сўзнинг боғли маъноси маълум боғли сўзлари билан бириккандагина юзага чиқади.

Ш. Раҳматуллаев *тин* сўзининг *тин олмоқ* бирикмасида воқеланган 'нафас, дам' лексик маъносини боғли маъно ҳисобламайди.

¹ Қриг.: Виноградов В.В. Ўша асар. – С. 28; Левковская К.А. Ўша асар. – С. 42; Ариольд И. В. Ўша асар. – С. 62; Шанский Н.М. Ўша асар. – С. 39; Фомина М.И. Ўша асар. – С. 22.

² Қриг.: Виноградов В.В. Ўша асар. – С. 20,24; Шанский Н.М. Ўша асар. – С. 39,40; Фомина М.И. Ўша асар. – С. 22.

³ Қриг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳмагуллаев Ш. Ўша асар. – 130-б.

Ваҳоланки, *тин* сўзи фақат шу бирикма билан қўлланади. Бирок бу ўринда ҳақли равишда *тин* сўзи нутқдан ташқарида ҳам ўз лексик маъносини ифода эта олиши кўндаланг қўйилган.

Грамматик боғли маъно ўзи оид бўлган сўз маълум бир бирикма ёки грамматик шаклда қўлланганда вокеланадиган боғли маънодир. Масалан, *пул* сўзи ўзининг ‘ҳақ’ лексик маъноси билан қаратқичли бирикманинг қаралмиши бўлиб келиб вокеланади. Масалан, *бўйра пули, мардикор пули, қира пули, трамвай пули, ижара пули, электр пули* ва ҳ. Баъзан нутқда бирикманинг қаратқичи эллипсисга учраши мумкин. Унинг маъноси эгалик аффикси билан келган қаралмиш ва нутқнинг қолган қисмларидан англашилиб туради. Яъни *пул* сўзи ‘ҳақ’ боғли маъноси билан вокеланар экан, у ҳамма вақт эгалик аффикси билан қўлланган бўлади. Масалан, *Ошники ошга, нонники нонга, пули қолди ҳамёнга* (мақол).

Грамматик боғли маъно генетик маъно бўлгани ҳолда ҳам маълум грамматик шаклдаги сўзда ифода топиши мумкин. Масалан, ўзбек тилининг изоҳли луғати учун тузилган макетда *амин* сўзи фақат генетик маънога эгалиги ва ҳамма вақт кесим вазифасини ўташи ҳақида гапирилган. Бунинг устига у фақат шахсон билан тусланган ҳолда қўлланади. Яъни: *Мен бунга аминман*.

Боғли маънолар кўпроқ метафора, метонимия ва тобелиликка кўра юзага келган ҳосила маънолардан иборат бўлади. Улардан ҳосила маъно юзага келмайди ва сўз ҳам ясалмайди.

Демак, боғли маъно сўзнинг коммуникацияда бирор валентлигига кўра бирор семантик гуруҳга мансуб санокли сўз билан бирикиши ёки унинг маълум грамматик шаклда маълум бирикувга киришиши орқали вокеланадиган лексик маънодир. Улар қандай ҳолатда вокеланишига қараб, фразеологик боғли маъно ва грамматик боғли маъноларга бўлинади. Улар асосан метафора, метонимия ва тобелиликлар натижаси бўлади.

Хуллас, лексик маънолар сўзнинг коммуникатив ҳолатига кўра эркин маъно ва боғли маъноларга бўлинади. Эркин маъно нутқдан ташқарида ҳам ифода бериб, ўзи оид бўлган сўзнинг бирдан ортик валентлиги асосида жуда кенг доирадаги сўзлар билан бирикувга имкон берадиган лексик маъно бўлса; боғли маъно сўзнинг бирор валентлигига кўра санокли сўзлар бирикувида ёки бирор грамматик шаклдаги бирор тип бирикмаларда вокеланадиган лексик маънодир. Эркин маъно барча туркумдаги сўзларда, ҳосила маъно

юзага келишининг барча ходисаларида: боғли маъно сон туркумидан ташқари барча туркумга оид сўзларда ва метафора, метонимия, тобелилик натижасида қайд этилади. Сўз боғли маъноси билан мавжуд валентликларни воқелантира олади. Бироқ унинг ҳаммаси ҳам боғли маънони юзага чиқаравермайди.

4. Лексик маъноларнинг ясалишига кўра типлари

Сўз аффиксацияси ясама сўзнинг семантик таркибида муҳим аҳамиятга эга. Ясама сўзнинг семантик таркибидаги бир ва ундан ортиқ лексик маъно ўзакда мавжуд лексик маънолардан ясаб олинган бўлиши мумкин. Шу билан бирга шу ясама сўзнинг ўзида ҳосила маъно юзага келишини инкор этиб бўлмайди. Шунга кўра лексик маъноларни яна икки типга: ўзак маъно ва ясама маъноларга бўлишга тўғри келади.¹

Ўзак маъно сўзнинг генетик маъноси билан ундан юзага келган ҳосила маънолар ва ясама сўзлар ҳосила маъноларининг ҳаммасидир. Асли ясама сўз бўлиб, ҳозирги тил нуқтаи назаридан морфемаларга ажралмайдиган сўзлар ҳам ўзак сўзлар каторида саналади. Унинг генетик маъноси ҳам ўзак маъно деб қаралади. Масалан, шу бобнинг 1-сарлавҳаси остида келтирилган *қўғирчоқ* сўзининг ‘одам шаклли ўйинчоқ’ генетик маъноси ўзак маънодир. Бу сўз асли ясама бўлиб, дастлабки ‘кичик қўриқчи’ лексик маъноси ясама маъно деб қаралиши керак эди. Лекин ясама сўзнинг фонетик таркиби ўзгариб, дастлабки маъно архаиклашган. Сўзнинг фонетик қурилишига синхроник нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, унинг ‘одам шаклли ўйинчоқ’ лексик маъноси ўзак маъно деб қаралиши тўғри.

Отланмоқ феъли ҳақида ҳам юқоридагига ўхшаш фикрни айтиш мумкин. Бу сўзнинг ҳам ясама маъноси архаик маънога айланиб бўлган. Унинг ҳозир ‘кийинмоқ’ ва ‘шай бўлмоқ’ лексик маънолари бор. Ҳар иккиси ўзи оид бўлган *от* сўзининг лексик маъносига алоқадор эмас, Булар шу сўзнинг архаик бўлиб қолган ‘отга минмоқ’ ясама маъносидан юзага келган ҳосила маънолар-

¹ Я с а м а м аъ н о термини тилшуносликда маълум маънодан ҳосил бўлган ҳар қандай маънони атовчи терминдир. Бу ҳақда шу бобнинг ҳосила маъно учун берилган иловасида айтилган эди. Таникли тилшувос А. Ғ. Ғуломов ясама сўзнинг ясаб олинishiда асос бўлган лексик маънони шу ясаманинг ясама маъноси деб тушуниш керак, деган фикрни илгари суради. Муаллифингиз ҳам шу фикрга қўшилган ҳолда, ўзакдан ясаб олинган лексик маъно учун ясама маъно терминини қўллашни маъқул топди.

дир. Шунинг учун улар шу сўз таркибида ўзак маъно ҳисобланади. Ҳосила маъно ўзи оид бўлган сўз учун ҳамма вақт ўзак маънодир.

Ўзак маънолар ниҳоятда кенг доирага, лексик маъноларнинг асосий бойлигига эга. У барча туб сўзларнинг генетик ва ҳосила маъноларини ўз ичига олади. Шунингдек, ясама сўзларнинг ҳосила маънолари ҳам унга тегишли.

Демак, ўзак маънолар туб ва ҳозирги тил нуктаи назаридан морфемаларга ажралмайдиган, тарихий ясама сўзларнинг генетик ва ҳосила маъноларини ўз ичига олади. Шунингдек, ясама сўзларнинг ҳосила маънолари ҳам унга тегишлидир. Уларнинг бойлиги, туркумлар бўйича тарқалиши ҳосила маъно юзага келиши доираси ва миқдори билан ўлчанади.

Ясама маъно ясама сўзнинг ўзаги лексик маъносидан ясаб олинган лексик маънодир. Ясама маъно ясама сўз ўзагининг семантик таркибига кирувчи маълум лексик маъно билан боғли бўлиши, яъни ўша ўзак маъноси билан ясовчи аффикс маъноси қўшилиувидан таркиб топган бўлиши шарт. Лекин бу деган сўз, ўзакнинг лексик маъносидан фақат бир ясовчи билан бир ясама маъно ясалади, дейилгани эмас. Ўзакнинг маълум лексик маъноси асосида бир аффикс билан сўз ясалар экан, ясама сўз моносемантик ҳам, полисемантик ҳам бўлиши мумкин. Бунинг учун аффикснинг моносемантик ёки полисемантик бўлиши аҳамият касб этади. Моносемантик аффикс бир лексик маъноли сўздан бир ясама маъноли сўз ясайди. Полисемантик аффикс билан бир лексик маъноли сўздан ҳам бирдан ортиқ ясама маъноли сўз ясаши мумкин. Масалан, *гул* сўзининг бир лексик маъноси асосида *-чи* аффикси билан *гулчи* сўзи ясалар экан, у икки ясама маънога эга бўлади. Яъни: 1) *гул* ўстирувчи. *Секретарнинг отаси собиқ оддий мардикор ҳам нозик гулчи эди* (Ойбек). 2) *гул* сотувчи. *Йигитлар йўл четидаги гулчидан гул сотиб олиб, қизларга тақдим қилдилар* (П.Турсун). Шу билан полисемантик аффикснинг ҳаммаси ҳам маълум сўздан, унинг бирор лексик маъносига асосланиб, полисемантик сўз ясайверади, деган хулосага келмаслик керак.

Ясама маъно ясама сўзда фақат аффикснинг полисемантиклиги ҳисобига эмас, ўзакнинг полисемантиклиги ҳисобига ҳам бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Масалан, *уйин* сўзи 5 лексик маънога эгаллиги ҳолда, *уйнамоқ* сўзининг 4 лексик маъноси ундан яса-

мадир. *Уйнамоқ* феълнинг 7 лексик маъноси борлиги эътиборда тутилса, қолганлари ҳосила маъно ҳисобланади.

Ясама маъно фигурал маъно ҳам, боғли маъно ҳам бўлмайди. Чунки ясама сўзлар ўзакнинг фигурал маъноси ҳисобига ҳам, боғли маъноси ҳисобига ҳам ясалмайди.

Ясама маъно ўзакнинг генетик маъносидан ясаб олинган бўлса, ясама генетик маъно; ҳосила маъносидан ясаб олинган бўлса, ясама ҳосила маъно дейилади.

Ясама маъноларни типлаштириш ҳосила маънолар юзага келиши билан боғли ҳолатда белгиланади. Яъни уларнинг типлари ҳосила маъно юзага келиши жараёнидан ҳоли ҳолатда ҳаёт эмас.

Демак, ясама маъно ясама сўз ўзагининг лексик маъносидан ясалган лексик маъносидир. Улар фақат ясама сўз таркибига оид бўлади. Шунингдек ясама сўз семантик таркибида фақат ясама маънолар эмас, ўзак маънолар ҳам ўрин олади. Ҳатто ясама маънога эга бўлмаган ясама сўзлар ҳам бор. Ясама маъно типлари ҳосила маъно юзага келиши билан белгиланади. Улар фигурал ва боғли бўлмаган ҳамма ҳосила маънолардан, сондан ташқари ҳамма мустақил маъноли туркумдаги сўзлардан ясалади.

Хуллас, лексик маънолар аффиксация натижаси бўлиши ёки унинг ясалиш асоси бўлишига кўра ўзак маъно ва ясама маъноларга бўлиниб, улар ўзаро сўз ўзаги ва аффикси маъноси синтези эканлиги ёки эмаслиги билан фарқланади. Ўзак маънолар фақат туб сўзларнинг генетик, туб ва ясама сўзларнинг ҳосила маъноларидан иборат бўлиб; ясама маънолар ясама сўзларнинг ўзаги семантик таркибидаги лексик маънолардан ясалган лексик маънолардир. Ўзак маънолар ҳисобида номинатив маъно ва фигурал маъно, эркин маъно ва боғли маъноларнинг ҳаммаси бўлади. Лекин ясама маънолар ҳисобида номинатив маъно ва эркин маъно бўлиши мумкинлиги ҳолда, фигурал маъно ва боғли маъно учрамайди.

Хулоса

Сўзлар семантик тараққий этиш: ҳосила маъно юзага келтириш ва аффиксация натижасида ясама маъно ясаш орқали семантик таркибини кенгайтириб, бойитиб боради, бир неча лексик маънолар орттиради. Бу лексик маънолар турли хусусиятларга эга бўлади. Улар қуйидагича характерланади.

1. Сўз лексик маънолари тўрт нуқтаи назардан типларга: 1) лексик маъноларнинг тараққиётига кўра генетик маъно ва ҳосила маънога; 2) лексик маъноларнинг ўз референтини ифодлаш хусусиятига кўра номинатив маъно ва фигурал маънога; 3) лексик маъноларнинг ифодаланишида у оид бўлган сўз бирикувчанлигига кўра эркин маъно ва боғли маънога; 4) лексик маънонинг сўз ясалишидаги типланишига кўра ўзак маъно ва ясама маънога тасниф қилинади.

2. Генетик маъно ўзак сўзларнинг ва моносемантик ясама сўзларнинг юзага келишида сабабчи мантиқий асос ҳисобланади. Ҳосила маънолар унинг ва бошқа ҳосила маъноларнинг тараққиёти натижасида юзага келади. Ҳосила маъно юзага келиши лексик маъноларнинг бошқа типларини шакллантирувчи бирдан-бир воситадир.

3. Номинатив маъно ўз референтини тўғридан-тўғри атовчи, прагматик семага деярли эга бўлмаган лексик маънодир. У деярли генетик маънодан иборатлиги ҳолда, ўз бойлигини ҳосила маънолар ҳисобига ҳам тўлдиради. Фигурал маъно ўз референтини ўзи боғланган лексик маъно – номинатив маъно референтига киёсан, образли ифода этадиган лексик маъно ҳисобланади.

4. Эркин маъно нутқдан ташқарида ҳам ифодалана оладиган, ўзи оид сўз бир неча валентлиги воқеланиши билан бир неча семантик майдонга мансуб бир қатор сўзларга бирикиши учун сабаб бўлувчи лексик маънодир. Боғли маъно ўзи оид бўлган сўз фақат бир валентлигига кўра санокли сўзлар бирикмага киришадиган ёки бир грамматик шакл билан маълум бир типдаги бирикма таркибида воқеланадиган лексик маъно бўлади.

5. Ўзак маънолар фақат туб сўзларнинг генетик, туб ва ясама сўзларнинг ҳосила маъноларидан иборат бўлиб, ясама маънолар ясама сўзларнинг ўз ўзаги семантик таркибидаги лексик маъноларидан ясалган лексик маънолардир. Улар асосан номинатив ва эркин маънолардангина ясалади.

6. Фигурал ва боғли маънолардан, эвфемистик ва дисфемистик маънолардан ҳосила маъно юзага келмайди, ясама маъно ҳам ясалмайди. Улар сўз лексик маъноси тараққиётининг сўнгги нуқтасида туради.

7. Лексик маъно типларининг шаклланиши ҳосила маъно юзага келиши билан алоқадор бўлади.

ЛЕКСИК МАЪНОСИ МИҚДОРИГА КЎРА СЎЗ ТИПЛАРИ

Сўзларнинг айримлари фақат бир лексик маънога эга бўлса, айримлари икки ва ундан ортиқ лексик маънодан таркиб топади. Шу хусусиятига кўра улар икки типга бўлиб ўрганилади: 1) сўзларнинг фақат бир лексик маънога эга бўлиши, яъни моносемия; 2) сўзларнинг икки ва ундан ортиқ лексик маънога эга бўлиши, яъни полисемия.

Моносемия

Моносемия сўзларнинг фақат генетик маъно асосида ҳосил бўлиб, ҳосила маъноларни юзага келтирмаслиги, яъни семантик тараққий этмаслигидир. Моносемантик сўз маълум лексик маънога асосланиб ҳосил бўлган сўзнинг ўзи эканлиги ҳолда, унда ҳосила маънолар юзага келмаган бўлади. Шунингдек, у ясама сўз ҳолатида ҳам кузатилади. Аммо бу ясама сўз ўзак сўзнинг фақат бир лексик маъносига асосланади. Яъни ўзак сўз кўп лексик маъноли бўлиши мумкин. Аммо ясама моносемантик сўз ўзак сўзнинг фақат бир лексик маъносига таянади. Масалан, аввалги бобда айтилган эдики, *бош* оти 14 лексик маънога эга. Унинг фақат ‘учки юза’ лексик маъносидан ‘учки юза чармини янгиламоқ’ ясама маъноли *бош-ламоқ* феъли ясалган. Бу феънинг ундан бошқа ясама маъноси ҳам йўқ. Яъни у фақат бир лексик маънога эга моносемантик сўздир. Ясама сўз ўзак сўзнинг бир лексик маъносига асосланиб ясалгач, ҳосила маънони юзага келтирмаслиги шарт. Акс ҳолда, у полисемантик сўзга айланади.

Айрим тилшунослар моносемиянинг тилда мавжудлигини сўзнинг яқинда ясалганлиги ёки яқинда ўзлаштирилганлиги билан боғлайдилар.¹ Бу фикр маълум даражада тўғри. Масалан, ўзбек тилида *музлатгич*, *совутгич*, *қиймалагич*, *тизим* каби қатор сўзлар ясалди. Улар ҳозир моносемантикклигича турибди. Бу давр уларнинг полисемантик сўзга айланиши учун камлик қилган. Шу йигирма йиллар ичида яна ўзбек тилига *дизайн*, *компьютер*,

¹ Қриг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: ИЛИЯ. 1969. С. 56; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-нашри. – Тошкент: Ўқитувчи. 1975. 20-б.

скайнер, принтер каби сўзлар ўзлаштирилди. Улар ҳам ҳозир моносемантик сўздир. Бунга ҳам давр ўтиши исми қилинса, мутлақо адашилмайди.

Юқоридаги таҳлилларнинг айна зиддига хизмат қилувчи мисолларни ҳам кўшлаб келтириш мумкин. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” 2-нашрида *ёғ, жиг, оғ* сўзлари моносемантик сўз сифатида келтирилган.¹ Луғатнинг 1-нашрида *юса тер, қор* сўзлари моносемантик сўз ҳолида қайд этилган эди.² Бу сўзлар туб отлардир. Уларнинг туб отлигининг ўзи ниҳоятда қадимий эканлигини кўрсатади. Бу сўзларнинг ёшини минг йиллардан нарига олиб бориб ҳисоблаш лозим. Бундай сўзлар ўзбек тилида бир неча ўнлаб бор. Ўзбек тилида яқинда ҳаёт юзини кўрган *йўқлама* (1.Давоматни аниқлаш. 2.Давоматни белгиловчи дафтар.), *кўргазма* (1.Намойиш қилинаётган кечим. 2.Кўрсатилувчи нарса.) каби отлар жуда тез тараққий қилиб, полисемантик сўзга айланишга улгурди.

XII-XIII аср қўлёмаларида кўзга ташланган форсий *орзу, дийдор, дўст* каби ва арабча *вафо, ваъда, зор, динор, карра* каби сўзлар³ ўзбек тилига мансуб ҳозирги давр луғатларида моносемантик сўз ҳолида қайд этилган.⁴ Шунингдек, рус тилидан тахминан XVII аср охирида ўзлаштирилган *лампа* ва *самовар* сўзлари ҳам⁵ “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да моносемантик сўз ҳолида берилган. Ваҳоланки, XX асрнинг 30-йилларидан кейин ўзбек тилига форс, араб ва рус тилидан ўзлашган бир қатор сўзлар борки, улар полисемантик бўлиб улгурган. Буни кўпчилик яхши тасаввур қилса керак.

Маълум бўлдики, сўзнинг моносемантиклигида унинг қисқа ёки узоқ умр кўрганлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Бунда киши объектив борликдаги нарсалар, воқелиқлар, белгилар, ҳара-

¹ Қрғ.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II т. / А.Мадвалиев таҳр. ост. – Тошкент: ЎзМЭ. 2006, 2007. 57, 184-б.

² Қрғ.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. II т. / З.М.Маъруфов таҳр. ост. – М.: РЯ. 1981. 208, 599-66.

³ Қрғ.: Боровков А.К. Лексика среднеазиатского тифсира XII-XIII вв. – М.: ИВЛ. 1963. С. 57,114, 115,116,119,174.

⁴ Қрғ.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати / З. Маъруфов таҳр. ост. I т. 176, 224, 228, 244, 370, 541; II т. 663.

⁵ Бувим бобокалони Вафобой карвонбоши ўрисдан лампа ва самоварни дастлаб келтирган, у ҳақда турли миш-мишлар тарқалгани ҳақида берилиб гапирарди. Ундан менинг ҳозирги стук набираларимгача саккиз авлод алмашган. Ҳар бирига тахминан 25-30 йилдан берилса, XVIII асрнинг охирларига бориб тақалади.

катлар ва ҳолатларни бир-бири билан алоқадор ҳолда, қиёслаб, идрок қилиши, уларни тил фактларида қайси даражада акс эттириши аҳамиятлидир. Қайси сўз улар қамровида бўлса, унинг семантик тараққий этиши фаолрок кечади, ундан йироқроқ қолган сўз семантик тараққий этмайди, моносемантик сўз ҳолида яшайверади.

Хуллас, моносемия сўзларнинг генетик маънога эга бўлиши ёки бир лексик маъно билан чегараланиб, ҳосила маъно юзага келтирмаслиги, ясама сўз эканлиги тақдирда, ўзак сўзнинг бир лексик маъносига асосланишидир. Унинг мавжудлиги киши объектив борлиқдаги нарса, воқелик, белги, ҳаракат ва ҳолатларнинг бир-бири билан алоқадор ҳолда, қиёслаб идрок қилиши, уларни тил фактларида қайси даражада акс эттириши билан боғлиқдир

Полисемия

Полисемия ҳар қандай тилда ҳам салмоқли ўрин тутади. Тил бойлиги фақат сўзлар, иборалар миқдори билан эмас, сўзларнинг лексик маънолари миқдори билан ҳам ўлчанади. Сўзларнинг кўпмаънолилиги тил бойлигида шубҳасиз ўз ўрнига эгадир.

Тилдаги полисемия ҳодисаси жуда қадимданок олимлар диққатини ўзига жалб қилиб келди. Адабиётларда қайд этилишича, эрампиздан аввал фалсафа ва услубият нуқтаи назаридан ўрганилди. Бу масалада Хитой ва Ҳинд олимлари фикр юритган бўлиб, эрампизнинг бошларига келиб юнонлар ҳам шуғулланишган.¹ Буюк лексикограф М. Кошғарий ҳам эътибор берган бўлиб, лекин полисемантик сўз таркибидаги ҳар бир лексик маънони бир сўз сифатида қарайди.² Бу ҳолатни “Аттуҳфатуз закияти филлуғатит туркия” луғатида ҳам,³ Замахшарийнинг “Муқаддиматул адаб” луғатида ҳам⁴ кўрамыз. А.Навоий ҳам туркий тил имкониятларини форс тили имкониятларига солиштириб таҳлил қилганида, сўзларнинг маъно бойлигига алоҳида тўхтаб ўтган эди.⁵ Буларнинг ҳаммаси тилшунослик эмас, турли соҳалар нуқтаи назаридан берилган фикрлардир.

¹ Қриг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 47.

² Қриг.: Кошғарий М. Девону луғотит турк. I–III тт. – 1960-1963.

³ Қриг.: Аттуҳфатуз закияти филлуғатит туркия. – Тошкент: Фан. 1968.

⁴ Қриг.: Замахшарий А. Муқаддиматул адаб. Қўлёзма. – ЎзР ФА ТАИ луғат бўлими фонди.

⁵ Қриг.: Навоий А. Танланган асарлар. III т. – Тошкент: Ўздавнашр. 1948. 182-183-б.

Идеалист файласуфлардан Кожибский, Хайякина, Ли, Чейз кабилар полисемия фикр алмашишда қийинчилик тугдириши; иқтисодий қийинчиликлар, сиёсий бош-бошдоқликлар, халқиро тангликлар асоси эканлигини айтадилар. Улар “умумий семантика” номи остида чиқиб, кўпмаънолиликка қарши курашадилар.¹ Яна “академик семантика” оқими намояндаси Р.Карнап ҳам, полисемия машина таржимасига ҳалақит беради, деган даъвони қилган.² Буни лингвист математик Э.Делавеней тўғри англаб, сўзларнинг кўпмаънолилигини объектив ўрганишни маъқул кўрди.³

Полисемия ҳодисасига соф лингвистик нуқтаи назардан ёндашиш Француз семасиологи М.Бреалдан бошланди. Шундан сўнг лингвистларнинг турли қарашлари юзага кела бошлади. А.А.Потебня, Л.В.Щербалар полисемантик сўзнинг ҳар бир лексик маъноси асосида бир сўз бор, деган фикр билан чиқишди.⁴ Л.В.Щерба эса ўзининг луғатида полисемия билан омонимияни тўғри фахмлаб,⁵ уларни қайд этди. Шунга қарамай, лингвист Норейн ҳар бир маъно учун бир сўз бўлиши керак деган фикрни илгари сурди. Бироқ унинг шу мулоҳазаси учун О.Есперсен: “Тил полисемантик сўзлардан холи қилинганда эди, “лингвистик дўзах”га айланган бўларди” - деган жавобни қилади.⁷ Тил бойлиги юз мингдан ортиқроқ сўзни ўз ичига олади. Унда берилган маънолар миқдорига зарб қилинса, тилда миллиондан ортиқ сўз юзага келади. Полисемия ҳар бир тилда сўзлашувчи халқни ана ўша миллиондан ортиқ сўзни ёдлаш машаққатидан қутқаради.

XX асрнинг 50-йилларидаги бир қатор тилшунослар семасиология соҳасидаги объектив фикрларни илгари сураб экан, полисемиянинг тил бойлигидаги аҳамиятини ҳам тўғри баҳолаб ўтдилар. Бунга Ҳ.Кронассер, Ст.Ульман, В.В.Виноградов, О.С.Ахманова, Э.Балдингер, В.А.Звегинцев, Р.А.Будагов ва Д.Н.Шмелевларни

¹ Крнг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 48.

² Крнг.: Арнольд И.В. Ўша асар. Ўша бет.

³ Крнг.: Delavenay E. La machine traduire. – Paris. 1950. P. 101.

⁴ Крнг.: Breal M. Essai de semantique. 6éd. – Paris. 1913. P. 243.

⁵ Крнг.: Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Изд. 2ое. IV. – М., 1941. С. 198; Щерба Л.В. Избранные работы по языкознанию и фонетике. Т. I. – Л.: Изд. ЛГУ. 1958. С.78.

⁶ Крнг.: Щерба Л.В. Русско-французский словарь. – М., 1959.

⁷ Крнг.: Jespersen O. Mankind, Nation and Individual from a Linguistic Point of View. – Oslo. 1925. P. 89.

кўрсатиш мумкин.¹ Ҳатто Ст.Ульман француз тили, Э.Колер испан тили ҳақида фикр юритиб, ўз текшираётган тиллари полисемантик сўзга энг бой эканлиги ва шу тилда сўзлашувчи халқ техника, фан ва маданият жиҳатидан дунёда энг ривожланганлиги ҳақидаги ниҳоятда ортириб юборилган даъвони қиладилар.² Бу тиллар одида инглиз, немис, рус, итальян тилларини камситиб бўлмайди.

У ҳақда лексикология, семасиология ёки тилшуносликка киришга бағишланган дарсликларда йўл-йўлакай айтилган фикрлардан ташқари полисемиянинг маълум томонларига бағишланган баъзи илмий иш ёки мақолалар ҳам эълон қилинди. Бунинг учун Л.Завадовскийнинг поляк тилидаги полисемияга бағишланган мақоласи,³ О.С.Ахманованинг рус тилидаги омонимия ва полисемияни солиштиришга бағишланган монографияси,⁴ Р.А.Будаговнинг рус тили полисемиясига бағишланган иши⁵ ва В.А.Москвичнинг инглиз тилидаги ранг-тус билдирувчи сўзлар тизимида бағишланган ишини⁶ кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари яна айрим сўзлар семантик таркибини ўрганишга бағишланган мақола ва диссертация ишлари ҳам яратилди. Булар кўпроқ амалий аҳамиятга эгадир. Айниқса сўнгги пайтларда юзага келган М.Филиппинг немис тили семантикасига бағишланган китобида бу масала ҳақида анча мукамал қарашлар бор.⁷

XX асрнинг 60-йилларидан полисемия ҳодисаси бир қатор ўзбек тилшуносларининг диққатини ўзига тортди. М.Содиқованинг ранг-тус билдирувчи сифатлар семантикаси ҳақидаги номзодлик

¹ Қрғ.: Kronasser H. Handbuch der Semasiologie. – Heidelberg. 1952; Ullmann St. The Principles of Semantics. – Glasgow. 1951; Ullmann St. Précis du sémantique française. – Berne. 1952; Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слова // ВЯ. – 1953. №5; Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – М.: Учпедгиз. 1957; Baldinger E. Die Semasiologie. – Berlin. 1957; Звегинцев В.А. Семасиология. – М.: Изд. МУ. 1958; Будагов Р.А. Сравнительно-семасиологические исследования. – М.: Изд. МУ. 1963; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – М.: Просвещение. 1964.

² Қрғ.: Ullmann St. Précis de sémantique française. – Bern. 1952. P. 200; Kohler E. Le sens large du vocabulaire espagnol // Romania. – 1954. №4. P.503,

³ Қрғ.: Zawadowski L. La polysémie prétendue // Bluieten polskiego towarzystwa jezykoznawczego. – Krakow. XVII (1959), P.11-48.

⁴ Қрғ.: Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикологии. – С. 104-165.

⁵ Қрғ.: Будагов Р.А. Полисемия слова // НДВШ, Филологические науки. – 1958. №1. С. 5-18.

⁶ Қрғ.: Москвич В.А. Система цветообозначений в современном английском языке // ВЯ. – 1960. С. 83-87.

⁷ Қрғ.: Philipp Marfhe. Semantik des Deutschen. – Berlin: Beidler. 1998.

диссертацияси яратилди.¹ Кейин Д.Х.Базарованинг киши тана аъзо-
си номлари семантикасига бағишланган диссертацияси химоядан
ўтди.² Т.Аликуловнинг номзодлик диссертациясида умуман ўзбек
тилидаги полисемия тадқиқ этилган.³ Лекин у фақат полисемия-
нинг ҳосила маънолар ҳисобига юзага келишини ёритган. Ниҳоят
Р.Юнусовнинг жой номлари семантикасини ёритувчи номзодлик
диссертацияси яратилди.⁴ Охири ўзбек тилидаги полисемияга
бағишланган махсус монография нашр этилди.⁵

2008 йил ўзбек тилида “Семасиология” номи билан ўқув
қўлланма эълон қилинди. Унда полисемия масаларига ҳам йўл-
йўлакай тўхтаб ўтилган.⁶

Демак, полисемия ҳақидаги қарашлар немис, француз, рус
тилларидаги каби ўзбек тилида ҳам анча кенг илмий тадқиқотини
кечирган.

1. Полисемия ва унга ёндош ҳодисалар

Полисемантик сўзнинг таркиби фақат лексик маънолар
миқдори билан ўлчанади. Бошқа маънолар полисемантик сўзни
таркиб топтира олмайди. Шунингдек, маълум полисемантик
сўзнинг лексик таркибини белгиловчи лексик маънолар миқдори
билан унинг луғат мақоласида қайд этилган маънолари миқдори
тенг келиши ҳам шарт эмас. Чунки луғат мақоласида сўзнинг
лексик маънолари қаторига бошқа маъноларни ҳам қўшиб кетишни
луғатчилар инкор этмайди. Таржима луғатларида эса, таржима
имкониятига қараб, лексик маъноларни бир-бирига қўшиб бериш
ҳам мумкин. Бу фарқланишлар фразеолгизмлар таркибидаги айрим
сўзлардан лексик маъно излаш, сўзлар полифункционаллигини
полисемия билан адаштириш ва баъзан полисемияни омонимиядан
фарқламаслик ҳолларини юзага келтиради. Шунинг учун уларнинг
фарқланадиган белгиларига бир назар ташлаш лозим кўрилди.

¹ Қриг.: Содиқова М. Слова, обозначающие цвет и окраску в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1963.

² Қриг.: Базарова Д.Х. Семантика наименований тела и производных от них в тюркских языках. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1967.

³ Қриг.: Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1966.

⁴ Қриг.: Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском литературном языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1974.

⁵ Қриг.: Мяртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – Тошкент: Фан. 1975.

⁶ Қриг.: Ҳақимова М. Семасиология. – Тошкент. 2008.

Аввал полисемия билан полифункционалликни ўзаро киёслаб кўришга тўғри келади. Полисемия маълум бир сўзнинг бир неча лексик маънога эга бўлиши деб қаралади. Бу ҳақда юкорида муфассал таҳлиллар берилган эди. Сўзлар полифункционалликнинг юзага келиши эса конверсия билан боғлиқ. Конверсия маълум бир сўзнинг ҳеч қандай аффикс олмаган ҳолда бошқа сўз туркуми вазафасида келиши ҳодисасидир.¹ Конверсияга кўра айрим сўз лексик маъноси иккинчи туркум вазифасини ҳам олиб, қайд этилиши ўша сўзнинг полифункционал ҳолда берилиши бўлади. Масалан, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *баркаш* сўзи қуйидагича изоҳланган:

1. Жез ёки мисдан тайёрланадиган ва патнис ўрнида ишлатиладиган, доира ёки тўрт бурчак шаклидаги рўзгор буюми. *Мастура-хон оптоқ сочиқ тўшалган баркашда қаҳва кўтариб кирди* (А.Аъзамов).

2. Кўчма. Тўгарак, гардиш, юмалоқ, доирасимон. *Қип-қизил баркаш қуёш қоялар учларини ҳам қизилга бўяб ботаёттир* (М.Маҳмудов).²

Аввало шунини айтиш жоизки, 2-тартиб рақамида кўчма (хосила) маъно берилган эмас. У 1-тартиб рақамида берилган лексик маънонинг адъективациясидир. Бу ўринда лексик маъно референти ўз белгиси билан воқеланган. Шунинг учун ҳам, *баркаш* сўзи полисемантик деб эмас, полифункционал деб қаралиши керак. Шунга ўхшаш яна *чўлоқ* сўзи сифат бўлгани ҳолда, ‘оксайдиган’ лексик маъносига эга. Шу сўз билан шундай айбга эга шахс аталадиган бўлса, сифат субстантивацияга учраган, яъни белгиси номи билан нарса аталган бўлади - полифункционал сўз қайд этилади. *Яхши нотик, яхши гапиради*. гапида ҳам *яхши* сифати ҳам ўз вазифасида қўлланган, ҳам равиш вазифасини олган - адвербиализация содир бўлган, полифункционал сўз юзага келган. Яна шунини айтиш керакки, феълларнинг кўмакчи маъноси ҳам полисемантик сўз таркибини ташкил қилмайди. Аксинча, у грамматик вазифа бажаради. Шунга кўра айтиш мумкинки, у ҳам полифункционаллик учун восита бўлади.

¹ Қрғ.: Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 64; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – С. 202; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 128

² Қрғ.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I т. /А. Мадвалиев таҳр. ост. – 169-б.

Полисемантик сўз таркиб топиши учун унинг таркибида бир ва ундан ортиқ лексик маъно бўлгани ҳолда, уларнинг ҳаммаси ҳам бир туркумга мансуб бўлиши шарт. Бунинг учун “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”даги *пича* сўзига берилган изоҳни келтирамиз.

1. Оз миқдорда, озгина. ... *унга пича муруч сенди* (Ойдин).

2. Оз миқдорда, бир оз. *Мингбоши пича кутди* (М.Исмоилий).

3. Оз даражада, сал. *Кўнглим пича тинчиди*.¹

Юқоридаги луғат мақоласида *пича* сўзининг семантик таркиби келтирилиб, изоҳланган. У уч лексик маъноси билан қайд этилган бўлиб, учаласи ҳам шу туркумнинг ўзига хос. Яъни у полисемантик сўздир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, полисемантик сўз таркибидаги лексик маънолар сўзнинг фақат ҳосила маъноларининг ўзидан бўлиши шарт эмас, у ясама маънолар бўлиши ҳам мумкин.

Полисемиянинг тараккиёти омонимияни юзага келтирувчи ҳодисалардан биридир. Шунинг учун уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари бўлиши табиийдир. Бу турли тилшуносларда турлича қарашларнинг юзага келиши учун сабаб бўлган. В.И.Абаев: “бу икки ҳодиса ўртасида ҳеч қандай биридан-бирига ўтиш деган нарса йўқ” - деган фикрни кўтариб чиқди.² Шунга кўра у, полисемантик сўзларнинг лексик маънолари тарихан ўзаро туташади, лекин омонимларнинг лексик маънолари тарихан ҳам ўзаро туташмайди, демокчи. У бу тил ҳодисасини фақат тарихийлик негизида ҳал қилмоқчи бўлади. Лекин омонимга ёндашувчи ҳар бир шахс унга синхроник негизда туради. Синхроник ҳолатда эса полисемантик сўзларнинг айримлари аллақачон омонимияни юзага келтирган бўлиши мумкин. Полисемиядан қуйидаги сабабларга кўра омонимия юзага келади.

1. Тобелиликка кўра шундай ҳосила маъно юзага келадими, у ҳосил бўлишида аниқ ифода берса, кейин унинг ифодаси мавҳумлашади. Натижада ҳосила маънонинг асос маъно билан боғлиқлиги узилади. Масалан, *ой* сўзининг генетик маъноси ‘ернинг табиий йўлдоши’ни ифодалайди. Ундан ‘йўлдошнинг ерни бир айланиб чиқиш даври’ ҳосила маъноси юзага келган. Бу давр янги ой кўринишидан одоқ бўлгунича вақтни, 29 ярим кунни билдирар эди. Ҳозир у шамсия ва милодий йил ҳисобидаги ойларда янги ой чиқиши

¹ Қрғ.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I т. / З.М. Маъруфов таҳр. ост. – 589-б.

² Қрғ.: Абаев В.И. О подаче омонимов в словарей. // ВЯ. – 1957. №3. С.32.

билан одоқ бўлишига мос келмайди ва 28,29,30,31,32 кунлар оралиғини кўрсатади. У шартли равишда ‘йилнинг’ ‘12 дан бирига тенг’ ‘давр’ деб қаралади. Бу лексик маъно ой сўзининг генетик маъноси билан умумий семага эга эмас. Шунинг учун янги ой сўзи юзага келди ва омоним таркиб топди, деб ҳисобласа бўлади. Худди шу сабаб воситасида *кун*, *чақирим*, *тил* омонимлари таркиб топган.

2. Полисемантик сўзнинг лексик маънолари фақат генетик маънонинг эмас, ҳосила маънонинг ҳам ҳосиласи бўлади. Сўз лексик маъноларининг бундай ҳосил бўлиши жараёнида оралиқдаги бирортаси вазифадошлик натижасига кўра юзага келади. Вазифадошликка кўра юзага келган ҳосила маъно ҳамма вақт ҳосил қилувчи маънони сўзнинг семантик таркибидан суриб чиқаради.¹ Натижада занжирсимон боғланган лексик маънолар шу ўринда ўзаро узилади. Полисемантик сўз омонимга айланади. Масалан, *попук* сўзи ‘бир томони’ ‘шокилали’ ‘буюм’ лексик маъносига эга эди. Ундан ‘шокилали’ ‘қоғозга ўралган’ ‘ширали’ метонимик ҳосила маъно юзага келди. Бундан вазифадошликка кўра ‘гулли’ ‘қоғозга ўралган’ ‘ширалик’ ҳосила маъноси ўсиб чиқиб, ҳосил қилувчи маънони сўзнинг семантик таркибидан суриб чиқарди. 1-лексик маъно билан 2-лексик маъно ‘шокилали,’ 2-лексик маъно билан 3-лексик маъно ‘қоғозга ўралган’ ‘ширали’ умумий семаларига эга, яъни семантик алоқадор бўлган. Ўртадан, вазифадошлик сабаб, 2-лексик маъно тушиб қолгач, 1- ва 3-лексик маъноларнинг семантик алоқаси узилди. Чунки улар учун умумий сема йўқ. Натижада *попук* полисемантик сўзи ҳисобида омоним таркиб топди.

3. Баъзи ҳолларда ҳосила маънодан эмас, генетик маънонинг ўзидан вазифадошликка кўра яна бир ҳосила маъно юзага келади. Ўзаро боғланишлар марказида турган генетик маъно сиқиб чиқарилгач, ҳосила маънолар ҳисобида алоҳида сўзлар шаклланади ва омоним таркиб топади. Масалан, *ўқ* сўзининг семантик тараққиётига кўра ‘ёйнинг’ ‘таёқсимон’ ‘отилувчи қисми’ генетик маъносидан ‘ғилдиракнинг’ ‘таёқчасимон’ ‘асоси’ ҳосила маъноси юзага келган. Кейин яна ўша генетик маънодан вазифадошликка кўра ‘порох, гилза, питрадан таркиб топган’ ‘отилувчи’ ‘қисм’ ҳосила маъноси ўсиб чиқиб, генетик маънони сўз семантик таркибидан суриб чиқарди. Натижада биринчи ҳосила маъно билан ‘таёқчасимон’, 2-ҳосила маъноси билан ‘отилувчи қисм’ умумий семасига

¹ Крилг.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Ч. II. – С. 60.

эга бўлиб, полисемантик бутунликни сақлаган генетик маъно йўқолди ва ҳосила маънолар ўзаро семантик узилди. Чунки улар энди ўзаро умумий семага эга эмас. Улар мустақил сўзларга асос бўлди - омоним таркиб топди.

4. Полисемантик сўз лексик маънолари ўзаро занжирсимон боғланишга эга бўлса, шундай боғланган лексик маънолар ўртасидан бирортаси ё қўлланиш доирасидан сиқиб чиқарилади, ё ҳосила маъносига тобе маъно бўлиб қолади ва семантик боғланиш шу ўринда узилади. Полисемантик сўз дифференциация қилиб, омоним таркиб топади. Масалан, *дам* полисемантик сўзи ‘ўпкага’ ‘ҳаво’ ‘тортиб чиқариш’ генетик маъносига ва ‘бирор нарсага’ ‘пуркалган’ ‘ҳаво’ ҳосила, ‘пуркаб’ ‘алангалатувчи’ ‘қурилма’ ҳосила маъноларига эга эди. Генетик маъно билан 1-ҳосила маъно ‘ҳаво’, 1-ҳосила маъно билан 2-ҳосила маънога ‘алангалатувчи’ умумий семаларига эга бўлган. 1-ҳосила маъно 2-ҳосила маънога тобе бўлиб қолгач, 2-ҳосила маъно билан генетик маънонинг умумий семаси йўқ. Шу ўринда полисемантик сўз лексик маънолари семантик боғланиши узилиб, генетик маъно ва 2-ҳосила маъно асосида омоним таркиб топади.

5. Четдан сўз ўзлаштирилар экан, бу сўз ўзи оид бўлган тилда полисемантик эканлиги ҳолда, ўзлаштириш жараёнида унинг айрим лексик маънолари олинади ва уларнинг ўзаро семантик алоқасини таъминловчи лексик маъно тушиб қолади. Бу ўша полисемантик сўз омоним ҳолида ўзлашувига сабаб бўлади. Масалан, ўзбек тилига араб тилидан *расм* (رسم) полисемантик сўзи омоним ҳолида ўзлаштирилган. Бу сўзнинг араб тилида беш лексик маъноси бўлиб,¹ у 1) ‘чизилган’ ‘образли’ ‘шакл’ ва 2) ‘одат’ ‘тусига кирган’ ‘тартиб’ лексик маънолари билан ўзбек тилига икки сўз ҳолида ўзлашган. Чунки бу лексик маънолар ўзаро умумий семага эга эмас. Уларнинг семантик алоқа билан таъминловчи ‘таникли қилувчи’ ‘тус’-‘шакл’ лексик маъноси ўзлашмай қолган. Бу лексик маънонинг ‘шакл’ семаси 1- ва ‘тус’ семаси 2-лексик маъно семалари билан умумий семани таркиб топтиради. Натижада, бу сўз ўзбек тилида омонимга айланди.

Туркий тиллар, шу жумладан ўзбек тилида ҳам, нисбат шаклидаги феъллар семантик тараққий этувчан бўлади. Улардан ҳосила маъно юзага келганда, нисбатлик шаклини ўзида сақламайди.

¹ Қрғ.: Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: ГИИНС. 1962. С. 276.

Агар ҳосила маъно нисбат шаклидаги феълнинг архаиклашган лексик маъносига асосланган бўлса, мустақил сўзни юзага келтиради ва омоним таркиб топади. Масалан, *тақилмоқ тақмоқ* феълининг мажҳул нисбат шаклидир. *Тақмоқ* феълининг ‘тегмоқ’ архаиклашган маъносидан орттирма нисбатида ‘уриниб ўтмоқ’ ҳосила маъноси юзага келган ва у алоҳида *тақилмоқ* феълининг генетик маъноси бўлиб қолган. Натижада, *тақилмоқ* омоними таркиб топган.

7. Полисемантик сўз ясама сўзлардан ҳам иборат бўлади. Чунончи, ясама сўз ясалар экан, у ўзак сўзнинг маълум лексик маънолари ҳисобига ўз ясама маъноларини ясаб олади. Бунда ўзак сўзнинг барча лексик маънолари ясама сўз учун асос бўлиши шарт эмас. Ундан айримлари ясашида ўзак вазифасини ўтайди. Баъзан ўзак сўзнинг шундай лексик маънолари ўзак маъно сифатида иштирок этадики, уларни ўзаро семантик боғлаб турган лексик маъно ясашида иштирок этмайди. Натижада, бир-бирига боғланмаган ўзак маънодан ясама маъно ясалади ва ясамалар ҳам ўзаро семантик боғланмайди, алоҳида сўзларнинг лексик маъносига айланади. Бу сўзлар омонимни таркиб топтиради. Масалан, *бош* сўзининг, ўзбек тилининг изоҳли луғатида қайд этилишича, 20 лексик маъноси бор.¹ Шулардан 3-лексик маъно ‘ишда’ ‘етақчилик қилувчи’ ‘шахс, раҳбар’ ифодасига, 10-лексик маъно ‘асосий уч, юза’ ифодасига эга бўлиб, феъл яшаш учун ўзаклик вазифасини ўтаган. Бу лексик маъноларни семантик боғлаб турувчи лексик маънолар феъл ясашида четда қолган. Натижада, икки лексик маъно асосида икки ясама феъл ясалган: 1. Бошламоқ – ишда етакчилик қилмоқ. 2. Бошламоқ – пойабзалнинг учи, юзи чармини янгиламоқ. Бу икки *бошламоқ* феъли омонимни таркиб топтирган.

Полисемантик сўз тараққиётига кўра омонимнинг таркиб топishi асосан от ва феъл туркумида кузатилади. Сифат туркумида санокли микдорда учрайди. Бошқа туркумдаги полисемантик сўзлардан омоним юзага келган эмас.

Кўрдикки, полисемантик сўзнинг ҳар бир лексик маъноси бир халқа деб ўйланса, улар ўзаро занжирсимон бирлашган бўлади. Уларнинг орасидан бирининг тушиб қолиши занжирнинг, яъни полисемантик сўз лексик маъноларининг ўша ердан узилиши бўлади. Омонимлар полисемантик сўз ҳисобига шу жараён асосида таркиб топади.

¹ Қрғн.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I ж. / А. Мадвалиев таҳр. ост. – 332-335-б.

Полисемантик сўзларни таркиб топтирувчи лексик маънолар кўпинча ҳосила маънолар ҳисобига бўлади. Ҳосила маъно фикат сўзнинг семантик таркибида юзага келади. Лекин уни айрим ҳолларда фразеологик бирлик таркибидаги сўзлардан чиқаришга ҳам ҳаракат қилинади. О.Азизов кўзи очилди фразеологик бирлигининг кўрадиган ва тушунадиган бўлди маъносини метафорик ҳосила маъно деб талқин қилади.¹ С.Усмонов оташин юрак бирикмасидаги юрак сўзи синекдохага кўра шахс ҳосила маъносини берган деб тушунтиради.² Ваҳоланки, бу бирикма фразеологик бирлик бўлиб, шу бирлик ҳолатида шижоатли ва иродали маъносини беради. Фразеологик бирлик нутқ учун танланар экан, шу бутунлиги ҳолида маъно, фақат образли ифода беради. Унинг таркибидаги сўз ўзича маъно бермайди. Буни фразеологизм таркибидаги сўз ўзича алоҳида ҳосила маънога эга бўлмайди, деб тушуниш керак. Шундай экан, полисемантик сўзнинг семантик таркибини фразеологик бирлик таркибидаги сўз семантикаси билан тўлдириш мантиқан мумкин бўлмайди.

Полисемия полифункционаллик ва омонимия ҳодисалари билан ўхшаб кетади. Полисемантик сўзнинг таркибини тўлдирувчи ҳосила лексик маънони фразеологик бирлик таркибидаги сўздан чиқаришга ҳаракат қилинади. Лекин полисемия сўзнинг ўз туркумида бир неча лексик маънога эга бўлишида кузатилади. Бу лексик маънолар ўзаро бир-бири билан ҳамма вақт семантик боғли бўлади.

2. Полисемиянинг манбалари

Ўзбек тилидаги сўз манбаларининг кўпи шу тилнинг ўзига хос тил ҳодисалари билан боғлиқдир. Лекин қатъий айтилган фикр эмас. Полисемантик сўзлар аввало сўзларнинг ҳосила маъно юзага келтириши ҳисобига таркиб топади. Бу барча тиллардаги сўзларнинг семантик тараққиётида ҳам кузатилиб, уни кўпгина тилшунослар қайд этган.³ Сўз ҳосила маънони юзага келишининг деярли

¹ Қрғ.: Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи. 1963. 61-б.

² Қрғ.: Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1964. 4-сон. 38-б.

³ Қрғ.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 61; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 75; Будагов Р.А. Сравнительно-семасиологические исследования. – С. 19; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – 60-б.; Валгина Н.С., Розенталь Д.Е., Фомина М.И., Цапукевич В.В. Современный русский язык. С. 15; Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 125-б.; Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. – С.22; Современный татарский литературный язык. – М.: Наука. 1963. С.53; Хазерге башкорт теле. – Өфе: Китап. 1986. 13-17-б.

ходисалари ўз аҳамиятига эгаллиги ҳолда, вазифадошликда бундай деб бўлмайди. Чунки вазифадошликка кўра ҳосила маъно юзага келар экан, ҳосил килувчи маъно сўзнинг архаик маъносига айланади. Полисемантик сўз синхроник нуктаи назардан белгиланади. Вазифадошликка кўра ҳосила маъно юзага келганда, сўз лексик маънолар миқдорини орттирмайди, у ҳосил килувчи маъносини йўқотган бўлади.¹

Сўз ҳосила маъноларининг юзага келиши ходисаларининг вазифадошликдан ташқари ҳаммаси сўз лексик маънолари миқдорини фақат бойитади, полисемантик сўз таркиб топишида аҳамият касб этади. Бу ҳақда Ш бобда муфассал тўхтаб ўтилган.

Баъзи тилшунослар лексик маъно кенгайиши ходисасини ҳам полисемия содир бўлишига сабаб бўлувчи ходисалардан бири, деб қарайдилар.² Бироқ полисемия юзага келиши бирдан ортиқ лексик маънонинг ҳосил бўлиши эканлиги ҳолда, лексик маъно кенгайиши фақат бир маънонинг ички ўзгаришидир. Яъни улар алоҳида тил ходисалари ҳисобланади.³ Лексик маъно кенгайишида у англлатган тушунча доираси кенгаяди. Унинг ёнига янги бир лексик маъно қўшилмайди. Кенгайиш содир бўлган лексик маъно илгари қандай ифода берган бўлса, кейин ҳам ўша ифодани беради, фақат ўша лексик маъно англлатган референт миқдори ёки ҳажми ортади.⁴

Сўзларнинг янги лексик маъно орттириши фақат ҳосила маъно юзага келиши ҳисобига эмас, эвфемизм ва дисфемизм натижаси ҳисобига ҳам бўлади.⁵ Бироқ у бирорта адабиётда ҳам полисемияни юзага келтирувчи ҳодиса сифатида қайд этилмаган. Чунончи эвфемизм ва дисфемизм натижасида баъзи адабиётларда троп (окказионал маъно),⁶ баъзи адабиётларда услубий воситалар⁷ юзага келади, деб кўрсатилади. Аслини олганда, бу фикрларнинг ҳар иккисида ҳам бир нарсани, яъни эвфемизм ва дисфемизм окказионал

¹ Қрнг.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Ч. I. – С. 60.

² Қрнг.: Галькина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. Ч. – С. 30; Мирзасев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 23-б.

³ Қрнг.: Вандрисс Ж. Язык. – М., 1937. С.190; Paul H- Prinzipien der Sprachgeschichte. – Halle. 1937. S.126; Абдуллоев Ф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // Тил ва адабиёт институти асарлари. – Тошкент: ФАН. 1949. 95-б.

⁴ Қрнг.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 74,75; Турсунов Т., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. - Ўша асар. – 127-б.

⁵ Қрнг.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – С. 49,50; Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 284; Реформатский А.А. Ўша асар. - С. 75; Ахманова О.С. Ўша луғат. – С. 521.

⁶ Қрнг.: Арнольд И.В. Ўша асар. Ўша бет.; Ахманова О.С. Ўша луғат. Ўша бет.

⁷ Қрнг.: Азизов О. Тилшуносликка кириш. – 68-б.

маъноларни ҳосил қилади, дейилмоқчи.¹ Окказионал маъно полисемантик сўзлар таркиб топиши учун асос бўла олмайдми.²

Эвфемизм ва дисфемизм натижасида юзага келган ҳосила маъноларни фақат окказионал маънолар деб кўрсатиш ҳам унча тўғри эмас. Чунки ўзбек тилида эвфемизм ёки дисфемизм натижасида юзага келган шундай ҳосила маънолар борки, улар лексик маънолар каби тушунча ифодалайди ва умумлашган характерга эга. Шунинг учун ҳам улар лингвистик луғатларда қайд этилади. Масалан, *эшак* сўзининг эвфемистик маъноси табуга ўхшаган *чаён* сўзи ҳисобига ҳосил бўлган. Яна ўзбек аёллари андиша нуқтаи назаридан эрларини *ўртоқ* сўзи орқали атайдилар. Яъни *ўртоқ* сўзи 'эр' эвфемистик маъносига эга. Мазкур *эшак* ва *ўртоқ* сўзларининг эвфемистик маънолари лексик бўлганлиги учун ҳам, изоҳли луғатда ўз ўрнини эгаллаган.³ Шуларга ўхшаш *паразит* сўзи ҳам 'текин-хўр шахс' дисфемистик лексик маъносига эга. У ҳам изоҳли луғатда қайд этилган.⁴

Эвфемизмлар ҳам, дисфемизмлар ҳам тил лексик қатламининг энг тез ўзгарувчан соҳасидир. Шунинг учун ҳам бу тил ҳодисасига кўра ҳосила маъноларнинг юзага келиши тез-тез, айни бир тушунчани ифодалаш доирасида қайта-қайта, янги-янгилари кузатилади. Улар сўз ҳосила маъноси юзага келишига адекват ҳолатда, кўпинча метафорага кўра бўлади. Шунинг учун уларни сўз ҳосила маъноси юзага келиши доирасида ўрганишга тўғри келади.

Полисемия сўз ясаш ҳисобига ҳам юзага келади. Л.А.Булаховский префиксларнинг сўз ясаши ҳисобига ҳам кўп маъноли сўз – полисемантик сўз таркиб топади, деб кўрсатади.⁵ Сўз яшанинг префикс ҳисобига бўлиши Ҳинд-Европа оиласига мансуб тилларга хосдир. Туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида, сўз ясовчиси ўзак кетига қўшилади. Чунки у аглютинатив тилдир.⁶ Сўз ясаш ҳисобига ўзбек тилида полисемиянинг юзага келиши ҳақида дастлаб 1970 йил ТошДУ дипломанти Ф.Иброҳимова ўз тадқиқо-

¹ Қриг.: Арнольд И.В. *Ўша асар*. Ўша бет.

² Қриг.: Реформатский А.А. *Ўша асар*. – С. 53,54; Аликулов Т. *Ўша автореф*. С. 9,12,18.

³ Қриг.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 т. / З. М. Маъруфов таҳр. ост. – 457,515-б.

⁴ Қриг.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1 т. – 572-б.

⁵ Қриг.: Булаховский Л. А. *Ўша асар*. – С. 46.

⁶ Қриг.: Ўзбек Совет Энциклопедияси. 1 т. – Тошкент: ЎзСЭ, 1971. 138-б.

тини илгари сурган эди.¹ Сўнг муаллифингиз ўзининг полисемияга бағишланган монографиясида ҳам бу масалага алоҳида тўхтаб ўтган.² Мавжуд тадқиқотларга кўра полисемантик сўз ясалиши қуйидаги сабаблар билан бўлади:

1. Экстралингвистик сабаб билан.

2. Интралингвистик сабаб билан.

Экстралингвистик сабаб билан полисемантик сўз таркиб топиши учун ўзакнинг ҳам, аффикснинг ҳам полисемантикклиги аҳамият касб этмайди. Бунда бир ўзак ва бир аффикс билан турли муҳитда бир-бирига алоқасиз лексик маънода турли сўзлар ясалади. Улар ҳам шаклий, ҳам семантик бир хил эканлигига кўра бир сўз деб қаралади ва полисемантик сўз таркиб топади. Масалан, *бутилкали* сўзининг ясалишига эътибор бериш мумкин. У қуйидаги лексик маъноларга эга: 1. Бутилка кўтарган. *Бутилкали* бола. 2. Бутилкага қуйилган. *Бутилкали* тиво.

Бу ясама сўз – полисемантик. Аммо шу ясама сўз учун ўзак бўлган *бутилка* сўзи ҳам, ясовчи -ли аффикси ҳам сўз ясашда бир маъно билан қатнашган. *Бутилкали* сўзининг полисемантик бўлиши учун ҳеч қандай лингвистик сабаб аҳамият касб этмаган. Фақат бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки мақсадда сўзни ясаб олиш уни икки маъноли қилган.

Экстралингвистик сабабга кўра полисемантик сўз ясалганда ўзак ҳам, аффикс ҳам ҳамма вақт бир маъноли бўлиши шарт эмас. Фақат бир-бирига алоқасиз шароит ва мақсадда бир ўзак ва бир аффикс билан бирдан ортиқ марта сўз ясалиши аҳамият касб этади. Ясама маънолар ҳам бир ўзаклиги сабабли бир сўзнинг икки лексик маъноси бўлади. Бундай экстралингвистик сабабга кўра полисемантик сўз ясалишида кўпроқ -ли, -лик, -чи, -ла аффикслари аҳамият касб этади.

Интралингвистик сабабга кўра полисемантик сўз ясаш икки асосга эга: 1) ясовчи аффикснинг полисемантикклиги; 2) ўзак бўлувчи сўзнинг полисемантикклиги.

Сўз ясалишида аффикснинг полисемантикклиги полисемиянинг юзага келишида катта аҳамиятга эга. Ўзбек тилида бир қатор аффикслар полисемантикдир. Бу ҳақда тилшуносларнинг келтир-

¹ Қрғ.: Иброҳимова Ф. Ўзбек тилида аффиксация натижасида кўп маънолиликнинг юзага келиши. Диплом иши. – Тошкент. 1970. ТошДУ нинг ўзбек тилшунослиги кафедраси фонди.

² Қрғ.: Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. – 81-91-б.

ган маълумотлари ҳам етарли. 3. Маъруфов от ясовчи *-чи, -лик* на сифат ясовчи *-ли*;¹ А. Ғуломов от ясовчи *-лик (-лик), -чи, -м, -ча, -ма, -дор* аффикслари;² А. К. Боровков от ясовчи *-лик, -чилик, -чи, феъл* ясовчи *-ла*, сифат ясовчи *-ли*, равиш ясовчи *-ча* аффикслари;³ А. Н. Кононов от ясовчи *-лик, -чи*, сифат ясовчи *-ли, -чан*, феъл ясовчи *-ла, -лан, -лаш, -а, -қир, -(а)р*, равиш ясовчи *-ча* аффикслари;⁴ У. Турсунов, Ж. Мухторовлар от ясовчи *-чи, -лик, -ма* аффикслари⁵ полисемантик эканлигини қайд этади. Маълум бўлдики, ўзбек тилида полисемантик аффикслар кўп. Лекин мазкур аффикслар полисемияни юзага келтирар экан, улар ўз семантикасининг мавжуд имкониятларининг ҳаммаси билан қатнашмайди. Улар полисемантик сўз ясашда маъноларининг ўзаро боғланишидаги изчил ўрни билан фаоллик кўрсатади. Бунда ўзак семантикасининг имконияти ҳам ўз аҳамиятига эга бўлади. Ш. Нуъмонова *-лик* мавҳум оти ясовчисининг 16 маъноси борлигини айтгани ҳолда, ундан айримларигина полисемантик сўз ясашда қатнашади, деб қайд этган.⁶ Шу аффикс касб ёки лавозим билдирувчи отлардан сўз ясар экан, фақат уч маъноси билан қатнашади: 1) касбга ёки лавозимга хос фаолият; 2) касб ёки лавозимга оид ташкилот; 3) касб ёки лавозимга оид ташкилот биноти каби лексик маъноларга эга лексик маъно ясайди. Масалан, *темирчи* сўзига *-лик* аффикси қўшилса, қуйидаги лексик маъно таркибига эга бўлади:

1. Темирчига хос фаолият. *Темирчиликни севмоқ.*
2. Темирчилар устахонаси. *Темирчиликка кетмон буюрмоқ.*
3. Темирчилар устахонаси дўкони. *Темирчилик йўл устида.*

-лик аффикси яна хусусият, тепалик билдирувчи сифатлардан ўзакдан англашилган ҳолат, жой ифодаловчи белги отларини ясаши ҳам мумкин. Масалан, *ботқоқлик, тепалик, қиялик* ва х.

¹ Қрғн.: Маъруфов З. От ва феъл // Ҳозирги замон ўзбек тили... – 328-338-б.

² Қрғн.: Гулямов А. Ғ. Основные способы словообразования в узбекском языке. Рукопись дисс. ... докт. филол. наук. Ташкент. 1955.

³ Қрғн.: Боровков А. К. Современный узбекский литературный язык // Узбекско-русский словарь. – М.: ГИИНС. 1959. С. 689-710.

⁴ Қрғн.: Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. – М. -Л.: Наука. 1960. С. 106-111, 147, 246-257, 282-287.

⁵ Қрғн.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 106-б.

⁶ Қрғн.: Нуъмонова Ш. Ўзбек тилида *-лик* аффикси билан ясалган отларнинг семантик классификацияси хақида // Тилшунослик ва адабиётшуносликка оид тадқиқотлар. Тошкент: Фан. 1965. 44-б.

Феъл ясовчи *-ла* аффикси ҳам полисемантик сўз ясайди. Масалан, *-ла* аффикси билан *буғ* отидан ясалган *буғламоқ* феълнинг семантик таркибига эътибор берайлик.

1. Буғ ҳолатига келмоқ. *Сув буғламоқ.*

2. Буғ билан камрамоқ. *Уйни буғламоқ.*

Шунга ўхшаш *боғламоқ*, *кирламоқ*, *чангламоқ* феъллари ҳам *-ла* аффиксининг мазкур маъносига асосланган семантик таркибга эга.

Ўзак бўлувчи сўз имкониятига қараб аффикснинг маълум маънолар доирасида яшаш учун қатнашиши ҳам от, ҳам сифат, ҳам феъл туркумига оид полисемантик сўзлар ясалишида бир хил характерга эга. Бу изчиллик тил учун қонуниятдир. Бу муайян ўзакдан маълум аффикс билан ясалган сўзларнинг ҳосила маъно юзага келтириши бир хил изчил давом этганлиги натижаси бўлса керак. Мазкур изчиллик юзага келган ҳосила маъно тармоқлашганини аффиксга кўчириб юборган, деган хулосага олиб келади.

Сўз ясалишида ўзакнинг полисемантиклиги ҳам полисемиянинг юзага келиши учун катта аҳамиятга эга. Ўзбек тилида туб сўзларнинг ниҳоятда кўп лексик маъноли бўлиши ясама сўзларнинг полисемантик бўлиб ясалиши учун замин тайёрлайди, имконият яратиб беради. Ўзакнинг полисемантиклигига кўра ясама сўзнинг полисемантик бўлишида аффикснинг полисемантик ёки моносемантик бўлиши унча аҳамиятли эмас. У сўз яшаш учун фақат бир маъноси билан қатнашса етади. Масалан, *уйин* сўзидан ясалган *уйинчи* сўзининг семантик таркибига эътибор берайлик.

1. Раққоса. *Шўх йигитлар уйинчига хушомод қилиб қийқиришар эди* (П. Турсун).

2. Ёнгил ва ёқимли ҳаракатлар қилувчи. *Каптарнинг уйинчиси.*

3. Спорт мусобақасидаги фигура, жамоа аъзоси. *Уста уйинчи тошчаларнинг аниқ ҳисобини олиб кўчади* (П. Қодиров).

Кўриниб турибдики, аффикс фақат бир маъно – ўзакдан англашилган воқеликнинг бажарувчисини англатиш маъноси билан ясовчилик вазифасини бажарган. Сўз яшаш мақсади ҳам аффикснинг фақат мазкур маъносини юзага чиқаришга қаратилган. Аффикс фақат шу бир маъниси асосида ўзакнинг уч лексик маъносидан уч ясама маъно ясаган. *Уйинчи* сўзининг ҳар уч ясама маъноси бири-бирига ўзаро семантик жиҳатдан шу даражада яқинки, улар ҳосила маъно каби бири иккинчисидан тараққий этиб юзага келганга

ўхшайди. Чунончи, ҳосила маъноларнинг референцилари ҳам ўзаро ўхшаш, улар гўё метафорик ҳосила маънони эслагади. Бу улшрининг ўзак маъноси бир-биридан метафорага кўра ҳосил бўлганлигининг натижасидир. Бунинг учун *ўйинчи* сўзининг ясалиш асоси бўлган *ўйин* сўзи семантик таркибига эътиборни қаратайлик.

1. Кўнгил очиш, эрмак максасидаги машғулот. *У жуда зерикти нима ўйин ўйнашини билмас эди* (Ойбек).

2. Ўзига хос жозибали, лекин бетартиб ҳаракат. *Шабдада ўйини*.

3. Спорт машғулот. *Футбол ўйини*.

4. Саҳна ёки цирк аттракционига хос кўриниш, чиқиш. *Болалар театрининг олдига келганларида, ўйин бошланишига учинчи сигнал – кўнгирок ҳам берилган эди* (Ойдин).

5. Рақс. *Ўйини ҳам бир турли назокат касб этиб, Гулсунбиби йўргалай кетди* (А.Қодирий).

6. Ҳаётга қалтис ҳазил билан ёндашиш фаолияти. *...тақдирнинг бунчалик ўйинлари турганда, биз нима қила олар эдик* (А.Қодирий)

Ўйин сўзининг 2-, 3- ва 5-лексик маъноларига асосланган ҳолда *ўйинчи* сўзининг семантик таркиби шакллантирилган. Яъни *ўйин* сўзининг шу лексик маъноларига *-чи* аффикси маъносини пайванд қилиб, *ўйинчи* сўзи лексик маънолари ясаб олинган. Ясама сўз ясалар экан, ясалиш асосининг лексик маъноларига асосланган бўлади.¹ Шунинг учун ҳам ясама сўз лексик маънолариаро боғланиш ясалиш асоси бўлган лексик маънолариаро боғланиш билан бир хил келади. Полисемантик сўзлардан от ясовчи *-лик* (*-лиқ*), *-чи*, *-ак*; сифат ясовчи *-ли*, *-дор*, *-сиз*, *-ма* ва *бе-*; феъл ясовчи *-ла*, *-лаштир*, *-ар* аффикслари воситасида яна ясама сўз ясала олади.

Демак, ўзбек тилидаги полисемантик сўзларнинг манбалари сўзларнинг ҳосила маъно юзага келтириши, эвфемизм ва дисфемизм, ясама маънолар ясалиши ҳисобланади. Улар ҳам ҳосила маъно, ҳам ясама маъно ҳисобига аралаш таркиб топаверади. Полисемантик сўзларнинг таркиб топишида ҳосила маъноларнинг юзага келиши асосий ўринда туради. Кўпинча эвфемистик ва дисфемистик маънолар уларга тенг келади. Ясама маънолар деярли ҳосила маънолар ясамаси ҳисобига ўз микдорини тўлдиради. Ясама маънолар ҳамма вақт лексик маъно мақомига эгалик қилади.

¹ Қриг.: Степанов Ю.С. Основы языкознания. М: Просвещение. 1966.С.35; Ахманова О.С. Ўша лугат. – С. 296; Потиха З.А. Современное русское словообразование. – М.: Просвещение. 1970. С .22,23.

3. Полисемия таснифи

Полисемантик сўзлар лексик маъноларининг бошқа туркум вазифасини бажара олиш ёки бажара олмаслик хусусиятига кўра икки турга бўлинади:

- 1) содда полисемантик сўзлар;
- 2) мураккаб полисемантик сўзлар.

Содда полисемантик сўзларнинг лексик маънолари фақат ўзи оид бўлган туркум вазифасини бажаради. Улар ўзбек тили (умуман туркий тиллар) даги феъл, олмош туркумига оид барча полисемантик сўзларни ўз ичига олади. Яъни феъл ва олмош туркумига оид сўзларнинг лексик маънолари бошқа туркум вазифасини бажармайди. Бу фикрни феъл туркумига оид полисемантик сўзларга талкин қилинса, тушуниб унча қийин эмас. Чунки феъл туркумига оид сўзлар умуман туркий тилларда ўзига хос шаклга эга бўлиб, улар соф ҳолатда бошқа туркум шакллари қабул қилмайди, шунингдек, бошқа туркум вазифасини бажармайди. Яна такрор таъкидлашга тўғри келадиги, феъл ҳеч қандай хосланган шаклга кирмаган, соф феъл ҳолатида бирор лексик маъноси асосида бошқа туркум вазифасини ўтамайди. Агар у феълнинг хосланган шакллари билан бири: ё сифатдош, ё равишдош, ё ҳаракат номи шаклига кирса, бошқа туркум вазифасига ўтиши муқаррар. Ҳар ҳолда бу феълнинг хосланган шаклига хосдир. Олмош туркумига оид сўзларнинг лексик маънолари бошқа туркум вазифасида келмаслигини бошқача изоҳлаш керак. Чунки олмош туркумига оид сўзнинг ўзи бошқа сўз туркумининг ўрнида алмашиб келган бўлади. Унинг таркибидаги лексик маънолар турлича туркумга оид вазифани бажариб келаётган бўлиши мумкин. Аммо улар ўзининг мавҳумлигича ва тушунчаларни тўғридан-тўғри ифода этмай, унга ишора қилаётганлиги ёки уни кўрсатаётганлиги хусусияти билан олмош туркумига хос бўлиб қолаверади.

Кўрдикки, феъл ва олмош туркумидаги барча полисемантик сўзлар содда полисемантик сўзлардир.

Мураккаб полисемантик сўзлар сифат, сон ва от туркумига оид сўзларда кузатилади. Сифат ва равиш туркумига оид полисемантик сўзлар ичида содда полисемантик сўзлар деярли (мутлақо эмас) учрамайди. Чунки бу икки туркумга оид сўзлар деярли ҳолда бир белги билдириб, улар ўз вазифаларини ўзаро алмашиб келади. Шунингдек, субстантивация шу икки туркумга оид сўзлар

ҳисобида жуда кўп. Бу улар лексик маъноси полифункционал бўлишини таъминлайди.

Сон туркумига оид сўзлар нутқда деярли сифат туркумига хос вазифа бажариб келади. Ҳосила маънолари ҳам деярли сифат туркумига хос бўлади. Улар полисемантик бўлар экан, фақат полифункционал ҳолатда кузатилади.

От туркумига оид сўзлар ичида содда полисемантик сўзлар ҳам, мураккаб полисемантик сўзлар ҳам бирдай учрайди. Бу, албатта, ясама отларнинг ясовчи аффикслари характери билан боғлиқ. Масалан, *-(u)m*, *-(u)ч*, *-истон* каби аффикслар билан ясалган отлар бошқа туркум вазифасида қўлланмайди. Улар ҳамма вақт содда полисемантик сўз бўлиб қолаверади. От туркуми учун содда полисемантик сўзлар қандай ҳолатда бўлса, мураккаб полисемантик сўзлар ҳам шундай ҳолатга эга. От туркумида мураккаб полисемантик сўз бўлар экан, унинг лексик маънолари тўлалиги билан ўз туркумига мансублиги ҳолда, яна асосан сифат туркуми вазифасини бажаради. Иккинчи туркум вазифасини ҳамма лексик маънолар ҳам, айрим лексик маънолар ҳам ўташи мумкин. Қуйида *ўлжа* отининг семантик таркибини келтирамыз.

1. Куч ишлатиб қўлга киритилган маблағ. *Ҳозилар... ўлжа ва тутқунларни бўлиш ишини бошлади* (С. Айний). // *Элмурод ўлжа қуролларни топширди* (Шухрат).

2. Овда қўлга киритилган жонивор, ов. *Ўлжасини титар ёввойи махлуқ* (С. Акбарий). // *Ўлжа кувён*.

3. Қўшимча ундирилган ҳосил. *Кун тигида сув тутма, ўлжани бой берасан* (Қ. Муҳаммадий). // *Қир бағридаги лалмикорликдан ўлжа ҳосил олинди* (“Туркистон”).

Юқорида *ўлжа* сўзининг семантик таркибига мансуб уч лексик маъно келтирилди. Бу уч лексик маъно от туркумига мансуб бўлгани учун шу туркумда изоҳланди ва мисол берилди. Улар, яъни уч лексик маъно сифат туркуми вазифасини ҳам бажарган. Бу вазифани бажарганлиги учун қўш чизиқча (//) кетидан мисол келтирилган.


Ўлик сўзининг мураккаб полисемантик сўзлиги эса сал бошқача. У сифат туркумида бўлиб, 9 лексик маънога эга. Бу лексик маънолардан фақат 6 таси от туркумига хос вазифа бажара олгани ҳолда 3 таси бу вазифани бажара олмайди. Умуман мураккаб полисемантикликнинг кўпчилиги шу характердадир.

Демак, полисемантик сўзлар лексик маъноларининг бир туркум ёки бирдан ортиқ туркум вазифасини бажариб келишига қараб икки типга бўлинади: 1) содда полисемантик сўзлар; 2) мураккаб полисемантик сўзлар. Феъл ва олмош туркумидаги полисемантик сўз фақат содда полисемантик сўз бўлади. Қолган туркумдаги полисемантик сўзлар кўпинча мураккаб полисемантик сўз эканлиги ҳолда, бу айниқса сифат ва равишларга хосдир. Мураккаб полисемантик сўз лексик маъноларининг иккинчи туркум вазифасини бажариши баъзан тўла бўлса ҳам, деярли тўла эмас.

4. Полисемияда лексик маъноларнинг ўзаро боғланишига кўра типлари

Сўз ҳамма вақт ўз генетик маъносига асосланиб юзага келган ёки ясалган бўлади. Ундан кейинчалик ҳосила маънолар ҳам яратилиши мумкин. Шу сўздан яна сўз ясалар экан, унинг генетик ва ҳосила маъноларидан ясама маънолар ясалади. Ўзак сўзнинг семантик таркибидаги лексик маънолар ҳам, ясама сўзнинг семантик таркибидаги лексик маънолар ҳам ўзаро алоқадор, яъни боғли бўлади. Сўзнинг лексик маънолари ана шу ўзаро алоқадорлигига кўра уч типга: бош маъно, асос маъно ва тобе маъноларга бўлинади.

Бош маъно сўз лексик маъноларининг ўзаро боғланишлари марказида турган лексик маънодир. Яъни сўзнинг лексик маънолари бевосита ёки билвосита боғланиб келувчи, туташувчи лексик маъно тилшуносликда бош маъно деб қаралади.¹ Масалан, ўйин сўзининг лексик маънолари таркиби ва уларнинг ўзаро боғланишини эслайлик.²



Чизмада қайд этилганидай, ўйин сўзининг 1- лексик маъноси бош маъно бўлиб, 2-, 3-, 4- ва 6- лексик маънолар унга тўғридан-тўғри боғланиб келган. 5- лексик маъно 2- лексик маъно орқали бош маънога боғланган.

Бош маъно генетик маънога тенг келса, уни аниқлаб олиш осон. Чунки қолган лексик маънолар генетик маънодан юзага келган ҳосила маънолар бўлади. Ҳосила маънолар

¹ Қрғ.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 85; И.В. Арнольд мана шу тил фактини марказий (центральный) маъно термини билан атайди. Қрғ.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 60.

² Бу сўзнинг семантик таркиби аввалги сарлавҳа остида келтирилган

юзага келиши нуктаи назаридан генетик маънога боғланганлиги кузатилади.¹ Бироқ полисемантик сўз аффиксация натижаси бўлса, бу фикрни татбиқ этиб бўлмайди. Чунки ясама сўзнинг семантик таркибига кирувчи лексик маънолар ё ўзак сўз лексик маъноларининг ясамаси, ё аффикснинг яшаш имкониятлари натижаси бўлиши мумкин. Сўз маълум тушунчани ифода этиш зарурияти билан ясалади ва унинг лексик маънолари шу зарурият билан юзага келади.² Шунга ўхшаш полисемантик ясама сўзнинг ҳам қайсидир лексик маъноси юзага келиши шу зарурият натижаси бўлади. Бу лексик маъно ўзак сўзнинг бош маъносидан ясалган бўлиши шарт эмас. Билиш ва муомаланинг тараққиёти ҳеч вақт сўзнинг семантик ҳолатлари билан ҳисоблашмайди. Аксинча, сўз ўз семантик таркибини унга мослаб тараққий эттиради. Бундай жараён натижасида таркиб топган полисемантик сўзнинг дастлабки лексик маъносини билиб олиш қийин. Ясама сўзда уни билиб олувчи бирорта ҳам белги кўзга ташланмайди. Мабодо уни топиш имкони бўлганда ҳам, ясама сўз лексик маъноларининг ўзаро боғланиши марказида ўша дастлабки маъно (агар у ўзакнинг бош маъносидан ясалган маъно бўлмаса) бўлавермайди.

Полисемантик ясама сўз ўз ўзагининг полисемантиклиги ҳисобига таркиб топади. Бунда ўзакнинг бош маъносидан ясалган маъно ясама сўзда ҳам бош маъно бўлиб қолаверади. Яъни ясама сўзлардаги ясама маъноларнинг ўзаро боғланиши маркази ўзак сўзнинг бош маъносидан ясалган маънода бўлади. Ясама сўзнинг кейин юзага келган ҳосила маънолари ясама маъноларнинг бирортаси тараққиёти натижаси бўлиб, ўзини ҳосил қилган ясама маънога боғланади. Бунинг учун *ўйин* сўзидан ясалган *ўйнамоқ* сўзининг семантик таркибига эътиборни қаратишга тўғри келади.

1. Эрмак қилмоқ. *Ўйнаб гатирсанг ҳам, ўйлаб гатир* (мақол).

2. Турли-туман ҳаракат қилмоқ. *Ҳовузда балиқлар тиниқ сувни тўлқинлатиб ўйнайди* (П.Қодиров).

3. Ракс тушмоқ. *Ўртада ўн олти-ўн етти яшар бачча ўйнайди* (Ойбек).

¹ Кўпгина тилшунослар, сўзнинг семантик таркиби бош маъно тараққиёти натижасида юзага келган ҳамма лексик маънолардан иборат бўлади, деб қарайдилар. Улар бош маънони ҳосила маъно юзага келиши доирасида ўрганишгани учун, шу фикр билан чегараланишган. Қрнгл.: Арнольд И.В. *Ўша* асар. – С. 62. Аликулов Т. *Ўша* автореф. – С. 3-24.

² Қрнгл.: Потиха З.А. *Современные русское словообразование*. – С. 146.


4. Роль ижро этмоқ. *Театр режиссерлари роль устига роль беришяпти. Аям қотириб ўйнаяпти* (“Муштум”).

5. Маълум қойдаларга асосланган машғулотда ютиш учун курашмоқ. *Одатда қизлар кўчмак ўйнамайди* (П. Қодиров).

6. Ўрнидан кўзгалмоқ. *Раҳмонқуловнинг жағи ўйнаб кетди* (А. Мухтор).

7. Оҳангга ижро этмоқ. *Бахт куйини ўйна басталаб* (Ғайратий).

Ўйнамоқ сўзининг семантик таркибини ўйин сўзининг семантик таркибига қиёс қилинса, ўйнамоқ сўзининг 1, 2-3- ва 5-лексик маънолари ўйин сўзи лексик маъноларидан ясаб олинган бўлиб, 4, 6-7-лексик маънолари ҳосила маънодир. Шулардан 2, 5-ясама маънолар ва 4, 7-ҳосила маънолар 1-рақамли бош маънога; 3-ясама маъно ва 6-ҳосила маъно 2-ясама маънога боғланиб келган. Яъни ясама сўз таркибидаги 4, 7-ҳосила маъно бош маънодан, 6-ҳосила маъно 2-ясама маънодан юзага келган ҳосила маънодир.



Шунга кўра ўйнамоқ сўзининг бош маъноси белгиланган.

Текширишлар шуни кўрсатадики, ўзбек тилидаги деярли ясама сўзларда ўзак сўзнинг бош маъноси ясалиш жараёнини ўтиб, ўз ҳолатини сақлайди. Баъзан ясама сўзда ўзак сўзнинг бош маъноси олинмаган бўлади. Бу ҳолда ясама сўзнинг бош маъноси ўзак сўздаги ҳосила маънолардан бирининг ясамаси ҳисобланади. Яъни ўзак сўзнинг навбатдаги ҳосила маъноларидан бири сўз ясалишида катнашган бўлса, у ясама сўзнинг бош маъноси мақомини олади. Масалан, *бош сўзи* 20 лексик маънога эгаллиги кайд этилган эди. Унинг бош маъносидан метафорага кўра юзага келган ‘дастлабки қисм’ ҳосила маъноси ва ундан яна метафорага кўра юзага келган ‘етакчи’ ҳосила маъноси феъл туркумига оид *бошламоқ* полисемантик сўзи учун ўзак маъно вазифасини ўтаган, феъл эса ‘дастлабқисини амалга ошириб йўлга солиб юбормоқ’ ва ‘эргаштирмоқ’ ясама маъноларига эга бўлган: *Достонимни энди сизга бошлайин* (Э. Жуманбулбул). *Шодлик мени бошлади йўлга* (Ҳ. Олимжон). Ўзак сўз лексик маъноларига нисбат берилса, аввалги ясама маъно *бошламоқ* ясама феълнинг бош маъноси ҳисобланади. *Бош сўзининг* яна ‘учки юза’ ҳосила маъноси бўлиб, у юқоридаги ҳосила маънолар билан бошқа ҳосила маънолар орқали семантик боғланади. Бу эса узиб олинган ҳолатда бўлиб,

улар билан семантик алоқада эмас. Шу ўзак маъноси асосида ясалган бошламоқ феъли ҳам аввалги бошламоқ феъли билан семантик боғланмагани ҳолда, унга омоним ҳисобланади.

Ясама полисемантик сўз полисемантик аффикс билан яшилган бўлиши ҳам мумкин. Бунда аффикснинг семантик тараққиёти назарда тутилиб, бош маъно белгиланади. Масалан, *-лик* полисемантик аффикси билан ясалган *вазирлик* сўзининг семантик таркибига эътибор қаратайлик. Бу сўз: 1) вазир лавозими. *Вазирликка тайинланди*; 2) вазир ишлайдиган ташкилот. *Вазирликка учрашмоқ*; 3) вазир ишлайдиган ташкилот биноси. *Вазирлик олдидаги машиналар*. Бу сўзнинг бош маъноси 1-лексик маънодир. Унга 2- ва 2-лексик маънога 3-лексик маъно боғланиб келган. Умуман *-лик* аффикси билан ясалган сўзларнинг семантик таркиби шундан иборат.

Семасиологияда тадқиқ этилаётган бу бош маъно билан лексикографияда тадқиқ этиладиган бош маъно маълум нуқтаи назардан фарқ қилади. Семасиологияда тадқиқ этилаётган бош маъно генетик маънога деярли тенг келади.¹ Мабодо сўзнинг генетик маъноси этимологик маънога айланган бўлса, сўзнинг синхроник ҳолатдаги энг аввалги маъноси бош маъно ҳисобланади. Лексикографик бош маъно субъектив, эмпирик характерда белгиланади. Чунки луғатлар синхроник асосга эга бўлади. Бундай луғатларда сўзларнинг лексик маъноларини фойдаланувчилар учун осон етказиш мақсад қилиб олинади ва шунга қараб жойлаштирилади.² Луғат тузилган давр учун энг фаол ва сўзни яққол ифода этиб турувчи лексик маъно лексикографик бош маъно сифатида тақдим этилади.³ Буни белгилаш лексикограф қўлида тўпланган карточка миқдори ва ўзининг тасаввур этиш даражаси билан боғлиқдир.

¹ Семасиологияда тадқиқ этилувчи бош маънони лексикографлар тўғридан-тўғри генетик маъно деб ҳам атайдилар. Қрғ.: Касарес Х. Введение в современную лексикографию. – М.: ИИЛ. 1958. С. 80-105.

² Қрғ.: Касарес Х. Введение в современную лексикографию. – С. 80.

³ Қрғ.: Шмелев Д.Н. Проблемы семантического анализа лексики. – М.: Просвещение. 1973. С. 214; Исоҳли луғат учун тузилган қўлланмада: “Бунда сўзнинг бош маъноси биринчи ўринга қўйилади, колган маънолари хронологик тартибда ёки куп ё кам қўлланишига қараб жойлаштирилади, дастлабки маъноси (этимологикка айланган генетик маъноси дейилмоқчи) хатто охириги ўринга қўйилиши ҳам мумкин” - дейилган. Қрғ.: Ўзбек тилининг изоҳли луғати учун қўлланма. – Тошкент: Фан. 1964. 51-б. Яна Қрғ.: Звегинцев В.А. Теоретическая и прикладная лингвистика. – М.: Просвещение. 1968. С. 40.

Тарихий луғатларда берилган полисемантик сўзнинг бош маъноси генетик маъно билан тенг келади. Унинг генетик маъноси этимологик бўлса ҳам, у бош маъно сифатида кўрсатилади. Тарихий луғатларнинг моҳияти сўзларнинг ҳам фонетик, ҳам семантик тараққиёти тарихини кўрсатишдир.¹ Синхроник асосда қаралаётган сўзнинг генетик маъноси бўлмаслиги, уни топиш мазкур текшириш объектига кирмаслиги мумкин.

Кўрдикки, бош маъно полисемантик сўзнинг семантик доирасида олиниб, синхроник асосда белгиланади. У сўз лексик маънолари боғланиши марказида туради. Унинг шаклланиши сўзнинг ҳосила маъноси юзага келиши тизими қонунияти билан боғлиқ. Ҳосила маъно вазифадошликка кўра юзага келган бўлса, у деярли бош маъно мақомини олади. Лексикографик бош маъно сўз лексик маъносининг энг қўп қўлланиши ва эмпирик характери билан белгиланади. Тарихий луғатларда у генетик маъноларга тенг келади.

Асос маъно сўзнинг бир ёки бир неча лексик маъноси боғланиб келган лексик маънодир. Асос маъно референти билан унга боғланиб келган лексик маъно референти ўзаро муносабатда бўлиб, бунда асос маъно референтига бошқа маънолар референти субъектив англаш нуктаи назаридан тобе ҳолатда эканлиги билан характерланади. Яъни сўзнинг бир ёки бир неча лексик маъноси ҳосил бўлиши учун асос бўлган лексик маъно асос маъно ҳисобланади. Масалан, юқорида берилган *ўйин* сўзининг семантик тараққиётига эътибор бериш мумкин. Унинг 1-лексик маъносидан 2-, 4-, 5-лексик маънолар, 2-лексик маъносидан 3-лексик маъноси ҳосил бўлган. Шунинг учун 2-, 4-, 5-лексик маъноларга 1-лексик маъно ва 3-лексик маънога 2-лексик маъно асос маъно ҳисобланади.

Ясама полисемантик сўзнинг асос маънолари шу сўз учун ўзак бўлган сўзнинг семантик тараққиётига қараб аниқланади. Масалан, *ўйнамоқ* феъли *ўйин* отидан ясалган экан, феълдаги асос маънолар от туркумидаги асос маънодан ясалган ясама маънолар бўлади. *ўйин* сўзида 1- ва 2- лексик маънолар асос маъно эди. *ўйнамоқ* феълидаги ундан ясаб олинган 1- ва 2- ясама маънолар ҳам асос маъно ҳисобланади. Ясама феъллардаги 2-, 4-, 5- ясама маънолар учуғ, ўзак сўзда бўлганидай, 1- ясама маъно; 3- ясама маъно учун, ўзак сўзда бўлганидай, 2- ясама маъно асос маъно бўлади. *ўйнамоқ*

¹ Қрғ.: Галкина-Федорук Е.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. Т. I. – С. 128.

фёълидаги 6-, 7-лексик маънолар ҳосила маъно экинчилиги ҳолда, 6-ҳосила маъно 1-асос маънога, 7-ҳосила маъно 2-асос маънога боғланади. Чунки бу ҳосила маънолар ўз асос маъносининг ҳосиласидир. Шунинг ҳам айтиш керакки, ўзакдаги асос маънога боғланган лексик маъно сўз ясалишида иштирок этмаса, асос маънодан ясалган ясама маъно асос маъно бўла олмайди.

Ясама полисемантик сўз аффикснинг полисемантикчилиги ҳисобига таркиб топса, ясовчининг семантик тизимига қараб ўз мақомини олади. Масалан, *вазирлик* ясама сўзининг ‘вазир лавозими’ ясама маъноси 2- ‘вазир ишлайдиган ташкилот’ ясама маъноси учун, бу ясама маъно 3- ‘вазир ишлайдиган ташкилот биноси’ ясама маъноси учун асосдир.

Ўрни келганда шунинг ҳам айтиш керакки, полисемантик сўзларнинг биринчи асос маъноси ҳамма вақт бош маънога адекватдир.

Кўрдикки, асос маъно шундай лексик маъноки, полисемантик сўз лексик маъноларининг ўзаро муносабатида унга бошқа бир ёки ундан ортиқ лексик маъно тўғридан-тўғри боғланиб келади. Бундай боғланишнинг шаклланиши учун ҳосила маъно юзага келиши тизими ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Полисемантик сўз таркибидаги дастлабки асос маъно бош маънога адекватдир.

Тобе маъно асос маънога тобеланиб, боғланиб келган лексик маънодир. Тобе маънонинг тобеланиши нисбий бўлиб, бош маънодан бошқа ҳар бир маъно ўз ўрни билан тобе маъно ҳисобланаверади. Масалан, яна *уйин* сўзи семантик таркибини эслашга тўғри келади. Ундаги 2- лексик маъно 3- лексик маънога нисбатан асос маъно бўлгани билан бош маъно, яъни 1- лексик маънога нисбатан тобе маънодир. Шу сўздаги 4- ва 5- лексик маънолар 1- лексик маънога нисбатан, 3- лексик маъно 2- лексик маънога нисбатан факат тобе маъно деб қаралади.

Умуман, қайси лексик маъно қайси лексик маънодан ҳосил бўлса, унга нисбатан ҳамма вақт тобе маъно мақомини олади. Ясама сўздаги ясама маънолар асос ва тобелик мақомини ўзак сўздан ўзига кўчиради. Сўзлардаги эвфемистик ва дисфемистик лексик маънолар, фигурал ва боғли лексик маънолар полисемантик сўз таркибида факат тобе маъно мақомида келади. Улар асос маъно бўлиши мутлақо мумкин эмас.

Кўрдикки, тобе маъно шундай лексик маъноки, полисемантик сўз лексик маъноларининг ўзаро муносабатида бошқа бирор лексик маънога тобе ҳолда боғланган бўлади. Бундай боғланишнинг шаклланишида ҳам ҳосила маъно юзага келиши тизими ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Фигурал ва боғли маънолар, эвфемистик ва дисфемистик маънолар ҳамма вақт тобе маъно вазифасида келадилар.

Демак, лексик маънолар, сўз семантик таркибидаги ўзаро боғланиб келишига кўра, бош маъно, асос маъно ва тобе маъноларга бўлиниб, бир-биридан ўзаро боғланишидаги тобе ва асос бўлиш ҳолати билан фарқланади. Бош маъногина генетик маънодан иборат бўлади. У генетик маънонинг ясамасидан ҳам, ҳосила маънодан ҳам иборатлиги кузатилади. Унинг ҳосила маънода акс этиши генетик маънонинг этимологик маънога айланиши билан боғлиқдир. Бундай ҳолда у этимологик маънога айланган генетик маънонинг дастлабки ҳосила маъноси эканлиги билан характерланади. Асос маъно ўзига бир ва ундан ортик ҳосила ёки ясама маъно боғланиб келган ҳосила ёки ясама маъно бўлади. Фигурал ва боғли маънолар, эвфемистик ва дисфемистик маънолар ҳамма вақт тобе маънодир. Унинг мақоми ҳосила маъно юзага келиши тизимидан келиб чиқиб белгиланади.

Полисемияда лексик маъноларнинг ўзаро боғланиши кўринишлари

Полисемияда сўз лексик маънолари ўзаро боғланиб келган бўлади. Бу икки кўринишдадир: 1) еллигичсимон; 2) занжирсимон. Бу кўринишлар тилшуносликда тилга олинган. Лекин у полисемантик сўз маъноларининг тараққиётига хос кўриниш деб қайд этилган.¹ Бу қараш бир томонлама тўғри. Полисемияда сўз лексик маъноларининг ўзаро боғланиши сўз генетик маъносининг ҳосила маъно юзага келтиришидаги изчиллик билан боғлиқ бўлади. Лекин улар полисемантик сўзнинг семантик таркибида ясама маънолар ҳам иштирок этиши ёки ясама маънолардан иборат келишини ҳисобга олишмаган. Бошқа бир тилшунослар бу боғланиш асосида полисемантик сўзларни типларга ажратмоқчи

¹ Қрғг.: Будагов Р.А. Введение в науку о языке. – М.: Изд.МУ. 1958. С.51; Турапина Е.Н. Некоторые случаи образования омонимов на базе производных значений многозначного слова // Ученые записки Куйбышевского пединститута. Вып.31. – Куйбышев. 1961. С.137; Кашнельсон С.Д. Содержание слова значение и обозначение – М. -Л.: Наука. 1965. С.59.

бўлганлар.¹ Лекин полисемантик сўз таркибидаги лексик маъноларнинг ўзаро боғланиш кўринишлари фақат сўзнинг семантик тармоқланиши кўринишини белгилайди.

Полисемияга хос сўзнинг семантик қурилиши таркибидаги лексик маъноларнинг ўзаро боғланиши қурилишига боғлиқдир. Бу боғланиш ҳам елпигичсимон, ҳам занжирсимон бўлади. Улар таҳлилига ўтамиз.

Сўз лексик маъноларининг ўзаро елпигичсимон кўринишдаги ўзаро боғланиши шундан иборатки, унда сўзнинг бош маъноси қолган лексик маънолар учун асос маъно бўлиб қолади. Қолган лексик маънолар тобе маъно сифатида тўғридан-тўғри унга боғланиб келади. Улар, албатта, бирдан ортиқ бўлади.

Ҳосила маъно юзага келиши натижасида таркиб топган полисемантик сўзларда лексик маъноларнинг ўзаро боғланиши сўзнинг семантик тараққиёти бўйича белгиланади. Бу тараққиёт ҳосила маъноларнинг барчаси бош маънодан эканлиги билан боғлиқдир. Бу ҳақда Р.А.Будагов, Е.Н.Турапина, С.Д.Кацнельсон-лар ҳам ўз таҳлилларини келтиришган.² Ўзбек тилшунослари ҳам ўзбек тилидаги полисемантик сўзлар лексик маънолари ҳам ўзаро елпигичсимон³ боғланишга эгаллиги ва улардаги кўриниш ҳақида тўхташган.⁴ Шуларга кўра полисемантик сўзларнинг лексик маънолари ўзаро елпигичсимон боғланишига уламоқ, феъли семантик таркибини мисол тариқасида келтириш ва таҳлил бериш мумкин.

1.Учларини бириктирмоқ, туташтирмоқ. *Отнинг тизгинига арқон улаб беринглар, ўзим ҳайдаб кетавераман* (А.Қаҳҳор).

2.Учига қўшиб узайтирмоқ. *Этак уламоқ. Соч уламоқ.*

3.Алоқа, оқим йўлини ўрнатмоқ. *Вой анов одамнинг шионмаганини, телефонини ўзим улаб бердим* (А.Мухтор).

4.Эритиб ёпиштирмоқ. *Рельс синигини уламоқ.*

5.Чегаламоқ. *Пиёла уламоқ.*

6.Пайванд қилмоқ. *Олма уламоқ,*

¹ Қрнғ.: Аликулов Т. Ўша автореф. – С.6; Ҳақимова М. Семасиология. – 62-63-б.


² Қрнғ.: Будагов Р.А. Введение в науку о языке. Ўша бет; Турапина Е.Н. Некоторые случаи образования омонимов на базе производных значений многозначного слова... Ўша бет; Кацнельсон С.Д. Содержание слова... Ўша бет.

³ Қрнғ.: М.Ҳақимова полисемантик сўз лексик маъноларининг ўзаро елпигичсимон боғланишини радиал боғланиш деб талқин этади. Қрнғ.: Ҳақимова М. Семасиология. – 62-б.

⁴ Қрнғ.: Аликулов Т. Ўша автореф. Ўша бет; Ҳақимова М. Ўша асар. Ўша бет.

7.Кўшиб давом эттирмак. У ҳар тўғрида тинимсиз гаптириб, гапни-гапга улаб юборди (О.Ёқубов).

Бу уламоқ феълнинг 1- лексик маъноси бош маъно бўлиб,



асос маъно сифатида келган 2-, 3-, 4-, 5-, 6-, 7- лексик маънолар унга тобе маъно сифатида қайд этилган. Шулардан 3- ва 6- лексик маъно бош маънодан метонимияга кўра, 2-, 3-, 4-, 5-, 7- лексик маъно бош

маънодан метафорага кўра ҳосил бўлган. Бу лексик маънолар ўртасидаги боғланиш елпиғичсимон шаклни олган.

Лексик маъноларнинг ўзаро боғланиши елпиғичсимон бўлган сўзлардан янги сўз ясалса, ясалишда қанча лексик маъно қатнашишидан қатъий назар, унда ҳам елпиғичсимон боғланиш сақланади. Масалан, уламоқ феълидан улоқ сифати ясалиб, бунда ўзакнинг 1-, 2-, 4-, 5-, 6- лексик маънолари ясалиш учун асос бўлди. Яъни улоқ сифати беш лексик маънога эга бўлиб, улардан ҳам биринчиси бош маъно, қолганлари тобе маъно сифатида унга бевосита боғланган ва бу боғланиш елпиғичсимондир.

Полисемияда сўз лексик маъноларининг ўзаро занжирсимон боғланиши шундан иборатки, ундан бош маънога бевосита боғланган тобе маъно бошқа тобе маъно учун асос маъно бўлади ва кейинги тобе маъно ҳам ўз ўрни билан шундай вазифани бажариб келади. Натижада бош маънога қолган лексик маъноларнинг боғланиши занжирсимон кўринишини олади.

Тилшуносликда лексик маънолари ўзаро занжирсимон боғланган полисемантик сўзларнинг ҳам фақат ҳосила маъно юзага келиши ҳисобига шаклланиши ҳақида гапирилган.¹ Лексик маъноларнинг ўзаро занжирсимон боғланиши асосан ҳосила маъно ҳисобига таркиб топган полисемантик сўзларда кузатилади. Бунинг учун қуйидаги қадамоқ феълнинг семантик таркибига эътибор беришга тўғри келади.

1.Тирамоқ, ботирмоқ. – Бу яшамай ўлгурнинг ўзи ёмон, - деди она, муштини ерга қадаб (А.Қаҳҳор).

2.Ботириб сукиб кўймоқ. Байроқ қадамоқ.

3.Тўғнамоқ. Тўғноғич қадамоқ.

¹ Қриг.: Будагов Р.А. Ўша асар. Ўша бет; Турапина Е.Н. Ўша асар. Ўша бет; Кацнельсон С.Д. Ўша асар. Ўша бет; Аликулов Т. Ўша автореф. – С. 7; Ҳакимова М. Ўша асар. – 63-б.

4.Тўғнаб бирлаштирмоқ. ...сен бирон кўйлакнин. ёқасини қийшиқ қадаб қўйсанг, ...жавобгар бўламиз (А.Қаҳҳор).

5.Тақмоқ. Кўкрагига орден қадамоқ.

6.Тақиб чатиб қўймоқ. ...тузмасини қадашга улгуролмай яна сўзида давом этди (Ш.Рашидов).

① Қадамоқ феълнинг ҳам биринчи лексик маъноси бош
маъно бўлиб, қолган лексик маънолар унга тартиб рақами
② бўйича бирин-кетин боғланиб келган. Унинг лексик
③ маънолари чизмада берилганидай ўзаро боғланган. Улардан 2-
④ лексик маъно 1- сидан, 3- лексик маъно 2- сидан, 4- лексик
⑤ маъно 3- сидан метонимияга кўра; 5- лексик маъно 4-сидан, 6-
⑥ лексик маъно 5- сидан метафорага кўра ҳосил бўлган.

Полисемантик сўзни таркиб топтирган лексик маънолар ясама бўлса, улар ўзаро камдан-кам занжирсимон боғланадилар. Бунинг учун ўзак лексик маънолари ўзаро занжирли алоқада бўлгани ҳолда, ҳаммаси сўз ясалишида иштирок этиши шарт. Агар лексик маънолари занжирсимон боғлангани ҳолда, ясалишда орадан бири қатнашмаса, ўша ўринда улар боғланиши узилади ва ўша ўринда полисемантик ясама бўладиган сўз иккига дифференциация этилади. Бу ҳақда шу бобнинг “Полисемия ва унга ёндош ҳодисалар” сарлавҳаси остида таҳлиллар келтирилган.

Ўзбек тилидаги фактлар полисемантик сўзларнинг лексик маънолари ўртасидаги ўзаро боғланишлар ҳамма вақт ё елпиғичсимон, ё занжирсимон кўринишда келавермаслигини кўрсатди. Полисемантик сўзларнинг лексик маънолари ҳам елпиғичсимон, ҳам занжирсимон кўринишда аралаш ҳолатда ўзаро боғланаверади.¹ Бунинг учун *уйин* сўзининг семантик таркиби² ва лексик маъноларининг ўзаро боғланишига эътибор бериш мумкин. Унинг 1- лексик маъноси бош маъно бўлиб, қолган 2-, 3-, 4-, 6- лексик маънолари унга бевосита елпиғичсимон боғланган. Лекин 5- лексик маъно 2- лексик маъно орқали бош маънога занжирсимон тугашган, яъни аралаш кўринишга эга. Бу полисемантик сўз лексик маънолариаро боғланишнинг асосини ташкил қилади.

¹ Қриг.: Будагов Р.А. Ўша асар. – С.52; Турапина Е.Н. Ўша асар. – С.138; Кацнельсон С.Д. Ўша асар. – С.60; Аликулов Т. Ўша автореф. – С.8; Ҳақимова М. Ўша асар. Ўша бет.

² Уйин сўзининг семантик таркиби шу бобнинг “Полисемиянинг манбалари” сарлавҳаси остида берилган.

Демак, полисемияда сўз лексик маънолари ўзаро елпиғичсимон кўринишда ва занжирсимон кўринишда боғланади. Бу кўринишларнинг иккиси ҳам бир полисемантик сўзда учраб, мураккаб кўринишдаги боғланишни юзага келтиради. Уларнинг ўзаро қайси кўринишда боғланиши бошқа лексик маъноларнинг бош маънога воситали ёки бевосита боғланиши билан алоқадордир. Лексик маъноларнинг ўзаро мураккаб кўринишда боғланиши полисемантик сўзларнинг асосий салмоғини ташкил қилади.

Хуллас, полисемияда сўзлар бирдан ортиқ лексик маънога эгалиги ҳолда, улар фақат ўзи оид сўз туркумига мансуб бўлади ва ўзаро ҳамма вақт семантик боғли ҳолда кузатилади. Улардан айримлари ёки ҳаммаси бошқа сўз туркуми вазифасини ҳам бажарадиган бўлса, у содда эмас, мураккаб полисемантик сўз ҳисобланади. Полисемантик сўзлар таркиби фақат ҳосила маънолар ҳисобига эмас, эвфемизм ва дисфемизм, шунингдек, ясама маънолар ҳисобига ҳам таркиб топади. Лекин улар таркибидаги лексик маъноларнинг ўзаро боғланиши асосида генетик маънонинг ҳосила маъноларни юзага келтириши ётади. Ясама сўзнинг ясама маънолари ҳам унга асосланади. Лексик маънолар ўзаро боғланишига кўра бош, асос ва тобе маъноларга бўлинади. Улар ўртасидаги боғланиш елпиғичсимон, занжирсимон ва ўзаро бириккан кўринишга эга. Сўздаги лексик маънолар бош маънога ё бевосита, ё билвосита боғланади.

Хулоса

Сўзларнинг, таркибидаги лексик маъно ва улар миқдорига кўра тадқиқ этилиши қуйидаги хулосаларга олиб келди.

1. Сўзлар, ўз семантик таркибида қанча лексик маъно бўлишига кўра, икки типга: моносемия ва полисемияга ажралади. Моносемияда сўз фақат бир лексик маънога, полисемияда сўз бирдан ортиқ лексик маънога эга бўлиши билан характерланади.

2. Моносемия ва полисемиялар киши объектив борлиқдаги нарсалар, воқеликлар, белгилар, ҳаракатлар ва ҳолатларни бири-бири билан алоқадор ҳолда, қиёслаб идрок қилиши, уларни тил фактларида қайси даражада акс эттириши билан боғли ҳолда мавжуддир. Мана шу алоқадорликларни сўз ўзида акс этгирса, у полисемия, акс эттирмай қолса, у моносемия бўлади.

3.Сўз генетик маъносининг объектив борлиқини ўзаро алоқадорлигини ўзида акс эттириб, семантик тараккий тиниши на ҳосила маъноларни юзага келтириши ёки келтирмаслигини қараб полисемия ёки моносемия воқеланади. Объектив борлиқини ўзаро алоқадорлигини ўзида акс эттириб юзага келган ҳосила маънолар ҳам ўзаро алоқадор ва бир-бирини тақозо этиб туради. Бу улардан ясалган ясама маъноларига ҳам кўчади.

4.Полисемияда сўз лексик маъноларининг ўзаро боғлиқлиги ўзига хос лексик маъно типларини юзага келтиради ва улар бош маъно, асос маъно ва тобе маъно деб номланади. Қолган ҳамма лексик маъно бош маънога ё бевосита, ё билвосита боғланади. Шунга қараб полисемантик сўз лексик маъноларининг елпиғич-симон, занжирсимон ва уларнинг иккиси бирлашган ҳолдаги боғланиши шаклланади.

5.Полисемияда лексик маънолар ўзи оид бўлган сўз қайси туркумга мансуб бўлса, шу туркум вазифасини бажаради. Агар уларнинг айримлари ёки ҳаммаси бошқа туркум вазифасини бажарса, бундай полисемантик сўз мураккаб полисемантик сўз бўлади.

6.Моносемантик сўз ҳам, полисемантик сўз ҳам тил бойлигидир. Полисемантик сўз тил бойлигининг сифатли қатлами ҳисобланади.

VI боб.
ЛЕКСИК МАЪНОЛАРДАГИ
ПАРАДИГМАТИК МУНОСАБАТ

Лексик маънолардаги парадигматик муносабат икки жиҳатдан бўлади: 1) маълум мавзу жиҳатдан, 2) семантик жиҳатдан.

Сўз лексик маъноларидаги парадигматик муносабатга маълум мавзу жиҳатдан қаралганда, лексик маъноси бўйича сўзлар маълум мавзу доирасида гуруҳларга ажратилади. У яна кичик мавзулар бўйича кичик гуруҳчаларга бўлиниб кетади. Масалан, феъллар ҳаракат, ҳолат, нутқ, мушоҳада, муомала, сезги ва тақлид-тасвир мавзу гуруҳларига бўлинади. Тилшунос Р. Расулов ўзбек тилидаги ҳолат феълларини давомий, ҳаракат натижаси бўлган, ижро ҳолати, ҳаракат ҳолати, кўникма, образли, биологик, физиологик, психологик каби феъл гуруҳчаларига;¹ Т.Т.Мусаев сезги феълларини кўрув, эшитув, ҳидлаб сезув, там сезув, тусмоллаб сезув каби феъл гуруҳчаларига² бўлиб кўрсатади. Яъни сўзларнинг лексик маъноларидаги парадигматик муносабатни маълум мавзу жиҳатдан тадқиқ этиш тил лексик қатламларини ўрганишдан иборат. Шунинг учун уни лексикологиянинг тил лексикасини ўрганадиган соҳага қолдиришни лозим топдик.

Сўз лексик маъноларида парадигматик муносабат семантик жиҳатдан қаралганда, тилшуносликда сўзлар маъно бир хиллиги ва маъно қарама-қаршилиги нуктаи назаридан гуруҳчаларга бўлиб тадқиқ этилади. Сўзларнинг маъно жиҳатдан бир хил бўлиши синонимия деб, маъно жиҳатдан қарама-қарши бўлиши антонимия деб юритилади. Сўз лексик маъноларидаги парадигматик муносабатни семантик жиҳатдан эслатувчи яна бир ҳодиса мавжуд. Бунда маълум сўз лексик маъноси ифодалаган тушунчанинг икки томони, кутби бўлиб, улар алоҳида сўзларда ифода топади. Мана шу умумлаштирувчи сўз ва у ифода этган тушунчанинг икки томони, кутби икки сўзда ифода топиши корреляция дейилади. Сўз лексик маъноларидаги парадигматик муносабат синонимия, антонимия, корреляция остида ўрганилади.

¹ Қриг.: Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов и их валентности. – Тошкент: Фан. 1991. С.16-24.

² Қриг.: Мусаев Т.Т. Глаголы ощущение в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1992. С.4-8.

СИНОНИМИЯ

Сўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатиридин бири ўз аксини синонимияда топади ва албатта шу термин остида тадқиқ этилади.¹ Синонимия бирдан ортиқ сўзнинг лексик маънолари ўртасидаги муносабатда юзага чиқади. Шу муносабатга кўра фалон сўз иккинчи бир сўзга нисбатан олиб қараб, унинг синоними деб юритилади. Ҳеч маҳал фалон гап таркибидаги фалон сўз синоним деб аталмайди. У иккинчи бир гапдаги бирор сўзга нисбатан синоним бўлади.

Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро синоним бўлиши учун яна бир неча шартлар бор. Улардан бири сифатида бирдан ортиқ сўзнинг турли талаффузга, яъни турли фонетик таркибга эга бўлиши деб кўрсатилади.² Ҳақиқатан ҳам синоним бўлган сўзлар товуш таркиби жиҳатидан бир хил бўлмаслиги шарт. Аммо шуни ҳам айтиш керакки, тилдаги мавжуд ҳар бир сўз ўзига хос товуш таркибига эгадир. Бу тил диалектикасига хос қонуният. Тилдаги табиий ҳолда ўзи мавжуд ҳолатни шарт сифатида қўйилмайди.

Яна бир адабиётда синоним таркибига кирувчи сўзлар ёзилиши жиҳатидан ҳам ҳар хил бўлиши керак,³ деган шарт айтилади. Бизга маълумки, тил объектив ҳодисадир. Ёзув эса ҳамма вақт субъект ихтиёрида ҳал қилинади. Синонимия тил ҳодисаси бўлгандан кейин, уни субъектив нуқтаи назардан туриб ўлчанмайди. Синонимияни белгилаш ҳеч вақт ёзув нуқтаи назарига тобе бўлиб қолмайди. Сўзлашув нутқида уларнинг қандай ёзилиши қимматга эга эмас. Синонимия усиз ҳам ўз қимматида тураверади.

Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро синоним бўлиши учун асосий шарт сифатида улардаги маънонинг бир хиллиги, айнан бир хиллиги, ўзаро яқинлиги ёки ўхшашлиги кабилар айтилади. Яъни синонимияда сўзларнинг маъно муносабати уни белгиловчи асосий

¹ Қрғ.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – М.: Просвещение. 1964. С.139; Bergmann R., Stricker S., Pauly P. Einführung in die deutsche Sprachwissenschaft. – Heidelberg: Winter. 2005. S.103; Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси. – Тошкент: Фан. 2007. 134-6.

² Қрғ.: Камолов Ф. Семасиология // Ҳозирги ўзбек адабий тили. I // Ғ.А. Абдурахмонов таҳр. ост. – Тошкент: Фан. 1966. 128-б.; Сабиров К.С. Лексикология // современный татарский литературный язык. Лексикология. Фонетика. Морфология. – М.: Наука. 1969. С. 58; Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – L.: Hochschule. 1970. S. 215; Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. – М.: ВШ. 1974. С.104.

³ Қрғ.: Камолов Ф. Семасиология... - 111-б.

шарт ҳисобланади. Белгиловчи асосий шарт сўзларнинг маъно муносабати экан, бу айнан бир хилликми, ё умуман бир хилликми, ё ўзаро яқинликми ёки ўхшашликми? Бу борада синонимлар икки типга бўлинади ва уларнинг ҳар бирида сўзлар маъноси ўзаро қандай муносабатда бўлиши белгиланади: 1) сўзларнинг маъно муносабати айнан бир хилликка асосланган синонимлар, яъни абсолют синонимлар; 2) сўзларнинг маъно муносабати умуман бир хилликка асосланган синонимлар, яъни семантик синонимлар. Сўзларнинг ўзаро маъно яқинлиги ва ўхшашлиги каби масалалар семантик синонимлар ичида аниқланади.

Абсолют синонимлар

Сўзларнинг, яъни бирдан ортиқ сўзнинг маъно муносабати айнан бир хилликка асосланган синонимлар тилшунослиқда абсолют синонимлар деб аталади.¹ Уларни айрим тилшунослар дублет деб атайдилар.² Баъзи ишларда эса маънолари айна бир хил синонимлар мавжудлигини айтиш билан чекланилган: уни абсолют синоним деб ҳам, дублет деб ҳам аталмаган.³ Аслини олганда, абсолют синоним ва дублет терминлари бир хил маънога эга. Бу терминлар остида ифодаланган синонимлар бирдан ортиқ сўзнинг семантик таркиби айна бир хил бўлишини билдиради. Масалан, ўзбек адабий тилида *чега* ва *қадок* сўзлари бўлиб, улар ўзаро

¹ Крнг.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. Ч.1. – М.: Учпедгиз. 1954. С.38; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – М.: Изд. ЛИЯ. 1959. С. 279; Сабиров К.С. Лексикология // Современный татарский литературный язык. – М.: Наука. 1969. С.60; Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. – М.: ВШ. 1974. С. 104; Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. Изд. 2ое. Испр., допол. – М.: ВШ. 1983. С. 79; Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: СЭ. 1966. С. 407; Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпақ тилиниң лексикологиясы. – Нөкис: Карақалпақ. 1968. 98-б.; Белкин В. М. Арабская лексикология. – М.: Изд. МУ. 1975. С. 158.

² Крнг.: Камолов Ф. Семасиология... - 130-б.; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – М.: Просвещение. 1972. С. 56; Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. – С. 108.

³ Крнг.: Маммадов Н. Ахундов А. Дилчилик кириш. – Баку: Маариф. 1966. 183-с.; Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. – Л.: Просвещение. 1973. С.129; Stepanova M.D., Černyševa T.T. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – М.: Hochschule. 1975, S. 22; Абдуллаев Б.Т. Синонимлар // Муасир азербайжан дили. 1-чилд. – Баку: Елм. 1978. 186-с.; Хэзерге башкорт теле / Яу. ред. З.Ф.Ураксин, К.Ф.Ишбаев. – Өфө: Китап. 1986. 25-б.; Harro Gross. Einführung in die Germanistische Linguistik - München: Yudicium. 1998. S.112; Philipp M. Semantik des Deutschen. – Berlin: Weidler. 1998. S. 60; Volmert J. (Hrsg) Trundkurs Sprachwissenschaft // Eine Einführung in die Sprachwissenschaft für Lehramtschadientgänge. – München. 2000. S.164.

абсолют синонимлар ҳисобланади. Чунки бу сўзларнинг ҳар иккисида ҳам иккитадан лексик маъно бор: 1) синик чиннининг темир пластинкача ёрдами билан бирлаштирилган ўрни; 2) синик чиннини ямаштирадиган темир пластинкача. Бу икки лексик маъно чегра сўзининг ҳам, қадоқ сўзининг ҳам семантик таркибини ташкил қилади. Бу икки сўзнинг семантик таркибида бундан бошқа семантика йўқ. Яъни уларнинг семантик таркиби бир хил, ўзаро тенгдир. Улар абсолют синонимлар ҳисобланади. Мисолларга эътибор беринг: *чеграсидан синмоқ / қадоғидан синмоқ* ва *чегаси тушиб кетмоқ / қадоғи тушиб кетмоқ*. Бу сўзлар грамматик категорияси, яъни туркуми жиҳатидан ҳам бир хил.

Ҳамма тилшунослар тилда абсолют синонимлар борлигини бирдай қайд этишмайди. Рус семасиологи Д.Н.Шмелев ҳатто: "...тилда абсолют синонимлар бўлмайди"- деган фикрни айтишгача боради.¹ Лекин шундаймикан?! Ўзбек тилида *лингвист / тилшунос, қарсақ / чапак, шоти / нарвон, синчалак / читтак, ўқитувчи / муаллим, аскар / солдат, сивизга / най* каби сўз жуфтликлари борки, улар маъно жиҳатидан бир-биридан мутлақо фарқ қилмайди. Улар айни бир хил лексик маънога эга синонимлардир. Бу тил фактлари ўз-ўзидан Д.Н.Шмелев фикрига тескари хизмат қилади. Д.Н.Шмелев ўз фикрини рус тили нуқтаи назаридан билдирган, муаллифингиз келтирган мисоллар ўзбекча, деб эътироз билдириш мумкин. Бунга ҳам жавоб қилса бўлади. Ундан роса ўн йил бурун - 1954 йил Л.А.Булаховский *битва / сражение* ('жанг' маъносида), *языкознание / языковедение* ('тилшунослик' маъносида), *красть / воровать* ('ўғирламоқ' маъносида), *самолет / аэроплан* сўз жуфтликларини ўзаро абсолют синонимлар деб кўрсатган эди.² Д.Н.Шмелев буларга нисбатан муносабат билдирмаган.

Д.Н.Шмелев абсолют синоним бўлмаслигини фақат рус тили нуқтаи назаридан эмас, умуман тиллар нуқтаи назаридан айтган эди. Маълумки, у ўзбек тилида бор. У немис тилида ҳам кузатилади. Немис тилшуноси Й.Фолмерт тилшуносликка кириш учун бағишланган китобида *Geldbörse / Portemonnaie* ('ҳамён' маъносида), *Bildschirm / Monitor* ('монитор' маъносида), *Sonnabend / Samstag* ('шанба' маъносида), *Orange / Apfelsine* ('апелсин' маъносида), *Verhang / Gardine* ('дезапапарда' маъносида) сўз

¹ Қрғ.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. - С.140.

² Қрғ.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. - С. 38.

жуфтликларини абсолют синонимлар учун мисол тарикасида келтиради.¹ Улар ҳақиқатан абсолют синоним ҳисобланади. Чунки улар асосан термин эканлиги билан характерланади. Терминлар сўзда ифодаланган бўлса ҳам, уларнинг лексик маъносида бирор нутқ услубига хосланиш, эмоционал-экспрессив бўёқни кўрсагиш кузатилмайди. Улар маъноси сигнификатга нисбатан фарқланмас экан, абсолют синоним бўлиши табиий.

Абсолют синонимларга араб тили жуда бой. Манбаларда кўрсатилишича, араб тилидаги кўпгина синонимлар абсолют синоним эканлиги билан характерланади. Араб тили мутахассиси В.М.Белкин ҳатто: "...ёзма нутқда турли услубга оид синонимлар ...абсолют синонимлардир" - деган фикрни айтади.² Бунинг учун *давъ* – *нур* ('ёруғлик' маъносида), *хабар* / *набаъ* ('хабар' маъносида), *ъунқ* / *рақабաқ* ('бўйин' маъносида), *силъақ* / *бидоъақ* ('мол' маъносида), *сиър* / *саман* ('баҳо' маъносида), *тиҳнақ* / *ҳирфақ* ('касб' маъносида), *тоқақ* / *боқақ* ('даста' маъносида), *қориб* / *завроқ* ('қайик' маъносида), *ҳатоъ* / *давақ* ('хато' маъносида), *биър* / *қалиб* ('қудук' маъносида), *шабақ* / *тайф* ('соя' маъносида) сўз жуфтликларини абсолют синонимлар деб кўрсатади.³ Араб тилидаги абсолют синонимларнинг бундай кўплигини тил лекикасидаги хусусият билан боғлайди ва айтади: "...араб адабий тилида кўп сўзлар...семантикаси нейтрал бўлади." Сўзларнинг петрал лексикага эга бўлиши эса ундаги синонимларнинг абсолютлиги учун асосий сабабдир. Бу ҳам Д.Н.Шмелев фикрига тескари хизмат килади.

Бу масалада А.П.Ҳожиев ўз фикрини ҳар томонлама ўйлаб, анча эҳтиётлик билан билдиради. У: "Агар ҳеч қандай фарқли белги бўлмаса, бундай синонимлик (абсолют синоним) ўткинчи ҳолат..." – дейди.⁴ Унингча, абсолют синоним таркибидаги бир сўз ё архаиклашади, ё шеригига нисбатан семантикасини бир жиҳати билан фарқлайди. Бу гап ҳақиқатга анча мос келади. Фактларга мурожаат қилайлик. Рус тилида шу вақтгача *аэроплан* ва *самалёт* сўз жуфтлиги абсолют синоним деб келинади. Аммо сўнгги вақтларда *самалёт* сўзи умумхалқ нутқида кенг қўлланса, *аэроплан*

¹ Қрғ.: Volmert J. (Hrsg). Grundkurs Sprachwissenschaft... - S.164.

² Қрғ.: Белкин В. М. Арабская лексикология. – С.158.

³ Қрғ.: Белкин В. М. Ўша асар. Ўша бет.

⁴ Қрғ.: Ҳожиев А. П. Синонимия // Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан. 1981. 241-б.

сўзи китобий лексикага хосланаётганлиги сезилмоқда. Бу сўзлардаги тараққиётни ўзбек тили нуқтаи назаридан ҳам айгини мумкин. Ўзбек тилида *тилушнос* ва *лингвист* сўзлари абсолют синоним деб кўрсатиб келинади. Лекин ҳозир *тилушнос* сўзи умумсўзлашув тилида қўлланса, *лингвист* сўзи деярли китобий лексикага хослиниб бўлди. Абсолют синонимлар деярли тилларда санокли микдорда учрайди. Унинг ҳам айримлари юқоридагича абсолютлигини йўқотаётган бўлса, бу А.П.Ҳожиёв ўз қараши билан ниҳоятда ҳақ эканлигини кўрсатади. Яна қизиғи шундаки, В.М.Белкин араб тилидаги синонимлар абсолют синонимлар бўлади, дегани ҳолда, бошқа бир ўринда *димог* / *муҳ* ('мия' маъносида), *қуббаҳ* / *йақаҳ* ('ёқа' маъносида), *мишраъ* / *далфаҳ* ('тавақа' маъносида), *табақаҳ* / *тобиқ* ('қават' маъносида), *сутраҳ* / *йақитаҳ* ('пиджак' маъносида) каби бир қатор сўз жуфтликларини келтириб, улар ўз жуфтлигида семантик айнан эканлигини айтади ва уларнинг биринчиси умумсўзлашувга хослиги, иккинчиси китобий тилга мансублашганлигини кўрсатади.¹ Бу араб тилидаги абсолют синонимлар ҳам тил учун ўткинчи эканлигини яққол қилиб қўяди. Яна араб тилида *ъишқ* ва *муҳаббат* каби семантик тенг бўлган сўз жуфтлиги борки, уларнинг биринчиси икки ёр ўртасидаги, иккинчиси ёр, туғишганлар ва яқинлар ўртасидаги бир-бирига қўйган кўнгилни ифодалаши билан ўзаро фаркланади, яъни ифода ҳажмига кўра тафовут қилади. Бу ҳам араб тилидаги абсолют синонимлар бошқа тиллардаги каби ўткинчи эканлигини кўрсатади. Эҳтимол улар араб тилида тил характериға кўра узоқроқ яшар.

Кўрдикки, абсолют синонимлар деярли тилларда турлича микдорда бор, лекин у жуда кам учрайди. Шу билан бирга нисбатан кам яшайди, ўткинчидир.

Абсолют синонимлар манбаи асосан ўзбек тилида барча тиллардаги каби терминларда учрайди.² Юқорида қайд этилганидай, терминларнинг лексик маъноси фақат бир тушунчани ифода этади. Масалан, Самарқанд вилояти соҳавий лексикасида *жулқирс* / *жулбирс*,³ китобатчилик лексикасида *типография* / *босмахона*,⁴

¹ Қрғг.: Белкин В. М. Ўша асар. – С.156.

² Қрғг.: Фомина М. И. Современный русский язык... - С.78.

³ Қрғг.: Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили. Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. - Тошкент. 2005. 25-6.

⁴ Қрғг.: Юлдашев И.Ж. Ўзбек китобатчилик терминологияси: шаклланиши, тараққиёги ва тартибга солиш. Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. - Тошкент. 2006. 29-6.

қорамолчилик лексикасида *чўпон / подачи, ошловчи / тузловчи, сақмончи / тўлчи, чўлламоқ / чанқамоқ*¹ каби абсолют синонимлар жуфтлиги мавжуд. Лекин улар ҳар бир терминологик тармоқда жуда кам. Айрим терминологик тармоқларда учрамаслиги ҳам мумкин.² Масалан, физика фани соҳасидаги терминологияда абсолют синонимлар деярли йўқ. Бу ҳам табиий. Аслини олганда, терминология учун умуман синонимия ортиқча юк.

Абсолют синонимларнинг таркиб топиши анча бўғилганлиги учун ҳам улар деярли икки сўздан иборат бўлади. Терминларга мансуб абсолют синонимларнинг таркиб топишида диалектал терминларнинг адабий тилга кириб келиши аҳамият касб этади. Бунда диалектал термин, яъни профессионализм адабий тилдаги термин билан айни бир маънога эга ҳолатга келади, абсолют синоним таркиб топади. Ўзбек адабий тилининг уй-рўзгор лексикасида *нарвон* термини бор эди. Унинг ёнига *шоти* профессионализми ўзлаштирилди. Натижада *нарвон* ва *шоти* терминлари ҳисобига абсолют синоним таркиб топди. Ўғиз диалектида ҳам шу маънога эга *занги* профессионализми бор. Лекин у адабий тилдаги *нарвон* термини билан абсолют синоним бўла олмайди. Чунки у адабий тилнинг мулки эмас. Абсолют синоним бўлиш учун унинг таркибидаги компонентлар ҳаммаси ё бир адабий тилга, ё бир диалектга, ё бир шевага мансуб бўлиши шарт. Шу нуқтаи назардан Қарши шевасига мансуб *чўт* сўзи адабий тилдаги *теша* термини билан абсолют синонимлик қилмайди. Шу нуқтаи назардан ёндашилса, ‘патли гилам’ маъносини берувчи Ургут шевасига хос *жулқирс*, Жўш шевасига хос *қолин*, Қора работ шевасига хос *тасирловуқ* профессионализмлари ўзаро абсолют синоним бўлмайди. Чунки улар ўз шевасигагина мансуб.³ Бирор шевада улар бирга қўлланмайди. Худди шу масалада чет тилидан сўз ўзлаштириш орқали ўз сўз билан абсолют синоним таркиб топтирилиши ҳақида ҳам ўз нуқтаи назаримизни билдиришга тўғри келади. Ҳар ҳолда ўзлашма термин билан ўз лексикага оид термин ўртасида абсолют синоним таркиб топиши мумкин. Масалан, араб тилидан

¹ Қриг.: Ўринова О.Т. Ўзбек тилидаги қорамолчилик терминларининг лексик-семантик тадқиқи. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2007. 21-б.

² Қриг.: Harro Gross. Einführung in die Germanistische Linguistik. – S. 113.

³ М.Т. Абдиев турли шевалардаги айни бир хил маъноли сўзларни синоним деб билади. Терминларда семантик синоним эмас, абсолют синоним бўлиши ҳисобда тутилса, у ҳам шу қарашда бўлган. Қриг.: Абдиев М.Б. Соҳавий лексиканинг систем таҳлили... – 25-б.

Ўзбек тилига муаллим сўзининг ўзлаштирилиши унинг шу тилда бор ўқитувчи сўзи билан абсолют синоним таркиб топиши учун сабаб бўлган. Лекин ўзбек тилидаги *куёш* сўзи араб тилидаги *шамс*, рус тилидаги *солнса*, немис тилидаги *Sonne* сўзи билан абсолют синоним ҳам, умуман синоним ҳам эмас. Чунки улар бир сўзнинг турли тиллардаги вариантларидир.

Кўрдикки, абсолют синонимлар кўпроқ терминологияда куши-тилиб, саноқли микдорга эга. Улар жуфт сўздан иборат бўлади; адабий тилда ўз сўз билан диалектал ва ўзлашма сўзлар ҳисобига юзага келади.

Маълум бир сўзнинг турли фонетик ўзгаришларга учраши ёки айни маънодаги сўзнинг турли сўз шаклларида келиши ҳам абсолют синонимларни таркиб топтирмайди. Масалан, тилшунос Ф. Камолов *шипирги / супирги, сақич / чақич, кашкул / качкул, бағбага / бақбақа, ваҳима / ваҳма, чуқур / чўнқир* каби икки фонетик вариантда келган сўзларни дублетлар деб кўрсатади.¹ Бир сўз икки фонетик вариантда келар экан, иккинчи вариантда унинг маъноси ўзгариб қолмайди. Бу унинг абсолют синоним дейилиши учун асос ҳам бермайди. Улар фонетик вариантлардир. Бу ўринда сўзларнинг фонетик варианты билан абсолют синонимлар бир-бирига адаштирилган.

Ф. Камолов яна *кўкиш / кўкчил, сутдек / сутдай, атайин / атайлаб, келинча / келинчак* каби бир сўзнинг маънодош сўз шакли билан келишини ҳам дублет деб тақдим қилади.² Сўз турли сўз шакллари қўшилгани билан у икки сўзга айланиб қолмайди. Худди шунга ўхшаш немис тилидаги К.А.Левковская томонидан келтирилган *Tisch* сўзининг иккинчи *Tischchen* ва *Tischlein* шакллари ҳам абсолют синоним бўлолмайди.³ Чунки улар бир сўзнинг бир маъноли икки грамматик шаклидир. Немис тилида *-chen* ва *-lein* аффикслари бир хил кичрайтиш шакллари дир.

Кўрдикки, бир сўзнинг икки фонетик шакли ва бир маъноли икки аффикс билан ясалган морфологик шакли абсолют синонимни таркиб топтирмайди.

Демак, абсолют синонимлар айни бир хил лексик маънога эга бўлган бирдан ортиқ сўздир. Ўзбек тилида абсолют синонимлар

¹ Қриг.: Камолов Ф. Семасиология... — 113-б.

² Қриг.: Камолов Ф. Семасиология... — 112-б.

³ Қриг.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. — М.: ГУПИ. 1956. С. 142.

таркибидаги сўзлар деярли бир жуфт бўлиб, лексик маънолари тушунчага тенг келади ва улар асосан терминологик лексикага мансубдир. Компонентлари бир тилга хос бўлиши шарт. Сўзнинг фонетик вариантлари ва бир маъноли морфологик шакллари абсолют синонимни таркиб топтирмайди. Синонимлар бир ўзакка мансуб бўлмайди.

Семантик синонимлар

Лингвистик адабиётларда семантик синонимларни абсолют синонимлардан фарқлаш учун “айнан бир хил маъноли” сўзлар деб эмас, “ўзаро яқин маъноли” сўзлар деб атайдилар.¹ Чунки семантик синонимларда сўзлар айрим лексик маъноси билан тўлалигича бир хил бўлмайди. Шу лексик маънолар эмоционал-экспрессив, услубий семалари, уларнинг қайси услубга хослиги кабилар билан ўзаро, шубҳасиз, фарқланадилар. Бу лексик маъноларнинг ўзаро бир хил дейилишидан қочишга ва уларнинг ўзаро яқин дейилишига олиб келган бўлиши керак. Аммо бу лексик маънолар асосида айни бир сигнификат, айни бир референт ётади. Бу уларнинг лексик маъноларини бирлаштиради. Улардаги айрим семалар фарқига қараб, “ўзаро яқин” дейилиши ўзини оқламайди, ҳақиқатга ҳам мос келмайди. А.Ҳожиев жуда тўғри таъкидлаганидай, яқинлик яқинлаштиради, лекин бирлаштирмайди.² Бунинг учун у *кулмоқ, илжасаймоқ, жилмаймоқ, тиржасаймоқ, иржасаймоқ, иршаймоқ, ишшаймоқ, хахоламоқ, хиҳиламоқ, ҳеҳеламоқ, қахқахламоқ, тиқирдамоқ, қиқирламоқ* сўзларини келтириб таҳлил қилади. Унинг кўрсатишича, бу сўзлар лексик маънолари бир-бирига жуда яқин. Улар ўзаро семантик қаторни таркиб топтиради. Лекин бир синонимик қатор бўла олмайди. Булардан *илжасаймоқ, жилмаймоқ, тиржасаймоқ, иржасаймоқ, иршаймоқ, ишшаймоқ* феъллари ‘лаб ва кўз мускулида

¹ Крнг.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – С.38; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 271; Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. – М.: Просвещение. 1965. С. 45; Листвинов В.Т. Вопросы стилистики русского языка. – М.: Мысль. 1965. С. 62; Камолов Ф. Семасиология... - 128-б.; Мәмәдов Н., Ахундов А. Дилчилик кирши. – Бақы: Маариф. 1966. 183-с.; Сабилов К.С. Лексикология... - С.58; Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпақ тилинің лексикологиясы. – С. 98-б.; Кеңесбаев Г., Мусабаев Ф. Қазіргі қазақ тілі. 2-бас. – Алматы: Мектеп. 1975. 66-б.; Кожина М.И. Стилистика русского языка. - М.: Просвещение. 1977. С.100; Калинин А.В. Лексика русского языка. М.: Изд.МУ. 1078. С.48; Фомина М.И. Современный русский язык. – С. 78; Хэзерге башкөрт теле. /Яу. Ред. З.Ф.Ураксин, К.Ф.Ишбаев. – Өфө: Китап. 1986. 23-б.

² Крнг.: Ҳожиев А. Семасиология... – 235-б.

шодлик аломати пайдо килмоқ' лексик маъноси; кулмоқ, хахоламоқ, хиҳиламоқ, ҳеҳеламоқ, қахқахламоқ феъллари 'шодлигини билдирувчи овоз бермоқ' лексик маъноси билан ўзаро бир хил, синонимик қаторни таркиб топтирган. Яъни ўзаро лексик маъно яқинлиги эмас, бир хиллиги сўзлар синонимияси учун асос бўлиди.

Яна бир бошқа лингвистик адабиётларда синонимни таркиб топтирувчи сўзларнинг лексик маънолари ўзаро бир хил бўлиши ҳолда, айрим тафовутли томонлари борлигини ҳисобга олиб, улар ўртасидаги ўзаро ўхшашлик улар референти ўртасидаги ўзаро ўхшашлик билан боғлиқ, дейилади. Референтлар айрим белгиларнинг бир-бири билан мослигига қараб ўзаро ўхшаш бўлади. Масалан, ҳайвонларнинг бир тури сутэмизувчи ва туёкли эканлигига кўра ўзаро ўхшаш. Шунга қараб лексик маъноларида ўхшашлик бор деб, *от* ва *қорамол* сўзларини ўзаро синоним деб бўлмайди. Чунки *от* ва *қорамол* сўзлари лексик маъноси референтидан яна шундай белгилар борки, уни ифодалаган семалар лексик маънолар тамоман фарқли, синоним учун асос бўлмаслигини кўрсатади.

Яна бир бошқа лингвистлар лексик маънолари бир хил тушунча ифодаладиган сўзларни синоним деб ҳисоблайдилар.¹ Бу қарашга А. Ҳожиев қўшилмайди. Унинг кўрсатишича, тушунча билдирмайдиган *ҳамма*, *барча*, *бари* каби олмош туркумига оид; *балли*, *баракалла*, *қойил*, *тасанно*, *офарин*, *яша(нг)*, *ўлма(нг)*, *таҳсин*, *салламно* каби ундов сўзлар; *зора*, *шояд*, *кошки*, *қани* каби истақ билдирувчи сўзлардан иборат синонимик қаторлар четда қолиб кетган бўлади.² Ҳақиқатан ҳам шундай.

Лексик маънолари бир хил тушунча ифодаладиган сўзлар семантик синоним бўладиган бўлса, унда идеографик синонимлар ҳам четда қолиб кетади. Масалан, *япроқ* ва *барг* сўз жуфтлигидан иборат семантик синонимга эътибор қаратайлик. Япроқ фақат дарахларнинг нафас олиш органи, барг эса умуман ўсимликларнинг нафас олиш органи бўлиб, улар ҳақидаги тушунча ҳажми ўзаро фарқ қилади. Яъни *япроқ* ва *барг* сўзлари лексик маъноси ўзаро тушунча бир хиллигига эга эмас. Бу билан *япроқ* ва *барг* сўзлари ўзаро семантик синоним ҳисобланмайди, деб ҳам бўлмайди.

¹ Қриг.: Сабиров К.С. Лекикология // Современный татарский литературный язык. - С.58; Степанов Ю.С. Основы общего языкознания. 2ое изд. перераб. - М.: Просвещение. 1979. С.15.

² Қриг.: Ҳожиев А. Семасиология... - 236-б.

Семантик синонимлар бирдан ортиқ сўзнинг маълум лексик маъноси бир хил бўлишига асосланади. Лекин бу лексик маънолар абсолют тенг келмайди. Лексик маъно таркибида шундай семалар бўладики, бу билан у ўзига хосдир ва бошқаларидан семантикасини фарқлаб туради. Уларнинг шу семалари сўзларнинг лексик маънолари бир хиллигига кўра синонимни таркиб топтирганда ҳоли қолади, бир хил келган лексик маънолар таркибидан четда бўлади. Албатта, шу ўринда сўзлар синонимни таркиб топтиришида лексик маъноларининг қандай узвларига таянади, деган савол пайдо бўлиши – табиий. Бунинг учун К.А.Левковскаянинг бир фикрини келтиришга тўғри келади. У: “Синонимлар – бу номинатив маъноси билан тенг келган сўзлар” - деб кўрсатади.¹ Бунинг учун қуйидаги мисолга диққатни қаратишга тўғри келади. *Чиройли, гўзал, кўҳли* сўзлари номинатив маъноси бўйича ўзаро семантик синонимдир. Бу жиҳатдан улар тенг семантикага эга. Аммо улар абсолют синоним эмас. *Гўзал* сўзи поэтик нутққа, *кўҳли* сўзи сўзлашув нутқига хослиги билан қолганларидан фарқ қилади. Шунингдек, сўзларнинг номинатив маъноси эмоционал, экспрессив, услубий ифода берувчи семалардан ҳоли бўлади. Бундай семага эгалик ҳамма вақт фигурал маъноларга хосдир, деб айтиш ҳам ҳақиқатга мос келмайди. Яъни номинатив маънога асосланган семантик синонимлар таркибидаги лексик маъноларни ҳам бир хил деб бўлмайди. Семантик синонимни таркиб топтирувчи сўзлар лексик маъно ҳажмини торайтирувчи бошқа восита ўйлашга тўғри келади.

Рус тилшуноси Д.Н.Шмелев бу масалада: “Умумий ядро маъноси бир хил сўзлар ҳисобланади...” деб кўрсатади.² Яъни семантик синонимни таркиб топтирувчи сўзлар лексик маъноси ядросига кўра бир хил бўлиши керак. Бу ўринда лексик маънонинг ядроси нима, деган савол туғилади. Шу масалада А.Ҳожиёв билдирган фикр диққатга сазовор. У: “Икки ва ундан ортиқ сўзни синоним қиладиган нарса сўзлар семантик структураси (таркиби) даги асосий қисмининг, яъни лексик маънонинг бир хиллиги, лексик маънони юзага келтирадиган компонент (сема)ларнинг бир хил бўлишидир” - дейди.³ Бу ўринда А.Ҳожиёв “лексик маъно ядроси”

¹ Қрғ.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С.136.

² Қрғ.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С.141.

³ Қрғ.: Ҳожиёв А. Семасиология... - 237-б.

ибораси ўрнида “лексик маънони юзага келтирадиган семалар” иборасини қўллаган. Яъни бирдан ортиқ сўзнинг ўшаро семантик синоним бўлиши учун сабаб бўладиган лексик маъноларни қўшиш келтирувчи семалари, ядроси бир хил келиши шарт. Лексик маъноларни юзага келтирадиган ядро семалар шуки, лексик маънонинг семантик майдондаги ўрнини белгиловчи архисема, интеграл сема, дифференциал семаларнинг бир бутунлигидир. Бунинг учун юқорида таҳлили келтирилган *чиройли*, *гўзал*, *кўҳли* синонимик қаторини эслашга тўғри келади. Улар ‘ёқимли’ архисемали сифатларнинг ‘кўриниш’ интеграл семалиларидан бўлиб, ‘юз’ дифференциал семасига эга. Шу семалар асосида бу синонимик қатор таркиб топиши учун сабабчи лексик маънони юзага келтиради ва бу лексик маъно мазкур семалар асосида ‘юз кўриниши ёқимли’ деб изоҳланади. Мана шу семалар лексик маънонинг ядро семалари деб қаралади.¹ *Гўзал* сўзининг поэтиклик билдирувчи, *кўҳли* сўзининг сўзлашув нутқига хосликни билдирувчи семалари кўрсатилган ядро сема таркибига кирмайди. Шу билан бирга ядро сема таркибига эмоционал, экспрессив, услубий ва бошқа прагматик семалар ҳам қўшилмайди.

Кўрдикки, семантик синоним бирор лексик маъноси ядро семасига кўра бир хил бирдан ортиқ сўзидир.

Ўзаро семантик синонимни таркиб топтирувчи сўзларнинг ҳаммаси бир туркумга оид бўлади.² Нутқда бошқа туркум вазифасини бажарувчи сўз ўша туркумдаги синонимлар қаторига кирмайди ва бирор сўз билан синонимликни ҳам таркиб топтирмайди.³ Масалан, *айёр*, *муғамбир*, *ҳийлагар*, *қув*, *устомон*, *доғули*, *мўлтони*, *қилвири*, *шайтон*, *тулки*, *туллак*, *қирриқ*, *хирпа*, *мастон* сўзларининг ҳаммаси сифат туркумига хос вазифа бажариб, ‘усталик билан ўз манфаатига иш кўрувчи’ лексик маъносини беради. Шунга кўра улар ўзаро семантик синонимдир. Лекин улардан фақат *айёр*, *муғомбир*, *ҳийлагар*, *қув*, *устомон*, *доғули*, *мўлтони*, *қилвири* сўзлари сифат туркумига мансуб бўлиб, мазкур лексик маъно бўйича

¹ Бу ҳақда мазкур ишнинг II бобида тўла маълумот келтирилган.

² Қрғн.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 276; Потоцкая Н. П. Стилистика современного французского языка. – С.107; Ҳожиёв А. Семасиология... – 239-б.; Фомина М. И. Современный русский язык. – 81; Ҳазерги башқорт теле / Яу. Ред. З.Ф.Ураксин, К.Ф.Ишбаев. – 23-б.; Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. Филол. фан. докт. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1999. 15-б.

³ Қрғн.: Ҳожиёв А. Семасиология... – 239-б.; Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. – 15-б.

ўзаро семантик синонимдир. Улардан *шайтон*, *тулки*, *туллак*, *қирриқ*, *хирпа* ва *мастон* сўзларини айтилган семантик синонимлар қаторига киритиб бўлмайди. Чунки улар от туркумига мансублиги ҳолда, ‘усталик билан ўз мафаатига иш кўрувчи’ семаси асосида сифат вазифасини ўтаган. Бундай белги семаси билан сифат вазифасини бажарувчи отлар эпитетлар деб қаралади.¹ Эпитетлар тилга эмас, нутққа мансубдир. Семантик синонимлар лексик бирликлардан иборат.

Кўрдикки, семантик синонимларни таркиб топтирган сўзлар фақат бир туркумга мансуб бўлиб, нутқий сабабга кўра бошқа туркумдан шу туркум вазифасини бажарган сўз бу синонимик қаторга кирмайди.

Умуман, маълум лексик маънодаги сўз иккинчи бир нутқий маъно билан воқеланган сўзга семантик синоним бўлмайди.² Масалан: *Қалай, ўзинг гуллардан бирини танладингми?* - ...*сўради чол* (Ойбек). Бу гапда *гул* сўзи нутқий ҳосила маъно билан қўлланган, ‘балоғат ёшидаги гўзал қиз’ ифодасини беради. Бу ҳосила маъно билан у *жонона* сўзига маънодош. Эътибор беринг: *Ҳеч бир жон йўқки, они бўлмаса жононаси* (Ҳамза). Шу маънодошликка кўра улар ўзаро семантик синоним эмас. Чунки *жонона* сўзининг бу маъноси лексик, *гул* сўзи эса окказионал, яъни нутқий маъно билан воқеланган. Семантик синонимларнинг маънодошлиги нутқдан ташқарида ҳам англашиларлидир. *Гул* сўзининг мазкур маъноси нутқдан ташқарида ўз қимматини йўқотади.

Сўзлар муайян шеваларда шундай лексик маънога эга бўладикки, улар бу маъноси билан адабий тилдаги бирор сўзга маънодош келиши мумкин. Агар ўша шевадаги ўша сўз ўзига хос ҳосила маъноси билан адабий тилга ўзлашмаган бўлса, семантик синонимни таркиб топтирмайди. Чунки шевадаги сўз ҳосила маъноси билан адабий тилда, адабий тилдаги маънодош сўз шевада қайд этилмаган. Бу адабий тилда ҳам, шевада ҳам семантик синоним таркиб топмаслигини кўрсатади. Масалан, Бухоро шеvasида *ҳужжатларни тахлаб келтиринг!* ибораси учрайди. Ундаги *тахлаб* сўзи ‘тартибга келтириб’ лексик маъносини беради. Бу лексик маъно билан адабий тилда *тайёрламоқ*, феъли

¹ Қрнг.: Хўжаева Д.Ш. Ўзбек тилида эпитет. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1996. 15-б.

² Қрнг.: Ҳожиев А. Семасиология... - 239-б.

қўлланади. Шу лексик маъноли *тахламоқ* феъли адабий тилда, *тайёрламоқ* феъли Бухоро шеvasида йўқ. Яъни *тахламоқ* ва *тайёрламоқ* феъллари ўзбек адабий тилида ҳам, Бухоро шеvasида ҳам ўзаро семантик синоним бўла олмайди.

Айрим ҳолатларда адабий тилдаги мавжуд сўз ўрнида бирор шева вакили бошқа сўз қўллайди ва улар ўзаро маънодош бўлиб қолади. Бу ҳам семантик синонимни таркиб топтирмайди. Чунки бу сўзларнинг бири адабий тилга, бири фақат шевага хослиги билан характерланади. Масалан, ўзбек адабий тилида *шўнғимоқ* феъли бор. Унинг худди шу лексик маъноси билан Қўқон ва унинг атрофи шеваларида *хўтмоқ* феъли қўлланади. Яъни бу феъллар 'сув ичига бир ботиб чикмоқ' лексик маъноси бўйича ўзаро маънодош, лекин ўзаро семантик синоним эмас. Чунки *шўнғимоқ* феъли адабий тилда, *хўтмоқ* феъли фақат Қўқон ва унинг атрофи шеваларига хос эканлиги билан чегараланади.

Оддий сўзлашув нутқида учраб, адабий тилга ўзлашмаган чет сўзлар ҳам адабий тилдаги сўз билан семантик синонимни таркиб топтирмайди.¹ Масалан: *Айниқса обед пайтида чойхўрлар шошириб қўйишяпти* (С.Аҳмад). гапидаги *обед* сўзи фақат ўзбекча сўзлашув тилида қўлланади. Ўзбек адабий тилида у билан маънодош *тушлик* сўзи бор. *Обед* ва *тушлик* сўзлари ўзаро семантик синоним бўла олмайди. Чунки *обед* сўзи ўзбек адабий тилига ўзлаштирилмаган.

Маълум бир сиёсий-ижтимоий тузумга кўра юзага келган сўз билан маънодош сўз унинг ўрнига келган сиёсий-ижтимоий тузум даврида қўллана бошлайди. Лекин бу маънодош сўзлар ўзаро семантик синоним бўлмайди.² Чунки улар сигнификати ўртасида маълум ўзгариш кечади. Бу сўзларнинг бири бир сиёсий-ижтимоий даврда, иккинчиси иккинчи бир сиёсий-ижтимоий даврда амалда қўлланади, иккови бир даврда яшамайди. Бу уларнинг ўзаро семантик синоним бўлиши учун имкон бермайди. Масалан, Ўзбекистон худудида жамоат тартибини сақлаш бўлимининг ходимини хонликлар даврида *миршаб* дейилар эди. Ҳозирги сиёсий-ижтимоий даврда жамоат тартибини сақлаш бўлимининг ходими *милиция* сўзи билан аталади. Лекин бу *миршаб* ва *милиция* сўзлари ўзаро семантик синоним эмас. Чунки уларнинг ҳукукий доираларида

¹ Қрғ.: Ҳожиев А. Семасиология... – 247-б.

² Қрғ.: Хэзерге башқорт теле... – 24-б.

фарқ бор ва бу сўзлар бир сиёсий-ижтимоий даврда ёнма-ён қўлланмайди. Яна қози ва суд сўзлари ҳақида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Уларнинг ҳар иккиси ҳам 'фукаролик ҳукукини ҳимояловчи ходим' лексик маъносига кўра ўзаро маънодош. Лекин улар ўзаро семантик синоним эмас. Чунки бу сўзларнинг ҳар бири алоҳида сиёсий-ижтимоий тузум даврига мансубдир.

Айрим жинсни билдирган сўз билан шу жинсга мансуб турни билдирувчи сўз ҳам ўзаро семантик синоним бўла олмайди.¹ Чунки жинсни билдирувчи сўз тур билдирувчи сўзлар учун умумлаштирувчи семантика, яъни лексик маънога эга бўлади. Масалан, *дарахт* сўзи билан *терақ* сўзи ўзаро синоним эмас. Бунинг учун уларнинг лексик маъноси семантик таркибига эътибор бериш лозим. *Дарахт* сўзининг лексик маъноси 'йирик тана ва япроқлар' 'кўп йиллик' 'ўсимлик' семаларидан иборат. *Терақ* сўзининг лексик маъноси эса 'тик танали' 'декоратив' 'дарахт' семаларидан таркиб топган. Маълумки, *терақ* сўзи лексик маъносининг бир семаси *дарахт* сўзи лексик маъносига тенг. *Дарахт* сўзи бир сема ҳолида фақат *терақ* сўзи эмас, шунга ўхшаш *тол*, *қайрағоч*, *сада*, *мажнунтол* кабилар лексик маъноси семантик таркибида ҳам ўрин олади. Бу улар лексик маъноси учун архисема ҳисобланади. Архисема ўзи иштирок этган барча лексик маънолар учун умумлаштирувчидир. Бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро семантик синоним бўлиши учун эса муайян лексик маънолари ядро семалари тенг келиши шарт.

Баъзи ҳолларда референт ҳақидаги сигнификат дифференциация қилиши ва у тил фактида ўз ифодасини топиши мумкин. Бунда референт ҳақида икки тушунча юзага келади, яъни тушунчада бир референт иккита деб қабул қилинади. Шу бўйича икки тушунча икки сўзнинг алоҳида лексик маъноси сифатида ифода топади. Агар образли қилиб айтиладиган бўлса, бир сўз янги сигнификат асосида янги лексик маъноли сўзни туғади. Бу *она* ва *бола* сўзларининг лексик маънолари, турган гапки, бир-бирига жуда яқин ифода беради. Тилшуносликдаги айрим фикрларга кўра, лексик маънолари бундай жуда яқин сўзлар ўзаро семантик синоним бўлиши керак. Аммо бундай бўлмайди.² Масалан, ўзбек тилида

¹ Крнґ.: Листвинов Н.Г. Вопросы стилистики русского языка. – С. 69; Хазерге башқорт теле... - 24-б.

² Крнґ.: Листвинов Н.Г. Вопросы стилистики русского языка. – С. 64; Хазерге башқорт теле... - 24-б.

артмоқ феъли мавжуд. Унинг лексик маъноси 'пўчоқ ва чангидан' 'холи' 'ҳолатга келтирмоқ' семаларидан таркиб топган. Бу семаларда ифода топган референт белгиларидан биринчиси пўчоқ ва чанг ҳолида алоҳида тушуниладиган бўлди. Натижада 'пўчоғидан' 'холи' 'ҳолатга келтирмоқ' ва 'чангидан' 'холи' 'ҳолатга келтирмоқ' деган икки тушунча юзага келди. Шу тушунчалар асосида *артмоқ* ва *арчмоқ* феълларининг лексик маънолари ҳосил бўлди. Тил референтни эмас, унинг сигнификатини ифода этади.¹ Мана шу лексик маъноли *артмоқ* ва *арчмоқ* феъллари бир-бирига семантик жиҳатдан жуда яқин, лекин ўзаро семантик синонимияни таркиб топтирмайди. Чунки *артмоқ* феъли лексик маъносининг дифференциал семаси 'чангидан', *арчмоқ* феъли лексик маъносининг дифференциал семаси 'пўчоғидан' бўлиб, бир-биридан фарк қилади. Семантик синонимларда эса сўзлар лексик маъноларининг барча семалари: архисема, интеграл сема, дифференциал семалари бўйича бир хил бўлиши керак.

Кўрдикки, семантик синонимни таркиб топтирувчи сўзларнинг муайян лексик маънолари ядро семалари бўйича бир хил бўлади ва улар айна бир тил вакиллари томонидан айна бир сиёсий-ижтимоий мавқеда, айна бир даврда тил факти сифатида қўлланади.

Ўзбек тилида семантик синонимларнинг манбалари бир неча. Улар асосан қуйидагилар.

Чет тилидан ўзлаштирилган сўзлар ўз лексикадаги мавжуд сўзлар билан семантик синонимларни таркиб топтиради. Масалан, ўзбек тилида *ота* сўзи бор. Эроний тиллардан яна *надар* сўзи ўзлаштирилиб у билан семантик синонимни юзага келтирган. Шунга ўхшаш яна эроний тиллардан *пой* сўзининг ўзлаштирилиши ўзбекчадаги *оёқ* сўзи, *кор* сўзининг ўзлаштирилиши ўзбекчадаги *иш* сўзи; араб тилидан *нашр* сўзининг ўзлаштирилиши ўзбекчадаги *чоп* сўзи, *меҳнат* сўзининг ўзлаштирилиши ўзбекчадаги *иш* сўзининг семантик синоними таркиб топиши учун асос бўлган. Айрим ҳолларда чет тилидаги мавжуд синонимларни ўзбек тилига ўзлаштириш ҳам кузатилади. Масалан, араб тилидаги мавжуд *ишқ* ва *муҳаббат*, яна *бахт* ва *саодат* семантик синонимлари ўзбек тилига тўғридан-тўғри ўзлаштирилган. Айрим ҳолларда икки чет тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлар ўзаро семантик синонимни

¹ Қрғн.: Звегинцев В.А. История языкознания XIX-XX веков в очерках и извлечениях. Ч.1. – М., 1964. С. 102; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С.91.

таркиб топтириши мумкин. Масалан, ўзбек тилига арабча *асир*, эроний тиллардан *банди сўзи* ўзлашиб, яна рус тили орқали *нерв* ва араб тилидан *асаб сўзи* ўзлашиб, ўзаро семантик синонимлар пайдо бўлган.

Ўзбек адабий тилига диалектал сўзларнинг ўзлаштирилиши ҳам семантик синонимлар учун манбадир. Масалан, ўзбек адабий тилига Тошкент шевасидан *нарвон* ва Фарғона-Марғилон шевасидан *шоти* сўзлари, Тошкент шевасидан *унашмоқ* ва Фарғона-Марғилон шевасидан *бўлишмоқ* сўзлари қабул қилинган. Натижада, ўзбек адабий тилида *шоти / нарвон, унашмоқ / бўлишмоқ* семантик синонимлари таркиб топган.

Ўзбек тилида сўз яшаш ҳам семантик синонимлар учун манбадир. Бунда кўпроқ бир сўз ясалиши асосидан синонимик аффикслар воситасида семантик синонимлар ясалади. Масалан, *елка* отига ҳам *-ли*, ҳам *-дор* аффиксини қўшиб, *елкали* ва *елкадор* семантик синонимлар ясалган. Яна *сув* отига ҳам *сер-* префикси, ҳам *-ли* аффиксини қўшиб, *серсув* ва *сувли* семантик синоними ясалган. Бу ҳодисага кўра ўзбек тилида семантик синонимларнинг ясалиши жуда кенг тарқалган. Ё.Тожиёв ўзининг номзодлик диссертациясида фақат отлардан *-ли/-дор, -ли/сер-, -ли/ба-, -ли/чан, сер-/ба-, -дор/сер-, -ли/ -кор, -манд, -дон, -нок, -чан, -той, -сиз/бе-, -сиз/но-, -сиз/ним-, бе-/но-* аффиксал жуфтликлари воситасида семантик синонимлар ясалишини тадқиқ этиб чиққан.¹ У яна докторлик диссертациясида ўзбек тилидаги барча аффиксал синонимларни тадқиқ этиб берган.²

Ясама семантик синоним бўлиши учун фақат бир сўздан аффиксал синоним воситасида сўз яшаш шарт эмас. Турли сўзлардан бир аффикс воситасида ясалган ясамалар ҳам семантик синонимларни таркиб топтиради. Масалан, *кўрк, чирой, ҳусн* сўзларига *-ли* сифат ясовчиси қўшилиб, ‘юз кўриниши ёқимли’ лексик маъносига эга семантик синоним қаторини юзага келтирган: *кўркли, кўҳли, чиройли, ҳуснли*. Бу ясамалар учун ўзак бўлган *кўрк, чирой, ҳусн* отлари эса ўзаро деярли семантик синоним бўла олмайди. Чунки уларнинг лексик маъносидаги семантика ўзаро бир хил келмайди.

¹ Қрғ.: Таджиев Ё. Синонимия словообразующие аффиксов с значением “наличие-отсутствие” в современном узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент. 1974.

² Қаранг. Таджиев Ё. Аффиксальная синонимия в узбекском языке. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Тошкент. 1991.

Лекин бу уларнинг ясамаси семантик синоним бўлиши учун монелик ҳам килмаган. Айрим семантик синонимлар ясама сўзларнинг туб сўзлар билан лексик маъноси бир хил келиб қолиши орқали ҳам таркиб топади. Масалан, *гўзал* туб сўзининг лексик маъноси юқоридаги *кўҳли*, *чиройли*, *хуснли* ясама сўзлари лексик маъноси билан, ядро семалари этиборига кўра, бир хил, яъни улар ўзаро семантик синонимдир.

Сўзларнинг полисемантиклиги ҳам семантик синонимлар таркиб топишида ўзига хос аҳамият касб этади.¹ Полисемантик сўзларнинг бирорга лексик маъноси бошқа бирор сўз лексик маъносини фигурал ифодалаш сабабли ҳосил этилган бўлиши мумкин. Шундай ҳолатлар семантик синонимлар мабаи ҳисобланади. Масалан, *боғ* сўзи асосан ‘мевали дарахт ўсган жой’ лексик маъносига эга. У бу лексик маъноси бўйича ҳеч қандай сўз билан семантик синоним қаторига кирмайди. Бу сўз ‘дарахтзор истироҳат жойи’ фигурал ҳосила маъносига ҳам эга: *Қодирий боғи*. У шу лексик маъноси асосида рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган *парк* сўзи билан бир синонимик қаторга кирган. Шундай полисемантик сўз муайян сўз билан полисемантик сўзни таркиб топтирар экан, деярли бирор лексик маъносига таянади.² Масалан, *юз* сўзи полисемантик бўлгани ҳолда, ‘бошнинг бурундан икки томонидаги юмшоқ қисми’ лексик маъноси билангина *бет*, *чеҳра*, *руҳсор*, *узор*, *башара*, *турқ* ва ҳ. сўзлардан иборат синонимик қаторга кирган. Яъни полисемантик сўз бир лексик маъноси асосида бир синонимик қаторга мансуб бўлади. У қолган лексик маънолари асосида бошқа синонимик қаторга кириши ҳам мумкин. Айрим ҳолларда айрим полисемантик сўзлар ҳар бир лексик маъноси билан бир синонимик қаторда кузатилади.³ Масалан, *бет* сўзи полисемантик бўлиб, бир неча лексик маъноларга эга: 1) Одам бошининг олдинги қисми. *Унинг бетидеги қуюқ қора қоши... Элмуродга Муҳаррамни эслатди* (Шухрат). 2) Бошнинг бурундан икки томонидаги юмшоқ

¹ Қрғг.: Бердимуратов Е. Ҳазирги заман қарақалпақ тилининг лексикологияси. – 102-б.; Абдуллаев Б.Т. Синонимлар... - 188-с.

² Қрғг.: Реформатский А. А. Введение в языковедение. – С.93; Ҳожиев А. Семасиология... – 239-б.

³ Қрғг.: Листвинов Н. Г. Вопросы стилистики русского языка. – С.64; Камолов Ф. К. Семасиология... - 134-б.; Шанский Н. М. Лексикология современного русского языка. С.57; Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимлари изоҳли лугати – Тошкент: Ўқитувчи. 1974. 3-б.; Потоцкая Н. П. Стилистика современного французского языка. – С.107; Кеңесбаев Г., Мусабаяев Ф. Қазирги қазақ тілі. - 73-б.; Хәзерге башқорт теле... - 24-б.

қисми. *Икки бети қип-қизил хумдонда тишган кўзадай* (А.Қаҳҳор). 3) Сиртки юза қисм. *Сув бетида бир олма қалқиб оқиб келади* (Ю.Шомансур). 4) Варақнинг бир юзаси. *Ойқиз бир бет қогозга нималарнидир ёзиб, Назокатга узатди* (Ш.Рашидов). 5) Йўлнинг ўнг ёки чап томони. *Кўчанинг нариги бетида борарди* (“Муштум”). 6) Сувнинг қуруқликка туташ жойи. *Салорга яқинлашганда нариги бетдан хотинларнинг товуши келди* (Ойдин). 7) Тигнинг кесувчи юзаси. *Ёр кетмоннинг бетини қайирадиган... бўлиб музлади* (С.Анорбоев). 8) Мулоқотдан тортиниш хисси. *Бетимнинг қалини – жонимнинг хузури* (мақол). Юқорида *бет* сўзи саккиз лексик маъноси билан қайд этилди. У бу лексик маъноларининг ҳар бири асосида алоҳида синонимик қаторга кирган. Солиштиринг: 1) бет, афт, башара; 2) бет, чехра, руҳсор, узор, турқ, юз; 3) бет, сирт, юза; 4) бет, саҳифа; 5) бет, чет, томон, тараф; 6) бет, қирғоқ, соҳил; 7) бет, дам; 8) бет, андиша, шарм ва ҳ. Айрим ҳолларда икки сўз бирдан ортиқ лексик маъноси билан ўзаро семантик синонимни таркиб топтириши мумкин.¹ Масалан, вазмин ва оғир сифатлари куйидаги лексик маъноларига кўра ўзаро семантик синонимни таркиб топтирган: 1) Вазни нисбатан ортиқ. *Вазмин тош, Оғир тош*. 2) Катта куч талаб қиладиган. *Вазмин иш. Оғир иш*. 3) Ўзини тута биладиган. *Вазмин киши. Оғир киши*. 4) Салобатли ва таъсирчан тусдаги. *Вазмин гап. Оғир гап*. 5) Машаққатли ҳолатда ўтадиган. *Вазмин ҳаёт. Оғир ҳаёт* ва ҳ. Бу вазмин ва оғир сифати беш лексик маъноси билан, кўрдикки, ўзаро семантик синонимдир.

Сўзлар семантик тараққий этиб, янги лексик маъно ҳосил қилиши тилдаги синонимларнинг, айниқса семантик синонимлар бойлигининг ортиши учун сабаб бўлади.² Масалан, 1960-1970 йилларда ўзбек тилида зўр сўзи ортиқ даражада яхши лексик маъноси билан ҳам қўллана бошлади. Бу зўр сўзининг соз сўзи билан семантик синоним бўлиши учун имконият яратди. Яна А. Ҳожиев ‘атрофга борлиққа ёйилиб олмоқ’ лексик маъноси билан *қопламоқ, эгалламоқ, қуршамоқ, ўрамоқ, чулғамоқ, босмоқ, тутмоқ, чалмоқ, қамрамоқ* феълларининг кейинги даврда семантик синоним қаторини юзага келтирганини кўрсатади ва бу шу сўзларнинг кейинги давр семантик тараққиётига боғли деб кўрсатади.³

¹ Қрнг.: Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимлари изоҳли луғати. – 3-б.

² Қрнг.: Черемисина П. Г. Пособие по стилистике русского языка. – М.: Просвещение. 1971. С.44.

³ Қрнг.: Ҳожиев А. Семасиология... - 249-б.

Кўрдикки, семантик синонимлар чет тиллар ва шеншлардин адабий тилга сўз ўзлаштириш, сўз яшаш, сўзларнинг полисемантик бўлиши ва семантик таракиёти натижасида таркиб топади.

Семантик синонимлар икки ва ундан ортиқ, ҳатто ўн шифо-фидаги маънодош сўзлардан таркиб топиши синонимик қаторларни юзага келтиради.¹ Тил бойлигида семантик қаторлар ҳам мавжуд. Бу семантик қаторлардан синонимик қаторлар, сўзларнинг ўзаро семантик муносабатига кўра, фарқ қилади. Семантик қаторлар бир семантик майдонга кирувчи, яъни бир архисема остида бирлашувчи лексемаларнинг семантик гуруҳланиши билан боғлиқдир. Бир архисема остидаги бир семантик майдонга кирувчи лексемалар маълум интеграл сема билан гуруҳларга ажралади, яъни семантик қаторларни ташкил қилади. Бу семантик қатордаги ҳар бир лексема семемаси ўзаро дифференциал семаси билан фарқланади. Лекин дифференциал семаси билан семемаси ўзаро фарқланган бу лексемалар семемасининг архисемаси ва интеграл семаси умумийлигига кўра бир семантик қаторни ташкил қилади. Масалан, ўзбек тили бойлигида кўлам сифатлари мавжуд. Бу сифатларнинг архисемаси ҳам кўлам ифодасини беради. Бу сифат лексемалар 'бўй,' 'узунлик,' 'эн,' 'юза' ва 'ҳажм' интеграл семалари бўйича гуруҳларга бўлинади, семантик қаторини ташкил қилади. Агар архисемаси 'кўлам' ва интеграл семаси 'бўй' бўлган семемали лексемалар семантик қаторини белгиласак, у *бўйчан*, *баланд*, *новча*, *дароз*, *дов*, *паст*, *пакана*, *калта*, *елтак* сўзларидан иборат. Шу тартиб бўйича уларнинг дифференциал ва прагматик семаларини белгилаб чиқайлик: 1) меъеридан сал ортиқ, 2) меъеридан ортиқ, 3) меъеридан кўзга ташланар даражада ортиқ, 4) меъерида жуда ортиқ, 5) меъеридан беўхшов ортиқ, 6) меъеридан сал кам, 7) меъеридан кам, 8) меъеридан камлиги яққол, 9) меъеридан ортиқ даражада кам. Булардан мазкур семантик қатордаги лексемалар семемаси 'кўлам' архисемаси ва 'бўй' интеграл семаси бўйича умумлашгани, бир қиллиги кўзга ташлангани ҳолда, дифференциал семалари бўйича ўзига хосдир. Яъни ҳар бир лексема

¹ Крнг.: Реформатский А. А. Введение в языковедение. – С.93; Азизов О. Типуносликка кириш. – 66-б.; Бердимуратов Е. Ҳазирги қарақалпақ тилиня лексикологиясы. – 109-б.; Мирзасев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили.3-нашр. – Тошкент: Ўқитувчи. 1970. 30-б.; Чэфэров С. Муасир азэрбајчан дили. Лексика. – 32-с.; Калинин А. Б. Лексика русского языка. – С.51; Ҳожиев А. Семасиология... – 241-б.; Фомина М. И. Современный русский язык. – 79; Ҳазерге башкорт теле... – 24-б.

семемаси мустақил деб қаралади. Синонимик қатордаги лексема семемалари ўртасида муносабат сал бошқача бўлади. Бунинг учун юқоридаги семантик қатор ичидан дифференциал семаси ‘меъеридан ортиқ’ бўлганларини ажратиб оламиз. Шунда уларнинг архисемаси ҳам, интеграл семаси ҳам, дифференциал семаси ҳам бир хил, яъни ядро семалари бир хил эканлиги маълум бўлади. Сўзлар ядро семалари бўйича лексик маъноси бир хил бўлса, семантик синонимдир. Лекин улар ўзаро ‘сал,’ ‘кўзга ташланар даражада,’ ‘жуда,’ ‘беўхшов’ прагматик семалари бўйича ўзаро фаркланади. Семантик синонимларда сўз лексик маъноларининг бундай фаркланиши ҳам уларнинг ўзига хосдир. Шундай синонимик қаторлар семантик қаторлар таркибида қайд этилиши – табиий ҳол.

Аён бўлдики, лексемалар семемалари бир архисема остида умумлашсалар, улар бир семантик майдонни ташкил қилган бўладилар. Семантик қатор эса бир интеграл сема билан умумлашади. Синонимик қатордаги ҳар бир лексема семемаси бир хил ядро семаларидан таркиб топади ва қўшимча прагматик сема ортирган бўлиши мумкин. Бунинг учун юқорида берилган *бўйчан*, *баланд*, *новча*, *дароз*, *дов* семантик қаторини эслайлик. Уларнинг ҳаммасида ‘қўлам’ ‘бўй’ ‘меъеридан ортиқ’ ядро семалари мавжуд. Шунга кўра улар ўзаро семантик синоним ҳисобланади. Уларнинг биринчи семемасида ‘сал,’ учинчиси семемасида ‘кўзга ташланар даражада,’ тўртинчиси семемасида ‘жуда,’ бешинчиси семемасида ‘беўхшов’ прагматик семалари қўшимча ҳолатда бор. Синонимлар мана шу прагматик семасига кўра ўзаро фаркланади ва ўзларига хос семантик таркибга эга. Шу синонимик қатордан *баланд* лексемаси семемаси ҳеч қандай қўшимча семага эга эмас. У қолган синонимлар учун умумий семантик таркибда бетараф ифода беради. Бу лексема синонимик қатор учун асосий ҳисобланиб, доминанта мақомида бўлади.¹

Кўрдикки, лексик маъноси ядро семаларига кўра бир хил бўлган икки ва ундан ортиқ сўзлар гуруҳи синонимик қатор дейилиб, улардан лексик маъноси фақат ядро семалардан иборати доминанта ҳисобланади.

¹ Қрғ.: Азизов О. Ўша асар. Ўша бет; Бердимуратов Е. Ўша асар. – 110-б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўша асар. Ўша бет; Шанский Н. А. Ўша асар. – С.65; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. – 31-б. Потоцкая Н. П. Ўша асар. – С.107; Ҳожиев А. Семасиология... - 245-б.; Ҳазерге башқорт теле... - 23-б.; Шамсиддинов Ҳ. Ўша автореф. – 35-б.

Синонимик қатордаги ўзаро синоним бўлган икки сўз лексик маъносидаги маъно кирраси, услубий томони, прагматик семаси билан ўзаро фарқланади. Семантик синонимлар ўзаро қандай фарқланишига кўра бир неча типга бўлинади. Улар ҳақида шлоҳида тўхтаймиз.

1.Идеографик синонимлар шундай семантик синонимки, улар таркибидаги сўзларнинг лексик маъноси бир-биридан ифода ҳажмига кўра фарқ қилади.¹ Масалан, *барг* ва *япроқ* семантик синонимининг таркибидаги сўзлар лексик маъносини бир-бирига қийслаб кўриш мумкин. Шу бобнинг бошроғида уларни таҳлил этиб кўрган эдик. Улар лексик маъноси 'ўсимликнинг нафас олиш органи' ифодасига кўра маънодош, яъни семантик синонимдир. Лекин *япроқ* сўзининг лексик маъноси катта танали кўп йиллик ўсимликка нисбатан, *барг* сўзининг лексик маъноси барча ўсимликларга нисбатан қўлланаверади. Шунинг учун ҳам *терақ япроғи* ва *терақ барғи* дейилаверади. Лекин *райҳон барғи* дейилгани ҳолда, *райҳон япроғи* деб юритилмайди. Яъни *япроқ* сўзи лексик маъносига қараганда *барг* сўзи лексик маъноси ифода ҳажми кенг. Лексик маънолари шундай семантик муносабатга эга бўлган семантик синонимлар идеографик синоним деб қаралади. Бундай синонимлар ўзбек тилида етарлича бор.

Н.Г.Листвиновнинг қайд этишича, идеографик синонимларга рус тили ниҳоятда бой.² Бу фикрга ҳеч қандай эътирозимиз йўқ. Идеографик синонимларнинг характерига қараганда, бошқа тилларда ҳам у кўп бўлиши керак. А.Искос ва А.Ленковаларнинг қайд этишича, немис тилида ҳам худди шундай. Аммо арабист В.М.Белкининг қайд этишича, араб тили бундан холи эмиш.³ Шу ўринда араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган *ишқ* ва *муҳаббат* синонимига диққатни қаратишга тўғри келади. Бу сўзлар 'бирор шахсга дилдан берилган иштиёқ' лексик маъноси бўйича маънодошдир. Лекин бу икки сўз лексик маънолари ифодаси ҳажмига кўра ўзаро фарқ қилади. *Ишқ* сўзининг лексик маъносидаги кечинма фақат ёр ва оллоҳ учун, *муҳаббат* сўзининг лексик маъносидаги кечинма ёр, оллоҳ, ота-она, фарзанд ва яқинларга нисбатан ҳамдир. Бу *ишқ* ва *муҳаббат* сўзлари идеографик синоним

¹ Крнг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 277; Камолов Ф. К. Семасиология... – 138-б.; Сабиров К. С. Лексикология... – С.60.

² Крнг.: Листвинов Н. Г. Вопросы стилистики русского языка. – С.63.

³ Крнг.: Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – S.221.

эканлигини кўрсатади. Х.К.Барановнинг арабча-русча лугатидаги бу сўларга берилган таржима улар араб тилида ҳам идеографик синоним эканлигини кўрсатади.¹

Яна ҳозирги бошқирд тилига бағишланган китобда: “Идеографик синонимлар маъно қиррасига кўра фарқланувчи бир маъноли сўзлар” - деб изоҳ келтирилган.² Биз берган *барг* ва *япроқ*, *ишқ* ва *муҳаббат* сўзлари эса полисемантик бўлиб, фақат бир лексик маъноси асосида идеографик синоним ҳисобланади.

2.Эмоционал-экспрессив синонимлар маълум лексик маъноси ядро семалари бўйича айнан бир хил бўлиб, прогматик семаси, яъни эмоционал ёки экспрессив семаси ўзаро фарқланадиган бўлади.³ Масалан, *жилмаймоқ*, *илжсаймоқ*, *ишшаймоқ*, *иршаймоқ*, *тиржсаймоқ* семантик синонимлар қаторини келтириш мумкин. Бу синонимик қатор ‘лаб ва кўз мускулида хурсандлик аломати ҳосил қилмоқ’ лексик маъносининг ядро семаларига кўра ўзаро бир хил. Аммо улардан *жилмаймоқ* сўзигина шу лексик маънони ифодалаш билан чекланган, у шу семантик синоним учун доминантadır. Бу изоҳ шу қатордаги барча сўзларга хос бўлиб, қолганлари ижобийлик ёки салбийлик прагматикаси билан ундан фарқланади. *Илжсаймоқ* феъли лексик маъносида ижобий эмоционаллик, *ишшаймоқ* феъли лексик маъносида салбий эмоционаллик бор. *Иршаймоқ* феъли лексик маъносида ‘киноявийлик’ ва *тиржсаймоқ* феъли лексик маъносида ‘заҳархандалик’ эмоционал туйғу семаси ўз ифодасини топган. Яъни бу қатор синонимлари лексик маъноси эмотик семасига кўра ўзаро фарқланади.

Синонимик қатордаги сўзларнинг лексик маъноси экспрессив семага кўра ҳам ўзаро фарқланади. Масалан, шу бобнинг бундан аввалги сарлавҳаси остида берилиб, таҳлил қилинган *бўйчан*, *баланд новча*, *дароз*, *дов* синонимик қаторини келтириб, эътибор берайлик. Ундаги *баланд* сўзи лексик маъноси ‘меъёрдан ортиқлик’ни ўз кўламида ифодалаган бўлса, *бўйчан* сўзидаги прогматик семада ‘нусбатан камроқ,’ *новча* сўзидаги прагматик семада ‘кўзга

¹ Қрнг.: Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. – М.: ГИИНС. 1962. С.189. Яна бунинг учун араб тилидан *бахт* / *саодат*, *вақт* / *соат*, *муҳлат* / *фурсат* каби идеографик синонимларни ҳам кўрсатиш мумкин. Лекин қўлингиздаги иш учун унча алоқаси бўлмаганини ҳисобга олиб, у ҳақда таҳлиллар беришни ортиқча деб билдик.

² Қрнг.: Хэзерге башқорт теле... - 24-б.

³ Қрнг.: Камолов Ф. К. Семасиология...- 138-б.; Дудников А. Б. Лексика и фразеология русского языка. – С.16; Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимлари изоғли лугати. – 4-б.; Абдуллаев Б. Т. Синонимлар... 196-б.; Листвинов Н. П. Ўша асар. – С.62.

ташланар даражада ортик,' дароз сўзидаги прагматик семада 'жуда ортик,' дов сўзидаги прагматик семада 'беўхшон ортик' ҳолатда ифодаланган. Кейинги синонимлар белги даражасини ўчидан аввалгига нисбатан орттириб борган. Белгилар ифодасида 'экспрессивлик бўлган. Белгилар ифодаси ортишининг даражаланиши куттилади, яъни градуонимияни кўриш мумкин. Градуонимия асосан белги билдирувчи сўзлар синонимиясида, уларнинг экспрессив семаларида қайд этилади.¹ Бу синонимик қатордаги сўз лексик маъноларининг эмотик семаларида ҳам бор.

3.Услужий синонимлар маълум лексик маъноси ядро семалари бўйича айнан бир хил бўлиб, у билан воқеланган сўзлар муайян бир ижтимоий қатламга мансублигига кўра ўзаро фарқланади.² Масалан, *яширин*, *махфий*, *пинҳон*, *хуфя*, *бекитиқча*, *ёпиқ* синонимик қатори ўзаро ижтимоий фаркли услубга хос сўзлардан ташкил топган. Улар сифат туркумига оид сўзлардир. Бу синонимик қатордаги сифатлар 'киши билмас ва ўзгага билдирилмайдиган' лексик маъноси бўйича ўзаро синоним ҳисобланади. Лекин мазкур сифатлар шу лексик маъноси билан воқеланар экан, барча ижтимоий қатламга оид гуруҳлар тилида, услубида бир хилда қўлланавермайди. Тўғри, *яширин* сифати умумлексикага оид, барча томонидан шу лексик маъносида воқелана олади. *Махфий* сифати ҳақида бундай деб бўлмайди. Бу сўз шу лексик маъноси билан фақат зодагон ва расмий кишилар лексикасида учрайди. *Пинҳон* сўзи эса асосан бадий адабиётга хос, яъни у поэтик тилда қўлланади. *Хуфя* сўзи сирли доирага мансуб кишилар лексикасига хосдир. *Бекитиқча* сўзи фақат жонли тилда кузатилиб, бадий адабиёт ёки расмий тилга кириб борган эмас. *Ёпиқ* сўзи шу лексик маъноси билан кам қўлланиб, фақат содда табиатчилар тили – жонли тилда кулоққа чалиниши мумкин.

Семантик синонимларнинг бу кўриниши қайси нутққа хослиги билан ўзаро семантик тафовутга эгаллигига кўра айрим адабиётларда нутқий синонимлар деб аталган бўлиши керак.³ Бироқ

¹ Крн.: Орифжонова Ш.А. Ўзбек тилида луғовий градуонимия. Филол. фан. номз. ...дисс. авторсф. – Тошкент. 1996. 6-б.; Philipp M. Semantik des Deutschen. – S.60:

² Крн.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 278; Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – S.224; Ҳожиёв А. Ўша лугат. 4-б.; Stepanova M.D., Černyševa T.T. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – М.: Hochschule. 1975. S. 22; Абдуллаёв Б.Т. Синонимлар... – 197; Калинин А.В. Лексика русского языка. – С. 50; Хазерге башкорт теле. – 25-б.

³ Крн.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. – 31-б.

терминнинг шу маъносидан келиб чиқиладиган бўлса, нутк кечимида юзага келадиган синонимлар ҳақида гап кетаётган бўлиб қолади. Шунинг учун уларнинг ижтимоий қўлланишидаги фарқини ҳисобга олиб, услубий синонимлар деб аташ маъқул кўрилди. Ўша адабиётларда бунинг учун *чиройли*, *гўзал*, *кўхли* синонимик қатори берилиб, таҳлил этилган. Уларнинг биринчиси умумлексикага, иккинчиси поэтик нутққа, учинчиси сўзлашув нуткига оид деб кўрсатилади. Бу синонимик қатордаги сўзлар семантик тафовути ҳам услубий синонимларга берилган мезон учун мосдир.

4.Узви таъкидли синонимлар маълум лексик маъноси ядро семалари бўйича айнан бир хил бўлиб, шу ядро семалардан қайси биридир таъкид олишига кўра ўзига хос бўлади. Аниқроғи, синонимик қатордаги сўзлар лексик маъноси ядро семаси айни бир хил эканлиги билан характерланади, лекин шу ядро сема таркибидаги семаларга қаратилган таъкид турлича бўлади. Масалан, *боқмоқ*, *қарамоқ*, *кўрмоқ* синонимик қаторидаги сўзлар лексик маъноси, яъни семаси 'нигоҳни объектга тўғриламақ' 'туширмақ' 'сез-моқ' семаларидан иборат. Сўз лексик маънолари коммуникацияда ундан таъқари коннотатив маъноларни ҳам воқелантиради. Лекин лексема семасининг ядро семаси шу семалардан ташкил топган бўлади. *Боқмоқ* феъли лексик маъносидан 1-сема, *қарамоқ* феълидан 2-сема, *кўрмоқ* феълидан 3-сема ўз таъкидига эга, сўз лексик маъно-сининг ядро семалари таркибида диққат марказига чиқарилади. Яъни *боқмоқ* феълидан нигоҳнинг объектга тўғриланганлиги асосий эътиборда бўлиб, *қарамоқ* феълидан нигоҳнинг объектга туширилганлиги, *кўрмоқ* феълидан нигоҳнинг объектни хис этганлиги аха-миятли ҳисобланади. Турган гапки, *боқмоқ* феъли тилда нофаол-лиги, *кўрмоқ* феъли ўтимлилиги билан бошқаларидан фарқланади. Шунга қарамай, семантик нуқтан назардан, юқоридаги фарқ улар кўринишини белгилайди. Чунки синонимия сўзларнинг лексик маъноси эътибори билан белгиланади.

5.Нофаол синонимлар маълум лексик маъноси ядро семалари бўйича айнан бир хил бўлади, лекин синонимик таркибдаги бир сўз маълум сабабга кўра нофаол ҳолатга кўчади. Бунинг сабаби ё сўзнинг эскирганлиги, ё диалекталлиги билан боғлилигида кузатилади.¹

¹ Қрғн.: Листвинов Н.Г. Вопросы стилистики русского языка. – С. 62; Дудников А.Б. Лексика и фразеология русского языка. – С.16; Калинин А.С. Лексика русского языка. – С.50; Ҳожиев А. Семасиология... – 244-б.

Масалан, *ниёз сўзининг сўзон, нерв сўзининг асаб* семантик синонимлари бор. Бироқ улар архаиклашиб қолгани учун нофоол ҳолда, айрим мақоллар, топишмоқлар, парафразалар таркибидашнинг қўлланади. А.Ҳожиёвнинг қайд этишича, *овоз, товуш, ун, сано, сас, нидо* семантик синонимларидан *сас* сўзи; *изламоқ, қидирмоқ, ахтармоқ, истамоқ* синонимик қаторидан *истамоқ* сўзи диалектал, нофоол ҳолда учрайди.¹

Кўрдикки, семантик синонимлар беш кўриниш: идеографик, эмоционал-экспрессив, услубий, узви таъкидли ва нофоол синонимларга бўлнади. Идеографик синонимларнинг лексик маъноси бири иккинчисидан ифодаси кенглиги, эмоционал-экспрессив синонимларнинг эмотив ё экспрессив семалари турлилиги, услубий синонимларнинг турли нутққа хослиги, узви таъкидли синонимларнинг турли семасига таъкид тушиши, нофоол синонимларнинг бири архаик ё диалекталлиги билан улар ўзаро фарқланади.

Демак, семантик синонимлар лексик маънолари ядро семаларига кўра айни бир хил сўзлардир. Улар айни бир туркумга оид бўлиб, нутқий талабга кўра бошқа туркумдан ўтган сўз синонимик қаторга қўшилмайди. Синонимик қатордаги сўз бошқа сўзлар билан лексик маъносининг мавжуд ядро семасига кўра айнан бир хил келса, у доминанта бўлиб, қолганлари нимаси биландир фарқланади. Семантик синонимлар доминантага кўра лексик маъноси ифода ҳажмига нисбатан фарқ қилганлари идеографик синоним, эмоционал-экспрессив семасига нисбатан фарқ қилганлари эмоционал-экспрессив синоним, маълум нутққа хослилигига нисбатан фарқ қилганлари услубий синоним, ядро семаларининг айримлари таъкид олганлигига нисбатан фарқ қилганлари узви таъкидли синоним, бир компоненти диалектал, эскирганлигига нисбатан фарқ қилганлари нофоол синоним деб қаралади. Улар чет тиллардан ва шевалардан ўзбек тилига сўз ўзлаштириш, сўз ясаш, полисемантиклик, сўзларнинг семантик тараққий қилиши ҳисобига таркиб топади. Сўзлар бир синонимик қаторга кириши учун лексик маънолари ўзаро жинс ва тур муносабатида бўлиши, сўз диалектал ёки тарихий, адабий тилга ўзлашмаган, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан номос бўлиши мумкин эмас.

Юқорида синонимлар ҳақида сўз юритилар экан, сўзларнинг ўзаро синоним бўлишида улар лексик маъноси ўртасидаги семантик

¹ Қўриқ.: Ҳожиёв А. Ўша асар. Ўша бет.

муносабат мезон вазифасини ўтади. Лексик маъноси бўлмаган сўзлар ҳам синоним бўлиши мумкин.¹ Масалан, *бирок*, *аммо*, *лекин* сўзлари, яна ҳам аниқроғи, боғловчилар ўзаро синонимдир. Улар ўзаро синтактик вазифаси, гапларни ўзаро семантик боғлашига кўра айнан бир хил. Шунга кўра улар ўзаро абсолют синонимдир. Чунки абсолют синоним ўзаро семантик ва грамматик жиҳатдан айнан бир хил бўлган бирдан ортиқ сўзлар ҳисобланади.

Ш.Раҳматуллаев идеографик синонимлар учун *керак*, *лозим* сўзларини келтиради.² Бу сўзлар ҳақиқатда ҳам модаллик семантикасига кўра бир хил. Лекин экспрессивликка кўра *керак* сўзига нисбатан *лозим* сўзи кучли, яъни даражаланиш бор. Булар ёнига яна *шарт*, *зарур* сўзларини ҳам қўйиш мумкин. Улар семантикаси ҳам *керак*, *лозим* сўзлари семантикаси билан бир хил. Экспрессивлиги эса *лозим* сўзидагига нисбатан *шарт* сўзида, *шарт* сўзидагига нисбатан *зарур* сўзида кучлироқ. Шунга кўра бу сўзлар қаторини семантик синоним деб бемалол айтса бўлади. Лекин улар идеографик синоним эмас, эмоционал-экспрессив синоним деб қаралиши керак. Чунки синонимик қаторнинг белгини даражалаб кўрсатиши фақат эмоционал-экспрессив синонимларга хос. Ҳар қандай ҳолда ҳам улар семантикасининг ядроси – модаллик семантикаси бир хил.

Демак, семантик синонимнинг ташкил топиши учун сўзлар лексик маъноси бўлса ҳам, коннотатив маъно бўлса ҳам, хуллас, ҳар қандай семантикасига кўра бир хил келиши қатъий мезондир.

Хуллас, синонимлар икки тип: 1) абсолют синонимлар, 2) семантик синонимларга ажралади. Семантик жиҳатдан айнан бир хил сўзлар абсолют синонимлар бўлиб, ядро семаларига кўра лексик маънолари бир хил бўлган сўзлар семантик синонимлардир. Синонимлар айнаи бир тил вакилида айнаи бир даврда қўлланадиган бир туркум доирасидаги сўзлардан ташкил топади. Улар чет тилидан, шевалардан адабий тилга сўз ўзлаштириш ҳисобига бойийди. Абсолют синонимлар асосан терминлардан иборатлиги ҳолда, тилда узоқ яшамайди. Семантик синонимлар яна сўз ясаш, полисемантиклик, маъно тараққиёти ҳисобига ҳам юзага келади. Синоним таркибидаги сўз лексик маънолари жинс ва тур ифодасига эга бўлиши ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан номос келиши мумкин

¹ Қрғ.: Ҳожиев А. Ўша асар. – С. 236.

² Қрғ.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. – 30-б.

эмас. Семантик синонимлар лексик маъноларидаги фарқли семаларига кўра идеографик синоним, эмоционал-экспрессив синоним, услубий синоним, узви таъкидли синоним, нофаол синонимларга бўлинади. Синонимик қатор таркибидаги лексик маъноси ядро семаларидангина иборат сўз доминанта бўлиб, у билан ядро семалари бир хил, лекин қолган семалари фарқ қиладиган лексик маъноли сўзлар гуруҳи синонимик қатор дейилади.

АНТОНИМИЯ

Ўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатларидан бири ўз аксини антонимияда ҳам топади.¹ Антонимия бир жуфт сўзнинг ўзаро лексик маънолари муносабатида юзага чиқади. Бу муносабатга кўра фалон сўз иккинчи бир сўзга нисбатан олиб қаралиб, унинг антоними деб юритилади. Ҳеч маҳал фалон гап таркибидаги фалон сўзни ёлғиз олиб антоним дейилмайди. Бу жиҳати билан антонимлар синонимлар хусусиятини эслатади. Антоним ҳам иккинчи бир гапдаги бирор сўзга нисбатангина антоним бўла олади.

Жуфт сўзнинг ўзаро антоним бўлиши учун яна бир неча шартлар бор. Улардан бири сифатида сўзнинг турли талаффузга эга бўлиши шартлиги кўрсатилади.² Яъни бу сўзлар турли фонетик таркибга эга бўлади, дейилмоқчи. Ҳақиқатан ҳам антонимларнинг фонетик таркиби бир-бирига ўхшамайдиган, ўзига хос бўлиши – табиий. Чунки тилдаги мавжуд сўзлар ўзига хос товуш таркибига эгадир. Бу тил диалектикасига хос қонуният эканлигини юқорида айтган эдик. Тилдаги бу табиий ҳолатни шу тилга мансуб бир ҳодисанинг белгиси сифатида кўрсатишнинг ўзи мантиксизлик деб қаралади.

Сўзларнинг ўзаро антоним бўлиши учун асосий шарт сифатида улар маъноси ўртасидаги ўзаро қарама-қаршилик кўрсатилади.³

¹ Қрғ.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 143; Bergmann R., Stricker S.; Pauliy P. Einführung in die deutsche sprachwissenschaft. – S. 103; Фомина М.И. Современный русский язык. Лексикология. – С. 104.

² Қрғ.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 285.

³ Қрғ.: Булаховский Л.А. Введение в языкознание. – С. 21; Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – С. 285; Галкина-Федорук У.М., Горшкова К.В., Шанский Н.М. Современный русский язык. – С. 40; Азизов О. Тилшуносликка кириш. – 66-б.; Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 145; Листвинов Н.Г. Вопросы стилистики русского языка. – С. 65; Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике

Антонимия айрим адабиётларда сўз маъноларининг зид келиши деб талкин қилинади.¹ Бу талкин кўпроқ ўзбек, умуман туркий тилшуносликка хосдир. Аслини олганда эса зид сўзи қарама-қарши сўзининг маъносини инкор этмайди. Шунинг учун ҳам бу қўйилган шартлар ўзаро бефарқ деб қаралади. Яна бир рус тилшуноси И.Б. Голуб “қарама-қарши маънолар “ деб эмас, “қарама-қарши сўз” деб кўрсатади.² Бу ҳам мумкин. У “сўз” деганда, албатта, унинг лексик маъносини назарда тутган бўлиши керак. Немис тили бўйича мутахассис, рус тилшуноси К.А.Левковская уни “қарама-қарши қўйилган тушунча” деб кўрсатади.³ Аслини олганда ҳам сўзлар маъносининг қарама-қарши бўлиши икки тушунча қарама-қаршилигининг ифода этилишидир. Тушунча ўзини ифодалаган сўз лексик маъносининг ядро семасига тенг келади. Лекин сўз лексик маъноси таркибида прагматик семалар ҳам бўлиши - эҳтимол. У ҳам антонимиядаги сўз лексик маъноси қарама-қаршилигида ўз аҳамиятига эга. Бу ҳақда ўрни билан тўхтаймиз.

русского языка. – с. 54; Камолов Ф.К. Семасиология... - 144-б.; Реформатский А.А. Введение в языковедение. – С. 95; Бердимуратов Е. Ҳозирги заман қарақалпақ тилининг лексикологияси. – 118-б.; Сабилов К.С. Лексикология... - С. 62; Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. I Band. – S. 556; Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. – S. 229; Дудников А.Б. Лексика и фразеология русского языка. – С. 21; Рахманова Л.И. Антонимы... - С. 31; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. – С. 64; Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. – С. 112; Кеңесбаев Г., Мусабаяв Ф. Қазіргі қазақ тілі. – 62-б.; Кокухов В.И. Введение в языковедение. – С. 188; Калинин А.В. Лексика русского языка. – С. 59; Попов Р.А. Лексика и лексикография // Современный русский язык. – М.: Просвещение. 1978. С. 81; Николенко Л.В. Лексика и фразеология // Русский язык / Под ред. Л.Ю.Максимова. – М.: Просвещение. 1978. С. 20; Рахматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли луғати. – 7-б.; Дониёров Х. Лексикология // Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Тошкент: Ўқитувчи. 1980. 118-б.; Гольцова Н.Г. Лексика // Современный русский язык / Под ред. П.А.Леканта. М.: ВШ, 1982. С. 22; Фомина М.И. Современный русский язык. – С. 114; Хазерге башкорт теле... - 306.; Claus-Schulze A., Verknüpfen V. Sätzen und Textteilen // Kurze Stilistik /Hrsg. B. Friedrich, J. Zech. – Berlin: Volk und Wissen. 1987. S. 156; Gross H. Einführung in die Germanistische Linguistik. – S. 162; Vormart T. Eine Einführung in die Sprachwissenschaft für Lehramtsstudierende. 4-auflage. – München. 2000. S. 165; Bergmann R., Stricker S., Pauly P. Einführung in die Sprachwissenschaft. – S. 103; Stepanova M.D., Černiševa I. I. Leksikologie der deutschen Gegenwartssprache. – М.: Academia. 2003. S. 27.

¹ Қрғ.: Чәфаров С. Мүасир азербайжан дили. – 38 с.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 31-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 35-б.; Мүасир азербайжан дили. I чилд. – 198-с.; Муллаев Т. Антонимлар // Ўзбек тили лексикологияси / Мас. муҳ.: А. Ҳожисв, А. Аҳмедов. – Тошкент: Фан.1981. 251-б.

² Қрғ.: Голуб И.Б. Стилистика современного русского языка. – С. 34.

³ Қрғ.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 144.

Сўзларнинг ўзаро антоним бўлиши учун шартлардан яна бири уларнинг жуфт сўздан таркиб топишидир. Бу ҳақда бир қатор тилшуносар айтган.¹ Рус тилшуноси В.И.Кодухов эса: "...антонимлар синонимларга ўхшаб қаторга эмас, жуфтликка бириктирилган" дейди.² Ҳақиқатан ҳам шундай бўлади. Қарама-қарши ҳодисалар ўртасида учинчи ҳодиса ёки ҳолат бўлиши мумкин эмас. Лекин ўзбек тилшунослигида қарама-қарши нарса, воқеа ўртасида "мантикий марказ" бор деган ғоя илгари сурилган. Ҳатто "...антоним эканини белгилашда мантикий марказ принциpidан ҳам ўринли фойдаланиш зарур" деган шарт айтилади.³ Уларнинг кўрсатишича, яхши ва ёмон ўртасида ўртача, баланд ва паст ўртасида текислик ҳолатини кўрсатувчи мантикий марказ бор эмиш. Шу антонимни белгиловчи шарт ҳисобланармиш. Бунга қарши халқ оғзида бир ривоят юради. Эмиш: ҳайвонлар шоҳи – шер, паррандалар учун ҳам шоҳ танлаш зарурияти туғилибди. Оллоҳ ҳазрат Жаброилни вакил этибди. Жабраил паррандаларни йиғиб, айтибди: "Ҳаммангиз қатор турасиз. Буйруғим билан кўкка учасиз. Ким тез ва энг баланд парвоз қилса, шу паррандалар шоҳи бўлади." Буйрук бўлибди. Бургут кўкка энг тез ва энг баланд кўтарилибди. У ўзига қаноат ҳосил қилгач, пастга шўнғиши билан қаноти устига яширинган Читтак ундан ҳам кўтарилиб кетибди. Пастда йиғилишгач, Читтак шоҳлик даъво қилибди. Ҳазрат Жаброил уни исбот билан енгиб бўлмаслигини билгач, дебди: "Хўп, сен шоҳ бўласан, сен учун шоҳларга хос арк қурамыз, сен шоҳ тахти ҳисобланган шоҳлик қўндоғига ўтирасан. У тўғри ҳам, эгри ҳам бўлмасин. Уни ўзинг топасан!" Шундан бери Читтак ўша айтилган шохни излаб, шохма-шох қўнармиш ва ҳар бирига ўтиб қарармиш, сўнг "йўқ!" дегандай танглай қоқармиш. Афсуски, у излаган тўғри ҳам, эгри ҳам бўлмаган мантикий марказ йўқ. Шу ҳолда антонимлар учун мантикий марказ излаш беҳудадир. Топилгандай бўлганлари ҳам ўзи

¹ Қрғ.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 32-б.; Хэзерге башкорт теле. – 30-б.; Калинин А.В. Лексика русского языка. – С. 60; Шанский Н.М. Лексикология современного русского языка. С.64; Рахманова А.И. Антонимы... - С. 31; Дудников А.В. Лексика и фразеология русского языка. - С. 21; Завялова В. М. Антонимы. – М.: ВШ. 1969. С. 6.

² Қрғ.: Кодухов В.И. Введение в языкознание. – С. 183.

³ Қрғ.: Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати. – 9-б.: Худди шу фикрни ўз "Қўлланма"сида Ҳ.А.Жамолхонов ўзгаришсиз келтиради ва унга тўла қўшилади. Қрғ.: Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. – Тошкент. 2004. 38,39-б.

мантиксиз бўлади. Буни халқ яхши билган ва юқоридаги чуқур мантикқа асосланган ривоятни тўқиган.

Юқоридаги ғояни илгари сурган муаллифлар унинг “ҳар қаерда” ўтавермаслигини ўзлари ҳам тушунадилар ва “баъзи антонимик жуфтликларда мантикий марказни билдирувчи алоҳида сўз бўлмайди” – дейдилар.¹ Ҳар холда мантикий марказни билдирувчи сўз баъзи антонимик жуфтликларда эмас, деярли антонимик жуфтликларда қайд этилмайди. Кўрсатилганлари ҳам зўрма-зўраки тўқиб чиқарилган ҳолатдадир. Боринги, улар ҳақ бўлган тақдирда ҳам, ҳамма антонимларни белгилаш учун мезон бўла олмагач, у қандай қилиб ўлчов принципи вазифасини ўтай олади?! Яъни антонимлар учун мантикий марказ тушунчаси мутлақо асоссиздир. Шу ўринда бир қатор тилшуносларнинг “антоним фақат ёпиқ жуфтликлардан иборат”² деган қатъий фикрига қўшилиш анча тўғри бўлади. Бу фикрга қўшилган немис тили мутахассиси рус тилшуноси М.Д.Степанова ва И.И.Чернишевлар, антонимик жуфтликлар бир семантик майдонда бўладилар, деб, *эрта* ва *кеч* антоними *вақт*, *севги* ва *нафрат* антоними *туйғу* семантик майдонида эканини кўрсатадилар.³ Бу фикр ниҳоятда объектив бўлиб, антонимлар лексик маънолар парадигматик қаторини таркиб топтиришини ҳам исботлайди.

Кўрдикки, сўзлар ўзаро антоним бўлиши учун, улар қарама-қарши лексик маънога эгалик қилиши, қатъиян сўз жуфтлигидан таркиб топиши шарт. Антонимик сўзлар ўртасидан мантикий марказ излаш беҳуда ва уни белгилаш мантиксизликдир.

Антонимлар айрим тил ходисаларидан ўзига хос белгилари билан фарқланади.

Айрим тилшунослар “...морфемалар, суффикслар воситасида ҳам антонимлар ясалади” деган фикрни илгари сурадилар.⁴ Ўзбек

¹ Қрғг.: Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўша луғат – 11-б.

² Қрғг.: Левковская К.А. Ўша асар. – С. 145; Введенская Л.А. О взаимодействии антонимии и синонимии // Вопросы лексики и фразеологии русского языка. – Ростов на Дону 1968.; Шанский Н.М. Ўша асар. Ўша бет; Сидоренко М.И. Антонимия и экспрессивно-стилистическая принадлежность слов // Слово в лексико-семантической системе языка. – Л., 1972.

³ Қрғг.: Stepanova M.D., Černiševa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – S. 28.

⁴ Қрғг.: Зиндер Л.Р., Стросва Т.А. Современный немецкий язык. – М., 1957. С. 396; Гельблу Я.Н. Способы выражения антонимичности в немецком языке // Ученые записки БашГУ. Вып. 6. Серия филол. №5. – Уфа. 1958. С. 93-108; Стефанова М.Д. Словообразование современного немецкого языка. М., 1960. С. 229-252.

тили материаллари асосида фикр юритган Ф.К.Камолов ҳам худди шу нуктага назар билан қолади.¹ Буларнинг ҳаммаси ҳам феълларнинг бўлишли-бўлишсизлик категориясини антонимлар қаторида санашган. Масалан, ўзбек тилидаги *келди / келмади, чиқди / чиқмади, тўйди / тўймади* жуфтликлари ўзаро антоним эмас, иккинчиси биринчисининг бўлишсиз шаклидир. Бу грамматик категория ҳисобланади. Ваҳоланки, *кел-* феълнинг антоними *кет-* феъли, *чиқ-* феълнинг антоними *туш-* феъли, *тўй-* феълнинг антоними *оч-* феълдир. Буларда ўзаро ҳақиқий ўзаро қарама-қаршилик бор. Шунга ўхшаш рус тилидаги *пришел / не пришел*, тожик тилидаги *омадан / ноомадан* жуфтлиги феълнинг бўлишли-бўлишсизлик шаклидир. Немис тилида феълнинг бундай грамматик шакли йўқ. Унинг бўлишсизлик шакли вазифасини феъл олдидан келган *nicht, kein* феъллари бажаради.

Ф.К.Камолов яна “антонимларнинг яна бир типи *-ар* ва *-мас* кўшимчаси воситасида ясалади” деб кўрсатади.² Биламизки, *-ар* ва *-мас* кўшимчалари феълнинг сифатдош ҳосланган шакли бўлиб, биринчиси учун иккинчиси бўлишсизлик шакли вазифасини ўтайди. Яъни бу ўринда ҳам феълнинг бўлишсизлик категорияси амалда юзага келиб, антоним акс этмаган.

Айрим тилшунослар немис тилидаги *ин-*,³ француз тилидаги *anti-*,⁴ рус тилидаги *не-*,⁵ ўзбек тилидаги *бе-*, *но-* каби⁶ инкор шакллари ҳам антоним ясайди, деб кўрсатадилар. Бу инкор шакллари ўз ифода хусусиятига кўра феълларнинг бўлишсизлик шаклига жуда ўхшаб кетади. Феълнинг бўлишсизлик шакли ўзи кўшилган феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат амалга ошмаганлигини кўрсатади, яъни ўзак маъносини йўққа чиқаради. Инкор шакли эса ўзи кўшилган сўздан англашилган нарса, воқелик ёки белгига эга эмасликни билдиради, яъни бунда ҳам ўзак маъносини йўққа чиқаради. Ваҳоланки, антонимик жуфтликлар таркибидаги ҳар бир сўз мустақил маънога эга бўлиб, бир-бирига қарама-қарши маъно беради ва улар бир-бирларининг маъноларини очади.⁷ Шунини

¹ Қриг.: Камолов Ф.К. Семасиология... – 145-б.

² Қриг.: Камолов Ф.К. Ўша асар. Ўша бет.

³ Қриг.: Левковская К.А. Ўша асар. Ўша бет.

⁴ Қриг.: Потоцкая Н.П. Стилистика современного французского языка. – С.114.

⁵ Қриг.: Шанский Н.М. Ўша асар. Ўша бет; Попов Р.Н. Ўша асар. – С.82.

⁶ Қриг.: Камолов Ф.К. Ўша асар. Ўша бет.

⁷ Қриг.: Claus-Schulze A. Verknüpfen von Sätzen und Textteilen... – S.156.

назарда тутиб, Б.О.Исабеков инкор шаклларини антонимлар билан адаштирмаслик кераклигини айтади.¹ Масалан, *тўғри* ва *нотўғри* жуфтлигида биринчи сўзнинг маъноси иккинчисида йўққа чиқарилган. Чунки кейингиси инкор шаклидадир. *Тўғри* сўзининг антоними эса *эгри* сўзи ҳисобланади. Бу ифодалар бир-бирига қарама-қарши. Уларнинг ўзаро солиштирилиши бир-бирининг маъносини очади ҳам.

Ўзбек тилшунослигида яна от туркумидаги сўзлардан *-ли* ва *-сиз* аффикси воситасида ясалган сифатларнинг антоним ёки антоним эмаслиги масаласида турли қарашлар мавжуд. Ўзбек тили антонимлари луғатининг киришига бағишланган қисмда улар бир ўзақдан антонимлар ясади, деб кўрсатилган. Ундан аввалроқ Б.О.Исабеков ўз номзодлик диссертациясида *-ли* ва *-сиз* аффикси воситасида ясалган сифатларнинг ўзаро антоним бўла олмаслигини айтган ва исботлар келтирган. Бунга луғатнинг “Кириш” қисмида муносабат билдирилмаган. Б.О.Исабеков билан Ғ.Мусабоев ҳам ўзининг икки йил кейин нашр эттирган дарслиги орқали ҳамфикр бўлган.

Бир от ўзагидан *-ли* ва *-сиз* аффикси воситасида ясалган сифатлар ўзаро антоним бўла олмайди, деб қаровчилар унинг иккинчиси биринчиси учун ҳамма вақт инкор маъноси беришини кўндаланг қўядилар. Масалан, *тоғли*, *уйли*, *деразали* сўзлари *-ли* аффикси билан ясалган бўлиб, улар ўзақдан англашилган нарсага эга эканликни билдиради. *-сиз* аффикси эса унинг аксидир: *тоғсиз*, *уйсиз*, *деразасиз* сўзларида бу аффикс ўзақдан англашилган нарсага эга эмасликни ифодалайди. Яъни *-ли* аффикси билан ясалган сифатлар маъносини *-сиз* аффикси билан ясалган сифатлар маъноси инкор қиляпти. Булар тасдиқ ва инкор муносабатини дунёга келтиради, лекин антонимик муносабатни бермайди.

Т. Муллаев маълум от ўзақдан *-ли* ва *-сиз* аффикслари билан ясалган сифат жуфтлиги антоним бўлиш ёки бўлмаслиги масаласини ҳал қилиш учун янги бир методни қўллайди. Бу дифференциал-семантик методга асосланган эди. Унда сифат антоним сўзларнинг семемасини олиб, семаларни белгилайди ва ҳар бир сифат семемасини бир-бирига солиштиради. Шунда умумий ва

¹ Қриг.: Исабеков Б.О. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. – С. 4,5. Д.Н.Шмелев ва Х.Дониёров инкорни антоним ҳисобламаган. Қриг.: Шмелев Д.Н. Очерки по семасиологии русского языка. – С. 146; Дониёров Х. Лексикология... – 120.

фарқловчи сема бўлиши керак. Фарқловчи семи қарама- қарши маънони беради. Шу қолипта *-ли* ва *-сиз* аффикси билан ясалган ўзакдош сифатларни солиб кўради: мос бўлса, у антоним ҳисобланиб, акс ҳолда инкор категорияси деб қаралади.¹ Мисалан, *баланд* ва *паст* антонимик жуфтлигининг семантик таркибини кўриш мумкин. *Баланд* сифати семемаси 'бўйи меъёридан ортиқ' семаларига, *паст* сифати семемаси 'бўйи меъёридан кам' семаларига эга. Яъни уларнинг 1- ва 2-семалари умумий, 3-семалари фарқли, қарама-қарши ифодага эга.² Бу антонимга хос семантик қолип. Энди *-ли* ва *-сиз* аффикси билан ясалган *ақлли* ва *ақлсиз* сифат жуфтлигининг семантик таркибига диққатни қаратайлик. *Ақлли* сифати семемаси фикрлаш фаолияти ўткир семаларига, *ақлсиз* сифати семемаси фикрлаш фаолияти заиф семаларига эга. Яъни буларнинг ҳам 1- ва 2-семалари умумий, 3-семаси фарқли, ўзаро қарама-қаршидир. Буни ҳам антоним деб тан олиш жоиз. Шу аффикслар воситасида ясалган *деразали* ва *деразасиз* сифат жуфтлиги ҳақида бундай деб бўлмайди. Улардан биринчиси ўзакдан англашилган насага эгаликни, иккинчиси ўзакдан англашилган нарсага эга эмасликни билдиради, яъни иккинчиси биринчиси маъносини инкор қилади. Шунга кўра айтиш мумкинки, бу мисол антоним эмас, балки инкор категориясига мансубдир. Яъни *-ли* ва *-сиз* аффикси воситасида от туркумига оид сўзлардан ясалган сифатларни Т.Муллаев ўлчовига солиб, кейин улар антоним ёки инкор категориясига мансуб эканлиги ажратиб кўрсатилади.

Дастлаб К.А.Левковская антонимлардан коррелятив сўзларни ажратиш кераклигини айтади.³ У коррелятив сўзларга *ёз / қиш*, *баҳор / куз*, *шимол / жануб* каби сўз жуфтликларини кўрсатади. Унинг кўрсатишича, булар қарама-қарши тушунчани берувчи маъно ифода этадиган сўз эмас, балки бир тушунчанинг икки томонини ифодаловчи сўзлардир. Булар коррелятив сўзлар деб қаралади. Худди шундан 20 йиллар ўтгандан кейин ўзбек тилшуноси Б.О.Исабеков унинг фикрига қўшишди ва "коррелятив сўзлар ўзбек тилида асосан бир тушунчанинг дифференциацияси

¹ Қрғ.: Муллаев Т. Антонимлар // Ўзбек тили лексикологияси / Мас. мух. А.Ҳожиев, А.Аҳмедов. Тошкент: Фан, 1981. 253-б.

² Бундай семаларни Д.Абдуллаева ўз мақоласида антонимликни белгиловчи сема, антисемия (зид сема) деб номлайди. Қрғ.: Абдуллаева Д. Лексик бирликларда антисемиялар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2008. 3-сон. 77-80-б.

³ Қрғ.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 145.

йўли билан юзага келади” деган қувватловчи фикрини айтди.¹ Б.О.Исабеков мазкур таъкидловчи фикрини жуда ўринли берган эди. Бу ҳодисани антоним деб караш ўзбек тилининг ўзида ҳам аксарият ҳолатлатда кузатилган эди.² Коррелятив сўзларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Улар ҳақида кейинги сарлавҳа остида тўхтаб ўтилади.

Ш. Раҳматуллаев яна *ана* ва *мана*, *шу* ва *ўша*, *у* ва *бу* оллош жуфтликлари ўртасида антоним бор дейилган фикрларни инкор қилади.³ Бу оллош жуфтликларида кўрсатиш ишораси қарама-қарши томонга эмас, балки бир томонга нисбатандир. Улар ўртасидаги фарқ фақат масофа нисбати билан олинган. Антонимлардаги маънолар ифодасида йўналиш фақат қарама-қарши томонга қаратилиши шарт. Бу фикри билан олим ниҳоятда ҳақ деб ҳисоблаймиз.

Б.О.Исабеков антонимик жуфтлик учун яна бир шарт борлигини қайд этади. Унинг кўрсатишича, антонимик жуфтликда сўзлар лексик маъносидagi ядро семаларидан иккитаси умумий, биттаси фаркли бўлишидан ташқари прагматик семалари ҳам мутаносиб келиши шарт, ҳар иккисидa прагматик сема ўз ўрнини топмайди ёки икковида кузатилиб, иккиси ҳам бир хил бўлади.⁴ Масалан, *очиқча* ва *яширинча* сўз жуфтлиги антоним эканлиги, яъни маънолари қарама-қаршилиги ҳолда, икки қарама-қарши маъно ҳам прогматик семага эга эмас. *Ошқора* ва *пинҳона* сўзлари ҳам қарама-қарши маънода, иккови ҳам поэтиклик прогматик семасига эга, яъни ўзаро антонимдир. Лекин *очиқча* ва *пинҳона* сўз жуфтлиги, *ошқора* ва *яширинча* сўз жуфтлиги антонимни таркиб топтирмаган. Чунки бирида поэтик сема бўлиб, иккинчисидa йўқ. Бу номутаносиблик антонимлик учун имкон бермайди.

Кўрдикки, феълларнинг бўлишли-бўлишсизлиги ва инкор антонимликни юзага келтирмайди. Чунки улар сўзга қўшилар экан, қарама-қарши маъноли сўз эмас, ўзак маъносини инкор этувчи, йўққа чиқарувчи сўз шакли юзага келади. Коррелятив сўзлар бир тушунчанинг дифференциациясини ифодалаб, қарама-қарши маъно бермайди. Оллошлар қарама-қарши йўналишни эмас, тафовутли

¹ Қриг.: Исабеков Б.О. Ўша автореф. – 7-б.

² Қриг.: Камолов Ф.К. Семаснология... – 144-б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 31, 32-бб.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 36-б.; Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 2-қисм. – 35-б.

³ Қриг.: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. - 36-б.

⁴ Қриг.: Исабеков Б.О. Ўша автореф, - 8-б.

бир йўналишни билдиради. Антоним таркибидаги сўзлар маъноси фақат қарама-қарши бўлиш билан чегараланмай, прагматик сема-сига кўра ҳам ўзаро муносиб келиши шарт.

Ўзаро антоним сўзларнинг ўзаги бир бўлиши ҳам, алоҳида бўлиши ҳам мумкин.¹ Ўзаро антоним сўзларнинг бир ўзакли бўли-шини кўпроқ немис тили ҳақида тадқиқот иши олиб борган рус тилшунослари айтишган.² Шу билан бирга бундай фикр немис тилининг лингвистик энциклопедиясида ҳам бор.³ Ҳақиқатан ҳам немис тили ўз хусусиятига кўра бундай антонимларга ниҳоятда бой. Бунинг учун В.М.Завьялова *direkt* 'тўғри' ва *indirekt* 'эгри' мисолини,⁴ немис тилининг лингвистик энциклопедиясида *aufmachen* 'очмок' ва *zumachen* 'ёпмок' мисолини келтиради.⁵ Улар ҳақиқатан ҳам антонимлардир. Шу нуқтаи назардан ҳам бу тилдаги кўпгина адабиётларда суффикс ва префикслар антонимларни яса-ши ҳақида қайд этилган.⁶

Рус тилида ҳам кўпгина антонимлар бир ўзақдан ясалган. Бу ҳақда М.И.Фомина алоҳида *гўхтаб в(о)-* ва *вы, за-* ва *от-, недо-* ва *пере-, под(о)-* ва *от(о)-, при-* ва *у-, раз(рас)-* ва *с(о)-* префикслари воситасида бир ўзақдан антонимлар ясалишини кўрсатади.⁷ Масалан, *вход* 'кириш' ва *выход* 'чиқиш', *пришел* 'келди' ва *ушел* 'кетди' сўз жуфтликларига ўхшаш.

Бир ўзақдан антонимик аффикслар билан ўзбек тилида ҳам антонимлар ясалади. Бу ҳақида юкорида ҳам айтилган эди. У ерда Т.Муллаевнинг тавсиясига кўра *ақлли* ва *ақлсиз* сўз жуфтлигини дифференциал-семантик метод асосида таҳлил қилиб, улар ўзаро антоним эканлиги исботланганлиги ҳам маълум. Чунки *ақлли* сўзи семемаси 'фикрлаш фаолияти ўткир' семаларини, *ақлсиз* сўзи семемаси 'фикрлаш фаолияти заиф' семаларини ўз ичига олади. Улар семемасининг 1- ва 2-семаси умумий, 3-семаси қарама-

¹ Қрғг.: Сабиров К.С. Лексикология... - С.63; Голуб И.В. Стилистика современного русского языка. - С. 34; Николенко Л.В. Лексика и фразеология... - С.21.

² Қрғг.: Левковская К.А. Ўша асар. Ўша бет; Завьялова В.М. Антонимы. - С.7.

³ Қрғг.: Die deutsche Sprache. Kleine Enzyklopädie. I Band. - S. 557;

⁴ Қрғг.: Завьялова В.М. Антонимы. - С. 7.

⁵ Қрғг.: Die deutsche Sprache... - S. 557.

⁶ Қрғг.: Зиндер Л.Р., Стросова Т.В. Современный немецкий язык. - М., 1957. С. 356; Гельблунд Я.Н. Способы выражения антонимичности в немецком языке... - С. 93-108; Степанова М.Д. Словообразование современного немецкого языка. - М., 1960. С. 229-252.

⁷ Қрғг.: Фомина М.И. Ўша асар. - С.115. И.В.Арнольд ҳам худди шу фикрда. Қрғг.: Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. - С. 286.

қарши. Семалар ифодасидаги бу қарама-қаршилик антонимликни кўрсатса, семемалар ўртасидаги умумийлик антонимлар семантик майдони бир эканлигини билдиради. Шунингдек, ясама сифатлардан *серҳосил* ва *камҳосил* сўз жуфтлиги ҳам ўзаро антонимдир. Чунки *серҳосил* сўзи семемаси 'кўп' 'мева' 'тугадиган' семаларидан, *камҳосил* сўзи 'кам' 'мева' 'тугадиган' семаларидан таркиб топган. Бу икки сўз семемасининг ҳам 1-семалари ифодаси қарама-қарши, 2- ва 3-семалари ифодаси умумий бўлиб, сўз жуфтлиги антонимлигини кўрсатади.

Ўзбек тилида фақат от туркумига оид сўзлардан сифат ясаши ҳисобига антоним таркиб топади. Бу ҳам ниҳоятда чегараланган. Юқорида айтилганидай, ясама сўз жуфтликларидан бири маъносини иккинчиси инкор қилса, у антоним ҳисобланмайди.

Кўпчилик антонимлар қарама-қарши маъноли икки хил ўзакли сўзлардан иборат бўлади. Немис тилшуноси В.Шмидт антоним деб фақат қарама-қарши маънога эга турли ўзакдаги сўз жуфтлигини тушунади.¹ Юқоридаги немис тили тилшуносларидан келтирилган фикрлар ҳам жуда унчалик эмаслигини кўрсатади. Лекин ҳар ҳолда антонимлар асосан турли ўзакли сўзлардан иборат дейиш тўғрироқдир. Ўзбек тилида унинг салмоғи антонимларнинг асосини ташкил қилади.

Қарама-қарши маъноли сўз жуфтлигини, яъни антонимларни турли ўзакдаги, фонетик таркибдаги сўзлар ташкил қилади. Бу турлича асосларга кўра юзага чиқади. Уни Б.О.Исабеков тўртта деб кўрсатади.² Биз ҳам шунга амал қиламиз.

1.Ўз лексикага оид икки сўз қарама-қарши маънода келиб қолишида кузатилади. Масалан, *кенг / тор*, *ич / тош*, *кам / кўп*, *оч / тўқ*, *чиқ- / туш-*, *кел- / кет-*, *ол- / бер-*, *тез / суст*, *эрта / кеч* ва х. Бу ўринда фақат туб сўзлар назарда тутилди.

2.Турли ўзакдан ясалган ясама сўзлар ҳисобига ҳам антонимлар таркиб топади. Масалан, *иси+қ>иссиқ* ва *сови+қ>совуқ*, *кир+им>кирим* ва *чиқ+им>чиқим*, *оч+иқ>очиқ* ва *ён+иқ>ётиқ* антонимлари турлича ўзакдан бир хил аффикс воситасида ясалган сўз жуфтлигидан иборат. Яна *кекса+й>кексай* ва *ёш+ар>ёшар*, *қисқа+р>қисқар* ва *уз+ай>узай*, *янги+ла+н>янгила* ва *эски+р>эскир* каби антонимлар турли

¹ Қрғ.:Schmidt W. Deutsche Sprachkund. – Berlin. 1957. S.70.

² Қрғ.:Исабеков Б. О. Ўша автореф. – С.9-13.

Ўзакларга турли аффикс қўшиш орқали ясалган. Яна антонимларнинг бир кўриниши борки, улар таркибидаги бир сўз туб бўлгани ҳолда, иккинчиси ясама сўз эканлиги кўринади. Масалан, *еч-* ва *бог+ла>богла-*, *буз-* ва *туза+т>тузат-*, *топ-* ва *йўқ+от>йўқот-*, *қот-* ва *юм+ша>юмша*, *соч-* ва *тўп+ла>тўпла* сўз жуфтликларига эътибор бериш мумкин. Улар таркибидаги биринчи сўз туб бўлгани ҳолда, иккинчиси ясама сўздир.

3. Сўз ўзлаштириш, яъни ўзлашма сўзлар ҳисобига ҳам ўзбек тилида антонимлар таркиб топади. Масалан, форсча *дўст* ва *душман*, *хафа* ва *хурсанд*, арабча *муҳаббат* ва *нафрат*, *азоб* ва *роҳат*, рус тили орқали ўзлашган *актив* ва *пассив*, *импорт* ва *экспорт* сўз жуфтликлари ўзбек тилида ҳам антоним ҳисобланади. Ўзбек тилида яна шундай антонимлар борки, таркибидаги бир сўз ўз лексикага оид бўлса, иккинчи сўз ўзлашган лексикага оиддир. Масалан, *соғ* (ўз сўз) ва *касал* (арабча), *тийрак* (ўз сўз) ва *ланж* (арабча), *уйдирма* (ўз сўз) ва *ҳақиқат* (арабча), *тўр* (ўз сўз) ва *пойгак* (форсий), *чуқур* (ўз сўз) ва *саёз* (форсий), *қуруқ* (ўз сўз) ва *ҳўл* (форсий) сўз жуфтликлари антонимдир. Рус тили орқали ўзлашган сўзлар билан ўз сўз ўртасида бўлган тил лексикаси доирасидагина таркиб топади, деган қарашига мос¹ эмас.

4. Полисемантик сўзларнинг юзага келиши ҳам тилда антонимлар таркиб топиши учун аҳамият касб этади. Бу кўпгина тилларда ҳам бор хусусият.² Ўзбек тили полисемантик сўзларга бой бўлганлиги учун, унинг шу полисемантик сўзлари бир неча лексик маъноси билан бир неча сўзга антонимлик қилади. Масалан, ўзбек тилидаги *чиқмоқ* феъли жуда кўп лексик маънога эга полисемантик сўз. У тўрт лексик маъноси асосида тўрт сўз билан антонимдир. Қуйидагича:

1) Чикмоқ 'кўтарилмоқ'. *Томга чикмоқ.* // Тушмоқ 'пастламоқ,' *Томдан тушмоқ.*

2) Чикмоқ 'панадан холи бўлмоқ.' *Уйдан чикмоқ.* // Кирмоқ 'ўзини панага олмоқ.' *Уйга кирмоқ.*

¹ Крнг.: Гельблу Я.И. Способы выражения антонимичности в современном немецком языке. – 1965.

² Крнг.: Арнольд. И.В. Ўша асар. – С.286; Гвоздев А.Н. Очерки по стилистике русского языка. – С.7; Потоцкая Н.П. Ўша асар.- С.115; Мўасир азэрбајчан дили. 1-қилд. – 201-с.; Попов Р.Н. Лексика и лексикография... – С. 81; Гольцова Н. Г. Лексика... – С 28; Фомина М. И. Ўша асар.- С. 117; Хазерге башкорт теле. – 30-б.

3) Чикмок 'уфқда кўринмок.' *Кўёш чикмок.* // Ботмок 'уфққа кирмок.' *Кўёш ботмок.*

4) Чикмок 'дуч келмок'. *Қизик жойи чикмок.* // Тугамок. 'охирига етмок.' *Қизик жойи тугамок.*

Шунга ўхшаш яна кам сўзи микдор билдиришига кўра кўп сўзи билан, етишмасликни билдиришига кўра *ортиқ* сўзи билан антонимдир. Сўзларнинг полисемантик бўлиши, яъни сўзларнинг семантик таракқиёти шундай ҳолатларни ҳам келтириб чиқарадики, унда икки сўз генетик маъноси билан эмас, навбатдаги фигурал маъноларининг бири билан ўзаро антонимлик қилади. Масалан, *оқ* ва *қора* сўзлари ранг билдирувчи генетик маъноларига кўра эмас, *оқ* сўзи 'гуноҳсиз,' *қора* сўзи 'гуноҳкор' фигурал маъноларига кўра ўзаро антонимдир. Айрим полисемантик сўзлар иккинчи бир полисемантик сўз билан бирдан ортиқ лексик маъноси асосида антоним бўлиб келади. Масалан, *чикмок* феъли *тушмок* феъли билан икки лексик маъноси асосида антонимдир.

1) Чикмок 'кўтарилмок.' *Тепага кўтарилмок.* // Тушмок 'пастламок.' *Тепадан тушмок.*

2) Чикмок 'лавозимни олмок.' *Юқори ишга чикмок.* // Тушмок 'пастламок'. *Юқори лавозимдан тушмок.*

Немис тилшуноси Х.Грознинг кайд этишича, антонимлар таркиб топиши билан бирга белгилар градуонимияси (даражаланиши)ни юзага келтириши мумкин. Масалан, *heiß(уссиқ)<warm(илиқ)><kühl(салқин)>kalt(совуқ).*¹ Кўринадики, ҳарорат ўнгга томон пасайиб, чапга томон кўтарилиб борган. Аслида антоним 1-сўз билан 4-сўз ва 2-сўз билан 3-сўз экани ҳолда, орага кирган антоним четдагилардан паст даражалиги билан фарқ қилади. Бу даражаланган белги номлари ўзбек тилида ҳам ўз аксини топган. Таржимасига эътибор қилинг.

Кўрдикки, антонимлар ўз лексикага мансуб туб ва ясама сўзларнинг қарама-қарши маънога эга бўлиб келиши натижасида ҳам таркиб топади. От туркумига оид бир ўзақдан антонимик аффикс воситасида антоним яшаш фақат сифат туркумида кузатилиб, у ҳам ниҳоятда чегараланган. Антонимлар чет тиллардан ўзлаштирилади ва ўзлашган сўзлар билан ўз сўзлараро ҳам улар таркиб топади.

¹ Крҗг.: Gross H. Einführung in die Germanistische Linguistik. – S.112.

Полисемантик сўзларнинг юзага келиши ҳам антонимлар учун манба бўлиб қолади.

Антонимлар асосан белги билдирувчи сўзлардан иборат бўлади ва шунинг орқасида улар сифат ва равиш туркумида кўпилаб кузатилади.¹ Масалан, *яхши / ёмон, баланд / паст, тўғри / ўғри, задир / силлиқ, оч / тўқ, тоза / ифлос, аччиқ / сучук, касал / соғ, пойгак / тўр, саёз / чуқур, ҳўл / қуруқ, ҳақиқат / уйдирма, теч / суст, кўп / оз, кам / ортиқ* кабилар.

Антонимлар ҳаракат ва ҳолат билдирувчи сўзларда ҳам кўпилаб учрайди. Булар феъл туркумига оид сўзларда қайд этилади.² Ўзбек тилида ҳам шундай. Масалан, *чиқмоқ / тушмоқ, кирмоқ / чиқмоқ, турмоқ / ётмоқ, қочмоқ / қувмоқ, ёнмоқ / ўчмоқ, очмоқ / ёпмоқ* ва Ҳ.

От туркумига оид сўзларда ҳам антонимлар мавжуд. Лукин улар моҳиятига кўра от каби предметлик маъносига эга эмас. Улар маъноси асосида ҳамма вақт белги ёки ҳаракат ётади.³ Чунки предметликда қарама-қаршилик бўлмайди.

Кўрдикки, антонимлар асосан белги ва ҳаракат билдирувчи сўзларда, яъни сифат, равиш ва феълларда бўлади. Улар отларда ҳам кузатилиб, лекин маъноси асосида белги ёки ҳаракат ётади.

Антонимлар соф лексик бўлиб, таркибидаги сўзлар лексик бирлик, яъни лексема ҳисобланади. У нутқда антитеза, ўзбек бадиий адабиётида тазоднинг бир кўриниши сифатида воқеланади.

Хуллас, антонимлар қарама-қарши маъноли сўз жуфтлигидан иборат. Антоним оралиғида учинчи сўз бўлиши мумкин эмас. Антонимларнинг мантаний маркази бўлиши ҳақидаги фикр мантисиздир. Морфологик бўлишсизлик ва инкор категориялари, корреляция антоним доирасига кирмайди. Антоним таркибидаги сўз семемаси ўзаро зид семали эканлигидан ташқари умумий семаларга эга бўлиши ҳам шарт. Уларнинг прагматик семаси ҳамма вақт ўзаро мос келади. Антонимлар асосан ўз лексика ҳисобидаги туб ва ясама сўзлардан таркиб топади. Маълум миқдордагилар чет тилидан ўзлашмалар бўлади. Айримлари ўзлашма ва ўз сўзлардан ҳам иборат бўлиши ҳам мумкин. Сўзларнинг семантик тараққиёти ҳам антонимлар учун манба вазифасини ўтайди.

¹ Қрғ.: Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 32-б.; Раҳманова Л.И. Антонимы... – С. 31; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. – 36-б.

² Қрғ.: Арнольд И.В. Ўша асар. – С. 285; Николенко Л.В. Лексика и фразеология... – С. 21; Мўсаев азэрбајчан дили. – 199-с.

³ Қрғ.: Stepanova M.D., Černiševa I.I. Lexikologie der deutschen Gegenwartssprache. – S.28.

Полисемантик сўзлар ҳар бир лексик маъноси ҳисобига бир антонимик жуфтликни таркиб топтира олади. Улар асосан белги ва ҳаракат билдирувчи сўз жуфтлигидан иборат бўлиб, сифат, равиш ва феъл туркумларига мансубдир. От туркумидаги антонимлар маъноси асосида ҳам белги ёки ҳаракат ифодаси ётади. Сон ва олмошларда антоним бўлиши мантиқан мумкин эмас.

КОРРЕЛЯЦИЯ

Сўз лексик маъноларининг парадигматик муносабатларидан бири ўз аксини корреляцияда ҳам топади.¹ Корреляция бир тушунчанинг икки томони, кутбини ифодалаш билан юзага чиқади. Шу ифодалашга кўра маълум сўзда ифодаланган тушунчанинг икки томони кутби алоҳида сўзларда ифодаланиб, шу уч сўзда коррелятив сўзлар ифода топади ва шу ном билан юритилади.² Матндаги ва гапдаги бирор сўзни олиб, ҳеч маҳал унинг ўзини коррелятив сўз деб аташ мумкин эмас. Бу жиҳати билан коррелятив сўзлар синонимлар ва антонимларга ўхшаб кетади. Умумлаштирувчи тушунча ва шу тушунчанинг икки томони, кутбини биргаликда атовчи уч сўзни ўзаро коррелятив сўз дейиш тўғри бўлади. Улар биргаликда тилда ҳаётдир. Шунинг учун уларнинг маънолари парадигматик муносабатдаги сўзлар қаторида тадқиқ этилади.

Деярли лексикологлар томонидан коррелятив сўзлар антоним сифатида қаралади. Бунда у коррелятив сўз сифатида олиниб, антонимнинг бир кўриниши деб ҳисобланмайди. Балки унга оид мисолларни антоним сифатида келтириб, таҳлил этиб ўтилади.³ Ҳатто бир адабиётда “қариндош-уруғчилик номлари антоним ҳисобланади,” деб кўрсатилган. Ваҳоланки, қариндош-уруғчилик номларида антонимларга эмас, коррелятив сўзларга мансуб мисоллар анчагина. Бу ҳақда ўрни билан тўхтаймиз.

Коррелятив сўзларда, юқорида қайд этилганидай, умумлаштирувчи сўз ва шу сўз ифодалаган тушунчанинг икки томони, кутбини билдирувчи сўз жуфтлиги бўлиши керак. Мана шу учлик коррелятив сўз уясини таркиб топтиради. Синонимлар синонимик қаторни, антонимлар антонимик жуфтликни таркиб топтирганидай, коррелятив сўз мана шу сўз учлигидан иборат парадигматик уяни

¹ Қрғг.: Миртожиев М.М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Университет. 2004. 179-б.

² Қрғг.: Левковская К.А. Лексикология немецкого языка. – С. 145.

³ Қрғг.: Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўша луғат. – 9-б.

шаклантиради. Масалан, ер юзасида икки томон бор: бири – ғарб, иккинчиси – шарқ. Иккиси ҳам томон. Шу умуман томонни билдирувчи сўз умумлаштирувчи томон сўзи бўлади. Унинг бир йўналиши ғарб, иккинчиси шарқ сўзи билан аталади. Шу ғарб ва шарқ сўзлари умумлаштирувчи томон сўзи билан бир коррелятив уяни таркиб топтирган. Бу коррелятив учлик уя экстралингвистик ҳолатда мавжуд. У уч тушунча мавжудлиги ва шу тушунчаларни ифодалаш учун юзага келган. Тушунчалар референт эмас, денотатнинг онгдаги аниқ инъикосидир. Яъни коррелятив сўзнинг таркиб топиши учун асос бўлувчи денотат объектив оламда табиий ҳолда ҳамма вақт мавжуддир. У ҳақда заруриятга кўра тушунча пайдо бўлиши ва бу тушунчаларнинг тил фактида ифода топиши кейинги ҳодисадир.

Коррелятив сўзда ўз ифодасини топувчи денотат табиатда объектив ҳолда мавжуд экан, унинг тушунчада шаклланиб олиши, яъни онгда бир бутун ҳолда акс этиши объектив оламни ўрганиш, тафаккурнинг тараққиёти билан боғлиқдир. Онгда пайдо бўлган тушунчанинг тил фактида ифода топиши эса уни коммуникацияда қўллаш зарурияти билан боғли ҳолда юзага чиқади. Зарурият бўлмаса, у тил фактида ифода топмай қолиши ҳам мумкин. Аммо коррелятив уч сўз уясида ифодаланиши керак бўлган тушунчалар онгда яшаб тураверади. Масалан, эчки деб аталувчи уй хайвони бор. Унинг эркаги така дейилади. Аммо урғочиси ўз номига эга эмас. Чунки уни аташ зарурияти ўзбек тилида бўлмаган. Зарурият бўлганда ҳам урғочи эчки деб кўя қолинган. Яъни урғочи эчки ҳақидаги тушунча ҳар бир ўзбек онгида бор. Мана шу ҳисобига коррелятив сўз таркиб топган бўлиб, унинг умумлаштирувчиси эчки сўзида, дифференциациясига кўра эркаги така сўзи билан аталиб қолган. Яна шунга ўхшаш бир мисол. *Ит* сўзи умумлаштирувчи маънога эга. Унинг урғочиси қанжиқ сўзи билан аталган. Эркагини аташ учун алоҳида сўз йўқ, аммо у ҳақда тушунча бор. Бу *ит* ва қанжиқ сўзлари ҳам коррелятив сўзнинг тўлиқсиз уясини ташкил қилади. Бундай тўлиқсиз уяли коррелятив сўзлар ўзбек тилида санокли миқдорда учрайди. Булар таркибида қарама-қарши қўйиладиган маъноли сўзлар тўла эмас. Уларнинг тўла корреляцияси фақат онгдаги тушунча эътибори билан бўлади.

Кўпроқ умумлаштирувчи тушунчанинг тилда ифодаланмай қолиши кузатилади. Масалан, ўзбек тилида умумий тушунчанинг

дифференциацияси ҳисобланган ота ва онанинг тилдаги ифодаси бор. Лекин уларнинг умумлаштирувчиси йўқ. Умуман у туркий тилларда кузатилмайди. Унинг тилдаги ифодаси рус ва немис тилларида бор. Рус тилида уни *родители*, немис тилида *Eltern* дейилади. Ўзбек тилида у ҳақидаги тушунча бўлгани ҳолда, ифодалаш зарурияти туғилиб қолса, *ота-она* жуфт сўзи билан атаб юборилади. Яна шунга ўхшаш бир кишининг икки қизи бўлса, каттаси *она*, кичиги *сингил* сўзи билан аталади. Уларни умумлаштирувчи сўз ҳам ўзбек тилида яратилмаган. Уни ифодалаш зарурияти эроний тиллардан *ҳамишра* сўзини ўзлаштиришга олиб келди. *Ака* ва *ука* сўзларининг умумлаштирувчи сўзлари бўлгани ҳолда, уни ўз лексикада *уни* сўзи билан ифода этилади. Паррандаларда *хўроз* ва *товуқ* номи билан юритилувчи коррелятив сўзлар ҳам бор. Бироқ буларни умумлаштирувчи тушунча бўлса ҳам, ифодаловчи сўз яратилмаган. Қизиғи шундаки, рус тилида ҳам дифференциация бўлган тушунчанинг икки томонини ифодаловчи *петух* ва *курица* сўзлари бор. Лекин умумлаштирувчи тушунчани ифодаловчи сўз дунёга келмаган.

Коррелятив сўзларнинг бир тушунча дифференциацияси икки томонини, кутбини ифола этувчи сўз жуфтлиги муҳим компонент ҳисобланади. Чунки уларнинг бири ҳамма вақт иккинчисини эслатиб туради. Масалан, *хўроз* сўзи ҳамма вақт *товуқ* тушунчасини эслатади ва у орқали уни ифодалаган сўз хаёлга келади. Бу хусусияти билан коррелятив сўзлар антонимларга жуда яқин туради. Антонимик жуфтликларнинг бири ҳам ҳамма вақт иккинчисини эсга солади. Бу шу икки ҳодисани, яъни антоним билан коррелятив сўзларнинг бир-бирига адаштирилиши учун сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам, юқорида қайд этилганидай, коррелятив сўзларни бир қатор тилшунослар антоним қаторида билиб, унга мисол тариқасида келтирганлар. Лекин улар ўртасида туб фарқ бор. Бу дифференциал-семантик методга асосланиб таҳлил этилганда, яққол кўзга ташланади.

Қуйида антоним ва коррелятив сўзга мисол келтириб, дифференциал-семантик метод асосида таҳлил этиб кўрилади. Д.Абдуллаева *тор* ва *кенг* антонимини келириб, қуйидагича таҳлил этади. *Тор* сўзи семемаси ‘кўндаланг’ ‘ўлчами’ ‘кичик’ семаларидан иборат. *Кенг* сўзи семемаси ‘кўндаланг’ ‘ўлчами’ ‘катта’ семаларидан таркиб топган. Уларнинг ‘кўндаланг’ ва ‘ўлчами’

семалари умумий сема бўлиб, *кенг* сўзидаги ‘катта’ семаси билан *тор* сўзидаги ‘кичик’ семаси ўзаро зид, қарама-қарши семадир.¹ Антоним сўзлар семемалар ўртасидаги семалар муносабати худди шундай бўлади. Улардаги қарама-қарши семалар антоним моҳиятини ўзида акс эттиришидан ташқари сўзнинг қайси туркумга мансублигини ҳам белгилайди. Коррелятив сўзларда эса бошқача ҳолат кузатилади.

Шимол ва *жануб* сўзлари ўзаро коррелятив сўзлардир. Улардан *шимол* сўзи семемаси ‘ернинг’ ‘муз океанидаги’ ‘қутби’ семаларидан иборат. *Жануб* сўзи семемаси ‘ернинг’ ‘Антарктидадаги’ ‘қутби’ семаларидан ташкил топган. Бу *шимол* ва *жануб* сўзлари семемаларида ‘ернинг’ ва ‘қутб’ семалари умумий бўлиб, *шимол* сўзи семемасидаги ‘муз океанидаги’ семаси билан *жануб* сўзи семемасидаги ‘Антарктидадаги’ семаси ўзаро фарқли, лекин ўзаро зид ёки қарама-қарши эмас. Ўзаро қарама-қарши ифодали семага эга бўлмаган семемали сўзлар ҳеч вақт антонимик муносабатда деб қаралмайди. Бунинг устига ҳар икки сўз семемасидаги умумий семалардан бири ‘қутб’ бўлиб, у архисемадир, яъни у *шимол* ҳам, *жануб* ҳам қутб эканлигини кўрсатади. *Шимол* ва *жануб* коррелятив сўзларининг умумлаштирувчи сўзлари *қутб* сўзи ҳисобланади. Юқоридаги антоним сифатида келтирилган *тор* ва *кенг* сўзлари семемалари ўзаро бундай умумийликни кўрсатувчи семага эга эмас. Коррелятив сўз семемасидаги сўнги туркумни кўрсатувчи сема умумий бўлиб, сўзлар семемаси учун умумийликни белгиласа, антонимик сўз семемасидаги сўнги туркумни кўрсатувчи сема қарама-қарши ифодага эга бўлиб, сўзлар маъноси ўзаро зид эканини билдиради.

Юқоридагига ўхшаш *оқ* ва *қора* сифатлари ҳам коррелятив сўзлардир. Улар ҳам дифференциал-семантик метод асосида таҳлил этиб чиқилса, масала ойдинлашади. *Оқ* сифати семемаси ‘қорга’ ‘ўхшаш’ ‘тусли’ семалари, *қора* сифати семемаси ‘кўмирга’ ‘ўхшаш’ ‘тусли’ семаларидан иборат. Бу икки семеманинг ҳам 2- ва 3- семалари бир хил – умумий, 1-семаси фарқли, лекин ўзаро қарама-қарши эмас. Уларнинг сўнги семаси сифат эканлигини бегиловчи сема бўлиши баробарида, ҳар икки сўз *тусли* сўзи орқали умумлашиши в умумлаштирувчи сўз вазифасида келишини кўрсатади.

¹ Қрғн.: Абдуллова Д. Лексик маъноларда антисемия... - 80-б.

Коррелятив сўзлар семемасидаги фарқли сема қарама-қарши маъно бериши ҳам мумкин, лекин ҳамма вақт сўнгги сема, сўзнинг туркумини белгиловчи сема, улар ифодасини умумлаштирувчилик хусусиятига эга бўлади. Масалан, *ака* ва *ука* коррелятив сўзи семантик таркибига эътибор берилса, *ака* сўзи семемаси 'ёши' 'нисбатан катта' 'ини' семаларига, *ука* сўзи семемаси 'ёши' 'нисбатан кичик' 'ини' семаларига эгалиги кўзга ташланади. Бу икки семеманинг 1- ва 3-семалари бир хил – умумий бўлиб, 2-семаси фарқли ва ҳатто ўзаро қарама-қаршидир. Шунга қарамай, сўз туркуми от эканлигини белгиловчи 3-сема умумлаштирувчи сўз маъносини беради. Чунончи, *ака* ва *ука* бир-бирига нисбатан ини хисобланади. Шунга кўра айтиш мумкинки, коррелятив сўзлар семемасининг сўнгги семаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, у умумлаштирувчи сўз семантикаси моҳиятини беради. Умумлаштирувчи сўз ва у ифодалаган тушунча дифференциациясидаги икки томонни, кутбни билдирувчи сўзлар биргаликда коррелятив сўзлар парадигмасидир.

Коррелятив сўзлар асосан ўз лексикага оид сўзлардан ташкил топади. Баъзан бир компоненти ўзлашган сўз бўлиши мумкин. Шунда ҳам у умумлаштирувчи сўзга тўғри келади. Яъни *опасингил /ҳамшира, бош-оёқ / муча* ва ҳ. Бундан ташқари *шимол-жануб / қутб* коррелятив сўзи тўлалиги билан ўзлашган. *Ғарб-шарқ / томон* коррелятив сўзининг умумлаштирувчи сўзи ўз лексикага оид бўлиб, қолган компонентлари ўзлашгандир. Умуман, бу парадигмада ўзлашган сўзлар жуда кам.

Хуллас, коррелятив сўзлар бир умумий сўз ва унинг ифодасидаги тушунча дифференциацияси бўлган икки томон, кутбни билдирувчи сўз – уч сўздан иборат бўлади. Бу экстралингвистик ҳодиса эканлиги ҳолда, тил фактида қайд этилади. Унинг баъзан умумлаштирувчи сўзи ва гоҳо корреляцияларидан бири тилда ўз ифодасини топмай қолиши ҳам кузатилади. Коррелянтликни сўзлар семемасидаги туркумини белгиловчи сўнгги сема кўрсатади. Коррелятив сўзлар асосан ўз лексикадан иборат бўлади.

Хулоса

Лексик маънолардаги парадигматик муносабатнинг тадқиқи куйидаги натижаларни берди.

1.Лексик маънолардаги парадигматик муносабатлар синонимия, антонимия ва корреляцияда ўз ифодасини топади.

2.Синонимия икки ва ундан ортиқ сўзнинг лексик маъноси айнан бир хил ёки ядро семалари бўйича лексик маъноси бир хил келишидир. Агар бирдан ортиқ сўз лексик маъноси айнан бир хил бўлса, у абсолют синоним (дублет); ядро семалари бўйича бир хил бўлса, у семантик синоним ҳисобланади.

3.Антонимия икки сўзнинг лексик маънолари ўзаро қарама-қарши ифодага эга бўлишидир.

4.Корреляция бир сўз лексик маъноси умумий тушунча ифодалаши баробарида, шу тушунчанинг икки томони, кутбини икки алоҳида сўз ифода этиши ва бу уч сўзнинг бир бутунлигидир.

5.Синонимлар икки ва ундан ортиқ сўз ўртасида бўлиши, синонимик қатор ҳосил қилиши, ўз доминантасига эгаллиги билан; антонимлар фақат сўз жуфтлигидан иборатлиги билан; коррелятив сўзлар умумлаштирувчи сўз ва қарама-қарши томони, кутбини ифодаловчи коррелянтдан таркиб топиши билан ўзига хосдир.

6.Синонимлар ҳам, антонимлар ҳам, коррелятив сўзлар ҳам ўз лексика ва шунингдек ўзлашган лексика ҳисобига, айрим ҳолларда ҳар икки лексика ҳисобига таркиб топади. Улар Европа тилларидан ўзлашган лексика ҳисобига таркиб топиши деярли учрамайди.

7.Антонимларнинг ҳам, коррелятив сўзларнинг ҳам тилда мавжудлиги фақат экстралингвистик ҳодиса бўлгани ҳолда, синонимларнинг тилда мавжудлиги интролингвистик ҳодисадир.

ЛЕКСИК МАЪНОЛАРНИНГ ЎЗARO СИНТАГМАТИК
МУНОСАБАТИ ЁКИ ВАЛЕНТЛИК

Немис тилшуноси Г.Хелбиг жуда тўғри таъкидлаганидай, бирор тилга оид сўз фақат парадигматик эмас, синтагматик таҳлилга ҳам мансуб бўлади. Чунки у ҳамма вақт, ҳеч алоҳида қўлланмай, муайян нутқ кечимида, гап таркибида маълум эши билан келади.¹ Яна ҳам аниқроғи, гап таркибидаги сўзлар ўзаро синтагматик алоқада берилади. Синтагматик алоқадаги сўзлар ўзаро фақат синтактик боғланиш билан чекланмай, семантик жиҳатдан ҳам муносабатни ушлайди. Бундай муносабатдаги сўзларнинг бири асосий ва иккинчиси унга нисбатан тобе мавқени сақлайди. Синтактик нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, ҳамма вақт бири ҳоким, иккинчиси унга тобе ҳисобланади. Масалан, *Ўқувчи мактабга келди* гапидаги бирикмалардан бири *мактабга келди* ҳисобланиб, у синтактик жиҳатдан бошқарув боғланишидадир. Бу бирикманинг ҳоким бўлаги *келди* феъли, тобе бўлаги *мактабга* оти деб қаралади. Чунки *келди* бўлагининг талабига кўра гапда *мактабга* сўзи бирикма учун сайланган. Бирикма семантик жиҳатдан таҳлил этилса ҳам, шунга монанд ҳолат кузатилади. *Кел-* феъли ‘маълум’ ‘жой’ ‘ет-’ семаларидан иборат семемага эга. *Мактаб* сўзи ‘ўқувчилар’ ‘таълим олиш’ ‘жой’ семаларидан таркиб топган семема билан воқеланган. Бошқача қилиб айтганда, *кел-* феъли гап учун танланган семемасининг ‘жой’ семасига кўра семемасида ‘жой’ семаси бўлган эш сўзни талаб қилган ва шундай семантикали сўз билан биримага киришган. Бу эш сўз *мактабга* сўзи бўлган. Яъни ҳоким сўз ўз семантикаси асосида унга мос эш танлайди. Яъни сўз лексик маъноси билан шу сўзнинг гап таркибида бирикмага киришуви учун мумкин қадар зарурий эшни сўзни топишига имкон яратади.² Сўзнинг ана шу муайян лексик маъноси асосида яратган имконияти унинг валентлиги ҳисобланади. Аниқроғи, валентлик сўзнинг муайян лексик маъноси асосида маълум эш сўз билан бирикиш имкониятидир.³ Шунинг учун боғлилик бор, деб қара-

¹ Қриг.: Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – Leipzig: VEB BI. 1978. S.138.

² Қриг.: Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. – Leipzig: VBI. 1975. S.30ff., 91ff.

³ Қриг.: Степанова М.Д. Проблемы теории валентности в современной лингвистике. – ИЯШ. 1973. №6. С.12.

лади.¹ Сўз лексик маъноси қандай ёки қанақа мантикий узи (сема) га эга бўлса, унга мутаносиб ҳолда валентликка эга бўлади. Валентлик сўзнинг лексик маъносига таянган ҳолда мавжуддир.²

Валентлик ҳақидаги тушунча тилшуносликда турлича талқин қилинади. Валентлик терминини тилшуносликка олиб кирган француз тилшуноси Л. Теньер бўлиб, у буни феъл доирасида тушунган. Унингча, валентлик феълнинг гапда субъект ва объектларни бириктириш имкониятидир.³ У, феъл кесимнинг зарурий, тўлдириладиган семантик бўлаклари шу субъект ва объектлардан иборат, деб тушунади. Бунда у гапнинг эгаси, воситасиз ва воситали тўлдирувчиларини назарда тутлади. Ваҳоланки, феъл кесим бошқариб келган шундай бўлақлар ҳам борки, улар кўпроқ облигатор валентликнинг актанти бўлиб қолади. Бунинг устига Л. Теньер валентликни фақат феълнинг бирикиш имконияти деб билгани ҳолда, у феъл лексик маъноси узви билан боғли юзага келишини эътиборда тутмайди. С.Д.Кацнельсон эса валентлик деб сўзнинг маълум тарзда гапда воқеланиши ва бошқа сўз билан қандайдир муносабатга киришувини тушунади.⁴ Француз тилшуноси А.В.Грот валентлик ҳақида тамоман бошқача, анча кенг, экстралингвистик тасаввурга эга. У валентликни, бир сўз туркумининг иккинчи туркумга нисбатан қўлланиши чегараланганлигини, сўзнининг бошқа сўзни аниқлаш ёки у томонидан ўзи аниқланиш хусусиятига эга ёки эга эмаслигини кўрсатувчи, деб билади.⁵ Ҳ.Бринкман худди Л.Теньерга ўхшаб валентлик феълнинг

¹ Крнг.: Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – S.140.

² Крнг.: Beiträge zur Valenztheorie / Hrsg von Helbig G. – Halle (Saale). 1971. Große R. Zum Verhältnis von Form und Inhalt bei der Valenz deutschen Verben // Beiträge zur Valenztheorie / Hrsg von G. Helbig. – Halle (Saale) 1971. S.87; Кўчқортоев И. Сўз валентлиги ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1973. 3-сон. 39-б.; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент: Фан. 1989. 16-б. .

³ Каранг.: Tesnière L. Comment construire une syntaxe? // bulletin de la Faculté de Lettres de Strasbourg. – 1934. P.219 ff. Ўша муалл. Eléments de syntaxe structurale. – Paris. 1959. P.103,106. F.238.

⁴ Крнг.: Кацнельсон С.Д. О грамматической категории // Вестник ЛГУ. Серия языка и литературы. 1948. №2. С.132.

⁵ Крнг.: De Groot A.W. Structurale Sintaxis. – Den Haag. 1949. P.114 f.

гапдаги бошқа ўринларни тўлдиришни талаб қилувчи хусусияти, деб изоҳлайди.¹ И.Эрбен шунга ўхшаш изоҳ бериш билан “гап қолипни шакллантирувчи,” деб қўшимча қилади.²

Валентлик ҳақида тўғри фикрга келиш ва тўғри таъриф беришда Т.П.Ломтев, Б.М.Лейкина ва Б.Абрамовларнинг хизматлари катта.³ Бу масалада М.Д.Степанова ва Г.Хельбигнинг ўрнини алоҳида кўрсатишга тўғри келади. Уларнинг қараши бўйича, валентлик, юқорида қайд этилганидай, сўзнинг лексик маъносига таянади.⁴

Сўз валентликлари таснифи

Гап кесими, қайси туркумдаги сўз билан ифодаланмасин, унинг қолипни белгиловчи бўлакдир. Феъл кесимларда бу яккол кўзга ташланади. Чунки у кесим учун жуда ҳам мослашган сўз туркумидир.⁵ С.Д.Кацнельсон ҳам: “Феъл предикатнинг - деб қайд этади, - мазмуний ифодаси оддий лексик маънодан ташқари ҳеч нарса эмас. Лекин у муайян маънони ифода этиш билан бирга ўзида тузиладиган гапнинг қолипни ҳам сақлайди.”⁶ Бу хусусият гап предикати вазифасида келган сифат туркумидаги сўзга ҳам хос. У ҳам кесим вазифасида фаол кузатилади. От ва равиш туркумига мансуб сўзлар ҳам бу хусусиятни ўзида ташийди. Феъл эса гап аниқловчисидан ташқари барча бўлакларни бошқариб кела олади. Бунинг устига аниқловчини бошқариб келган бўлак ҳам феъл томонидан бошқарилган бўлади. Бунга эътироз йўқ.⁷ Агар кесим вазифасини от туркумига оид сўз ўтаса, у аниқловчини ҳам бошқаради. От кесим валентлиги белги билдирувчи сўз билан ҳам эшваленти сифатида семантик мослашади.

¹ Қрғ.: Brinkmann H. Die deutsche Sprache. Gestalt und Leistung. - Düsseldorf. 1962. S.223. f., 465.

² Қрғ.: Erben J. Abris der deutschen Grammatik. - Berlin. 1964. S.231 ff.

³ Қрғ.: Ломтев Т.П. Природы синтаксических явлений // Научные доклады В Ш. Педагогические науки. - 1961. №3. С.27; Лейкина Б.М. Некоторые аспекты валентности // Доклад на конференции по обработке информации машинному переводу и автоматическому чтению текста. - М., 1961. Вып. 5. С.1; Abramov B. Zum Begriff der zentripetalen und zentrifugalen Potenzen // Deutsch als Fremdsprache. - 1967. №3. S.115 ff.

⁴ Қрғ.: Stepanova M.D. Zusammensetzung und die „innere Valenz“ des Wortes // Deutsch als Fremdsprache. - 1967. №6. S.335; Helbig G. Valenz, Semantik und Satzmodelle // Deutsch als Fremdsprache. - 1976. №2

⁵ Қрғ.: Фуломов А.Ф. Содда гап. - Топкент: ФАН. 1955. 49-б.

⁶ Қрғ.: Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. - Л.: Наука. 1972. С.88.

⁷ Қрғ.: Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. - С.158.

Феъл баъзан иккиламчи предикация таркибида шу предикация, яъни курилманинг кесими бўлиб келиши ҳам мумкин. Бунда у курилма қолипини ўзида саклайди. Бошқача қилиб айтганда, ўйланган фикр гапларда ифодалангани, яъни у феъл ҳажмига киради.¹ Феъл ўз аргумент (актант) лари билан ҳар қандай синтактик курилмаларни тўлдириб, боради ва синтаксисда марказий аҳамиятга эга бўлади.² Шунинг учун ҳам кесим вазифасидаги феъл валентликларига алоҳида аҳамият беришга тўғри келади. Кесим вазифасида келган сифат, от ва равиш валентлиги ҳам эътибордан четда бўлмайди.

Кесим вазифасидаги сўз ўз валентлиги асосида, нутқ йўл қўйган вазиятга қараб, ўз актантларини қабул қилади, яъни шу орқали унинг семантикасидаги узвлар воқеланади. Булар гапнинг маълум бўлагига вазифасини ўтайди. Муайян валентликнинг актантга гапнинг муайян бўлагига ҳам ҳисобланади. Яъни валентлик грамматика ва лексиканинг, синтаксис ва семантиканинг кесишган нуктаси бўлиб қолган.³ Шунинг учун валентликка икки нуктага назардан ёндашилиб, икки типга бўлиб ўрганилади: 1) семантик валентлик, 2) синтактик валентлик.⁴

Семантик валентлик сўз лексик маъноларининг мантикий узвларига асосланади. Шу узв бошқа бир сўз лексик маъносининг мантикий узви билан семантик мос бўлади. Шунинг учун мазкур сўзни узвлари мос бўлган сўз билан бериш имкони юзага чиқади. Бу унинг семантик валентлиги ҳисобланади. Шу нуктага назардан ҳам Г.Хельбиг: “семантик валентлик маънонинг алоҳида узвлари чатишувига асосланади” - деган фикрни қайд этган эди.⁵ Сўзлар,

¹ Крнг.: Engel Ulrich, Rosemarta K.Tertel. Kommunikative Grammatik // Deutsch als Fremdsprache. endisium Verlag Gmbn. – München. 1991. S.158.

² Крнг.: Золотова Г.А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – С.16.

³ Крнг.: Степанова М.Д. Проблемы теории валентности в современной лингвистике // ИЯШ. – 1973. №4. С.16.

⁴ Крнг.: Степанова М.Д. Теория валентности и валентный анализ. – М.: Наука. 1973. С.68; Филичева Н. И. Понятие синтаксической валентности в работах зарубежных языковедов // ВЯ.- 1967. №2. С.119; Акулова К.К., Пешевская Т.Л. К вопросу о системности валентных свойств синонимичных глаголов // Системные описание лексик германских языков. Вып. 4. – Л., 1981. С.20. Бир гурух тилшунослар “семантик валентлик” термини ўрнида “мазмуний валентлик” терминини, “синтактик валентлик” термини ўрнида “шаклий валентлик” терминини қўллайдилар. Крнг.: Кацнельсон С.А. Типология языка и теория валентности. – С.62; Кибардина С.Б. Категории субъекта и объекта и теория валентности. – С. 25; Нурмонов А., Махмудов Н., Аҳмедов А., Солихўжаева С. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан. 1992. 42-б.

⁵ Крнг.: Beiträge zur Valenztheorie. Einleitung.

айниқса феълларнинг имкониятини шу ўринда алоҳида тилга олишга тўғри келади. Улар нафақат ҳаракатни номлаш, балки шу ҳаракатнинг барча ижрочи ва қатнашчиларини, кечимини ва барча вазиятни олдиндан кўрсатиш имкониятига эга. Феълнинг мана шу имконияти унинг семантик валентлиги сифатида изоҳланади.¹ Бу имконият бошқа туркумга оид сўзларда ҳам кузатилади. Мантик жиҳатидан қараганда, сўз семантик валентликларда муайян семантик белгиларга қараб муайян матний эшларни қабул қилади ва бошқа семантик белгиларга эга матний эшларни тан олмайди.² Мазмуний, яъни семантик валентлик таркиби – бу шаклий мантик терминларида қайд этилган предикат ва унинг аргументлари каби фикрлашнинг таркибидир.³ Яна шуни унутмаслик керакки, сўз лексик маъносининг мантиқий узвлари ҳақида гапирилар экан, унинг фақат лексик маъноларидаги денотати назарда тутилади. Уларгина семантик валентликни, яна ҳам аниқроғи, лексик – семантик валентликни юзага келтиради.

Айтилганидай, ҳар қандай синтактик алоқа намоён бўлган валентликдир. Шундай экан, валентликни синтактик жиҳатдан ёндашиб таҳлил этиш ҳам мумкин. Француз тилшуноси Л.Теньер валентликни дастлабки тадқиқ этувчиси сифатида иш бошлар экан, уни шундай синтактик валентлик сифатида ўрганди. У гап марказида феъл кесим ётади, деб ҳисоблади ва бош бўлак сифатида эга ўз ўрнини топмади.⁴ Феъл кесимнинг воқелантирувчиси вазифасидаги эгани I, воситасиз тўлдирувчини II, воситали тўлдирувчини III тартиби билан белгилади. Валентликларни ҳам шу тартибда қайд этилди. Олим гапни таҳлил этишда бундан бошқа бўлақларни валентлик нуқтаи назаридан эътибордан четда қолдирди. Феъл кесимнинг валентлигини мана шундай синтактик валентлик эъгибори билан тадқиқ этиш гапнинг синтактик таҳлили аъналаридан унча нарига олиб кетмайди. Шунга кўра маълум даражада ютуққа эришган. Лекин бунда гап бўлақларидаги семантик-синтактик номутаносибликнинг бўлиши маълум қийинчиликларни келтириб

¹ Қрғг.: Кацнельсон С.Д. Типология языка и теории валентности. – С.47; Долиннина И.Б. Маркировка субъектно-объектных отношений у валентных категорий английского языка. //Категория субъекта и объекта в языках и различных типов. – Л.: Наука. 1982. С.68.

² Қрғг.: Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – 15-б.

³ Қрғг.: Кибардина С. Б. Категории субъекта и объекта и теории валентности. – С.25.

⁴ Қрғг.: Tesnière L. Esquisse d'une syntaxe structurale. – P.250.

чиқаради. Шунинг учун ҳам немис тилшуноси В.Банцио синтактик валентликни тан олмади ва фақат семантик валентлик бор, деган фикрни илгари сурди.¹ Бу фикри билан уни ҳақ деб ўйлаймиз ва синтактик валентликни валентлик типлари қаторига киритмаймиз.

Г.Хельбиг яна мантикий валентлик ҳам бор эканлигини қайд этган. “Мантикий валентлик, - деб кўрсатади у, - тилга оид бўлган тушунчалар ўртасидаги муносабатдир.” Бунда сўз, шу жумладан феъл ҳам, бирикув имконини семемасининг маълум семаси асосида юзага чиқарган бўлмайди. Унинг валентлиги шу сўз маъноси ифодалаган тушунчага мантикий ёндашув орқали англонади ва шунга кўра унинг актанти билан сўз бирикмаси таркиб топтирилади. Масалан, немис тилидаги *Ich gehe* боғланишида *gehen*, рус тилидаги *Я пришел* боғланишидаги *пришел* феълларида I шахс бирликни билдирувчи валентлик йўқ. Бу ҳаракатларни I шахс бажариши мантиқан маълум. Шунга кўра улар I шахс бирликни билдирувчи олмошлар билан синтактик алоқага киришган. Кўрсатилгандай, мантикий валентлик мазкур тиллар учун мантиқан мавжуд. Аммо ўзбек тили, умуман туркий тиллар, феъл кесим фактлари асосида мантикий валентлик мавжудлигини таҳлил этиб исботлаб бўлмайди. Чунки ўзбек тилида *келдим* деган энг кичик қолипли гап тузилган бўлса, у шахси аниқ содда гап ҳисобланади. Ундаги феъл I шахс бирликда берилган. Бу кесимнинг морфологик шаклидан аниқдир. *У мен* олмоши воситасида намоён этилади. Мазкур кесим шакли орқали яна пайт валенти борлиги англашилади. Шунга кўра ўтган замон ифодасини берувчи актант вокеланади.² Шу валентликни феъл нисбатларига ҳам татбиқ этиш мумкин. Чунки феъл нисбатлари шакли семантикаси мазкур феълда ўз валентлигини жорий этади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Г.Хельбиг томонидан илгари сурилиб, айрим тилшунослар томонидан такрорланган мантикий-семантик валентлик, феъл туркуми доирасида, асосан Ҳинд-Европа тиллари учун хос, аммо уни туркий тиллар, жумладан ўзбек

¹ Крнг.: Bonzio W. Valenz, Bedeutung und Satzmodelle // Beiträge zur Valenztheorie. Halle (Saale). 1971. S.200.

² Худди шу фикрни В.А. Каримжонов ва Ҳ.А. Каримжонов ҳам ўзининг номзодлик диссертациясида илгари сурган эди. У феълларнинг замон кўрсаткичи пайт валентлигини белгилайди, деган. Крнг.: Каримжонов В. А. Ўзбек тилида ўрин келишикли бирикмалар семантикаси. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 1994. 8-б.; Буни З.Д. Мирзакаримова ҳам такрорлаган. Крнг.: Мирзакаримова З.Д. Феъл бошқарувидини *бачини* ифодасининг бирикмалар семантикаси. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. Тошкент. 2000. 18-19 б.

тилига, татбик этиб бўлмайди. Унинг ўрнига туркий тилларда сўз шакли семантикаси валентлиги бор, деб кўрсатилади.

Маълум бўлдики, мантикий-семантик валентликни феъллар доирасида изоҳлаб бўлмайди. Агар кесим от билан ифодаланган бўлса, у ўз ўрнини топади. Масалан, *Девор – оқ*. гапига эътибор қилинса, *оқ* сўзининг семемасида *девор* сўзи семемасидаги семаларга мос сема йўқ. Лекин нарса белги (ранг)га эга бўлиши ва ранг нарсадан холи эмаслиги мантики улар ўртасида семантик алоқани юзага келтиради. Бу сўзнинг мантикий-семантик валентлигининг воқеланишидир. Айтиш мумкинки, от билан ифодаланган кесимли гаплар эътибори билан гапирилса, ўзбек тилида ҳам мантикий-семантик валентлик бор. Уни ўзбек тилида семантик валентликлардан бири сифатида қаралади.

Юқорида лексик-семантик валентлик термини остида лексик бирликлар семантикасига асосланган, сўз шакли семантикаси термини остида коммуникациядаги сўз шакли семантикасига асосланган валентликлар бўлиши кўриб чиқилди. Сўзларнинг, асосан феълларнинг яна бир валентлигига кўра актанти билан муносабатга киришуви борки, бу анча муаммоли масаладир. Масалан, *ўқигани мактабга бордим* ёки *харид учун бозорга бордим* қурилмаларида *ўқигани бордим* ёки *харид учун бордим* феъл бошқарувлари грамматик жихатдан ҳам, мантиқ жихатдан ҳам тўғри. Аммо феълнинг қандай валентлик ҳисобига ва қайси умумий сема, яъни классема ҳисобига тобе бўлаги, яъни актанти билан бирикувга киришгани номаълум. *Бормоқ* сўзи лексик маъносининг ‘нутқ қаратилган’ ‘жойга’ ‘етмоқ’ семаларидан бирортаси билан *ўқиш* ва *харид* сўзларининг лексик маъноси семемаси умумийликка эга эмас, классемани таркиб топтирмайди. *Ўқиш* сўзининг лексик маъноси ‘таълим’ ‘олиб’ ‘ўзлаштирмоқ’ семаларидан, *харид* сўзининг лексик маъноси ‘ҳақ тўлаб’ ‘ниманидир’ ‘олиш’ семаларидан таркиб топган. *Бормоқ* феъли юқоридаги қурилмаларда яна *бозор* ва *мактаб* сўзларини бошқариб келган. *Бозор* сўзининг лексик маъноси ‘ниманидир’ ‘сотиладиган ва олинадиган’ ‘жой’ семаларидан, *мактаб* сўзининг лексик маъноси ‘таълим’ ‘бериладиган’ ‘жой’ семаларидан иборат. Маълумки, *бормоқ* сўзининг *бозор* ва *мактаб* сўзлари билан бирикуви ‘жой’ семаси ҳисобгадир. Яъни мазкур феъл ‘ўрин’ валентига кўра *бозор* ва *мактаб* сўзлари билан ‘ўрин’ классемасини

ҳосил қилиб, синтактик муносабатга киришган. *Бозор сўзи харид* сўзи билан ‘ниманидир’ ‘олиш’ семалари, *мактаб сўзи ўқиш сўзи* билан ‘таълим’ семаси асосида классемани таркиб топтирган ва ўзаро алоқада бўлган. Бундан шундай фикрга келиш мумкин. *Бормоқ сўзи ўқиш сўзини* бевосита бошқарса ҳам, у билан *мактаб сўзи* воситасида; *харид сўзини* бевосита бошқарса ҳам, у билан *бозор сўзи* воситасида семантик алоқага киришган. Яъни *бормоқ* феълининг бу валентлиги ‘ўрин’ валентлиги актанти воситасида воқеланган. У мақсад билдирувчи аргументига фақат ‘ўрин’ актанти воситаси билан бирика олади. Шунинг учун ҳам юқоридаги курилмани *харид учун мактабга бордим* ёки *ўқигани бозорга бордим* деб тузиб бўлмайди. Шу вазиятдан келиб чиқилдиган бўлса, бу валентликни воситали семантик валентлик деб аташ жоиз. Чунки шу валентлик асосида мақсад билдирувчи валентликни воқелантириш учун имкониятга эришилади.

Воситали семантик валентлик асосан феълга хос бўлиб, унинг мақсад, сабаб ва миқдор валентликларида кузатилади. Улардан мақсад, сабаб валентликлари ўрин валенти актанти семантикасига, миқдор валентлиги объект валентлиги семантикасига таянади.

Воситали семантик валентлик фақат туркий тиллар эмас, Ҳинд-Европа ва Ҳамит-Семит оиласидаги тилларнинг феълларига ҳам мансуб. Яъни умумтилшуносликда воситали семантик валентликни валентликнинг бир типи сифатида қараш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Валентлик сўз семантикасига асосланар экан, у сўзнинг қандай маъносига асосланишига қараб типларга бўлиниши таҳлил этиб берилди. У лексик маънонинг семемасига асосланган бўлса, л е к с и к – с е м а н т и к в а л е н т л и к деб аталиши маъқул кўрилди. Синтактик валентлик тушунчаси, мазкур ишдаги тасниф моҳиятига мос келмаганлиги учун, валентликнинг типлари қаторига киритилиши ножоиз деб топилди. М а н т и қ и й – с е м а н т и к в а л е н т л и к феъл валентлиги нуқтаи назаридан, айтилганидай, Ҳинд-Европа тилларига мансуб, аммо от туркуми доирасида ўзбек тилида ҳам мавжуд. Туркий тилларда агенс, контрагент, пациенс ва пайт валентликлари феъл кесимнинг шакли ва отнинг хослик семантикасига асосланади. Шунинг эътиборга олиб, у н и ш а к л с е м а н т и к а с и валентлиги деб аташ маъқул топилди. Феълнинг ўрин ва объект актанти семантикаси воситасида у билан семантик

боғланишга эга бўладиган валентликлар в о с и т а л и с е м а н т и к в а л е н т л и к деб қаралади.

Демак, ўзбек тилидаги сўзнинг семантик валентликлари тўрт типга: 1) лексик-семантик валентлик, 2) шакл семантикаси валентлиги, 3) воситали семантик валентлик, 4) мантиқий-семантик валентлик каби типларга бўлинади.

1. Лексик-семантик валентлик

Лексик-семантик валентлик сўзнинг лексик маъноси, яъни лексеманинг семемасидан бошланади.¹ Бу валентлик барча туркумдаги сўзларда ҳам кузатилади. У айниқса феъл туркумига оид сўзларда фаолдир. Ҳақиқатан ҳам феълнинг лексик-семантик валентлиги учун муҳими унинг лексик маъноси моҳияти ҳисобланади.² Унинг шакли семантикаси аҳамиятга эга эмас. Шунинг учун ҳам сўзнинг лексик-семантик валентлиги ўрганилганда, лексик-семантик хусусиятларини қараб чиқишга ҳаракат қилинади.³ У сўзнинг бошқа сўзлар билан боғланиши учун муҳим имкониятлар беради.⁴ Яна ҳам аниқроғи, сўз лексик маъно(семема)сининг ҳар бир семаси асосида шу сўзнинг лексик-семантик валентликлари барпо бўлади. Яъни сўз семемалари билан лексик-семантик валентлиги ўзтасида зич боғланиш мавжуд.⁵ Лексик-семантик валентликнинг вокеланиши муайян семантик компонент(сема)ларнинг бирикувиға таянади.⁶ У шундайки, матнда сўз муайян белги(сема) билан иккинчи бир шундай семантик белги(сема)ли эшни талаб қилади ва улар шу умумий семантик белгига эга бўлиб қолади.⁷ Шу умумий семантик белги классема деб аталади.⁸ Шу классема асосида сўзнинг бир

¹ Қрғ.: Schippan Th. Einführung in die Semasiologie. – S.30 ff., 91ff.

² Қрғ.: Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – С.18.

³ Қрғ.: Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – Ташкент: Ўқитувчи. 1977. С.13.

⁴ Қрғ.: Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – S.139.

⁵ Қрғ.: Stepanova M.D., Helbig G. Ўша асар. – S.14.

⁶ Г.Хельбиг бу ўринда турли лингвистик йўналишлар уни сема, классема, нозма, семантик белги ва ҳ. деб аталиши ҳеч қандай муаммоли масалани туғдирмаслигини айтади. Қрғ.: Stepanova M.D., Helbig G. Ўша асар. – S. 57.

⁷ Қрғ.: Stepanov A.M.D., Helbig G. Ўша асар. S.155; Leise E. Der Wortinhalt. Seme Stroktor im Deutschen und Englischen. – Heidelberg. 1961. S.68F.

⁸ Қрғ.: Pottier B. La definition semantique dans des dictionares // Travaux de linguistique et de litterature. III. 1. – Strasborg. 1965; Каримжоновна В.А. Ўзбек тилида ўрин келишикли бирикмалар семантикаси. – 7-б.; Айрим асарларда классема термини ўрнида синтагмема термини қўлланган. Қрғ.: Гак В.Г. К проблеме семантической синтагматики // Проблемы

валентлиги воқеланади. Сўз семемасининг муайян семасига асосланиб унинг валентлиги бўлар ва эш сўз семемасининг семаси билан классема таркиб топар экан, классема номи билан валентлик номи айти бир семаси, яъни семема референтининг белгиси билан ўлчанади.¹ Валентликни эса эш сўз, яъни эшвалент билан белгиланади. Масалан, *трамвайда келди* бирикмасининг ҳам, *пичоқда кесди* бирикмасининг ҳам классемаси бир хил восита ифодасига эга. Аммо *келди* феъли восита, *кесди* феъли нарса-қурол валентлиги билан воқеланган. Улар номдош келиб қолиши ҳам мумкин. Бунда классема эшвалентнинг архисемаси ҳисобига таркиб топган бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам сўзнинг лексик-семантик валентлиги миқдори унинг воқеланган семемасининг семалар миқдорига пропорционал келади.² Лекин унинг воқеланиши нутқ талабига боғлиқдир. Бир синтактик бирикма таркибига кирган сўзлар умумий сема(классема)га эга бўлади. Синтактик боғланган сўзлар маъноси айти бир семанинг такрорланиши нутқда полисемантикликни бартараф қилиш қонуниятига асосланади.³ Бу лексик-семантик валентликка хос хусусиятдир. Айрим тилшунослар мана шу ўринда улардан энг муҳими деб агенсни кўрсатадилар. Рус тилшуносларидан Ю.Д.Апресян ва С.М.Кибардиналар шу нуктаи назарда бўлишган.

Агенс (*agens*) валентлиги кесим ифодаланган сўзнинг шу сўздан англашилган ҳаракат, ҳолат ёки белги мансуб бўлган лексик бирликни бирикма учун талаб қилиш имкониятидир. Бу имконият сўз семемасининг бирор семаси моҳиятидан келиб чиққан бўлса, у лексик-семантик валентлик, агенс валентлиги ҳисобланади. У семантик агентив⁴ феълларда фаол кузатилади.

Агентив феълларнинг ўзи ҳам семантик агентив феъллар ва носемантик агентив феъллардан иборат. Носемантик агентив феъл-

структурной лингвистики. - 1971. - М.: Наука. 1972. С.376; Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семемаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1974. 1-сон.

¹ Қрғ.: Philipp M. Semantik des Deutschen. 1-Auflage. - Weidler: Bucherlag Berlin. 1998. S.21.

² Қрғ.: Stepanova M.D., Helbig G. Ўша асар. - S.157; Расулов Р. Лексико-семантическое глаголов состояния и их валентности. - Ташкент: Фан. 1991. С.24.

³ Қрғ.: Булитина Т.Б. Грамматические и семантические категории и их связи // Аспекты семантических исследований. - М.: Наука. 1982. С.349.

⁴ Феълларнинг ноагентивлари ҳам бор, лекин у ҳақда бу ўринда тўхтамоқчи эмасмиз, чунки бу боб учун алоқасиз. Бундай феъллар ҳақида муаллифингиз махсус мақола ҳам эълон қилган. Қрғ.: Миртожиев М. Ноагентив феъллар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. - 2004. 4-сон. 32-34-б.

ларнинг валентлиги лексик-семантик валентлик эмас. Лексик-семантик валентликка мансуб агенс валентлигида феъл семантикасининг бирор семаси агенс семемаси семаси билан бир хил бўлиши, яъни классемани таркиб топтириши шарт. Шунда агенс валентлиги лексик-семантик валентлик ва феъл ҳам семантик агентив ҳисобланади. Семантик агентив феъл ўз агенси билан семантик мослашиш орқали бирикувга киришади.¹ Бундай феъллар ўзбек тилида *сува-*, *аррала-*, *чегала-*, *дамла-*, *қўриқла-*, *ёз-*, *куйла-*, *чал-*, *сот-*, *сузор-*, *ҳайда-*, *суз-*, *уйла-*, *давола-*, *эмла-*, *сайла-*, *ўқи-*, *чўқи-*, *уч-*, *акилла-*, *миёвла-* ва ҳ.лардан иборат. Булардан *сува-* феъли *Сувоқчи сувади* бирикувида агенс актанти билан воқелангани ҳолда, агенс валенти лексик-семантик ҳисобланади. Чунки агенс актанти билан воқеланган *сува-* феъли нутқ учун ‘юза’ ‘нима биландир’ ‘силлиқла’ семалари бўлган семаси билан танланган. Унинг агенси бўлган сувоқчи оти таркибида ‘юза’ ‘силлиқловчи’ ‘шахс’ семалари бор. Яъни феълнинг 1-семасига отнинг 1-семаси, 3-семасига отнинг 2-семаси мос, улар ҳисобида классема таркиб топган. Классемали бирикув феъл лексеманинг лексик - семантик валентлиги асосида воқеланган бўлиши деб қаралади. Феълнинг лексик-семантик валентлиги воқеланар экан, феъл агенс актанти билан фақат семантик мослашиб қолмайди. Шунингдек, улар синтактик жиҳатдан ҳам мослашади. Масалан, *Сувоқчи сувади* ва *Ўқувчи ўқиди* гапларига эътибор бериш мумкин. Улар I шахс бирликда экани билан эга ва кесим мослигига эга. Бундай феълларнинг шакли, яъни шахс-сон кўшимчасига кўра, лексик-семантик валентлигидан холи ҳолда агенс сайлаши ҳам мумкин. Бу ҳақда кейинроқ тўхтаймиз.

Сифатлар кесим вазифасида қўлланганда лексик-семантик валентлигига, шубҳасиз, эга бўлади ва бу агенс валентлиги сифатида амалга ошади. Агенс валентлиги асосан хусусият, ҳолат, кўриниш билдирувчи сифатларда кузатилади. У сифатлар орқали воқеланар экан, эга вазифасини бажаради. Масалан, *Дўкондорлар ўтакетган хасис* (Ойбек) гапида кесим вазифасидаги *хасис* сифати лексик маъносининг ‘хусусият’ семасига кўра юзага келган валентлиги асосида *дўкондорлар* эшвалентини танлаган ва уни агенс актанти

¹ Қрғ.: Leise B. Der Wortinhalt... - S. 681. П. Гребе бундай боғланишни “маъно боғланиши” деб атайди. Қрғ.: Grebe P. Der semantisch-syntaktisch Hof unserer Wörter // Winkindes Wort. - 1966. 6. S.391.

сифатида воқелантирган. Бу агенс валенти актанти шахс билдирган ва гапда эга вазифасини ўтаган. Худди шунга ўхшаш хусусият билдирувчи *ҳатам, танти, сахий, очкўз, қизганчиқ, мечкай, мард, дангаса, чаққон, тиришқоқ, уддабурон, олғир каби*; ҳолат билдирувчи *тетик, тийрак, зийрак, лапашанг, ландовур каби*; кўриниш билдирувчи *гўзал, кўркам, чиройли, кўҳли, сулув, хунук, бадбашара каби* сифатлар гапда кесим вазифасида келар экан, улар агенс валентлигини эга вазифасида воқелантириши ва бу валентлик лексик-семантик бўлиши табиий. Чунки улар шахс билдирувчи эга билан ё хусусият, ё ҳолат, ё кўриниш семаси асосида классемани таркиб топтиради. Кўп ҳолатларда улар классемаси шахс семасидан иборат бўлади. Айрим ҳолларда сифатнинг агенс валентлиги эши классемани таркиб топтиришида потенциал семаси билан қатнашган бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда ҳам сифат лексик-семантик валентлиги билан воқеланган деб қаралади. Бу ҳақда сал олдинроқда *Онабоши – хумкалла, калладор* гапини таҳлил этиш билан муфассал тушунтириш бериб ўтилган эди.

Ҳолат сифатлари ўз агенс валентлигини воқелантирар экан, у билан йўлдош ҳолда ўрин (локалис) валентлигини ҳам воқелантиради. Ўрин валентлигининг актанти, табиий ҳолда, ўрин келишиги билан шаклланади. Бунда сифатнинг агенс валентлиги актанти мантикий кўшликдаги шахсни ифода этувчи сўз бўлади. Масалан, *Гузарда одам қалин* (Ойбек). Бу гапдаги *қалин* сифати кесим вазифасида келган. Унинг агенс актанти *одам* сўзи бўлиб, мантиқан кўп шахсни билдиради. Сифатнинг шу агенс валентлиги билан йўлдош ҳолда воқеланган ўрин валентлиги актанти *гузар* отида ифодаланган. У ўрин келишиги билан шаклланган. Одатда от кесимларга мантиқ урғуси тушган бўлади. Шунга кўра мазкур гапнинг от кесими ҳисобланган *қалин* сифатига мантиқ урғуси берилгандир. Мантиқ урғусини олган бўлак ҳамма вақт таъкидли талаффуз этилади. Унинг таъкидли бўлиши ўзи билан контакт қўлланган бўлакка қаратилади. Мазкур гапда сифатда ифодаланган кесим билан мантикий кўшликни билдирувчи *одам* сўзи, яъни агенс актанти қўлланган. Сифатдан англашилган ҳолатнинг таъкидланиши унга қаратилган. Яъни *қалин* ҳолат сифати одамларга қаратилганлиги диққат марказига чиқарилган.

Сўзловчи сифатдан англашилган ҳолат таъкиди уринга мансуб эканлигини диққат марказига чиқаришни режалагтириши мумкин.

Бунда у сифат кесимнинг ўрин актантини гапда эга вазифасида, агенс актантини воситали тўлдирувчи вазифасида қайд этади. Масалан, *Хонақо халққа лиқ тўла* (Ойбек). Бу гапда *лиқ тўла* сифати кесим вазифасида келган. Унинг ўрин валентлиги актанти эга вазифасида берилган. Натижада сифатнинг агенс актанти воситали тўлдирувчи вазифасида қайд этилган. Аёнки, сифат кесимларнинг агенс валентлиги актанти эътиборнинг иккинчи даражасида воқелантирилса, гапда воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди.

Айрим ҳолларда сифатдан англашилган ҳолат таъкиди асосан унинг ўрин валентлиги актантига қаратилиб, сифат шу ўрин актанти билан контакт берилади ва агенс валентлиги воқелантирилмайди, гапдан имплицит англашилади. Масалан, *Бизнинг Говкуш ҳам тўпалон, жанжал* (Ойбек). Бу гаптаги кесим *тўпалон, жанжал* маънодош сўзларида ифодаланиб, уларнинг ўрин валентлиги актанти *Говкуш* сўзидир. У эга вазифасини ўтаган. Ўрин актанти сифат билан контакт берилган. Сифатларнинг агенс валентлиги актанти гапдан имплицит англашилган. Агар уни эксплицит бериладиган бўлса, у воситали тўлдирувчи вазифасидаги *одамлар билан* бўлаги бўлар эди. Одатда гап эгаси вазифасини агенс эмас, бошқа бир семантик бўлак банд этса, агенс гапнинг воситали тўлдирувчиси вазифасида воқеланади.

Кесим вазифасидаги от туркумига оид сўзларнинг лексик-семантик валентликларидан бири агенсдир. Гарчи у факультатив бўлишига карамай, от кесимли гапларда фаол кузатилади. Унинг агенс актанти гап таркибида кўпинча объект ва адресат валентлиги актантлари билан йўлдош ҳолда воқеланади. Ҳатто бир от кесимли гапда воқеланишини ҳам кўриш мумкин.¹ Лекин бундай гаплар мажхул нисбатдаги феъл кесимли гаплар колипида бўлади. Унинг, яъни от билан ифодаланган кесимли гапнинг объект валентлиги актанти эга вазифасини бажариб, агенс воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди. Масалан, *Китоб мендан укамга совға*. Бу гапда *совға* сўзи от билан ифодаланган кесим бўлиб, унинг эгаси вазифасида *китоб* сўзи келган. У кесим вазифасидаги *совға* сўзининг объект валентлиги актантидир. Унинг агенси бўлган I шахс birlikдаги *мен* олмоши эса воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланган. *Укамга* сўзида ифодаланган адресат ҳам воситали тўлдирувчи вазифасидадир. Аёнки, гап бўлаклари семантик-синтактик

¹ Қрғн.: Stepanova M.D., Helbig G. Ўша асар. – S.211.

номутаносиб бўлиб, агеңси кесими мажхул нисбатда бўлган гап қолипидагига ўхшаш вазифа бажарган. Бу асосан фаолият билдирувчи отлар кесимлигига хосдир.

Агар кесим вазифасидаги отлар шахс билдириб келса, улар агеңси ҳамма вақт эга вазифасини ўтайди. Масалан, *Шу қизлардир оқ олтинлар хирмонида миллионер* (Ғ.Ғулом). Бу гапнинг от кесими вазифасини *қизлардир* оти ўтаган. У шахс билдирувчи сўздир. Унинг агеңс валентлиги актанги *миллионер* сўзида вокеланган. Агеңс актанги ҳам шахс билдирувчи сўздир. Предикат билан унинг агеңс актанги шу шахс семаси асосида классемани таркиб топтирган. Айрим ҳолатларда гапнинг от кесими шахс ифода этгани билан агеңс валентлиги актанги шахс билдирмаслиги, лекин бадий жонлангириш бўйича шахс маъносини бериб, образлантирганлиги кузатилади. Бунда ҳам образли шахс классемаси таркиб топган бўлади. Масалан: *...бу даҳшатли ўйлар бари сенинг душманинг* (А.Мухтор). Бу гапда *душманинг* от кесимининг агеңс валентлиги актанги *ўйлар* сўзида вокеланган ва шахс семасига эга. Албатта бу мажозий ифодадир.

Ҳолат билдирувчи от кесим вазифасини ўтаса, унинг агеңс валентлиги эга билан мутаносиб келади. Лекин от кесим билан унинг агеңс валентлиги актанги шахс семасига кўра классемани таркиб топтириши шарт эмас. Масалан: *Мусибат тамгаси қалб устида доғ* (Ғ.Ғулом). Бу гапнинг кесими ҳолат билдирувчи *доғ* оти бўлиб, у ўзининг агеңс валентлиги актанги *тамгаси* оти билан белги семаси асосида классемани таркиб топтирган.

Гап кесими ўрин ҳолига юкланганда ҳам, унинг агеңс валентлиги актанги эга билан мутаносиб бўлади. Кесим вазифасидаги ўрин келишликли от шу ўринни эгалловчи шахс ёки нарсани билдирувчи отни коммуникацияда талаб қилади. Бу эганинг шунга мос семантикали отда ифодаланиши учун сабаб бўлади. Улар классемаси ҳам шу ифода билан вокеланади. Масалан: *Бугун Онабиби шу ерда* (А.Мухтор). Бу гап кесими *шу ерда* сўзи билан ифодаланган. Унинг агеңс валентлиги актанги эга вазифасидаги *Онабиби* сўзида ифодаланган. Уларнинг классемаси шахс билдиради.

Фаолият билдирувчи отлар кесим вазифасида келганда, унинг агеңс валентлиги актанги деярли қаратқичли аниқловчи вазифасида вокеланади. Масалан: *Авалло мактаб масаласи бойларнинг ишидир* (Ойбек). Бу гапнинг кесими вазифасида фаолият билди-

рувчи *иш* оти келган. Унинг қаратқичли аниқловчиси вазифасидаги *бойларнинг* отида агенс актанти воқеланган. Н.М.Маҳмудовнинг қайд этишича, у (қаратқичли аниқловчи билан келган ҳаракат номили курилма) иккинчи даражали предикацияга айланади.¹ Фаолият билдирувчи отлар эса семантик жihatдан ҳаракат номига яқин туради. Шундай бўлгач, фаолият билдирувчи от ҳам ўз қаратқичли аниқловчиси билан предикатив алоқада деб, қаратқичли аниқловчисини агенс деб айтиш бемалол мумкин. Яна уни эга, тўлдирувчи, ўрин ҳоли кабилар бошқарувидаги қаратқичли бирикмаларга татбиқ этса ҳам бўлади.

Равиш кесим вазифасида қўлланса, унинг агенс валенти актанти фаолият билдирувчи от билан ҳам ифодаланади. Масалан: *Ғоят тез асрим шиддати* (Э.Воҳид). Бу гапнинг кесими *тез* раввишида ифодаланган бўлиб, унинг агенс валентлиги *шиддат* отида воқеланган. У эга вазифасини ўтаган. Равиш билан ифодаланган кесимнинг агенс валентлиги шахс ёки нарса билдирувчи отда воқеланиши ҳам мумкин. Масалан: *Танишмай ўтиб кетган одамлар* ҳам кўп (А.Мухтор). Бу гапда кесим *кўп* раввиши бўлиб, унинг агенс валентлиги *одамлар* отида воқеланган. У эга вазифасини ўтаган. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай таркибли гапларда кесим вазифасидаги равиш миқдор равишлари бўлади.

Демак, кесим феъл, сифат, от ёки равиш туркумидаги сўзлар билан ифодаланса, унинг агенс валентлиги деярли шахс ифодасини берувчи от, олмош ёки отлашган сўзларда воқеланади. У баъзан шахсни мажозий ҳолда ифодаланиши ҳам мумкин. Сифат ва отларда ифодаланган от кесимлар хусусият билдириб келган айрим ҳолларда мажҳул нисбатидаги сифатдошга ўхшаш гап қолипини таркиб топтириши ва унинг агенс валентлиги воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланиши ҳам кузатилади.

Объект (objectus) валентлиги кесим вазифасидаги сўзларнинг лексик-семантик валентликларидан бири ва асосийсидир. У деярли феъл кесим семантикаси асосида ётади. Шунинг учун ҳам Ю.А.Лопашев: "...объект деб ҳаракат йўналтирилган шахс ёки нарса тушунилади" - деб айтган эди.² Ҳ.Ғ.Ғозиевнинг таъбирича:

¹ Қрғг.: Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи. 1984. 133-б.

² Қрғг.: Лопашев Ю.А. О грамматических средствах выражения субъекта и объектов в албанском языке // Категория субъекта и объекта в языках различных типов. Л.: Наука. 1982. С.101.

“...объект ҳаракатни ўз устига олган, олаётган ёки шу ҳаракат жараёнида пайдо бўлган ёки бўлаётган предметдир¹. Объект ҳаракат натижаси бўлиши ҳам мумкинлигини А.Ғ.Ғуломов қайд этган.² Г.А.Наримова ўз номзодлик диссертациясида мазкур фикрларни “уни феълдан англашилган субъект ҳаракати ёки ҳолати ўтган объект деб тушуниш керак” жумласи билан тўлдирди.³ Ҳақиқатан ҳам феъл объект валентлигига эга экан, у албатта субъект валентлигига эга эканлиги кузатилади.⁴ Бу табиий қонуниятдир. Бундай икки валентли феъллар ўтимли феъллар бўлади.⁵ Тил бойлигидаги феълларнинг ярмидан кўпи ўтимли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам немис тилшуноси Х.Вайнрих ўз тилида S-Ob-V қолипида гап жуда кўп учрашини қайд этган.⁶ Бу фақат немис тилида эмас, Европа тилларининг ҳар бири, шу жумладан рус тили ва ҳатто ўзбек тилида ҳам кузатилади.

Ўтимли феъллар объект валентига эга бўлиши унинг объект ифодаловчи семага эга бўлишини, яъни шу феъл, А.Ҳожиев таъбири билан айтганда, объектли феъл эканлигини кўрсатади.⁷ Бундай феъл ўз семемасидаги объект билдирувчи семасига кўра у билан классемани таркиб топтира олувчи семемаси бўлган актантни талаб қилади. Шунга кўра унинг лексик-семантик ҳисобланган объект валентлиги воқеланади. Масалан, *ошни еди* бирикувидаги *е*-феъли ‘озуқа’ ‘истеъмол’ ‘қил-’ семаларидан иборат семага эга. *Ош* оти семемаси ‘истеъмол’ ‘қилинадиган’ ‘нарса’ семаларини ўзида акс эттиради. Яъни феъл семемасидаги 2- ва 3-сема от семемасидаги 1- ва 2-сема билан классемани таркиб топтирган. Феъл лексик-семантик валентлигига кўра объект актантини қабул қилган

Ўтимсиз феъллар ҳам объект валентлигига эга бўлади. Ҳолат феълларида ўз тадқиқотини олиб борган Р.Расулов “...ўтимсиз ҳолат феълларида объект субъектнинг ўзи эканлиги, агенсда яши-

¹ Крнг.: Ғозиев Х.Ғ. Иккинчи даражали бўлақлар // Ҳозирги ўзбек адабий тили / Ғ. Абдурахмонов таҳр. ост. – Тошкент: Фан. 1966. 66-б.

² Крнг.: Ғуломов А.Ғ. Содда гап. – 69-б.

³ Крнг.: Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент., 2005. 20-б.

⁴ Крнг.: Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С. 33.

⁵ Крнг.: Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. Автореф. дис. ...докт. филол. наук. – Ташкент. 1989. С.33.

⁶ Крнг.: Weinrich Harald. Textgrammatik der deutschen Sprache. – Leipzig: Dudenferl. 1993. S.125.

⁷ Крнг.: Ҳожиев А.П. Феъл. – 83-б.

ринганлиги, ундан ажралмаслиги, алохида сўзда қайд этилмаслиги билан характерланади” - дейди.¹ Бу хусусият ўзбек тилидаги бир қатор туб феълларга хосдир.² Лекин ҳамма ўтимсиз туб феъллар ҳам шу характерда эмас. Масалан, *ён-, қон-, тин-, тон-, ин-* каби ўтимсиз туб феъллар ўз объектини эга вазифасидаги субъект билан бирга бир сўзда воқелантиради. Яъни *Сув тинди* гапидаги *тин-* феълдан англашилган ҳолатнинг субъекти, объекти эга вазифасидаги *сув* сўзида ифода топган. Аммо *кел-, кет-, бор-* каби бир қатор ўтимсиз туб феъллар борки, улар бундай семантикага эга эмас.

Объект валентлиги сифатларнинг ҳам лексик-семантик валентликларидан биридир. Хусусият билдирувчи сифатлар кесим вазифасини ўтаганда, унинг объект валентлиги актанти меъёрий ҳолатда воситасиз тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Лекин у одатдагидай тушум келишиги билан эмас, жўналиш келишиги билан шаклланади. Бу ҳолат феъл кесимли гапларда ҳам баъзан кузатилади.¹ Хусусият билдирувчи сифатлар гап кесими вазифасини ўтаганда, унинг объект актанти жўналиш келишиги билан шакланган воситасиз тўлдирувчи бўлиши меъёрий ҳолатдир. Масалан: *Маҳкам билан Моҳир қуроққа уста* (Ойбек). Бу гапда гап кесими *уста* сифати бўлиб, шу сифатда ифодаланган хусусият объекти *қуроқ* отида ифода топган, яъни у воситасиз тўлдирувчи ҳисобланади. Бундай хусусият билдирувчи сифатлар ўз объект валентлигини воқелантирар экан, худди шу гап таркиби агенс валентлигини ҳам воқелантирган бўлади. Таҳлил этилган гапда агенс валентлиги воқеланган бўлиб, у *Маҳкам билан Моҳир* сўзларида ифодаланган.

Ҳолат ва кўриниш ифода этувчи сифатлар гап кесими вазифасида келар экан, объект валентлиги актангининг синтактик вазифаси воситасиз тўлдирувчи бўлмайди. Чунки бунда у коммуникацияда гап қолипини мажхул нисбатдаги сифатдош кесим вазифасини ўтагандагига ўхшаш ҳолда белгилайди. Г.Хельбигнинг қайд этишича, сифатдошлар деярли мажхул нисбатдаги феълдан ясалган ҳолда кесимлик вазифасини бажаради.⁴ Бунда унинг

¹ Қрнг.: Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – 33-б.

² Қрнг.: Миртожиев М.М. Нисбат категорияси семантикаси ва улар формантларининг генезиси. Ўтимсизлик ва ўзлик нисбати // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1983. 2-сон. 34-б.

³ Қрнг.: Наримова Г.А. Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. – 15-б.

⁴ Қрнг.: Helbig G. Zu Problemen des Attributs in der deutschen Gegenwartssprache // Deutsch als Fremdsprache. – 1972. №6. S. 337f.; Шу ҳақда яна Қрнг.: Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – S.196.

объект валентлиги актанти гап эгаси вазифасини ўтайди. Масалан *девор тешилган* бирикмасида *тешилган* сифатдоши мажхул нисбатда бўлиб, кесим вазифасида келган. *Девор* оти сифатдошнинг объект актанти экани ҳолда эга вазифасини ўтаган. Сифатдош мажхул нисбатида бўлиб, кесим вазифасида келса, унинг субъектини вокелантириш учун зарурият кузатилмайди, бироқ у имплицит англашилиб туради. Юқоридаги гапда ҳам 'ким томонидандир' деган воситали тўлдирувчи ўз ўрнига эгаллиги ва у агенсни англашиши мантиқан маълум. Чунки бундай гап қолипи мажхул нисбатдаги феълнинг ҳам ва унинг сифатдош хосланган шаклининг ҳам кесимлилигига ҳамма вақт мансубдир.

Гапнинг кесими вазифасидаги сифатдошни сифат билан алмаштирилса ҳам, гап қолипи ўшандайлигича қолаверади. Чунки сифатдош сифатлик хусусиятига эга бўлган феълдир.¹ У гапда кесим вазифасини ўтаганда гап қолипни худди сифатлар каби белгилаши табиий бўлади. Шунинг учун ҳам гап кесими вазифасидаги сифатдошни унинг маънодоши сифат билан алмаштириш гап қолипида жиддий ўзгаришни юзага келтирмайди. Масалан, *Девор тешилган* гапи ўрнида *Девор тешиқ* гапини бериш гап қолипида жиддий ўзгаришни юзага келтирган эмас. Аммо улар семантикасида айрим тафовут бор. Бу тафовут сифат ва сифатдошдан англашилган ҳолатнинг онгда акс этиши билан боғлиқ. Сифатдошда ундан англашилган ҳолатга кириш тасаввур қилинади. Сифатда эса тўттридан-тўттри ундан англашилган ҳолатнинг ўзи тушунилади. Лекин уларнинг ҳар иккисиди ҳам ҳолат валентлиги, худди мажхул нисбатли феъл кесим вазифасида келгандагига ўхшаш, эга вазифасида вокеланади. Кесим вазифасидаги ҳолат сифатларининг агенс валентлиги вокеланиши масаласида ҳам ўзига хос томони бор. Ҳолат билдирувчи сифатдош кесим вазифасида

¹ Крнҗ.: Виноградов В.В. Современный русский язык. Вып. 2ое. – М.: Госучпед НК РСФСР 1938. С.248; Аскарлова М., Жуманиёзов Р. Ўзбек тилида равишдош ва сифатдошлар. Тошкент: ФАН. 1953. 11-б.; Голланов И.Г. Морфология современного русского языка. Изд.2ое. испр. и допол. – М.: ВШ.1965. С.212; Гвоздев А.Н. Современный русский литературный язык. Ч.1.Фонетика и морфология. – М.: Просвещение. 1967. С.377; Иванова И.П., Бурлакова В.В., Почевцов Г.Г. Теоретическая грамматика современного английского языка. М.: ВШ. 1981. С82; Jung W. Grammatik der deutschen Sprache. – Leipzig: VBI. 1968. S.208; Ҳожиев А.П. Феъл. – Ўзбек тили грамматикаси. I т. *Морфология* // Мас. мух. Ғ.А.Абдурахмонов, Ш.Ш.Шоабдурахмонов, А.П.Ҳожиев. – Тошкент: Фан. 1975. 540-б.; Плотникова В.А. Атрибутивная форма глагола // Русская грамматика / Глав. ред. Н.Ю.Шведова. – М.: Наука. 1980. С.665.

қўлланганда, агенс нутқ учун зарурияти бўлмаганлиги сабабли, воқеланмайди. Кесим вазифасидаги ҳолат билдирувчи сифатнинг агенс валентлиги умуман бўлмайди. Яна ҳам аниқроғи, бундай курилма учун ҳолат билдирувчи сифат семантикасига объект валенти билан бирга агенс валентлиги сиғишмайди. Юқорида, феъл кесимлар объект валентлигини воқелантирар экан, унинг, албатта, агенс валентлиги ҳам воқеланади, улар доимо йўлдош юради, дейилган эди. Чунки асосан ҳаракат феълларига объект валентлиги хос эканлиги ҳолда, объектга ўтган ҳаракатнинг бажарувчиси бўлиши ҳам шарт. Ҳолат учун унча шарт эмас. Сифатларда ифодаланган ҳолат маълум объект орқали амалга ошади, аммо унинг бажарувчи бўлиши мантқан мумкин эмас.

Бунга яна *Кийимлар кир. Арава шалоқ. Савдо чаққон. Иссиқ баланд. Кеча салқин. Гилослар гўра. Довуччалар гуж-гуж. Бўйралар бурда-бурда* каби гапларни мисол қилиб бериш мумкин. Уларнинг кесими ҳам ҳолат билдирувчи сифатларда ифодаланган ва эгаси вазифасидаги сўзлар объект ифодалаб келган, лекин бирорта сифат агенс талаб қилувчи валентга эга эмас.

Кўриниш ифода этувчи сифатлар кесимлигидаги гап қолиплари ҳам мажхул нисбат феъллари кесимлигидаги гап қолипида бўлиши ҳақида ҳам айтган эдик. Буларда ҳам сифатдан англашилган кўриниш ўтган объект ҳам гап эгаси вазифасида қайд этилади. Масалан, *Ўт-ўланлар кўм-кўк* (Ойбек) гапида *кўм-кўк* сифати кесим вазифасида келган. У ифодалаган ҳолат ўтган объект *ўт-ўланлар* сўзида берилган. Бу гап эгаси вазифасида қўлланган. Худди шунга ўхшаш *Осмон тиниқ, Қизгалдоқлар бахмал. Жиҳозлар кўркам. Сувлар зилол* гапларида ҳам кесим вазифасидаги сифатлар кўриниш ифодалаган. Уларнинг ҳам объект валентлиги эга вазифасини ўтаган.

Кесим вазифасидаги отлар ҳам фаолият билдириб келса, улар ҳам мажхул нисбат сифатдошлари каби қолипда гапни таркиб топтиради. Одатдагига кўра улар (фаолият билдирувчи от кесимлар) нинг объект актанти эга вазифасини бажариб келади. Масалан: *Юз минг кўклам поёндоз арслон эрлар пойига* (Ғ.Ғулом). Бу гапда фаолият билдирувчи *поёндоз* оти кесим вазифасида келган. Унинг объект валентлиги актанти *кўклам* сўзи гапнинг эгаси вазифасида воқеланган. Ўрин ҳоли кесим вазифасига ўтган гаплар шу қолипли ва объект валентлиги эга вазифасида келганлиги кузатилади.

Масалан, *Кабоблар ҳар қадамда* (Ойбек) гапига эътибор бериш мумкин. Унинг кесими *ҳар қадамда* сўзи бўлиб, объекти *кабоблар* сўзи эканлиги ҳолда, эга вазифасида вокеланган.

Равишлар, у кесим вазифасида қўлланса ҳам, объект валентлигига эга бўлмайди.

Демак, кесим вазифасида келган феъллар, сифатлар ва отлар объект валентли бўлади ва уни гапда вокелантиради. Феълларнинг объект валентлиги актанти деярли воситасиз тўлдирувчи вазифасини ўтайди. Мажхул нисбатдаги феъллар ва уларнинг сифатдош шакли, сифатлар, отлар кесим вазифасида қўлланса, уларнинг объект валентлиги актанти деярли эга вазифасида қайд этилади. Ўзлик нисбатидаги объектли феълнинг объект валентлиги актанти агенс билан бирга эга вазифасини олади. Равишларда объект валентлиги бўлмайди.

Мазмун (contentio) валентлиги сўзларнинг лексик-семантик валентликларидан бири ва муҳимидир. Унинг актанти ҳам маълум семаси воситасида ҳоким бўлак бўлган сўз семемасининг маълум семаси билан муштарак бўлади, классемани таркиб топтиради. Кўпинча унинг семемаси бирикувдаги ҳоким сўз семемасининг семасига тенг келади. Ю.Д.Апресяннинг таъбири билан айтганда, мазмун валентлиги актанти маъноси ҳамма вақт предикатив вазифадаги сўзнинг маъно узви бўлади.¹ С.М.Кибардина бу қарашни яна ҳам чуқурлаштириб, “мазмун валентлиги масаланинг қўйилишидаги чуқур семантик режада бўлган вокеликни ва типологик нуқтаи назардан универсалликни акс эттиради” дейди.² Мазмун валентлиги асосан феълларда кузатилади. У ҳамма тиллар қатори ўзбек тилидаги феълларда ҳам анча кенг тарқалган.

И.Қ.Қўчқортоевнинг қайд этишича, ўзбек тилидаги феълларнинг мазмун валентлиги актанти синтактик жиҳатдан асосан тўлдирувчи ва кўчирма гап вазифасини ўтайди.³ Муҳими, феълнинг мазмун валентлиги актанти тўлдирувчи, бунинг устига асосан воситасиз тўлдирувчи вазифасини ўтаб келишидир. Мазмун валентлиги актанти нутқнинг фикрлаш ёки мушоҳада қилиш фаолияти ҳақидаги хабарни ўзида акс эттиради. Масалан, *қўнглига келганини*

¹ Қрғ.: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С.120.

² Қрғ.: Кибардина С.М. Категория субъекта и объекта и теория валентности... – С.25. С.Д.Кацнельсон ҳам шу қарашда бўлган. Қрғ.: Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление. – С.47.

³ Қрғ.: Кучкартаев И.К. Ўша асар. – С.47.

айтди бирикувидаги *айтди* феълидан англашилган нутқ *кўнглига келганини* иборасида ифода топган мушоҳада объекти ҳақидаги хабарни хабар қилган, яъни *айтди* феълнинг мазмуни *кўнглига келганини* иборасида ифода топган.

А.Ғ.Ғуломов: “Баъзан тўлдирувчининг маъноси бошқарувчи феълнинг ўзак-негизидан англашилиб туради” - дейди.¹ Бошқача қилиб айтганда, феълнинг лексик маъноси унинг воқеланган воситасиз тўлдирувчисида ифодаланлади. Бу ўз-ўзидан феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолат ҳақидаги мушоҳада ё фикрлаш юзасидан берилган хабардир. У мазмун валентлиги актанти ҳисобланади. Буни И.Қ.Кўчқортоевнинг *гапир-*, *сўзла-*, *айт-* феъллари мазмун валентлиги юзасидан қилган таҳлиллари ҳам кўрсатади.² Айтилганлар мазкур феълларнинг коммуникацияда ўз мазмун валентлигини воқелантирмай, имплицит ифодалашини билдиради. Яъни ўзбек тилида айрим феъллар мазмун валентлигини воқелантирмайди, балки имплицит ифода этади.

Мазмун валентлиги сифат билан ифодаланган кесимнинг ҳам лексик-семантик валентликларидан бири ва феъллар мазмун валентликларига нисбатан ҳам муҳимроқ, кенгроқ тарқалганидир. Бу валентлик И.Қ.Кўчқортоевда, тўлдирувчи ва кўчирма гап доирасида учрайди,³ дейилганига қарамай, унга кенгроқ қарашга тўғри келади. Чунки унинг эътиборида фақат феълларнинг мазмун валентлигигина бўлган. Сифатлар мазмун валентлиги феъллар мазмун валентлигига нисбатан бошқачароқ ва кенгроқ қамровга эга. Улар асосан қуйидагича кўринишларда кузатилади.

1. Сифатнинг мазмун валентлиги гапнинг ажратилган бўлагидан воқеланади. Бунда сифат кесим вазифасида келиб, гап охирида берилади ва ажратилган бўлак ундан кейин қайд этилиб, унинг маъносини аниқлаштиришга, унга қўшимча маъно – изоҳ беришга, бирор характерли томонини кўрсатишга хизмат қилади.⁴ Бундай бўлақлар грамматик жиҳатдан кўпроқ изоҳловчи аниқловчи деб қаралади. Бу изоҳловчи аниқловчилар изоҳланмиш, яъни сифат

¹ Қрнг.: Ғуломов А.Ғ. Содда гап. – 69-б.

² Қрнг.: Кучкартаев И.К. Ўша асар. – С.48-51.

³ Бу ҳақда феълларнинг мазмун валентликлари юзасидан қилган мулоҳазамизда тўхтаганмиз.

⁴ Қрнг.: Ғуломов А.Ғ., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. - Тошкент: ЎОМ. 1961.126-б.; Болтабосва Ҳ. Ўзбек тилида мураккаблашган содда гап. – Тошкент: Фан. 1969. 25-б.

кесимнинг мазмунини ўзида ташийди. Ахир мазмун валентлиги актанги семантикаси валентликни берувчи сўз лексик маъносининг маълум семасига тенг келади. Масалан: *Давра жуда зич: одам қалин* (Ойбек) гапига эътибор берайлик. Бу гапда *зич* сифати кесим вазифасида келган. Ундан кейин берилган *одам қалин* ажратилган изоҳловчиси *зич* сифатининг маъносига аниқлик киритган, маъносини кенгайтирган ҳолда ифодалаган. Айрим ҳолларда бундай ажратилган изоҳловчилар сифат кесим вазифасидаги сўз лексик маъносини тасвирлаш усули билан кенг қилиб ифодалаши ҳам мумкин. Масалан: *Бунда бари гўзал: тим қора оқшом, Юлдузлар боқади тунд ва ёввойи* (А.Орипов). Бу гапдаги *гўзал* сифати ифодалаган кесимнинг мазмун валентлиги актанги *тим қора оқшом, юлдузлар боқади тунд ва ёввойи* ажратилган бўлақларида қайд этилган. Бунда ажратилган бўлақ *гўзал* сўзи лексик маъносини тўғридан-тўғри изоҳлаган эмас, балки тасвир йўли билан ифодалаган.

2. Сифатларнинг мазмун валентлиги гапдаги уюшган бўлақда воқеланади. Бунда сифат кесим вазифасида келиб, гап охирида берилади ва умумлаштирувчи семантикага эга бўлгани ҳолда, кетидан қайд этилган уюшган бўлақлар ўша кенг тушунчанинг ичига кирадиган тушунчаларни ифодалайди.¹ Бу тушунчалар белги билдиради. Умумлашган маънода ифодаланган белгини уюшган ҳолда берилган, яъни ифодаланган майда белгилар изоҳлайди, маъносини очади. Масалан: *Очилган гуллар алвон турли: пушти, қизил, зангори* (Ойбек). Бу гапдаги кесим вазифасида берилган *алвон турли* сифати белги билдириб, у кенг маънога эга, умумлаштирувчи бўлақ ҳисобланади. Кетидан келтирилган *пушти, қизил, зангори* уюшган бўлақлари ўзида унинг мазмунини берувчи, очувчи белги билдирган сифатлардан иборат.

3. Сифатнинг мазмун валентлиги ўхшатиш қурилмасининг эталонида ҳам воқеланади. Бунда ўхшатиш асоси ҳисобланган сифат гапнинг кесими вазифасини ўтайди. Унинг олдида контакт қўлланган ўхшатиш эталони сифат ифода этган белги қандай эканлиги ҳақида аниқлик беради, яъни у сифат мазмун валентлигининг актанги сифатида воқеланади. Масалан: *Орқадаги ер ҳам шудгордай қоп-қора* (А.Мухтор). Бу гапдаги *қоп-қора* сифати кесим вазифасини ўтаган. У ўхшатиш қурилмасининг асоси ҳам ҳисобланади. Сифат олдида контакт қўлланган *шудгордай* сўзи ўхшатиш эталони

¹ Қрғ.: Фуломов А.Ф., Асқарова М.А. Ҳозирги замон ўзбек тили. – 120-б.

бўлиб, у сифатдан англашилган рангнинг қандай эканлик мазмунини берган, яъни сифатнинг мазмун валентлиги актанти сифатида воқеланган. Мазмун валентлиги актанти бундай ҳолатда деярли ўхшатиш шакли билан қўлланади.

4. Сифатнинг мазмун валентлиги киёслаш мазмунли бирикманинг тобе бўлагида ҳам воқеланади. Бунда бирикма кесим бошқарувли бўлгани ҳода, кесим сифат туркумидаги сўзда ифода топади. Тобе бўлак чиқиш келишикли от билан шаклланади. У сифат кесимда ифодаланган белгининг мазмуни ва унинг даражасини кўрсатади. Масалан, *Юзи пахтадан ҳам оқ эди* (Ойбек) гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапдаги сифат кесим *оқ* сифатида ифодаланган. Унинг мазмун валенти воситали тўлдирувчи вазифасидаги *пахтадан* сўзида воқеланган. У кесим вазифасидаги *оқ* сифатининг мазмунини ифодалаш билан бирга даражасини ҳам кўрсатган.

Сифатларнинг мазмун валентлиги гарчи факультатив бўлса ҳам, ниҳоятда фаолдир.

От туркуми билан ифодаланган кесимларнинг лексик-семантик валентликларидан бири сифатида мазмун валентлиги ҳам бор. Улар асосан синтактик жиҳатдан гапда ажратилган бўлак ва уюшган бўлак вазифаларида воқеланади. Уларнинг ажратилган бўлак вазифасида воқеланиши кесим вазифасидаги отнинг гап охиридан ўрин олганида кузатилади. Масалан, *Онам - педагог: аълочи ўқитувчи* гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапда *педагог* сўзи кесим вазифасини ўтаган, от туркуми билан ифодаланган. Унинг мазмунини эса *аълочи ўқитувчи* бирикмаси очиб берган, мазмун валенти актанти сифатида воқеланган. Мазмун валентлиги актанти гапнинг уюшиқ бўлаклари вазифасида воқеланиши ҳам мумкин, дейилган эди. Бунда ҳам от билан ифодаланган кесим гап охирида келади ва у умумлашган семантикага эга бўлади, кетидан уюшган бўлаklar қайд этилади. Бу уюшган бўлаklar кесим вазифасидаги отнинг мазмун валентлигини воқелантирган бўлади. Масалан: *Меҳмонлар – дўстларим: Анвар, Икром, Содиқ ва бошқалар*. Бу гапда от билан ифодаланган кесим *дўстларим* бўлиб, унинг мазмун валентлиги *Анвар Икром, Содиқ ва бошқалар* уюшган бўлаklарида воқеланган.

Равиш билан ифодаланган кесимлар ҳам мазун валентлигига эга бўлгани ҳолда, у ҳам лексик-семантик валентликлар қаторига киради. Бу вазифадаги равишлар ҳам мазмун валентлигини воқелантирар экан, гап охирига жойлашган бўлади ва ўхшатиш асоси

сифатида актантини эталонда акс эттиради. Масалан: *Унинг югуриши жуда тез: худди елдай*. Бу гапда *тез* равиши кесим вазифасини ўтаган ва ўзи ўхшатиш қурилмасининг ҳам таркибидадир. Қурилманинг эталони бўлган *елдай* сўзи кесим ва ўхшатиш асоси бўлган *тез* равишининг мазмун валентлигини вокелангирган. Равиш туркумига оид сўзларда мазмун валентлиги кам кузатилади.

Демак, ўзбек тилидаги сўзларнинг лексик-семантик валентликларидан бири ва фаоли мазмун валентлиги бўлиб, у феъл, сифат, от ва равиш туркумидаги сўзларда кузатилади. Бу валентликнинг актанти феъл туркумидаги сўзларда тўлдирувчи ва кўчирма гап; сифат туркумидаги сўзларда ажратилган бўлак, уюшган бўлак, ўхшатиш қурилмаларининг эталони, қиёслаш мазмунли бирикманинг тобе бўлаги; от туркумидаги сўзларда ажратилган бўлак, уюшган бўлак; равиш туркумидаги сўзларда ўхшатиш қурилмаларининг эталони вазифасида қайд этилади. Актантлар турли тил бирликларида: сўзларда, бирикмаларда, қурилмаларда ва гапларда ҳам акс этиши мумкин.

Адресат (adrastea) валентлиги сўзларнинг лексик-семантик валентликларидан биридир.¹ Адресат валентлиги актанти деярли субъектни ифодалаб келади, яъни шахс билдиради.² Бу жиҳатдан у агенс актантига ўхшаб кетади. Лекин у берган маъносига ва ҳоким сўз билан боғланишига кўра фарқ қилади. Р. Расулов таъбири билан айтганда, бу турдаги субъект агенс бўлиб келган субъектдан мавжуд ҳолатнинг ижрочиси бўлмаганлиги учун эмас, фақат қабул қилувчи субъект бўлганлиги учун ҳам фарқ қилади.³

Кесим вазифасидаги феълнинг адресат валентлигига эътиборни қаратайлик. Масалан, *Мен косани дадамга узатдим*. Гапдаги *мен* сўзи ҳам, *дадамга* сўзи ҳам субъект билдириб келган. *Мен* сўзи узатдим феълдан англашилган агенсни ифода этган. *Дадамга* сўзи ўша феълдан англашилган ҳаракатни қабул қилувчи субъект, яъни адресатни кўрсатган. Бошқача қилиб айтганда, адресат хабар

¹ Қрғг.: Weinrich Н. Textgrammatik der deutschen Sprache. – S.122.

² Қрғг.: Кучкартаев И.К. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. – С91; Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. – С. 42; Золотова Г. А. Коммуникативные аспекты русского синтаксиса. – С.44; Шарипова Ў. Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг маъно валентлиги. – 11-б.

³ Қрғг.: Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке... - С.41. Бошқа бир қатор тилшунослар ҳам худди шу фикрда бўлишган. Қрғг.: Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – Л., 1956. С. 301; Кучкартаев И.К. Ўша асар. Ўша бет; Weinrich Н. Textgrammatik der deutschen Sprache. – S.129.

жараёнида ким томонидандир каузаланган субъект бўлади.¹ Фейлдан англашилган ҳаракатни бажарувчи субъект агенс бўлса, унинг таъсирида ҳаракатни қабул қилувчи субъект адресат ҳисобланади. Агенс грамматик жиҳатдан шахс ва сонда мослашиб, эга ва кесим қўшилмасини таркиб топтиргани ҳолда, адресат феъл томонидан бошқарилади ва объектли бирикмани таркиб топтиради. Агенс маълум ҳолатларда феълнинг лексик-семантик валентлиги бўлса, адресат феъл кесимнинг фақат лексик-семантик валентлигига кўра орттирган актантидир. Адресат актанти семемаси шахс семасига асосланиб, феъл семемасининг шахс семаси билан классемани таркиб топтирган. Бу лексик-семантик валентликнинг воқеланишидир.

Ўзбек тилидаги воқеланган адресат валентликлари актантиларининг типик морфологик шакли жўналиш келишиги бўлади.² Ў.Шарипова, адресат валентлигининг актанти феъл томонидан бошқарилар экан, *атаб*, *қарши*, *қараб* ва ҳ. кўмакчилар билан шаклланиши ҳам мумкин, деб кўрсатади.³

Адресат валентлиги сифат лексик-семантик валентлиларининг ҳам бири бўлиб, феълнинг адресат валентлигига ўхшаш, актанти сифат билан шахс семаси воситасида бирикади. Унинг актанти ҳам сифатдан англашилган ҳолат қаратилган шахс ёки шахслар бўлади. Масалан: *Мухаббатим чексиз барча эл учун* (Э.Воҳид). Бу гапта *чексиз* сифати кесим вазифасида келган. Ундан англашилган ҳолат шахснинг қўлигини билдирувчи *барча эл* бирикмасига қаратилган. Яъни кесим вазифасидаги *чексиз* сифатининг адресат валентлиги *барча эл* бирикмасида воқеланган. Адресат валентлигининг актанти бўлган *барча эл* бирикмаси ҳам учун кўмакчиси билан шаклланган.

От туркумида ифодаланган кесимнинг адресат валентлиги ҳам феъл ёки сифат билан ифодаланган кесимларнинг адресат валентлигидан воқеланишида деярли фарқланмайди. Масалан: *Сигир бояқшига жабр* (Ойбек). Бу гаптаги фаолият билдирувчи *жабр* оти кесим вазифасида келиб, унинг адресат валентлиги актанти *сигир бояқши* бирикувидир. У ҳам жўналиш келишиги билан шаклланган. Айрим ҳолларда от туркуми билан ифодаланган кесимнинг

¹ Қрнг.: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика... – С.127.

² Қрнг.: Кучкартаев И.К. Ўша асар. Ўша бет; Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке... – С.21; Weineich H. Textgrammatik der deutschen Sprache. – S.123; Шарипова Ў. Ўша автореф. – 18-б.

³ Қрнг.: Шарипова Ў. Ўша автореф. – 12-б.

адресат валентлиги қаратқичли аниқловчиларда воқеланиши ҳам мумкин. Бунда қаралмиш ўз адресат валентлиги билан воқеланган от туркумидаги сўз бўлади. Масалан: *Қиз бола – бировнинг хасми* (Ойбек). Бу гапда қаралмиш билан шаклланган кесим *хасми* сўзи бўлиб, у от туркумига мансуб. Унинг адресат валентлиги қаратқич билан шаклланган *биронинг* сўзида воқеланган.

Равишларда адресат валентлиги деярли бўлмайди. У фақат миқдор билдирувчи равишларда кузатилади. Масалан: *Сотқинларга ўлим жазоси оз*. Бу гапда *оз* миқдор равишида кесим ифодаланиб келган. Унинг адресат валенти *сотқинларга* сўзида воқеланган.

Муайян гап кесимининг адресат валентлиги бирор бўлақда воқеланар экан, шу билан унинг агенс ва объект валентлиги актанти ҳам йўлдош ҳолда кузатилади. Айрим ҳоллардагина агенс валентлиги имплицит ифода топган бўлиши эҳтимол. Адресат валентлиги актанти гапда деярли воситали тўлдирувчи вазифасида воқеланади. Бир ҳолдагина қаратқичли аниқловчи вазифасини ўтайди.

Демак, адресат валентлиги кесим вазифасида келган феъл, сифат, от туркумидаги сўзларнинг ҳаммасида бор. У равишларнинг миқдор билдирувчиларидагина кузатилади. Адресат валентлиги актанти деярли шахс билдирувчи сўзлар бўлиб, гапда деярли воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди ва баъзан қаратқичли аниқловчи вазифасида ҳам воқеланади. У гапда шу валентли сўзнинг агенс ва объект валентлиги актанти билан йўлдош ҳолда қайд этилади.

Ўрин (localis) валентлиги лексик-семантик валентликлардан бири ҳисобланади. У асосан кесим вазифасини ўтаган феъл ва сифат туркумидаги сўзларда кузатилади.¹ Шундай бўлгач, кесим вазифасидаги феъл билан ўрин валентлиги актанти семантик жиҳатдан мос бўлиб, ўзаро классемани таркиб топтиради. Масалан, *мактабга бордим* бирикувида *мактаб* оти ‘билим’ ‘олиш’ ‘жой’ семаларидан иборат семаси билан ‘йўналма ҳаракат’ ‘жой’ ‘ет-‘ семаларига эга семемали *бор-* феълига бириккан. Бирикма таркибидаги ҳар икки сўз семемаси таркибида ‘жой’ семаси бўлиб, у классемани таркиб топтирган. Яъни *бор-* феъли нутқда ўз лексик-семантик валентлигига кўра актантини воқелантирган. Бу унинг ўрин валентлиги бўлган.

¹ Қрғн.: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С.127; Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке... - С.21; Шорасулова Ш.М. Содда гап таркибидаги сифатдошли курилмаларнинг семантик-синтактик тадқиқи. Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент. 2005. 18-б.

Ўрин валентлигининг актанги гапда ўрин ҳоли вазифасини ўтайди. У морфологик жиҳатдан жўналиш, ўрин ва чиқиш келишикларидан бири билан турланган бўлади. С.Х.Муҳамедованинг кайд этишича, йўналма ҳаракат феъллари тушум келишликли отни бошқариб келса ҳам, у объект актанги эмас, ўрин актанги эканлиги кузатилади.¹ Масалан, *боғларни кезди* бирикувида йўналма ҳаракат билдирувчи *кезди* феъли бошқариб келган *боғларни* оти ўрин актангидир.

Ўрин валентлиги актанги агеңси сатҳи билан бевосита боғли бўлади.² Агеңс маълум ҳолатда бўлса, ўрин актанги ҳам шу маълум нуқтани, маълум ҳаракатда бўлса, шунга яраша худудни ифода этади.

Феъл ўрин валентлигига эга бўлса, уларда объект ёки мазмун валентлиги кузатилмайди. Бу ўрин валентлигига эга феълларнинг ўтимсизлиги билан боғлиқдир.

Сифатлар ҳам кесим вазифасида лексик-семантик валентларидан ўрин валентлигини воқелантиради. Бу ҳамма лексик маъноли, айниқса, ҳолат билдирувчи сифатларда кузатилади. Чунки сифатлар ўз ҳолатини маълум маконда воқелантиради ва шунга кўра семемасида, албатта, ўрин семаси бўлади. У шу семасига кўра мавжуд ўрин валентлигини ўрин билдирувчи отда воқелантиради. Унинг актанги эса деярли ҳолда ўрин келишиги билан шаклланади. Масалан: *Серфайз шийпонларда ёзиқ дастурхон* (Э.Воҳид). Бу гап кесими вазифасида ҳолат билдирувчи *ёзиқ* сифати келган. У семемасидаги ўрин семасига кўра ўрин валентлигини юзага чиқарган. Шу валентлиги асосида *шийпонларда* сўзини актант қилиб олган. Актант ўрин билдирувчи отдир. У ўрин келишиги билан шаклланган.

Баъзан ҳолат билдирувчи сифатларнинг ўрин валентлиги воқеланган отлар семемасида ўрин билдирувчи ядро сема бўлмаслиги мумкин. Бунда унинг актантини шакллантирган ўрин келишиги ўзи бириккан сўз семемасидаги потенциал семани юзага чиқарганлиги кузатилади. Масалан: *Ўриқларда довуччалар гуж-гуж* (Ойбек). Бу гапда *гуж-гуж* сифатининг ўрин актанги *ўриқларда* сўзидир. *Ўриқ*

¹ Қриг.: Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. – 16-б. Г.А. Наримова ҳам унинг фикрига қўшилади. Қриг.: Ўзбек тилида феълларнинг объект аргументи. – 16-б.

² Қриг.: Муҳамедова С.Х. Ўзбек тилида йўналма ҳаракат феълларининг предикативлиги ва валентлиги. – 15-б.

сўзи бу гапда дарахтни ифодалаган. Дарахтда ўрин потенциал белгиси бўлади. Бу сўздаги ўрин келишиги шу белгини юзага чиқзади.

Ҳолат билдирувчи сифатларнинг ўрин актанти жўналиш келишиги, *-даги* аффикси ва ўрин билдирувчи кўмакчилар билан ҳам шаклланади. Сифатларнинг актанлари келишик ёки кўмакчи билан шаклланиб келар экан, синтактик жиҳатдан гапда ўрин ҳоли вазифасини ўтайди.

Ҳолат билдирувчи сифатларнинг ўрин валентлиги кўп ҳолларда гапда эга вазифасида воқеланади. Бундан кесим вазифасидаги ҳолат билдирувчи сифат мантик урғусини олиб, ўзидаги таъкидни контакт қўлланган ўрин ҳолига қаратганлиги англашилади. Масалан: *Гузар асабий, сергалва* (Ойбек). Бу гапдаги *асабий* ва *сергалва* сифатларида ифодаланган ҳолат, турган гапки, гузардаги оломонга оид. Лекин ёзувчи бу ўринда ҳолатнинг айна гузардаги оломонга оидлигини таъкидламоқчи бўлган. Шунинг учун *гузар* сўзини эга вазифасида бериб, кесим билан контакт қайд этган.

Кесим вазифасидаги отларда ҳам ўрин лексик-семантик валентлик сифатида воқеланади, лекин у ниҳоятда кам кузатилади. Шунда ҳам у асосан касб билдирувчи отларда учрайди. Масалан, *Саид бозорда даллол* гапида *даллол* оти от билан ифодаланган кесимдир. Унинг ўрин валентлиги актанти ўрин билдирувчи *бозор* сўзида юзага чиққан.

Демак, ўрин валентлиги актанти лексик-семантик бўлиб, у асосан кесим вазифасидаги феъл ва сифатларда, кам миқдорда отларда ҳам кузатилади. Улар меъёрий ҳолда ҳол вазифасини ва баъзан сифатларда эга вазифасини ҳам бажаради. Уларнинг актанти асосан ўрин келишиклари, шунингдек, ўрин билдирувчи кўмакчилар билан ҳам шаклланади.

Қурол (*instrumentum*) валентлиги асосан феълларнинг лексик-семантик валентликларидан биридир. У фақат феъл валентлиги бўлиб, актанлари от туркумидаги сўзлардан иборатлиги ҳолда, феъл бошқарувли бирикмаларни таркиб топтиради.¹ Масалан, *пичоқ билан кесмоқ* бирикмаси *кесмоқ* феълнинг қурол валентлиги нутқда воқеланган ҳолатидар. Унда феъл ‘тиғ билан’ ‘қирқиб’ ‘бўлакламоқ’ семаларига эга семемаси *пичоқ* отининг ‘тиғ билан’

¹ Қрғ.: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С.128.

‘кесувчи’ ‘асбоб’ семаларига эга семемаси билан коммуникацияга киришган. *Кесмоқ* феъли курул валентлигини воқелантириб, ‘тиг билан’ ва ‘киркмоқ’ семалари асосидаги классемаси билан семантик синтагмани таркиб топтирган.

Юқоридаги бирикманинг таркиб топишида грамматик вазифани билан кўмакчиси ўтаган. Яъни билан кўмакчиси феълга унинг воқеланган курул актантини боғлаб келувчи грамматик кўрсаткичдир. Бу кўмакчи ўрнида ўрин келишиги кўрсаткичи -да кўшимчасини қўллаш ҳам мумкин.

Субъект феълдан англашилган ҳаракатни бажарар экан, курул актанти ифода этган нарса восита бўлади. Субъект у орқали феълдан англашилган ҳаракатни бажаради. Масалан, *У тичоқ билан нонни кесди* гапида у олмошида ифодаланган субъект феълдан англашилган ҳаракатни *нон* сўзида ифодаланган объектга ўтказди. Буни курул актантидан англашилган *тичоқ* воситасида бажарди.

Демак, курул валентлиги фақат лексик-семантик валентлик бўлиб, фақат феълларда бор. У ўз актантини ўрин келишиги ёки билан кўмакчиси воситасида бошқариб келади ва унинг актанти гапда агенс ва объект валенти актанти билан бирга воқеланади.

Сабаб (causalis) валентлиги сўзларнинг лексик-семантик валентликларидан биридир. У феълларда фаол кузатилади. Феълнинг сабаб валентлиги актанти ундан англашилган ҳаракат ёки ҳолатнинг нима учун амалга оширилганлигини билдиради. Уларда феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатни ҳамма вақт агенс амалга оширгани ҳолда, сабабини сабаб актанти ифодалайди. Феъллардаги актанти билдирган сабаб соф семантикдир. Масалан, *У жанжалкашлигидан жандаллашди* гапидаги *жанжаллашди* феълнинг сабаб актанти *жанжалкашлигидан* сўзида воқеланди. Бунда феъл ўз сабаб актанти билан ‘жанжал’ семаси орқали семантик алоқага киришган ва классемани таркиб топтирган. Шунинг учун бу лексик-семантик валентлик деб қаралади.

Феълларнинг сабаб валентлиги актанти от, сифат, олмош, феъл, равиш туркумидаги сўзларда ифода топади. От туркумида ифода топган сабаб актанти асосан макон келишиклари билан, айниқса, чиқиш келишиги билан шаклланган бўлади.

Сабаб валентлигига барча семантик майдонга оид феъллар эга бўлиши мумкин.

Феълнинг сабаб валентлиги актанти гапда сабаб ҳоли вазифасини ўтайди

Сифатларнинг ҳам сабаб валентлиги бор. У ҳам феълларга ўхшаш ҳолат семаси асосида юзага келган. Масалан: *Кўкнори газабдан бежо* (Ойбек). Бу гапнинг кесими *бежо* сифати билан ифодаланган. Ундан англашилган ҳолатга сабаб бўлган ҳолат *газаб* сўзида ифода топган. У чиқиш келишиги билан шакллланган. Сифат кесимларнинг сабаб валентлиги актанти одатан чиқиш ё ўрин келишиги билан шакллланган бўлади. Улар ё ҳолат билдирувчи от, ё ҳаракат номларида ифода топади, гапда сабаб ҳоли вазифасини ўтайди.

Демак, сабаб валентлиги лексик-семантик валентлик сифатида фақат феъл ва сифатларда бўлади. Улар ҳолат билдирувчи отлар ва ҳаракат номларида вокеланади, чиқиш ва ўрин келишиклари билан шаклланади, сабаб ҳоли вазифасини ўтайди.

Восита (medius) валентлиги лексик-семантик валентликлардан биридир. У кўпроқ феълга хос валентликдир. Феъл вокеланган восита валентлиги актанти билан семантик жиҳатдан мослашади ва классемани таркиб топтиради. Масалан, *мих билан қоқмоқ* бирикмаси *қоқмоқ* феълнинг восита валентлиги нутқда вокеланган ҳолатидир. Унда *қоқмоқ* феъли 'зарб' 'уриш' 'киргизмоқ' семаларидан иборат семемасига 'учи найза' 'киргизиладиган' 'детал' семаларига эга семемаси билан коммуникацияга киришган. *Қоқмоқ* феъли восита лексик-семантик валентлигига кўра 'киргизиладиган' семаси асосидаги классемаси билан синтагмани таркиб топтирган.

Юқоридаги бирикманинг таркиб топшишида грамматик вазифани билан кўмакчиси ўтаган. Яъни билан кўмакчиси феълнинг унинг вокеланган восита актантини боғлаб келувчи грамматик кўрашкичдир. Бу кўмакчи ўрнида *-да* келишик кўшимчасини ҳам қўлиши мумкин.

Гап таркибида гапнинг агенси ва объекти билан феълнинг восита валентлиги актанти бевосита мантқан алоқада эканлиги кузатилади. Агенс феълдан англашилган ҳаракатни бажарар экан, восита актанти референти шубҳасиз восита бўлади. Агенс у орқали ҳаракатни объектга ўтказиши.

Восита валентлиги ҳам ўтимли, ҳам ўтимсиз феълларда бор.

Феълнинг восита валентлиги актанги асосан от туркумига оид сўзларда воқеланади. Баъзан кўрсатиш олмоши ва отлашган сўзларда ҳам кузатиш мумкин.

Восита валентлиги сифат кесимларда ҳам бўлиб, унинг лексик-семантик валентликларидан биридир. У ҳам феълнинг восита валентлигидаги каби феъл билан ҳолат семаси асосида семантик мослашади. Унинг актанги сифатдан англашилган ҳолатнинг юзага келиши учун восита бўлувчи ҳаракат ёки ҳодисани билдиради. Масалан: *ҳар ким ўз бахти, ўз дарди билан банд* (Э.Воҳидов). Бу гапнинг кесими *банд* сифати билан ифодаланган. Ундан англашилган ҳолат *дард* ва *бахт* сўзларида ифодаланган ҳодиса воситасида юзага келган. У *билан* кўмакчиси воситасида шаклланади ва гапда воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди.

От ва равишларнинг лексик-семантик валентликларининг ичида восита валентлиги учрамайди.

Демак, воситали валентлик асосан феъл ва от лексик-семантик валентликларидан ҳисобланади. Ҳоким бўлак ўз валентлиги актанги билан ҳолат классемаси воситасида боғланади ва актанг *билан* кўмакчиси ёки ўрин келишигида шаклланади, гапда воситали тўлдирувчи вазифасини бажаради.

Ҳолат (modus) валентлиги лексик-семантик валентликлардан биридир. Уни Р.Расулов феълнинг ҳам лексик-семантик валентликлари қаторида санаб тўғри хулосага келган деб ўйлаймиз.¹ Ваҳоланки, Ю.Д.Апресян феълнинг семантик валентликлари қаторида тилга олмаган эди.² Феълнинг ҳолат валентлиги нутқда воқеланар экан, унинг актанги феъл билан ҳамма вақт бир хил семага, классемага эга бўлади. Масалан, *чопачона келди* бирикмасида *келди* феъли ‘субъект олдига’ ‘йўналма ҳаракат’ ‘етмоқ’ семаларига эга семема, *чопачона* равиши ‘давомли’ ‘тез’ ‘йўналма ҳаракат’ семаларига эга семема билан қатнашган. Бирикма классемаси ‘йўналма ҳаракат’ семасидан иборатдир. Бу феълнинг ўз актантини лексик-семантик валентликка кўра воқелантирганлигини кўрсатади.

Феълнинг ҳолат валентлиги актанги референти агенснинг феълда қайд этилган ҳаракат ёки ҳолат билан боғли ҳолатда

¹ Қаранг.: Расулов Р. Глаголы состояния в узбекском языке и их валентность. – С.43.

² Қанг.: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С.125-126.

вокеланади. Яъни у агенснинг ҳаракат ёки ҳолатини турли томондан аниқлаштириш вазифасини ўтайди.¹

Феълнинг ҳолат валентлиги асосан равиш туркумига оид сўзларда, яна у феълнинг равишдош хосланган шаклида, шунингдек сифат ва отларда ҳам ифода топади. Туркий сифатлар тарз ҳоли вазифасида кўлланиб, худди рус тилидагига ўхшаб кетади.² Аммо сифатларнинг ҳаммаси ҳам адвербиализацияга учрайвермайди. От туркумига оид сўзлар ҳолат валентлигининг актанти бўлиб келар экан, образли тасвирлар яратилади. Умуман ҳолат валентлигининг актанти қайси туркумда ифода этилганлигига қараб ранг-баранг бўлади.

Ҳолат валентлиги сифатларнинг ҳам лексик-семантик валентликларидан бири бўлиб, у ҳам феълнинг ҳолат валентлигига ўхшаш ёқимlilik семаси асосида юзага келган. Унинг актанти ҳам сифатдан англашилган ҳолатнинг қай тарзда воқеланишини билдиради. Масалан: *Ҳусну малоҳатда тенги йўқ, аъло* (Э.Воҳидов). Бу гапнинг кесими *тенги йўқ* ва *аъло* сифатларида ифодаланган. Улардан англашилган ҳолат тарзи *малоҳатда* сўзи орқали берилган. У равиш туркумида бўлса, шу туркумга хос шаклсиз, от туркумида бўлса, ўрин келишиги билан воқеланади. Келтирилган мисолда у от туркумидаги сўзда қайд этилган ва ўрин келишиги билан шаклланган, тарз ҳоли вазифасини ўтаган.

Демак, ҳолат валентлиги лексик-семантик валентликлардан бири бўлиб, феъл ва сифат туркумидаги сўзларда кузатилади ва улар кесим вазифасини ўтаганда от ёки сифат туркумидаги сўзларда воқеланади. Актантлари от туркумида бўлса, ўрин келишиги билан шаклланади. Улар гапда тарз ҳоли вазифасини бажаради.

Хуллас, сўз лексик-семантик валентликлари агенс, объект, мазмун, адресат, ўрин, қурол, сабаб, восита, ҳолат валентликлари орқали амалга ошади. Сўз шу валентликлари актанти билан лексик маъноларининг бир хил семалари бўлгани учун семантик боғланади. Агенс, объект, мазмун, адресат валентликлари феъл, сифат, от, равиш туркумидаги; ўрин валентлиги феъл, сифат, от туркумидаги; сабаб, ҳолат валентликлари феъл ва сифат туркумидаги; восита валентлиги феъл ва от туркумидаги; қурол валентлиги феъл туркумидаги сўзларда кузатилади. Уларнинг актантлари агенс ва

¹ Қрғг.: Расулов Р. Ўша асар. Ўша бет.

² Қрғг.: Дмитриев И.К. Грамматика башкирского языка. – М. -Л., 1946. С.81.

лентлигида от, олмаш ва отлашган сўзларда; объект, адресат, ўрин, сабаб ва қурол валентликларида отларда; ҳолат валентлигида от ва сифатларда, мазмун валентлигида сўз, бирикма, қурилмаларда воқеланади. Агенс, объект, ўрин валентлари актанти гапда эга; агенс, адресат, қурол ва восита валентликлари актанти воситали тўлдирувчи; объект ва мазмун валентликлари актанти воситасиз тўлдирувчи; ўрин, восита ва ҳолат валентликлари актанти ҳол вазифасини ўтаб келади. Мазмун валентлиги актанти ажратилган, уюшган бўлак ва кўчирма гап бўлиши ҳам мумкин ва ҳатто ўхшатиш қурилмасининг эталони вазифасини ҳам бажаради.

2. Воситали семантик валентлик

Воситали семантик валентлик сўз муайян валентлиги актанти билан бошқа бирор валентлиги актанти орқали семантик боғланишда бўлишидир. Бундай валентлик бошқа тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам мавжуд. У айниқса феъл туркумига оид сўз кесим вазифасида қўлланганда кузатилади. Бунда кесим вазифасидаги феъл гапдаги бирор бўлакни синтактик жиҳатдан бевосита бошқариб келгани ҳолда, у билан семантик жиҳатдан бевосита боғланмайди, яъни классемага эга бўлмайди, балки у шу феълнинг бошқа валентлиги актанти орқали семантик боғланиб келади. Яъни бу валентлик актанти феълнинг бошқа валентлиги актанти билан классема ҳосил қилиб, ўша актанти феъл билан классемага эга бўлади. Феълнинг мақсад, миқдор ва маълум даражада сабаб валентлиги шу характердадир. Уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхтаймиз.

Мақсад (destinatio) валентлиги, айтилганидай, феълнинг воситали семантик валентликларидан биридир. Бироқ у феълнинг лексик-семантик валентликлари қаторида ўрганиб келинди.¹ Буни эса феъл семантикасини унинг мақсад валентлиги семантикаси билан қиёсий таҳлил этилганда тасдиқламади. Бунинг учун *ўқигани мактабга бордим* қурилмасига эътибор қилинса, *ўқигани бордим* бирикмасидаги *бордим* феъли мақсад валентлигининг актанти *ўқигани* сўзи билан семантик алоқага эга эмаслиги маълум бўлади. Бироқ бирикма синтактик бутунликка эга, бошқарув боғланишидадир. Феъл ўзининг ўрин валентлиги актанти *мактабга* сўзи билан 'таълим' семасига кўра классемани таркиб топтирган. *Мактабга* сўзи *ўқигани* сўзи билан бир хил 'таълим' семасига эга. Бу ўринда

¹ Қриг.: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С.125,126.

бормоқ феъли ўзининг мақсад валентлиги актанти билан ўрин валентлиги актанти *мактабга* сўзи орқали семантик боғланишни ташкил қилган, занжирли классемага эга. Шунинг учун уни лексик-семантик деб эмас, воситали семантик валентлик деб қаралади.

Мақсад валентлиги актанти феълдан англашилган ҳаракат ёки ҳолатдан нима мўлжалланганлигини билдиради. У деярли кечим ифодаси билан воқеланади. Масалан, *ўқигани бордим* бошқарув боғланиши *бормоқ* феълнинг мақсад валенти воқеланган ҳолатидир. Мақсад валентлиги актанти бўлган *ўқигани* сўзи кечим билдиради. Мақсад валентлигининг актанти от туркумига мансуб бўлиши ҳам мумкин. Яъни: *меҳмонга бордим*. Мақсад валенти актанти бўлган *меҳмон* сўзи бу коммуникацияда отга хос семантикани эмас, балки 'меҳмон бўлиш' маъноли кечимни билдириб келган.

Феълнинг мақсад валентлиги актанти воқеланар экан, у билан деярли ўрин валентлиги актанти ҳам воқеланади ёки мақсад валентлиги актантида имплицит ифодаланиб туради. Масалан: *ўқигани мактабга бордим* ва *меҳмонга уйга келди* ва ҳ. ларнинг юқоридаги вариантида ўрин актанти мақсад актантида имплицит ифода топган.

От туркумида ифодаланган мақсад валенти актантининг грамматик кўрсаткичи жўналиш келишиги *-га* бўлиб, унинг ўрнини учун кўмакчиси ҳам босади. Мақсад валентлигининг равиш туркумида ифодаланган актанти *-гани* аффикси билан феъл туркумидаги сўздан ясалган бўлади. У тушум келишидаги ҳаракат номининг *кўзлаб*, *мўлжаллаб*, *қараб* равишдошларини орттирган ҳолида шаклланган бўлиши ҳам кузатилади. Масалан: *Кетишини мўлжаллаб турдим* ва ҳ.

Феълнинг мақсад валенти актанти доимо мақсад ҳоли вази-фасида келади.

Сабаб (causalis) валентлиги ҳақида ўзбек тилшунослигида фикр юритган олим фақат Р. Расулов бўлиб, уни лексик-семантик валентликлар қаторига киритади ва шу қараши бўйича таҳлиллар келтиради.¹ Бу маълум даражада тўғри. Унинг айримлари лексик-семантик валентлик, айримлари воситали семантик валентлик ҳисобланади. Бунда феълнинг сабаб валентлиги актанти ё отлашган сифат, ё сифатдош, ё белги билдирувчи отда воқеланади. Уни бошқариб келган феъл деярли ўрин валенти актантини

¹ Қриг.: Расулов Р. Ўша асар. – С.17.

воқелантирган ва уни бошқарган бўлади. Сабаб валенти актантини гарчи феъл синтактик жиҳатдан бошқарган бўлса ҳам, улар ўзаро семантик боғламайди. У ўзини бошқариб келган феълнинг ўрин валенти актанти билан семантик жиҳатдан мослашади ва классемани таркиб топтиради. Масалан: *Ўқолмаганидан институтдан кетди*. Бу семантик қурилмадаги *ўқолмаганидан кетди* феъл бошқарувидаги бўлақлар ўзаро синтактик боғланса ҳам, семантик мослашмаган. *Ўқолмаганидан сўзи институт сўзи билан 'ўқиш' семаси асосида, институтдан кетди бирикмаси 'жой' семаси асосида* классемани таркиб топирган.

Сабаб валентлиги актанти морфологик жиҳатдан от ёки отлашган белги билдирувчи сўз бўлгани ҳолда, эгалик ва чиқиш келишиги қўшимчаси билан шаклланади ёки эгалик билан келиб, сабаб, *сабабли, туфайли, учун* каби кўмакчилар билан қўлланади.

Феълнинг сабаб валентлиги актанти ҳамма вақт синтактик жиҳатдан гапда сабаб ҳоли вазифасини ўтайди.

Микдор (quantus) валентлиги феълнинг воситали семантик валентликларидан биридир. Бироқ уни Ю.Д.Апресян лексик-семантик валентликлардан бири сифатида тилга олади.¹ Тил фактларига у мос келмайди. Чунки *бир тиёла сув ичдим* синтагмасига эътибор берилса, *бир тиёла ичдим* бирикмасидаги микдор валентлигининг актанти *бир тиёла* сўзи феъл билан классемани таркиб топтирмайди. Феъл ўзининг объект валенти актанти *сув* сўзи билан 'суюқлик' билдирувчи классемани, объект билдирувчи *сув* сўзи микдор актанти *бир тиёла* сўзи билан микдор семасига кўра классемани таркиб топтирган. Бу ўринда *ичдим* феъли ўзининг микдор валентлиги актантига объект валентлиги актанти семантикаси орқали боғланган. Шунинг учун уни лексик-семантик валентлик деб эмас, воситали семантик валентлик деб қараш тўғри бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридаги мисолда келтирилган *тиёла* сўзи ҳажм эмас, буюмни билдиради. Аммо у нутқда кўпинча 'ҳажм' маъноси билан қўлланади. Одатда идиш сифатида қўлланивчи буюмлар 'ҳажм' маъносидаги метонимик ҳосила маънони юзага келтиради. Бу ўзбек тилида кўп учрайдиган нутқ ҳодисасидир.² Бунинг учун идиш билдирувчи отлар микдор сонларини аниқловчи сифатида орттирган бўлади.

¹ Қрғг.: Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. – С. 126.

² Қрғг.: Сувонова Р. А. Ўзбек тилида метонимия. - Тошкент: Хапк мероси. 2003. 42-б.

Феълларнинг миқдор валентлиги актанти узунлик, масофа, ҳажм, оғирлик билдириб келиши ҳам мумкин.¹ Юқорида ҳажмга нисбатан миқдор валентлигининг вокеланишини кўриб ўтдик. Унинг масофага нисбатан содир бўлиши ҳам шунга ўхшашдир. Масалан, *уч бекат йўл юрдик* синтагмасига эътибор беринг. Унинг узунлик ёки оғирлик ўлчови ифода этилганда ҳам шу ҳол кузатилади. Масалан: *беш метр газлама олдим ёки ярим кило узум едим* каби.

Феълнинг миқдор валентлиги актанти феъл билан бевосита боғланиши ҳам мумкин. Бунда миқдор валентлиги актанти феълга семантик боғланиши учун восита бўлувчи объект ёки ўрин актанти эллипсисга учрайди ва семантикасини ўз аниқловчисига меросга қолдиради. Яъни нутқда сақланиб қолган аниқловчида нутқий метонимия содир бўлади.² Нутқий метонимияга кўра ўзида объект ё ўринга хос семасини орттирган миқдор актанти феъл билан бевосита семантик боғланаверади. Масалан, *бир стакан сув* бирикмасининг *сув* аниқланмиши эллипсисга учраган ва *бир стакан* унинг семантикасини ўзида сақлаб қолган. Натижада объект семасига эга *бир стакан* бирикмаси феъл билан семантик алоқага киришган ва классемани таркиб топтирган. Шу таҳлилга ўхшаш яна *уч бекат юрдик, беш метр олдим, ярим кило едим* бирикмаларини ҳам таҳлил этиш мумкин. Бу ўринда шулар лексик-семантик валентликка асосланган деб қаралади.

Феълнинг миқдор валентлиги актанти синтактик жиҳатдан гапда миқдор ҳоли вазифасини ўтайди.

Хуллас, феълларнинг воситали семантик валентлиги ўзбек тилида мақсад ва миқдор валентлигини тўла, сабаб валентлигини қисман ўз ичига олади. Мақсад ва сабаб валентликлари актанти ўрин, миқдор валентлиги актанти объект валенти актанти орқали феъл билан семантик алоқада бўлади ва классемани таркиб топтиради. Шулардан сабаб валентлиги тўлалиги билан воситали семантик валентликка мансуб эмас.

¹ Қриг.: Апресян Ю.Д. Ўша асар. Ўша бет.

² Қриг.: Шукуров И.К. Переносное значение слов в узбекском языке. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Тошкент. 1979. С.16; Миртожиев М.М. Переносные значения слов и их манифестация в узбекском языке. Автореф. дисс. ...докт. филол. наук. – Ташкент. 1989. С.27; Суюнова Р. А. Ўзбек тилида метонимия. – 42-б.

3. Шакл семантикаси валентлиги

Туркий тилларда, шу жумладан ўзбек тилида ҳам, сўз валентлиги фақат семема семалари асосида эмас, шакли семантикаси асосида ҳам бўлади.¹ Бундай семантик валентликлар шакл семантикаси валентлиги деб қаралади. Бу феъл, сифат ва от туркумидаги сўзларда, айниқса улар кесим вазифасида қўлланганида кузатилади. Бу валентлик агенс, пайт, контрагент, адресат, ҳолат валентликларида амалга ошади.

Агенс валентлиги кесим вазифасидаги сўзнинг шахс-сон кўшимчаси семантикаси асосида юзага келган валентлигидир. У айниқса феълларнинг шахс-сон категорияси диалектик боғлиқ ҳолда мавжуддир. Кесим вазифасидаги феъл шахс-сон билан тусланган бўлса, табиатан ҳам унда агенс валентлиги кузатилади. Масалан, ўзбек тилидаги *куйладинг* кесими II шахс бирлик шаклида қўлланган. Шунинг учун унинг агенси II шахс бирликдаги кишилик олмоши билан ифодаланади ва гапда эга вазифасида келади. Кесим вазифасидаги феъл ё I, ё II, ё III шахс бирлик шаклида берилса, шунга монант валентликда бўлади ва унга мос кишилик олмошларидан бири агенс актант сифатида сайланади. Улар кўпликдаги I ёки II шахс шаклини олса, *биз ёки сиз* кишилик олмошидан бирини талаб қилади. Кесим вазифасидаги феъл III шахс бирликда бўлса, у III шахс бирликдаги олмошни ҳам, III шахс кўпликдаги олмошни ҳам актант сифатида танлаши мумкин. Бу ўринда гап мантиқига қаралади. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, феълнинг III шахс-сон кўрсаткичи йўқ. Уни ўзбек тилшунослигида ноль кўрсаткичли шакл деб қаралади. Шунга кўра агенс валентлигининг III шахс бирликда намоён бўлишини шакл семантикаси валентлиги сирасида кўрсатиш имконини беради. Бу яна бир ҳодисани шакл семантикаси дейиш учун ҳам имконият туғдиради. Семантик агентив феъллар агенс валентлиги воқеланишини ҳам шакл семантикаси воқеланиши деб айтиш ҳам мумкин. Масалан, аррақаш арралади бирикмаси ўз классемасига эга. Яъни арралади феъли лексик-семантик валентлигини воқелантирган. Шу билан у III шахс бирликда агенси билан мослашган, шакл семантик валентлигини ҳам воқелантирган деса бўлаверади. Айтиш мумкинки, ҳар қандай семантик агентив феъл ҳамма вақт ҳам лексик-семантик, ҳам шакл

¹ Бу фикр дастлаб В.А. Каримжонова томонидан илгари сурилди. Қрғг.: Каримжонова В. А. Ўзбек тилида ўрин келишкли бирикмалар семантикаси. – 42-б.

семантикаси валентлиги билан коммуникацияда бир йўла вокеланган бўлади.

Сифатнинг кесим вазифасида келиши ва шакл семантикаси валентига эга бўлиши ҳам кузатилади. Бу унинг кесим вазифасида шахс-сон билан тусланишига боғлиқ. Унинг шахс-сон кўрсаткичи семантикаси агенс валентлигини юзага келтиради. Аслида шахс-сон кўрсаткичи от кесимли гапларда боғлама вазифасида қўлланади. Сифат ҳам кесим вазифасида от кесим ҳисобланади. Шахс-сон кўрсаткичи от кесимли гапларда эга ва кесимни боғлаш учун синтактик вазифа бажарар экан, эга ва кесимнинг семантик муносабатини таъминловчи умумий сема – классемани таркиб топтиради. Масалан: *Ҳа, мен ҳам гўдакман* (А.Мухтор). Бу гаптаги кесим вазифасида келган *гўдак* сифатига шахс-сон кўрсаткичи *-ман* қўшимчаси қўшилиб келган. У I шахс бирликни билдирувчи семантикага эга ва шунга биноан агенс валентлигини юзага келтирган. Агенс валентлиги гапта I шахс бирликни билдирувчи *мен* кишилик олмошида вокеланган. Унинг I шахс бирликни билдирувчи валентлиги фақат *мен* кишилик олмошида вокеланмай, ўзлик олмошида вокеланиши ҳам мумкин. Лекин у, албатта I шахс бирлик аффиксини орттирган бўлиши шарт. Масалан: *...энди ўзим қарияман* (А.Мухтор). Бу гапта *қарияман* сифат кесимининг агенс валентлиги *ўзим* ўзлик олмошида вокеланган. Мазкур гапта сифат кесим билан унинг агенс актанти вокеланган *ўзлик* олмоши бир хил I шахс бирликни билдирувчи шаклга эга. Уларнинг шакли бир хил, шакли семантикаси ҳам бир хил – классемадан иборат.

Сифат кесим вазифасида шахс-сон шаклини орттириб, агенс валентлигига эга бўлар экан, уни нутқда вокелантириши ҳамма вақт ҳам шарт бўлавермайди, имплицит вокеланиши ва онгда яшаши бор ҳодиса. Бу сифат кесимлигида кўп кузатилади. Сифатнинг агенс валентлиги II шахс бирлик ёки кўпликни сўраган бўлса, у деярли ҳолда имплицит ифода топади.

Кесим вазифасидаги сифат III шахс бирлик ё кўпликда бўлганда ҳамма вақт кўрсаткичсиз келади, шаклланмайди. Уни ноль кўрсаткичли деб қаралади. Шунга қараб уни ноль кўрсаткичли шакл семантикасида деб агенс валентлигининг III шахсга мансуб кишилик олмошида ифодаланган актанти вокелантирилаверади. Масалан: *Улар мол сотишга жуда уста* (Ойбек). Бу гапта *уста*

сифати ноль кўрсаткич билан III шахсни билдирган. У шу семантикасига кўра агенс валентлигини воқелантирган.

Кесим вазифасидаги сифатлар лексик-семаник валентлиги бўйича агенс агентлигини воқелантирган барча ҳолатларда ҳам, улар III шахс ноль кўрсаткичи семантикасига кўра, шакл семантикаси валентлигини воқелантирган бўлади.

Сифат кесимлигидаги шакл семантикасига асосланган агенс валентлиги актанти ҳам, худди феъл кесимлигидаги агенс валентлиги актантига ўхшаб, гап таркибида деярли эга вазифасини ўтайди.

От кесим вазифасида келиб, худди сифатга ўхшаш, шахс-сон кўшимчасини орттиради, шунга яраша шахс семантикаси валентлигига эга бўлади ва агенс актантини воқелантиради. Унинг шакл семантикаси валентлиги сифат шакл семантикаси валентлигидан умуман фарқ қилмайди. Миқдор равишларининг агенс валентлиги ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Мисолларга эътибор қилинг: *Сен шаферсан. Биз кўпмиз.* ва ҳ.

Демак, агенс валентлиги шакл семантикаси сифатида феъл, сифат, от туркумига оид сўзларда ва миқдор равишларида кузатилади. Бу валентлик феълларда шахс-сон кўшимчалари, бошқа туркумдаги сўзларда шахс-сон боғламалари орқали юзага чиқади. Улар уч шахсга мансуб бўлади. Агенс валентликларининг лексик-семантик валентлик ҳолида воқеланганларида ҳам шакл семантикаси валентлигига хос белгилар бор. Улар актанти гапда эга вазифасида ифода топади.

Пайт (temporalis) валентлиги фақат шакл семантикаси валентлигидан иборат. У фақат кесим вазифасидаги сўзларда бўлиб, феъл кесимларнинг замон кўшимчаси, от кесимларнинг боғламалари ва *тур-*, *ўтир-*, *юр-*, *ёт-* кўмакчи феълларининг семантикаси билан боғли ҳолда акс этади.

Феъл кесимлар ҳамма вақт маълум замонни кўрсатиб келади. Улар барча замон шаклини қабул қила олади. Шунга кўра кесим вазифасидаги феъллар албатта қандайдир пайт валентлигига эга бўлади.¹ Улар ўз замон кўрсаткичига монанд пайт ҳоли вазифасидаги сўзни актанти сифатида қабул қилади. Масалан, *куйлайди* феъли келаси замонни билдиргани учун *У саҳнада эртага куйлайди* гапида бугундан кейинги кунни билдирувчи актанти билан

¹ Қриг.: Каримжоновна В.А. Ўзбек тилида ўрин келишкли бирикмалар семантикаси. 7-б.

вокеланган. Пайт валентлиги вокеланган актант деярли пайт равишларида ёки вақт билдирувчи отларда ифода топади ва синтактик жиҳатдан пайт ҳоли вазифасини ўтайди. Ўзбек тилида *тур-, ўтир-, юр-, ёт-* кўмакчи феъллари борки, улар *турибди, ўтирибди, юрибди, ётибди* шаклида кўлланиб етакчи феълга ҳозирги замон маъносини илова қилади.¹ Уларнинг пайт валентлиги актанти ҳам равиш ёки пайт билдирувчи отлардан танланади ва уларнинг ҳам синтактик вазифаси ҳамма вақт пайт ҳоли бўлади. Эътибор беринг: *ҳозирча тўхтаб турибман ёки доимо мўлжаллаб ётибман* ва ҳ.

Бу кўмакчи феъллар бирор равишдош шаклидаги феълга қўшилиб келар экан, унинг аналитик шакли ҳисобланади.

От кесимлар ҳам пайт валентлигига эга бўлгани ҳолда, улар ҳам шакл семантикаси валентлигига мансубдир. Улар сифат туркумидаги сўз билан ҳам, от туркумидаги сўз билан ҳам ифодаланиши мумкин, лекин ҳамма вақт ноль аффиксга эгалиги ҳолда доимийлик замонини кўрсатади. Бу доимийлик замон асосида ҳозирги замон туради. Шунга кўра от кесимнинг пайт валентлиги вокеланади. Масалан: *Жума кунлари халфа ва шогирдлар озод* (Ойбек). Бу гапда *озод* сифати кесим вазифасида келиб, доимий замонни ифода этган. Шунга кўра унинг пайт валентлиги *жума кунлари* актантида вокеланган. Бу бирикма умуман жума кунларини ифодалаган. *Бугун фарзандларга ота-онамиз* (Э.Воҳид) гапидаги от кесим *ота-онамиз* сўзида ифода топган. У ҳам доимий замонни билдирган. Шунга кўра у пайт валентлигини *бугун* сўзида вокелантирган. Бу сўз 'шу кунларда' маъносини беради, яъни доимий замон ифодасига эга.

Кесим вазифасидаги сифат ёки от туркумига мансуб сўзларнинг пайт валентлиги келаси ёки ўтган замонни кўрсатувчи актантни вокелантириши ҳам мумкин. Бунда у боғлама билан қўлланган бўлади. Боғлама сифат ёки отнинг пайт валентлиги актанти қайси замонга мансублигини белгилайди. Масалан: *Ўшанда биз ёш эдик* (А.Мухтор). Бу гапдаги *ёш* сифати кесим вазифасида келган ва *эдик* тўлиқсиз феълини боғлама сифатида орттирган. У ўтган замонни билдиради. Шунга кўра кесим вазифасидаги сифатнинг пайт валентлиги ўтган пайтни билдирувчи *ўшанда* сўзида вокеланган. *Эртага байрам бўлади* гапида от билан ифодаланган кесим *байрам*

¹ Қриг.: Ҳожиев А.П. Ҳозирги замон феъллари // Феъл замонлари. – Тошкент: Фан. 1962. 68-б.; Шу муалл. Феъл. – 156-б.

сўзи бўлиб, *бўлади* боғламасини орттирган. У келаси замонни кўрсатиб келган. Шунга кўра у келаси замонга мансуб валентлик актантини воқелантирган. Бу актант *эртага* сўзида ифодаланган.

Кесим вазифасидаги сифат ва отларнинг пайт валентлиги актанти гапда ҳамма вақт пайт ҳоли бўлиб келади.

Демак, пайт валентлиги шакл семантикаси валентликларидан бири бўлиб, асосан кесим вазифасидаги феъл, сифат ва от туркумига оид сўзларда қайд этилади. Улар замон кўрсаткичи, боғлама ва айрим кўмакчи феъллар семантикаси билан боғли ҳолда юзага чиқади. Бу валентликнинг актанти пайт равишлари ва пайт билдирувчи отларда воқеланади.

Пациенс (patients) валентлиги шакл семантикаси валентликларидан бири бўлиб, асосан феълнинг орттирма нисбати шакли семантикаси билан боғли ҳолатда мавжуддир. Феъл орттирма нисбат шаклини олар экан, унинг семантикасида бир субъект ифодаловчи валентлик ортади. Бу агенс валентлиги бўлади. Феъл орттирма нисбатда каузативга айланади.¹ Яъни у каузалловчи субъект орттиради. Унинг мавжуд субъекти каузаланма мавқеини олади. Каузалловчи субъект, валентлик нуктаи назаридан, агенс валентлигининг актанти бўлиб, каузаланма субъект пациенс валентлигининг актанти ҳисобланади.² Яъни орттирма нисбатга тегишли агенс валентлиги унинг шакли семантикасига асосланган валентликдир.³ Пациенс валентлиги феълнинг орттирма нисбати билан боғли ҳолда мақом олган шакл семантикаси валентлигидир.

Орттирма нисбат ўтимсиз феълдан ҳам ясалиши мумкин. У ҳаракат феълдан ясалган бўлса, юқоридаги каби ҳам агенс, ҳам пациенс валентлигига эгаллиги ҳолда, ҳар иккиси ҳам шакл семантикаси валентлиги бўлиб қолаверади. Масалан, *Вали итини келтирди* гапида *келтирди* феълдан англашилган ҳаракатни бажарувчи пациенс *ит* сўзида, орттирма нисбат шакли семантикаси юзага келтирган каузалловчи субъект, яъни агенс *Вали* сўзида ифодаланган. Гап таркибида агенс эга, пациенс воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади.

¹ Қрғ.: Маҳмудов Н.М. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. 27-б.; Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – 121-б.

² Қрғ.: Зологова Г.А. Очерк функционального синтаксиса русского языка. – С.287; Аъламова М. Ўзбек тилидаги феълларда нисбат категорияси. – Тошкент: Фан. 1992. 62-б.

³ Қрғ.: Маҳмудов Н.М. Ўша асар. Ўша бет.; Расулов Р. Ўша асар. – 97-б.

Демак, пациенс валентлиги агенс валентлиги билан йўлдош ҳолда феълнинг орттирма нисбат шакли семантикаси билан боғли юзага келувчи шакл семантикаси валентлигидир. У асосан воситасиз тўлдирувчи вазифасини ўтайди.

Контрагент валентлиги шакл семантикасидан бири бўлиб, у феълнинг биргалик нисбати шакли семантикаси билан боғли юзага чиқади. Бу нисбатдаги феъл ўзидан англашилган ҳаракатнинг бажарувчисини орттиради. Асосий бажарувчи агенслигича қолиб, кейинги орттирилган субъект унга ёрдамлашувчи контрагент бўлади. Яъни контрагент феълнинг биргалик нисбати семантикаси билан боғли ҳолда юзага келган феълдан англашилган ҳаракат бажарилишида биргалашувчи субъектдир. Масалан: *Тузилган кунимда дадам бувим билан менга ном қидиришибди* (Ғ.Расул). Бу гапда қидиришибди биргалик нисбатидаги феълнинг агенси дадам сўзида ифодаланган бўлиб, феълнинг нисбати шакли семантикасига кўра контрагент валентлиги юзага келган ва у бувим сўзида воқеланган. У гап таркибида деярли воситали тўлдирувчи вазифасини ўтайди.

Феъллардан англашилган ҳаракат фақат бир томонга қаратилган бўлса, улар биргалик нисбатини олганда, контрагент валентлиги орттирилмайди. Бунда фақат агенс миқдори кўп эканлиги ва кўпликдан фаркли ҳолда, ҳаракатни айна бир пайтда баравар бажарганлиги англашилади. Масалан: *Баҳром, Салим ва Ҳикматлар сайр этишибди*.

Демак, контрагент феълнинг биргалик нисбати шакли семантикаси билан боғли валентликдир. У гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади.

Ҳолат валентлиги феълларнинг шакли семантикасига асосланиб ҳам юзага келади. Маълумки, феълларнинг синтетик шакллари ва аналитик шакллари бор.¹

Феълларнинг синтетик шакллари бўлишсизлик, шахс-сон, замон, майл категорияларига мансуб шакллардир. Улардан бўлишсизлик ва майл категориялари шакл семантикаси асосида феълларнинг ҳолат валентлиги мавжуд. Маълумки, феъллар бўлишсизлик категориясига кўра *-ма* шаклини олади.² Феъл бўлишсизлик шакли семантикаси асосида фақат ҳолат валентлигига эга. Бу

¹ Қриг.: Ҳожиев А.П. Лингвистик терминлар изоҳли луғати. – Тошкент: ЎМЭ. 2002. 14,90-б.

² Қриг.: Гуломов А.Ғ. Феъл. – 7-б.; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – 137-б.; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 68-б.

валентликнинг актанти гапда ҳол вазифасини бажаради ва у феъл томонидан бошқарилади. Масалан: *Чинор мутлақо мева бермайди*. Бу гапда *бермайди* феъли кесим вазифасини бажарган ва бўлиш-сизлик шаклида келган. Шу шакли семантикасига кўра у ҳолат валентлигига эга. Бу валентлиги актанти *мутлақо* равишида воқеланган. Унинг актанти тарз ҳоли вазифасини бажарган. У синтактик жиҳатдан ҳамма вақт тарз ҳоли вазифасида бўлади.

Феъллар майли шакли семантикасига кўра ҳам ҳолат валентлигига эга бўлиши ҳақида айтилган эди. Масалан: *Қани бахтимизга вақтида келса*. Бу гапнинг кесими *келса* феълида ифодаланиб, шарт майли билан шаклланган ва ҳолат валентлигини орттирган. Унинг валентлиги *бахтимизга* сўзида воқеланган. Феълларнинг шарт майли семантикасига кўра орттирган валентлиги кўпроқ модал сўзларда воқеланади. Яъни: *кошки ўтирса* каби.

Феълларда мақсад майли семантикасига кўра ҳам ҳолат валентлиги юзага келади. Уларнинг мақсад майли *-моқчи* морфологик шаклига эга.¹ Феъллар мақсад майлининг *-моқчи* шаклини орттирар экан, у юзага келтирган валентлик актанти кўпроқ равишдошларда воқеланади. Масалан, *мўлжаллаб бормоқчи* бирикувида *бормоқчи* феъли мақсад майли кўрсаткичи билан шаклланган. У мақсад майли семантикасига кўра ҳолат валентлигини орттирган ва шу валентлик *мўлжаллаб* сўзида воқеланган. Бу сўз феълнинг равишдош хосланган шаклидир. У синтактик жиҳатдан тарз ҳоли вазифасини ўтаган.

Феълларнинг шакл семантикаси валентлиги аналитик шаклларида ҳам кузатилади. Аналитик шаклли феъллар кўмакчи феъллар воситасида шаклланади. Кўмакчи феъл билан келган феъл кесимлар деярли ҳолда ҳолат валентлигига эга бўлади. Бу валентлик актанти кўмакчи феъл билан семантик мослашади. Масалан, *биратўла ҳисоблашиб қўйди* бирикувида *ҳисоблашиб қўйди* кўмакчили феълнинг ҳолат валентлиги актанти *биратўла* равишида воқеланган. Бу валентлик *қўйди* кўмакчи феъли семантикасига асосан юзага келган.

Ўзбек тилида, А.П.Ҳожиёв кайд этишича, 27та кўмакчи феъл бор.² Шулардан 24тасининг ҳар бири бирор феъл кесим билан қўланиб, аналитик шакл ҳосил қилар экан, уларда албатта ҳолат

¹ Қриг.: Ҳожиёв А.П. Феъл. – 125-б.

² Қриг.: Ҳожиёв А.П. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. – Тошкент: Фан. 1966. 221-б.

валенти бўлади. Лекин унинг воқеланиши факультативдир. Воқеланган ҳолат актанти семантикаси табиий ҳолда феъл кесим шакли вазифасидаги кўмакчи феъл семантикаси билан мос келади. Масалан: *шартта туриб кетди, чўзиб ишлаб ётди, дангал буриб юборди, охиригача ишлаб чиқди* ва ҳ. Бу бирикмаларнинг кўмакчи феъллари етакчи феълга илова қилган маъно билан ҳолат актанти маъносини қиёслаб кўриш мумкин.

Ҳолат валентлиги соф кўмакчиларда ҳам кўзга ташланади. Немис тилшунослигида олд кўмакчи (предлог) лар юзасидан фикр берилиб, у ҳақдаги қонуниятни бошқа томондан характерланган. Г. Хельбиг В.Флемигга ҳавола қилган ҳолда "...валентлик ташувчи предлогни бошқаради, предлог эса ўз навбатида предлогли гуруҳдаги от келишигини бошқаради" дейди.¹ Биламизки, Ҳинд-Европа тилларидаги предлогларнинг грамматик вазифасини ўзбек тилида кўмакчилар ўтайди. Шунга кўра Г.Хельбиг предлогларга нисбатан айтган фикрини кўмакчиларга ҳам қўллаш мумкин. Масалан, *уйга қараб юрди* бирикувида *юрди* феъли *қараб* кўмакчисини бошқарган, яъни унинг валентлигида *қараб* кўмакчиси воқеланган. Ҳам феъл, ҳам кўмакчи бошқарувида жўналиш келишиги билан *уй* оти келган, яъни уларнинг валентлигига кўра от жўналиш келишиги билан ўрин актантда воқеланган. Бу мисолнинг таҳлили Г.Хельбигнинг ҳам, В.Флемигнинг ҳам фикрини қувватлайди. Лекин ўзбек тилида кўмакчи ўзини бошқарган феълга ҳолат валентлигини илова қилади. Феънинг бу валентлиги нутқда воқеланиши мумкин. Масалан: *тўпта- тўғри уйга қараб юрди*. Бу гапда *қараб* кўмакчиси семантикаси бўйича *юрди* феълга илова қилинган ҳолат валентлиги адвербиаллашган *тўпта- тўғри* сифатида воқеланди. Агар *қараб* кўмакчисининг синоними ҳисобланган *томон* кўмакчиси билан алмаштирилса, *тўпта-тўғри* сўзини бу бирикмада қўллаб бўлмас эди. Унинг ўрнига *таҳминан* равишини беришга тўғри келарди. Яъни : *таҳминан уй томонга юрди*.

Демак, ҳолат валентлиги шакл семантикаси валентликларидан бири бўлиб, уни феълда синтетик шакли семантикаси ҳам, аналитик шакли семантикаси ҳам юзага келтиради. Бунда феълнинг синтетик шаклларида бўлишсизлик ва майл аффикслари семантикаси, аналитик шаклларида кўмакчи феъл ва соф кўмакчилар

¹ Қрн.: Stepanova M.D., Helbig G. Wortarten und das Problem der Valenz in der deutschen Gegenwartssprache. – S.225.

семантикаси аҳамият касб этади. Бу валентликлар актанги гапда ҳамма вақт тарз ҳоли вазифасини ўтайди.

Сабаб валентлиги ҳам шакл семантикаси валентлигининг бири сифатида кузатилади. Уни кўпроқ эргаштирувчи боғловчилар ўзи боғланиб келган сўз семантикасига илова қилади.¹ Масалан, *Овқатни емадим, чунки ёқтирмадим* гапига эътибор бериш мумкин. Бу гапдаги *емадим* феълига *чунки* эргаштирувчи боғловчиси семантикаси сабаб валентлигини илова қилган. Сабаб валентлиги актанги эса *ёқтирмадим* феълида воқеланган.

Этакчи сўзга сабаб валентлигини илова қилиш айрим эргаштирув боғловчиларга хос бўлиб, унинг валентлиги факультативдир.

Таъкидлов валентлиги ҳам шакл семантикаси валентлигининг бири сифатида кузатилади. Уни асосан таъкидлов юкламалари ўзи боғланиб келган сўз семантикасига илова қилади. Масалан: *Ҳақиқатан ҳам қора йигит кечқурун келди* (Ў. Умарбеков). Бу гапда ҳам юкламаси семантикаси *келди* феълига таъкид валентлигини илова қилган. Таъкид валентлиги актанги эса *ҳақиқатан* равишида воқеланган.

Этакчи феълга таъкидлов валентлигини илова қилиш фақат таъкидлов юкламаларига хос, унинг валентлиги факультативдир.

Кучайтирув валентлиги ҳам шакл семантикаси валентлигининг бири сифатида кузатилади. Уни асосан айирув юкламалари ўзи боғланиб келган сўз семантикасига илова қилади. Масалан, *фақат сизгина келмадингиз* гапига *-гина* аффиксал юкламаси кучайтирув валентлигини ўзи қўшилган сўздан аввал *фақат* юкламасида воқелантирган.

Юкламалардаги бундай валентлик бошқа юкламаларда ҳам кузатилади. Бу валентлик ҳам факультативдир.

Хуллас, шакл семантикаси валентлиги агенс, пайт, пациенс, контрагент, ҳол, таъкид ва кучайтирув валентликлари орқали амалга ошади. Агенс валентлиги феълларнинг шахс-сон қўшимчаси, сифат, от ва миқдор равиши кесимлигидаги боғламаларнинг шахс-сон кўрсаткичи семантикаси; пайт валентлиги феълларнинг замон, сифат ва от кесимлигидаги боғламаларнинг замон кўрсаткичи семантикаси; пациенс валентлиги феълнинг орттирма нисбат қўшимчаси семантикаси; контрагент валентлиги феълнинг биргалик нисбати қўшимчаси семантикаси; ҳолат валентлиги феълнинг бўлиш-

¹ КрнҒ.:Heidolph K. E. Flämig W.Grundzüge einer deutschen Grammatik. – Berlin.1977.

сизлик ва майл кўшимчаси, шунингдек кўмакчи семантикаси; таъкид ва кучайтирув валентликлари юкламалар семантикаси билан боғлиқдир. Агенс, пациенс ва контрагент валентлилари шахс билдирувчи от ва олмошларда, пайт валентлиги пайт билдирувчи равиш ва отларда, ҳолат валентлиги от ва равишларда, таъкид валентлиги равишларда, кучайтирув валентлиги юкламаларда вокеланади. Гап таркибида агенс атанти эга, пациенс ва контрагент валенти актантлари тўлдирувчи, пайт валенти актанти пайт ҳоли; ҳолат, таъкид ва кучайтирув валентлиги актантлари тарз ҳоли вазифасини ўтайди. Шакл семантикаси валентликлари деярли факультативдир.

4. Мантикий-семантик валентлик

Мантикий-семантик валентлик сўз лексик маъносининг семантик таркиби, яъни семаларига асосланган ҳолда юзага чиқмайди, балки лексик маъно моҳиятига боғлиқ ҳолда, объектив борликда у билан диалектик боғлиқ тушунчаларни ҳисобга олган ҳолда юзага чиқади ва шунга қараб эшвалентга эга бўлади. Масалан, фалсафа нуқтаи назаридан, объектив оламдаги мавжудот маълум маконда яшайди, ундан ташқарида бўлмайди. Шунингдек ҳар бир нарса ўз белгисига эга ва белги нарсада акс этади, кабилар. Шуларга асосланиб ҳам сўзлар валентлик тапшиди ва у воситасида коммуникацияга киришади. Бундай валентлик ўзбек тилида от туркумига мансуб сўзларда кузатилади. Улар учун куйида алоҳида ўрин ажратилади.

Ўрин валентлиги мантикий-семантик валентликнинг бири деб ҳам тан олинади. Бу валентлик актанти от кесим билан умумий классемага эга бўлмайди. У от кесим билан семантик мантиқига кўра алоқага киришади. Чунончи, фалсафий қонуниятга кўра ҳамма нарса, ҳаракат ва ҳолат ҳам маълум макон ва замонда мавжуддир.¹ Маълум бир субъектнинг ҳаракат ва ҳолати маълум бир маконда содир бўлади. Унинг мавжудлиги ва ҳолати ҳам шу маконнинг ўзида мавжуддир. Яъни макон субъектнинг ҳаракат ва ҳолатини ўзида акс эттиради.² Мана шу жиҳатдан субъект, унинг ҳаракат ёки ҳолати билан макон ўртасида диалектик боғлиқлик

¹ Қрғ.: Раҳимов И. Фалсафа. – Тошкент: Университет. 1998. 77-б.

² Р.Расулов худди шу фикрни ҳолат феъллари билан боғли ҳолда илгари сурган эди. Қрғ.: Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – 86-б.

бор.¹ Шунга кўра ҳар қандай семантикага эга от кесим вазифасида келиб, ўрин валентлигини воқелантириши мумкин. Воқеланган ўрин валентлиги актанти деярли ўрин келишиги билан шаклланганлиги кузатилади. Масалан: *Ҳамма ёқда кўркам лолалар, кўм-кўк майсалар* (Ойбек). Бу гапда *лолалар* ва *майсалар* отлари кесим вазифасини ўтаб, уларнинг ўрин валентлиги актанти *ҳамма ёқда сўзи*да ифодаланган. От кесим билан ўрин актанти ўзи умумий боғловчи семага эга эмас, лекин лолалар билан майсаларнинг яшаш макони мантиқан ҳамма ёқдир. У ўрин келишиги билан шаклланган отда ифодаланган ва синтактик жиҳатдан ўрин вазифасида келган.

От кесимнинг ўрин валентлиги актанти гапда эга вазифасида воқеланиши ҳам мумкин. Бунда гап ўрин ҳақидаги янгиликни беришга қаратилган бўлади. Масалан: *Йўлнинг икки юзи нуқул экин* (Ойбек). Бу гапдаги *экин* от кесимининг ўрин валентлиги актанти эга вазифасидаги *йўлнинг икки юзи* иборасидир. Агар кесим ўрин келишиги билан шаклланган, ҳолат билдирувчи от бўлган тақдирда ҳам, ўрин валентлиги актанти эга вазифасидаг отда воқеланади. Масалан: *Юксак тоғлар туманда* (Ойбек). Бу гапнинг кесими ҳолат билдирувчи отда ифодаланган. У ўрин келишиги билан шаклланган. Унинг ўрин валентлиги актанти эга вазифасидаги *тоғлар сўзи*да воқеланган.

Кесим вазифасида қўлланган равишларнинг агенс ва ўрин валентликлари ҳам мантиқий-семантик бўлиши мумкин. Агар у тарз равиши бўлса, агенс валентлиги фаолият билдирувчи отда ифодаланиб, эга вазифасини ўтайди. Масалан: *Фоят тез асрим шиддати* (Э.Воҳид). Бу гапнинг кесими *тез* равишида ифодаланган ва унинг агенс валентлиги фаолият билдирувчи *шиддат* отида воқеланган. У эга вазифасида келган. *Тез* равиши ўз агенс валентлиги актанти *шиддат* оти билан фақат мантиқан боғланган. Кесим вазифасидаги равиш миқдор билдирса, унинг агенс валентлиги актанти шахс билдирувчи от ҳам бўлади. Масалан: *Танимай ўтиб кетаётган одамлар ҳам кўп* (А.Мухтор). Бу гапда кесим миқдор билдирувчи *кўп* равишида ифодаланиб, унинг агенси *одамлар* отида воқеланган. У эга вазифасини ўтаган. Бу ўринда ҳам равиш ва унинг агенс валентлиги актанти ўзаро мантиқан боғланган.

¹ Қриг.: Расулов Р. Ўша асар. Ўша бет.

Кесим вазифасида қўлланган равиш масофа билдириб келса, унинг ўрин валентлиги эга вазифасида воқеланади. Масалан: *Устанинг уйи хийла узоқ* (Ойбек). Бу гапнинг кесими масофа билдирувчи *узоқ* равишидир. Унинг ўрин валентлиги актанти *уй* сўзида воқеланган бўлиб, гапнинг эгаси вазифасидадир. Агар кесим вазифасидаги равиш ҳолат билдириб келса ҳам, худди шу ҳолатни кузатамиз. Масалан: *Маҳалла ... жимжид* (Ойбек). Бу гапнинг кесими *жимжид* сўзи бўлиб, у тарз равишидир. Унинг ўрин валентлиги актанти *маҳалла* сўзи ҳисобланади, гапда эга вазифасида воқеланган. Ҳар икки ҳолатда ҳам равишлар ўз ўрин валентлиги актанти билан мантиқан боғланган, уларни ўзаро семантик боғлаб келган классема йўқ. Шунинг учун ҳам бу валентликларни мантиқий - семантик валентлик деб қаралади.

Белги валентлиги от кесимларнинг мантиқий - семантик валентликларидан бири ҳисобланади. Отлар белги валентлиги актанти билан умумлаштирувчи, яъни классемага эга бўлмайди. Аммо объектив борлиқнинг ҳаммаси ўз белгиларига эга бўлади ва белгилар объектив борлиқдаги нимагадир мансуб эканлиги ҳолда, ундан ташқарида ўзича ҳаёт эмас.¹ Шу мантиққа кўра отнинг, гап таркибида қандай синтактик вазифа: эга, тўлдирувчи, ҳол, кесим вазифасини бажаришидан қатъий назар, белги валентлигига эга бўлиши ва уни воқелантириши мумкин. Масалан: *Отанинг билгани яхши дуодир* (Ғ.Ғулом). Бу гапда от кесим *дуо* сўзида ифодаланган бўлиб, унинг белги валентлиги актанти аниқловчи вазифасида воқеланган *яхши* сўзидир. Қуйидаги гапда эса ўрин ҳоли вазифасидаги от белги валентини воқелантирган. *У яланг* сўзида ифодаланган: *Яланг оёқларида... ковуш* (Ойбек).

Хуллас, от ва равиш туркумига оид сўзлар мантиқий-семантик валентликка эга бўлиб, унда агенс, ўрин ва белги валентликлари воқеланади. Отнинг ўрин валентлиги эга ва ўрин ҳоли вазифасида, белги валентлиги аниқловчи вазифасида ифодаланади. Равишнинг агенс валентлиги эга, шунингдек, ўрин валентлиги ҳам эга вазифасини ўтайди.

Эмотик валентлик ҳақида

Сўзлардаги мавжуд ҳар бир сема уларнинг валентлиги учун асос бўлади. Сўзлар маъносидаги эмосема ҳам эмотик (эмоционал)

¹ Қрғн.: Виноградов Н.С., Кузьмин А.Ф. Логика. - Минск: Изд. БГУ. 1974. С.27.

валентликни юзага келтиради. Шу эмотик валентлик бўйича сўз муайян сўз билан алоқага киришади ва семантик мослашади. Масалан, *зир титради* бирикмасидаги маънода салбий эмоция билдирган эмосема бор. Улар эмосема бўйича мослашган. Агар уларнинг эмосемаси бир хил бўлмаса, феъл валентлигининг актанти сифатида *зир* сўзи танланмасди. Масалан, *гўзал башара* бирикмаси ногўғри тузилган. Чунки *башара* сўзи салбий эмосемали маънога эга, *гўзал* сўзи маъносида ижобий эмосема бор. Бу уларнинг маъноси алоқаси учун имкон бермайди, эмосемалари классемани таркиб топтирмайди. Лекин шуни ҳам айтиш керакки, сўзлар эмосемаси мос келгани билан улар ҳамма вақт ҳам семантик алоқага киришавермайди. Бирор сўз ўз денотатив семасига кўра валентликка эга бўлиб, шу валентликка мос семали маънога эга сўзни актант учун танлайди. Эмосема сўз лексик маъносининг мана шу денотатив семасига йўлдош ҳолда иккинчи сўз билан бирикувида аҳамият касб этади, ўз қимматига эга бўлади. У сўзнинг бирор денотатив семага асосланган валентлигига мингашган ҳолда, унинг воқелантирган актантига шерик бўлади ва биргаликда классемалар таркиб топтиради. Масалан, *чиройли чехра* бирикмасида *чехра* оти 'ёқимли' 'бичимга эга' 'юз' семаларидан иборат семемалидир. Унинг белги валентлигига кўра воқеланган актанти *чиройли* сифатидир. Бу сўзлар аввало 'ёқимли' ва 'бичимга эга' денотатив семалари бўйича классемани таркиб топтирган ва унга мингашган ҳолда ижобийлик семаси ҳам классемани ташкил қилган. Яъни эмотик классема денотатив классемасиз, унга усткурма бўлмаган ҳолда таркиб топмайди. Шу билан бирга денотатив классема ҳам эмотик классема имкониятини четлаб ўтиши мутлақо мумкин эмас.

Эмотик сема сўзларнинг асосан нутқий маъноларида кузатилади. Нутқий маъно, у қайси туркумга мансуб бўлмасин, ўша сўзнинг ҳосила маъноси эканлиги билан характерланади. Бу ҳосила маънони нутқ жараёнида ҳосил қилади.¹ Гап учун танланган сўз нутқий маъно билан қўлланса, тамоман бошқача ҳолат кузатилади. Сўз гап учун танланганда, у нутқий маъно билан қўлланар экан, шу нутқий ҳосила маъно валентликларини воқелантирувчи актантлар ҳам бирга танланади ва гап таркибида берилади. Чунки бусиз

¹ Крнг.: Paul G. Prinzipien der Sprachgeschichte. – Halle. 1920. S.75; Виноградов В.В. Основные типы лексических значений слов // ВЯ. 1953. С.22; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – 131-135-б.; Шукуров И.К. Перенос значения слов в узбекском языке. – С.5.

нутқий маъно мавжуд эмас. Нутқий маъно шу жараёндан ташкарида яшамайди.¹

Хуллас, эмотик валентлик сўзнинг муайян лексик-семантик валентлиги усткурмаси ҳолида воқеланади. У кўпроқ нутқий ҳосила маъноларда кузатилади. Нутқий маънолар нутқ жараёнида ўз валентлиги актантлари куршовида воқеланади, бусиз ҳаёт эмас.

Хулоса

Валентлик сўзнинг лексик маъносига таянган ҳолда мавжуддир. Сўзнинг лексик маъноси қанча мантиқий узв(сема)га эга бўлса, у шу узвларга мутаносиб ҳолда валентларга эга бўлади. Шу сўзнинг лексик маъносига таянган валентликлари қаторига шакли семантикасига таянган валентликлари ҳам киради. Валентлик авто-семантик (мустақил маъноли) ва синсемантик (ёрдамчи маъноли) сўзларда ҳам кузатилади. Нутқий маъноли сўзлар ўз валентлиги билан ҳосил бўлади. У ўзи оид бўлган нутқда ҳосил қилиниб, шу нутқнинг ўзида валентликларини воқелантиради. Улардан қайси бири мантиқий предикат ҳолатида гапда кесим вазифасини ўтаса, у гап қолипни белгилайди. Шуларни эътиборда тутиб, сўз валентлиги ўрганилди.

1.Сўз валентликлари воқеланган актантлари билан қандай семантик алоқада эканлигига қараб тўрт кўринишга бўлинади: 1) лексик-семантик валентлик, 2) воситали семантик валентлик, 3) шакл семантикаси валентлиги, 4) мантиқий-семантик валентлик. Лексик-семантик валентлик сўзнинг маълум лексик маъноси узвига кўра, воситали семантик валентлик ўзи бевосита бошқарган сўз билан ўрин ёки объект валентлиги актантлари орқали, шакл семантикаси валентлиги сўзнинг бирор морфологик шакли семантикасига кўра, мантиқий-семантик валентлик сўзнинг лексик маъноси денотати мантиқига кўра воқеланган валентликларидир.

2.Сўзнинг субъект, объект, мазмун, адресат, ўрин, қурол, сабаб, восита, ҳолат валентликлари лексик-семантик валентликдир. Бунда сўз ўз валентлиги актантлари билан лексик маъноларининг умумий сема (классема) бўлишига кўра боғланади. Булардан субъект, объект, мазмун, адресат, ўрин, қурол, сабаб, восита, ҳолат валент-

¹ Қриг.: Виноградов В.В. Ўша асар. Ўша бет.; Степанов Ю.С. Основы языкознания. – М.: Просвещение. 1966. С.219; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ўша асар. – 123-б.; Шукуров И.К. Ўша автореф. Ўша бет.

ликлари феълларда; агенс, объект, мазмун, адресат, ўрин, сабаб, ҳолат валентликлари сифатларда; агенс, объект, мазмун, адресат, ўрин, восита валентликлари отларда; агенс, мазмун, адресат валентликлари равишларда кузатилди.

3.Сўз валентликларидан феълнинг мақсад, миқдор, сабаб валентлиги воситали семантик валентлик ҳисобланади. Сўз мақсад ва сабаб валентлиги актанти билан ўрин валентлиги актанти воситасида; миқдор валентлиги актанти билан объект валентлиги актанти воситасида семантик боғланади.

4.Сўзнинг агенс, пайт, пациенс, контрагент, ҳолат, таъкид, кучайтирув валентликлари шакл семантикаси валентликларидир. Бунда сўз ўз шакли семантикасига кўра юзага келган валентлиги актанти билан семантик мослашувига кўра боғланади. Булардан агенс, пайт, пациенс, контрагент, ҳолат валентликлари феълларда; шунингдек агенс ва пайт валентлиги сифатларда; ҳолат валентлиги бўлишсиз феъллар, шарт ва мақсад майлидаги, кўмакчили феълларда; кўмакчи билан шаклланган сўзларда; таъкид ва кучайтирув валентликлари юклама билан шаклланган сўзларда кузатилади.

5.Сўз валентликларидан отнинг ўрин ва белги валентликлари мантиқий-семантик валентлик деб қаралади. Бунинг учун ҳамма нарса маконда мавжудлик қонунияти ва нарса белгисиз бўлмаслик қонунияти аҳамият касб этади.

6.Ёрдамчи сўз валентликлари фақат сўз шакли семантикаси валентлигига мансубдир. Чунки ёрдамчи сўзлар коммуникацияда сўз шакли вазифасини ўтайди.

7.Феълларда асосан лексик-семантик валентликлар, сифатларда агенс, объект, ўрин валентликлари, равишларда лексик-семантик валентликлар облигатор бўлиб, қолган валентликлар факультативдир.

8. Айрим валентликлар семантик валентларнинг бирдан ортик кўринишига мансублиги табиийдир. Бунга уларнинг коммуникацияда турли семантика билан воқеланиши сабаб ҳисобланади.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Лексик маъноларнинг мантиқий-семантик асосдаги тадқиқи.....	5
Лексик маъноларнинг семантик майдонларга ажратиш йўлидаги тадқиқи.....	10
Лексик маъноларнинг синтагматик муносабати тадқиқи.....	15
Лексик маъноларнинг парадигматик муносабати тадқиқи.....	20

I боб. Лексик маъно

Сўзнинг лексик, грамматик ва сўзловчининг ўз нутқида муносабатини билдирувчи маъноси.....	26
Лексик маъно ва тушунча.....	30
Узуал ва окказионал лексик маънолар.....	40
Хулоса.....	46

II боб. Лексик маънонинг семантик таркиби

Сема тушунчаси ҳақида.....	48
Семаларнинг семантик майдондаги ўрнига кўра типлари.....	51
Семаларнинг семема тараққиётига кўра типлари.....	59
Семаларнинг сўз семемаси таркибида тутган ўрнига кўра типлари.....	62
Семанинг семемалар синтактик муносабатига кўра типлари.....	69
Хулоса.....	74

III боб. Лексик маъно тараққиёти

Сўз лексик маъносининг ҳосила маъно юзага келтириши.....	76
1)ҳосила маъно юзага келиши ва ёндош ҳодисалар.....	77
2)ҳосила маъно юзага келишининг сабаблари.....	83
3)ҳосила маъно юзага келишининг таснифи: метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлик, тобелилик.....	89
Лексик маънонинг кенгайиши ва тораиши.....	112
Эвфемизм ва дисфемизм.....	119
Хулоса.....	133

IV боб. Лексик маъно типлари

Лексик маъноларнинг тараққиётига кўра типлари.....	136
1)Сўзнинг генетик маъноси.....	136

2)Сўзнинг ҳосила маъноси.....	141
Лексик маъноларнинг ўз референтини ифодалаш хусусиятига кўра типлари.....	143
1)Номинатив маъно.....	143
2)Фигурал маъно.....	145
Лексик маъноларнинг нутқда ифодаланиш ҳолатига кўра типлари.....	148
1)Эркин маъно.....	148
2)Боғли маъно.....	150
Лексик маъноларнинг ясалишига кўра типлари.....	152
1)Ўзак маъно.....	152
2)Ясама маъно.....	153
Хулоса.....	154

V боб. Лексик маъноси миқдорига кўра сўз типлари

Моносемия.....	156
Полисемия.....	158
1)Полисемия ва унга ёндош ҳодисалар.....	161
2)Полисемия манбалари.....	167
3)Полисемия таснифи.....	174
4)Полисемияда лексик маъноларнинг ўзаро боғланишига кўра типлари: бош маъно, асос маъно, тобе маъно.....	176
5)Полисемияда лексик маъноларнинг ўзаро боғланиши кўринишлари.....	182
Хулоса.....	186

VI боб. Лексик маъноларнинг парадигматик муносабатлари

1.Синонимия.....	189
1)Абсолют синонимлар.....	190
2)Семантик синонимлар.....	196
Антонимия.....	215
Корреляция.....	228
Хулоса.....	232

VII боб. Лексик маъноларнинг ўзаро синтагматик муносабати ёки валентлик

Сўз валентлиги таснифи.....	236
Лексик-семантик валентлик.....	242

Воситали семантик валентлик.....	266
Шакл семантикаси валентлиги.....	270
Мантиқий-семантик валентлик.....	279
Эмотик валентлик ҳақида.....	281
Хулоса.....	283

Илмий нашр

М.М.Миртожиев

**Ўзбек тили
семасиологияси**

Муҳаррир: Маҳкам Маҳмудов
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев
Мусаҳҳиҳа: Камола Болтабоева

«MUMTOZ SO'Z»
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти
Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-60-33

Босишга рухсат этилди 15.06.2010. Қоғоз ўлчами 60x84 1/32.
Шартли босма тобоғи 18,0. Нашриёт ҳисоб тобоғи 18,0.
Адади 500. Буюртма 14. Баҳоси келишилган нарҳда

«MUMTOZ SO'Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел.: 241-81-20

ISBN 978-9943-363-65-6



9 789943 363656